

Ўзбекистон Жамғурияти

2001

Тўртинчи фасл

70-йил чиқиши

Адабий-ижтимоий журнал

Муҳаррир
Омон МУХТОР

Таҳририят ҳайъати раҳбари
Ўткир ҲОШИМОВ

ТАҲРИРИЯТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Ҳумоюн Акбаров
Маннопжон Аҳмедов
Асад Дилмуродов
Бойназар Йўлдошев
Бахтиёр Карим
(муҳаррир ўринбосари)
Қуронбой Матризаев
Холмуҳаммад Нуруллаев
Абдулла Орипов

Икром Отамурод
Ботир Парпиев
Ихтиёр Ризо
Муртазо Султонов
Юсуф Файзулло
(масъул котиб)
Ислом Шоғуломов
Тўлепберген Қаипбергенов
Рустам Қосимов

**МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАМФАРМАСИ**

Ойдин Ҳожиева,

Ўзбекистон халқ шоири

МЕНИНГ ДОРИЛФУНУНИМ

Мен «Шарқ юлдузи»га талабалик кезларимда ишга кирганман. Элимизнинг ардоқли ёзувчиси Шухрат ака журналнинг масъул котиби эдилар. Зулфияхонимнинг бир оғиз илтимоси билан мени бу обрўли таҳририятга адабий ходим этиб ишга олишди. Адабий жараён ўша йиллари «Шарқ юлдузи»сиз тасаввур этилмас, журналда чоп этилган ҳар бир роман, қисса, дoston ёки туркум шеърлар адабий жамоатчилик орасида қизғин муҳокама этилар, адабиёт оламининг муҳим янгилиги ҳисобланарди. Устоз Ҳамид Фулом, моҳир таржимон Ваҳоб Рўзиматов, таниқли шоир Ҳусниддин Шарипов, раҳматли Юсуф Шомансур, Суннатилло Анорбоев, маҳоратли ношир Ҳайдарали Ниёзов, Носир Фозилов, ўткир журналист Турғун Пўлат «Шарқ юлдузи»нинг обрўси, эл ичида мухлислари кўпайишида кўп хизматлари сингган ҳақиқий заҳматкаш инсонлар эдилар. Дастлабки кунлари тажрибали ва донғи кетган ёзувчилар билан бирга ишлаш анча қийин туюлди. Бироз пайт ўтгач, улар жуда меҳрибон ва олижаноб инсон эканларига ишондим. Шухрат ака ишлаш йўриғини ҳеч инжимасдан, кенгфёшлик билан ўргатардилар. Бир қўлингда қалам, бир қўлингда ўчирғич, ёнингда оқ бўёқ бўлсин, дердилар. Оригинал тайёрланаётганда тоза, сифатли ва хатосиз бўлишига аҳамият бергин, қизим, дердилар. Баъзан бепарволик қилиб хатолар ўтказсам ёки саҳифа нотоза бўлса, яхшигина койиб ҳам берардилар. Ҳусниддин Шарипов ва Юсуф Шомансур агрофида ёшлар, айниқса кўп бўларди. Ёш шоир ва ёзувчиларни бу икки ажойиб шоир жуда авайлаб-асраб, асарларини таҳрир қилиб, пишитиб журнал саҳифаларига олиб чиқарди. Айниқса, Ҳусниддин Шарипов ўша йиллар дostonчиликда жуда машҳур бўлиб кетгандилар. Қанча-қанча янги дostonлар уларнинг бевосита ҳомийлигида, ташаббуси билан ёзилиб, Ёзувчилар уюшмасининг шўъбасида муҳокама этилгани ва дунё юзини кўрганини айтгим келади. Носир Фозилов жуда кўп қишлоқ ёшларини излаб, топиб шаҳарга олиб келиб яқиндан ёрдам бериб, асарларини чоп эттириб, қаторга қўшганига гувоҳ бўлганман. Ўша пайтлари бош муҳаррирлик қилган катта ёзувчимиз Ҳамид Фулом таҳририятда ишлаётган ёшларни жуда суяб, уларга ҳар томонлама ёрдам берардилар.

Бундай ўйлаб қарасам, биринчи дostonим «Келинчак»дан тортиб туркум шеърларимгача — барчасига «Шарқ юлдузи» бешик бўлган экан. Журналдаги ижодий муҳит, самимият, талабчанлик мени тоблади, асарларимга қанот берди, халққа танитди. Энг яхши кунларимда ҳам, машаққатли дамларимда ҳам «Шарқ юлдузи» ижодий жамоаси мен учун бу улкан шаҳарда энг қадрдон кишимга айланиб қолди.

Сочлари узун, сўлим Сонияхон опа, бош муҳаррирнинг ҳам хатоларини топиб, таҳрир қилувчи матн кўчирувчи Лутфихон ая ҳам меҳрибон опамдай юрагим тўрида туради. Ёшлик йилларимнинг ўн битта баҳори «Шарқ юлдузи» билан гулга кирди. Шоира бўлиб танилдим. Бу табаррук дорилфунун берган нону туз учун умрбод ўзимни қарздор ҳис этаман.

«Шарқ юлдузи» журнапи 70 йиллиғига бағишланган адибларнинг бошқа хотиралари. Уй ва кўзатувлари билан 153—155-саҳифаларда танишасиз.

© Шарқ юлдузи. Тўртинчи фасл



Носир Муҳаммад

ЭЗГУЛИК ВА ЖАҲОЛАТ КУРАШИ

Инсоният янги асрга ва янги минг йилликка катта умидлар билан қадам қўйди. Октябрь тўнтариши ва Шўро тузумининг қонли қадамлари, икки жаҳон урушининг фожиали саҳифалари тарих бўлиб қолди. Бир-бирига душман икки қутбга бўлинган дунё ўрнида кўп қутбли, ўзаро ҳамкорлик ва биродарликка асосланган янги дунё шакллана бошлади. Ядровий уруш хавфи чекилди. Глобаллашув жараёни тобора кўпроқ мамлакатларни қамраб олмоқда. Сармоялар ҳаракати, валюта оқими, технологиялар, ахборот ва ғоялар алмашуви миқёси кенгаймоқда. Айниқса, Интернет ва электрон почтанинг кашф этилиши бу жараёни янада тезлаштирди. Барча мамлакатлар учун жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув, илм-фан ютуқларидан баҳраманд бўлиш имконияти туғилди.

Аммо бири кам дунё, деган нақл бежиз айтилмаган шекилли, инсоният бошига янги таҳдидлар ҳавф сола бошлади. Булар миллий-этниқ ҳамда ҳудудий низолар ва халқаро терроризм балосидир. Уларнинг инсониятга таҳдиди ядро уруши хавфидан кам эмас.

Миллий-этниқ ва ҳудудий низолар кейинги ўн йилда 10 миллиондан ортиқ кишининг ҳаётига зомин бўлди. Европада Босния, Косово ва Македония, МДҲ ҳудудида Қорабоғ, Абхазия, Чеченистон, Яқин Шарқда Исроил-Фаластин, Осиёда Афғонистон ва Кашмир, Африкадаги қатор мамлакатларда рўй берган қонли низолар бунга мисол бўла олади. Агар халқаро ҳамжамият давлатлар ўртасидаги зиддиятлар, айрим мамлакатлар ҳудудидаги миллий-этниқ муаммоларни ўз вақтида бартараф этишга фаол киришмаса, ўзаро биродаркушлиқ урушлари давом этаверади.

Иккинчи жиддий таҳдид — халқаро терроризм офати ҳам миллий-этниқ ва ҳудудий низолар билан узвий боғлиқ. Чунки террорчилар нотинчлик бўлган жойдан бошпана топадилар. Агар мамлакатимизга яқин ҳудудларни мисол қилиб оладиган бўлсак, Афғонистон ва Исроил-Фаластин можаролари терроризмнинг кучайишига сабаб бўлди. Демак, терроризмга қарши кураш узоқ йиллардан бери алангаланиб келаётган низоларни адолатли ҳал этишни ҳам ўз ичига олиши керак.

ХУРОФОТ БАНДАЛАРИ

Буюк француз адиби Эмиль Золя бир пайтлар шундай деб ёзган эди: «Хурофот хавфли нарса. Унга йўл беришнинг ўзи маълум даражада қўрқоқлик аломати. Унга чидашнинг ўзи калтабинлик билан абадий тотувликда яшаш ва ўрта асрчилик зулматини қайта тиклаш дегани эмасми? Хурофот кишини ожиз қиладди, ақлдан оздиради».

11 сентябрь куни Америка Қўшма Штатларининг марказий шаҳарларига қилинган террорчилар хуружини кўрганимда атоқли адибнинг ана шу сўзлари ёдимга келди. Ўша кунги даҳшатли манзаралар ҳамон кўз ўнгимда. Инсоният закосининг маҳсули бўлган иккита 110 қаватли Жаҳон савдо маркази биноси лаҳзалар ичида харобаларга айланди. Минглаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлди. Улар орасида 80 дан ортиқ мамлакат фуқаролари бор экан. Кейинги пайтда АҚШда урф бўлган жангари фильмлардаги воқеалар гўё телевизор экранларидан чиқиб, реал воқеликка айланди.

Хўш, бу ваҳшийликни қандай изоҳлаш мумкин? Ақли-хуши жойида одам шундай ишга қўл урадимми? Замирида қандай мақсадлар ётган бўлмасин, фақат хурофот ақлдан оздирган кимсагина бундай қўпоровчиликни амалга ошириши мумкин.

Ўша куни телевидение хабарлари ва шарҳларни тинглар эканман, қалбимни ташвишли туйғулар қамраб олди. Зеро, баъзи кучлар буни ислом билан масиҳийлик ўртасидаги зиддиятга келтириб боғлашга уриндилар. Янги салиб юришлари қилишга чақирдилар. Хайриятки, Фарб мамлакатлари раҳбарлари бу хатарли даъватларни ўз вақтида бартараф этдилар. Ваҳоланки, жаҳолатнинг, хурофотнинг дини йўқ. Ҳеч бир дин бегуноҳ инсонларни қурбон қилишга, бузғунчиликка чақирмайди. Халқаро террорчилар учун эса дин бир никоб холос. Улар қўпоровчилик, қотиллик билан ўзларининг қабих мақсадларини амалга оширишга интиладилар.

Терроризм кеча пайдо бўлган воқеа эмас. Бунинг учун тарих саҳифаларига бир назар ташлаш кифоя. XII асрда ҳозирги Эрон худудидаги Аламут қалъасида ин қурган Хашшошийлар гуруҳининг қилмишлари бунга мисол бўла олади. Бу гуруҳни ташкил этган Ҳасан Саббоҳ исмли шахс гиёҳванд моддалар ёрдамида ёшларни йўлдан оздириб, улардан зомби — қотиллар тайёрлаган. Бу гуруҳ аъзолари яширинча атрофдаги давлатларга жўнатилган. Исталган пайтда улар ҳукмдорлар ва саркардаларга қарши суиқасдлар уюштиришган. Ўша даврда бир қатор давлатлар подшолари бу қотиллар қўлида ҳалок бўлган. Шаҳобиддин Насавийнинг ёзишича, Хашшошийлар Жалолоддин Мангубердининг ҳаётига ҳам суиқасд қилишга уринишган. Аммо фитна барбод этилган ва барча хуфя суиқасдчилар қиличдан ўтказилган. Фақатгина Хулогухон замонига келиб, Аламут қалъаси тамомила вайрон қилинган ва Хашшошийлар фаолиятига барҳам берилган.

Ҳасан Саббоҳ издошлари бугунги кунда ҳам мавжуд. Саудия Арабистони фуқаролигидан чиқарилган, асли яманлик Усома бин Ладен шундайлардан биридир. АҚШ Давлат Департаментининг маълумотларига кўра, 1992 йилдан буён бин Ладен ва у ташкил қилган «Ал-Қоида» ташкилоти АҚШ ва унинг фуқароларига қарши террорчилик ҳаракатларини амалга ошириб келган. 1998 йилда Кения ва Танзаниядаги АҚШ элчихоналарида уюштирилган портлашлар, 2000 йил октябрида «Коул» ҳарбий кемасига қилинган ҳужум, турли йилларда Саудия Арабистони, Яман ва Сомалида АҚШ ҳарбийларига қарши ҳамлаларда унинг қўли борлиги аниқланган.

2001 йилнинг 29 майида бин Ладеннинг одамларидан 4 киши АҚШда умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Лос-Анжелес халқаро аэропортида портлашнинг ташкил қилиши керак бўлган Аҳмед Рессом исмли террорчи Афғонистондаги бин Ладенга қарашли лагерда тайёргарликдан ўтганлигини, у ерда турли қуроллардан фойдаланиш, портловчи моддалар тайёрлашни ўрганганлигини эътироф этди.

Бин Ладен дастлаб 1979 йилда Покистондаги Пешовар шаҳрида ҳарбий лагерлар барпо этиб, Шўро қўшинларига қарши курашаётган афғон мужоҳидларини тайёргарликдан ўтказган эди. Кейинчалик бу лагерларда таълим олганлар ва Пешовар ҳамда Қандаҳордаги мадрасаларнинг талабалари Толибон ҳаракатининг ўзагини ташкил этди. Бин Ладеннинг моддий ва маънавий мадади билан

Толибон кучлари Афғонистоннинг катта хуудини эгаллаб олди. Сўнги 5 йил ичида у Толибларга нақд пул ва ҳарбий ёрдам тариқасида 100 миллион доллардан ортиқ маблағ берган.

Хорижий матбуот хабарларига кўра, бин Ладеннинг катта шахсий маблағи бор. Бундан ташқари, радикал диний қарашлардаги бадавлат кишилар ҳам унга моддий ёрдам бериб туришади. Жаҳондаги 30 дан ортиқ мамлакатда унинг «Ал-Қоида» ташкилоти билан боғлиқ гуруҳлар бор. Айтилган пайтда, у дунёдаги 50 дан ортиқ ақидапарастлик ташкилотига моддий ёрдам бериб туриши аниқланган.

АҚШ Федерал қидирув бюроси томонидан тўпланган маълумотлар Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларига қилинган террорчилик хуружи ортида ҳам Бин Ладен бошчилигидаги «Ал-Қоида» ташкилоти турганлигини очиқ-ойдин кўрсатди. Бу маълумотлар кўпгина мамлакатлар расмий доираларига билдирилди. Терроризмга қарши ялпи кураш жараёнида мазкур ташкилот ва у билан алоқадор бўлган гуруҳлар фаолияти назорат остига олинди, уларнинг АҚШ ва 20 хорижий мамлакатдаги молиявий ҳисоблари ҳаракатдан тўхтатилди. Европа ва Осиёдаги ўнлаб мамлакатларда махфий фаолият олиб бораётган радикал диний ташкилотлар фаолияти таъқиқланди ва унинг аъзолари таъқиб остига олинди. Масалан, биргина Яманда Афғонистонда жанг қилган ёки у ердаги лагерларда тайёргарликдан ўтган 400 дан ортиқ киши қамоққа олинди.

Жаҳон матбуоти кейинги пайтда ислом ақидапарастлиги хатарли тус олганлигини айтиб, бонг урмоқда. Даҳшатли жиҳати шундаки, ақидапарастлар ўзларини ислом ҳимоячилари деб танитадилар, ўз қарашларини зўравонлик билан, террор ва кўпоровчилик воситасида сингдиришга уринадилар. Аслида диний шиорлар ва даъватлар ортида ҳокимият учун кураш ётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Буни жаҳоннинг нуфузли уламолари ҳам қайта-қайта таъкидламоқдалар. Саудия Арабистони бош муфтийси ва уламолар олий кенгаши раиси шайх Абдулазиз ал-Шайх, Мисрдаги Ал-Азҳар масжиди имом хатиби шайх Мухаммад Саййид ал-Тантави, Қатарлик шайх Юсуф ал-Қарадави, Покистон муфтийси Низомиддин Шамзай ва бошқа дин пешволари террорнинг исломга мутлақо алоқаси йўқлигини айтиб, Бин Ладеннинг қилмишларини қораладилар. 2001 йил 10 октябрь куни Қатарда бўлиб ўтган Ислом конференцияси ташкилоти аъзоларининг учрашувида қабул қилинган расмий баёнотда ҳам террорчилик ҳаракатлари барча динлар таълимотига, умуминсоний ва ахлоқий қадриятларга зид эканлиги қайд этилди.

Шу маънода Францияда чиқадиган «Экспресс» газетасида эълон қилинган бир мақола диққатга сазовор. Унинг муаллифи Бин Ладенга мурожаат қилиб, шундай ёзади: «Ислом олами тараққиётдан ортда қолганлигида сизга ўхшаган одамлар айбдор. Ўрта асрларда мусулмон олами насронийлардан кўра пешқаддам эди. У даҳрийларга бошпана берар, бошқа динларга хайрихоҳлик билан қарар, илм ва санъатга раҳнамолик қилар эди. Сўнгра сизга ўхшаган жаҳолат бандалари сахнага чиқди. Улар муқаддас матнларни нотўғри талқин қилиб, исломнинг моҳиятини бузиб кўрсатдилар, ислом оламини тушкунликка учратдилар».

Буюк Британия бош вазири Тони Блэр ҳам бу фикрларга ҳамоҳанг тарзда шундай ёзади: «...тарихан ислом ҳамиша бошқа динларга хайрихоҳлик билан қараган. Европа зулмат даврида яшаган пайтда ислом олами тараққиёт ва хайрихоҳлик машъали бўлган».

Афсуски, бу оқилона фикрлар, даъватлар айрим хурوفот бандаларига етиб бормаяпти. Улар яна қотиллик, кўпоровчилик ва зўравонликка қўл урмоқдалар. Жазоирда кейинги 10 йил ичида юз мингдан ортиқ одам террор қурбони бўлди. Россия, Ҳиндистон, Туркия, Исроил, Миср ва бир қатор Европа мамлакатларида ҳам бу мавзу ниҳоятда долзарб. Айрим давлатларнинг белгилаган чора-тадбирлари, сайъ-ҳаракатлари, афсуски, кўнгилдагидек самара бермаяпти. Чунки, терроризм бугун халқаро миқёс касб этди. Кўпоровчилик ҳаракатларини бошқарадиган халқаро марказлар вужудга келди. Узига хос «қора интернационал» ташкил топди. Террорчилик ташкилотлари хориждаги кўплаб марказлардан маънавий, молиявий ва ҳарбий мадад олмақда.

ЖАФОКАШ ЮРТ

Афғонистон 22 йил биродаркушлик урушига сахна бўлиб келди. Дастлаб Шўролар тажовузига қарши бошланган кураш кейинчалик сиёсий ва этник гуруҳлар ўртасидаги жангларга айланиб кетди. Илгари ҳам жаҳондаги энг фақир 10 мамлакатдан бири бўлган Афғонистон ночор аҳволга тушиб қолди. Зеро, унинг табиий бойликлари кам, темир йўллари йўқ, саноати яхши ривожланмаган. Аҳолининг тирикчилиги асосан қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Ўзаро урушлар деҳқончиликни ҳам издан чиқарди. Гиёҳванд моддалар етиштириш ва унинг ноқонуний тижорати авж олди. Курул ишлатишдан бошқа нарсани билмайдиган бир авлод шаклланди. БМТ маълумотларига кўра, бугунги кунда Афғонистонда аҳолининг ўртача умри 45 ёш. Ҳар мингга туғилган чақалокдан 150 таси нобуд бўлади. Аёлларнинг 80 фоизидан ортиғи, эркакларнинг ярми ўқиш-ёзишни билмайди.

Америка Қўшма Штатлари бошчилигида терроризмга қарши бошланган уруш жаҳон аҳли диққатини яна бир бор Афғонистонга қаратди. АҚШнинг Си-эн-эн телекомпанияси фақирлик ва жаҳолат оғушида қолган халқнинг аянчли аҳволини, харобага айланган шаҳар ва қишлоқларни мунтазам кўрсатиб борди. Бу манзаралар ҳар бир соф виждонли кишида ачиниш уйғотади. Зеро, бу юрт бизга ҳам бегона эмас. Ўртада бор-йўғи битта дарё бор, холос. Узоқ асрлар мобайнида кўни-кўшни, куда-анда бўлиб келганмиз. Мамлакат шимолида 5—6 миллион тожик, 3—4 миллион ўзбек, бир неча юз минг туркман истиқомат қилади. Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Хусайн Бойқаро каби улуғларимизнинг қабри шу тупроқда. Биз бу мамлакат ва қардош халқлар тақдирига бефарқ қарашимиз мумкинми? Асло.

Мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов 1993 йилдан буён жаҳон жамоатчилиги эътиборини Афғонистон муаммосига жалб этиб келаётганлиги боиси ҳам шу. Бу муаммони адолатли тарзда, музокаралар йўли билан ҳал этишга қаратилган «6+2» гуруҳи ҳам юртбошимиз таклифи билан тузилган эди. Мазкур гуруҳнинг 1999 йил июль ойида Тошкентда БМТ шафелигида ўтказилган учрашуви ва унда қабул қилинган Декларация можаро:и тинч йўл билан ҳал этишнинг дастуриламали бўлиб қолди. Аммо барча келишувлар Толибон томонининг радикал қарашлари, муросасизлиги туфайли амалга ошмай қолаверди.

Толибон бошқаруви Афғонистонда қандай тартибларни жорий этганлиги кўпчиликка яхши маълум. Мусиқа тинглаш, телевизор кўриш, замонавий кийиниш ман этилди. Эркакларнинг соқол ўстириб юриши шарт қилиб қўйилди. Аёлларнинг ишлаши, саккиз ёшдан ошган қизларнинг мактабга бориши таъқиқланди. Тирноқларни бўяш жиноят деб ҳисобланди.

Швецияда чиқадиган «Свенска дагбладет» газетаси «Афғонистон аҳолисининг ярми қамоқхонада» деб ёзганида аёлларини назарда тутганди. Ваҳоланки, Толиблар келгунига қадар Кобул университети студентларининг ярмидан кўпи, мактаб ўқитувчиларининг 70 фоизи, идора хизматчиларининг ярми, врачларнинг 40 фоизи аёллар эди.

Матбуот хабарларига қараганда, генерал Абдурашид Дўстум Афғон ўзбекларининг марказий шаҳри бўлган Мозори Шарифни озод қилгач, ўз фаолиятини Толиблар жорий этган тартибларни бекор қилишдан бошлаган. Аёллар очик юз билан кўчага чиққан, замонавий мусиқа садолари янграган, қаҳвахона ва ресторанлар иш бошлаган. Синчков мухбирларнинг таъкидлашича, сартарошхоналарга одам тирбанд бўлиб кетган....

Афғонистон кейинги йилларда террорчилар тайёрланадиган ва гиёҳванд моддалар етиштириладиган полигонга айланиб қолган эди. Турли мамлакатлардан қувилган ашаддий жиноятчи ва каллакесарлар бу ердан бошпана топдилар. Қўшни мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистоннинг тинчлиги ва барқарорлигига ҳам жиддий хавф туғилди. 1999 ва 2000 йилларда мамлакатимиз ҳудудига қилинган террорчилик ҳамлалари, Тошкентда амалга оширилган портлашлар Афғонистон ҳудудиде режалаштирилган, бу ердаги ҳомийлар томонидан йўналтирилган эди. Аммо террорчиларнинг режалари халқимизнинг қатъий иродаси билан барбод қилинди. Жиноятчилар эса яна Афғонистон ҳудудидан бошпана топдилар. АҚШ бошчилигидаги аксилтеррор ҳаракати террорчилар қароргоҳларини узил-кесил тугатиш имкониятини берди.

АҚШда рўй берган воқеалар мамлакатимиз Президенти Ислон Каримовнинг халқаро терроризмга қарши курашда кучларни бирлаштириш, террорчиларни молиявий жиҳатдан таъминлаб турган халқаро марказларни илдири билан йўқотиш зарурлиги ҳақидаги даъватлари нақадар долзарблигини яна бир бор намойиш этди. Юртбошимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг сессияларида, кўплаб халқаро анжуманларда, жумладан, ЕХХТнинг 1999 йил ноябрь ойида Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган саммитида сўзлаган нутқларида жаҳон жамоатчилиги эътиборини қайта-қайта ана шу мавзуга жалб этганлиги бежиз эмас эди. Терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ тузиш борасидаги таклиф ўз вақтида амалга оширилганида, эҳтимол бунчалик қурбонлар бўлмасди.

Ҳечдан кўра, кеч бўлгани яхши. Бугун бутун дунё аҳли терроризмга қарши ялпи кураш бошлади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши махсус резолюция қабул қилди. Унда БМТ аъзолари террорчилар ва уларнинг хомийларига қарши курашга, террорчилик ташкилотларининг молиявий манбаларини аниқлаш ва улар йўлига ғов қўйишга чақирилган. АҚШ бошчилигидаги аксилтеррор ҳаракат ҳам кенг қўллаб-қувватланди. Оқ уй эълон қилган маълумотларга кўра, жаҳондаги 27 мамлакат АҚШга ўз ҳаво ҳудудидан фойдаланиш ва самолётларини қўндиришга рухсат берган. Жами 100 дан ортиқ мамлакат АҚШ билан ҳамфикр эканлигини билдирган. Дунёдаги 200 дан ортиқ хавфсизлик хизматлари терроризмга алоқадор маълумотларни ўртоқлашиш истагини маълум қилган.

Умумий хавфга қарши ялпи кураш жараёнида «Ал-Қоида» ташкилоти билан алоқада бўлган гуруҳлар фаолияти назорат остига олинди, уларнинг АҚШ ва кўплаб хорижий мамлакатлардаги молиявий ҳисоблари ҳаракатдан тўхтатилди. Европа ва Осиёдаги ўнлаб мамлакатларда махфий фаолият олиб бораётган радикал диний ташкилотлар фаолияти таъқиқланди ва уларнинг аъзолари таъқиб остига олинди.

Ўзбекистон биринчилар қатори бу курашни қўллаб-қувватлади. «Файненшл таймс» газетаси бу ҳақдаги мақоласини «Тошкент олдинги маррада» деб номлаганлиги бежиз эмас. Зеро, биз терроризмнинг нима эканлигини жуда яхши биламиз. Мамлакатимиз Марказий Осиёда терроризмга қарши курашда мустаҳкам қалқон бўлиб турибди. Республикаимиз чегараларини мустаҳкамлаш, мудофаа қудратини юксалтириш, айна пайтда, аҳолининг маърифий савияси ва ҳушёрлигини ошириш борасида қилинган ишлар ўз самарасини бермоқда. Афғонистондаги терроризм ўчоқларининг барҳам топиши, бу жафокаш юртда осойишталик ўрнатилиши эса мамлакатимиздагина эмас, балки бутун Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Халқаро терроризм бугунги кунда фақат айрим мамлакатлар тинчлиги ва хавфсизлигига эмас, балки инсоният ҳаётига хавф туғдирмоқда. У одамзотни ўрта аср жаҳолати ботқоғига тортмоқда. Агар бугун унга қарши қатъий чоралар белгиланмаса, бу борада халқаро ҳамжамият ўз кучларини бирлаштирмаса, эртага бундан ҳам даҳшатлироқ воқеалар рўй бериши мумкин.

Мақолаимизни машҳур бобокалонимиз Абдулқодир Бедилнинг рубойиси билан якунламоқчимиз. У худди давримиз одамларига хитобан ёзилганга ўхшайди:

***Кимки паст-баладга қарагай хушёр,
Иблис малъунлигин англагай ошкор.
Ким қибла билмаса ҳазрат Инсонни,
Ўша лаънатланиб, бўлур шармисор.***

Абдулла Абдунабиев

ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИГА БИР НИГОҲ

Қарийб қирқ йилдан буён тарих фанидан дарс бериб келаман. Ватанимиз ўтмишини ўрганар эканман, аجدодларимизга, уларнинг улкан ишларига, юксак маънавий руҳига тан бериб таъзим қиламан ва бу ҳиссиётни талабалар онгига сингдиришга интиламан.

Тарих одамзоднинг ҳаёт учун курашини, бу жараёнда унинг такомиллашувини, юксалишини, камолотга интилишини акс эттирувчи хотира дафтаридир. Шу билан бирга, тарих — буюк сабоқ мактаби, мураббий ҳам. Абдирауф Фитратнинг «тарих — бу истиқбол тарозуси», деган иборасида чуқур маъно бор. «Ўтган кунлар» романида Абдулла Қодирий «мозийга қараб иш кўриш хайрли», деб бежиз айтмаган.

Президентимиз Ислоҳ Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида таъкидлаганидек, «маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади».

Демак, ўзликни англаш тарихни билишдан, уни идрок этишдан бошланади.

I

Инсоният узоқ асрлар давомида эришган цивилизация, моддий ва маънавий маданиятнинг бугунги даражаси жаҳон халқлари қобилияти, зеҳни, тадбиркорлиги, матонати, тинимсиз меҳнатининг маҳсулидир.

Ҳар бир халқни улуғлайдиган энг муҳим омиллардан бири — унинг ички маънавий-руҳий салоҳиятидир. Уч минг йилдан кўп тарихга эга бўлган ўзбек халқининг руҳияти, унинг маънавий қиёфаси қандай хислатларни ўз ичига олади? Бошқача сўз билан айтганда, ўзбекчилик деганда биз, аввало, нимани тушунамиз?

Бағрикенглик, табиатга эҳтиром, бунёдкорлик, тенгқурлик, ўзгаларга инсоний ҳурмат, ватанпарварлик, покликка интилиш каби умуминсоний фазилатлар ўзбекларга хосдир.

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган урфу одатлари, удумлари, анъаналарида ўз ифодасини топган одамийлик, оилага, фарзанд тарбиясига муносабат, катталарга ҳурмат, ёшларга иззат, меҳр-оқибат, мурувват, андиша, ор-номус каби қадрият мажмуаси ҳам ўзбекчиликдир. Бу фазилатлар илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Хусусан, бундан 21 аср муқаддам битилган хитой манбаларидан маълум бўлишича, Фарғона эркалари аёлларга нисбатан қалбан ҳурмат-иззат кўрсатар, фарзандларини эса сидқидилдан ардоқлаб вояга етказар экан.

Руҳиятимизнинг яна бир кўриниши маърифатга, илм-фанга интилишда намоён бўлди. Милоддан олдинги асрларда ўлкамизда бир неча имлода ёзувлар пайдо бўлди, хунармандчилик тараққий топди, шаҳарсозлик вужудга келди. Тарихий манбаларда кўрсатилганидек, Сўғдиёнада болаларни беш ёшдан бошлаб ёппасига ўқитиш иштиёқи ортди, ўспи-

рин ёшлар илм излаб хорижга бориш ҳоллари ҳам кўпайди. Мирзо Улуғбек Бухорода 1417 йилда қурдирган мадраса пештоқида «Билимга интилиш ҳар бир муслима ва муслимининг бурчидир», деб ёзиб қўйилганлиги кўпчиликка маълум. Ёки, XVII—XIX асрлардаги Ҳафиза Марям, Жаҳон отин — Увайсий, Дилшод Барно, Анбар отин каби отиноийларнинг таълим-тарбия бобидаги саховатли ишларини эслайлик. Ўлкамиздаги жадидчилик ҳаракатининг мазмуни, аввало, маърифатчилик, диний билимларни дунёвий илмлар билан уйғун ҳолда ўрганишга даъват этди. Тарихдан биламизки, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний ва бошқа жадидлар саховатпешалик қилганлар, миллат манфаати учун фидоий бўлганлар.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, халқимизнинг турли жабахаларда эмин-эркин бўлиб ўз фазилатларини намоён этиш, уларни такомиллаштириш, жаҳон цивилизацияси самараларидан кенгроқ фойдаланиш имкониятлари вужудга келди. Хуррият туфайли халқимизда ўз ўзини англаш жараёни тезлашди, миллат шаъни, қадр-қиммати, обрў-эътибори, ор-номуси тимсоли бўлган аждодларимизнинг муборак номлари тикланмоқда, уларнинг инсоният тараққиётига қўшган салмоқли ҳиссалари қайта ҳурмат ила тан олинмоқда. Бугунги кунда ўзликни англаш туйғуси миллатимиз моддий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш ва тараққиётга эришишнинг муҳим омили бўлиб бормоқда...

II

Ўрта асрларда юртимизнинг кўп алломалари ўз кашфиётлари билан жаҳонга машҳур бўлдилар, тамаддун ривожига улкан ҳисса қўшдилар.

IX асрдан бошлаб Марказий Осиёда илм-фан ва маданият кескин юксалди ва бу жараён илк уйғониш (ренессанс) даври бўлиб тарихга кирди. Ўша даврда илмнинг деярли барча соҳалари равнақ топди. X асрда яшаб ижод этган Абу Абдулло ал Хоразмий ўзининг «Илмлар калитлари» асарида ўша пайтда маълум бўлган элликка яқин илмлар таснифини (классификациясини) келтириб, уларни изоҳлайди.

Бундай тараққиётнинг сарварлари олдинги асрда яшаб ижод этган Мусо ал Хоразмий ва Аҳмад ал Фарғоний бўлганлар. Жаҳон маданияти ривожига IX—XII асрларда ўлкамиздан етишиб чиққан кўплаб донишларнинг салмоқли ҳиссалари бор. Хусусан, табобат ва доришunosлик борасида дунёга машҳур бўлган Ибн Синодан ташқари Ал Қумрий, Абу Мансур Қамарий, Шарафутдин ал Илоқий, Исмоил Журжоний каби олимлар самарали ижод қилганлар. Кимё фани равнақига Абу Бакр ар Фозий, Абул Ҳаким ал Косий, геометрия ва тригонометрия ривожига Маҳмуд Чағминий, Шамсутдин Самарқандий, Аълоул Бухорий, фалсафа фанига Ибн Мискавайх каби алломалар катта улуш қўшганлар. Шунингдек, кўп донишмандларимиз тарих, адабиёт, санъат, давлат қурилиши, ҳуқуқшunosлик, тилшunosлик ўлкашunosлик сингари ўнлаб аниқ ва ижтимоий фанларда ўзларининг ёрқин номларини қолдирганлар. Зеро, уларнинг дунёқарашини кенг ва билими теран бўлган.

Машҳур файласуф, табиий фанлар билимдони Абу Наср Фаробий музыка ҳақида ҳам асарлар ёзган, ноталар хусусидаги унинг китоблари ўша пайтлардаёқ лотин, иврит — қадимий яҳудий ва бошқа тилларга таржима этилган экан. Ёки Абу Али Ибн Синони олайлик. Биламизки, бу зот тиббиёт, риёзиёт, фалсафа, жамиятшunosлик соҳаларида беназир асарлар яратган. Шу билан бирга Ибн Сино 10 жилдлик араб грамматикасини ёзган. Фаннинг турли соҳаларини чуқур билган алломалар чинакам қомусий инсонлар бўлганлар.

Ўлкамизда нафақат дунёвий билимлар, аниқ ва ижтимоий фанлар ривож топади. Айни шу даврда ва шу маконда ал Бухорий, ат Термизий каби имомлар ислом концепциясини ишлаб чиқдилар ва ҳадис илми-

нинг султони даражасига етишдилар. Уларнинг садоқатли издошлари Абдурахмон ан Насоий, Абу Мансур ал Мотуридий, Ҳазрати имом ал Шоший, Маҳмуд аз Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Исо Самарқандий каби уламолар мусулмон дунёсининг йирик мутафаккирлари бўлганлар, ўлкамизда сўфийлик асосларини Юсуф Ҳамадоний, Абдухалиқ Гиждувоний, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний тарғиб этганлар ва ривожлантирганлар. Сўнг кубровия, нақшбандия тариқатлари шаклланди.

Демак, бир вақтда, бир юртда ҳам дунёвий фанлар, ҳам диний билимлар ривожланган. Фарб мамлакатларида деярли етти аср давомида инквизиция (зулмат) ҳукм сурган бир пайтда, мусулмон юртларида, хусусан, Марказий Осиёда маънавий-маърифий тараққиёт юксалди. Бу ҳолатнинг асосий сабабларидан бири исломнинг билимга ижобий қарашидандир. Айни пайтда, дунёвий илм аҳли исломни нафақат инкор этмади, балки кўп жиҳатдан унга таянди, мусулмончиликнинг ахлоқий, маънавий томонлари эса уларга мадад берди.

Аждодларимиз ижодининг яна бир хусусияти улар илмининг инсонпарварлигида, билимни амалиёт билан боғлашида, яъни, илмнинг ижтимоий ҳаёт учун зарурлигини англашидандир. Масалан, Мусо ал Хоразмий алгебраик рисоласида, асардан мақсад замон эҳтиёжларини, меъморчилик, зироатчилик, хусусан, суғориш иншоотларини барпо этиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилиш ҳам кўзда тутилган, дейди.

Мамлакатимиздаги кўп тиллилик бу давр маданиятининг муҳим хусусиятларидан биридир. Ўша даврларда кўпчилик туркий, фўрсий ва араб тилларини яхши билган. Шу билан бирга донишмандларимиз бошқа тиллардан ҳам хабардор бўлганлар. Масалан, буюк астроном ва математик, геодезия, геология, минералогия, тарих фанларининг билимдони Абу Райҳон Беруний 7—8 тилни мукаммал билган. Хусусан, у Эвклиднинг «Муқаддима» ва Птоломейнинг «Альмагест» асарларини юнончадан, ўзи яратган «Устурлобия» китобини арабчадан қадимий ҳинд тили-санскритга ўгиргани тарихдан маълум.

Ўзларидан олдин ўтган алломалар мулоҳазаларига ҳурмат, ўз кашфиётларига, тадқиқотларига камтарона муносабат, шу билан бирга дадил ва асосли хулосаларга келиш донишмандларимизнинг яна бир хусусиятидир.

Алломаларнинг илм-фанга бўлган садоқати, машаққатларни енгиб астойдил меҳнат қилишлари, тинимсиз «игна билан қудуқ қазिश»лари унумли самара берди.

Улар яратган илмий асарлар узоқ вақт давомида Шарқу Фарбда ибрат бўлган ва маълум даражада андоза ролини ўйнаган. Юртдошларимиз асарлари Ўрта асрларда турли тилларга таржима қилиниб Франция, Англия, Испания, Италия, Голландия ва бошқа кўп мамлакатларда тарқалди. Масалан, Ибн Синонинг машҳур «Тиб қонуни» асари фақат лотин тилида 30 мартадан ортиқ чоп этилган. Лотинчадан эса, Европа ва бошқа қитъа халқлари тилларида кўп марта нашр қилинган. Тўла бўлмаган маълумотларга қараганда, юздан ортиқ юртимиз донишларининг асарлари ўз даврида лотин тилига ўгирилган ва сўнг бошқа хорижий тилларга таржима қилиниб узоқ вақт мутолаа манбаи бўлган.

X асрдаёқ Рим папаси Сальвесто мураккаб рим рақамлари ўрнига ал Хоразмий қайта ишлаб чиққан «араб рақамларини» амалиётга кириштириш ҳақида фармон берган. XV асрда Австрия ва Италия университетларида ал Фарғонийнинг астрономик асарлари бўйича маърузалар қилинганлиги хусусида голландиялик олим Регимонтон хабар беради. Алломаларимизни машҳур шоир Данте, драматург Шиллер тараннум этган, буюк немис файласуфи Гегел аждодларимиз ижодига юксак баҳо берган. Ойнинг янги кашф этилган икки кратерига ал Фарғоний ва Мирзо Улуғбек номлари берилганлиги ҳақида 1647 йили польшалик Ян Геве-

лий ёзган эди. Мутахассисларнинг айтишича, Абу Наср Фаробий асарларидан Леонардо да Винчи, Бэкон, Коперник, Кеплер, Лейбниц каби Европа олимлари фойдаланганлар.

Бугунги кунда ҳам Англия, Франция, Миср, Туркия, Испания, Германия, Россия, Эрон, АҚШ, Чехия каби мамлакатлар кутубхоналарида юртимиз донишмандларининг ноёб қўлёзмалари авайлаб сақланмоқда.

Ватандошларимизнинг илм-фан соҳасидаги юксак парвозининг боиси нимада?

Бунинг сабабларидан бири Марказий Осиёда ўша пайтларда маърифат ва маданият ривожини учун зарур бўлган муҳит, шарт-шароитлар мавжуд эди. Бухоро, Самарқанд, Хива, Термиз, Марв, Тошкент, Марғилон, Нисо, Ахсикент, Қубо, Хўжанд, Ўш, Боласоғун, Кеш, Кармана, Андижон каби шаҳарларда турли илм даргоҳлари фаолият кўрсатган. Кўплаб мадрасалар ишлаб турган, турли кутубхоналар, китоб бозорлари ва расталари гавжум бўлган. Бу борада машҳур Маъмун академияси, сомонийлар, қорахонийлар, хоразмшоҳлар давридаги давлат арбобларининг илм-фанга бўлган ҳомийлиги ҳам ижобий рол ўйнаган. XIV—XVI асрлардаги маънавий ва маърифий юксалишда Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоийларнинг маданиятга, меъморчиликка бўлган эътибори ҳам муҳим ўрин эгаллаган.

Тарихимизда ўтган донишмандларимиз билан фахрланамиз. Уларнинг илм-фан, маданият соҳасидаги буюк жасорати, бизга — мустақил Ўзбекистон аҳлига нафақат бой мерос, балки катта ибратдир.

III

Мана ўн йилдирки, халқимиз асрлар давомида орзу қилган мустақиллик қўлга киритилди. Бу қисқа даврда миллий қадриятларимиз изчиллик ва сабот билан тикланди, тарихимизнинг номаълум саҳифалари очилди, Ўзбекистонни жаҳон таниди ва тан олди. Ватанимиз дунёга юз тутар экан, заҳматқаш халқимиз қалби ғурурга тўлди. Мустақиллик бизнинг ор-номусимизга, фахру ғуруримизга, виждон ва иймонимизга айланди. Бугунги кунда миллий истиқлол мафқураси кўпмиллатли Ўзбекистоннинг барча аҳолиси учун маънавий асосга айланиб бормоқда.

Маълумки, миллий ғоя бу мамлакатимиз барча халқини олға етакловчи эзгу фикрлар мажмуидир. Миллий мафкура — бу жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, қовуштириб, унинг ўз муддаоларига эришиши учун маънавий-руҳий мадад берувчи ўта муҳим асос, пойдевордир. Демак, миллий ғоя ҳам, мафкура ҳам бунёдкорликка, ҳам-жиҳатликка, барқарорликка, тараққиётга даъват этади.

Шу ўринда «миллий» сўзи хусусида икки оғиз мулоҳаза. Бу сўз нафақат этник, у ёки бу элатга, миллатга оид маънода ишлатилади. Балки, бу сўз умумдавлат мазмунида, яъни, ижтимоий-сиёсий маънода ҳам кенг қўлланилади. Масалан, «миллий даромад» ибораси мазмунини олайлик. Ёки, яқинда биринчи жилди нашрдан чиққан Ўзбекистон миллий энциклопедияси номланишига эътибор берайлик. Бу нодир қомусий китобда мухтасар равишда нафақат Ўзбекистонга доир, балки умумжаҳон цивилизациясига тегишли кўплаб маълумотлар мавжуд.

Миллийлик — бу айирмачилик эмас, аксинча, миллат қадриятларини умуминсоний фазилатлар билан уйғунлашуви, деб ўйлайман. Бошқача сўз билан айтганда, миллийлик — бу ўзликни англаш ва ғурурлилик, бу жаҳон эзгу хислатларидан баҳраманд бўлмоқ.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 25 миллион аҳолидан 7 млнга яқини бошқа миллатларга мансубдир. Шулардан тахминан тўрт миллиони ўзаро рус тили орқали мулоқот қилади.

Ўзбек халқининг бағрикенглиги, тантилиги азалдан аён. Иккинчи жаҳон урушининг аянчли йилларида ночор қолган Украина, Белоруссия ва

Россиянинг гарбий ҳудудларидан бир миллионга яқин кишилар Ўзбекистонга кўчириб келтирилди. Шу жумладан икки юз минг етим ва ғариб болаларни халқимиз ўз бағрига олди ва мурувват кўрсатди. Ўша пайтларда сиёсий қатағонга учраган Волга бўйи, Қрим, Кавказ, Узоқ Шарқ ҳудудларида истиқомат қилаётган бир неча юз минг қрим татарлари, месхети турклари, чеченлар, ингушлар, курдлар, немислар, корейслар ва бошқа мажбуран кўчириб келтирилганлар (сиёсий адабиётда уларни «депортация этилганлар» дейилади) ҳам диёримизда бошпана топди. Уларга ўзбеклар ҳиммат кўрсатди, ҳамдард бўлди.

Ўзбекистон ўзининг узоқ асрлик тарихи мобайнида кўпмиллатли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Ватанимиздаги барча фуқаролар, қайси миллатга мансублигидан қатъий назар Ўзбекистоннинг яхлит ва ягона суверен халқини ташкил этади. Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» деб номланган асарида республика аҳолиси орасида кўпчиликни ташкил қилган ўзбек миллатининг муқаддас бурчларидан бири: «биргаликда ҳаёт кечирувчи кам сонли халқларнинг тақдири учун, уларнинг ўзига хос маданий-маънавий хусусиятларини сақлаб қолиш учун, камол топиши ва ўзлигини намоён этиши учун уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида масъул бўлишдан ҳам иборатдир», деган эди. Бу пурмаъно фикр ҳам ўзбекларнинг маънавий руҳиятидан келиб чиқади.

Юртимизда яшаётган барча аҳоли ҳақли равишда «Ўзбекистон халқи» деб аталади. Бу тарихий-этнографик муштаракликка раҳна етмасин. Бундай ҳамжихатликнинг боқийлиги сиз ва бизнинг ақлу идрокимизга, фаҳму фаросатимизга, инсофу виждонимизга боғлиқ.


Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир» асарида таъкидланганидек, «юртимизда истиқомат қилувчи барча инсонлар учун миллати, тили ва динидан қатъи назар, муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги кафолатланган турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлаш ва шу асосда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига эришиши энг асосий мақсадимиздир». Бу кенг қамровли, теран, фалсафий мулоҳазадир, унинг мазмунини англамоқ виждон амридир.

Шу ўринда яна бир мисолга мурожаат қилишни лозим топдик.

Бундан қарийб эллик йил муқаддам АҚШнинг йирик саноат шаҳарларидан бири — Чикагода «Жаҳон қомусий луғати» деб аталган икки жилдлик салобатли китоб 200 минг нусхада чоп этилган эди. Унда 180 минг атама ва сўзга изоҳ битилган экан. Бу ноёб асарда, «Ўзбек» сўзига ҳам изоҳ берилиб, унда: «Ўзбек — жаҳон халқлари орасида биринчилардан бўлиб, туркий халқлар ўртасида биринчи бўлиб ўтроклашган, маданий турмуш кечирувчи, жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшган миллат», дейилган.

Мутахассис олимлар фикрича, бу қомусий луғатда миллатимизга берилган таъриф холис ва асослидир.

Умумий хулоса шундан иборатки, халқимизнинг маънавий бойлиги, юксак руҳий қиёфаси ҳар биримизнинг юрагимизда мамнуният ҳиссини уйғотади, гурур бағишлайди. Ватан тарихи бизга аждодларимиз яратган, асрлар давомида пешланган фазилатларнинг қадрига етиш, уларни эъзозлаш, янада такомиллаштириш, шундай юксак хислатларга виждонан муносиб бўлиш масъулиятини юклайди.



Миразиз Аъзам

Бу олам муаттар нафасинг билан

*Кел, бироз суҳбат қурайлик бу ўтар дунёсида,
Бир ўлимдан бошқа бизни не кутар дунёсида?*

*Бас, етар елдек югурмоқ бир-бировдан беҳабар,
Кун чиқар бор, сенга маълум, кун ботар дунёсида.*

*Иккимизга ҳар дақиқа, дам ғанимат, англагил,
Бемаҳал кетмоқ аён-ку, бу хатар дунёсида.*

*Бир табассум, бир майин сўз, бир тегинмоқ юзга юз,
Беназир бойлик эмасми гап сотар дунёсида?*

*Миразиз Аъзамга келсак, севгининг ҳар лаҳзаси
Хоҳ тафаккур, хоҳи ишда асқотар дунёсида.*

*Кема сайрига уммонда бўлур аксар тўфон монень,
Менинг сайримда кўйингда бўлолмади бирон монень.*

*Тиконли ё доvonли-жарли йўлларни писанд этмам,
На қақшатқич совуқ бўлгай, на менга қаҳратон монень.*

*Сенинг мавжудлигинг ерда ҳаётимга кафолатдир,
Разил кучлар аромизга қўёлмас ломакон монень.*

*Ўзингнинг офтобига тўёлмай ўлмагим йўқдир,
Бўлолмас сенга етмакка менга икки жаҳон монень.*

*Дема: Эй Миразиз Аъзам, лоф этма, ишқ заҳмати зилдир,
Ваҳм бермаса менга, гарчи йўлимда минг ниҳон монень.*

*Абад икромим улдирки: хоҳи ошкор, хоҳи пинҳон,
Шарафларман сени мангу, бу йўлда йўқ калон монень.*

* * *

Ёнимда сен бўлсанг тунлар ҳам ёруғ,
Бўлмасанг жаннат ҳам бамисли томуғ.

Сен кетсанг кенг олам назаримда тор,
Сен келсанг тор кулбам оламдан улуғ.

Сенсизлик боғимни этгайдир хазон,
Сен-ла боғларимнинг ҳосили бўлуғ.

Бу олам муаттар нафасинг билан,
Севимли бу ҳаёт маънога тўлуғ.

Юрагим чарчамас руҳий жанглардан,
Сенинг борлигиндан — кўнглумдаги туғ.

* * *

Сен, эй тақдир, ишинг доим гоҳи ҳиммат, гоҳи заҳмат,
Сабодай бир силарсан-да бўрондай бир берарсан лат.

Гоҳи минг ёшли тоғларни этарсан остину устун,
Гоҳи минг ёшли чўлларни этарсан Эрами жаннат.

Гоҳи дардли одамларни кўтаргайсан самоларга,
Гоҳи сархуш одамларни йиқишда кўрсатиб шиддат.

Ажиб дастурларинг бордир ақл бовар қилолмас ҳеч,
Неча дониш ақлларга берарсан дам сайин ҳайрат:

Бу дунёнинг бутун асрорини билдим деганларнинг
Қаро айлаб юзин бир кун соларсан бошига ғурбат.

Сен, эй Раббим, мани бундоқ қаро кундан Ўзинг асра,
Менинг кўнглумда бор-йўғи санинг амринггадир рағбат.

Сени таҳлил — йироқ мандан, санинг райинг — манинг райим,
Хунуклардан қочай доим, гўзаллар-ла қуриб суҳбат.

Зулумотни отиб ёнга, гуноҳларни маҳв айлаб,
Ният — нурингга чўммоқдир фақат сендан олиб қувват.

Сенинг ёзмишларинг — қодар — хоҳ у гам, хоҳ қувонч бўлсун,
Фақат яхшига йўйгайман, умид қилгайман ҳар фурсат.

Фақат сен Миразиз Аъзамни ўз бандам десанг басдур,
Топарман солиҳ ишларни яқунлашга азим қурбат.

* * *

Йўқ дема дармон, ҳамма дардга бор илож,
Бу сенинг дардингга аввал лолазор, гулзор илож.

Сўнгра бу гуллар ичинда «Шашмақом» ва «Дилхирож»,
«Чўли Ироқ» — най, сивизға, уд, сато, чилтор илож.

Хуш табиат ҳам наво туймоқ учун санга яна,
Нақ ўзингдек ҳиссиётли, инжа таъбли ёр илож.

Дору, дармону иложсиз дардингга шундан кейин
Кўзлари шахло гўзалдан меҳрибон наззор илож.

Қонли ёшлар тўка-тўка кўр бўлиб қолдим дема,
Кўзларингга бор-йўғи бир лоладай руҳсор илож.

Тур, қўлингга ол тешангни, тоғни ёр Фарҳод каби,
Ширининг келгай қошинга, дардинга рафтор илож.

Миразиз Аъзам ҳақимки, унда ташнис биттадир:
Ҳар маҳал ошиқ йигитнинг дардига дийдор илож.

* * *

Балки бу тадбири Ҳақдир, ўт ёнар чоғдир яна,
Балки бу очгай кўзимни, ўйла сабоғдир яна.

Кенг самодан тор тузоққа қуш келиб ургаи ўзин,
Балки бу оҳанграбо ҳам менга тузоғдир яна.

Ёзмишимга Ҳақ буни ёзган эса, йўқдир илож,
Майли, не қилсанг, бошимни ергача оғдир яна.

Майли, сен қатлимни истаб режалар тузгил, пари,
Розиман мен, бир бошимга минг бало ёғдир яна.

Мен ўзим ҳам жонидан тўйган йигитман, бесабр,
Бу муҳаббат зил ва замбил, жисмима тоғдир яна.

Икки наргисинг хаёли пармалар жоним ичин,
Энди битди жон дегандим, во ажаб, соғдир яна.

Айтсаларки: Миразиз Аъзамни топди деб фано.
Бир кулиб тегранга боққил; ҳар тараф боғдир яна.

* * *

«Бир ғаройиб дилрабоки, кулгуси шўх, тори шўх,
Торини сайратганида гул каби рухсори шўх.

Зулфларининг рақсларию кўзларининг шуъласи,
Лабларининг лаълларию сўйлаган ашъори шўх.

Сўйлаган ашъори ичра ҳар сатрда бир имо,
Таъб нозик, маъни инжа, воҳ, сири-асрори шўх.

Шўрлик ошиқни қўяр ул икки ўт ўртосига,
Бир қаранг инкори шўх-да, бир қаранг икрори шўх.

Найлайин кўнгул асири — мен фақир ношуд эсон
Ҳар сўзим фош айлар элга ул юзи гулнори шўх».

Ошиқ инсонни юпатгай Миразиз Аъзам мудом:
Дўпписин осмонга отсин кимники дилдори шўх.

* * *

Хаёлимда юрар бир ўй: шифо борми мунофиққа,
Асл йўлни зуҳур этган садо борми мунофиққа?

Ҳақиқатга ишонтирган ота бирла она борми,
Ҳукм ёки илм аҳли — даҳо борми мунофиққа?

Нечун битмас ажиб зумра — сўзи бошқа, иши бошқа, —
Наҳот ҳеч бир иложи йўқ, даво йўқми мунофиққа?

Бу қандоқ бир синоатким, мунофиқ айш сураб доим,
Жамоатда, жамиятда баҳо борми мунофиққа?

Ватан борми, улус борми, муқаддам бир хаёл борми,
Аё тақдир, захирангда ҳаё борми мунофиққа?

Дема сен, Миразиз Аъзам, зулм кўрдим мунофиқдан,
У дунёю бу дунёда худо борми мунофиққа?

* * *

Сен, эй дилбар ҳаволанма, бу беш кунлик ҳаёт ичра,
Киши чун, заррача келмас бу чексиз коинот ичра.

Ҳавосиз гар юрар бўлсанг, мани хасдай кўрарлар деб,
Адашма, тут виқорингни баландда одамизод ичра.

Агар Раббинг азиз қилса, рақибинг ҳеч этолмас хор,
Самоларда урарсан чарх, рақиб қолгай уёт ичра.

Элимни ҳур қиларман деб, ўзинг бирла ўзинг чирпин,
Бутун оламни тебратгай сиёҳ сокин довот ичра.

Манам бир аҳли байтам-ку, дея чўмма хаёлларга,
Сенинг ўрнинг баландларда бутун аҳли баёт ичра.

Фақат Ҳақ деб, Ҳақиқат деб, фақат Оллоҳ учун ишла,
Гўзал ажру мукофотлар тайин Мангу Висот ичра.

Билиб айтар бу сўзларни ишонч-ла Миразиз Аъзам,
Агар недир насиб бўлса, насиб бўлгай сабот ичра.

Навоий газалига мухаммас

Ҳеч қачон бахт ўз-ўзидан таппа-тайёр ўлмағай,
Келмаса мавруди фасли ҳеч нима бор ўлмағай,
Во ажаб, кўнглумга бу панду ўгут қор ўлмағай,
Ёр ила бир хилват истарменки, ағёр ўлмағай,
Балки ул хилватнинг атрофида дайёр ўлмағай.

Истарамким, неки дайёр, кўзли ҳайвон қолмағай,
Истарамким, наки ҳайвон, бир тирик жон қолмағай,
Гар тирик жон қолса, жонимда бирон жон қолмағай,
Кўзга кўнглум дардидин йиғларга имкон қолмағай,
Тилга дардим шарҳини айларга гуфтор ўлмағай.

Эй қароматли Илоҳим, кўрсатиб ҳимматниким,
Мен, қулингга, бир ато эт бир ғариб қисматниким, —
Бир малаксиймо бўлойин кўринмас қисватликим, —
Элдин андоқ ёшурур истармен ул хилватниким,
Кўнглум андин воқифу жоним хабардор ўлмағай.

Қатлима ёр аҳд қиларса қулғаменким, ўртада —
Минг ризолик қайди бирла қолғаменким, ўртада —
Воқеотга жонли шоҳид ўлмағайким ўртада —
Ёр буди ичра нобуд ўлғаменким, ўртада,
Ўзгалиқдан демаким, ўзлукдан осор ўлмағай.

Элдин андоқ ёшурун мен хилват истармен, бироқ,
Хилватингнинг сўнгида бўлгай девор, бўлгай туроқ...
Йўқ кафолат ул туроққа келмасига бир қўноқ,
Буки, дерлар бордурур девор кейнида қулоқ,
Ул фазо даврида кўз етгунча девор ўлмағай.

Қанча аҳду қанча асрор — барига минг жон фидо,
Шод юракнинг зарбларидин ҳар тарафда минг садо,
Қўрқаменким, сирни ифшо айлағай деб бу садо,
Махфий асроримга бўлгай ёр лафзидин адо,
Ёрдин айру ва лекин соҳиб асрор ўлмағай.

Миразиз Аъзам, ёнингда дўстларинг кўп кекса-ёш,
Лек, унутма, гапга мойил, сўзга мойил аҳли Шош,
Ўз лабингдан гуллама, ҳар қанча бўлсин орқадош,
Эй Навоий, қилма ҳар ёр олдида сиррингни фош,
Бормудур имкониким, ул ёрга ёр ўлмағай?!

Машраб ғазалига мухаммас

Оллоҳ буюрса агар, Мажнундай севай дерман,
Ҳар не миннатиң бўлса, қошимга қўяй дерман,
Жабру жафоларингни инъомдай билай дерман,
Ишқинг ўтига дилбар, ҳар дам чу қўяй дерман,
Қоним билан, эй жонон, оламни бўяй дерман.

Кўйингдан чиқиб агар, ёт элга гузар қилсам,
То ўлгунча номингга тирноқча зарар берсам,
Жаврингдан ўзга жавр кўнглумда тилар бўлсам,
Юзинг била қошингдин ўзгага назар солсам,
Ханжар олубон қўлга кўзумни ўяй дерман.

Фақат рози бўлмасман ишқимдин чўкар бўлсанг,
Минг бора розидирман бағримни сўкар бўлсанг,
Бир бора оҳ урмасман қаддимни букар бўлсанг,
Мужгон ўқидин, дилбар, қонимни тўкар бўлсанг,
Ул шамъи жамолингга парвона бўлай дерман.

Бу дунё ҳаётида хаста бўлубон юрдум,
Улфатда, жамоатда пастда бўлубон юрдим,
Шошмадим, ҳовлиқмадим аста бўлубон юрдим,
Мен дашти муҳаббатда баста бўлубон юрдим,
Эй соқий, аёғ сунғул, тўйгунча ичай дерман.

Биломан, ишқ оташи ёмон тоблар тобини,
Кимдир кўтармас ёрнинг ҳажрию итобини,
Мен ўлгунча ёзарман муҳаббат китобини,
Раҳм айласа гар дилбар ҳам очса ниқобини,
Мен хастасиман, дўстлар, тўйгунча кўрай дерман.

Бекарам бу заминда кун кўрмассиз одамдин...
Битта нигоҳ дардида сендек қоши қаламдин,
Кечди Миразиз Аъзам сон-саноқсиз санамдин,
Машраб сени деб, дилбар, кечди икки оламдин,
Раҳм айлагин, эй жонон, биргина кўрай дерман.



Қайдандир оқади бир қўшиқ

Изҳор



Машраб Бобоев



Бир сўз бор бетақрор қадрга эга,
Шу сўз юрагимга эшлик қилади.
Ҳар бир инжа сас ҳам, ҳар наво менга
«Ўзбекистон!» бўлиб эшитилади.

Булоқ кўз очади, сувлар шилдирар,
Қушлар бир-бирига қараб чулдирар...
Она табиатда бор овоз менга
«Ўзбекистон!» бўлиб эшитилади.

Тунда бутун борлиқ тин олар, ухлар,
Ойдинда кезинар ошиқ-маъшуқлар.
Уларнинг муҳаббат шеваси менга
«Ўзбекистон!» бўлиб эшитилади.

Она алла айтар, келинлар ялла,
Гўдак қийқириғи янграр баралла.
Нуроний отахон дуоси менга
«Ўзбекистон!» бўлиб эшитилади.

Олислардан келар аждодлар саси,
Мангу сўнмагайдир улар нафаси.
Уларнинг ҳар битта каломи менга
«Ўзбекистон!» бўлиб эшитилади.

«Истиқлол!» деб ўтди неча-неча жон,
Истиқлол йўлида жонлари қурбон.
Уларнинг муқаддас армони менга
«Ўзбекистон!» бўлиб эшитилади.

Ёйдек эгик эди халқимнинг қадди,
Бугун алиф эрур унинг қомати.
Ҳар забардаст қадам товуши менга
«Ўзбекистон!» бўлиб эшитилади.

Ўзингга хос йўлни танлаб олдинг сен,
Шу йўлга Йўлбошчи сайлаб олдинг сен,
Ошиғи олчи халқ, ҳар ишинг менга
«Ўзбекистон!» бўлиб эшитилади.

Боғлагум

Мен сени банди этиб, қўлларингни боғлагум,
Қочмоқ умидин қилма, йўлларингни боғлагум!

Мендай моҳир сайёд йўқ, гўзаллар одатича
Хиёнатга майли бор дилларингни боғлагум!

Дудуқланиб қолурсан, нажот-тавалло қилсанг,
Бир ўтли бўса бирла тилларингни боғлагум!

Майли, қаҳр қилиб кўр, қаҳринг менга чикора,
Тоғу тошни кўпорган селларингни боғлағум!

Лекин мендан норизо қолмагайсан оқибат,
Юзингда ҳам ўн саккиз йилларингни боғлағум!

Юрагингда бир умр унгай анвойи гуллар,
Мен даста-даста қилиб гулларингни боғлағум!

Мен — ягона тақдиринг, ўзга тақдир излама,
Ношукуру исёнкор феълларингни боғлағум!

Йўлларингни боғлағум, белларингни боғлағум,
Феълларингни боғлағум, тилларингни боғлағум!..

Мен билган сир

Умримизда бир маёқдир,
Жонимиздан азизроқдир,
Лекин зилдир, зил бир тоғдир —
Сен билган сир,
Мен билган сир!

Қилоламан на мен хитоб,
Бероласан на сен жавоб,
Сенга азоб, менга азоб —
Сен билган сир,
Мен билган сир!

Сенга қийин, менга қийин,
Ололмаймиз бир лаҳза тин,
Чирпиратар мисли куюн
Сен билган сир,
Мен билган сир!

Юрагингда ҳадик, ҳайҳот,
Кўзларингда ўтинч, фарёд,

Таъқиб этар мисли сайёд —
Сен билган сир,
Мен билган сир!

Аслида-ку, қочмоқ нечун,
Нажот йўли берқдир бутун.
Охир бизни қилар тутқун
Сен билган сир,
Мен билган сир!

Сохталикка буриб юзни
Ўзимиздан қочамизми,
Тўғри таъқиб этар бизни
Сен билган сир,
Мен билган сир!

Гар бенаво муҳаббатдир,
Гар аламдир, гар кулфатдир,
Ўзимизнинг мулк-ку, ахир,
Сен билган сир,
Мен билган сир!

Самарқанд

Бир мўъжиза эрурсан жаҳон аро, Самарқанд,
Рўйи замин сайқали ўзинг танҳо, Самарқанд!

Оламда неки ранг бор, сенда мужассам эрур,
Хавас билан боқади сенга само, Самарқанд!

Не-не буюк зотларга бешигу сўнги макон,
Сен муқаддас эрурсан, сен қадамжо, Самарқанд!

Жаҳон бўйлаб тарқалди сендан адолат, кудрат,
Жаҳон бўйлаб таралди сендан зиё, Самарқанд!

Сен тўла ўқилмаган мукамал бир китобсан,
Хар битта обидангда тарих иншо, Самарқанд!

Хар нарсанинг таърифи, баҳоси бор жаҳонда,
Битта сенга таъриф йўқ, сен бебаҳо, Самарқанд!

Халқим каби бошинга тушмади не савдолар,
Бугун яна халқимдай қаддинг расо, Самарқанд!

Дунё каби қадимсан, алп йигитдай навқирон,
Тургайсан турар экан токи дунё, Самарқанд!

Сен буюклик рамзисан, сен гўзаллик тимсоли,
Куйлаб ўтгай бир умр Машраб Бобо, Самарқанд!

Ажиб кеча

*Бу кеча, бир ажиб кечадир,
Зулумот ой нурин ичадир.*

*Мен сенинг висолинг сўрайман,
Саболар жимгина кўчадир.*

*Хаёлинг ягона улфатим,
Улфатим меҳрибон кўчадир.*

*Қандайдир оқади бир кўшиқ,
Севгининг қисматин бичадир.*

*Нозланиб, титраниб тонг отар,
Юлдузлар бирма-бир ўчадир.*

*Сукунат тасалли сўзлайди,
Тилидан шу сўзлар учадир:*

*Машрабим, бу кеча сен каби
Васлига етмаган нечадир?!*

Қизалоқ

*Ҳей, кўзлари куралай қизалоқ,
Орзулари бир талай қизалоқ,
Фол очишни бас қил, ҳей, қизалоқ,
Сен, албатта, кимгадир ёқасан,
Бахтингни топасан!*

*Сен ойнадан дўстингни излама,
Ундан каму кўстингни излама,
Излаб топиб, ўксиниб, бўзлама,
Сен, албатта, кимгадир ёқасан,
Бахтингни топасан!*

*Қиз бола — гул, гул эса гўзалдир,
Қиз билан гул — қўшиғу газалдир,
Бу — уларга тақдири азалдир,
Сен, албатта, кимгадир ёқасан,
Бахтингни топасан!*

*Сенга ато умрингдай узун йўл,
Унда турфа-турфа мўъжиза мўл,
Фақат хушёр бўлгин, эҳтиёт бўл,
Сен, албатта, кимгадир ёқасан,
Бахтингни топасан!*

Илтижо

*Умидларни ўлдирма, жоним,
Ишқ гулини сўлдирма, жоним,
Ўзимизнинг сир бу, ўзинг бил,
Ўзгаларга билдирма, жоним!*

*Мени доим ёнингда тутгил,
Ҳеч бўлмаса ёдингда тутгил,
Кеча-қуңдуз, ҳатто бир нафас
Хаёлингдан жилдирма, жоним!*

*Ишқни кўзнинг гавҳари билгил,
Гавҳардайин эҳтиёт қилгил,
Мени зор-зор йиғлатиб қўйиб,
Ағёрларни кулдирма, жоним!*

*Ўзинг — сайёд, кўзларинг — жаллод,
Майли, мужгон — найзаларинг от,
Мажруҳ айла мени ва лекин
Паймонани тўлдирма, жоним!*

*Боғланибди бир-бирга диллар,
Туташибди бир-бирга йўллар,
Энди кўнгил узишни асло
Хаёлингга келтирма, жоним!*

*Тақдирингман мен сенинг, билгил,
Тақдирингга итоат қилгил,
Ўзимизнинг сир бу, ўзинг бил,
Ўзгаларга билдирма, жоним!*

Кўлингни кўй юрагимга,
Юрагимга озиклигим!
Тақдирим ёз пешонамга,
Пешонамга ёзиклигим!

Қани энди айта олсам:
Сен гулу мен насимман, деб,
Ошкор этар насимингдан
Япроқ каби нозиклигим!

Сен нақадар сеҳргарсан,
Қумга айлантирдинг тоғни,
Қани менинг вазминлигим,
Қани менинг босиклигим?!

Сен нақадар ношукрсан,
Барча нарса инкор сенга,

Инкор этолмассан аммо
Ишқинг билан тошиқлигим!

Сен қуёшу мен самоман,
Айланар ким кимни билмам,
Буткул сенга боғлиқ аммо
Тундлигиму очиклигим!

Тайёрман бор итобингга,
Жавобман бор саволингга.
Бир саволни сўрма лекин:
Таомми ё қошиқлигим...

Бир Машрабман, бор бисотим:
Улфатгина одамлигим,
Жиндайгина шоирлигим,
Анчагина ошиқлигим...

Ўзбек хонадони

Рўйи замин аро бир синоат бор,
Унинг қиёсини кўрмаган жаҳон.
У бетакрор эрур, эрур бетакрор —
Ўзбек хонадони — нурли хонадон!

Эшик қулф кўрмайди бунда ҳеч қачон,
Кўнгилдай ёзуглиқ доим дастурхон,
Шундан, аримайди бир нафас меҳмон,
Ўзбек хонадони — нурли хонадон!

Доимо табассум балққан юзи бор,
Яхшими, ёмонми, оши-тузи бор,
Бугдой нон бўлмаса, бугдой сўзи бор,
Ўзбек хонадони — нурли хонадон!

Насаби — ҳалоллик, ҳаромдан ҳазар,
Борини эл билан бўлишиб яшар,
Меҳр-мурувватдан эрур мунаввар,
Ўзбек хонадони — нурли хонадон!

Илоё, нияти йўлдоши бўлгай,
Ҳар доим фарзандлар камолин кўргай,
Дунё турганича устивор тургай,
Ўзбек хонадони — нурли хонадон!







Муҳаммад Али

Улуғ салтанат

ТАРИХИЙ РОМАН

БИРИНЧИ КИТОБ

ЖАҲОНГИР МИРЗО

БИРИНЧИ БОБ

I

... Самарқанддан шитоб йўлга чиққан Амир Мусо Тошкентда ҳам тўхтамай, ўттиз кун деганда уриниб-суришиб Йангкентга етиб келди. Шаҳарда тургиси келмай яйлов томонларга ошиқди. Ниҳоят, Йангкентдан тўрт қақирим наридаги хушманзара адир устига чодир тикди. Ёнма-ён тепалиқда, сойлиқдан нарида Тармочуқ бошлиқ ўн йигит ҳам ўз олачуқларини ёзиб, чодирларини ўрнатдилар.

Ҳали йўлда эканлигидаёқ Соҳибқирон Амир Темурнинг Балҳа қозонган зафари ҳақидаги хабар қуловига етди. Юрагига бамисли нашта санчилгандай бўлди. Бир душмани — Амир Ҳусайн — ўлибдию иккинчиси — Амир Темур тирик қолибди! Устига устак, Темурбек Мовароуннаҳр султони бўлганмиш! Барча қавмларнинг сардорлари унга қўл бериб, аҳд-паймонни мустаҳкам қилган эмишлар! Бошқалар-ку майли, аммо Зиндачашм опардий қандоқ қилиб бунга рози бўлди экан? Шибирғон ҳокими Зиндачашм опардий Темурбек ҳақида яхшими, ёмонми, бирон гап чиқса, игнанинг устида ўлтиргандай бўлиб эшитарди, муомаласи ҳам шундоқ, ўлганининг кунидан тишининг оқини кўрсатади, ичида нима бўлса бўлади, сиртига чиқармайди. Амир Мусо у билан сирдош эди. Темурбек Зиндачашм опардийга Амир Ҳусайннинг хотини Дилшод оқани ҳадя этибди. Албатта, бу билан Зиндачашм опардийни қарздор қилиб қўймоқчи бўлган, опардий олдига бир устихон ташлабди-да, устихон... Аммо қанақа устихон денг? Ўҳ-ҳў!.. Дилшод оқа келишган, хушбичим аёл эди, уни Амир Мусонинг икки суярди. Бир марта бу гўзалнинг мардлигига қойил қолган, тан берган; Туғлуқ Темурхон замонида, тангу торлиқ йиллари Темурбек билан Амир Ҳусайн паноҳ истаб Хевақ ҳокими Тўкал ҳузурига йўл олдилар. Амир Мусо ҳам бирга эди. Кутилмаганда Тўкал уларни тутиб банди этмоқни ният қилди, яхшиямки амирлар бу макрни ўз вақтида сезиб қолдилар. Оқибат икки ўртада уруш чиқди. Тўкалнинг мингта яхши қуролланган лашкарига амирларнинг бор-йўғи олтмиш кишилик аскарари рўбарў бўлди. Мурғоб дарёси этагида юз берган беомон савашишдан сўнг Тўкалда эликта,

амирларда етгита аскар қолибди! Жанг тугай деганда, душман ўқи Амир Ҳусайн отини қулатди. Шунда Дилшод оқа шавҳари Амир Ҳусайнга шартта отини бериб, ўзи пиёда қолди!..

Бас, нима қилмак лозим? Энди биргалашиб ҳаркат қиладиган, оғзи маҳкам, дили қаттиқ сафдошлар топмак зарур. Темурбекнинг бошига бахт қуши, давлат қуши қўнганини ёқтирмайдиган кишиларни бир жойга қовуштирмак даркор... Бундоқ кишилар эса, улус ичидан изласа топилади.

Даставвал унинг кўз олдига Зиндачашм опардий келди. У отаси Муҳаммад Хожа опардий вафотидан сўнг Шибирғон ҳокимлигини ўз зиммасига олган эди. Шибирғон кўп йиллардан бери опардий қавми тасарруфида бўлиб, эгилаверишни унча хуш кўрмайдиган шаҳарлар сирасига кирарди. Зиндачашм опардий ўзи биргина Шибирғон билан чекланмоқчи эмас аслида... Унинг нияти каттароқ... Амир Мусо буни сезади, аммо билдирмайди. Зиндачашм опардий отаси амалга оширолмаган орзуларнинг этагидан тутган... Майли, қарға «қағ» этсун, ўз вақтини чоғ этсун, аммо бу ишга бош қўшиб берсун... Амир Мусога шуниси муҳим...

Амир Хизир Ясовурийнинг ўғли Абу Исҳоқ ҳам Зиндачашм опардийга ўхшаш, рози йўқ хаёллар билан бошини оғритиб юради. Қачон қарасанг, туриш-турмушидан нолиганинолиган. Унинг отаси бир вақтлар Тошкент вилояти ҳокими эди. Аммо Абу Исҳоқ Ясовурийда ҳозир ҳемири ҳам йўқ, шомирзаи қоққуруқнинг ўзинаси. Отасидан қолган катта мол-мулкни совуриб бўлди. Унинг амакиси Ами Ясовурий барча ясовурийларни олиб кўёви Бухоро ҳокими Маҳмудшоҳ Бухорий ҳузурига кетган. Ясовурийларнинг ҳам Темурбекдан ўзларига яраша гиналари бор... Бор эмас, кўп. Улардан ҳам маслаҳат олмоқ мумкин, бирон нарса ваъда қилинса, албатта, бош қўшишади. Амир Жоку барлос бир айб топиб Маҳмудшоҳ Бухорийни эл олдига бир қирчанғи от думига боғлашиб чоптирган ва орқа-олдига савалатиб жазолаган эди. Бундай ишни Амир Жоку барлос ўз хоҳишича қиладирму? Албатта, Темурбекнинг ижозати, балки фармони билан адо этган. Жазо беришда Амир Темур қаттиқ тартиб ўрнатган: жазоларни ўзи белгилайди. Агар амирлару сардорлардан бири ўз билгича иш кўрса, ўзи жазоланади. Маҳмудшоҳ Бухорийнинг ҳам орқаси ҳали дарралардан ачишиб тургандир, бундай хорлик осонликча ёддан чиқмаса керак. Улус орасида афсона бўлиб кетган бу воқеа базму зиёфатларда ҳамиша эсланар, Бухоро ҳокимига ҳазил аралаш бир марта албатта исирға қилиб тақиб ўтиларди...

Амир Мусо умид боғлаган кишиларидан бири Хутталон ҳокими Амир Кайхусрав эди. Агар бу шиддатли, кўрқмас амир дилига йўл топилса, мақтаб кўпиртирилса, у мақтов гадоси, муҳолифат устун бўлиши муқаррар. Бирок, тез одам, орқа-олдини ўйламай, шошилиброқ иш қилади, шу томони бор. Умуман, бу бесоқолбоздан фойдаланиш мумкин...

Шуларни ўйлар экан, Амир Мусо барини бир жойга йиғиб эмас, балки ҳар бири билан алоҳида-алоҳида машварат қуриш лозимлигини кўнглига тутди. Ҳар бири билан холи гаплашади, чунки ҳар бирининг ўзига айтиладиган гап бор, айтимайдиган гап бор...

Амир Мусо чодирининг ичи худди эртага бу ердан кўчиб кетадиган маззанг уйига ўхшар, нарсалар боғланган ҳолда ётар, агар ҳозир шитоб зарур бўлиб қолса, дарҳол йиғиштириб йўлга чиқа оларди.

Неча йиллардики, Амир Мусо хонадониди аҳвол шу: бир жойда кўним йўқ фароғат йўқ, доим бесаранжомлик, қувди-қувди, чоп-чоп, бамисли ит ётиш, мирза туриш... Бу нарса, айниқса, завжаси Орзумулк оқага ёқмасди. Орзумулк оқа йигирма тўққиз ёшлардаги, қорамағиздан келган, сулув, кўзга яқин бир жувон эди. Амир Боязид Жалойирни Туғлуқ Темурхон хоинликда айблаб қатл этдиргач, хотинарию қизлари амирлару нўёнларга тортиқ қилинди. Амир Боязиднинг сеvimли қизи Орзумулк оқа Қаршининг нуфузли зодагонларидан Амир Мусога раво кўрилади. Амир Мусо ўн саккиз ёшли Орзумулк оқани

МУАЛЛИФДАН

Соҳибқирон Амир Темур Курагоннинг гаройиб ҳаёти, мана, неча асрларки, жаҳон илму адаб аҳлини узига оҳанрабодай тортиб келади. Ул зот ҳақида жаҳоннинг қарийб барча тилларида асарлар битилган. Бу китобларда Соҳибқироннинг асосан саркардалик фаолиятию фатҳларига диққат қаратилади. Натижада, Амир Темур кўз унгимизда ҳамиша қўлида қилич тутган ҳолда от устида умр кечирган зот сифатида гавдаланади. Аслида, шундаймикин? Бунга, йўқ, деб жавоб бериш уринидир. Олти асрдан буён афкор оммасининг эътиборини узига тортиб келаётган Амир Темурнинг буюклиги унинг мард ва ҳалол, зукко инсон эканлиги билан изоҳланади. Биз ҳали Соҳибқироннинг шахсий ҳаётини, унинг инсоний фазилатларию камчиликларини, оилавий турмушини яхши билмаймиз. Ҳолбуки, ул зот осмонда яшамаган, балки сизу бизга ўхшаб шу заминда кун кечирган, севган, севилган, ишонган, алданган, газабланган, сеvingан... дардга чалинган, чексиз изтиробларини буюк сабот билан енгиб ўтган, хуллас, бандасига хос неки бор — унга ҳам тегишли бўлган... Ўзини ўйламаган, миллату мулк, яъни Ватан учун куйиб-ёнган зотнинг ҳаётий тимсолини яратиш адабиётимиз олдига турган муҳим вазифалардандир. Бизнинг уринишимизни шу вазифа доирасида, деб тушунишларини истардик.

кўриб худога шукрлар қилди, бу ёш дўндиқ нарса унга ёқиб қолди... Орзумулк оқа Амир Мусо ҳарамда катта хоним рутбасига эришди ва аста-секин амирнинг суюкли ёстиқдошига айланди. Амир Мусо қаерга бормасин, Орзумулк оқани бирга олиб кетади. Унинг устига тўрт йил аввал улар қизалоқли бўдилар. Гўдаккинага Туман оқа деб от қўйдилар. Ҳозир кумридек чучут отиб, тили чиқиб, шириндан-ширин бўлган вақти... Амир Мусо ҳориб-чарчаганда Туман оқани кўлига олиб ўйнатади, қилиқларидан, шўхликларидан завқ олади, дунёнинг барча ташвишларини унутади. Фарзандларининг ичида Амир Мусо иккитасини — энг биринчи хотинидан туғилган ўғли Амир Муҳаммадбек билан мана шу мардаккина Туман оқани бошқача кўради.

Орзумулк оқа шаҳарда ўсган, дашту далани кўрмай вояга етган бир қиз эди. Амир Мусо кўлига келиб кўчманчи турмушга ўргангунча кўп азоб чеқди. Дашту ёбонларда юрганларида ҳеч кимга билдирмай неча бор йиғлаб-йиғлаб ҳам олган. Кейин манглайга ёзилгани шу экан-да, деб тақдирга тан берди. От минишни, йўрттиришни ўрганди. Аммо кейинги вақтларда, қачон биз ҳам буңдоқ шаҳарда яшаймиз, биёбонлардан кўрқаман, дея эрига инжиқлик қиладиган одат чиқарди. Орзумулк оқа ўзининг ҳар қанча эркаликлари, ноз-фироғларини Амир Мусо кўтаришини биларди... Ақлли жувон буңдан унумли ва ўз вақтида фойдаланар, меъёридан оширмас, айниқса, Амир Мусонинг иши тушиб турганда устаси фаранг бўлиб кетарди...

II

Маъриб уфқи қорая бошлади, яйловга кечки салқин тушди.

Дунёнинг тубигача кетган яйловга тикиларкан, Амир Мусо яна бир марта Тармочуқлар чодирига бориб, қоровуликда ҳушёр туринглар, деб тайинлаб келмоқчи бўлди. Чунки кеча ҳар хил тушаар кўрибди, бутун кун бўйи кўнгли тинчимади. Қаёққа юришни билмай бир жойда туриб қолсанг, юрмасанг ҳам тинканг қурийдди. Кишини мужмалликдан ортиқ ҳоритадиган нарса йўқ...

Амир Мусо сойликдан ўтиб навкарлар чодирига яқинлашди. Юз қадам наридаги навкарлар чодири Амир Мусоларниқидан қарама-қарши томонда эди. Ичкаридан қаттиқ қаҳ-қаҳ овозлари эшитилди. «Мен нима дейману кўбизим нима дейдир, — ўзича навкарлардан ўпка қилди амир. — Оламни сув олса буларга нима! Тўпнига чиқармиди!.. Тушундик!» Навкарлар эса амирларининг чоdir ёнида турганларидан буткул беҳабар, ўзларини яйловдагина эмас, балки оламда ёлғиз санашиб йигитлик дунёсининг қизиқ ва бепарда гапларидан сўзлашар, оризларидан боди кириб, шоди чиқиб, маза қилиб кулишарди. Бари йигирма-йигирма беш ёш атрофидаги гушна йигитлар эмасми.

— Секинроқ гапурайлик, гапимизни биров эшитиб қолмасун! — деди бир навкар эҳтиёт чорасини қилиб.

— О, мунча бақирасизлар? Кулоқ ҳам керак...

— Аммо биров эшитиб қолсаям падарингга суф, дейди-да... — қўшимча қилди учинчи навкар.

Кимдир бунга кулди:

— Ким эшитади? Атроф дала-саҳро! Амиримиз бўлсалар катта хоним ойим билан...

Лекин катта хоним ойимлар ҳам хўп диркиллаб турган нарса эканлар-а...

«Йе! — ҳайратга тушди бутун вужуди кулоққа айланган Амир Мусо жойида беихтиёр тўхтаб. — Биз ҳақимизда гапиришяпти-ку! Қани, нима дейишаркин... Қани...»

— Бас қил! — Бу Тармочуқ эди. — Амиримизни тинч кўяйлик. Бошқа гап йўқма? Ўзимизнинг гаплардан қилаверайлик. Ҳа!..

— Мен нима деяпман? — эътироз билдирди ҳалиги навкар, унинг гапларидан сўзамол ва ҳазилкаш эканлиги сезилиб турарди. — Бир нима деяпманма? Амиримиз катта хоним ойим билан дам оляптилар, деяпман, холос... Катта хоним ойим хўп келишган нарса... амиримизнинг ҳам ҳеч армони бормикин, демоқчиман... Шу ёмон гапма, айтинглар-чи, ёмон гапма? А?..

«Вой занғар-е! Гапга тўн бичганини!» — деб қўйди вазаблана бошлаган Амир Мусо. У дадил киришга қарор қилди, аммо шу лаҳзадаёқ жойида тўхтаб қолди. «Йигитлар зерикишадан-да, у-бу гапи деб қаттиқ тегиш яхшимас, — ўйлади ўзича. — Ахир мустарликда сунянганим шулар-ку!» Амир Мусо авваллари ҳам тасодифан йигитларнинг шундоқ шалоқ гаплари устидан чиқиб қоларди. Улар нималарни гапирмайди, дейсиз. Эркагу аёл орасидаги яланғоч гаплар, беҳаё қилиқлар, бешарм воқеалар ҳақида сўз кетади...

— Ёмон гапма? Ёмон гапма?... Бас қил! — кесиб ташлади Тармочуқ.

— Бошқа гаплардан гапир!

— Хўп, хўп... Бошқасини айтаман... — рози бўлди сўзамол навкар ва сўзни шундай бошлади. — Бир одамнинг йигирма ёшли Бердикул деган ўғли бор экан. Унинг эси жойида эмас экан. Отаси эсвосни кўп табибларга кўрсатибди, ўқитибди. Бердикулнинг соғайган-соғаймаганини билиш учун отаси ўғлининг бир тенгқурига буңдай дебди: «Қани, жўрангни бир синагин-чи. Отанг сени уйлаб қўйсам, хотин олиб берсам, деяпти. Нима дейсан, дегин. Соғайган бўлса, тўй қиламиз...»

— Бердикул, — депти ўртоғи. — Отанг сени уйламоқчи... Майлими?..

— Майли!.. — жавоб қилибди дарров Бердикул кўзлари ўйнаб.

— Уйлаб қўйса... нима қиласан? Масалан, келин билан чимидққа кирдинг-лар...

— Дарров келинни кучоқлаб оламан! — дебди ишшайиб Бердикул.

- Баракалла... Кейин-чи?..
- Жойга ётқизаман-да!..
- Жуда яхши... Кейин-чи?
- Кейин иштонига қўл юбораман...
- Ўҳ-ҳў!.. Ёмонсан-ку! Кейин-чи?
- Кейин иштонбоғини ечаман...
- Ана-ана...
- Иштонбоғини суғуриб оламан-да, варрак учираман!..

Ҳамма қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди.
— Оббо галварс-ей! — деди Тармочук. — Варрак учирармиш!.. Ҳа-ҳа! Олдиндаги варракни парпиратмайсанма!.. Варраккина турибди-я, варраккина!..

Чодир бегубор кулгидан ёрилиб кетар даражага келди. Навкарлар қаҳ-қаҳ отиб кулар эдилар. Амир Мусога ҳам нашъа қилди, аммо овоз чиқармади. Қараса, ҳали бу сўлақмонларнинг гапи тугамайдиган. У қаттиқ йўталди-да, чақирди:

— Тармочук! Ҳо, Тармочук!

— Лаббай, амирим! — чодирдан ташқарига отилди Тармочук, Ортидан бошқа навкарлар ҳам югуриб чиқдилар.

— Йангкент томонга иккита қоровул қўй! Шарпа сезилса, дарҳол билдиришсун! Тушундингму? Фафлатда қолма! Ҳозир борингиз!

— Ҳозир кетаётган эдик... Ўзим қоровул тураман!...

Тармочук шу заҳотиёқ сўзамол навкарни олиб Йангкент йўлида, тўрт юз қадам нарида бўлган манзилга жўнади.

Амир Мусо навкарлар чодирдан қайтаркан, ўзини қандайдир енгил сезди. Йигитларнинг олди-қочди гаплари ҳам яхши бўлди, бироз чалғиди. Кун бўйи кўнглини банд қилган хижилик ҳам тарқаб кетганга ўхшади. Унинг ўрнида шиддатли иштиёқ пайдо бўлгандай туюлди. Чодирга келар экан, бутун сўлқиллаган хотини Орзумулк оқа билан гуфтуғу қилишни дилга тудди. Икки-уч кундан бери ўзи билан ўзи овора бўлиб ёндошгани ҳам йўқ...

Амир Мусо бир йўталиб қўйди-да, чодирга кирди. Унинг келганини кўрган Орзумулк оқа ўрнидан туриб кутиб олди.

— Тинчликмикан? — сўради ташвишланган Орзумулк оқа. — Ҳаялаб кетдингиз, амирим...

Липиллаб турган шамнинг юруғида Орзумулк оқага амирнинг чехраси чиқиб кетганидан кўра очикроқдек туюлди.

— Тинчлик, Орзу... Йигитларни қоровулликка ўзим жўнатиб келдим. Бормасам бўлмас экан... Билардим ўзим ҳам. Валақлашиб, оғзига нима келса гапиришиб ўтиришибди. Ваҳа-ваҳа... Ваҳа-ваҳадан бошқа гап йўқ.

Улар тик турган ҳолда гаплашмоқда эдилар.

— Узок қолиб кетдингиз-да... — Орзумулк оқа бирдан мавзуни ўзгартирди. — Бу дашту биёбонда жонингни ҳовучлаб яшайсан... Ишқилиб, худонинг ўзи асрасин...

— Орзу... Сен қийналиб кетдинг. Қаршидаги ҳовимиз ҳам бизларни соғиниб қолди... — Амир Мусо бахмал кўрпачага ўлтирди. — Тушундик... Саргардонлигимиз сабабини биласен... Темурбек салтанатни эғаллабдур. Битта душманим кетди, аммо иккинчиси... Уни ҳам гумдон қиламен!

— Яхши дўстлар топишингиз керак, амирим! — деди Орзумулк оқа чиройли кўзларини чақнатиб. — Ҳаммага инонмангиз! Жалойирларга кўпроқ суянингиз! Ҳарқалай уларга куёвсиз... Куёвни пайгамбарлар ҳам сийлаганлар... Улар, алдаб-сулдаб ваъдалар берсангиз, гапга киришади. Ҳаммаса мол-дунёга ўч. Лақмаликлари ҳам бор...

— Рост айтасен, Орзу... Баҳром жалойир билан сўйлашамен. Унинг ўғли Одилшоҳ ҳам ишончли бола. Улар билан яқинлигимиз бор ўзи... Амир Сорибуғо жало-йирга одам юбораман. Унинг ҳам Шайх Нуриддин деган ўғли пишиққина, чайиргина... Баён сулдузнинг ўғли Шайх Муҳаммадга албатта хабар қиламен...

У ирғиб чиққан кўзларини Орзумулк оқага тикканча жим қолди. Чиройли хотини бор, ёш, дўндикқина... қадди-қомати келишган... Орзумулк оқа меҳри товланган амирнинг бошқачароқ тикилаётганини сездди. Ичида: «Вой... Бугун менда юмушлари бор шекилли...» деб ўйлади ва аллақандай ширин туйғудан чехрасига қон тебди...

Шу пайт чодирнинг чап томонида етти-саккиз қават кўрпача устида ётган тўрт яшар Туман оқанинг уйқуси қочиб, нимадандир безовта бўла бошлади. Орзумулк оқа ўрнидан турди-да, бориб қизчасининг устига эгилди ва уни юпатишга тутинди. Иттифоқо, хотин Амир Мусога орқа ўтириб қолди ва Туман оқа устига қаттиқ энгашганидан, оппоқ шоҳи кўйлагининг этаги хийла кўтарилиб, қизил ипак лозими шам ёруғида ловуллаб кўринди... Орзумулк оқа буни атай қилдими ёки тасодиф ишими, Амир Мусо билолмади. У хотинининг шундоқ оқ шоҳи кўйлагу қизил ипак лозим кийишини жуда ёқтирарди. Унинг завқи жўшиб кетди, тамшанганча аста билдирмай бориб, дўндиқ хотинининг орқасини кучоқлади. Амирнинг нафасию шиддатини сезган Орзумулк оқа ўзига яраша ноз-истиғно билан: «Зўрға ухлатдим қизингизни... Уйғотиб юборасиз...» деди пичирлаб ва бир қўли билан дирқилдоқ сийнасида ўйнаб юрган Амир Мусонинг олғир қўлини нари сурди... Орзумулк оқа қараса, амирул замон шу туришдаёқ чавандозликни бошлаб юбормоқчилар...

— Шамни олиб қўяй... — Орзумулк оқа усталик билан эрининг кучоғидан сирғалиб чиқиб, ётишга ҳозирлана бошлади. Амир Мусо ечинди-да, юмшоққина ўринга чўзилди.

Чодир туйнотидан ғир-ғир баҳор шамоли эсарди.

Орзумулк оқа ёлғиз ички кийимда қолғач, шамни чодир эшигининг ёнига қўйди. Зарурат бўлмаса-да, қадди-қоматини намойиш этиб, Амир Мусо кўзларини ўйнатиб у ёқдан-бу ёққа юрди. Яна қизчаси ёнига борди, яна зрига орқа ўтириб энкайди, ёстиқ тўйрилаған, қизчаси устига кўрпача тортған бўлди... Ёнига кирғанда Амир Мусо уни худди илк марта кўраётгандай қаттиқ бағрига босди! Орзумулк оқанинг тирсиллаган кўкраги эрининг кўкрагига майингина ботди... Бундан ташна бўлған Амир Мусо ютоққанча Орзумулк оқанинг дудоқларидан, томоқларидан ўпа бошлади. Хотин энтикар, нозланар, шавҳарининг кўнглини олиш учун ҳамма ҳаракатини қиларди... Амир Мусо шу палла дунёни унутған эди, амирлар ўртасидаги жанжал-низолар, мартаба талашлишлар, тахту салтанат курашлари, саргардонликлар — барчаси қаердадир ортда қолиб кетди! Дакан хўроз қўноққа чиқди, қанотларини ёзиб, эндигина завқ-шавқ билан қичкиришга киришған ҳам эдики, ташқаридан ташвишли овоз эшитилди:

— Амирим! Амир ҳазратлари!..

Чақираётған Тармочуқ эди. «Ҳе, амирингга ҳам лаънат, ўзингга юз ҳазор! — ичида сўкинаркан, Амир Мусонинг ирғиб чиққан кўзларида ғазаб ўти чақнади. — Нима бало бўла қолди экан? Мунча шошилмаса? Ишнинг қоқ белига тепди-я!»

Амир Мусо апил-тапил кийиниб ташқарига чиқди. Ўттиз қадамлар нарида безовта-ланған Тармочуқ турарди.

— Амирим! Амир Темур ҳазратларидан бир элчи келибдур! Зудлик билан жаноби амирни кўраман, дейдур. Фурсатим зиқ, дейдур...

— Кўпми улар? — Амир Мусонинг биринчи сўрагани шу бўлди, агар Темурбек одамлари кўп эрса, ҳозироқ қочиб қолиш ғамини чекмақда эди.

— Беш-олти киши, холос — жавоб қилди Тармочуқ.

— Тушундик... — Ишнинг оқибати нима билан туташини тахмин қилар экан, Амир Мусо ҳар эҳтимолни ўйлаб буюрди: — Тармочуқ! Йигитларни чақир! Аммо икки киши бу ерда қолсун.

Амир Мусо беш-олти йигити кузатувида қоровул манзилгоҳига йўл олди. Уйқуси чала қолған одамдай ланж бўлған Орзумулк оқа тездан турди-ю, ўзича гудраниб, йиғиштиринишга киришди.

Манзилгоҳда Амир Мусони Темурбекнинг ишонған йигитларидан Аббос баҳодир кутиб турарди. Улар бир-бирларини яхши билишарди, турли пайтларда кўп бор дуч келишған. Амир Мусога бу ғайратли баҳодир умуман ёқарди. Аббос баҳодир Арсланхон минорасидан сакраганда Амир Мусо айна шу издиҳомда эди, бу ғаройиб синовни ўз кўзи билан кўрган ва Аббос баҳодирга ичида тан берған...

— Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг муборак фармонларини бошимизга туғ этиб, қошингизга келдик, амир жаноблари! — деди Аббос баҳодир салом-алиқдан сўнг. — Амир Соҳибқирон, саргардонлик ҳам Амир Мусонинг жонига теккандур, бирга олиб келингизлар, деб юбордилар...

— Ҳазрат Соҳибқироннинг ўзлари ҳозир қаердалар? — айрим янгиликларни билиш мақсадида сўради Амир Мусо, жавобдан қочиб.

Аббос баҳодир ҳам интиқ бўлиб турған экан шекилли, кўп гапларни айтиб берди.

— Амир Соҳибқирон Самарқандни салтанатларининг пойтахти деб эълон қилдилар. Жуда катта қурилишлар бошланмоқчи... Амир Довуд дуғлат жаноблари девонни бошқариш бирлан Самарқанд доруғалигини ҳам адо этадур...

— Амир Жоку барлос қайси мансабадурлар эркан? — сўради Амир Мусо. — Амир Сайфиддин неқўз-чи?

— Ушбу амирларга, яна Алуфа қавчин бирлан Тамуқа қавчинларга лашкар амирлиги ва тавочилик раво кўрилди...

— Ўҳ-ҳў!..

— Ҳа!.. Амир Сорибуво жалоир, Ҳусайн барлос, Давлатшоҳ бахши уйғурлар девон амирлари бўлдилар. Кўп амирлар баҳодирлар сардори этиб тайинландилар. Барча туманларга сардорлар қўйилмиш...

Аббос баҳодир Соҳибқироннинг Балҳадаги улкан музаффариятдан сўнг тантанаю даб-даба билан Шаҳрисабзга келгани, икки ой бу беҳиштдек жойда хешу ақраболар ўрамида роҳату фароғатда кун кечиргани, шундан кейин салтанат ва истиқлол тавабжухини муборак маскан Самарқанд сари қаратмоқчи бўлгани ҳақида сўзлади. Аббос баҳодир яйраб гапирар, ҳар бир сўзи рўпарасида турған Амир Мусо қалбини тилиб кетаётганини етти ухлаб хаёлига ҳам келтирмас эди. Шаҳрисабз борасида сўз кетганда, олампаноҳ Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийларининг Қозон Султонхон қизи Сароймулхонимга уйланғанлари, етти кеча-кундуз тўй-томоша давом этгани ҳақида завқ билан ҳикоя қилди, ўша тўй ошига кетадиган ўтинни тайёрлаш ўттиз баҳодир ичида унга топширганлигини ва элик аравадан зиёд тўнкани бир ўзи ёриб ташлаганини ҳам гап орасида қистириб ўтди. Сўнг кулиб деди:

— Энди Ҳазрат Соҳибқиронга қариндош ҳам бўлиб қолдилар, амир жаноблари! Муборак бўлсун!

— Қуллуқ! Қуллуқ! Оллоҳнинг беадад илтифоти... Тушундик... — жавоб қилди Амир Мусо. У бўласи Сароймулхонимнинг ҳазрат Соҳибқирон ҳарами мартабасига эришгани ҳақида бошқа ҳеч нарса демади.

— Шитоб Самарқандга этиб боришимиз зарур... — уқтирди сўз охирида Аббос баҳо-

дир. — Буюрилгон муддатдан кечикаётирмиз... Ваъдамиз жавзо бошлари эди. Жанобларини Йанкентдан топамиз, деб ўйлагон эрдик, аммо яйловда айланиб қолдик, фурсат кетди. Фурсат учар қушдир, ҳа... Иложи топилса, бугуноқ, ҳозироқ йўлга чиқсак, девдим...

Орага жимлик чўқди. Ҳамма гап от устида бўлмоқда эди. Аббос баҳодирнинг йигитлари ҳам, Амир Мусонинг йигитлари ҳам қўлларидан жиллов, бир қўлларини қиличга тираб суҳбатга қулоқ солар эдилар. Фир-фир эсан қир шамоли баданларини жунжиктира бошлади. Амир Мусо нима жавоб қилсам экан, деб ўйга ботди.

— Тушундик... Амир Соҳибқироннинг бизга кўрғазган илтифотлари учун бағоят мннатдорман, бошимиз осмонга етди... Албатта, юртга қайтғоймиз, қайтмасак қайга борғоймиз?... Сўзларингиз тўғри, баҳодир! — Аббос баҳодир фикрини тасдиқлади Амир Мусо. — Тез йўлга чиқмоқ зарур! Аммо ҳозир қоқ ярим кеча, йигитлар ҳам толиққан... Саддан кейин тонг отади, саҳар йўлга чиқурмиз. Сизлар бу ерда ҳордиқ олингиз, бизлар кўч-кўронни шай қилайлик. Камбағал бўлсанг кўчиб кўр, деганлар, хе-хе-хе... Маъқулми, баҳодир жаноблари?

— Маъқул, амир жаноблари! — розилик билдирди Аббос баҳодир, чиндан ҳам улар бетиним йўл босиб ҳориб-толган эдилар. Пичагина бўлса ҳам оёқларини ёзиб, нафасни ростлаб олиш истаги устунлик қилди. Тонг ёришиши билан йўлга чиқишга келишди.

... Аббос баҳодир кўзига кун нури тушганидан уйғониб кетди. Офтоб тиккага келиб қолган, йигитлар ҳам қаттиқ уйқуда эдилар. «Нас босибди-ку бизни!» — ўзидан ўзи фижиниб кетди Аббос баҳодир ва йигитларни бирма-бир уйғота бошлади. «Нечун амир жаноблари бизларни уйғотмадилар эркан? Узоқ йўлга чиқамиз, яхши ҳордиқ олишсин, дептилар-да...» — дею ўйлади Аббос баҳодир.

Аббос баҳодир теваракка назар солди, атрофда биронта ҳам чодир кўринмаганига ҳайрон бўлди... Бийдай саҳрода ёлғиз ўзларидан бошқа ҳеч ким кўринмас, зор ҳам учмасди. Фақат тўрт юз қадамлар нарида бир-иккита кичиккина ўчоқ ва ундаги янги куллар бу ерда яқингинада одамлар истиқомат қилганини билдириб турарди. Амир Мусо ерда ҳам, осмонда ҳам йўқ эди. У тундаёқ кўч-кўронни олиб қаёққадир ғойиб бўлганди...

ИККИНЧИ БОБ

— Пўшт! Пўшт! Йўлни холи қўйингиз! Пў-ў-шт!..

Кеш дарвозаси ёнида, Самарқанд остонасида игна ташланса ерга тушмас тумонат одам тўпланган. Улар ичида Самарқанднинг казо-казолари, нуроний оқсоқоллар, қадҳудолар, шунингдек, уч кундан сўнг бўладиган муаззам қурултойда иштирок этмоқ учун Тошкент, Хўжанд, Джианд, Анджон, Ахсикент, Бах ва бошқа туману қасабалардан келган амирлар, бекларни кўриш мумкин. Дарвозанинг олдига жуда катта оқ пояндоз ташланган. Карнай-сурнайлар одамларни бир-бирлари билан гаплашишга қўймайди. Оқ пояндоз пири муршид Мир Саййид Барақадан чиққан тақлиф эди. Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон мамлакат пойтахтига қадам ранжида қилмоқда. Илоё, босган қадами оқ бўлсин, йўли очилсин. Жаҳонда жумла мўминни бахтли этмакка бел боғлаган султоннинг ниятлари оқ, иншоолоҳ!..

Энг аввал пири муршид Мир Саййид Барақанинг отдан тушишига кўмаклашдилар. Амир Темур Кўрагон тулпорининг узангисини рикобдорлар қолиб, Амир Довуд дуғлат, Амир Жоку барлос, Амир Сайфиддин некўз ва Амир Муайид арлотлар ушлашга шошилдилар. Соҳибқирон султонларга хос виқор билан оҳиста отдан тушди:

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!..

Амир Темур шундай деди-да, карнай-сурнай суронлари остида пояндозга қараб юрди... Соҳибқирон пояндоздан ўтиши биланоқ, амирлар ва бошқа кишилар қий-чув солишиб, ёпирилишиб пояндозга ўзларини отдилар. Барча Ҳазрат Соҳибқирон пойни қадамларидан табаррук бўлган матодан бир парча бўлса ҳам олиб қолмоққа тиришарди.

Амир Темур Самарқанд шаҳрига қадам қўйди...

Унинг болалиги шу қадимий шаҳарда ўтган, дейиш мумкин, кўп марта падари бузрукворлари Амир Тарағайга эргашиб, Самарқандга келган... Ўсмирлик, йигитлик чоғларида эса Самарқандда, Кониғилда бўлган кўпқари, кураш ёки бошқа шундай дил очар томошаларни бирон марта ҳам қолдирган эмас, улардаги соврину ҳадылар ҳамиша шаҳрисабзлик амирзодага ҳолвадай гап эди. У Самарқандни беш кўлдай биларди. Бирон нарсадан сиқилса, зерикиб қолса шартта Маматни олиб ўша ёққа жўнаб қоларди. Самарқандга борганда дунёнинг кенглигини англагандай бўлар, дили яйрарди. Ҳали болалиғидаёқ жаҳонгирлик ҳавасида бетизгин хаёлларга берилар экан, Самарқандни пойтахт қилажаги хусусида орзуларга фарқ бўларди. Бешинчи иқлимдаги гўзал шаҳарлардан бири Самарқанд мамлакатнинг марказида жойлашган. Темурбек Шаҳрисабз мадрасасига қатнаб юрган маҳаллар қайсиқдир бир китобда ўқигани эсида. Халифа Маъьун Самарқанд вилояти ҳақида сўраганида, унга шундай жавоб беришган экан: «Самарқанд бамисли ойқўрғоннинг ўзи. Дарёси фаалақ қасрининг дарёсига монанд, далалари эса осмон ёритқичларидай фусункордир...» Амир Темур назарида бу жуда ўринли таъриф. Чиндан ҳам, далалари серҳосил, боғлари ажабтовур таровати, суварли шарқироқ ва равон бу масканнынг файзи мутлақо ўзгача. Қуз фаслида шаҳар ҳавоси бироз салқин бўлади. Шарқ тарафдаги тоғдан неча кунда бир каттиқ ел эсиб туради. Қиш фасли совуқ, баъзан қор уч қаричгача ёғади. Ёзлари эса мўътадил, баҳори ниҳоятда гўзал. Тупроғи бамисли жаннат, галланинг баридан учрайди.

Меваларини айтсангиз! Соҳибқирон, айниқса, Самарқанднинг ношпоти, муруди ва анжирини ёқтирарди. Гуллари эса ажойиб! Амир Темурнинг бир одати бор: у қаерга борса, ўша ерда ўсадиган гуллар уруғини олдирди ва олиб келиб эктиришни яхши кўради. Бир куни у дўсти Мамат билан Самарқандда ўсадиган гулларни эринмай санаб чиқилди. Қизил гул, гули насрин, гули раъно, гули нафармон, шаббўй, савсан, харам, гулхайри, райҳон... санок ўтгиздан ошиб кетди! «Бу шаҳарнинг фариштаси бор!» — дерди Амир Темур ва Самарқанднинг кўрку салобатидан ич-ичидан қувониб кўярди...

Бироқ бу сафар, мамлакат султони сифатида шаҳарга қадам қўйганда Самарқанд нечундир Соҳибқиронда авваллардагидек таассурот қолдирмади. Авваллари улкан ва фариштали туюлган шаҳар унга ҳозир оддий шаҳарлардан бири бўлиб кўринди. Кўчалари тор, катта шаҳарларга хос салобат сезилмайди. Шаҳарда одатда шоҳкўча бўларди. Самарқанднинг шоҳкўчаси йўқ. Чорсу майдониго унга келиб уланган катта-кичик кўчалар... Шаҳар кўркига кўрк кўшадиган маҳобатли бинолар йўқ даражада. Жоме масжиди, карвонсарой, Садр Сулаймон мадрасаси, кўҳна Арк... Арк мутлоқ таъмирга муҳтож, мадрасани бўлса қайтадан кўрмоқ керак. Шаҳарнинг қалъаси бўлмаган. Чингизхон босқиниди вайрон қилингандан бери атрофи девор билан ўралмаган, тўрт томондан эсан дайди шамоллар бемалол шаҳарга кириб кетаверади... Бу нарсалар Амир Темур дилини увиштирди, аммо ҳеч кимга ҳеч нарса демади.

Шаҳрисабзда амирларга мансаб улашилганда Амир Темурнинг поччаси Амир Довуд дуғлат ҳам амирлик, ҳам девонни бошқариш лавозимини эгаллаганди. Соҳибқирон унга Самарқанд доруғалигини¹ ҳам топширди, чунки пойтахтда амалга ошириладиган юмушлар кўп, раҳбарликка серрайрат одамлар керак. Бу мансабга амир Довуд дуғлат муносибдир. Амир Жоку барлос мард инсон, садоқатли, чўрткесарлиги, қўполлиги ҳам майли, аммо Амир Темур назарида, унинг бир нуқси бор: у одам айиради, ўз қабиласига тортади. Агар Амир Жоку барлосга қолса, ҳамма олий мансаблар фақат барлосларга берилиши зарур, шаҳарлар ҳокимлари, амирликлар, туманбошилар бари барлослардан бўлса. Чунки барлослар салтанатни қўлга киритишга жон олиб, жон бериб фидойилик кўргиздилар, шунинг учун улар барча мансабларни эгаллашлари даркор. Соҳибқирон Балхдан жўнашдан олдин Амир Улжайту опардийни қаблал-билодни бошқаришга қолдирмоқчийди. Амир Улжайту опардийларнинг нуфузли амири, дунё кўрган оқил одам. Аммо у бу фикрни айтиб улгурмай, Амир Жоку барлос сўз очиб қолди ва Балх ҳокимлигига болалик дўсти Жўён барлоснинг ўғли Мурод барлосни таклиф этди. Тўғри, Амир Жоку барлос ҳам, Мурод барлос ҳам, Амир Темур ҳам Қорачар нўён авлодларидандурлар... Амир Темур индамай рози бўлиб кўя қолди.

Самарқанд Соҳибқирон ташрифига ўзгача бир таважжух билан ҳозирлик кўрган эди. Табиатда эрка фасл — ёзнинг ҳукмронлиги бошланган. Кўёш кўк тоқидан ўзига муқим жой қилиб олган. Ҳумоюн уғруқ Амир Довуд дуғлат етагиди Бозоркўча орқали Чорсу майдониго қараб юрди. Воқеа жума куни бўлиб ўтмоқда эди.

Чорсу майдони одамга тирбанд, шаҳар аҳли сайилга чиққан... Майдон четигаги савдо расталаридан харидорлар аримайди. Ҳар қадамда ширапазу кабобча, новвойлар ўз санъатларини намойиш этиб кўнглиларни яйратишади. Ҳар тарафда шодиёна садолари... Карнай-сурнайлар майдондаги ғала-ғовурни босиб қўймоқчи бўлгандай овозларига зўр беришар, аммо бунинг урдасидан чиқа олмасликларига кўзлари етиб, тиниб-тиниб қолишарди. Бу ерда раоёнинг² барча вақилларини кўриш мумкин: баҳодирлар ва сипоҳийлар, уламо ва оқсоқоллар, косибу хунурмандалар, хотин халаж, бола-бақра... Оёқ остида ўралашиб юрган болакайлардан тортиб мадрасанинг толиби илмларигу сипо мударрисларгача, барча-барча байрамдагидек ясениб олишган. Ҳамма ўз иши билан банд, ҳар ким олам гўзаллигидан ўзича завқ олади... Ана, қўлидан акаси тутган беш ёшлардаги бир болакай, сўлакайини оқиздириб хўрозқанд сўрар экан, ҳайратланиб атрофга боқади. Кабобпазнинг олдига борганда, акасига кабоб жанжали ҳам қилиб қўяди.

— Ие! Қантти устига кабоб ейсанми? Қорнинг оғрийди, эси йўқ! — юпатади акаси. Осмону фалақда ўйин кўрсатаётган дорбозга яқинлашганларида, бола хўрозқандни қўлига олганча, сўришни ҳам эсидан чиқариб, анграйиб томоша қила бошлайди...

Амир Довуд дуғлатнинг одамлари Ҳумоюн уғруқ ўтиши учун Чорсу майдонида эни ўттиз қадамдан кам бўлмаган йўлак очиб, муҳофаза этиб турар эдилар. Ҳумоюн уғруқ суронларга тўлиб-тошган майдонда тўхтаб ўтирмади, чапга, Арк кўчаси томон буриди. Сайил фақат Чорсу майдонидагина эмас, балки шаҳарнинг турли депараларида ҳам авжиди эди. Шу куни пешин намози вақтида Самарқанднинг барча масжидларида хутба намози ўқилди, хуш овоз хотибларнинг Оллоҳ таоло, Муҳаммад алайҳиссалом, ундан сўнг Суюрғатмишхон ва Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон муборак номларига бағишланган қутлуғ ваъзалари янгради, мўмин-мусулмонлар имонларига имдод бўлиб хизмат этди.

II

Амир Темур эгачиси Қутлуғ Туркон оқаннинг кенг ва мўл ҳовлисига келиб тушди, бу Арқдан унча узок эмасди. Бодомқовоқ, хушрўй, онасидан кўра кўпроқ отасига тортган, юмалоқ юзли Қутлуғ Туркон оқа хурсандчиликдан ўзини қўйгани жой топа олмай қолди. У

¹ Доруға — шаҳар ва вилоят ҳокими.

² Раоё — тобе халқ.

хали Соҳибқирон Балхда экан, шавкатли амирни қандай кутиб олиш ғамини ея бошлаганди. Худога шукур, шундай кунларга етди! Амир Довуд дуглат, ҳумоюн ўғруқ Шаҳрисабзда тўхтаб тургандаёқ, Соҳибқирондан ижозат олиб, бир неча кун аввал Самарқандга жўнаб кетганди.

Нуфузли дуглат амирининг ўғли Амир Довуд Темурбек эгачиси Қутлуғ Туркон оқага уйлангач, келиннинг пойқадами ёқибми, Самарқанднинг эйтиборли кишиларидан бирига айланди. Кенг саҳни ҳовли ҳамиша меҳмонлар билан гавжум. Мана, йигирма йилдирки, Амир Довуд дуглат ва Қутлуғ Туркон оқа шу ҳовлида умргузаронлик қилишади, тўйлари ҳам шу ерда ўтган. Парвардигор тўрт йил уларни фарзанд йўлига қаратди. Биринчи фарзандлари Сулаймоншоҳ туғилганда катта тўй бўлиб кетди. Ушанда Амир Тарағай билан Текина хотун набиралари кетма-кет туғилганларидан шошилишиб қолдилар. Битта гижирилган тойни етаклаб, безатилган олгин бешикни олишиб, Самарқандга келишиб улгурмай, орқаларидан Шаҳрисабзда Темурбек хонадонидан Яратганнинг инояти билан бир ўғил дунёга келганлиги, келини Нурмиш оқа юкидан бўшаб олганлиги ҳақида хушхабар етди. Сулаймоншоҳ Жаҳонгир Мирзодан ойига катта эди, холос.

Аввалги ҳараж мараж замонларда Темурбек вақт-бевақт, кўпинча кечаси, яшириниб бу ҳовлига кириб келар, дунё тор бўлиб қолганда шу ердан паноҳ топарди. Самарқанд деганда, Темурбек даставвал меҳрибон эгачисининг фариштали ҳовлисини кўз олдига келтирар, бундан кўнгли сув ичар, вужуди яйрарди. Чорпахилдан келган, бақувват, гудди-раб, босиқ оҳангда гапирадиган Амир Довуд дуглат, қачон, қай вақтда юз беришидан қатъи назар, Темурбекнинг ташрифидан, шижоатли амир билан дийдорлашганидан мислсиз қувончларга ботарди. Ўлимдан тап тортмас дуглат амирининг ўнг юзидан билинар-билимас қилич изи кўришиб турар, Темурбекнинг келажак кунлар ҳақидаги сўзларини эшитганда, қисик кўзлари мамнуликдан ўйнаб кетарди. Эгачи ҳам, почча ҳам ҳамиша суюкли иниларига кўмак қўлини чўзишга тайёр турардилар.

Олий мартабали меҳмон кўш табақа дарвозадан кириши билан, оёғига жонлиқ сўйдилар. Меҳмонни ҳовли ўртасидаги атрофига қалин толлар экилган, зилол сувлари лиммолим ҳовуз томон бошладилар. Ушбу ҳовуз бўйида ўлтириш Темурбекка азалдан хуш ёқарди. Ҳар сафар келганида тол тағидаги супада ипак тўшақда паркувга ёнбошлаб, зилол сувга термилганча хаёл суришни яхши кўрарди. Қутлуғ ташриф саратоннинг сариқ кунларидан бирида юз беришини, кун иссиқ бўлишини назарда тутиб, эгачи билан почча, Соҳибқирон бироз роҳат қилиб ўлтирсин, дея ҳовуз устига атайлаб чиройли панжарагулчин сўри ясадилар. Тўртта нақшин устунга ўрнатилган кўшқимон нилийранг том ҳовда муаллақ туриб қолгандек вазнсиз туюларди. Амир Темур кўшк унинг хурматига махсус бунёд этилганини билди, эгачиси билан поччасига меҳри қалбидан боз жўш урди...

Ҳовлининг ўнг томонидаги очиқ айвон тағидан дилтортар наволар тарааларди. Машҳур найчи Султон Аҳмад, моҳир қонунчи Хожанин Жаъфарий, удни қийворадиган Султон Муҳаммадлар ўз шериклари билан қамшидан бел боғлаб хизматда эдилар.

Амир Темур даставвал пири муршид Мир Саййид Баракани сўрига таклиф этди:

— Марҳамат кўргазсунлар, пирим!

Мир Саййид Барака эҳтиромлари учун Соҳибқиронга шукроналар келтириб, сўрига биринчи бўлиб чиқишдан ўзини тийди ва қўлларини кўксига қўйиб:

— Биз ризодурмиз! Биз ризодурмиз! Ўзлари бошлаб берсунлар, Амир Соҳибқирон! Ўзлари!.. — дея мулозамат билдирди.

Навбатма-навбат Суюрғатмишхон, Амир Жоку барлос, Амир Сайфиддин некўз, Амир Муайяд арлот, Давлатшоҳ бахши уйғур, Амир Сорибую жалойир, Муҳаммад Чурога додхоҳ ва бошқа амирлару баҳодирлар ҳам сўридан жой олдилар. Аҳли салтанат жамулжам эди. Ёз неъматлари ила безанган дастурхонга бири-биридан мазали таомлар тортилди. Жамбилу райхонлар ҳиди анқиб турган умоч ошидан сўнг, титрама кабоб, унинг ортидан қоваток буғлама келди. Ора-орада ҳасип, каллапоча, яхна жигарлардан ҳам тано-вул айлаб қўярдилар.

Мамлакат пойтахти Самарқандга қадам қўйгандан кейин ҳам Амир Темур кайфиятида бирон бир ўзгариш сезилмади. У шаҳар, эл, раоё аҳволини кўрибми, ҳар хил ўйлар оғушида қолгандек эди. Мамлакат хони Суюрғатмишхон ҳам Амир Темур ҳолати таъсирданми, ўз хаёллари билан банд, лом-мим демай ўлтирибди. Пири муршид эса Соҳибқирон кайфиятидаги салқиликни Кеш дарвозаси ёнидаёқ пайқаганди, барини ўзича чарчоқликка йўйди. «Амир Соҳибқирон ҳориб-толдилар, — хаёлга берилди Мир Саййид Барака. — Ахир анов-манов эмас, нақ салтанат юки, залворни унинг азамат елкасига тушиб турибди-я! Идрокли, фаросатли инсон бундай ҳолларда сўнгсиз ўйларга ботмоғи табиийдир!..»

Пири муршиднинг фикрлари ҳақиқатга яқин чиқди. Бироз чарчоқлик бор эди аслида. Катта бир чўққиға чиқиб, орта, ўтилган йўлга завқ билан назар ташлаган сайёҳга ўхшарди Соҳибқирон шу паллада!.. Сайёҳ, энг баянда чўққиға чиқдим, мақсудимга етдим, дея мағрур бошини кўтариб атроф-оламга боқади, боқадию забт этгани кичиклигини, юсак чўққилар ҳали олдинда савлат тўкиб турганлигини кўради... Қалбини ярим фолиблик туйғуси билан ярим ўқинч ҳисси чулғаб олади. У чўққиларга чиқмоқ учун ҳали кўп тер тўкмоқ кераклигини англайди... Пойтахтга келганларидан бахтиёр амирлару баҳодирлар Соҳибқирон хаёлларидан беҳабар яйраб ўлтиришар, шодлик майдан масту мустарриқ эдилар. Машшоқлар ҳам тин билишмасди, «Уззол» ва «Алёр»дан кейин уфор наволари янгради. Энди Самарқандда яшайётган машҳури замон бастакор Махсумзода Хоразмийнинг дилхуш савту нақш оҳангларига навбат етди. Шу пайт зарчўвали палов келтирилди.

— Кўп таомларни тановул этсак-да, таомлар пошшосига ҳамиша жой топилур!— ҳазил аралаш сўзлади пири муршид. — Биз... бошладук! Олсунлар, Амир Соҳибқирон!

Амир Темур фафзурий лаганга қўл юборди... Кейин ўзга амирлар ҳам хуш бўйи таралиб турган олтиндай паловни иштаҳа билан тановул қилишга киришдилар.

— Эй, соҳиби шараф амирларим! Бизлар Турон ерининг болаларидурмиз. Фарзандларига мулк улашгонда Чингизхон юртимизни ўзининг иккинчи ўғли Чигатойхонга раво кўрмиш. Маълумингизким, Чигатой улуси ушбу дамларда парокандадур...

Соҳибқирон кучли, ўктам овоз билан гапирар, шошилмас, овозида кишини ўзига ром этиб олгувчи қандайдир жозиба, сеҳр мужассам эди.

— Оре, рост... — деб қўйди пири муршид Мир Саййид Барака.

Бу пайт ош ейилиб, фафзурий лаганлар йиғиштириб олинганди. Офтоб тиккага келган бўлса-да, толлар орасидаги сўрида мўътадил ҳаво ҳукм суради. Шавкатли амирлару баҳодирлар ҳамон сукут сақлаб келаётган Соҳибқироннинг ногаҳон сўз бошлаб юборганидан хушёр тортдилар. Суюрратмишхон Амир Сайфиддин некўзга қаради, у одатдагидек томоқ қириб қўйди-да, рўбарўда тиз чўккан Амир Жоку барлосга кўз ташлади. Амир Жоку барлос — Амир Муайяд арлотга... Амир Темур сўзларди:

— Хоразм кўнғирот ўмоғидан Танғадоё авлоди Сўфилар қўлидадур, Жета бўлса Қамариддин ва Анко Тўра каби қайсар амирларга тобе... Улар улуснинг қўллари етган бўлакларини малолсиз ўз ҳукми қарорлари қабзасига киритиб, жаҳон яғонасимен, деган ҳаёл этагини тутмишлар... Оллоҳ инояти билан кўнғлимизда улуғ мақсадлар, мулку миллат тамойиллари устивордир; бас, қадим юртни тикламоқ, синган коса-ни бутламоқ лозимдур. Оллоҳ таоло биз суйган бандаларга қулай имкон ато этди, бундай чоғда фурсатни, келиб турган омадни қўлдан бермак — кечирилмас жиноятдур! Оллоҳ берган омад — Турон юртин тикламоқдур, фурсат ҳозирдур, ушбу лаҳзалардур!..

Салтанат ақобирлари Соҳибқирон сўзлари мағзини чақишга уриндилар. «Оллоҳ берган омад — Турон юртин тикламоқдур!» дея пичирларди ичида Амир Довуд дуғлат. Амир Сайфиддин некўз бир лаҳза ўзаро бош-бошдоқликлар тинган, дориломон Турон мамлакатини кўз олдига келтирди.

— Мақсудни ҳамиша катта қилмак керак... — Пири муршид бирдан ҳали Соҳибқирон сўзлаш ҳавосида эканлигини англадию жим бўлди. Чиндан ҳам Амир Темур сўзида давом этди:

— Катта давлат машаққатлар эвазидур. Даставвал ўз уйимизни ўнглаб олайлик. Жаҳон элини бахтиёр қилмакка бел боғлагон султон иморати мустаҳкам собит бўлмоғи зарур. Давлатимиз туғининг марказига айланажак Самарқанд шухратию доврўғи оламдаги барча макону манзилларга етиб борсун! Пойтахтда олиймақом бинолар, тилакори саройлар бунёд этилсун!

«Иншооллоҳ!», «Бунёд этилсун!» деган сўзлар янгради. Амир Темур пойтахт Самарқанд, унда қурилажак иморатлар, хусусан, Кўксарой ва Бўстонсарой қасрлари, шаҳарни камар янглиғ ўраб оладиган девор, ўқдек кесиб ўтадиган кўчалар, кўчалар бўйида маржондек тизиладиган икки ошёнли савдо расталари, масжиду мадрасалар ҳақида завқ-шавқ билан гапирди. Айникса, шаҳар атрофида барпо этилажак ажиб хушманзара боғларни шундай таърифладики, ўлтирганлар ўзларини бу дилрабо боғларда кезиб юргандек, сарин ҳаволардан нафас олгандек ҳис қилдилар.

— Салтанатнинг зафар дарвозаси олислардан савлат тўкиб турсун! — давом этди ҳаяжонда Амир Темур. — Ушбу юмушларимиз бағоят хайрли ва эзгудир. Давлату салтанат кўшки эзгу ва хайрли ишлар пойдевори устига бунёд этилса, унинг қадрию қиммати қудрати, иншооллоҳ, фалак кунгиралари қадар сарбаланд бўлғай!

— Барҳақ эгам ўз марҳаматидан дариг тутмасун! — қўлидаги садаф тасбиҳни айлантирар экан, Мир Саййид Барака тилак билдирди. — Зеро шаҳар қурмак, бунёд этмақдан ўзга хайрлироқ юмуш йўқдур. Алҳамду лиллоҳи раббил оламин!

— Рост сўзладилар, пирим! Рост сўзладилар! — пири муршидни қўллаб-қувватлади Амир Сайфиддин некўз.

Атрофда маъқулловчи овозлар эшитилди.

— Бас, фирдавмонанд Самарқанд овозаси оламшумул Бағдод шаҳрини лол айласун, токи аламли кўз ёшлари Дажла бўлиб оқсун! Миср рашку ҳасаддан ўзини дарёи Нилга отсун! Қўстантия эса дардини Шўр дарёга айтиб йиғласун!

— Айтганинги келсун, илоё, Соҳибқирон! — гулдиради Амир Довуд дуғлат овози. Амир Темурнинг сўзлари ҳаммадан ҳам Самарқанд доругасини қувонтириб юборди.

— Айтганингиз келсун! Бағдод ҳам, Миср ҳам лол қолсун!

— Оллоҳ қўласун! Оллоҳ қўласун! — қабалида овозлар эшитилди.

Амир Темур кўзлари билан кимнидир қидира бошлади. Амирлару баҳодирларнинг ҳар бирида, Соҳибқирон мени қидирмаётганмикинлар, деган тарадуд англашилди. Пири муршид Мир Саййид Барака ҳам шундай ҳолатга тушди. Олийшон назар ҳаммадан ўтиб, қуйироқда тиз чўккан амирлардан бирида тўхтади.

— Амир Оқбуғо!

Хушёр тортган Амир Оқбуғо найман шитоб ўрнидан қалқди ва қўл қовуштирганча деди:

— Амрингизга мунтазирмен, Соҳибқирон ҳазратлари!

Амир Оқбуғо найман қирқларга борган балад бўйли, товоқ юзли, кетмонсоқол бир киши эди.

— Монанди йўқ пойтахтимизни обод этиш юмушларига бош қўшингиз! Барча харажатни хазинадан олурсиз. Харажатлар устидан мутасадди эурсиз, амир жаноблари!

— Бошим устига, аълоҳазрат! Олий ҳимматлари учун қуллуқ!

Амир Темур мамлакатда ўзига иморат кургувчи фуқаролардан биринчи йил ҳеч қандай хирож олинмаслигини Амир Довуд дуғлатга уқтирди. Сўнг Муҳаммад Чуроға додхоҳга юзланди:

— Мамат!

— Кулоғим сизда, Амир Соҳибқирон! — Муҳаммад Чуроға додхоҳ жойидан туриб таъзим бажо келтирди.

— Қурултойга барча амирлар қадамлари етдиму?

— Бепоен мамлакатимиздаги мавжуд туманлару қасабалар амирлари, кадхудолари шай бўлиб интиқ турибдурлар...

Муҳаммад Чуроға додхоҳнинг жимиб қолганини кўрган Амир Темур унда қандайдир хижолатчилик шарпасини сезди:

— Нечун жимиб қолдинг, Мамат? Амир Мусодан дарак борму?

— Аббос баҳодирнинг кетганига хийла фурсат бўлди... Балки ҳали у Амир Мусо жанобларини топа олмагандир. Худо пошшо, деганлар. Топса, албатта келадур. Фақат...

— Хўш?..

— Фақат Шибирғон ҳокими Зиндачашм опардидан ҳали дарак бўлмади...

Даврада шов-шув кўтарилди:

— Зиндачашм опардидан бош тортибдурми?.. — ҳайрон сўради Суюрғатмиш-хон ёнида ўлтирган Амир Муайяд арлотдан.

— Келмаганига яраша, хабар ҳам бермапти, қи... — бирдан ўзини тўхтатиб қолди Амир Муайяд арлот. — Қи... зик...

— Бу давлати қайтганидан нишонадур. Эҳ, афсус... — қилич тегиб кетиб иккига ажралиб қолган япасқи бурнини силаб қўйди Амир Жоку барлос.

— Юракнинг катталигини кўрингиз! Нақ отнинг қоптоли-я, отнинг қоптоли! — койинди Давлатшоҳ бахши уйғур.

— Бадбахтлик унга юз бурибдур... — сўз қўшди Амир Сайфиддин неқўз.

Амир Сорибуғо жалоийр ҳам қараб турмади:

— Эсидан мосуво бўлганму?..

— Вос-восга қолибдур шўрлик... — деди яна Амир Жоку барлос.

— Унинг ўзбошимчалиги ўзи бир талай... — ғазаблангани билиниб турарди Амир Муайяд арлотнинг.

— Бурнини ерга яхшилаб ишқаб қўйиш керак! Жазосини олсун! — Амир Оқбуғо найманнинг гапи шу бўлди.

Хуллас, кутилмаган воқеага муносабат билдирмаган одам қолмади. Биров у, деди, биров бу. Амир Темурдай шон-шавкат эгаси сўзларини икки қилиш, салтанат қурултойига келмаслик, чиндан ҳам оқил одамнинг иши эмас... Амирлару баҳодирлар ана шундан хайратда эдилар.

Пири муршид Мир Саййид Барака вазиятни чамалаб ўзида сўзлашга эҳтиёж сезди:

— Пайгамбар жанобларидан саҳобалар сўрдиларки, бордию наби ва расул мақомида эрмаса эрдингиз, қандай юмуш илгини тутар эрдингиз, дедилар. «Султонлар хизматини сидқидилдан адо этиб, Оллоҳнинг бандаларига наф етказур эрдим», — деб жавоб берди-лар Расулуллоҳ.

Амир Темур бир нуқтага тикилганча хаёлга толди. Соҳибқироннинг, ҳамма нарсани билиб туриб ўзини билмаганга олиш салтанатни бошқаришда иложсиз усуллардан эканлигини англаганига кўп бўлди... Зеро билиб билмасликка олиш жувонмардлар одатларидандур. Мана, Зиндачашм опардидга жазо бериш кераклигини айтишмоқда... Жазо бериш осон, Амир Темур фармон қилади, айбдор бошини оладилар, вассалом... Йўқ, шошимаслик жозидир. Ҳатто турфа балоликлар қилиб, қилич кўтариб қўйиб гуноҳкор бўлиб қолганлар ҳам оқибатда тавба-тазарру билан келсалар уларнинг бад қилмишларини унутмоқ зарурдир, ҳурматларини жойига қўймоқ фарз, токи улар ҳам ўз одамларинга айлан-сунлар!.. Бу палла икки йил аввал Бойсун тоғида Амир Ҳусайн билан жанг вақтида юз берган ҳодиса Соҳибқирон ёдига тушди. Амир Темур томонида қилич тутган ясовурийлар васвасага тушибми, лашкарни танг қолдириб, майдонни ташлаб кетмоқчи бўлдилар. Буни кўрган хос ул-хос навкарлар, ясовурийлар амирларини банди қиламиз, деб туриб олдилар. Айниқса, Амир Жоку барлос, Баҳром жалоийр ва Аббос баҳодирлар бу фикрда қоим эдилар. Амир Темурнинг раъйи бунга йўл бермади. «Эй олийжаноб амирларим! — деганди ўшанда Амир Темур. — Биз толе ва иқболимизнинг эрта тонгида турибмиз. Истиқлолимиз баҳорининг дастлабки паллаларини бошдан кечирмоқдамиз. Буни англаб етайлик! Агар биз ясовурийларни ҳибс айласак, ёвузлик белгиси шаънимизга доғ бўлиб тушадир. Сўнг ўзгалар даргоҳимиздан паноҳ изламаслар, аксинча йўлни йироқдан олгайлар. Юртни сўрамоқ ҳам кўп оғир кечадир. Билингизким, иқбол ниҳоли адолат ва хайру эҳсон булоғидан сув ичмас экан, ул бахтиёрлик мевасини тугмас, саодат соясини бермас!..»

Амирлар Соҳибқирон сўзларининг маъзини чақиб қўриб, ўз фикрларидан қайтдилар. Ясовурийларга дашином беришдан нарига ўтилмади. Бир куни Амир Ҳусайн ҳам юрт амирларидан нолиб, бу ўзбошимчаларни фақат қилич билан бирлаштирмоқ керак, деганида, Соҳибқирон: «Қилич бирлаштирмайди, Ҳусайнбек, қилич айиради», қабилидаги сўзлари билан ҳукмдорни ҳам ўйлантириб қўйган эди...

Кўпни кўрган қария Амир Улжайту опардий бошини куйи солиб ўлтирар, шубҳасиз, Соҳибқирон ҳазратлари ҳали-ҳозир ўзига шу хусусда оғиз очиб қолишлари мумкинлигини ҳис қилар, бир жиҳати буни кутар эди ҳам. Улар Зиндачашм билан бир қабиладан эдилар-да. Қария адашмади:

— Инсон боласи яхши насиҳат ила вояга етгай... — Айни Амир Улжайтуга қараб гапирди Амир Темур. — Яхши сўз илонни инига киритар эмиш... Бориб бундоқ қариңдо-шингизни инсоф йўлига чорлангиз, уришиб койиб қўйингиз! Бу ерга келсун, имону эътиқод майдонининг шаҳсуворлари сафида бўлсун. Қатордан қолмасун. Ҳаёт ниҳоли қаҳру ғазаб шамолида хору харобликка юз тутмасун...

Барча жим бўлиб қолди.

Амир Улжайту опардий оҳиста ўрнидан қўзғолди, қариянинг чорасизлиги кўриниб турарди, у қўлларини кўксига қўйиб, узра тили билан деди:

— Фаҳму фаросат кишиларига зоҳиру ошқордор, Амир Соҳибқирон... Зеҳну идрок эгалари ақл кўзлари ила кўриб турибдурлар... Ўзингиз билурсиз, сиз учун ҳамиша белим боғлонғондур. Аммо... ушбу юмушга киришсам, ҳар қанча доно насиҳату ўтитим ҳам наф бермай, икки ўртада хижолатлик пардаси юзимга соя ташлаб қолмоғидан кўрқамен... Дон юмшоқ ерда унадур, афсуски, шу ёшга кириб тошдан униб чиққанини кўриш ҳали насиб этмади...

— У ҳолда қандай кенгаш қилинур? — сўради Соҳибқирон кекса амир гапларидаги мантиққа тан берав экан.

— Амир Соҳибқирон ижозат айласалар... — дадилланди энди Амир Алжайту опардий. — Бу юмушнинг адоси фарзанди дилбандим Хожа Юсуфга топширилса... Аввалдан, улар Зиндачашм билан тенгқурдурлар, сониян, бир-бирларига қаттиқ гапирсалар ҳам ботмайди...

Шу куниёқ Хожа Юсуф билан Тобон баҳодирлар Зиндачашм опардийни инсофга қақриш учун Шибирғонга йўл олдилар.

Амир Темур Хоразмга кетган Ауфа тавочи ва Жетага пинҳона юборилган тингчидан ҳам хабарлар кутарди.

III

Самарқанд доруғаси ҳовлисининг ичкараси ташқарисидан қолишмайдиган даражада гавжум бўлиб кетди. Бошига гулгун такана ташлаган, мовийранг ипак кўйлак устидан беқасам авра тўн кийиб олган Қутлуғ Туркон оқа чарчаш нималигини билмас, ҳовлида чарх уриб юрарди. Муштипар эгачининг ушбу воқеадан нечоғлик мамнуну масрур эканлигини муҳтарам ўқувчиларимиз тасаввур этсалар керак... Дунёда яккаю ёлғиз инисининг балаңд мартабага эришганидан, ўзини ўтга-чўққа уриб тинмаган Темурбекнинг юрт бошига келганидан беадад бахтиёр эди у.

Қутлуғ Туркон оқа Амир Темурнинг аҳли аёлини эҳтиром ила кутиб олишга қаттиқ саъи ҳаракат кўргизди. Эгачи, айниқса, инисининг Сароймулкхоним билан бир ёстиққа бош қўйганидан кўп қувонди. У авваллари ҳам Сароймулкхонимга икки суюб қарарди. Қозон Султонхоннинг суқсурдай номдор қизи юриш-туриши, тутуми, одоби, хусни-малоҳати билан диққатни ўзига тортарди. Аммо ҳеч қачон уни кун келиб Темурбекка ёстиқдош бўлади, деб хаёлига ҳам келтирмаган эди. Тақдир экан. Қудратли подшоларга гул юзли маликалар керак! Сароймулкхоним Темурбекка жуда муносиб малика. Темурбекнинг ўзи ҳам энди Чингизхон авлодига кўрагон бўлди, ҳа, Чингизхон авлодининг куёви! Эҳ-ҳе!.. Хон авлодидан эмассан, деб уқасини ҳамиша камситиб келадилар, ҳар сафар шундай гапни эшитганда, Қутлуғ Туркон оқаниннг бағри увалгандай бўлади. Энди гапириша олмайди ичи қоралар, ғаразғўйлар! Темурбек хон авлодидан бўлмаса ҳам, хон куёви! Куёвни эса пайғамбиримизнинг ўзлари сийлаганлар!..

Эгачининг эсида, Шаҳрисабзда, уларнинг тўйида хурсандчиликдан кўз ёши ҳам қилиб олди. Ясаниб-безанган, мушқу анбарларга кўмилган келинни чимилдиқ хонасига кузатаётиб, пешонасидан ўпаркан: «Илоё, Темурбек билан қўша қариб, мункиллаб-сункиллаб юрингизлар!» деди, деди-ю, кўнгли бўшашиб кетди, аммо кўзларига қалққан ёшни бировга кўргизмади... Мана ҳозир, келинлик саодатидан чиройи гул-гул очилиб кетган, тўпигача оппоқ ипакка бурканган, латофати барқ уриб турган Сароймулкхоним билан кўришар экан, хаёлидан: «Ҳа, кизга бергисиз жувон бор, тойга бергисиз ғунон!..» деган сўзлар кечди. Ёнида шукрчи¹ катта соябонни соя қилиб келарди. Келиннинг қирмизи оқ юзлари офтобданми ё ҳаяжондан яна ҳам ол ранг касб этган, жон офати бежирим ёқут лаблари қимтинган, чап юзидаги кичкина қора холи эса, нима бўляпти ўзи, дегандай атрофга ҳайрон боқарди. Сароймулкхоним дарвозадан киргани ҳамон:

— Ассалому алайкум, ғамгузорим, меҳрибоним, эгачим! — дея таъзим бажо айлади ва ўзини Қутлуғ Туркон оқаниннг кучоғига отди.

— Оллоҳга шукур! Оллоҳга шукур! — эгачи ардоқли келинини бағрига босганича, узоқ вақт қўйиб юбормади...

Эгачи-келин ушмундоқ дийдорлашиб турганларида, машшоқлар эндигина «Ўззол» куйини бошлаган эдилар, Сулаймоншоҳ тенгқурлари Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо ва Жаҳоншоҳ ибн Жокулар билан бирга ҳовлига кириб келдилар.

¹ Шукрчи — соябон кўтариб юрувчи хос хизматкор.

Ўн беш ёш атрофидаги ўсмир йигитлар, катталар ўз-ўзлари билан бўлиб эътибор қилмаганларидан фойдаланишиб, бироз Арк кўчасида кезиб юришни ихтиёр этдилар.

— Валинеъмат Соҳибқиронга жаҳон тахти муборак бўлсун! — Жаҳонгир Мирзо билан Умаршайх Мирзоларни қутлади Сулаймоншоҳ.

— Муборак бўлсун! — қўшилди Жаҳоншоҳ ибн Жоку.

Жаҳонгир Мирзо «қуллуқ!» дегандай таъзим қилди. Йигитларнинг катталарниқига ўхшамаган ўз завқ-шавқлари, ташвишу муаммолари, йиғилиб қолган турфа сирли гаплари бор эди, бир-бирлари билан тезроқ ўртоқлашмоқ истардилар. Ҳали уй кўрмаган салт йигитларнинг учрашганда илк гаплари, кўпинча муҳаббатдан, ёрдан бўлади. Кейин бошқасига навбат. Жаҳонгир Мирзо Сулаймоншоҳ билан Жаҳоншоҳларга кўнглидаги туйғуларидан, Хоразм ёқлардан сўз очмоққа, айна пайтда дўстларининг фикрларини билмоққа шошиларди. Аммо ёнгинасида укаси Умаршайх Мирзо борлигидан истиҳола этиб, сир айтишни бошқа вақтга қолдирди. Дўридоқ овозли, елкадор Сулаймоншоҳ билан бурни суйридан келган, ияги учли, шарттаки Жаҳоншоҳлар буни сезишиб, бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Авваллари ҳам кўп бор оғаларининг сирли гапларидан бенасиб қолган табиатан бироз қўрс Умаршайх Мирзо, ярим ёш бўлса ҳам, ёш-ёш экан-да, дегандай ичида гижиниб қўйди.

Суюкли амирзода кўринавермаганидан кўнглининг бир чети хижил бўлиб турган Қутлуғ Туркон оқа дарвоза томонга назар ташладию суюниб кетди. Темурбек салтанатининг келажаги бўлган амирзодалар келишмоқдайди. Жаҳонгир Мирзо! Фарзанди аржуманд, салтанат тожининг дури, подшоҳлик айвонининг устуни, иқбол бўстонининг гули! Тоза кўнгли Темурбек ва моҳичеҳра Нурмиш оқа — икки ғаройиб покиза тийнатнинг ошқору тансиқ меваси! Қутлуғ Туркон оқа Жаҳонгир Мирзонинг тиниқ юзларига, ёрқин кўзларига тикиларкан, бу кўзлар тубида қандайдир номсиз бир мунг кўрарди, сабабини эса тушунолмади. Балки волида муҳтарамаси Нурмиш оқанинг вафот этганидандир Нурмиш оқа — Жаҳонгир Мирзо билан Оқа Беги хонимларнинг онаси — дунёдан эрта кетди. Онасизлик изтироби амирзодани тинч қўймаётганмикин?.. Амирзода Қутлуғ Туркон оқага қаттиқ боғланиб қолган, сирларини айтар даражада яқин эди, тез-тез дилини ёриб турарди. Ўз навбатида Соҳибқирон эгачиси ҳам амирзодани ўз фарзандидай, балки ундан ҳам ортиқроқ авайлаб-ардоқлар, сўраб-суриштиришдан чарчамасди. Балх муҳорабасида оёғига ўқ текканини эшитиб, то аниқ хабар олгунча юраги тақа-пука бўлди. Шаҳрисабзда, Темурбек билан Сароймулкхоним тўйига борганда соғлом ва дуркун амирзодани кўриб Оллоҳга шукурлар қилди. Ушанда қизиқ бўлди. Югуриб келган Жаҳонгир Мирзо энаси Олаш саломлашиб ачомлашгач, негадир одатдагидек нари кетмади, эркалик қилибми суйкалиб тураверди, нур тўла жавдираган кўзларига қараганда, зарур гапи борга ўхшарди. Энаси хушёр тортди.

— Амирзодам, сиҳатингиз тузукми?.. — сўради у.

Жаҳонгир Мирзо жилмайди.

— Оллоҳга шукур! Тузук-да!.. Сиҳатим тузук... эна...

У худди онасига суйканган қулундай ёндошди-да, энасининг қулоғига яқин келиб, ҳаяжон ичида нималарнидир шивирлай бошлади. Шивирлаш хийлагина чўзилди, Қутлуғ Туркон оқа эшитар экан, аввалига тушунмай ҳайрон бўлиб турди, кейин чиройли юмалоқ юзларига табассум ёйилди-ю, оғзининг таноби қоҳди:

— Вой!.. Вой ўзим гиргиттон! Ўзим гиргиттон! Бўйингиздан айланайин-а, бўйингиздан!.. Хоразмда-я, Хоразмда... Хонзода хоним... Эсимда, эсимда...

Юзлари қизариб кетган Жаҳонгир Мирзонинг ёрқин кўзларида бироз хижолат шарпаси сезиларди, бора-бора ўрнини табассум эгллади.

Қутлуғ Туркон оқа тушунди: Жаҳонгир Мирзо бу «юмуш»ни нуфузи кучли, сўзи тош босадиган энасининг зиммасига юкламоқчи... Бу ҳақда падари бузрукворимга айтингиз, демоқчи... Бу томонларини ўйлаб қўйингиз, дея яна эслатмоқчи... Ўйлайди, энаси ўйлайди. Нафсиламирини айтганда, энаси уринишни бошлаб юбордиам, Соҳибқирон билан кенгашиб ҳам кўрди. Амир Темур эшитиб эътироз билдирмади, фақат мийиғида кулиб қўйди. Соҳибқироннинг фарзандлар тақдири, уларни уйли-жойли қилишда жуда инжиқ эканлигини Қутлуғ Туркон оқа яхши биларди. Қон тоза бўлиши лозим, дер эди Амир Темур очикчасига.

Шуларни хаёлидан ўтказар экан, Қутлуғ Туркон оқа тили марҳабоба безанди:

— Келингизлар, келингизлар!..

Дуркун амирзодаларнинг расида бўйларига қараб қувонган Қутлуғ Туркон оқа Жаҳонгир Мирзодан бошлаб барчаси билан кўришиб чиқди, ҳар бирининг пешонасидан ўпиб, елкасига уриб-уриб қўйди.

— Сулаймоншоҳ! — ўлига буюрди Қутлуғ Туркон оқа. — Сизларга ана бу чекка хушманзара айвонда жой ҳозирланган. Борингизлар! Чақ-чақлашиб ўлтирингизлар!

Кенг ҳовлида «Уззол» оҳанглари янгради.

Амир Темурнинг иккинчи хотини кўзлари қийиқ Улус оқа, Амир Баён Сулдузнинг қизи, орқароқда соябон остида хиёл эгилганча одоб билан Қутлуғ Туркон оқанинг холи бўлишини кутарди. Сариқ ипак матодан қўйлак кийган йигирма беш ёшлардаги Улус оқанинг бўйи Сароймулкхонимга қараганда пастроқ эди. Беш қадамча нарида Соҳибқироннинг башанг кийинишган ҳуриликно канизаклари кўринди. Умаршайх Мирзонинг онаси Тўлун оқа, Мироншоҳ Мирзонинг онаси Менгли бека ва Тоғай Туркон оқалар ним табасум ила муҳтарам эгачининг катта хоним билан кўришишаётганини кузатиб турардилар.

— Марҳабо, хонадонимизга хуш келибсизлар! — уйга таклиф этди эгачи қувончи чексиз, меҳмонлар билан кўришиб бўлгач.

Барча оstonасига оқ пояндоз тўшалган уйга қараб юрди. Олдинда Сароймулкхоним, орқароқда Улус оқа ва канизақлар оҳиста қадам ташлаб келишарди.

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим! — Сароймулкхоним оппоқ ипак кўйлаги барини хиёл тортиб назоқат билан пояндозга қадам қўйди...

Хонадон соҳибаси муҳтарам меҳмонларни ичкарига чорлади. Деворларига лов-лов ёниб турган гиламлар осилган хона кенг ва чиройли. Бежирим тоқчаларда зарҳал идишлар, фағфурий коса ва пиёлалар, ироқий кўзалар териб қўйилган, у меҳмонхонадан кўра янги тушган келинчак хонасига ўхшарди. Маликалар шоҳона безатилган дастурхон агрофига тиз чўкишди. Дуон фотиҳа ўқилди.

— Барчангизга подшолиқ қутлуғ бўлсун, ардоқли келинларим! — деди Қутлуғ Туркон оқа қўлларини кўксига қўйиб.

Келинлар ва канизақлар ўринларидан турдилар-да тавозе билан эгачига бош эгдилар:

— Ўзингизга ҳам қутлуғ бўлғай, эй бонуйи кубро ҳазрати олиялари!

— Илоё кам бўлмангизлар! Ўлтирингизлар!

Дастурхондаги ноз-неъматлар нигоҳларни ўзига сирли имларди. Нон синдирилди. Бир неча «Олинг! Олинг!»лардан кейин Сароймулкхоним қимтинибгина дастурхонга қўл чўзди ва хиноли икки нозик бармоғи билан қатлама нондан жиндай ушатиб, оҳиста оғзига солди. Ўртадаги кагга баркашда мева-чевалар, — олмаю мурут, ўригу гулош, узуму шафтоли, — баридан бор эди. Моҳича деган хаамири майда-майда кесилган суюқ овқатдан келтирдилар. Барча роҳат қилиб тановул айлади. Шўртаккина мазали таом Улус оқага айниқса жуда ёқди, яна ичкиси бор эди-ю, сўрашга ийманиб ўзини тийди.

Маликалар ўзларини ҳур ва малолсиз ҳис этсунлар, деган маънода соҳибани хонадон Қутлуғ Туркон оқа шундай сўз деди:

— Ҳар банданинг манглайини Оллоҳ ёруғ қилсун! Бандасини ўзи сийласун! Темурбекдек бор саъи ҳаракатини шариату миллатнинг равнақ топишига қаратган, дину давлатни ўйлаган инсон оламда камдир. Ана шундай бир инсонга сирдош бўлмақ, унинг шабос-тониға маҳрамлик вазифасини адо қилмақ сиз парирухсорларга буюрибдур... Бу Оллоҳнинг буюк илтифоти... — Эгачи бироз жим қолди. — Наргизга боқингиз: наргиз гули бедорлиги учун ҳам олтин тож сингари тилларанг кўринадур. Кўзга яқиндур! Хушёру бедор турингиз, Соҳибқиронингиздан ҳамиша оғоҳ бўлингиз!

— Қуллуқ, ғамгузор эгачи! — миннатдорчилик билдирди Сароймулкхоним. — Соҳибқирон ҳазратларининг сарварлик савдоси тушган азиз бошлари, илоё, тошдан бўлсун!

— Оллоҳнинг лутфи муҳофазаси, бемисол карами соясида басаломат юрсунлар, илоё! — қўшилди қийик кўзлари чақнаб Улус оқа.

Канизақлар ҳам хусравона шахту шижоатлар соҳиби ҳақиға дуо қилар эдилар.

Хонага жимлик чўқди. Ҳамма одоб сақлаб, ерга тикилган, кимса сўз демасди. Ҳовлида айвон тағидан таралаётган дилтортар наволар энди баралла эшитилар, кишида ёқимли туйғулар уйғотарди. Шу пайт машшоқлар «Дилхирож» куйини чала бошладилар. Маҳди улё сайда Сароймулкхоним секин бошини кўтариб, нимтабассум билан Улус оқага боқди ва ерга қараб ҳарир кўйлагининг этагини ўйнаб ўлтирган Тоғай Туркон оқага ишора айлади. Улус оқа ширин жилмайди ва маъқул, дегандай оҳиста бош тебратди. Қопқора шахло кўзлари ёниб турадиган ўн тўққиз ёшли Тоғай Туркон оқа «Дилхирож»га жуда яхши рақс тушарди. Канизақ иромон айлаганда ҳар сафар маликалар тўпланиб томоша қилишар, завқларга ботишар, мунглиғ кўнгилларини яйратишар эди. Канизақни қайта-қайта ўйинга тортишарди-да, рақс тутагач: «Ўйинни хўп қийворасиз, қаерда ўргангансиз?..» деб сўрашар, ҳатто «Ҳазрат Соҳибқиронни ҳам ўйинингиз билан ром этиб олганмисиз? Валинеъмат ҳазратларига шундай ўйин тушиб... берасизми?..» қабилида тегажоллик қилишдан ҳам тап тортишмасди.

Аммо ҳозир ҳеч ким ҳеч нарса демади... «Дилхирож» эса бутун ҳовлию хонани ёқимли садоларга тўлдириб, дилларни қитиқлаганча жаранглашда давом этарди...

УЧИНЧИ БОБ

I

Аббос баҳодирни «тонгсаҳар йўлга чиқурмиз» деб тинчлантириб, ўзи ўша тундаёқ кўч-кўронини йиғиштириб жўнаб кетган Амир Мусо жавзонинг охирларида чўлу биёбонларни оралаб, Амударёдан ўтиб, Шибирғонга етиб келди. Нафсламирини айтганда, Туронзамин қанчалар улкан юрт бўлмасин, ҳозир Амир Мусонинг Шибирғондан бошқа борадиган ери, Зиндачашмдан ўзга сирини айтадиган одами ҳам йўқ эди ҳисоб. Йанкентда ҳам уни тинч қўймай топиб келдилар-ку ахир.

Балхнинг ғарб томонидан жойлашган, тўртинчи иқлимнинг иссиқ музофотларидан бўлган Шибирғон ям-яшил боғлар ичра ғарқ эди. Банди Туркистон тизмаларидан оқиб келадиган Жужжон дарёси шаҳарга яқин келганда, гўёки Шибирғонни ўз оғу-шига олмоқчидай икки ирмоқ ҳосил қилиб икки ёнидан оқиб ўтарди. Шаҳарнинг кўркам қалъаси жуда мустаҳкам эди. Амир Мусо ҳар сафар келганда шунга диққат қиларди. Қалъа деворининг баландлиги унинг назарида йиғирма газга бориб қолади. Ҳарқалай, Қарши

қалъасидан паст эмас... Бир куни Тармочуққа қалъа атрофини қадамлаб чиқ-чи, деб буюрди. Тармочуқ шу заҳоти ишга киришди ва айланиб саккиз минг қадам санади. Тевараги сув ўтла ҳаңдақ билан ўралган қалъа ўртасида маҳобатли Арк ва ҳоким саройи жойлашган, масжиду хонақоҳлар ҳам анчагина бор. Муҳаммад Хожа опардийнинг, кейин эса Зиндачашмнинг ҳокимлик маснадида хотиржам, эмин у эркин ўлтиришларига ҳам сабаб, мана шу устивор қалъаи қўрғон эди, албатта.

Амир Мусонинг Шибирғонга келиб билган биринчи янгилиги Амир Темурнинг Зиндачашм опардийни Самарқандга қурултойга чақириб элчи юборганлиги бўлди. Бу бир ой олдин юз берибди. Элчи катта ҳурмату эъзоз билан кутиб олинбди, Арқда зиёфат уюштирилибди.

— Фурсатимиз зиқдур,— таъкидлабди элчи ўшанда зиёфат устида.— Ҳазрат Соҳибқирон аввало Шибирғон ҳокими Зиндачашм опардийнинг сихатлари тузукми, деб сўрадилар. Сўнгра жанобларини муаззам қурултойга келсунлар, деб тайинладилар...

— Ҳазрат Соҳибқироннинг фармонлари биз учун отилган ўқдек!.. — жавоб қилибди Зиндачашм опардий. — Рост сўрабдурлар, сихатимда узилиш бордур, бодим кўзиб, белимни ҳеч ола олмадим... Кел, дебдилар, борурмиз бешак-шубҳа... Битта жонимиз омода... Изингиздан кафанимни олиб, бўйнимга шамширимни илиб етиб борурмен!.. Қурултойда иштирок этурмен!

Шибирғон ҳокими эски биродари Амир Мусонинг ногаҳоний ташрифидан қувониб кетди. Ўзи Амир Мусо қаерда экан, дея унинг мулоқотига интиқ бўлиб турганди, ҳатто қидириб киши юбормоқчи эди ҳам. Охири марта кўришганларига ҳам бир йилча бўлиб қолди.

— Ўша элчини таний олдингизму, полвон? Ким эркан? — сўради Амир Мусо. У Зиндачашмни кичиклигидан яхши биларди. Авваллари дўсти Муҳаммад хожа опардий олдига келаркан, бўйи паст, тўлачадан келган болакайни кўриб, «Полвон!, Полвон!» деб эрқалар, бунинг билан дўстига ҳайрихоҳлигини таъкидлагандай бўларди. Зиндачашм ҳам, Амир Мусо ҳам бунга ўрганиб қолганлар, аммо энди паканабўй Шибирғон ҳокимини «Полвон» деб атаганларини кўрганлар ҳам истеҳзо аралаш мийиқда кулиб қўяр эдилар.

Тез-тез гапирибша одатланган Зиндачашм опардий айёрликда тулкини ҳам орда қолдираганлар хилдан эди. Чайир, кўзлари йўқ даражада қисик, шунинг учун кўзидан бирон нарсани уқиб олиш ҳам қийин... Ўзи ҳам баъзан нимага ишониб, Амир Темурдай қудратли соҳиб уз-замон билан қадр талашибга киришаётганини тушунмас, аммо бу ҳавосат унга хуш ёқарди. Амир Темурнинг нақ ўзи билан бўйлашмоқда ахир! Қулоқсизликнинг оқибати яхши бўлмаслигини кўнглининг қаеридадир сезар, тутумини ўзгартиришга эса қурби келмасди.

Ростдан ҳам нима учун Зиндачашм опардий, валломати замона, нақ етмиш бешта қишлоғу қасабага эга Шибирғон вилояти ҳокими, ўзи ўзига бек бўлмай, кимгадир бўйсунмоғи керак? Аксинча, ўзгалар унга бўйсунсунлар, бош эгиб юкуниб келсунлар! Ростдан ҳам нима учун у кимнингдир тааддиси захмини тортиши даркор, кимнингдир иддаосини қулоғига сирға қилиб тақиб олиши лозим? Йўқ, у бу вазифани ўзгаларга қўяди! Ўзи эса аста-секин Балхни, Дерзаб, Жузжону Андхойни бирин-кетин ўз тасарруфига олмоқни ният қилган. Олади ҳам! Иншоолло!..

— Йўқ, таний олмадим, таройи. Ёши қирқларда бир киши. Мўғулми...

— Чакки кўйиб юборибсиз! Зиндонга солиб чиритиш лозим эди! Тушундик... Бош эғиш керак эмас... Қўрқиш керак эмас... — деди ҳар бир сўзини салмоқлаб Амир Мусо.

Қаршилиқ амирнинг Зиндачашм опардий отаси билан аввалдан борди-келдилари бор, яхши дўсту биродарлик рутбасини сақлар эдилар. У Зиндачашмни уйлашда Муҳаммад Хожа опардийга жўяли кенгаш берган ва эътиборли амирлардан Хутталон ҳокими Амир Кайхусрав иниси Кайқубод ожизаси сулув Хушқад оқага совчи бўлиб борган эди. Оқибатда юртнинг икки нуфузли хонадони хеш-ақраблик ришталари ила боғланиб қолди. Даставвал Кайқубоднинг опардийлар амира билан қуда бўлиш хоҳиши йўқ эди, аммо Амир Мусодай саромади замона ўртага тушганидан, бу таклифни рад эта олмади.

— Гапингиз ғалатирок бўлдим, таройи?..

Зиндачашм опардийнинг қисик кўзлари қисилганидан қисилиб, парқув ёстиққа ён-бошлаб олган Амир Мусога қаттиқ тикилди. Сухбат ҳоким меҳмонхонасида кечмоқда эди.

— Қўрқиш керак эмас, дедингиз... Айтинг-чи... Агар Амир Темур ҳузурига бораётган амирларни меҳмон қилиб, адаб, ярим йўлда қўйдек бўғизлатиб, у дунёга жўнаттирган бўлсам... Улар Соҳибқирон одамлари бўлсалар... Хўш, бу қўрқишга кирадирму? А?..

Амир Мусо индамади.

— Балҳа ҳам Абулмансур Соҳибқирон дея улуғлаб Амир Темурни оқ кигизга солдилар... Ҳамма калапатра бўлиб кигиз четини ушлашга отилди. Ит ҳам, бит ҳам... Мен атайлаб кигизга талпинмадим... Мен...

— Қўйсангиз-чи! Йўғ-е?... — деб юборди Амир Мусо ҳайратда ирғиб чиққан кўзлари яна ҳам катгароқ очилиб. — «Кигиз солди»да шундай қилдингизму?... О, полвон! Тушундик!..

— Мен Темурбекни бундоқ мартабага нолойиқ, деб ҳисоблаймен! Сиз аввалдан буни билурсиз... Хўш... бу қўрқишга кирадирму? Шунинг бош эғиш деб аташ лозимму?... А? Лозимму?..

Амир Мусо Зиндачашм опардийнинг офтобда қовжираб кетган якка-дуқкам майсалардай игна-игна малларанг соқолига тикилиб қолди. У синамоққа гапирганди, Зиндачашм

опардий чинакамига бобиллаб берди. Бас, у Амир Мусо ўйлагандан ҳам кучлироқ душман экан! «Маъқул... — деди ичида. — Лекин бу ҳали кам. Уни бот-бот Амир Темурга гиж-гижлаш керак, токи Соҳибқирон ҳақида бирон сўзни эшитиши биланоқ, жунуни қўзиб, ўзини қўйгани жой топмасун!»

— Пойтахти фирдавсмонанд Самарқандга қурултойга чақиртирибдилар... — мазах аралаш сўзида давом этди Зиндачашм опардий, — Қадам босмадим! Тушиб қолғони йўқ! Яқинда Амир Темур атайлаб икки жўнатибдаур...

— Яна-я? Жуда сизга кўз тикиб қолибди-ку, полвон? Кимлар экан?

— Хожа Юсуф билан Тобон баҳодирлар...

— Ие! Қариндошларингиз-ку? Йўлга солсунлар, деганда...

— Ҳа-а-а... — аламли тиржайди Шибирғон ҳокими. — Зиндачашм опардий оёғини қўлга олиб чопиб келадур, деб ўйлаганлар Соҳибқирон ҳазратлари... Элчиларни худди бозорда хуржинларини йўқотган шўрлик бозорчилардай қайтариб юборишим мумкин эдию... Ҳа-ха-ха! Иккисини ҳам зиндонга тиқтириб қўйдим. Бургага таланиб ётишибди. Бунни бари сизнингча, бош эгишга кирадирму? А, айтинг-чи: кўрқишга кирадирму? А?.. Тоға?..

Амир Мусонинг энди таслим бўлмай иложи йўқ эди:

— Э, тутумингизга қойил! Гапнинг ўғил боласини айтдингиз! — Амир Мусо ёстиқдан тирсақ узар экан давом этди: — Сизни Амир Темурга бош эгадур, кўрқаду, деб ноҳақ гапирибмен! Ростакамига полвон эканлигингизни кўрсатиб қўйибсиз! Тушундик... Ахир сиз «гаҳ!» деса, «парр» этиб қўлга кўниб турадиган беданаи хокисор эмассиз! Сиз кўзи ўткир, баландпарвоз лочиндурсиз, Балхдай улкан музофот узра чарх уриб юрган сорлочин! Шибирғон лочини! Шибирғон лочини бош эгмайду, Шибирғон лочини кўрқув нима билмайду!

Амир Мусо шундай дер экан, ичида Шибирғон ҳокимининг қатъиятидан мамнун бўлди. Энди жиддий уринишлар палласи келди. Ўзини бутун Мовароуннаҳр даъвоғари деб билган Амир Темурга қаратилган ҳали қиндан чиқмаган ғазабу ғанимлик қиличининг тиғи айрим ҳада этилган Дилшод оқа сингари марҳамату сийловлар туфайли ўтмаслашиб қолгани аниқ. Айёр Амир Мусо ушбу суҳбатга ўша қилични чархлаб қўйишдек бир юмуш деб қаради.

Шибирғон ҳокими тағойини мот қилганидан ниҳоятда масрур эди, унинг юзларига табассум ёйилди, кўринар-кўринмас кўзлари ҳузурдан йўқ бўлибгина кета қолди.

— Аммо бир нарсани дил-дилнингизда муқим тутингизким, полвон, Темурбек сизни кўрқартирмайду! Ҳа, кўқартирмайду!

— Сизни ҳам, тағойи! Сизни ҳам кўқартирмайду! Бу равшан!

— Ҳа, ҳеч кимни кўқартирмайду...

Иккиси ҳам ўз ҳаёллари билан бўлиб, ерга тикилганча жим қолдилар.

II

Зиндачашм опардий отаси Муҳаммад Хожа опардий руҳини шод қилиш учун худойи ўтказишни ният қилди, турли жойларга чопарлар жўнатди. Қарши амири, насибаси қўшилган экан, маъракага етиб келди. Эртасига қолган меҳмонлар ҳам жам бўлдилар. Номи худойи бўлса ҳам Шибирғон ҳокими бўлажак издиҳомга бир қурултойдек қарарди. Бухородан Маҳмудшоҳ Бухорий билан Абу Исҳоқ Ясовурий ўн беш кун олдин йўлга чиққан эканлар. Бухоро ҳокими Маҳмудшоҳ Бухорий Абу Исҳоқ Ясовурий амакиси Али Ясовурий қизига уйланганидан куёв сифатида Ясовурийларда катта ҳурмату эътиборга эга эди. Абул Маолий Термизий, — уни худовандзода деб улуғлайдилар, — Шибирғонга жўнамоқчи бўлиб турганида Хутталоңдан чопар келиб Амир Кайхусрав мактубини топширди. Мактубда Хутталоң ҳокими нақиблар нақибни худовандзодага сабр қилиш лозимлиги, Амир Кайхусрав Термизга етиб келгач, Шибирғонга эш-қўш бўлиб боришларини ўтинган эди. Шайхулислом Абулворис Самарқандий эса Шибирғонда Зиндачашм опардий олдида истиқомат қиларди. Шайхулислом сарбадорлардан азият чеккач, Самарқанддан кўнгли совида, Муҳаммад Хожа опардий билан эскидан қадрдонлиги боис Шибирғонга келиб туриб қолди.

Худойи баҳонасида Зиндачашм опардий ўзига яқин кишиларни бир жойга йиғиб, мавжуд вазиятда қандай йўл тутмоқ борасида бақамти бош қотирмоқчи эди. Маъраканинг эртаси туш вақти меҳмонларни шаҳар жанубига — Жузжон дарёсининг бўлинган ерига олиб чиқди. Пастроқдаги улкан чархпалақдан ариққа сув қуйиларди. Ариқ атрофига гулу райхонлар экилган, шоҳи кўрпачалар тўшалиб, парқувлар қўйилган супани айланиб ўтиб яна дарёга қўшилиб кетарди. Чархпалақ кўрчаларидан бир меъёрада ариққа қуйилаётган сувнинг шовуллаши кишига хуш ёқарди.

— Қани, пирим, супага чиқсунлар!.. — қўл қовуштирганча таклиф этди худовандзода Зиндачашм опардий.

— Қуллук! Қуллук! Ё, Аҳад! — Абул Маолий Термизий гавдасининг юмалоқлигига муносиб бўлмаган бир чаққонлик билан супага чиқди. Меҳмонлар ҳам бирин-кетин супага жойлашдилар. Қуръон тушириди.

Шибирғон ҳокими даврага зимдан назар солди. Ана худовандзода, ёнларида шайхулислом Абулворис Самарқандий, кейин Амир Мусо, Амир Кайхусрав, Маҳмудшоҳ Бухорий, Абу Исҳоқ Ясовурий... Бўлажак Хуросон салтанатининг ақобиру аъёнлари...

— Оллоҳга шукур! — деб қўйди Абул Маолий Термизий барра кабобдан тановул айлар экан. Худовандзода бошига катта дастор салла ўраб олганидан ўртадан пастроқ

бўйи яна ҳам кичрайиб кетгандай туюларди, ингичка овозида ясамалик шундоққина сезилиб турарди. — Бизни ҳам сийлагувчиларни, бошида тутғувчиларни яратганинга шукур! Ўзингга шукур! Ҳа!..

Даврадагилар бу гапларга унча эътибор қилмадилар, аммо пойгақда тиз чўккан Зиндачашм опардий пирининг сўзларидаги яширин маънони илғаб олди. Гап шундаки, Абул Маолий Термизий дилининг туб-тубида Амир Темур марҳаматидан умидвор бўлиб юрарди. Соҳибқирон ана менинг этагимдан тутайди, мана менинг этагимдан тутайди, деб интиқ турганда, у Буйё мавзеида Мир Саййид Бараканинг Темурбек олдига келгани, Соҳибқироннинг пири муршидга қўл бергани, байъат қилингани воқеаларини тафсилотлари билан эшитди... Эшитдию ўша куни кўзига уйқу илинмади. Мир Саййид Бараканинг чапонлик кўрғизиби улоқни олиб кетганидан, ўзининг эса ландовурларча фурсатни қўлдан бой бериб, оғзидаги ошани олдариб ўлтирганидан қаттиқ изтироб чеқди, иззатталаб дили лат еганини яширолмай қолди. Маккаи мукаррамадан қачон келгани ҳам номаълум, Термиз ота хонақосида ивирсиниб истиқомат қилиб юрган Мир Саййид Бараканинг топқирлигию ўзғирлиги уни бир куйдирса, Темурбекнинг уни қўлдан била туриб шундай олий эътибордан дариг тутгани, илтифотсиз қолдириб четлаб ўтгани икки куйдирар эди. Ё, тавба! «Алҳамду»ни айтиб юриб, куппа-кундузи Темурбекни Абул Маолий Термизийдан тортиб олиб ўзиники қилди-қўйди-я!

Темурбек адашди, адашганда ҳам ёмон адашди. Бу аниқ, ҳали худовандзода этагини тутмай, Мир Саййид Баракага қўл берганига пушаймонлар ейди, аммо унда кеч бўлади. Майли, у бу ёғини худога солди... Худди шу нарса худовандзодани Зиндачашм опардийга яқин қилиб қўйди, дилида тинчлик бермаётган алам туйғусини аланга олдириди.

Худовандзода шошилиб қолди. У бир нарсага амин бўлдики, агар пирлик рутбаси учун курашмаса қуруқ қолавериши мумкин экан. Бас, Зиндачашм опардий, Амир Кайхусрав ва Амир Мусоларни энди ҳеч кимга бермаслиги, қандай йўл билан бўлса-да, ўзиники қилиб олиши керак, вассалом! У муридларига меҳрибончилик кўрсатиш маъносида совғасаломлар жўната бошлади. Муридлар ўз навбатда худовандзоданинг зоти бо-баракот эканликлари, бундай улғу сиймонинг атроф музофотларда учрамаслиги, шунингдек унинг ҳар хил кароматлари ҳақида сўз юритардилар. Худовандзода Шибирғон ҳокими билан Хутталон ҳокимини бир-бирларига билдирмай зиёрат қилди, уларнинг ҳар бирига давлату қудрат белгиси сифатида туғ ва турнабеллик қилич ҳадая этди.

Абул Маолий Термизийнинг тагин бир нияти бор: у нуфузли Қарши амири Амир Мусони ҳам ўзининг мудири қилиб олиши лозим. Худовандзода Амир Мусонинг Балхга келиб Темурбек билан учрашишдан ўзини олиб қочганини биларди, айна пайтда уни излаб Самарқанддан одам юборилганидан ҳам бохабар эди.

Амир Мусо хаёлга чўмганча сойдаги бежирим ишланган чархпалакка термилиб ўлтирар, қандай қилиб амирларнинг ҳар бири билан хуфий гаплашиш тарафларини қидирарди. Чархпалак дунёнинг тимсоли эканлиги ҳақида у кўп эшитган. Ҳа, чархпалак — дунё, анави кўрачалар эса — дунёга ёпишиб олган одамлар. Ҳов ана, энг тепага чиққан кўрача офтобда ялтираб, ўзини олам-жаҳонга кўз-кўз қилмоқда, бу — Темурбек... Анави сувга шўнғиб тўлиб чиқиш илинжида туб-тубга ботиб юйиб бўлиб кетган эскирган кўрача — Амир Мусо... У ҳам юксакларга чиқади, чиқажак! Чархпалак айланиб турса, бас!

— Амир Мусо жаноблари, қаерлардан сўраймиз энди? — Қарши амири хаёлларини бўлиб жаранглади худовандзоданинг ингичкадан келган овози. — Замон ўзгариб, пароканда бўлиб кетдик чамаси... Балхда, Темурбекнинг тахтга миниш айёмларида кўринмадиларму?... Сўғин, Самарқанддаги қурултойга ҳам қадам ранжида этмадилар шекилли...

— Насибамиз ҳар турли ерларга сочилган эркан... Ушаларни териб еб юрибмиз-да, тақсири олам... — жавоб қилди Амир Мусо чархпалақдан кўз узиб. — Фақир киши панада деганларидай...

— Оре, рост... — ўзини Мир Саййид Баракага менгзаброқ давом этди худовандзода. — Баъд, ҳар он, ҳар лаҳза кўзимиздан ўтиб турадурсиз. Инчунун, соғиниб қолгонимизни ҳам билдирмак жоиздур...

— Қуллуқ, ҳазрат, қуллуқ! Тушундик...

— Ва ё... Темурбек... нафас олдиригани қўймадурларму?... — сўради маъноли жилмайиб қўяркан Абул Маолий Термизий.

Амир Кайхусрав, Абу Исҳоқ Ясовурий ва Маҳмудшоҳ Бухорийлар ялт этиб бир-бирларига қараб олдилар. Нима дейишини билмай қолган Амир Мусо ирғиб чиққан кўзларини ёлворгандай Зиндачашм опардийга тикди. Бу унинг, ёрдамга кел, дегани эди.

— Ҳазрат, Темурбек кимга нафас олдиришга қўяётирки, Мусо тағойига йўл берадур? — Зиндачашм опардий бемалоол суҳбатлашишга тўсиқ бўлиб турган пардани орадан кўтариб ташлади. — Амир жаноблари ҳам сизу биздек ноҳақ сиёсатдан азият чекиб юрибдурлар...

Суҳбатга бошқалар ҳам аралаша бошладилар:

— Ҳа... Юрт тепасига келганларига тўрт-беш ой бўлмай, вой-бў-уй, Темурбек бизларни жуда қисиб қўйдилар... — қўрқ-писа сўз олди Маҳмудшоҳ Бухорий. У озгин, новча, эркаксабзига ўхшабган, тепакал бир одам бўлиб, гапни секин гапирар, гапини тутатиб, бир лаҳза суҳбатдошининг кўзига тикилиб туриш унга одат эди. Қисик кўзлари доим қулиб турганга ўхшарди. Сўзларкан, ичида: «Гап эгасига етиб бормасмикин ишқилиб?» деган ўй кечди. — бурунлар хийла эркину ҳур эрдик, энди ҳаммамиз Самарқандга қараб қолдик...

— Самарқанд йўталса йўталамиз! Самарқанд юр, деса, югуриб кетамиз, ёт деса этиб

оламиз! Таомил шунақа! Таомил шунақа! Ҳа! — кимгадир кесатиб гапирди Амир Кайхусрав.

— Ҳали, тўхтаб турингиз! — киноя қилди Абу Исҳоқ Ясовурий. — Буям ҳалво... Темурбекни биламен... Ҳали ҳаммамизнинг бурнимиздан ҳалқа ўтказиб, ҳўкиз қилиб кўшга кўшиб салтанат ерларини ҳайдатадир... Ха-ха-ха!

Ясовурийлар Чингизхон замонидан бери Ҳисор ва Толиқон музофотларида ҳукмронлик қилар эдилар. Амир Ҳизр Ясовурий вафотидан сўнг, улардан путур кетди. Макондан, нуфуздан ажралиб қолган ўғил Абу Исҳоқ Ясовурий ва ука Али Ясовурийлар шунинг учун ҳам Амир Темур салтанатидан аламда эдилар.

— Биримизни ҳўкиз қиладу, бошқамизни ўша ҳўкизни уриб ҳайдайдиган қамчи!.. — Зиндачашм опардий заҳархандали деди. — Ҳўш, Темурбек ким бўпти ўзи? Хон авлодимики, ҳамма унга сажда қилади?..

— Ҳўкиз бўлиш ҳам ёмон эмас, ҳарқалай... — мазахсинди Амир Мусо. — Эшак қилиб минмасалар бўлди, эшак қилиб!.. Тушундик!..

— Эшакнинг гўшти ҳаром бўласаям, кучи ҳалол-да! — аламини яширмай деди Амир Кайхусрав шокоса кўзларини чақчайтириб, оғзини дастрўмоли билан ёпар экан.

— Эшак ҳам эшак... — ёнаётган оловга ёғ сепди яна Абу Исҳоқ Ясовурий. — бу аҳволда итнинг кейинги оёғи бўлиб юраверамиз, ҳа...

Даврани кузатиб ўлтирган Абул Маолий Термизий ичида мамнун бўлиб қўйди. Унинг чамаси бўйича, амирларнинг барчасини бешак-шубҳа Соҳибқиронга муҳолифат эълон қилгучилар сафига кўшса бўлади. Шу лаҳза кўнглидан кўп режалар кечди, уларни ошқор қилиш керакми, йўқми, айтиш фурсати етдими, етмадими — шуларни ўйларди. Аммо худовандзода билади — ҳаммиша қарорсиз замоннинг ўз режаси бўлур, бунга шак йўқ. Энди бу ёғи Оллоҳга таваккал. Абул Маолий Термизий «ҳаракатга-баракат» ақидаси этагидан тутиб, Зиндачашм опардий билан келишилган фикрларни очиб ташлашга аҳд қилди.

Шу пайт шаҳар ёқдан от чоптириб келган бир сипоҳ юз қадам нарида секинлаб, отидан тушди ва супага ўқинашиб кела бошлади. Чамаси вақти зик эди. Зиндачашм опардий орқа ўтириб ўлтирганидан, сипоҳ келганини билмади. Сипоҳ ясовул кулоғига нимадир шивиради, ясовул эса бош чайқади: «Машварат кетмоқда. Бироз кутиб тур!» Айни шу палла Абу Маолий Термизий сўз бошлаб қолган эди:

— Абу Исҳоқ жаноблари бағоят рост айтдилар, — босиқ деди худовандзода. — Ахир сакнинг орқа оёғи бўлиб юриш бандан мусулмонга нораво қисматдур. Сиздек валлоатлар, биздек саййидлар ушмундоқ аҳволга тушиб турибдурмиз. Бас, кўнгиладар кўнгиладар сув ичсун! Аҳдни бир жойга қўяйлуқ. Аҳду паймон белбоғини белимизга маҳкам боғайлуқ. Масал борким, кўтоҳ қилич баҳодирлар қўли билан узун бўлур, давлат умр саййидларнинг сўзи бирлан фузун бўлур!..

Абул Маолий Термизий узоқ гапирди. У ўз гапида бўлажак Хуросон давлати ва бу давлат нуфузи, истиқболлари борасида тўхтади. Хусусан, Хуросон давлатининг пойтахти ҳам қулай жойлашиши, ҳам устивор Анжо қалъасига эга эканлиги, бу қалъанинг ҳатто «Шоҳнома»да эслаб ўтилганлиги, уни Фирдавсий Тусий «сафидиз» деб атаганлиги, шунингдек Темурбек пойтахтидан йироқлиги эътиборга олинб Шибиргон бўлиши лозимлигини таъкидлади... Асли Зиндачашм дилдаги бу гапларни Шибиргон ҳокимининг ўзи айтганда, барчанинг вәшини келтирган бўларди. Абул Маолий Термизий эса юрт бошқариш даъвосидан йироқ, холис ва ҳалол одам, ҳамма амирлар пиридуру, сўзларининг залвори барчага баробар тушади. Шунга қарамай, «Хуросон давлатининг пойтахти Шибиргон бўлса... подшо ким бўлади?..» деган савол ҳаммамизнинг ичини кемирарди. Амир Мусо ўлтирган жойда безовталаниб қўйди. Амир Кайхусрав нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, у томондан келган қўланса ҳиддан худовандзоданинг кўнгли ағдарилаёзди, аммо Хутталон ҳокимини атай сўзлашга қўймади:

— Асил мақсад юртни чегириб олишдадир! Як жузв ва як тан бўлиб Темурбек салтанатига муҳолифи муносиб тушмақдадур! Пайғамбаримиз ҳадисларида айтилмишки, одам боласининг юраги қушчага ўхшаб бир кеча-кундузда етти мартаба ўзгариш қилар эмиш. Оре, рост. Азал-абад одам боласи шундоқдир. Аммо баъд, бизларининг юракларимиз ушбу аснода қушчага эмас, шерга менгзасун ва етти бор ўзгариш у ёқда турсун, балки аҳдини ўзгартирмасликка етти бор қасам ичсун! Илло, ўшанда Оллоҳдан фатҳу зафар атосини сўрай олғаймиз! Ё, Аҳад!..

Абул Маолий Термизий сўзлари барчани сеҳрлаб қўйди. Гарчи Зиндачашм опардий худовандзодага тикилиб турган бўлса ҳам, унинг қисиқ кўзларидаги шодлик аломатларни илғаш қийин эди. Амир Мусо яккам-дуккам қошларини силаркан, ирғиб чиққан кўзларини ерга тикканча «Тушундик... Тушундик...»дан нари ўтмас, Амир Кайхусравнинг ҳамон бир нима демоқ илинжида тарадудда эканлиги сезиларди. Абулворис Самарқандий билан Маҳмудшоҳ Бухорийлар эса худовандзоданинг ҳар сўзига тан беришиб, бир-бирларига қараб бош тебратиб ўлтирардилар. Фақат Абу Исҳоқ Ясовурийгина «Хўп аробани қуруқ опқочяптилар-да, пирим!» дегандай, юзларида истехзоми аралаш бир илжайиш ғайритабий равишда қотиб қолганди.

Сипоҳ безовталанар, аммо машваратни бузишга журъат этолмасди.

Зиндачашм опардийга чархпалакнинг айланиши тезлашиб, кўрачалардаги сувни шоуллаши бир-бирига улашиб кетгандай туюлди. У кўзларини каттароқ очиб, пирига пинҳо-

на қараш қилди. Худовандзода бу қарашда, даврада комил ишонч уйғотмоқ учун ҳали кўп ғайрат талаб этиладур, пирим, тагин бир саъий ҳаракатингиз лозим бўлур, деган илтижони ўқди. Абул Маолий Термизий Термизий одамда сабоғларга путур етган шундай ҳолларда ҳамиша кўллайдиган синалган усулни танлади:

— Каломуллоҳ Куръони каримнинг «Фатҳ» сураси бағоят улуғ ва мўтабар суралардандур. Аззамма қадроху¹. Ҳижрий олтинчи санада² жаноби пайғамбаримиз ва Макка мушриклари орасида Худайбия сулҳи воқе бўлишидур. Мазкур сулҳ Макка мушриклари устидан қозонилган зафар ибтидосидур. Илло Мадинада нозил қилинган «Фатҳ» сураси шул ҳақиндадур. Муҳаммад алайҳиссалом: «Бу кеча менга дунё ва ундаги бор нарсалардан суюқлироқ бўлган бир сура нозил қилинди», деб беадад шодланган эканлар... — Абул Маолий Термизий Ҳамманинг диққати бир жойга жам бўлганига ишонч ҳосил қилгач, давом этди: — Ушбу сурада мўмин-мусулмонларнинг дини ислом учун қилғон жиҳодлари, айрим имони заиф кимсалар ва мунофиқларнинг жиҳодда иштирок этмаслик баҳоналари хусусида, саҳобаларнинг то охир нафас Оллоҳ йўлида курашда Расулуллоҳга боғлагон байъат-қасамедлари тўғрисида хабар этилишидур. Ё, Аҳад! Бизнинг юмушимиз ҳам бир жиҳоддур, ҳа-ҳа, жиҳоддур! Бас, эй жаноби амирлар, Оллоҳ дилимизга солғон йўлдан айру тушмайлик! Аён бўлсунким, имони заиф кимсалар, мунофиқлар шайтони лаъин этоқини тутғон бандалар қаторидан жой олулар! Ундоғларнинг жойи, илло, томуғдур.³ Оллоҳнинг ўзи ҳаммамизни мағфират айласун!..

Абул Маолий Термизий «гап тамом» дегандай, ўзини орқароқ тортиб жойлашиб олди-да, «Аузу биллоҳиминаш шайтонир рожим, бисмиллоҳир раҳмонир раҳим», дея «Фатҳ» сурасидан тиловат тушира бошлади. Худовандзода узоқ ўқиди, унинг қироати бағоят ширали бўлиб, кишининг юрак-юрагига етиб борарди. Кўрачалардаги сувнинг шовуллашини демаса, бутун олам сукунат ичра ғарқ эди...

Шундан сўнг, ҳеч ким бирон нарса дейишга журъат этмади, зеро «имони заиф кимсалар ва мунофиқлар» қаторига кириб қолишни истамасди.

— Дастурхондаги ҳар бир нарса, егулик, ким менга кўл чўзаркин, дея маҳтал бўлиб турар эмиш... Қани, олингизлар!

Абул Маолий Термизий шундай деди-да, дастурхонга эгилиб, оқ фарғурий косадаги ақиқдай гилос шарбатидан тотинди. Меҳмонлар ҳам олдиларида дастурхон борлигини энди билганларидай, бараварига кўл узатдилар. Ясовул бир четдаги сўрида ўлтирган машшоқларга ишора қилди. Савту наволар бошланиб кетди.

Зиндачашм опардий дилида мамнунлик ҳиссини туйди, аста дўстларини — аслида эса муҳолифларини, у буни аниқ билади, — бир-бир кузатиб чиқди. «Барчангиз менга бўйинсунадурсиз, ҳали, Хуросон давлатини тузиб, оламини ҳайратга солурмен, иншооллоҳ!» деб кўйди ичида у.

Шу пайт фурсат етганлигини кўрган ясовул Зиндачашм опардийга яқинлашди-да, оҳиста шивирлади:

— Чопар бор, давлатпаноҳ...

— Чопар? Қанақа чопар? Чопар бўлса кутиб турсун демабмидим? Жондан азиз дўст-биродарлар, мўтабар меҳмонлар ила бир лаҳза фароғат оғушида бўлайлик, оромимизни бузмасунлар, демабмидим?.. — ясовулга қийғир қараш қилди Шибирғон ҳоқими.

Ясовул хижолат тортди:

— Битта жоним омода... Аммо, ошиғич хабар, давлатпаноҳ...

— Хўш?.. Қандай ошиғич хабар эркан?

Шу пайтгача ўзини игнанинг устида ўтиргандай ҳис қилган чопарга жон кирди, «бир қошиқ қонидан кечиш»ларини ўтинди-да, деди:

— Давлатпаноҳ!.. Балх тарафдан ошиғич хабар етдиким, Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон лак-лак кўшин бирлан Шибирғон сари юз бурибдурлар...

— Нима-нима? Нима дединг?.. — кулоқларига ишонмади Зиндачашм опардий, шу лаҳзадаёқ аъзои баданига муздек титроқ югурди.

— Лоҳавло вало куввато! — деб юборди Абулворис Самарқандий.

Чопар, сўзим англашинарли бўлмади шекилли, деб ўйлади ва яна такрорлади:

— Амир Темур Кўрагон лак-лак кўшин тортиб...

Чопарнинг сўзи оғзида қолди:

— Ясовул! Олиб бор бу фитначини! Чўби ясоққа етқурилсун! Фитна гапни қайдин топибдур? Топишларни топингиз! Бу фанимларнинг ишидур! Барчамизнинг дилимизга қутку солмакчилар! Темурбек Самарқандда салтанат юмушлари ила банддурлар! Самарқанд қаёқдаю Шибирғон қаёқда!.. Орада тўқсон тош йўл турибдур. Хо-хо-хо! Кўшин тортиб келар эмиш... Хо-хо-хо!

Зиндачашм опардийнинг кулгуси, кулгу эмас, кўпроқ қафасга тушиб қолган шер боласининг аламли нидосига ўхшаб кетди, унинг ўз гапига ўзида ҳам ишонч йўқлиги кўриниб турарди.

Ҳамма қотиб қолди. Ясовул сездирмай машшоқларга «Тўхтатингиз!» ишорасини қилди. Даврадан файз кўтарилган эди. Шибирғон ҳоқими назарида сукунатни титратиб турган

¹ Қадрини улуғ қилсун (араб)

² Милодий 627 йил.

³ Томуғ — дўзах

чархпалакнинг айлиниши секинлашгандай туюлди, кўрачалар ҳам илгаригидай бир-бирига улашиб эмас, айрича-айрича «шалоп... шалоп...» этиб товуш чиқарар эди.

Сукунатни биринчи бўлиб Амир Мусо бузди:

— Зудлик билан Темурбекка элчи юбормак жоиз, токи Шибирғонга келиб юрмай, изига қайтсун!.. Тўғри йўл шулдир, полвон!.. Тушундик...

— Тўғри йўл шулдир, Зиндачашм жаноблари! Тўғри йўл шулдир! — Амир Кайхусрав ҳам Амир Темурнинг Шибирғонга бостириб келаётганига заррача шубҳа қилмасди. — Жаноблар! Камина ҳозироқ Хутталонга отланурмен! Юрт ёлғиз қолди! Юрт ёлғиз қолди!..

— Агар Соҳибқирон менинг бу ердалигимни билсалар, нақ теримга сомон тикадур! Бухорога шошилишим даркор! — тили ечидди безовталанган Маҳмудшоҳ Бухорийнинг, у кўрққанини яшириб ҳам ўтирмади.

— Рост дедилар!.. Шошилишимиз даркор!.. — тасдиқлади Абу Исҳоқ.

Абул Маолий Термизий бало-қазодай келган бу янгиликдан ҳайратга мустағриқ бўлди. Эй буқаламуни кажрафтор дунё!.. Худовандзоданинг кўз олдида ҳамиша бир хил либосда — оқ ридода, печи чап елкасига тушиб турадиган оқ дастор салла ўраган Мир Саййид Барака намоен бўлди. Мир Саййид Барака катта-катта кўзларини унга қадаб термулиб тургандай, «Ҳазрат, нима қилмоқдалар? Бенаф оворагарчиликка берилурсиз, ҳали менга етишмагингизга жуда узоқ...» дейётгандай туюлиб кетди. Унинг юраги сиқиди. Бир қарорга келиш даркор эди.

— Замон ганиматдур, такаллуфларга ҳожат йўқ, деган эканлар Шайх Нажмиддин Кубро... — гапни улуғлардан бошлади Абул Маолий Термизий. — Филҳақ, фурсат кам... Идрок кўзи билан қаралса, шу лаҳза Маҳмудшоҳ Бухорий ва Абу Исҳоқ Ясовурий жаноблари ўз юртларига қайтсунлар, дегимиз келадур... Алалхусус, Амир Кайхусрав ила бизларга ҳам ижозат берилса, мақбул бўлур... Зиндачашм жаноблари! Биз Мир Саййид Барака билан бу ерда бақамти келиб қолсак ярашмас... Ҳали ул зот билан гурунгимиз узоқ бўлур... Ё, Аҳад!..

Зиндачашм опардий худовандзодани биринчи марта кўраётгандай унга тикилиб қолди. Фатҳ сурасидан нақл қилганлари, тиловат туширганлари қаёқда қолди-ю, ҳозирги гаплари қаёқда?... Ўзгалар эса ичларида хурсанд бўлиб ўлтирсалар ҳам керак...

— Ичларингизда оташ йўғу аммо ўзларингиз яхши қайнайсизлар...

Қаттиқ узиб олган Зиндачашм опардий бошқа ҳеч нарса демади.

Шу куниеқ Амир Мусодан бошқа барча ўз юртларига жўнаб кетди.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Хоразмшоҳлар пойтахти Гурганжнинг марказида жойлашган Қайсария карвонсаройи шаҳарга ўзгача кўрку салобат бахш этиб туради. У Қутлуғ Темур¹ минораси ёнгинасида. Минорадан хоразмшоҳ Султон Такаш мақбарасига қадар катта майдон Қайсария номи билан машҳур бўлиб, карвонсарой ва гавжум бозордан иборат эди. Бир ойдирки, Алуфа тавочи бошлиқ элчилар шу ерда истиқомат қилишади.

Алуфа тавочи келган кунлариёқ саройга чопар юбориб Турон султони Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи жаноби олийларига муборак мактубларини олиб келганига хусусида маълум қилди ва илтифот кўргизиб қабул этишларини сўради. Лекин ҳалигача жавоб ола олган эмас. Ахий Жаббор ўнбоши билан Амир Кайхусрав ўғли Султон Маҳмудлар боришганда, ўн кундан сўнг келасизлар, деб тайинлашибди. Ҳа, яна хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи, элчилар бир шаҳримизни айланиб томоша қилсунлар, кудратимизни кўриб қўйсунлар, ҳам деганмиш... Бу, айниқса, Ахий Жабборга ёқиб тушди. Энди улар шаҳарда бемалол юриш имконига эга бўлдилар.

Амир Темур Кўрагоннинг элчиси савдогарларини Қайсария бозорига жойлади, ўзи эса азиз-авлиёларни зиёрат этди. Соҳибқироннинг раъйига кўра, салтанатда шундай одатга риоя қилинарди. Қайси юрт, ё шаҳарга борилса, даставвал азиз-авлиёлар қадамжолари зиёрат қилинсун, жонлиқ сўйилиб ис чиқарилсун, ўтганлар руҳига Қуръон туширилсун... Шунга кўра, элчилар Гурганждан чиқаверишдаги зовияга² бордилар. Улуғ шайх Нажмиддин Кубро қабри устида бунёд этилган бу хонақоҳдан зиёратчилар қадами узилмас эди. Жонлиқ сўйилди. Жам бўлган дарвешлар ва мусофирлар, ярим коса-ярим коса шўрва тотинишиб, ўтган азиз-авлиёлар ҳақига тиловат туширдилар, Турон султони Амир Темур Кўрагон жаноби олийлари ҳақига дуо қилдилар. Машҳур шайх Жамолиддин ас-Самарқандий зурёди, қирқ ёшлардаги чиройли қироат соҳиби Киромиддин ас-Самарқандий зовияда шайхлик мартабасида экан.

Зиёратдан бошқа кунларда Алуфа тавочи бекор ўтирмади, либосини ўзгартириб, ватансиз бир дарвеш қиёфасида елкасига кашкулини осганча, ҳассасини дўқиллатиб шаҳар айланди, бозору мадрасаларга борди, катта-кичikka назар солди, эл орасида юрган ҳар турли гаплардан бирма-бир терди...

Алуфа тавочи эндигина аср намозини ўқиб бўлган эдики, эрталаб саройга кетган Ахий Жаббор билан Султон Маҳмуд ҳужрага кириб келишди.

¹ Қутлуғ Темур — XIV асрнинг биринчи ярмида Хоразм ноиб.

² Зовия — дарвешлар ва сўфийлар мусофирхонаси.

— Бўрими, тулки? — сўради Алуфа тавочи Ахий Жабборга чап кўзини қисиб. Бу унга одат бўлиб қолганди. Ўртача бўйли, айри соқол Алуфа тавочининг чап кўзи кўрмасди. Айтишларича, бир пайтлар Амир Ҳусайн жаҳди чиқиб унинг юз-бошига қарамай қамчи солиб юборган экан, чап кўзига қаттиқ тегиб кетиб, ногирон бўлиб қолибди.

— Бўри, иншооллоҳ! — қичқириб юборди Ахий Жаббор.

Султон Маҳмуд индамай қараб турар, унинг қувонгани ёки қувонмаганини ҳам биллиб бўлмасди. Ун саккизларга кирган Султон Маҳмуднинг келбати худди отасига ўхшаб кетарди, баланд бўйли, шокоса кўз, шошилиб тупук сочиб гапиради, бир гапни икки марта такрорлайди, жуссаси чоғроғдан келган... Уни Амир Қайхусрав хизматида юрган пайтидан бошлаб биларди, бироз «ичимдагини топ»роқ, писмиқлиги ҳам йўқ эмас. Ҳусайн Сўфи саройида ҳам Ахий Жаббор кўзини шамғалат қилиб, кимлар биландир учрашди, пичирлашиб юрди... Бу ерда кўп бўлган, танишлари ҳам бисёр...

— Хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи ҳазрати олийлари жума куни сизни саройда қабул айлайдилар, тавочи жаноблари!

Агар Алуфа тавочининг юмуши Соҳибқирон мактубини хоразмшоҳга топширишдан иборат бўлса, ўнбошининг вазифаси бошқачароқ — очикроғи, Жаҳонгир Мирзонинг дардларига малҳам топиш... У амирзодага махлиқо Хонзода хоним ҳақидаги янги, дилни ёриштиргувчи муждалар олиб бормоғи даркор. Ва гар, иложи топилса, Турон мамлақати подшоси Амир Темур Ўрагон валади Жаҳонгир Мирзонинг ғойибона муҳаббати дуои саломини ул Билқиси замона Хоразм маликасига пинҳон йўллар билан бўлса-да етказмоғи лозим. Чунки, малика менин эр юзига қарашга тоқатим йўқ, дер эмиш. Совчиларни ўзи қайтарар эмиш... Ахий Жаббор ўнбошининг ақли қосири дерки, агар Хонзода хоним Турон мамлақати валиаҳди Жаҳонгир Мирзонинг кўнгил ўртанишлари ҳақида эшитса, шубҳасиз, унинг бебаҳо қалбида ҳам акс-садолар пайдо бўлур!.. Аммо буни қайсар маликага қандай етказилади, ким еткази — бу ёғи муаммо эди.

Келганларининг учинчи кун Ахий Жаббор ўн йигити билан Қайсария бозорига борди. Жуда тиқилинч бозор экан, қадам қўйгани жой топилмайди. Бозорнинг бир маромдаги аллаовчи сурони кун иссиғида кишида эринчоқлик кайфиятини туғдирар, аммо зерикиб турган йигитларга бозор кезиш Оллоҳнинг бир илтифоти эди.

— Бирам катта бозор эканки, дастингдан кетай! — деди барваста, юмалоқ юзли, дўриллоқ овозли Учқора деган йигит атрофга завқланиб кўз ташлар экан. Кейин эшитилар-эшитилмас минғирлади:

*Ер тўймайди ёмғирга,
Хотин — эрга тўймайди...*

Бу унинг яхши кўрадиган кўшиғи эди. Учқора уни вақт-бевақт бўлар-бўлмасга ҳам такрорлаб юришни ёқтирарди.

— Бизнинг Қарши бозори бундан катта, иккита келади! — мақтанди Йаналтекин. Юзлари чўзинчоқдан келган бу йигит Учқорадан тикроқ эди.

— Лофинг ҳам бор бўлсин-е!

— Катта дедим, катта! Агар эрталаб кирсанг, эртасига шомда зўрға айланиб чиқасен! Кўргансан-а, Йўлқутлуғ? — йигитлардан бирига мурожаат қилди Йаналтекин.

— Кўрганмен, кўрганмен... — жавоб қилди панг овозда йигит, мийиғида кулимсирар экан. — Аммо... бизнинг Бухоро бозори олдида ип эшолмайди! Уҳ-хў! Бариси ўтаверсин, Қарши бозориям, Гурганжиям!

— Ие! Ие! — деганча қолди Йаналтекин. — Вой туямижоз-ей!

Йигитлар бозорни кўтаргудай гуриллаб қулиб юбордилар, айниқса, мазза қилиб кулаётган Учқоранин дўриллоқ овози бошқалар ичида ажралиб турарди.

— Сайра, дастингдан кетай, сайра! — Йаналтекиннинг рашига тегиш учун Йўлқутлуғни атай мақтар эди Учқора. — Ҳа, овозингдан кетай-а!

Беғубор ҳазиллардан Ахий Жаббор ўнбоши қалбига нур киргандай бўлди.

Йигитлар атторлар, аллофлар ва қассоблар расталарини бир-бир кезиб чиқдилар. Бирон нарса олиш ниятлари бўлмаса ҳам, сурон солишиб, «Сирға неча пул?», «Буғдой неча пул?», «Гўш қанчайкан?» деб сўраб қўйишарди; бир-бирларига: «Ановни балдоғни олиб қўй, келинпошшога!.. «Маржондан ол, маржондан!» дея тегажовлик қилишарди. Ёз, пишиқчилик авжида бўлганидан, ҳамма томонда қовун-гарвузлар тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётар, турли-туман мевалардан бозор чаманзорга айланган эди. Қовун бозорини оралар экан, нимтўр гурвакларни кўрди-ю, Ахий Жабборнинг оғзидан суви келиб кетди. Гурвакнинг бари хилдан бор экан: оқ, кўк, қора... «Йигитларни бир Хоразм қовунига тўйдирайин!» дея кўнглидан кечирди ўнбоши. Унга оқ гурвак кўпроқ ёқарди, шираси ўткир-да, айниқса, оқновоти... «Нони гўшт»дан бўлса тагин яхши.

— Йаналтекин, мана пул, қовунлардан иккитасини танла-чи! — буюрди Ахий Жаббор. — Ширинидан ол, ширинидан!

— Хўп бўлади, ўнбоши жаноблари!

Йаналтекин қовунларга яқинлашди. Ҳар бири бир кучоқни тўлдирадиган қовунларга боқиб, қайсинисини танлашни билмай қолди, эгилиб уларни шапатилаб кўра бошлади.

Бошқа йигитлар эса «Мана буни ол! Мана буниси яхши!» дея, Йаналтекиннинг бошини айлантиришгани айлантиришган эди.

Қовун сотаётган силкима телпақдаги деҳқон, уларнинг мусофир эканликларини кўрди-да, ўзи иккита «нони гўшт» қовунидан танлаб берди:

— Ина! Иккиси-да дим яхши, ширин!

Деҳқон қовунлардан яна битта олди ва кулимсираганча Йаналтекинга узатди:

— Пули геракмий. Миймон экансиз... «Нони гўшт» ҳам нон, ҳам гўшт...

— Бозорингизга барака! — дейишди йигитлар. Учқора, Йаналтекин ва Йўлқутлуғлар биттадан қовун кўтариб олдилар. Тиқилинчада катта қовунни кўтариб юришдан ортиқ азоб йўқ экан, ҳарқалай, Учқорага шундай туюлди. Кимдир ўтаётиб билмай туртиб кетади, ўзгаси, пўнгиллаб ўтади...

Қаңдолат бозорида қизиқ ҳодиса рўй берди.

Расталарга ҳар хил қаңд-қурслар, новвоту пашмаклар, тутгалқону майизлар, парвардаю печаклар қўйилган. Ҳамма бозорларда бўлганидек, бу ерда ҳам ўралашгувчилар кўп... Ранг-баранг ноз-неъматларни кўрган Учқоранинг кўзлари ёнди, у ширинликлар гадоси эди. Қорамангиздан келган ўрта ёшлардаги хотин қаңд-қурслар сотиб ўлтирарди. Учқора қўлидаги қовунни шеригига берди-да, растага яқинлашди, кейин индамай қўл узатиб чиройли қаңддан бирини олди ва айлантириб томоша қила бошлади. Хотин бир хаёли Учқоранинг қўлини тутиб, қаңдини қайтариб олмоқчи бўлганди, Учқора чаққонлик билан айлантириб қаңдни орзига солар экан, деди:

— Ундай бўлса, сизгаям йўқ, менгаям!

Йигитлар қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишди. Қаңдолатчи хотин ҳайрон жилмайиб қараб турарди:

— Ол! Яна бирисин ол, боломай! Тоқ бўмийди!.. Еганга пул йўқ... — деди хотин кулиб.

Ахий Жаббор қаңдолатчи хотиндан новвот сотиб олиб, қаңдининг пулини бериб тинчитмоқчи эди, шу пайт ёнида кимдир унга шивирлаб қолди. Боқса, гунгурсдай бир ёшулади.

— Биласизми, ким бу хотин?.. Хоразмда машҳур Ражаббиви ширапаз деганлари шу бўлади. Ҳамма билади, — деди. — Қаңд-курсиям зўр. Пошшо саройини ҳам Ражаббиви таъмин қилади. Айниқса, маликалар, хоразмшоҳ қизлари унинг парварда-ю новвотларини жуда яхши кўришади...

— Маликалар-а?..

— Ҳа, маликалар!

Ёшулли шундай дегач, йўлига равона бўлди. Жаҳонгир Мирзо ўнбошисининг миясида нимадир ярқ этди, алақандай умидланиб, кўзларини катта-катта очганча растага яқинлаша бошлади...

БЕШИНЧИ БОБ

I

Алуфа тавочи хоразмшоҳлар саройининг эшикоғаси кузатувида барча соқчилардан ўтиб, ниҳоят Ҳусайн Сўфи кўринишхонасига қадам қўйди. Бу тавочининг назарида, узунлиги ўттиз газ, эни йигирма газ келиши аниқ, шифти ҳам баланд кенг-мўлгина бир хона эди. Рўбарўда меҳроб олдида бироз баландликда жойлашган заррин тахтада хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи ўлтирар, ўнг томонда уламоқ фузало, чап томонда амирул умаро ва нўёнлар саф тортиб туришарди. Саф тортганлар орасида хоразмшоҳнинг укалари Юсуф Сўфи билан Оқ Сўфилар ҳам бор эди.

— Турон султони Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон элчиси! Самарқанди фирдавсмонанддан ташриф буюрмиш! — остонада туриб овозини баланд кўтариб ошкор қилди эшикоғаси.

Алуфа тавочи дадил қадамлар билан тахт пойи томон юрди. Беш қадамча қолганда тўхтаб таъзим бажо келтирди. Шу аснода бир лаҳза хоразмшоҳга назар ташлаб улгурди. Хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи қирқларга борган юмалоқ юзли, қора соқол, истараси иссиқ бир одам эди. Амир Темурнинг элчиси эгилганча тахт пойига яқинлашди ва қўлидаги найча қилиб ўралган муборак мактубни бир ўпиб тавозе билан Ҳусайн Сўфига тутқазди. Шу алпозда ортига чекиниб, аввалги жойига қайтди-да, қўл қовуштириб турди.

Ҳусайн Сўфи найчани олиб писан্দсизлик билан ёнидаги мулозимга узатди:

— Қани, ўкиб йибор-чи!

Атрофда ҳозир бўлган сарой аҳли диққат билан мулозимга тикилди. Жимлик чўқди. Мулозим оҳиста найча муҳрини оча бошлади. Кўринишхонада фақат қоғознинг шитир-шитир овози эшитиларди. Ниҳоят, мулозим икки тирсак узунликдаги мактубни ёзиб, баланд овозда ўқишга тутинди. Мактубда ҳукмдорларнинг номларида бўладиган одатий даромаддан сўнг шундай сўзлар битилган эди:

«... Чигатой дастури измини тутуб, Туркистонзамин ерини барча даъвогарлар иликидан халос этдукким, ушбу аввалроқ юборилган фатҳномамиздан Сизга маълуму машҳурдир. Баъд, Кот ила Хевақ, Чигатой улуси халқасидадур. Туркистонзामीнда

ҳаражу мараж ваҳҳидин Сиз аларга таадди¹ қўлини узотдингиз. Эмди фурсат етдиким,
ўз эгасига тобшурғайсиз. Умид улдурким, бу ишда даҳл қилмағойсиз.
Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон.
Самарқанд. Ҳижрий 772...»

Мулозим мактубни ўқиб бўлиб, таъзим қилганча орта чекинди.

Кўринишхонага нохуш жимлик чўқди...

Бундан беш-олти йил аввал Ҳусайн Сўфи уddaбуронлик кўргизиб Гурганж шаҳрини эгаллаган ва хоҳиши изн берганча ҳукумат юргизиб келарди. Гурганж Жўчи улусига, Кот ила Хевақ Чиватой улусига боқарди, ҳар икки томондан ҳам ҳали ҳеч ким хоразмшоҳга эътироз билдирмаган эди. Ҳусайн Сўфи наздида, Хоразмга кимнингдир қўли етиши қи-йин, Оллоҳнинг ўзи бало-қазолардан асраб, уни икки саҳро орасига жойлаган. Шу нарса бироз ҳаво бериб турганиданми, мулозим мактубни ўқиганда, хоразмшоҳ атрофдагиларга: «Бу қандай бедодид!» дегандай назар ташлади ва мийиғида пайдо бўлган мазахсимон кулгуни яширолмади. Аёнлар ҳам нима де-йишларини билишмас, хоразмшоҳнинг ўзи сўз очишини кутардилар. Фақат Юсуф Сўфи безовталаниб, нимадир демоқчи бўлар, аммо оғиз очишга журъат этмасди.

Жимликни хоразмшоҳнинг салобатли овози бузди:

— Агар элчи бўлмаганингда, чирогим, бу мактубинг учун сени зиндоннинг энг қорон-ғу ҳужрасига ташлашим лозим эди-я, элчи деган номинг бор-да... — Ҳусайн Сўфи сўзла-ридаги захарханда оҳанг Алуфа тавочининг эт-этидан ўтиб кетди. — Соҳибқиронингга бориб айтасен: Кот билан Хевақни бериб қўядиган нодон ҳали дунёга келмапти, де! Ҳали ундоқ одам онасининг қорнида ётган экан, де!.. Англадингму, чирогим?..

— Англадим, англадим!... — тасдиқлади қўл қовуштирганча Алуфа тавочи...

Бирдан Ҳусайн Сўфининг юмалоқ юзидан мазахсимон кулгулар йўқолди, ўрнини қаҳру ғазаб эгаллади:

— Мен Хоразм вилоятини қиличимнинг кучи билан иликка киритдим. Кимки уни олмоқчи бўлса, қиличига суянишига тўғри келади...

II

Худди шу паллалар шаҳарнинг жануб томонида Қайсария карвонсаройидан кейинги муюлишда ғалати ҳодиса рўй берди...

Шаҳардан чиққандан сўнг кўп ўтмай хушманзара бир ўланзор бошланиб кетар, шаҳар аҳли у ерга чиқиб туришни хуш кўрарди. Хоразм маликалари ҳам вақти-вақти билан ўланзорга чиқиб мўъжазгина Зангори кўл бўйида гулгун чодир тиклашиб ҳордиқ олишар эди. У ердан шаҳар ёққа термилсангиз, кўзингиз даставвал ягонаи фалак бўлиб турган Қутлуғ Темур минорасига тушарди.

Чоршанбаи муродбахш куни малика Хонзода хоним бир неча дугоналари билан ўлан-зорни ихтиёр этмакни кўнгилга тугди ва сирдош канизак Оққизни ёнига чорлатди. Кани-зак малика чакиртиригандан қувониб кетди, чунки бугун Хонзода хонимга айтадиган муҳим гапи бор... У узун оқ кўйлагининг барлари шамолда елпинганча, ҳовлидаги гулзор ёнидан югуриб ўтиб саройнинг иккинчи ошёнасига чиқа бошлади.

Оққиз деганимиз ўн беш ёшлардаги қорачадан келган, дуркунгина, тикмачоққина, кулча юзли, кўзлари ўйноқ хушрўй бир қиз. Мўнди қизалоқ туғилганда яхши ният билан Оққиз деб атаган эканлар. Худди бўяб қўйилгандай қоп-қора қошлари қорача руҳсони тагин ҳам кўҳлик қилиб юборган. Қора сочлари узун бўлмаса ҳам бугун орқасини эгалла-ган...

Оққиз зинага энди бир-икки қадам қўйиб-қўймаган эдики, кимдир орқадан, гулзор ёқдан товуш берди:

— Мен бу ёқдаман, Оқ!..

Канизак шарт ортига қайтиб эшиқдан чиқди, остонада тўхтаб, ҳовли этагида, ўттиз қадамлар нарида лов-лов ёниб турган, одамнинг белидан келадиган чаман гулларга синч-ковлик билан тикиди. Ҳеч ким кўринмади. Канизак маликанинг яшириниб олганини билди. Хонзода хоним ҳамиша шундоқ, содда Оққизни лақиллатишни хуш кўради, бирон жойга яшириниб олади-да, қидириб топа олмаганларидан роҳат қилади. Охири топгунла-рича сабри чидамасдан, кула-кула «Мана, мен!» дея яширинган жойидан ўзи чиқиб кела-ди. Оққиз ҳам анойи эмас, ўзини маликани роса қидирганга солди, зиналарни қараб чиқди, эшиклар орқаларини кўрди, аммо гулзор томонга бормади... Бироздан кейин гул-лар ичидан қаҳ-қаҳ отган Хонзода хонимнинг хушбичим бўй-басти намоён бўлди. Мали-канинг қадами камолидан лафофат барқ уриб турарди.

— Бопладим-а, Оқ... Бопладим-а!.. — шундай дер экан, маликанинг хиёл ёшланган кўзлари ҳузурдан чарақлаб ёнарди.

Оққиз Хонзода хонимга термилди, термилдию уни худди илк марта кўраётгандай маҳлиё бўлиб қолди. Ажабо, шу ўзининг маликасимми?.. Аёл зотидан бўлатуриб унинг кўз

¹ Таадди — зўравонлик маъносига.

узгиси келмай, шунчалар мафтун бўлиб турибди-ю, йигитларнинг, албатта, беҳушу беқарор бўлишлари аниқ-да! Шундан маликанинг ғойибона ошику шайдолари кўп, довруғи бутун Туронзаминга таралган. Талабгорларнинг сон-саноғи ҳадсиз...

Чиндан ҳам Хонзода хоним гўзалликда табиатнинг дурри яктоси эди. Нур билан чайилгандай оқсарикдан келган тиниқ юзлари жозибатга тўла, тим қора ҳилол қошлари чиройли, шахло кўзлари ўтли, юпқа ақиқ лаблари жон олади, иринининг ўнг томонидаги мўъжазгина қора холдан бошқа бу тоза рухсорга даҳл этган бирон нимарса йўқ. Чиний нилгун кўйлагини хиёл туртиб турган кўкраклари ўзларида олам-жаҳон сеҳрни ниҳон этган эдилар. «Маликам нақ балои офатнинг ўзгинаси!» — деди суқи кириб Оққиз... Олтин Ўрта хони Ўзбекхоннинг қизи Шакар бика билан хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи иниси Оқ Сўфиларнинг дилбанди Севинбика Хонзода хоним номида машхури жаҳон бўлиб кетди. Хонзода хоним эндигина ўн тўрт ёшга кирди.

Малика билан канизак бирварақайига қаҳ-қаҳ отиб кулиб юбордилар.

— Намунча тикиласен?.. — сўради Хонзода хоним Оққизни енгилгина туртиб. — Одам кўрмаганмусен?

— Қанчалар чиройликсиз, маликам!

Хушчақчақ қизлар саройга қараб юрдилар.

— Биласанму, Оқ... Нима демоқчимен? Қани, топ-чи?

Улар иккинчи ошёна зинаси олдида тўхтадилар.

— Топсам... нима берасиз? — аймоқиликка ўтди Оққиз.

— Вуй, очкўз-е! Сенга нима керак?

— Шаҳар берасизми?

— Қайси шаҳарни истайсен?

— Кот керакмас...

— Ие!

— Ҳевақ керакмас...

— Ўлақолинг!..

— Марви Шоҳижаҳон керакмас...

— Вой-вуй! Ҳали мен сенга бердим, сен олмадинг...

— Ҳа-да!

Икки қиз хийла тортишдилар. Бухорою Балх, Тошканду Саройлар ҳам иш бермади. Хонзода хоним қайси шаҳарни айтса, Оққиз, йўқ дерди. Ҳазил-хузул билан бошланган гап жиддий тус ола бошлади.

— Қайси шаҳарни истайсен, хўп, ўзинг айтақол! — ён беришга мажбур бўлди охири малика. — Хоҳлаганингни ол, майли!

— Оллоҳ тилагингизга етказсин, маликам!.. Менга... Самарқандни берингиз... — одатда сўралганда бўладиган хижолатдан ийманганча ўйноқи кўзларини Хонзода хонимга тикиди канизак...

Хонзода хоним тағин қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборганини билмай қолди.

— Она шаҳрингни соғиндингму? Ўлақолинг... У кун ҳам Самарқанд деганда билдирмай кўз ёши қилиб олдинг-а?

Оққиз асли Самарқанддан, аниқроғи, Самарқанднинг кунчиқишидаги Қумушкент қишлоғидан. Канизакнинг отаси Шайх Киромиддин ас-Самарқандий муридларидан эди. Оққизни ўн ёшида шайхга назира қилиб бердилар. Шайх уни хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфиға бағишлади. Саройда Оққиз одоби ва юриш-туриш билан маликага ёқиб қолди, уни бобоси Ҳусайн Сўфидан тилаб олди. Ўша-ўша, мана тўрт йилдирик, Хонзода хоним билан Оққиз бирга ётишади, бирга туришади. Оққиз ота-онасидан ҳам, беш опа-сингласидан ҳам, — оилада олти қиз эди, — беҳабар яшайди. Фақат ҳар гал Самарқанд деганда юраги титраб қўяди, мунглуғ қизнинг бундан ортигига қурбик келмайди.

— Йўқ, ундоғ эмас... — деди Оққиз бироз маъюсланиб. Кейин ўзини ўнглади-да, деди: — Маликам, ижозат берсалар, бир сирни айтсам...

— Ҳа, ўлақолинг!.. Шаҳарни мен берсам, сирни сиз айтсангиз... Ҳечам-да! Шаҳар олдингму, энди менинг гапимни эшитиб қўй! Кейин сеникидан эшитамен!.. — қайсарлик қилди атай Хонзода хоним.

— Бош устига, маликам!..

— Жума кунни Зангори кўл бўйига борамиз, Оқ...

Хонзода хоним амакилари Ҳусайн Сўфи ва Юсуф Сўфи қизлари Иқбол бика ҳамда Сиймин бикалар билан бирга хушманзара ўланзорга боришлари ҳақида айтмоқчи экан. Сарой баковули қозон-товоқларини аробага ортиб тонгсаҳардан чиқиб кетади. Маликалар эса чошгоҳга қолмай ўланзорда бўлишади, сўлим майсазор эрталаб ўзгача бир манзара касб этади.

— Қандоқ ақлисиз-а, маликам! — қувонганини яширмади Оққиз...

Тўрт томони қалин девор билан ўралган ҳайҳотдай саройда, у ер-бу ерга чиқмай, диққинафас кун кечираётган қизлар учун хушманзара ўланзорда кезиш, Зангори кўл бўйида гулгун чодирларда дил яйратиб ҳордиқ олиш Оллоҳнинг бебаҳо бир инъоми эди. Оққиз ширингина энтиқад, ўланзорга боргунча бўладиган шаҳар сайри, ям-яшил майсалар, чексиз борлиқ, қўйлақларни нозик баданларга чиппа ёпиштириб ғир-ғир эсаётган ёқимли қир шамоли, осмонни тўлдириб бошлар узра гуриллаб учаётган турфа қушлар — бари, бари кўз олдидан бирма-бир ўтди. Маликалар севган мунозара, баҳс эса Оққизга жуда ҳам ёқарди...

Канизак кўзларида аллақандай ўт чақнаб маликага яқинлашди,

— Қулогингизни беринг, маликам, бир сир айтамен...

Малика яхши эшитай дея, бежирим қулоқни бировга кўрғазига қизганиб яшириб турган қоп-қора сочларини қулогининг ортига йиғиб кўйди. Улар ҳамон зина ёнида эдилар. Оққиз шивирлади:

— Маликам, бир қошиқ қонимдан кечасиз... Самарқанддан хабар бор...

— Ўлақолинг, тагин Самарқанд, дейди... Қандай хабар? — чимрилади Хонзода хонимнинг қора хилол янглиғ қошлари.

— Турон султони Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ҳазратларининг паҳлавон ўғли валиаҳд Жаҳонгир Мирзо ҳуснингизнинг ошиғу шайдоси эрмиш... Жаҳонгир Мирзо...

Хоразм маликаси қутилмаган янгиликдан ҳайратланганча, қулогини оҳиста нари олди, юзларида-кўзларида ҳеч нарса билдирмайдиган бир ифода қотиб қолганди. У Оққизнинг жовдираб турган, минг бир сир яширин умидвор кўзларига шаҳдо кўзларини қадади:

— Нима... дединг Оқ?

Канизак сўзини давом эттирмоқчи бўлиб турганди, гап узилиб қолди. Ҳовлига шу пайт ўн олти ёшли Иқбол бика билан ўн беш ёшли Сиймин бикалар қувалашиб кириб келдилар. Оққиз Жаҳонгир Мирзонинг сифатлари, ҳуснию кўрки, шавкату шижоати ҳақида, Ражаббиди ширапаздан қандай эшитган бўлса, шундай гапириб бермоқчи эди. Нафсиамирини айтганда, канизак бу хушхабардан — ҳа, унинг назарида, бу ажойиб хушхабар! — бениҳоя шодмон бўлди. Ким билсин, насиб этиб малика Самарқандга келин бўлиб тушсалар, Оққизни ҳам олиб кетарлар?.. Шояд, Кумушкентга ҳам бориб-келиб турарди-я.

— Севин! Ҳой, Севин! Яхши, шу ерда экансан! — чопиб келди чўзинчоқ юзли шартки Сиймин бика. — Билдингми, нима бўлди?

— Нима бўлди? — сўради хушламайгина Хонзода хоним. Оққиз дугоналарининг келишгани маликага ёқмаганини сезди.

— Иқболга совчи келди! Иқболга совчи келди! Иқбол эрга тегади!

— Совчи келди! Қаёқдан... совчи келди? — жон қолатда бирдан сўраганини билмай қолди Хонзода хоним. Оққиз маликасининг оқсарикдан келган юзларига қизиллик югурганини кўрди, бу маликани яна ҳам гўзал қилиб юборган эди.

— Ҳа, ўл! Дарров суюнчилайди-я! — хижолатдан ерга қаради Иқбол бика. — Ўлгангинанг тузук!.. Тегаети, тегаети эмиш!..

Сиймин бика қаҳ-қаҳ отиб кулар эди:

— Иқбол эрга тегаети! Эрга тегаети...

... Хоразм маликалари орзиқиб қутган жума куни ҳам етиб келди.

Кун кўтарилганда маликалар тушган, тепасига ҳаворанг ва заррин матолар ёпилган маофа саройдан чиқиб, қалқиганча жануб сари йўналди. Маофа ароба устида бўлиб, унда Хонзода хоним, Иқбол бика, Сиймин бика ва Оққизлар ўлтиришарди. Икки соқчи қўриқлаб бораётган рангин маофани кўрганлар, дарров унинг кимга тегишли эканлигини фаҳмлашар ва кўзларини четга олишга тиришар эдилар.

Йўл Қайсария карвонсаройидан кейинги муюлишгача донғил ва равон эди, сарой олдида туриб йўлда нималар бўлаётганини бемалол кўра олиш мумкин. Муюлишдан кейин ўланзорга яқинлашган сари йўл хилватланиб борарди. Маофа муюлишдан ўнгга бурилиб бироз юрган эдики, ғалати ҳодиса рўй берди...

Маликалар Зангорикўл ва хушманзара майсазор, унда кичик дамлар ҳақида ширин суҳбат қуриб, бир-бирига гал бермай чуғурлашиб келишгаётган бир пайтда, қутилмаганда: «Бос! Олдини тўсиб чиқ! Олдини!» «Аввал соқчини қурит!», «Маликаларни олиб қочамиз!» деган даҳшат ва ваҳимага тўла сўзлар янгради. Қизлар кўрқиб кетганларидан беихтиёр «Вой..» деб юборганларини билмай қолдилар. Хонзода хоним маофадан қараб, тўртта ниқобли одамни кўрди, уларнинг қароқчилар эканини дарров билди ва кўрқувдан вужудига титроқ кирди. Тўс-тўполонда икки соқчи икки ёнда қароқчилар билан саваш қуради, аравакаш ҳам қараб турмади, аммо уларнинг босқинчиларга бас келиши қийинлиги аниқ эди. Иқбол бика билан Сиймин бика кўрққанларидан дир-дир қалтирашар, Оққиз бўлса Хонзода хоним кўлларини маҳкам ушлаб олган, тили калимага келмас, қорача юзлари оқариб кетганди. Фақат унинг хаёлидан: «Куппа-кундузи Гурганжда Хоразм маликалари маофасига юрак ютиб ҳужум қилишга журъат этган ер юткурлар кимлар экан?» деган сўзлар кечар, қароқчилар ҳақида аввал эшитган турли ваҳимали воқеалар эсига тушар, Худога ёлвориб, пичирлаб: «Ўзинг паноҳингда асра!»ни такрорлашдан чарчамас эди. Ташқарида ола-тасир савашлар аро «Иҳ!», «Аҳ!» деган товушлар, қиличлар овози эшитилиб турарди.

Маликаларнинг ўз гами ўзларига етиб турганда, яна бир ташвиш қўшилди. Қаттиқ кўрқувдан Сиймин бика ўзидан кетиб қолди, қизлар унинг билан овора бўлиб, ташқарини ҳам унутдилар. Иқбол бика Сиймин биканинг доқадай оқариб кетган чўзинчоқ юзларига оҳиста-оҳиста шапатилаб: «Кўрқма! Кўрқма! Сиймин, кўзингни оч!» дер, Оққиз қизнинг сурх новададай нозик кўлларини, жонсиз беҳол оёқларини уқалар, Хонзода хоним унга кўмаклашар эди.

— Вой, энди нима қиламиз-а!... Сув сеп! Юзларига сув сеп! — ҳаприқарди Хонзода хоним.

— Сиймин! Кўзингни оч! Кўрқитма! — ёлворарди Иқбол бика...

— Бу қандай кўргилик! — ёзғирарди Оққиз.

Бечора қизлар пичир-пичир даражасида ҳам шундай чуғурлашар эдилар.

Ташқарида ҳали-ҳануз тўс-тўполон ҳукмрон, ора-орада дўриллоқ овозли қароқчилар сардорининг «Маликаларни олиб қочамиз!», «Аробани бур!» қабилида сўзлари эшитилар, аммо қароқчилардан ҳеч ким дадил бир ҳаракат қилишга журъат этмасди. Буни соқчиларнинг мардона турганларига йўйган, ичида суюнган Хонзода хоним кутилмаганда узоқдан, шаҳар ёқдан яна аллақандай бегона сипоҳларнинг таҳдидли кичқириқларини баралла эшитди:

- Алъамон! Алъамон!
- Ур-ҳо, ур! Ур-ҳо, ур!
- Тўхта!
- Ушла! Ушла!

Хонзода хоним жон ҳолатда маофа пардасини кўтариб овозлар келган томонга қаради! Не кўз билан кўрсинки, қилич яланғочлаган аллақандай одамлар ҳайқириб от солиб келишарди. «Қароқчиларнинг шериклари! Ёрдамга келишмоқда!..» — деган фикр ўтди Хонзода хоним ҳаёлидан. Йўлнинг уйлар сийраклашиб, яйлов бошлаётган хилват ерида маликалару икки соқчи, аравакаш ва гала-гала қароқчилардан бўлақ ҳеч ким йўқ... Бу қандай бедодлик! Даставвал соқчиларнинг қароқчилар билан теппа-тенг жанг қилаётганларидан кўнгли тўқ Хонзода хонимнинг энди қўрқувдан бутун аъзои бадани жимирлаб кетди. Оқсариқ юзлари оқаргандан оқарди, юпқа ақиқ лабларидан қон қочди: «Энди уларни ёт одамлар асиралардай олиб кетишади, энди Хоразм маликаларини олиб бориб чўри қилиб сотишади... энди... энди...» — Хонзода хоним у ёғини ўйлашдан қўрқарди.

— Худо урди! Яна қароқчилар келяпти! — деди Оққиз шўрлик.

— Қароқчилар?.. — жон ҳолатда сўради шу пайт ҳуши ўзига келган Сиймин бика, чиройли кўзларини ола-кула қилиб, аммо тагин беҳуд бўлди.

— Сиймин! Сиймин! — талпинди Иқбол бика. — Қўрқитма!..

Хонзода хонимнинг тили боғланиб қолган эди, Оққиз ёрдамлашгани Иқбол бикага интилди.

Номаълум қароқчиларнинг сурони эса тобора яқинлашар, уларнинг нима мақсадда от бостириб келаётгани соқчиларга ҳам, қароқчиларга ҳам, маликаларга ҳам бирдай қоронгу эди.

— Тегма! Қоч деяпман сенга, худо қарғаган!

— Тўхта! Тўхта! Қаёққа қочасен? Думингни тутиб қўямен, даюс!

— Гўштингни канорага иламен, пир урган!

Вазият шундай танг ва бетизгин бир пайтда, кутилмаганда дўриллоқ овозли қароқчилар сардорининг шерикларига буюргани эшитилди:

— Маликаларни олиб қочиш кейинга қолди! Улар кўпчилик экан! Тўқнашсак ўламиз! Тез бўл, дастинданг кетай!

— Ўлсак ўламиз, аммо маликаларни қўлдан бермасмиз! Келсун ўшалар, бир ўзим барини тинчитамен! Келсун! — кекиртагини чўзиб пинғиллаганча эътироз билдирди сардорга бошқа қароқчи. Аммо унинг пўк, панг овози сардорнинг дўриллоқ овози остида қолиб кетди:

— Гапни чўзма! Кетдик!.. Лалайиб ҳамма ишни расво қилдинг!..

Қароқчилар соқчилару маликаларни ҳайратта солиб «Кетдик!», «Кетдик!» деганларича тумтарақай қочиб қолдилар.

Бўлиб ўтган воқеадан ҳеч нарса англашмаган маликалар умиднинг ғира-шира шарпаси билан қўрқувнинг ошкор дағдағаси орасида нима қилишни билмас эдилар.

— Ўзимизнинг одамлар-а? — от чоптириб келаётган номаълум одамларга ишора қилиб сўради шоша-пиша шеригидан соқчиларнинг ёшроғи. Унинг қилич ялаб ўтган юзидан қон оқарди.

— Танимаяпман... — қувонишни ҳам, қувонмасликни ҳам билмай сўзланди ёши улуроғи. У неча бор маликаларни кузатиб бундоқ йўлтўсарларга дуч келмаганди. — Ўлай агар, ҳеч бирини танимайман! Шай бўлиб турайлик-чи... Буларни ҳам гумдон қиламиз, керак бўлса!..

У шундай деди-да, олтмиш қадамлар нарида келаётган одамларга ҳавосат қила бошлади:

— Яқинлашма! Жойингда тўхта! Тирик қоламан десанг, яқинлашма! Хоразмшоҳ навкарларига тенг келолмайсан!..

— Ҳа, тенг келолмайсан! — мададга келди иккинчиси.

Йигирма қадамча яқин келиб қолган номаълум қароқчилардан бири, афтидан сардор бўлса керак, негадир тўхтаб хотиржам деди:

— Яроғингни четга ол! Гапларимга қулоқ сол! Савашмоқ ниятимиз йўқ, бундан бўлсин кўнглинг тўқ! Бизлар шаҳринга мусофирмиз. Йўлдан ўтиб борар эдик. Кўрдикки, рангоранг маофа қароқчиларга йўлиқмиш... Савоб излаб юрган йигитлармиз. Онамиз бизларни савобга туққан. Бир бечорани куппа-кундуз кўчада қақшатиб кетаберсинларму? Зинҳор! Илло...

— Оғзинга қараб гапир, эй мусофир! Нега булар бечоралар бўларкан? Ким айтди сенга, булар бечоралар деб?... — Ёши улур соқчининг овози энди кўтарила бошлади.

— Ким айтди сенга, бечоралар деб? — қўшиди бошқаси.

— Ундай бўлса, булар ким? — сўради ҳалиги овоз.

— Булар бечоралар эмас! Булар — Хоразм маликалари Хонзода хоним, Иқбол бика,

Сиймин бика, Оққиз ойимлар... Зангорикўлга сайр этгали боришмоқда... Бизлар эса соқчилармиз.

Номаълум одамларнинг нияти тўғри эканлиги, ниқоб киймаганларидан ҳам кўриниб турарди, соқчи буни туйди, маликалар олдида бироз бўлса-да, хижолатдан қутилишга уринганлиги сезилди.

— Таваккал ту алалони деган эр, на талқону на қалқоннинг гамин ер! Олтинга бергисиз сўзларни дединг, эй соқчилар улуғи! Кимга кўмакка ошиққанимизни билганимиз кўп яхши бўлди. Оллоҳга шукур! Хўш... Кўрдинги, биз дўст кишилармиз, дўст демакки ўз кишилар! Дўстларга ҳам тиг кўтариларму, а? — соқчини уялтирган бўлди номаълум одамлар сардори. Бу Ахий Жаббор ўнбоши эди.

Сиймин биканинг оёқларини тинимсиз уқалаётган Оққизнинг юраги ҳаяжондан негадир бир қалқиб кетди. Нега шундоқ бўлганини кизгинанинг ўзи ҳам тушуна олмади. У оҳиста маофа пардасини кўтариб ташқарига мўралади. Ниқобсиз номаълум одамларнинг олдида баланд бўйли, барваста келбат, шоп мўйлов, жуссадор бир йигит соқчиларга дарс берарди. Унинг мардона овози қулоққа хуш ёқарди.

Шу пайт Ахий Жабборнинг дайди нигоҳи беихтиёр маофа пардасини хиёл кўтариб турган Оққизга тушди. Аъзои бадани ногаҳон титраб кетганидан ўзининг олдида ўзи ўнғайсизланди. «Ажабо, ким экан бу хушсурат қорақиз... Хонзода хониммикин? Аммо маликани оқ юзли, деб таърифлардилар...» Оққиз тездан ўзини пардадан орқага олди.

— Ана, маликам! Халоскорларни худонинг ўзи етказди! Худого шукур! Қутулдик! Қутулдик! — пичирлади шоша-пиша Оққиз Хонзода хонимга.

— Айтганинг келсин-а, Оқ... — хўрсинганча деди малика.

— Худонинг ўзи асради!.. — йиғламсиради куёвга унашиб қўйилган Иқбол бика ҳар хил хаёлларни ўзидан нари қувиб.

Маликалар шивирлашиб гаплашар, қувончдан бир-бирларини қучишар, мунграшар эдилар.

Соқчи олийжаноб мусофирларни кўриб қиличини пастга туширди. «Улар олтига экан, ҳаммаси норғул йигитлар. Жанг қилсак ҳам омон қолмасдик», — деб қўйди ичида у, аммо сир бермасликка тиришди.

— Ким бўласизлар? Қаердансизлар?.. — сўради сўнг сўзларига имкон қадар вазмин тус бериб.

— Хўш, кимсизлар?.. — қўшилиб қўйди иккинчи соқчи. Аравакаш гапга аралашмасди.

Ахий Жаббор томоқ қириб қўйди-да, соқчиларга эмас, балки ҳозиргина жамол кўргизган хушсурат қорақиз ўтирган маофага қараб залворли гап бошлади. Ахий Жабборнинг шериклари ўн беш қадам орқада ер тепинган отларда маофадан кўз узмай туришарди.

— Бизлар, билингизким, Турон султони Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийларининг паҳлавон фарзанди, асал қанди, суйанган тоғи, салтанат кўз қорачуғининг нури, иқбол чаманининг сурури шаҳзода Жаҳонгир Мирзо йигитларидурмиз. Самарқанд шаҳридан келгонимиз... Бизга савоб ишлар қилмоқни шижоатли шаҳзодамиз ўргатганлар. Бизга ташаккур айтмангиз, йўқ асло! Ташаккурингизни олам аҳлининг амирзодаси, жаҳондорлик боғининг гули, олийқадр сарвар шаҳзода валиаҳди Жаҳонгир Мирзога билдирингиз!

Ахий Жаббор бироз сукут қилди, сўнг қўшиб қўйди:

— Ўзимни Ахий Жаббор баҳодир дейдилар, бор-йўғи амирзодамнинг ўнбошиларидан биримен...

Маофа ичида эса шу палла бундай суҳбат бўлиб ўтмоқда эди:

— Вой, Оқ... Жаҳонгир Мирзо йигитларидурмиз, дейдирму?.. — хайратда сўради Хонзода хоним. — Ўлақолгур... Ўша... Мирзому?..

— Шундоқ эмиш-ку... — қувончдан юрак-бағри увалган Оққизнинг ҳар доимги ўйноқи кўзлари ёшланиб маликага тикилди.

Жаҳонгир Мирзонинг йигитлари кетмоққа шайланар эдилар. Буни сезган қув Оққиз шартга маофа пардасини нечанчи бор кўтарди, Ахий Жабборга бир жилмайиб нозли боқдию сўз қотди:

— Олам аҳлининг амирзодаси, жаҳондорлик боғининг гули шаҳзода Жаҳонгир Мирзога ташаккуримизни еткурингиз, эй паҳлавон йигит!

Хонзода хоним ҳеч кимга билдирмай «Ўл-а!..» деди-да, Оққизнинг чап биқинидан чимчилаб олди...

Кун тиккага келиб қолганди.

ОЛТИНЧИ БОБ

Жета ҳукмдори Кепак Темур руҳиятида буқаламунлик аломатлари, салтанатга ёғийлик кайфиятлари пайдо бўлганлиги унга қарши кўшин тортилишига олиб келди. Қўшин сафига синашта лашкарбошилар Баҳром жалоийр, Аббос баҳодир қипчоқлар, шунингдек, Шибиргон ҳокими Зиндашам опардий лашкарлари киритилди. Амирул умаро Амир Жоку барлос дастлабки икки лашкарбошини қўллаб-қувватлади, аммо учинчисига келганда эътироз билдиришга журъат этди:

— Амир Соҳибқирон, мўғул вилояти бағоят муҳим вилоятлардандур. Ишонимли саркардалар бормоғи лозим. Анқо Тўра, Қамариддин каби найрангбоз амирлар у ерларда

хаёлниги бўм-бўш майдонида ҳавойи орзулар тўпини суриб юрибди... Чапдаст баҳодирлар керак. Зиндачашм опардий каби сабо ҳам суяна олмайдиган кишилар шу ерларда юра турсунмикинлар...

— Шибиригон ҳокими билан туз-қатиқ ялашқонсиз, яқинсиз... — пичингсиз, тўғри кўнглида деди Амир Темур. Унинг кенг пешонасида бир чимдим тириш пайдо бўлди. — Аксинча, бундоқ қилғонимизга мамнун бўлурсиз, деб ўйлагон эрдик, амир жаноблари!..

Одатда маълум жанг, муҳорабага иштирок этиш — ўша саркардаю сипоҳ учун шараф саналарди, чунки бу обрў-мартабага эришишнинг, гоҳо эса аввалги гуноҳларни ювишнинг бирдан-бир йўли, имкони эди.

— Амир Соҳибқирон, туз-қатиқ ялашқоним учун ҳам, бу сўзни дейман. Шибиригон ҳокими эътиборингизга унчалар муносиб эрмасму, деб ташвишдамен...

— Қай бир подшоҳ ўз салтанатини ғаддорлик ва зулм асосига қурса, кишилар дилини ранжитишга қаратса, — деди Амир Темур, тахтдан тушиб амирул умаро ёнига оҳиста юриб келаркан, — давлати қарорсизликка рўбарў бўлади. Биз салтанатимизни кишиларга меҳру шафқат кўргизиш, уларни ҳимоя этиш заминига қураимиз!.. Одамнинг кўнглини олиб хотиржам айлаймиз. Хотиржамликдан ортиқ бойлик йўқ. Агар одамлар бунинг қадрига етмасалар, нонкўрлик мақомига юз бурсалар, у ҳолда уларнинг ёмон қилмишлари ўзларига қайтадир.

Орага бироз жимлик чўқди. Амир Темур давом этди:

— Йўқ, борсун, ўзини оқласун. Зиндачашм опардий шунга яраша анча-мунча иш қилиб қўйди. Имкон берайлуқ.

«Шибиригонда юриб фитна чиқаргондин кўра, бу ёқда кўз олдимизда бўлғони маъқул!» — кўнглидан кечирди Амир Темур, кўринишхона ичида у ёқдан-бу ёққа юрар экан.

Кейин ўша «анча-мунча» ишларни эслаб кетди.

... Зиндачашм опардий қайсарлик аломатларини аён этиб, тир ойида Самарқандда бўлган олийшон қурултойга келмагач, Амир Темур унга бир неча марта элчи йўллаб ишонга қақирди. Охириги элчилар Тобон баҳодир билан Зиндачашм опардийнинг қариндоши, Амир Улжайтунинг ўғли Хожа Юсуфлар борганларида, ул бетавфиқ ҳар иккисини ҳам банди қилди. Зудлик билан Шибиригонга отланиш ҳақида фармон берилди... Шаҳар дарвозасидан ташқарида кўр тўкиб турган гардунқудрат лашкарни кўриб, Зиндачашм опардийнинг эс-ҳуши бошидан мосуво бўлди. Ялиниб-ёлвориб Амир Темурдан гуноҳидан ўтишини тилади, шамшир ва кафанимни олиб қутлуғ даргоҳ остонасига бош урғайман, деб оғиз кўпиртирди. Кафолат сифатида шу пайт қалъада бўлган Амир Мусога ўз укасини кўшиб ҳумоюн ўрдуга юборди. Изма-из Амир Улжайту ҳимоясида Самарқандга палос ўпишга шошилди. Амир Темур Зиндачашмнинг ҳам, Амир Мусонинг ҳам гуноҳларидан ўтди, уларни яна салтанат ишларига дохил қилди...

Орадан кўп ўтмай Зиндачашм опардий пири Абул Маолий Термизий билан тағин итоат йўлидан чекиниб, девғурур васвасага берилиб, Термизини ишғол этибди, гораг қилибди, деган хабар келди. Зиндачашм опардий-ку, хўп-хўп, худовандзода-чи, уни нима йўлдан оздирдийкин? Ахир у жўяли маслаҳат бериб такасалтанг Зиндачашмни тизгинлаши мумкин эди-ку? Дарҳол Термизини озод қилиш, ванимни бартараф этишга энди амирул умаро Амир Жоку барлоснинг ўзини юборди... Эҳ-ҳе, эсласа гап кўп...

Ўшанда Амир Жоку барлос жуфтакни ростлаб Термизини ташлаб қочган Зиндачашм опардийни Шибиригонгача қувиб келди. Бўлди саваш, бўлди саваш. Қалъага яшириниб олган Зиндачашм опардий чопар юбориб, кўришмоққа ижозат тилади. Қалъадан чиқиши биланоқ, югуриб келиб Амир Жоку барлос этагини ўпди:

— Бад қилдим, адашдим! Қилмишимдан чиндан пушаймонман! Мени Амир Соҳибқирон олдида ҳимоянгизга олсангиз! Сиз ҳимоя қила оласиз, чунки мени яхши биласиз... Фақат сиз! — Зиндачашм опардий амирул умаронинг этагига маҳкам ёпишди.

Одамнинг юзи иссиқ экан, Шибиригон ҳокими илтимосига у йўқ дея олмади. Бирга Самарқандга келдилар. Амир Жоку барлос бошқа амирларни иттифоққа чақирди, баҳамжиҳат Соҳибқирондан Зиндачашм опардийга авф сўраб шафоат қилишга ундади. Амирул умаро ҳумоюн ўрдуга боришга борди, аммо энди бу гал шафқат бўлишига ҳеч ишонмасди. Бироқ! Амир Темурнинг саховатпеша подшоҳ эканлигини яна бир бор ўз кўзи билан кўрди. Соҳибқирон илоҳий суннат йўлини тутиб, султонларга хос раҳму шафқат дарёсидан баҳраманда этиб, келган амирларнинг ҳурмати, бебош Зиндачашм опардийнинг қонидан кечганини билдирди! Тўй қилинсан, деган қутлуғ фармон бўлди. Зиндачашм опардийга хилъат, камар, туя, от ва қўйлардан бир кўп ҳадя этилди. Бадбахтнинг мартабаси қутилмаганда аввалгисидан ҳам юксакка кўтарилди...

— Бир қошиқ қонимдан кечасиз, Амир Соҳибқирон... — ўтинди Амир Жоку барлос. — Бағоят рост дедилар, ҳар кишига имкон берилмоғи лозим! Борсун, сиз ҳақсиз, борсун, ўзини оқласун!

«Ишқилиб охири бахайр бўлсан, охири бахайр бўлсан! Касофатнинг касрига қолиб юрмасак, бас!» — деб қўйди ичида Амир Жоку барлос. Амирул умарода, тезлик билан Зиндачашм опардийни ҳузурига чақириб, бир-икки сўз айтиш нияти туғилди ва кетишга изн сўради...

Амир Темур мулозимни чақириб, шаҳар марказидаги шоҳкўча қурилишини бориб кўражагини билдирди ва Амир Довуд дуглат билан Амир Оқбуғо найманларга шай бўлиб туришларини тайинлади.

Баҳром жалойир ва Аббос баҳодирлар лашкари йигирма кун деганда Кепак Темур вилоятига қадам қўйди. Олдинда баланд тепалик уфқни тўсиб ётарди. Баҳром жалойир, шу ерда нафас ростлаб олайлик, бири киши бориб тепалик атрофини кўздан кечириб келсун, деган фикрни ўртага ташлади. Аббос баҳодир буни маъқулади, бу яхши таклиф эди. Баҳром жалойирнинг ўғли Одилшоҳни юбордилар. Одилшоҳ бир дунё ваҳима олиб келди:

— Тепалик ортида ёмғир қатраларидек беҳисоб, дарахт баргларидак беадад қўшин еру кўкни тутиб ётибди!..

Баҳром жалойир эшитиб иккиланиб қолди.

— Ёғий кўпчилик бўлса...

Аббос баҳодир шартта унинг сўзини кесди:

— Жаноби амир! Ортага қайтиш мумкин эмас! Чора излаш даркор, ёв устига қандай от солиш йўлларини топиш зарур! Ҳали Амир Соҳибқироннинг юзларига қараш бор!..

— Камина ҳам шундай демоқчийдим, ҳа-ҳа, шундай демоқчийдим... — Аббос баҳодир сўзини қувватлади Баҳром жалойир. — Ўзга ниятим йўқ! Не учун келдик ахир!..

Кепак Темур билан бўлажак жанг русумию равиши икки лашкарбошининг эс-хаёлини тамоман банд қилиб қўйди. Сипоҳлар жойлашиши, баронғору жавонғор, қалбу чаноҳлар мавқеи, жанг бошланиш вақти, Зиндачашм опардий лашкари билан жўр бўлиб ҳаракат қилиш ва ҳоказолар хийлагина бош оғритадиган муаммолар эди. Шундай пайтда, Баҳром жалойир лашкарида айрим кишилар бевафолик қилиб, сот-қинлик кайфиятига берилганлиги маълум бўлиб қолди. Кутилмаган янгилк амирлар кўнглига хиралик солди. «Жалойир қабилисига хос одат бу беқарорлик! — гижиниб қўйди ичида Аббос баҳодир. — Боязид жалойир ҳам шундай қилмиши учун Туғлуқ Темурхон ғазабига учраган эди...»

— Бу сотқинликдан қандай воқиф бўлдингиз, жаноби амир? — сўради Аббос баҳодир. — Хайриятки, билиб қолибсиз...

— Иғвонинг ичида бўлганлардан биттаси шундай гапни эшитдим, деб келиб айтиб кетди...

— Ёраб, фитна қилгучи ҳам ўзлари, айтгучи ҳам! Бу қандай кўргилик! — ғойибона сотқинларга ёзғирди Аббос баҳодир.

Танг вазият юзага келди. Амирларнинг бошлари қотди. Бир томондан, ёғий кўпчилик, унга бас келиш мушкул, иккинчи томондан, энг ёмони, ўз ичиндан ёв чиқиб турибди. Адолат кўзи билан қаралса, ҳозир жангга киришмаслик энг тўғри йўл бўлади, демак, сулҳ тузмоқ керак. Сулҳ!

Узоқ мушоҳадалардан сўнг амирлар қуйидаги қарорга келдилар. Вақтдан ютиш мақсадида душман билан сулҳ айласунлар ва Удан ота зиёратгоҳи тарафда жойлашган Зиндачашм опардий лашкари билан қовушиб, кучайиб, душманга қайта юзма-юз бўлсунлар!

* * *

... Амир Темур Хоразмга юборилган Алуфа тавочидан хабар кутиб турар, элчининг қайтиши чўзилиб кетаётганидан кўнглининг бир чети хижил эди. Шундай пайтда Жета сарҳадидаги вазиятни билиб, ғазаб ўти аланга олди, унинг Баҳром жалойирдай, Аббос баҳодирдай, Зиндачашм опардий каби амирларини танг аҳволга солиб қўйган беадаб душманни бир кўриб қўйгиси келди ва дарҳол йўлга чиқди. Шимолий сарҳадларни бир ёқли қилмай туриб, бошқа ишларга киришиш мумкин эмаслигини Амир Темур теран ҳис қиларди.

— Ҳеч жаҳонда жанг қилмакка бориб, майдонга қадам қўймай, сулҳ тузиб ортага қайтадиларму? Бу қайси рисолада битилган?.. — сиёсат қилди Амир Темур Баҳром жалойир билан Аббос баҳодирга. Унинг кўришганда, амирларга биринчи айтган гапи шу бўлди. Амирларнинг бошлари эгилиб қолди. Зиндачашм опардий эса офтобда қовжираб кетган яккам-дуккам майсалардай соқолини силаб-силаб қўяркан: «Ҳолингиз нечук?» дегандай амирларга зимдан қараб турарди.

Амир Темур тепалик ҳақида сўраб-суриштиради, тепаликнинг нариги ёғидаги Ойиша хотун сувда кўприклар бор-йўқлигини аниқлади, от солса сакраб ўтиш мумкинлигини билиб мамнун бўлди. Саҳармардондан уч лашкарни уч қисмга ажратди. Даставвал Баҳром жалойир тепаликка чапдан, бир палаа ўтказиб Аббос баҳодир ўртадан, охирида эса Зиндачашм опардий ўнг ёқдан чиқиб бордилар. Бурғу ва карнайларнинг овозидан еру кўк қиёмат-қойимга ўхшаб қолди. Кепак Темур лашкари сулҳ тузилагач хотиржам эди. Сипоҳлар ким қайда — бирови ухлаётган, бирови овга кетган, бирови эса овулма-овул кезиб юрарди... Тепаликни тутиб кетган Амир Темур аскарларини кўриб, барчаси ваҳима исканжасида «Ал-фирор! Ал-фирор!» дея қочишга турдилар. Шунда «Ёғий лашкари изидан қувилсун!» деган олий фармон бўлди. Зафарнишон қўшин душманни нақомийий йўсида Саккиз Ёғоч мавзеи томон қувиб кетди.

Вақт чошгоҳдан ўтиб қолди. Тепалиқда қад ростлаган ҳумоюн ўрду чодирини подшо бошидаги тож мисоли атрофда ягона эди. Қуйироқда ёнбағирларда эса чодирлар кўп, чап томонда Мир Саййид Барака, Амир Жоку барлос, Муҳаммад Чуроға дод-хоҳ, Амир Сайфиддин некўз ва бошқа мулозимлар чодир тикишган. Ўнгу сўлда яна ҳам қуйироқда ҳар жой-ҳар жойда қоровуларнинг олачуқлари ёмғирдан сўнг бодраб чиққан кўзиқоринлардай сочилиб ётарди.

Фир-фир эсган кир шамоли елиб ўйнаётган яшил саропарда олдида, олтин тахтада ўлтирган Амир Темур шимол ёқдан кўз узмасди. Кепак Темур лашкари ортидан от солган сипоҳлар аста-аста уфқ қаърида ройиб бўлдилар. Шимол ёқдан элас-элас келаётган жанг сурони демаса, борлиққа жимлик чўккандай эди.

Амир Темур жанг юмушлари билан банд бўлиб теварак-атрофга яхшироқ назар солмаган экан. Парвардигор бепоён чўлни жуда фусункор қилиб яратибди! Чўлнинг қоқ ўртасида жойлашган тепалиқдан тўрт томон яққол кўзга ташланиб туради. Кунботиш ёқда бир текис уфққача ястаниб ётган, қалин лолақизғалдоқлардан нимлушти ранг касб этган ям-яшил майсазорлар... Кунчиқишда кумуш тасмадай билтанглаб оқаётган Ойиша хотун сувидадан нари йироқ-йироқларда янги майсазорлар янги чиройли қирларга туташиб кетган... Сув бўйидан нари борса уч юз қадамча масофадаги кичик тепалик буткул лолалар билан қопланиб, ажабтовур лов-лов ёниб кўзни олади. Жануб томонда майсазорлар охирида қишлоқлар кўринади. Қаңчалар кенглик, ажойиб манзара!.. Қани энди ўша майсазорларда юмалаб-юмалаб ётсанг! Димофингга турли хил кўкатлару гуллар, ёввойи йўнғичқаю лолаларнинг қоришиқ ачқимтир ширин ҳиди гул этиб урилас! Тўйиб-тўйиб нафас олсанг! Эсида бор, Жаҳонгир Мирзо турилганда, хурсанд бўлганидан ҳеч қаерга сифмай, от чоптириб Қамашининг чўлига чиқиб кетган, худди шундай белга урган кўмкўк ўтлар устида юмалаб ётган эди!.. Ҳайҳот! Энди амирзодани уйлайман, деб юрибди, дарров шунча йиллар ўтиб кетдими? Замон югуриқдир, югуриқ! Амир Темурнинг юраги орзиқди, негадир чуқур хўрсиниб қўйди.

Бирдан у ўзини дунёда танҳо сезди. Бундай ҳолат тез-тез такрорланиб турадиган бўлиб қолди сўнгги пайтларда. Водариғо... Ота-онадан бир ўғилу икки қиз дунёга келдилар. У — ёлғиз ўғил, танҳо. Йўқ, танҳо эмас, мана эгачи-сингиллар — Қутлуғ Туркон оқа билан Ширинбикалар бор. Ҳамиша ёнида оқил пири муршиди Мир Саййид Барака, шижоатли амирлари бор, Муҳаммад Чуроға додхоҳ бор... Ўғиллари Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзолар, қизлари Оқа Беги хоним ва Султон Бахт бегимлар бор, худога шукур... Аммо у ўзини барибир танҳо сезади. Балки салтанатнинг баланд мартабаси, давроннинг юксак чўққисидан турганлиги боис,— у ерда эса жой фақат битта! — ёнида ҳеч ким кўринмас? Балки, жаҳонгирликни ният этгани сабаб у танҳоликни тез-тез ҳис қиладиган, ўйлайдиган бўлиб қолгандир? Ахир жаҳонгирлик шерикчиликни ёқтирмайди. Жаҳонгирлик — танҳолик деганидир...

Шу пайт орқадан аёл кишининг журъатсизгина товуши эшитилди:

— Амир Соҳибқирон ҳазратлари...

Амир Темур оҳиста айтилган ширали, ботинан кучли бу овозни, эгасини кўрмай туриб ҳам, ўнлаб-юзлаб овозлар ичидан ажрата олади. У шимол ёқдан кўз узмай маҳди улё Сароймулкхоним келганини бидди. Сароймулкхоним Амир Темурга қарашга ботиномай таъзим бажо қилди-да, назокат билан тахт пойидаги ловулаган гиламга тиз чўқди, узун қирмизи кўйлагининг кенг бароқ-бароқ барлари буткул тахт пойини эгаллаб олди. Эшитилар-эшитилмас, ўз-ўзига айтгандек:

— Энди... ҳеч кимга йўл йўқ... — деб қўйди.

Ноз билан айтилган самимий сўзлар гўё «Танҳолик оламининг ягона соҳибаси мена дурман!» деган маънони аңлатгандай эди. Малика хиноли нозик бармоқлари билан Амир Темурнинг ногирон оёғини майин уқалай бошлади.

Шундагина Амир Темур шимол ёққа миҳланиб қолган нигоҳини узди ва Сароймулкхонимга тикилди. Ажабо, унинг ўзини танҳо ҳис қилган вақтларини маҳди улё, ҳали янги келинчак Сароймулкхоним дарҳол сезиб олади ва танҳолик балосига балоғардон бўлишга шошилади. Ҳозир ҳам, малика саропарда ниҳида экан, Амир Темур ҳолатидаги ўзгаришларни пайқайди-ю, чиқиб келди ва ҳеч қандай сўз қўшмай, соҳибининг олиёй фармониға мунтазир жория мисоли сокин ўлтирди.

— Биби...

Сароймулкхоним энди аста бош кўтарди ва нимтабассум ила Амур Темурнинг катта-катта кўзларига қиё боқишга журъат этди:

— Ҳазратим... — деди маҳди улё, тагин ўз ишиға машғул бўлди.

Амир Темур Сароймулкхонимнинг келинчаклик малоҳатидан гул-гул очилиб кетган кўрку жамолиға, қирмизи-оқ юзига, икки чеккасидаги икки зулфига, бежирим ёқут лаблари, бурнию қошларига завқ-шавқ ила термилди. Чап юзидаги чиройли холидан неча бор ютоқиб-ютоқиб бусалар олган экан, санаб ўлтирмаган... Қора хол, мени унутиб қўйдигиз-ку, дегандай хафа, аччиғидан яна ҳам қорайиб кетгандек кўринди...

Амир Темур билан Сароймулкхоним куёв-келиндик давронида масту мустағриқ эдилар. Уларнинг тўйи олти ой аввал Шаҳрисабзда бўлиб ўтди. Етти кеча-кундуз карнай-сурнай овозлари юрт осмонини тўтиб ётди. Қозонлар ўчоқлардан тушмади, майдонлар улоқчи отлардан бўшамади. Тўйнинг еттинчи куни калапатра бўлиб елиб-югуриб юрган янгалар заррин либосларга бурканган келин-куёвни ёр-ёрлар жарангтолари остида чимилдиқ хонасига олиб кирдилар ва саккиз қават ипак кўрпаларга икки ёқдан киритиб қўйдилар. Бир пайт хонадан ҳамманинг чиқиб кетгани сезиди... Амир Темур қараса, қайлиғи катта шоҳона жойнинг у четида мусичадеккина бўлиб ётиб олибди. Худди бегоналардек. Амир Темур Сароймулкхоним томон қўл юборди... Қайлиғи бутун вужудига титроқ кириб, унинг қўлларини ўзидан ажизгина нари итарган бўлди, куёв қўймас эди. Бироз ўтмай Сароймулкхонимнинг муаттар бўйларга кўмилган хушбичим қомати Амир Темурнинг фароғатга ташна саҳродай кенг бағрига сингиди-кетди...

Амир Темур тонг отар-отмас хонани тарк этди. Одамлар гап қилмасин тагин, куёв жуда ҳам ўлиб турган экан-да, деган андиша ўртада турарди. Кўчада уни куёв-жўралар Амир Сайфиддин неқўз, Амир Сорибуго жалойир ва Муҳаммад Чуроға додхоҳлар кутиб олишди. Амир Темур яқинлашар экан, амирларнинг девор ортидаги ўзаро пичир-пичир гаплари қулоғига чалинди.

— Амир Соҳибқирон кечаси билан қўш ҳайдаб чиққан бўлсалар ҳам чеҳралари тиниқ, қадамлари илдам... — деди ингичка овозли шартани Амир Сорибуго жалойир.

— Ҳа, худо ярақабди куёвимизни... — жавоб қилди Амир Сайфиддин неқўз. — Кўнгил тортар ёр бўлса, шундоқ бўлади...

Амир Темур мийғида кулиб қўйди.

Куёвни Амир Сайфиддин неқўз ҳовлисига олиб кетдилар. Таом ейилгач, уни ҳордиқ олсин дея, салқин соли хонага киритиб юбордилар. Амир Темур бугун шомда офатигон келинчак билан яна дийдорлашувнинг қандоқ бўлишини ўйлай-ўйлай ухлаб қолди...

Ҳаш-паш дегунча бир ой ўтиб кетди.

Амир Темур умр лаззатидан сархуш эди, Сароймулкхонимнинг ҳусну малоҳати, меҳру муҳаббати, қайноқ оғуши, нозу таманноси, жон олар эрқаланишларидан таърифи йўқ роҳат-фароғатларга чўмар экан, ушмундоқ нозик адони яратиб, унинг илтифотига мушарраф этган Парвардигорга ҳар сафар шукроналар айтарди. Энди у ўзини ёлғиз, танҳо сезганида сулувар Сароймулкхоним чодирдан паноҳ излайдиган бўлиб қолди. Шу ерда у дунё ташвишларини унут айлар, ўзалиғини бутунлай унинг қўлига топшириб қўйган пок насабли гўзал маликага соҳибу ҳамхоналик туйғуси қонини боз-боз кўпиртирар эди.

Амир Темур ҳозир ҳам оёғини уқалаётган Сароймулкхонимнинг чап юзидаги ягона қора холидан шартта ўпиб олгиси келди, аммо ўзини тийди...

Бирдан Мовароуннаҳр султони ўрнидан турди. Маликани лол қолдириб «Юринг!» дегандек, қўлидан ушлади, кейин дарров қўйиб юборди ва уч юз қадамча наридаги, буткул лолалар билан қопланиб, лов-лов ёниб кўзни олаётган кичик тепаликка қараб туша бошлади. Шу лаҳза унда Сароймулкхоним билан ёлғиз майсазорлар аро кезиш истаги голиб келди. Самарқандда ҳам, баҳор фасли эди, бир кун султон билан малика сайр этиб жануб томонга Сиёб бўйига бордилар. Амир Темур аввалдан ёқтириб юрган каттагина майдонда тўхтаб, айланишиб юрдилар. Кейин шу ерда дарахт ўтказмоқчи бўлдилар, Амур Темур чуқур қазиди, Сароймулкхоним бақувват ниҳолни тутиб турди. Султонга малика яхши ният билан икки туپ чинор эқдилар. «Бу ер боғимиз бўладир, Биби, иншоолло, Боғи Чинор бўладир», — деди Амир Темур ўшанда. Расида чинор кўчатларига боқар экан, Сароймулкхоним хаёлидан бир нарса ўтгандай бўлди: «Ниҳол — фарзандга ўхшайди-я. Оллоҳ ўзларига ҳам шу чинорлардай азамат фарзандлар ато қилсун! Ноумид шайтон!..»

Улар тепаликка етай деб қолдилар. Олдинма-кейин паства тушиб боришаётган султону малика узокдан худди дунё ташвишларидан ҳоли чопқиллашиб, ўйнашиб юрган болакай билан қизалоққа ўхшардилар. Амир Темурнинг тиниқ товланаётган зар чопони, Сароймулкхонимнинг қирмизи кўйлаги ям-яшил майсазорлар ичра яққол ажралиб турарди.

Амир Темур тепаликка чиқди, малика сал қуйироқда тўхтади. Ақибдай қип-қизил лолалар уларни ҳар томондан ўраб олишди. Осмон тип-тиниқ, поёнсиз майсазор, гўё оламда Оллоҳу иккиси холос, бошқа ҳеч ким йўқ эди, Соҳибқирон назарида. У лолалардан бир нечасини узмоқчи бўлиб атрофга аланглади. Лолалар: «Мени ол!, Мени ўз!» дегандай талашиб уни шошириб қўйишди. Бири-биридан гўзал, бири-бириндан нафис... Амир Темур иккита лола танлади ва бебадал меҳру ҳимматидаан бахтиёр Сароймулкхоним ёнига келиб икки зулфининг тепасига тақиб қўйди. Маликанинг қирмизи-оқ юзи, лолаларнинг ранги урди шекилли, яна оловлаңди, чап юзидаги хол эса баттар қорайди. Амир Темур Сароймулкхонимни уялтириб, унинг дилрабо чеҳрасига бир дам тикилиб турди, аммо ҳеч нарса демачи. Аксинча, Сароймулкхоним чидаб туролмади, ёқимтой кўзларини қадаб:

— Ҳазратим... нима бўлди? — деб сўради кулимсираганча, аммо саволига жавоб ололмади.

Амир Темур энди тез-тез лолалардан уза бошлади. Бир даста бўлгач, келиб Сароймулкхонимнинг қўлларига тутқази. Маликанинг кучоғи лолаларга тўлиб кетди. Умри бино бўлиб ҳалигача, ажабо, шунча лолани кўрмаганди. Лолалар бири-бирига гал бермай Сароймулкхонимнинг ҳаяжондан кўтарилиб тушаётган нафис кўкрагига бош қўяр эдилар. Тепалиқдаги лолалар эса Амир Темур билан Сароймулкхонимлар атрофида қувончдан ўзларини қўйгани жой топа олмай майин чайқалишда давом этардилар...

Шом маҳали Муҳаммад Чурога додхоҳ кириб, Амир Сайфиддин некўз зудлик билан қабул қилишларини сўраганини маълум қилди. Мамлакат ва раъият вазири Амир Сайфиддин некўз Соҳибқироннинг ишонган устунларидан, ҳумоюн ўрдуга истаган вақтда кира олиши мумкин. Аммо у одоб доирасида юришни яхши кўрарди.

Амир Темур некўзлар қабиласининг бошиғида бироз ташвиш аломатлари борлигини сезди. Соҳибқирон пири муршид Мир Саййид Барака, қиссахон Мавлоно Убайдлар билан суҳбатлашиб ўлтирарди.

— Тинчликми, вазир жаноблари? — қуюқ қошлари бири-бирига интилди Амир Темурнинг.

— Хўш... — одатдагидек томоқ кириб Амир Сайфиддин некўз салом-алиқдан сўнг. — Иншоолло, тинчлик... тинчлик...

— Саваш майдонидан чопар келдиму?

— Йўқ, Амир Соҳибқирон... Ҳали чопар йўқ... Аммо бошқа ёқимсиз бир гап эшитдим. Илонлар пўст ташлайдир.

Амир Темур унга ҳайрат билан боқди:

— Ёқимсиз бир гап эшитдим?..

Қиссахон Мавлоно Убайд ўзини ошиқча сездию кетишга ижозат сўради ва оҳиста сирғалиб саропардадан ташқари чиқди.

— Ҳа... Бир қошиқ қонимдан кечасиз, Амир Соҳибқирон. Муборак хотирингизни безовта айлаб, тагин ул бадният борасинда сўз қотмоққа мажбурмен... Хўш... Айтмасам дилим куядир, айтсам тилим...

— Қайси бирлари борасинда сўз қотмоқчилар, амир жаноблари? — кинояли сўради Амир Темур. — Улар бир нечта... бор...

Мир Саййид Барака унга маъноли қараб қўйди, аммо сўз қўрмади.

— Хўш... Шибирфон ҳокими Зиндачашм опардий, Амир Мусо ва Абу Исҳоқ Ясовурийлар шум ният этагидан тутмишлар. Худовандзода Абул Маолий Термизий ила шайх Абулворис Самарқандийлар уларга қўл бермишлар... Қаросмон¹ деган жойда шикор қилаётган чоғингизда, худонинг ўзи асрасун, Сизни, Амир Соҳибқирон ҳазратлари, тузоққа туширмаққа аҳду паймон этмишлар, бахти қаролар... — куйиниб гапираркан Амир Сайфиддин некўз очикдан-очик «жонингизга қасд қилмоқчи эканлар», дея олмади, аммо Амир Темур буни тушуниб етди.

— Лоҳавло вало қуввато, илло-биллоҳ! — деб юборди пири муршид муҳолифатчилар ичида Абул Маолий Термизий ҳам борлигини билиб.

Амир Темур чиңдан ҳам бу ерга келган куни ақобиру аъёнлар орасида, Қаросмонга овга чиқиш нияти борлигини ошкор қилганди. Умуман, у овни жони-дилидан яхши кўрарди. Дунёда ов қиладиган жой иккита бўлса, бири Қаросмон, битта бўлса шунинг ўзи, деб ҳисобларди Соҳибқирон.

— Бу хабар қайдин етибдур? — хотиржам сўради Амир Темур, чеҳрасида ҳеч қандай ўзгариш сезилмади. Аммо Амир Сайфиддин некўз, унинг соқол учини икки бармоғи орасида қаттиқ эзгилаётганини кўрди.

— Хўш... Абу Исҳоқ Ясовурий, воқиф эрурлар, заифамизнинг биродари турур. Шу ҳақда аҳду паймон қилинган, ўзини ҳавосат босиб, жанобингизни огоҳ этиб қўйди... Хизрнинг валади...

Саропарда ичида жимлик чўқди. Ташқарини қоронғулик қоплаган, очик эшиқдан шимол ёқда олис-олисларда ловуллаб ёнаётган қоровулларнинг гулханлари кўзга ташланади.

Амир Темур гулханларга тикилар экан:

— Ҳаллоқи безаволга салламно! — ўзининг яхши кўрадиган сўзларини такрорлади Амир Темур. — Балоба ўзи рўбарў айлаб, чорасини ҳам ўзи етказадир...

Сўнг «бунга нима дейдилар?..» дегандек пири муршидга қаради. Мир Саййид Барака ҳам фурсат пойлаб турган эканим, дарров сўз бошлади:

— Амир Соҳибқирон, куфрона неъмат ила ношукурлик бандасига берилган туғма табиатдур, вовайлолар бўлсун! Кўрнамаклик ва фирибгарлик анинг безаклари... Шибирфон ҳокими ва ҳамтабақлари ҳақинда нима ҳам дейин? Авваллари ҳам ушмундоқ адабсизлик зоҳир этгонларида ҳимматингиздан кўп гуноҳларини тилаб оладук. Мана, жанобингиз Зиндачашм опардий билан худовандзода — шунга бир йил ҳам бўлмади ҳали, Термизни рорат қилгонларида шу тийиксиз тилим бирлан, шайтони лаъин буларни йўлдан оздирибдур, бу сафар ҳам хатоликларини афв этсунлар, деб сиздан ўтиндим... Ҳа, ҳа, ўтиндим... Аммо тадбири тақдирига мос келмагон ул бадҳоҳларнинг қора ниятини билиб, қоним қайнаб кетди, астафурилло аълазим! Энди тилим бирон калимага келмай турур, Амир Соҳибқирон...

Амир Темур соқол учини эзгилашда давом этди.

...Салтанат қўшинлари Жета ёқдан қолибона қайтишгач, ҳумоюн ўрдудан, бир ой музаффарият нашидасидан маст ҳордиқ олинсун, деган олий фармон бўлди. Амир Темур Баҳром жалойирнинг жангда ҳалок бўлганини эшитиб, афсус чекди. «Жалойирлар ичида инсофанги шу эди, начора Олоҳнинг хоҳиши, ўрнига ўғли бор-ку!» дея ўзини юпатди ичида Амир Темур. Савашда қахрамонлик намоён этган амирлару баҳодирлар жасорати

¹ Қаросмон — ўтрор яқинидаги бир мавзе.

ҳамманинг оғзида. Хусусан, Зиндачашм опардий лашкари илғорлик кўргизиб, жуда катта ўлжаларни қўлга киритибди. Опардийнинг ўзи ғаним тўпини ёриб, турини йиқитибди, оқибатда Жета қўшини қочишга юз тугибди. Мана ман, деб керилиб юрган Аббос баҳодир ҳам, Одилоҳоқ жалоийр ҳам унинг соҳида қолиб кетганмиш... Ҳамма, айниқса, Зиндачашм опардийнинг ўзи катта сийловлардан умидвор эканлигини яширмас эмиш...

Бир ҳафтадан сўнг, Абулмансур Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийлари шикорга азму қарор қилдилар ва фалон куни Қаросмонга йўл оладилар, деган овоза тарқалди. Шибиргон ҳокими, Амир Мусо, Абул Маолий Термизий, Абу Исҳоқ Ясовурий ва Абулворис Самарқандийлар, қачон шундай кун келаркин, дея пойлаб юришарди. Уша куни саҳар улар асьасаю дабдаба билан Қаросмонга отландилар. Қаросмон бир томони баланд-чақир чўл, бир томони хилват чангалзорлардан иборат шикорбоп жойлардан саналарди. Катта ов иштиёқда отларга қамчи урган Зиндачашм опардийлар Қаросмонга етиб келганларида ҳали Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийларидан дарак йўқ эди. «Хайрият, ҳаммадан аввал келибмиш...» — хурсанд бўлиб қўйди ичида Зиндачашм опардий. Бирон хилватдан маъқулроқ жой топиш ниятида йўлни чангалзор ёққа буришди. Шу пайт рўбарўдан чангалзордан бир бўри отилиб чиқди, отликларни кўрдию ўнг томонга бурилиб чўл томонга қочди. Чамаси кимлардир уни қувиб келмоқдайди. Зиндачашм опардий бўри овини жуда яхши кўрарди. У бўри изидан от солмоқчи эди, Амир Мусо бунга йўл бермади:

— Полвон, шер турганда... алақандай бўрига вақт сарфлаш ва ҳожат? Бунчалар паст кетмангиз, ҳоким жаноблари!

— Аммо бир лаҳзада тутардим-да!.. Майли, қўймадингиз... — Зиндачашм опардий бўри овини кейинга қолдирди.

Улар бамайлихотир чангалзорга яқинлашган ҳам эдиларки, етти ухлаб тушга кирмаган ҳодиса рўй берди. Рўбарўдаги бир тўп қора чангал ортидан Аббос баҳодир бошлиқ ўттизга яқин паҳлавон сипоҳлар ўқдай отилиб чиқдилар-да, ҳе йўқ, бе йўқ, уларга ташландилар ва қўлларини орқага қилиб боғладилар. Аббос баҳодир зудлик билан ҳумоюн ўрдуга муҳолифатчилар қўлга олинганлиги ҳақида чопар жўнатди. Ҳеч нарсани хаёлига келтирмай орқароқда қолишган Зиндачашм опардий сипоҳларидан беш киши, улар ичида Амир Мусонинг йигити Тармочук ҳам бор эди, амирлар тутилганини кўришиб, қўрқувдан тумтарақай қочиб қолишди.

Воқеа кўз очиб юмгунча бўлиб ўтди. Хайрат ичида лол қолган Зиндачашм опардий, нима гап, деб сураб ҳам улгурмади. Албатта унда, Аббос баҳодирлар хато қилдилар, бироздан сўнг танишиб: «Э, билмабмиш, сизларни фалончилар, деб ўйлабмиш!» дейдилар-да, қўлларимизни ечиб юборадилар, деган ишонч устивор эди. Бироқ Аббос баҳодирнинг хотиржам эканлигини кўрган Зиндачашм опардий вазият ўйлаганидан кўра жиддийроқлигини фаҳмлай бошлади.

— Не қилмақдасиз, баҳодир?.. Танимадингиз чоғи... Бошқа деб ўйладингизму? Ҳечқиси йўқ... Адашувчилик, хато бўлиб туради ҳаммада ҳам... Қўлларимизни ечингиз, баҳодир! — Зиндачашм опардийнинг қисик кўзлари катта-катта очилиб кетган, офтобда қовжираган яккам-дуккам майсалардек малларанг соқоли чорасиз тикрайиб турарди. — Амир Соҳибқирон ҳазрати олийларининг ишонган амирини, унинг дўстларини ҳибсга олмак, аёндурки, салтанатга қарши фитнадур! Ҳали, иншоолло, жазонгизни олурсиз!

— Тушундик... Бизга фитна қилинғон... — деди Амир Мусо секин.

— Овга чиққанларнинг ўзлари овландилар... — зўра қўшилди Абу Исҳоқ Ясовурий. Зиндачашм овардийга бу гап қизиқ туюлди, у самимий айтилганини ёки киноя, кесатиқми, тушуна олмай қолди, ўйлаб кўришга фурсат йўқ эди. Бошқаларнинг эса бошлари эгилган. Лом-мим дейишмасди.

Тутқунларга дарҳол қоп кийгиздилар ва уларни аробага орқа-орқа ўтказиб қўйдилар. Чайқалиб бораётган Зиндачашм опардийни бир ўй кемирарди, у ҳамманинг ҳам кўнглидан шу палла ўхшаш хаёллар кечаётганини сезарди: «Амир Темурни ўлдирмоқчи бўлганимиз ҳақидаги сирни ким... ҳумоюн ўрдуга етказди экан?.. Ким? Ким?.. Амир Мусоми? Йўғ-е! У доим ёнимда эди-ку! Абу Исҳоқ Ясовурийми? Асло! У Амир Темурнинг ашадий душмани-ку! Абулворис Самарқандийми?.. Абул Маолий Термизийми? Пиру мурид ва шайх...» Аробага қўшилиб унинг хаёллари ҳам чайқала бошлади. Ким?.. Ким?.. Қани энди иложи бўлсаю Зиндачашм опардий ҳар бирининг кўзига узоқ-узоқ тикилса, бор сир-асрорни билиб, билиб олса! Кошки эди!..

— Гуноҳимиз недур?.. — бўрига деди Зиндачашм опардий яна тили калимага келиб. Унинг овози қоп ичидан қовоғари гўнғиллагандай эшитилди. — Гуноҳимиз не? Кечани кеча, кундузни кундуз демай, қон кечиб, майдонда от суриб, Амир Соҳибқирон деб, салтанат деб жонимизни фидо қилишга тайёр турғонимизми айбимиз?.. Ё раб, бу қандай сийлов бўлди?..

Амир Мусо ҳам ўзича гўдраниб борарди.

Аббос баҳодир ҳеч қайсисига жавоб бермади. Унинг одамлари худди оғизларига талқон қолиб олгандай чурқ этмасдилар.

Ароба ҳумоюн ўрдудан тўрт юз қадамлар берида жойлашган Аббос баҳодир чодири олдида тўхтади. Бу ерда Амир Темур ҳузурига юборилган чопар муҳим топшириқ билан қайтиб келиб, Аббос баҳодирни кутиб турган экан. Аббос баҳодир шошилинич, тутқунлар олдидаёқ сўзламоқчи бўлган чопарга: «Тўхта!» ишорасини қилди. Сўнг бир чеккага тортиб секин гапириш лозимлигини уқтирди. Чопар дона-дона қилиб деди:

— Амир Соҳибқирон ҳазрати олийлари фармон қилдилар, фақат Амир Мусони олиб ҳумоюн ўрдуга етиб борар эмишсиз!..

САККИЗИНЧИ БОБ

Қаросмон мавзеида Зиндачашм опардий бошлиқ мухолифатчилар қўлга олингани, уларнинг ичида Амир Мусонинг ҳам борлиги Сароймулкхонимни қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Нима қилса ҳам қариндош, жигар ахир. Қандай чора бўлиши мумкинлигини ўйлаб ўйига етолмай турганда, кўз ёши дарё Орзумулк оқа кириб келди-ю, ўзини унинг оёғига ташлади ва қўйлаги барларини ўпганча ялиниб-ёлвора бошлади:

— Ёрдам берингиз, маликам! Хонам куйди! Хонам берингиз! Войдод! Хонам куйди, куйди-и-и!.. — Орзумулк оқанинг қорамағиз чиройли юзлари кўз ёшларида чўмилар эди.

Сароймулкхоним Орзумулк оқани дарҳол ўрнидан турғизди. Нима гап, деб сўраб ўлтирмади. Сўраса, бекорга келинининг бағрини ўяди. Аксинча, юпатадиган сўзлар қидириши, топиши керак... Улар бир-бирларига яқин, ёшлари ҳам тенг, сирдош дўтона эдилар. Бундай яқинлик Сароймулкхонимнинг ҳали Амир Ҳусайн ҳарамидалик пайтидан, балки ундан ҳам оддинроқ бошланган, ҳозиргача давом этиб келарди. Бир-бирлари номларини аташмай, ҳурматдан «Қиз!» деб чақирадилар. Эрлар ўртасидаги муносабатлар қандай даражада эканлиги хотинларнинг тоғувликларига ҳеч таъсир қила олмасди. Ҳарқалай, шу пайтгача биронга шундай бўлган ҳодисани эслай олмайдилар.

— Амиримни фитначилар йўлдан урибдур, йўлдан урибдур! — деди Орзумулк оқа. — Унинг айби йўқ, қиз, унинг айби йўқ! Амир Соҳибқирондан бўлангизнинг қонини сўраб берингиз! Илоё, дунё тургунча турингиз!

Сароймулкхоним бўласи Амир Мусонинг беқарор феъл-атворли эканлигини яхши билар, унинг Амир Соҳибқирон ҳазратларига ҳамиша душманнамо кайфиятда юришини ич-ичидан ёқтирмас эди. Учрашганларида уни неча бор инсофга чақирди, Орзумулк оқага доим: «Бўламларни йўлга солингиз, ҳой қиз!» деб тайинлади. Аслида у Соҳибқиронга дўст, аммо шу мақомда барқарор тура олмайди... Начора, ҳамма нарса Оллоҳдан...

...Муҳаммад Чуроға додхоҳ саропардага яқин келиб, мурожаат қилди:

— Маҳди улё жаноби олиялари! Амир Темур Кўрагон ҳазратлари арзадоштингизни эшитишга тайёрдурлар!

Сароймулкхоним хос саропардадан чиқиб учрашувга шошилди. Бу пайт Соҳибқирон тахтдан тушиб, ҳумоюн ўрду олдидаги ям-яшил майдонда хаёлга чўмганча кезиб юрарди. У маликага пешвоз чикди, ҳаяжондан қирмизи оқ юзлари қонгалашган, бундан боз ҳусни ортган Сароймулкхонимни чап ёқдаги саропардага олиб кириб кетди...

...Ҳумоюн ўрдуда Мир Сайид Барака, Амир Сайфиддин некўз ва Одилшоҳ жалойирлар ўлтиришар эди. Шу палла Аббос баҳодир бошига қоп солинган Амир Мусони етаклаб кирди. Қопни олганларида юзлари шувит Амир Мусо уятдан ирғиб чиққан кўзларини ерга қадади. Яна ҳам дўнграйиб кетган манглайи ўзини яширгани жой тополмасди.

Ҳеч ким сўз қотмас, ҳамма Амир Темур озини пойларди. Сукунат бироз чўзилади.

— Бароят улуг гуноҳ содир бўлди... Улуғ гуноҳ... Аммо орамизда қариндошлик ришталари бўлгани учун сени афв этдим, соқолингни оқи ҳурмати, мухолифат мақомини тутсанг-да, гуноҳингдан ўтдим... — деди ниҳоят Амир Темур. У, маликанинг хешу ақрабоси бўлурсан, демоқчи эди, айтгиси келмади. — Ҳар бандага Оллоҳнинг ўзи инсоф берсун!

Барча Соҳибқирон ҳазратлари олқишлади. Амир Мусо қўллари ечилгач, эмаклаб бориб Амир Темур чопонининг этакларини ўпиб кўзларига сурта бошлади:

— Энди кўзим очилди, Амир Соҳибқирон! Тушундик!.. Ортиқ мухолифат отини атамасман! Бу қовоқ калла энди тушунди! Энди тушунди!..

Амир Сайфиддин некўз бу сўзларни эшитар экан, беихтиёр ўтган йил Амир Темур чорбоғида, Шаҳрисабзда бўлган ҳодисани эслади. Ўшанда ҳам, ажабо, Амир Мусо: «Мендан ўтган бўлса бир қошиқ қонимдан кечасиз...» деганди, дуғлат: «Кечадургон қони қолдиму эркан ўзи?...» деб шивирлаганди унга. Бундан кейин қанча алдоқчи сувлар оқиб ўтиб кетди...

Амир Темур давом этди:

— Худовандзода Абул Маолий Термизийнинг мухолифатга қўшилиб қолгани, афсуслар бўлсинким, кундуз қунидай равшан. Кўз юммоқ мушкул. Аммо ҳазрат рисолатпаноҳнинг¹ табаррук зурёдларидан бўлгани сабаб сабру тоқат этагидан тутаман ва унга ёмонликни раво кўрмаймен. Шайх Абулворис Самарқандий бирлан иккиси муборак Ҳижоз сафарига равона бўлсулар. Хизрнинг валади... — Соҳибқирон унинг номини атагиси келмади, буни ҳамма сезди. — Амир Сайфиддин некўз шафоатликка ўтганларидан сўнг унинг қонидан кечдук...

Амиралар энгил сўлиш олдилар ва қўллаб-қувватладилар:

— Адолатли ҳукм бўлди!

— Одил ҳукм! Одил ҳукм!

Ҳамма мухолифат бошлиғи ҳақида қандай фармон бўлар экан, деб интиқ эди.

Амир Темур хаёлидан, агар амирул умаро Амир Жоку барлос ҳозир бўлганда, дарҳол Зиндачашм опардийнинг қонини сўраб олар эди, деган фикр кечди. Унинг бебошвоқ,

¹ Яъни, пайғамбарнинг маъносига.

қилар ишини билмас Шибиргон ҳокими билан оғайнигарчилиги бор... Аммо амирул умаро пойтахт Самарқандга кетган... Бошқа ҳеч ким юрак ютиб Шибиргон ҳокимининг ёнига туша олмайди.

Амир Темуру бу гал ҳам ўзбошимча амир гуноҳини кечиришни истарди. У кимгадир жазо бериб, ўзи ҳам руҳан жазоланишини, кўнгли эзилишини биларди, аксинча, бировни сийласа эл олдига, худо олдига ўзи ҳам сийланадир. Бандасига умрни, жонни Оллоҳ берадир, нега энди у олиши керак? Ёш Турон султони бир эътиқодга боғланиб қолган. У, кечира билиш мардикдур, кечира билмаслик номардик саналур, деб ҳисоблайди. Кошки, подшонинг умри сийлаш, ҳадаяр айлаш билангина ўтса!.. Кошки эди!.. Аммо, Хорун ар-Рашидга шекилли, Соҳибқирон яхши эслай олмайди, бир донишманд шундай деган экан: «Қайси фуқароки, подшоҳнинг сийлов-марҳаматини кўрса, раҳм-шафқатидан баҳраманд бўлса, шунга туради, душманлик аён этаверса — у чиндан-да шайтоннинг нақ ўзидир. Қайси подшоки, ана шундай шайтоннинг қилмишларини кўриб, қаҳр-ғазаб отига минса, бироқ шижоатсизлик мақомига юз буриб, бепарволик кўргазса — у ростдан ҳам эшак ва ҳўкиз сановидадир». Табиатан раҳм-шафқатли Хорун ар-Рашид ҳўкиз ва эшак сановига тушиб қолмаслик чорасини кўришга мажбур бўлган экан. Амир Темуру буни эсларкан, истеҳзо аралаш жилмайиб кўйди. «Шайтоннинг жазосини бермаган подшо, шубҳасиз, эшак ва ҳўкиз сановидадир!» — деди ўзига-ўзи қатъий.

— Сўгин... Шибиргон ҳокими Зиндачашм опардийни ортиқ менинг олдимга йўлатмангиз, қорасини кўзимга кўрсатмангиз! — Соҳибқироннинг ғазаблангани билинди. — Енг ичига илонни тарбият этиш инсофдан эмас, душманни дўст деб билиш эса — ақл-идрокдан!.. Ҳа, ҳар ким ўз қилмишига яраша насибасин олур!

Бу палла мухолифатчилар Аббос баҳодирнинг чоидида, қандай қисмат кутаётганини билолмай, бошларида қоп, ич-этини еб ўлтирар эдилар.

Аббос баҳодир мухолифатчиларга фармони олийни етказиш учун шошилди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Бонуйи кубро Қутлуғ Туркон оқа, Амир Темурунинг эгачиси Хоразмга кетган элчиларнинг ошиқлари олчи бўлиб қайтишларига асло шубҳа қилмасди. Шу сабабдан элчиларнинг қайтиб келганларини шавҳари Амир Довуд дуғлатдан эшитганида, бепарвогина:

— Элчиларнинг зиёратлари қабул бўлибдирми? — деб сўради.

— Иншоолло, шундай бўлса керак... — деди Амир Довуд дуғлат кутилмаганда совуққина қилиб, чиндан ҳам у элчиларнинг қандай янгилик билан қайтишганидан беҳабар эди. Дарвоза олдига сайис гижинглаган эгарлоғлиқ отнинг жиловидан ушлаб турарди. — Амир Соҳибқирон Жетадан қайтганларида биламиз-да янгиликни...

Самарқанд доруғаси бугун шаҳар қурилишлари мутасаддиси Амир Оқбуғо найман билан Кўксарой кошонасини кўришлари лозим. Тўртинчи ошёна бўй чўзиб қолган, кошона тез кунларда битмоғи керак. Пойтахтнинг жанубидан шимолга — Тошкентга қараб эса катта шохйўл тушаётган, йўлнинг бўйида икки ошёнали савдо расталари маржондай тизилади. Амир Довуд дуғлатнинг умри шу ерда ўтмоқда эди.

— Ие! Нима экан, Сулаймоншоҳ, айтақолсангиз-чи! — Эр-хотин бир-бирларига болаларининг отини айтиб мурожаат қилишарди.

Амир Довуд дуғлат ўнг юзига қолган билинар-билимас қилич изини силаб кўяр экан:

— Чоғимда... Алуфа тавочининг қадам олиши сустигидан ноумид қайтишган кўринади... — деди-да, дарвозага йўнади.

— Ноумидликдан Худо асрасун, илоё!.. — деб кўйди Қутлуғ Туркон оқа юраги ўйнаб, аммо бошқа сўзга оғиз очмади.

У ҳовуз устидаги салқин сўрига чиқди-да, оҳиста парқувга ёнбошлади. Кенг ҳовлида жимлик ҳўкм сурарди. Мулозим ўз иши билан банд, дарвозахонада, ичкаридаги жорияларнинг ҳам овозлари эшитилмайди.

Қутлуғ Туркон оқанинг ташвишланиган жойи бор, элчиларнинг қандай янгилик билан қайтиши жуда ҳам муҳим. Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода хоним муаммоси бир чеккаси шунга боғлиқ. Агар икки томон бир-бирга кўз олайтиришиб турса, қандай қилиб қуда-андачилик, қариндош-уруғчилик ҳақида сўз бўлиши мумкин?..

Шу палла дарвозадан қақчақлашганча Сулаймоншоҳ билан Жаҳонгир Мирзолар кириб келишди. Салом бериб сўрига чиқишар экан, нимадандир хурсандликларини яширишмасди. Амирзодалар ўлтирган жойларида бир-бирларига сирли қараб-қараб кўйишар, ишоралар қилишар, гўё алланарсенидир айтмоққа чоғланишарди. Ҳамиша маъюсланиб юрадиган амирзода Жаҳонгирни шундай қолда кўриб ҳайрон бўлди, бир чеккаси қувонди ҳам. «Ҳали булар ёш-да, бола-да, бола... — хаёлидан кечирди Қутлуғ Туркон оқа. — Оламнинг қаердан ўтаётганини билишармиди-я. Амир Соҳибқироннинг Хоразмдан интиқ хабар кутаётгани эгачига аён. У юртни тикламоқчи, асил ҳолига келтирмоқчи. Иккинчи томондан, Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода хоним тўйини ҳам шунга боғлаб юбормоқчи, ўртада қариндош-уруғчиликни йўлга қўймоқчи... Мана, Жета ёқдан хушхабарлар келиб турибди. Кепак Темуру тавбасига таяниб, ўз иддаоларидан воз кечганмиш. Хоразмни ҳам тинчитиб олайди, бирозгина хотиржам, роҳат-фароғатда умр кечирарди жони ором билмаган укажонгинаси... Аммо болалар буни қаёқдан билсун? Элчиларнинг олиб келган хабарларини билишмайди шекилли...»

Сулаймоншоҳ зимдан Жаҳонгир Мирзога қараб имо қилди-да, мен ҳозир уйга кириб чиқаман, эна, дея ўрнидан турди ва сўридан узоқлашди.

— Энажон, эна... — сўзланди оҳиста Жаҳонгир Мирзо гўё истар-истамас... Амирзода ҳаяжонланаётгани кўриниб турарди.

— Энангиз бўйингиздан, амирзодам... Нима бўлди?... Сихатингиз тузукми?..

— Оллоҳга шукр... Хоразмдан элчилар қайтиб келишди, эна...

— Ҳа... Эшитдингизму? Энди, амирзодам...

Қутлуғ Туркон оқа ичиде Жаҳонгир Мирзони юпатадиган, дилига малҳам бўладиган сўзлар қидира кетди. У оғиз очиб улгурмади. Жаҳонгир Мирзо бирдан, худди эрқаланиб онасининг пинжига қисинган қулуңдай Қутлуғ Туркон оқага ёндошиб қулоғига нималарнидир шивирлай бошлади... Амирзода ҳар доим ҳар энасига гапни шундоқ қулоғига айтишни ёқтирарди, кўз ҳам кўздан нари, ахир тикилиб туриб, айниқса, Жаҳонгир Мирзонинг гапидай гапни айтиш жуда қийин-да...

Қутлуғ Туркон оқанинг ўзи ҳам амирзода тутумидан гап нимадалигини фаҳмлаб турганди. Унинг чехрасига табассум ёйилди:

— Вой... Ана, ана... — дер эди у. — Йигитларингиз ҳам боришибди-да.

Қутлуғ Туркон оқа ҳалигина, бола-да, деб ўйлаган амирзоданинг катталардай иш тутганига, ақлу фаросатига қойил қолди: унинг йигитлари салтанат элчиларига қўриқчилар сафида боришибди, сониян, Хонзода хоним маофасига «ҳужум» қилганлар ҳам, қутқарганлар ҳам амирзоданинг топқир йигитлари экан, шоввозлар.

— Бас, Хоразм мамлакатини забт этибмиз, амирзодам! Ўзим ўргилай бўйингиздан! — Қутлуғ Туркон оқа Жаҳонгир Мирзонинг манглайдан суюб ўпиб, елкасига қоқиб-қоқиб кўйди. Эна-бола мамнун эдилар.

II

Кўп ўтмай Соҳибқироннинг Жетадан қолибона қайтиб келаётгани ҳақида қутлуғ мужда этди. Бу Амир Темурнинг Турон тахтига минганидан сўнг хорижга биринчи ҳарбий юриши ва биринчи бор музаффарият туғини балаңд кўтариши эди. Арқони давлат, аёну ақобирлар Абулмансур Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийларини муносибу мустаҳқиқ кутиб олишга шайландилар. Шаҳзода Жаҳонгир Мирзо укалари Умаршайх ва Мироншоҳлар билан бирга Амир Муайяд арлот кузатувида йўлга чиқди. Сулаймоншоҳ, Суюрғатмишхон ўғли Султон Маҳмуд, Жаҳоншоҳ ибн Жокулар изма-из юрдилар. Жаҳонгир Мирзонинг ўнбошиси Ахий Жаббор баҳодир ўз йигитлари билан амирзода муҳофазасини қилар, у энди Хоразм сафаридан кейин хос қўриқчилар сардори этиб тайинланганди.

Соҳибқирон қизлари Оқа Беги хоним, Султон Бахт бегимлар Қутлуғ Туркон оқа билан Ширинбика маофасида эдилар, икки ожизанинг ҳам волидаи муҳтарамалари оламдан ўтган, опа-сингиллар уларни жуда авайлардилар. Оқа Беги хоним эндигина ўн иккига кирган, ҳалим табиат, юмшоқ кўнгил, тортинчоқ, кўҳликкина бир қиз эди, секин гапирар, баъзан ёнидаги одам ҳам эшитмас эди. У ҳам оғаси Жаҳонгир Мирзодек ҳамиша маънос юрар, қоп-қора чиройи кўзлари подшо қизларига хос бўлмаган ҳолда мунгли боқар, нимага шундоқ эканлигини Қутлуғ Туркон оқа ҳеч тушуна олмасди. Амир Темур Оқа Беги хонимни жуда суюрди, бирон ёқдан Самарқандга қайтса ёки сафардалиқ чоғида даставвал сўрайдиганлари ичиде, албатта, ёқимтой қизининг исми бўлар, «Менинг момо қизим яхши юрибдимми?» деб кўярди. Тўққиз ёшга кирган Султон Бахт бегим эса бус-бутун унинг акси: тиниб-тинчмас, ерга урсанг осмонга сапчийди, бир жойда ўлтириш йўқ, қиз боламан демайди, ўрлонлардек питрак. Қувонган эгачи унинг тутумини кўриб, инисига: «Амир Соҳибқирон, шу қизингиз ўғил бола бўлиб қўя қолмаган экан-да, а?...» деб ҳазиллашгани ҳазиллашган эди. Бирор нарсени сўраб, жавобини кутиб ўткир кўзларини тикиб турган қизалоққа боқар экан, Қутлуғ Туркон оқа кўнгли ийиб, уни бағрига босганини билмай қолар, Худойи таоло бизга бир қиз ато этмади-да, дея ўқсиниб кўярди... Улар ортидан Соҳибқироннинг завжиси Улус оқа ва катнаклар Тўлун оқа, Менглибек оқа, Тоғай Туркон оқалар маофалари бир-бирларига уланиб кетди.

Карвоннинг олди Суюрғатмишхон бошлақ арқони давлат қадами Кониғил ўтлоғига етиб қолди. Турли музофотлару вилоятлардан чақирилган нўёну амирлар, бекларбеги, улусбеги, доруға ва оқсоқоллар, калонтару қадҳудолар, хуллас, салтанат гуллари бу ерда жамулжам эдилар. Арқони давлат Дизақдан беридаги хушманзара дарада, Темир дарвоза деб аталган сўлим масқаңда Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийларига пешвоз чиқмакка, палос ўпиш шарафига муяссар бўлмакка қарор қилди. Бу масқанин Соҳибқирон азаддан хуш кўрарди, йўл тушганда ҳар сафар бу ерда бир кеча қолиб ҳордиқ олиб ўтарди.

Самарқандда эканликларидаёқ Хутталон ҳоқими Амир Кайхусрав дўсти Маҳмудшоҳ Бухорий билан гаплашиш имконини қидирди, аммо одам кўплагидан қулай фурсат учрамади. У жуда тавшишли кўринарди. Бухоро ҳоқими Амир Кайхусравдаги таважжухни сезди-ю, эҳтиёткорлик қилибми, рағбат кўргизмади. Дарага етиб келганларидан сўнг пайт топилгандай бўлди. Барча, кутишдан бошқа иш йўқ, атрофни томоша қилишга киришди. Суюрғатмишхон Амир Довуд дуғлат девонбеги иккиси сойнинг бўйига тушиб кетдилар. Амирул умаро Амир Жоку барлос ва Амир Сорибуго жалоийр рўбарўдаги қояни яқинроқдан томоша қилмоқчи бўлиб, ўша ёққа юрдилар. Даромад ва давлат идоралари харажатлари билан шуғулланувчи вазир Амир Улжайту опардий Амир Оқбуго найман билан Кўксарой қасри чиқимлари ҳақида гаплашмоқчи бўлиб юрарди. Шу фурсатдан фойдала-

ниб уни ёнига чорлади... Амир Кайхусрав билан Маҳмудшоҳ Бухорийлар ҳам четроққа чиқдилар.

Шибиргонда кўришганларидан бери улар учрашмадилар. Аммо орада чопарлар қатнайвериб беш-олти чориқлари узилди. Амир Кайхусравнинг хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи билан дўстлиги орқасида Маҳмудшоҳ Бухорий, Абу Исҳоқ Ясовурий, Зиндачашм опардийлар ҳам Хоразмга серқатнов бўлиб қолишганди.

Бухоро ҳокими дўстининг бироз тўлишганини пайқади. Маҳмудшоҳ Бухорий, шундай кишиларни кўрганда, ичида: «Тавба, одамлар этни қаердан олишаркин-а?» деб кўярди. У озғин, новча, эркаксабзига ўхшаган, тепакал бир одам бўлиб, гапни секин гапирар, гапини тугатиб, бир лаҳза суҳбатдошининг кўзига тикилиб туриш унга одат эди. Қисик кўзлари доим кулиб турганга ўхшарди.

— Хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфига мен сўраган чопарни юборгон эдингизму, ҳоким жаноблари? — шивирлади Амир Кайхусрав, гарчи яқинларида бирон кимса бўлмаса ҳам. — Жанобингиз бундан беҳабарман.

Маҳмудшоҳ Бухорий дубулғасини қўлига олиб, дастрўмоли билан терлаган тепакал бошини артди. Салқин тоғ шамоли текканидан миясининг қопқоғи очилиб қолгандай роҳат қилди.

— Чопар юборгоним йўқ...

— Ие, Ие! Нимага энди? Нимага энди?..

— Чопар юборгоним йўқ... — такрорлади хотиржам Маҳмудшоҳ Бухорий Хутталон ҳокимининг вижинганини сезмагандек. У суҳбатдошидан қўланса ҳид келиб кетганидан четга ўгирилиб давом этди: — Чопар юборгоним йўқ. Ўзим бориб зиёрат қилиб кела қолдим...

— Бундоқ демайсизму? Бундоқ демайсизму? Ҳа-ҳа!..

— Алуфа тавочи қандоқ қайтиб келганларидан хабарлари борму? — сўради энди Маҳмудшоҳ Бухорий, бир муддат шеригига тикилиб.

— Йў-ўқ... — ўсмоқчилади Амир Кайхусрав, гарчи ўғли Султон Маҳмуддан элчилар сафари ҳақида бор гапни сўраб олган бўлса ҳам.

— Билурсиз... тез фурсатда... — Амир Темур келадиган томонга ишора қилди Бухоро ҳокими. Кейин дубулғасини кийди ва мавзун и ўзгартиришга тиришди: — Омон-эсонликми? Соҳибқирон ҳазрати олийлари музаффарона қайтиб келаётирлар... Хутталон ҳокими хурсанд эмасга ўхшайдиларму?..

Шу пайт Тошкент томондан бурғу ва нақоранинг олис садолари аниқ эшитила бошлади. Дара оғзида даставвал Турон султонининг хос кўриқчилари кўринди. Амир Кайхусрав Соҳибқироннинг хос мулозими Муҳаммад Чуроға додхоҳни таниди. Ҳа, Муҳаммад Чуроға додхоҳ онҳазратни кутиб олиш тайёргарлиги қандай аҳволдагини билмоқ, лозим бўлса бошқармоқ ниятида аввалроқ келганди. Бир ой олдин ҳали Тошкентда эканликларида Амир Довуд дувлат унга чопар юбориб, ҳумоюн ўрдунинг бу хусусдаги хоҳиш-иродаси билан кизиққан, айна пайтда Муҳаммад Чуроға додхоҳ фикрини сўраганди. Узоқдан келар экан, хос мулозимнинг ўткир кўзи қоя тепасида мағрур қилпираб турган салтанатнинг тўқ ҳаворанг байроғига тушди. Унда бир-бирига ёндош тасвирланган учта ҳалқа ярақлаб турарди. Байроқ ўтган йили Амир Темурнинг фармонида кўра ўрнатилганди.

— Жуда хурсандмиз, жуда хурсандмиз! — аламли деди Амир Кайхусрав. Унга Маҳмудшоҳ Бухорий жўрттага сўраётгандай туюлиб кетди. — Ҳа, дарвоқе, Жетада қандай ҳодиса юз берганидан хабарингиз борму?

— Йўқ... — энди ўз навбатида ўсмоқчилади Маҳмудшоҳ Бухорий, аслида Амир Сайфиддин некўз шафоатликка ўтганидан омон қолган Абу Исҳоқ Ясовурий Бухорога бориб бутун тафсилотни айтиб берганди.

— Билурсиз сиз ҳам... Тез фурсатда... — Амир Темур келадиган томонга ишора қилди Амир Кайхусрав. Даставвал Зиндачашм опардийнинг аччиқ қиссасини айтиб бермоқчи бўлган Хутталон ҳокими, бундан ҳозир нима фойда, дея фикридан воз кечди. Кину адоват дарёсининг наҳанг балиғи Зиндачашм опардий ўша дарёнинг ўзида ғарқ бўлди. У бир лаҳза думи хуржунда қабилади тутаган Шибиргон машваратини эслади...

Аслида Жетадаги савашишга Амир Кайхусравнинг ҳам ўз лашкари билан иштирок этиши белгиланганди. Хутталон ҳокими Шибиргон ҳокими Зиндачашм опардий билан гапни бир жойга қўйиб, ўша ерда кўпдан ўйлаб юрган ниятларини амалга оширишни дилига тугишди. Улар Амир Темур Кўрагонни пинҳона тузоққа илинтиришиб саранжом қилишади, дарҳол лашкарбошиларнинг ҳам барчасини тигдан ўтказишади ва Туронзамин тахтини қўлга киритишади. Кейин бир кечада кимдир Зиндачашм опардийнинг чодирига бостириб қиради ва у дунёга жўнатади. ...Ва Турон тахтининг янги соҳиби ўша ерда эълон этилади, турли мамакатларга фатҳномалар юборилади. Турон султони Амир Кайхусрав Кўрагон!.. Бутун ҳазина, мол-мулк, айнисқа, ҳарам унинг қўлига ўтади. Ҳарам! У азадан душман Амир Ҳусайнни ўлдириб, унинг ҳарамига эга бўлмоқ, биринчи навбатда Сарой-мулкхоним илгидан тутмоқни ният қилган... Нозик адо малика тўшагига кирмоқ орзусида! У аввалдан Қозон Султонхоннинг гўзал қизини суюб қолган, аммо дарди ичида, буни бировга айтмайди... Ҳа, душманнинг хотинини ўпмоқ, отини минмоқдан ўзга буюк фароват йўқ бу оламда! Ким айтса ҳам, билиб айтган!.. Мана шундай ширин орзуларга мустарриқ Хутталон ҳокими эртасига тонгда лашкари бошлаб Жетага отланаман, деб турганда ҳумоюн ўрдудан, Хутталон кўшини Жетага юборилмасун, юрт муҳофазасида бўлсун, деган олий фармон келса бўладими? Эҳ, афсус! Яна не-не режалар барбод бўлди. Йўқ эса Темир

дарвозасида бутун Амир Темурни эмас, Амир Кайхусравни кутиб олардилар! Бу қутлуғ издиҳом, аркони давлат Хутталон ҳокими шаънига салламнолар ай-таётган бўларди...

Амир Кайхусрав атрофга назар ташлаб, Соҳибқиронни кутиб олиш маросими жуда юксак мақомда ўтишига имон келтирди. Боқдию ҳайратдан бармоғини тишлаб қолди! Ростдан ҳам киши кўз ўнгига ажойиб манзара намоён эди. Шарқоғи сойнинг бўйидаги ёниб турган гиламлар тўшалган қатта майдон ўртасида, супада, маҳобатли яшил саропарда олдида тўрт зинали олтин тахт соҳибини кутиб турибди. Ўнг томонда аркони давлатга, чап томонда эса аҳли ҳарамга рангоранг чодирлар тикилган. Самарқанд тарафдаги сайхонликда томошалар бўлмоқда эди. Бир четда дор тикилган, муаллақчилар, масхарабозлар ҳурматда, вақти-вақти билан одамларнинг гурр этиб қулганлари эшитилади. Кимдир чинни ўйин намойиш қилмоқда, бошқаси илон ўйнатмоқда. Ўзини Рустами дostonдан кам кўрмайдиган полвонлар қуштигирилик илдоаси билан майдон кезади. Беданасини энгининг ичида сақлаб, хўрозини қўлтиқлаб, итини етаклаб юрган «боз-боз»лар дунёнинг гаши нимадалигини билмай, шундай роҳатигон ўйинларга бепарво атрофда ивирсиб юрган ана шу одамларга боқиб чин дилдан ачинишади, эсиз, умрлари беҳуда ўтаётир-да, деб қўйишади. Берирокда ўнлаб жаҳонгир қозонлар осилган ўчоқлар худди мажусийлар маконини еслатади. Атрофини доғ қилинган пиёзнинг ачқитир ҳиди тутиб кетган. Қозонлар тагидан қочган тутунлар, гўё бу гўзал манзарани тепадан томоша қилай дея қўкка ўрлаётгандай туюлади. Сув бўйида сўрида жойлашган машшоқлар созидан ёқимли наволар таралмоқда, аммо улуғ зот қадамига интизор одамларнинг эшитишга тоқатлари йўқ, гала-говур ичида ўз-ўзлари билан андармон, оворалар...

— Амир Кайхусрав жаноблари! Амир Кайхусрав жаноблари! — унинг қўлидан ушлаб силкитди секин Маҳмудшоҳ Бухорий. — Бундоқ хаёлни жамласунлар!

Хутталон ҳокими ҳушёр тортиди.

— Ҳа-ҳа, қулоғим сизда, қулоғим сизда!.. — деди шоша-пиша дайди хаёллардан ҳамон қутула олмаган Амир Кайхусрав.

— Хабарлари борму?... Соҳибқирон нурийдаси Жаҳонгир Мирзога Хонзода хоним қўлини сўрамоқчи эмишлар... Қариндош-уруғ бўлмоқчи эмишлар...

Бир пайтлар Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Ҳусайн ҳам Хоразмнинг номдор қизига оғиз очиб овора бўлган эди; ўшанда Амир Кайхусравнинг гаши келган ва бир борганда Ҳусайн Сўфига бунинг учини чиқарган эди ҳам. Иккинчидан, Тошкентда Амир Кайхусравнинг қизи Руқия хоника туғилганда, Амир Темур дастурхон устида унинг нон-тузини еб туриб, ўз оғзи билан Жаҳонгир Мирзога сўраган эди-ку? Аҳд-паймон қаттиқ эди-ку? Хонзода хоним Ўзбекхон набираси бўлса, Руқия хоника ҳам Чингизхон паalagi... Энди Руқия хоника қолиб Хонзодага рағбатму? Бу қадар қарорсизлик! Амир Кайхусравнинг худди эски яраси шилингандай бўлиб кетди, шокоса кўзлари қисилганча ихраб юборди:

— Оҳ-ҳо, ҳо-ҳо-о-о!.. Нотавон кўнгилга қўтир жомашов, денг.

— Секин-секин!.. — тинчлантирди Бухоро ҳокими. У Амир Кайхусрав оғзидан сачраган тупуқни бурнининг учидан аста артиб ташлади-да, пичирлаб давом этди: — Буни айтишдан мақсад сизнинг рашингизга тегиш ёки вазабингизни кўзгаш эмасдир. Амин бўлингиз! Бошқа таклифим бор. Агар хоҳиш бидирсалар... Паҳлавон фарзандингиз Султон Маҳмуд кўрганлар ҳавас қиладиган бир йигит бўлиб воёга етди. Агар Султон Маҳмудга Хонзаданинг қўлини сўраб совчи юборсангиз, икки кўнени бир кесак билан урган бўламиз. Ҳа! Амир Темур Кўрагоннинг нияти амалга ошмай қоладир, бир. Биз Хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи билан ялакат магиздай бир бўлмагунимизча, икки жаҳонда ҳам Амир Темурга бас кела олмаймиз, бу кундай равшан! Хоразмшоҳ эса сиз сўрасангиз йўқ демайдир, йўқ дея олмайдур...

Бухоро ҳокими аламдан ўзини қўйгани жой топа олмаётган Амир Кайхусрав қўлтиғига ана шундай сув пуркарди. Хутталон ҳокими жавоб бериб улгурмади.

— Ҳумоюн ўрау жарчилари! Ҳумоюн ўрау жарчилари!.. — деган сўзлар эшитилди шу пайт. Уларнинг хаёллари бўлиниб, овоз келган томонга қаради.

Дара оғзида учта отлиқ пайдо бўлди. Биттаси келган жойида тўхтади, қолган иккитаси икки томонга қараб йўналди. Кўп фурсат ўтмади:

— Одамлару одамлар, эшитмадим, деманлар! Абулмузаффар Соҳибқирон Амир Темур Кўраго-о-он ҳазрати олийлари-и-и-и ташриф буюрадила-а-а-ар!

Биринчи жарчининг жаранглаган ёқимли, ўткир овози дарани бир айлиниб чиқди.

Бироздан кейин ўнг ва чап томонлардан ҳам жарчиларнинг ана шундай ўктам овозлари эшитилди.

Бурғулар чалинди. Карнайлар мардонавор «ғат-ғат»ларини бошлаб юбордилар. Осмонда тўмиқдай ҳам булуғ йўқ, қуёш чарақлаб турса-да, дара ҳавоси мўътадил, ғир-ғир эсан шабада кишига ҳуш ёқарди.

Ниҳоят, йўл бошида Амир Темурнинг ярақлаган оппоқ, оқ тулпори кўринди. Олтин эгарда савлат тўкиб ўтирган Соҳибқирон тилло узангиларга оёқ қўйган эди. Бу пайт сайхонликлардаги томошалар ҳам тўхтаган, ҳамманинг диққати шимол ёққа қадалганда, шимол ёққа... Ўттиз қадамча олдинда, икки ёнда ва орқада ҳам шундай масофада тўрттадан хос ясовул Турон султонини муҳофаза қилиб келишарди. Амирул умаро Амир Жоку барлос билан мамлакат ва раъият вазири Амир Сайфиддин некўз оқ тулпорнинг тилла юганини икки томондан тутиб етаклаш шарафига муяссар бўдилар. Барча дара оғзида отдан тушиб, Соҳибқирон изидан пиёда йўналди. Ловуллаб турган гиламлар тўшалган майдонга етганда, Аббос баҳодир ўнг узангидан ушлади, Муҳаммад Чурога додхоҳ чап

узангини Соҳибқирон оёғига тўғрилади... Амир Темур шошилмай оппоқ поёндоз солинган тўрт зинали олтин тахтга қараб юрди. Соҳибқирон одатда, саройда кўпроқ қора ва кўк барқутдан тикилган зар ёқали энги калта тўн кияр, бошига йирик Ямян ёқути қадалган оқ салла ўрар, бу унинг салобатига салобат қўшарди. Авра қора барқут тўн кийган, оқ саллали Амир Темур поёндозга қадам босиб, зинадан бир-бир чиқа бошлаганда дарада қийқирик, сурон авж олди.

— Амир Соҳибқирон умрлари узоқ бўлсун!

— Оллоҳ ўз паноҳида асрасун!

— Давлатлари пойидор бўлсу-у-ун!

— Дунё тургунча турсун!

— Амир Соҳибқирон! Амир Соҳибқиро-о-он! Амир Соҳибқиро-о-он!..

Энди авж навбати созларга ўтди. Бурғу тўққиз марта сас берди. Сурнай тўққиз бор нола қилди. Карнай тўққиз карра наъра тортди... Юраклар ларзага келди. Кўзлари ёшланган Муҳаммад Чуроға додхоҳ назарида салтанат байроғи ҳилпираб турган ана бу чўнг қоя ҳам суронлардан ларзага келмоқда эди.

Пири муришда Мир Саййид Барака катта эҳтиром ила тахтнинг ўнг томонидан муносиб жой олганидан сўнг, Соҳибқиронни зиёрат қилиш бошланди. Муҳаммад Чуроға додхоҳ өззини баланд қўйиб эълон қилди:

— Туронзамин хони Суюрғатмишхон жаноблари!

Суюрғатмишхон оҳиста юриб келиб тахт пойида тўққиз марта тиз чўкиб Амир Темурга таъзим этди:

— Бебадал зафар муборак бўлсун, Амир Соҳибқирон! — У шундай дегач, бориб барқут тўннинг пешини ўпиб кўзларига суртди. Амир Довуд дуғлат шоҳона либосга лаб босиб тавоф қилар экан, меҳри жўшиб кетди. Гарчи сўз айтиш шарт бўлмаса-да, ўзини тиялмади:

— Толеимизга омон бўлингиз, илоё! — деди гулдираб.

Бухоро ҳокими Маҳмудшоҳ Бухорий Соҳибқиронни зиёрат этаётганда, Хутталон ҳокими Амир Кайхусрав навбат кутарди. У қандай қилиб тиз чўкишни удалаш ҳақида бош қотирарди. Гап шундаки, амирнинг оёғида боди бўлиб, вақти-вақти билан кўзиб турарди. Боя Бухоро ҳокими билан оёқда тик туриб сўзлашишди, шунда даранинг салқин шабадаси таъсир қилгани ёки елвизақданми, билмайди, икки оёғига, сон, тизза ва болдир аралаш қаттиқ оғриқ кириб, азоб бера бошлади. Тиз букиш у ёқда турсин, юриш ҳам мушкуллашиб борарди. Бундай пайтларда у дарров жойга чўзилар, оёғига шўр пахта боғлатиб, иссиқ тутар, уқалатар, шунда жони бироз ором оларди. Аммо унга ҳозир имкон қаяқда?..

У секин орқасига қаради. Ортида Ҳисори шодмон ҳокими Шайх Муҳаммад Баён сулдуз турибди, ундан кейин Андижон ҳокими, кейин Тошкент ҳокими, улусбегилар, мингбошилар, каҳудолар... Бу бир занжир эди, уни узиш ёки ундан узилиш асло мумкин эмас. Узаман деган ўзи узилиб кетади... Амир Кайхусрав тиз чўкишнинг еттинчисига борганда бутун аъзон баданида қалтироқ сезди, афти буришиб кетишига оз қолди! Худо бир сақлади, агар шундай бўлганда борми, беш қадам нарида тахтда ўлтирган Соҳибқироннинг назари тушиши турган гап эди! У тишини тишига босди... Саккизинчисида, унда ҳамма нарсани унутиб, ерга чўзилиб ётиб олиш истаги туғишди, аммо ён бермади. Охирги марта тиз чўкиб ўрнидан турар экан, пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди! Амир Темур Амир Кайхусрав чеҳрасини зўраки табассумга ўралган изтироблар безаганини кўрди ва буни ўзича Хутталон ҳокимининг азалий иддаоларига йўйиб қўя қолди...

Навбат Соҳибқироннинг фарзандларига этди.

— Ассалому алайкум, валинеъмат Соҳибқирон! — деди шаҳзода Жаҳонгир Мирзо ўнг қўлини кўксига қўйиб эгилар экан.

Амир Темур хиёл бош тебратиб алик олди. Дуркун қоматли шаҳзода маросимни ўринлатаётганда, Амир Темур ўтган уч ой мобайнида ўғлининг яна ҳам буй тортиб қолганини кўрди, сабза урган мўйлаби тиниқ юзига жуда ярашган, кўзлари бирам ёрқин... Ҳа, фарзанд жигарпоранг, суянчинг, қувончинг, умринг, давомчинг! Иншооллоҳ, кўнгидаги ниятларнинг жила-курса ярмини рўёбга чиқаргач, тахтни Жаҳонгир Мирзога беради, шаҳзода унинг мақсадини байроқ қилиб олиб салтанат шуқуҳига шуқуҳ қўшади, кейин набираси даврон тахтига минади, кейин чевараси, эвараси... Амир Темур туриб ўғлини бағрига босгиси, ҳаммага кўз-кўз қилгиси келди, аммо ўзини тийди. Қутлуғ Турон оқа билан Ширинбекалар Оқа Беги Хоним ва Султон Бахт бегимларни етаклаб келишди. Опасингилар Соҳибқироннинг елкасидан олиб зиёрат қилдилар. Амир Темур қўйирчоқлардек ясанган икки қизини суюб пешоналаридан ўпди, бошларини силаб қўйди-да, ҳар иккисига аталган ҳадясини тутқазди. Сўнг Улус оқа, канизақларга навбат этди...

Зиёрат маросими тамом бўлгач, мулозимлар тахтнинг рўпарасида қип-қизил гиламлар устида жой ҳозирладилар. Фурсат фароватга мойил эди. Амир Темур, аҳли давра ўзларини эркин сезсулар, деган маънода тахтдан тушиб, юмшоқ заррин тўшақларга ўлтирди-да, чап тирсагини юмшоқ ёстиқларга тиради. Сирқираб турган ўнг оёғи бироз роҳатлангандек бўлди. Чап томонда пири муришда Мир Саййид Барака, ўнг томонда Суюрғатмишхон чўк тушмиш эдилар. Салтанат пешволари даврани кенг олдилар. Пири муришди фотиҳага қўл очишдан олдин бир оғиз сўз айтмакни ўзига фарз деб билди:

— Ҳазрат саййиди олам пайғамбари расулиллоҳ дерларки: «Шоҳларнинг умридан бир соатким, ақл ва дод бирлан кечгай, олтмиш йиллик тоат-ибодатдан яхшироқ турур...»

Боқингиз, толе ва салтанат чашмаси шамшир сувидан жилолар олар эрмиш. Саодату омонлик боғи подшоҳлар қиличидан, шаън-шавкатидан фаровон ва обод эрмиш... Фақат ушбу қиличлар ёлғиз адолат йўлини тутган подшоҳларгагина тегишлидур. Кучни адолатдан излаган Амир Соҳибқирон умрлари пойдор, қиличлари обдор бўлсун! Алҳамду лилоҳи рабил оламин! Омин, оллоҳу акбар!

— О-о-омин! Оллоҳу акбар! — садолари янграркан шамшир янглиғ кўтарилган қўллар қутлуғ фотиҳага тортилди.

Шундан кейин ёзилган шоҳона дастурхон беҳисоб турфа хил таомлар билан безалди. Машшоқлар созларини қайтадан созлашга киришдилар ва «шодияна»ни бошлаб юбордилар. Замонанинг машхури офоқ ҳофизлари овозларидан хушманзара дара оғуши обод бўлди. Сайли сафо кечгача давом этди.

Алуфа тавочи Амир Довуд дуғлат девонбегига, яқинда сафардан қайтганлиги ва хоразмшоҳ Хусайн Сўфидан Соҳибқиронга мактуб олиб келганигини билдирди. Бу ҳақда Муҳаммад Чуроға додхоҳга айтиб қўйди. У ҳумоюн ўрдуга чорлашларини интизорлик билан кутар, еган-ичгани ҳам ичига тушмас эди.

Бирдан Муҳаммад Чуроға додхоҳнинг чорлови эшитилди:

— Алуфа тавочи жаноблари! Ҳумоюн ўрдуга! Ҳумоюн ўрдуга!

ЎНИНЧИ БОБ

Самарқанд тонги серфайз ва сўлим эди.

Соҳибқирон мамлакат ва раъйат вазири Амир Сайфиддин некўз ҳамда амирул умаро Амир Жоку барлосларни зудлик билан ҳумоюн ўрдуга чорлатди.

Амир Темур, доимо бир ишга киришмай туриб, ундан қутилиш йўлларини излаб қўй, деган ақида этагидан туттади. Алуфа тавочини Хоразмга юборар экан, элчи қандай жавоб олиб келишини олдиқдан тахмин қиларди. «Наҳотки, ўз юртимда ўзимга ўзим қилич ўқталсам — Хоразмга юриш қилишга мажбур бўлсам?..» деган ўй унга тинчлик бермасди. Жумла жаҳонга аёнки, Хоразм Чигатой улусига қиради, Амир Темур салтанати эса ўзини Чигатой улусининг вориси ҳисоблайди, инчунун Хоразм салтанатининг Андижондек, Тошкентдек, Шибирғондек, Термиздек бир вилояти бўлмоғи керак. Наҳотки, кенгаш билан ушбу муаммони ҳал этиш мумкин эмас? Наҳотки, муаммони адолатли, тўғри ечиш учун эгри қиличга суянмоқ даркор? Ҳарнечук, Хоразмни бир ёқли қилмай, салтанат бутунлиги ва равнақи ҳақида сўз юритиш номуносиб бир юмушдир. Амир Темурнинг бунга имони комил.

У Самарқанд марказидаги тепалиқда яқингинада қад кўтарган ҳашаматли Кўксаройнинг чиройли кўринишхонасида тахтада ўлтирар эди. Иккинчи ошёнада ўнг томонни банд этган кўринишхона узунлиги юз қадам, эни элик қадам келадиган шифти балаңд барҳаво бир хона бўлиб, ипак пардалар тугилган ўнга кенг деразаси Чорсу майдонига қарарди. Кўксарой майдонга худди узукка кўз қўйгандай ярашиб тушди. Деворларига Ҳозгоннинг кўк мармаридан қопланган, икки ёнида иккита минора бўй чўзган, офтобда шишадай ярақлаб турадиган тўрт ошёнали маҳобатли саройнинг биринчи ошёнасида хазинаи омира¹ ва кўрхона қарор топди. Қозиюл қуззот, қози аскар, аҳдос², шунингдек, вақф ерлари, вақф мол-мулклар ҳисобини олиб тургувчи садри аъзам, қурчибоши, ясовулбоши, хирож ҳажмини белгилувчи амалдор, уни калакчи дердилар, солиқ ва ўллон йиғувчи муҳассал ва бошқа мансабдорлар биринчи ошёнани баңд этдилар.

Иккинчи ошёнада кўринишхона, ички хонадан ташқари, чап томонда девонбеги, бош вазир, амирул умаро ва вазирлар хоналари мавжуд. Учинчи ошёнада ҳарам жойлашган. Ҳарам аҳли учун саройнинг ўнг томонидаги хос дарбозадан алоҳида йўл қилинган... Кўксарой атрофига кўп дарахтлар экилган, у бамисоли ям-яшил боғ ичида бино қилинганга ўхшаб қолди. Сўнг боғ девор билан ўраб олинди.

Соҳибқирон мулозимга деразалар пардасини кўтариб қўйишни буюрди. Ўлтирган жойидан унга шаҳарнинг шимол тарафидаги улкан қурилишлар манзараси баралла кўриниб турарди. Шу пайт Муҳаммад Чуроға додхоҳ кириб, амирлар ҳозир эканликларини маълум қилди.

— Киришсун, айт! — деган ижозат бўлди.

Амир Темур амирларга тахтнинг ўнг томонидан жой кўрсатди ва ўлтиришга таклиф этди.

Ҳар галгидек Амир Темур хотиржам ва босиқ деди:

— Рақибнинг ҳурмати, унинг олдидан бир ўтиб қўймак жавонмардик белгисидур, жаноблар!

Амирлар дарров гапнинг нимадалигини фаҳмлашиб бир-бирларига қараб қўйдилар.

— Бешак-шубҳа Амир Соҳибқирон! — тасдиқ этди Амир Сайфиддин некўз.

— Мусулмончилигу диёнат этагидан тутуб, душманни инсофу адолат йўлига чақирмак ва қилич қайрамакнинг нохуш оқибатларидан асрамак марднинг ишидур, — давом этди Амир Темур. — Бордию душман оқил кенгашга қулоқ бермаса ва ўз билганидан қолмаса, барча гуноҳ ўшал қулоқсизнинг йўғон бўйнига тушадур...

¹ Давлат хазинаси.

² Урф-одатлар ва қуңдалиқ ишлар бажарилишини назорат қилгувчи қози.

— Бағоят ҳақ гапирдилар! Малҳам наф бермаса, ярага тиг урилмай илож йўқ... — Буни Амир Жоку барлоқ айтди.

— Биз Хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфига яхши сўзларимизни раво кўрдик. Ажабки, у қиличини ўртага солибдур, худди эгри қилич биргина унинг илгида бордек... Биз огоҳ этдик, узримиз қабул қилинди!..

Кўринишхонага жимлик чўқди.

Амир Темур: «Биз огоҳ этдик, узримиз қабул қилинди...» дедию ўзининг тутумини оқлагандек бўлди. У буни сезди. Бу ерда Туркистон султони ҳақми? Унинг даъволари тўғрими, ўринлими?.. Шу палла бир лаҳза ўзини хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи ўрнига қўйиб кўрди. Хўш, қўшни мамлакатдан унга шундай мазмунда мактуб келиб қолди, дейлик. Амир Темур нима деб жавоб берарди экан? Юртни осонгина топширишга рози бўлармиди? Албатта, йўқ! Ҳеч қачон, асло! Шундай қилганда, тавқи лаънат бўйнига илинган бўларди!

Демак, хоразмшоҳни ҳам қайсарликда ёки писандсизликда айблаш ножоиз, у ҳам мамлакатнинг посбони, у ҳам элнинг қарғишига қолмоқчи эмас. Пичоқни ўзингга ур, оғримаса бировга ур!

Аммо бу ерда Туркистон султони кўнглига қувват бериб турган бир нарса бор — Амир Темур юрт босиб олмақчи эмас, юрт тикламоқчи, мамлакатни бутунламоқчи! Ҳа-ҳа, бутунламоқчи! Устига устак, у дабурустдан бостириб бораётгани йўқ, балки одил подшолар йўлидан юриб, кенгаш измини тутиб, келишиб иш қилиш ниятида. Буни Оллоҳнинг ўзи кўриб турибди...

Амир Темур кўринишхонада у ёқдан-бу ёққа юрар экан, ана шуларни хаёлидан ўтказар эди.

— Амирул умаро жаноблари! — деди бирдан Амир Темур. — Ҳозир барча сипоҳлар ўз уйларида, бола-бақралари олдидадурлар. Қиш кириб қолди. Лашкар бошлиқларига фармон қилингким, йўллар қуриган пайта шайланиб турсунлар. Наврўздан кейин қўшинлар йиғилсун, лашкароҳга чорлансун! Барчага собут-дубулға, анжомлар мўл тарқатилсун!

— Бош устига, Амир Соҳибқирон!

Амир Темур тахтта ўлтирди ва дераза томонга боққанча, ўзига ўзи айтгандек, деди:

— Наҳотки Хоразмга бориладур? Наҳотки тўғри ишни бажариш учун кунимиз эгри қиличга қолса?..

ЎН БИРИНЧИ БОБ

Ҳамал охирларида Хоразмда катта тўй бошланиб кетди. Хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи қизи Иқбол бикани нуфузли амирлардан бири Хожа Шоҳиннинг паҳлавон ўғли Жаҳон Маликка узатмоқда эди. Подшо саройидан ҳар кун эрталаб карнай-сурнай садолари таралар, пойтахт аҳли, мадрасалар талабалари ва Қайсария карвонсаройи мусофирларини тўйхонага чорларди. Дастурхондан меҳмонлар аримас, ўйин-кулгу тинмасди. Мамлакат ҳаётининг тўқис тантанаси бўлган тўйнинг беғубор шодиёнасига чулганган.

Хонзода хоним, Сиймин бика ва Оққизлар дугоналари атрофида парвона... Келинлик либосига бурканган, сулув бўлиб кетган Иқбол бикага ҳавас билан қарашар, куёв ҳақида саволлар отишиб ҳазиллашишар, жиғига тегишар, кайвонилардай кенгаш ҳам бериб қўйишарди. Иқбол бика буларга хафа бўлмас, «Ҳаммангизнинг ҳам бошингизга тушсун, илоё!», «Бу маслаҳатингизни ўзингизга олиб қўйингиз, керак бўладур!» қабилида жавоб қайтарарди. Тўй бошланишидан бир кун аввал маликалар ўзлари севган хушманзара Зангорикўл бўйига отландилар.

Маликалар маофаси муюлишдан ўтганда Иқбол бика хаёлларга кўмилиб келаётган Хонзода хонимга қаради-да, ҳаммага эшиттириб: «Севин, Жаҳонгир Мирзодан хабар борму?...» деб сўраб қолди. Хонзода хоним қизариб кетди. «Вой, бу нима деганинг?.. Нега хабар бўлиши керак экан? Билмасам...». «Бўлиб қолар, бўлиб қолар...» кўшилди сўзга Оққиз. Шундан сўнг маофа то Зангорикўл бўйига келгунча ҳам ҳеч ким лом-мим демади. Ҳамма ўз ўйи билан банд эди.

Маликалар барра майсалар билан нимтатир қопланган яйловда, қўл бўйида кечгача қолиб кетишди.

* * *

Тўйнинг олтинчи куни аср намози вақтида Кот тарафдан бир суворий терга пишган тўригини елдирганча шаҳар дарвозасига етиб келди. Узоқ йўл юриб ҳориган отлиқ шаҳар ёқдаги шодиёна, карнай-сурнай овозларидан ҳайрон бўлди.

— Ҳой, ким бор? — қичқирди у. — Дарвозани очингиз! Тез очингиз!

Итгифоқо, шаҳарнинг кутволи Бекхожа дарвоза тепасида эди, пастга ҳайратланиб қаради:

— Менглихожа?! Гурлан ҳоқими?!

Шитоб дарвозани очдилар. Менглихожа оддан туриб, бироз нафас ростлади. У ўттиз беш ёшлардаги ўрта бўйли, япалоқ юзли, биткўз, довжорак бир киши эди.

— Офат келди, ёшулли! — Гурлан амири ҳорғин кўзларини каттароқ очиб Бекхожага тикиди. — Офат келди, офат!.. Самарқанд султони Амир Темурнинг лашкари юртимизни талон-тарож этди. Улар Жайхун бўйидаги Сепоя мавзесидан ўтиб Кот ҳисорини олди-

лар... Душман шамодай тез, бешафқат ва беандиша. Гурланга келишганда, мен дарвозани маҳкам бекиттирдим, аррода ва тири чархларни шай қилдирдим. Ҳисор олдидаги хандақ эса чуқур, ундан ўтишлари маҳол деб хотиржам эдим... Аммо Амир Темур хас-ҳашак тўшаб хандақларни тўлдиришларни буюрди. Шунча хас-ҳашакни қайдин топибдур?.. Мен зўрға қочиб қутулдим, заифаларим, қизларим бари ёғий қўлида қолди. Ёғий лашкари ҳар ён тарқалиб вораг қилаётди. Хоразмшоҳни огоҳ этай деб шошилдим...

Менглихожа оғир сўлиш одди.

— Аҳволни Ҳусайн Сўфи ҳазрати олийларига тез билдириш керак! Тез!

— Ҳозир мумкин эмас! — кутвол кескин деди. — Биронта чибин ҳам мени безовта қилмасун, деб буюрғонлар... Шундоқ хурсандчилик пайти қандоқ қилиб нохуш хабарни айтмиз? Бироз кутайлик...

Қизиқ устида шундай дедию Бекхожа сўнгги гапидан ўзи ҳам ҳайрон бўлиб қолди. Тўй қирқ кеча-кундуз давом этади, энди олти кун ўтди... «Бироз кутиш» чиндан ҳам қанча бўлиши мумкин?..

У шитоб тўйхонага бориш зарурлигини англади.

Сарой майдонида тумонат одам, игна ташланса ерга тушмайди. Кўчада одамлар оқими тўхтамайди. Меҳмонлар дастурхон атрофида ўлгиришиб, майдон ўртасида чарх уриб ракс тушаётган ўйинчиларни томоша қилишади. Хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи саҳнанинг тўрт томонида катта сўради Юсуф Сўфи, Оқ Сўфи, Хожа Шайхзода ва бошқа аъёну акобирлар орасида савлат тўқканча, хушчақчақ даврани бошқаради. Яқинлашишнинг иложи бўлмаганидан, Бекхожа амаллаб мулозимни топиб, унга нималарнидир уқтирди. Мулозим хоразмшоҳ томон шошилди. Одамлар тўсиб қолишдию мулозимнинг бу гапни хоразмшоҳга қандай айтганини Бекхожа ҳам, Менглихожа ҳам узоқдан кўришолмади.

Менглихожа қорни қаттиқ оч эканлигини энди сезди. Улар дастурхонга қўл чўзган эдилар ҳамки, ҳалиги мулозим қайтиб келиб, ҳозир у билан шитоб ҳумоюннишон саройга боришлари зарурлигини етказди. Сарой кўринишхонасида хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи билан Юсуф Сўфи асабий у ёқдан-бу ёққа бориб келишарди. Юсуф Сўфи нуқул тишларини гижирлатарди.

Гурлан амири тиз чўкиб таъзим бажо келтиргач, даҳшатли воқеани қўшмай-чатмай баён қилди...

Хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфининг бирдан нафаси қиса бошлади ва ранги оқарганча ўтириб қолди. Сувга югурдилар. Хос табиб, хоразмшоҳ ҳазрати олийлари толиқибдилар, ёстиққа бош қўйиб ҳордиқ олишлари лозим, у кишига осойишталик керак, деди. Уни хос хонага олиб кириб ётқиздилар.

Юсуф Сўфи шитоб бекларбеги Хожа Шайхзодани олдиртириб келди. Бекларбеги суяги бузук, барваста, шунга қарамай чаққон ҳаракат қиладиган қирқлардаги одам эди. Улар мавжуд нозик вазиятда қандай йўл тутмоқ кераклиги ҳақида фикрлашдилар. Лашкари аҳволи, сипоҳ йиғишни тез амалга ошириш, муҳофаза чораларини кўриш тўғрисида сўз кетди. Асосан, Юсуф Сўфи гапирди, бекларбеги тинглади. Тундаёқ барча лашкарбошилар саройда машваратга тўпландилар.

— Зангориқўл атрофидаги яйлов лашкаргоҳ қилиб белгиланур! — эълон қилди Юсуф Сўфи. У юзи япалоқдан келган, тишини тез-тез гижирлатиб турадиган ўттиз беш ёшлардаги бир одам эди. — Қўшинлар ўша ерда саф тортсунлар! Бош эгиш йўқ, падари бузрукворимиз бизларни бунга ўргатмаганлар. Темур билан фақат қилич тилида сўйлашамиз! Фақат қилич тилида! Билсунларким, бирон бир кишида бошқача ўй бўлиши мумкин эмас!

— Мумкин эмас! — тасдиқлади кутвол Бекхожа ҳаммадан олдин.

— Мумкин эмас! — Бу Гурлан амири Менглихожанинг овози эди.

— Бош эгиш йўқ!

— Қонга — қон!

— Душманни ер тишлатамиз! — қабилида Юсуф Сўфининг сўзларини қўллаб-қувватлагувчи бошқа овозлар ҳам янгради. Хожа Шайхзода нимадир демоқчи бўлди, аммо овоз чиқармади. Чунки рўбарўдан сурон солиб чопиб келаётган оломонга бирон гапни тушунтиришга уриниш фойдасиз эканлигини кўп марта бошидан кечирган...

Машваратдан сўнг Юсуф Сўфи бекларбегини олиб, саройнинг у томонида, хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфининг хос хонасига йўналди. Хоразмшоҳ анчагача алаҳсираб ётгач, ниҳоят яқиндагина кўзи илинибди. Унинг ёнидан жилмаган хос табиб, шивирлаб, тонг-эртангача безовта қилмасликларини ўтиниб сўради...

Ҳусайн Сўфи эрталаб ҳеч нарса булмагандай уйқудан тиниқиб уйғонди. Бошининг орқасидаги энгил салқи оғриқни демаса, уни безовта қиладиган сабаб йўқ. Хос табибнинг тинимсиз муолажалари зое кетмади.

— Баъзан юрагимда қувват бўлмай қоладир... — тушунтирди ўз аҳволи руҳиясини хоразмшоҳ Юсуф Сўфига.

— Нима сабабдан, оға?

— Сабабини Олоҳ биладир, Шоҳ Юсуф!

Хоразмшоҳ инисини ҳурматлаб шундай деб атарди.

Юсуф Сўфи нохуш хабардан сўнг тунда машварат қақирганини, лашкаргоҳ белгиланганини билдириб ўтди. Хоразмшоҳ хурсанд бўлди, «Шоҳ Юсуфнинг «Темур билан фақат қилич тилида сўзлашамиз!» деган сўзлари хуш ёққанлигини айтди.

— Ҳа, биз бу ерларни қилич билан қўлга киритганмиз! — Ҳусайн Сўфи ўзининг

яхши кўрган сўзларини такрорлади. — Кимки олмоқчи бўлса, уни қилич билан олишига тўғри келади!

Тўй кеча тугаган, ҳаммада қандайдир палағда бир кайфият ҳукм сурарди. Қош қорая бошлади.

Худди шу пайт Гурганждан икки фарсах жанубдан оқиб ўтадиган Қуйи Қовун сойи томондан чопар келди:

— Ҳазрати олийлари! Ҳазрати олийлари! — энтиқди чопар, бу йигирма-йигирма бешлардаги ўрта бўйли йигит эди. — Қоровуллардан хабар етдиким, сон-саноксиз қўшин бостириб келмоқда экан! Навкар қумдан ҳам кўп эмиш, қўшин бошида оқсоқ Темур деган баджаҳл бир саркарда келармиш. Ҳеч нарса унга бас кела олмас экан!

Кутилмаган янгиликдан Ҳусайн Сўфи энди ростакам ташвишга тушди. Хоразмшоҳ ўз қўшинларини яхши билади. Лекин Амир Темурнинг лашкарига тенг келиши маҳол. Кўп кўп-да. Шунини юрагининг тубида сезиб турибди. Таваккал майдонга от солиб бўлмайди, мағлублик жандасини кийгандан ўлим афзалроқ! Қандай йўл тутиш керак? Нима қилиш керак? Нима?.. Юсуф Сўфи, Хожа Шайхзода ва бошқа салтанат пешволари машваратга келгунларича, уни шундай саволлар эзиб ташлади.

— Фақат қилич иш берадур! Қилич! Қилич! — овозини кўтариб қатъий деди Юсуф Сўфи.

Хоразмшоҳ, сизнинг фикрингиз қалай дегандай, бекларбеги Хожа Шайхзодага қаради. Бекларбеги бироз ўйланган бўлди.

— Ҳазрати олийлари! Бостириб келгон душманни қилич билан кутиб олмоқ бу фарз ҳам суннатдир, — дея сўз бошлади Хожа Шайхзода. — Мен бугун лашкароҳда қўшинини мизни тафтиш айладим. Нима десам... Қўшиннинг чўғи озроқ... Ақли қосирим дейдирки, бу қўшин билан Амир Темурга бас келиб бўлмас. Қўшинни кўпайтмоққа эса вақт бевафоллик этиб турибдур...

— Нима демоқчилар бу бирлан, ёшулли? — бирдан сўзини кесиб унга ўдағайлади Юсуф Сўфи. — Душманнинг олдига, сиз улурсиз, қўшинингиз лак-лак, дея бош эгиб бор, демоқчимиз? Бориб Темурнинг оёғини ялайликум? Юртимизни бўшатиб берайликум? Ўзимиз қул, хотинларимиз чўри бўлсинларму? А, ёшулли? Шундай демоқчимилар?..

— Маъзур тутсунлар... Ҳали гапимнинг «берди»сини айтгоним йўқ... Нима десам... — деди оғир Хожа Шайхзода, у гап тополмай қолган пайтларда «нима десам...» сўзларини ишлатишни яхши кўрарди. Яна унинг гапи оғзида қолади.

— Йўқ, сиз айтинг-чи! — Юсуф Сўфи қизишиб кетди. — Боболарнинг юзига оёқ қўйайликум? Душман отини етаклаб боғларимизга олиб кирайликум? Ўзимиз пайхон этайликум, а? Бу қўшин билан Амир Темурга бас келиб бўлмас, дейсиз? Кишилар кўнглига гумон тухмини сочасиз? Балки чўғирмани ташлармиз-да, ёшулли, бошларимизга рўмол ўраб олармиз? А?..

— Юсуфбек жаноблари, маъзур тутсунлар...

— Шоҳ Юсуф! — Хоразмшоҳ бироз ранжиганини яширмади. — Жанжал учун йиғинмадик. Буни душманга қўйайлик. Вазият оғир ва мужмал... Вазмин бўлайлук. Кенгашиб олайлук, деб чорладим сизларни... Давом этсунлар, мухтарам бекларбеги!

Юсуф Сўфи тишларини бир ғижирлатиб қўйди, лекин гапирмади.

— Юртимизнинг бир гардини ҳам ғанимларга раво кўрмасмен! — деди Хожа Шайхзода. — Бу тонг отганда чиққан қуёшдай равшан. Подшоһи олам, бағоят тўғри дедилар, вазият оғир ва мужмал... Нима десам... Вазият ойини деган гап борки, уни четлаб ўтиш мушкул. Унга қараб тарозига тош қўймоқ зарур. Ҳозир оқсоқ Темур қўшинига тенг кела олмаймиз, афсуски, бу шундоқ, Шу сабабдан элчи юбориб, сулҳ таклиф этмоғимиз керак, токи у ўша келган жойидан ортига қайтсун... Душман отининг туёғи шаҳримизга етмасун. Биз эса шу аснода нафас ростлаб оламиз, қўшни шахру қасабалардан аскар йиғамиз, машқимизни чиниқтираамиз. Нима десам... Қиличимиз қинида турибдур, ана. Уни истаган вақтда қинидан чиқара оламиз, подшоҳ Ҳазрати олийлари...

Хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи бекларбегининг куйиниб айтган сўзларида катта ҳақиқат борлигини тан олди. Бугуннинг манзараси тўғри чизилган эди уларда.

— Эй, салтанат пешволари! Бостириб келаётган ёғий билан сулҳ тузмоқ — бу ҳали енгилмоқ деган сўз эмас! — деди хоразмшоҳ, — Салтанатлар ўртасида кўхна муомала йўли, муросяу мадора йўли... бу... Кутвол жаноблари! Сиз тонгдаёқ Амир Темур қошига сулҳ такаф эттали отганингиз! Турон султонининг қандай талаб-сўрови бўлса, билингиз. Аммо шарт: не бўлса ҳам у ўша жойидан ортига қайтиб кетсун!

— Бош устига, олампаҳо! — деди Бекхожа, туриб келиб хоразмшоҳнинг қўлини ўпди.

— Бекларбеги жаноблари! Сулҳ ўз йўлига. Ўзингиз айтгандек, сулҳ нафас ростламоқ холос... Сиз қўшинни қурчлашга қандай киришган бўлсангиз, шундоқ давом эттирингиз! Не йўсинда кўмак тиласангиз, олингиз! Ҳазинаи омира эшиги сизга очиқ!

— Хонумонимни фидо этмоққа тайёрман, подшоҳ Ҳазрати олийлари!

Барваста Хожа Шайхзода чаққон юриб келиб хоразмшоҳни тавоф этди.

Юсуф Сўфи барча гапларга индамай қулоқ солиб турар, аммо тишларини ортиқ ғижирлатмас эди.

Салтанат боргоҳида режалар ана шундай белгиланиб турган бир пайтда кутилмаганда юз берган воқеа ҳамма нарсани остин-устин қилиб юборди!

Машварат тугашига сал қолган эди, эшикоға кириб бир элчи келганлигини мағлум қилди:

— Подшойи олам! Хутталон ҳокими Амир Кайхусравдан шошилинч элчи сарой осто-насида турибди!

Шошилинч элчи — гоҳи Амир Мусонинг хизматини қилган, гоҳи Хутталон ҳокимининг ишонган одамига айланган Тармочуқ эди. Чўтирма кийиб олган элчи шиддат билан юриб келиб, тахтга ўн қадамча қолганда, тиз чўкиб ерни ўпди ва қўйнидан найча қилиб ўралган мактубни икки қўллаб хоразмшоҳга тутди. Унда қуйидаги сатрлар ёзилган эди:

«Мўмин-мусулмонлар қутби, жаҳон султонларининг аълоси, Хоразм мамлакати подшоси хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи ҳазрати олийларига... Аввали мар-рур бошимиз ерга етгунча таъзим ва эҳтиром мақомида бўлгон дўстингиздур-миз... Вақт бағоят тизиз ва бешафқатдур. Билдурмагимиз лозимдурки, Турон султони Амир Темур Кўрағони бадқайсар Хоразмга юриш қилиш идаосидан қутула олмади. Қайтармакка биз томонимиздан кўп саъи-ҳаракатлар кўргизилди, аммо барчаси тошга ёққан ёмғирдек нафис кетди... Кот, Хевақ, Гурлан Амир Темур тасарруфига ўтмиш. Яна икки кунлик йўл босилса, Гурганжга етурлар... Алҳосил, кенгаш бермакка ошиқадурмиз. Аввадан, зинҳор унга инонмангиз, дўстлик эшигини оча кўрмангиз. Сўнг сулҳ тузишни асло ўйламангиз. Ҳозир Турон қўшини пароканда: Гурланини олгач, илғорлик кўргизиб, ҳар тарафга тарқалиб кетган, юртни талон-тарож этиб ётибди... Қулайликка мойил фурсатда, ҳазрат олийлари, собитқадам ва саркаш Хоразм қўшинини бошлаб Жўйи Қовун бўйига келсалар, жанг қизиган чоғда биз бу ёқдан тўпсиндирар навкарларимиз билан Турон қўшинидан ажраб чиқиб, иншооллоҳ, сафингизга қўшилғоймиз. Лашкар узра оқ байроқ ҳилпираб кўринадир, бу бизнинг шижоатимизга ишоратдур... Икки қўшин Амир Темурни ер билан яксон этғоймиз! Даҳшатли душманимиздан бирданига қутулғоймиз!

Боқий салом ила аддон дўстингиз ва фидойингиз Амир Кайхусрав Кўрагон Хутталоний. Ҳижрий 773 йил жумодил аввал ойининг 5 кунни. Кот шаҳри».

Нома ўқилиши билан саройни қийқириқ босиб кетди. Биров бировнинг сўзини эшитмас, аммо ҳар ким нимадир дея мактубга муносабат билдирарди.

— Қўшинимиз чўғи кам, деб тургандик... Худо қўшинни ҳам бут қилди! — қувонганини яширмади Юсуф Сўфи. — Энди Темурнинг додини берамиз! Энди кунини кўрадир, ҳа! — Кунини кўради! — қичқирди Гурлан амири.

Хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи ҳам мамнун бўлиб кўнгли ёришди. Амир Кайхусрав, аввало, синашта дўсти, қолаверса Мовароуннаҳрда донғи чиққан амир, қўшини ҳам шиддатли. Кейин балки Маҳмудшоҳ Бухорий ҳам бизга қўшиладир. Зиндачашм опардий, афсуски, Самарқандда ёсоққа етказилибди. Шибирён амири бўлганда хоразмшоҳнинг ошиғи олчи эди-я.

Хоразмшоҳ, бу ёғига нима дейсиз, дегандай Хожа Шайхзодага қаради. Барча жим қолди.

— Вазият ойини ўзгарди, подшоҳ ҳазрати олийлари! Нима десам... Энди душманга юзма-юз борсак бўладир! Ёғийнинг ўз ичидан ўт чиқиб, Амир Кайхусрав Хутталоний биз томонга ўтадиган бўлибдир. Бу башак Оллоҳнинг бизга кўргизган илтифоти, подшойи олам!

Тармочуқ шу пайт қайтишга ижозат сўради.

Хоразмшоҳ дарҳол котибни чақиртириб, Амир Кайхусравга жавоб номаси ёзишни буюрди ва «Ёз!» деди. Котиб қўлига қалам олди:

«...Қиёматлик дўстимиз Амир Кайхусрав Хутталоний жанобларига. Қаттол душман ҳуружи олдида сизнинг мактубингиз дилимизга мадад, белимизга қувват бўлди. Қутлуғ кенгашингизни қабул айладук. Жўйи Қовун бўйида жанобларининг лашкар билан Турон сафини тарк этиб, Хоразм қаторига ўтишингиз, иншооллоҳ, Амир Темур тақдирини ҳал қилғай! Кўнглингиз тўқ бўлсун: сиз айтқондек, биз душманга дўст эшигини очмасбиз, сулҳ отини атамасбиз! Қуйи Қовун узра сизнинг ҳилпираган оқ санжонингизни тезроқ кўришга орзумандурмиз.

Дуои салом, бадъаз калом.

Хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи. Ҳижрий 773 йил жумодил аввал ойининг 20-кунни. Гурганж шаҳри».

Тармочуқ зар попукли найча-номани олиб кўзларига суртди-да, қўйнига жойлади, таъзим билан тисарилганча саройдан чиқди. Гурганж кутволи Бекхожа тонг отганда сулҳ тузишга элчиликка борадими-йўқми — билолмай қолди...

ЎН ИККИНЧИ БОБ

Душманни Қуйи Қовундан нарига ўтказмасликка аҳд қилган хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи бекларбеги Хожа Шайхзодага новораю бурғулар садоси остида қўшинни дадил қалъадан ташқарига олиб чиқилсун, деб фармон берди. Майдонталаб Хоразм қўшини сурон солиб Жўйи Қовун бўйига йўл олди.

Амир Темурнинг лашкари чиндан ҳам хотиржамлик этагидан тутиб, ўлжа излаб ҳар томонга тарқалиб кетганди. Амир Кайхусрав буни тўғри ёзганди. Соҳибқирон Хоразм шаҳрига боришни сал кейинроқ режалаштирди, яна бир бор элчи жўнатиб кенгаш билан орани очик қилмоқчи бўлди, у қон тўкилишини истамасди. Шундай хаёллар билан банд бўлиб турган вақтда, қўлига Амир Кайхусрав мулозими Тармочуқдан тортиб олинган нома-ни тутқаздилар...

Воқеа бундай бўлганди. Жаҳонгир Мирзо ўнбошиси Ахий Жаббор баҳодир ўз йигитлари билан сарҳадада тунда қоровуликда эдилар, Хоразм ёқдан чўтирма кийган бир одам писиб йўлдан ўта бошлади. Бу Учқорага шубҳали кўриқди. «Ер тўймайди ёмғирга, хотин эрга... тўймайди» дея минғирлаб хиргойи қилаётган Учқора ашуласини тўхтатди-да, ҳалиги одамни кузата бошлади. Чўтирмали одам ниманидир қидиради, тимирскиланарди. Учқоранинг хаёлига келган биринчи фикр шу бўлдики, бу одам — хоразмшоҳ жосуси! Хумоюн ўраудан, душман ёқдан бир «тил» олиб келиш ҳақида буйруқ ҳам бўлган эди-я! Парвардигорнинг ўзи етказди-қўйди! Сал нарида чодирда ўлтиришган Ахир Жаббор баҳодир, Йаналтекин, Йўлқутлуғларга билдирмай битиради бу ишни.

Чўтирмали одам гира-шира қоронғуда, жануб ёқда минг қадамлар нарида ёниб турган гулханлар томонга ўтмоқчи шекилли, беихтиёр Учқоранинг олдига келиб қолди. Ҳалитдан бери Учқоранинг томоғи қичир, қаттиқ йўталгиси келарди. У биларди, йўталиб юборса, иш расво бўлади.

Учқора бамисли қоплондек ҳалиги одам устига ташланди ва бутун залвори билан босиб тушди. Шу билан баробар қаттиқ йўталиб ҳам олди. Чўтирмали одам чайир экан, Учқорани писанд қилмас, пишиллаганча унинг тагидан чиқиб олишга тиришарди. Учқора ишни осонликча тинчителиш мушқуллигини пайқайди. Қоронғида тўсатдан бошланиб кетган олатасир мушгашув қутилгандек натижа бермас, биттага битта жавоб келиб турар эди. Шу пайт чап биқинида нимадир жизиллади, пичоқ санчилганини у кейин билди. Ҳазабланган Учқора биқинини пайпаслаб ҳам ўтирмади, бир кучига икки куч қўшилиб, рақибини шарт ерга юзтубан ағдарди-да, икки қўлини орқасига қайирди. Чўтирмали инграб юборди, ҳолсизланган қўлидан пичоқ тушди. Учқора тиззасини чўтирмалининг белига қаттиқ тиради экан:

— Чигирткадай бошингни узиб ташлардим, отангни арвои! — деди пишқириб. — Бизга «тил» керак-да! Амир Соҳибқироннинг изин ўп, сенинг жонингни тилаб олган экан, Худоба айтганинг бор экан, валад!..

Қўққис йўтал овозини эшитган Ахий Жаббор баҳодир билан Йаналтекин содирдан чиқиб келдилар. Улар дарҳол «тил»нинг қўл-оёғини боғладилар. Жануб ёқдаги уч чақиримлар наридаги қишлоқдан хўроз қичқиргани эшитилди. Тонг ёриша бошлаган эди.

Ёруғ тушгач, Ахий Жаббор баҳодир «тил»ни таниб қолди: у аввал Амир Кайхусрав хизматида бўлган, бир неча марта Хоразмга бирга бориб келган Тармочуқ мулозим эди! Кўрдию ижирганиб қўйди. Бу каламуш башара билан борлиқ ҳодисаларни эслагиси ҳам келмади, ахир мунтазам Амир Кайхусравга уни чилпиган, сасиган, ичи қора, сотқин... шуда! Аммо у кейинги вақтларда Амир Мусо хизматини қиларди.

— Хоразм ёқда нима қилиб юрибсен? Ёки Амир Мусонинг бир чодирини ўша ёқдаму?... тешиб юборгудек тикилди Ахий Жаббор баҳодир, салоом йўқ, алик йўқ, Тармочуққа.

«Нега шу ёққа юрдим-а? — деди ичида Тармочуқ афсусланиб. — Ўзимдан ўтди... Яна Ахий Жабборга дуч келиб қолганимни! Аввалги сирдошингдан кўра ёмонроқ душман бўлмаслигини билардим-ку!..»

— Адашиб қолдим... йўл йўқотиб қўйдим, қоронғида... — каловланди Тармочуқ.

— Хоразмда адашиб қолдингму? Сен-а?..

— Менга қара Ахий Жаббор! — деди бирдан Тармочуқ юзини сидириб. — Бир нарса бераман... Гавҳар! Тоза гавҳар! Қўнжимда... Олу мени қўйиб юбор! Сендан нима кетди... Гавҳарни олу мени қўйиб юбор!

Қўли боғлиқ Тармочуқ ётган жойида ёнбошламоқчи бўлар, худди қўйнида нимадир бор-у, уни авайлаётгандай ҳаракат қиларди. Бу Ахий Жаббор баҳодир назаридан қочмади.

— Йаналтекин! — буюрди у. — Чап қўйинини қара!

— Яқинлашма! Яқинлашма, деяпман сенга! — бирдан кўзлари ола-қула бўлиб кетди Тармочуқнинг. У бошини сарак-сарак қиларди. — Қоч, ҳозир калла ейсан.

Йаналтекин Тармочуқнинг соқол босган юзи аралаш бир мушт туширди. Тармочуқнинг лаблари қонаб кетди.

— Бу Учқорага пичоқ урганинг ҳаққи...

— Ёндошма, деяпман! Яқинлашсанг ўласан!!! Қоч!!! — дерди ҳамон Тармочуқ, ётган жойида Йаналтекинга дағдаға қилиб.

— Жуфт бўлсин, а? Қўймадинг... — Йаналтекин хотиржам яна муштини ишга солди. Иккинчи муштан кейин Тармочуқ тақдирга тан берди, оғзида тўпланиб қолган қонни бир четга туфлар экан, ғазабдан қисилган кўзларини Йаналтекинга тикди. Алам қиладиган жойи бор — агар Амир Кайхусрав топширигини адо этса, Тармочуқ Хутталонда ўзи ёқтирган бир қишлоқ эгаси бўларди. Гоҳ бир амир хўржунини кўтариш, гоҳ ўзга амирнинг отини етақлаш унинг жонига текканди. Ўз қишлоғига эга бўлиб, — ўзича ўша қишлоқни белгилаб ҳам қўйганди, — фароғатда умргузаронлик қилиш унинг энг ардоқлаган орзуси эди. Афсус, барчаси адои тамом бўлди...

Йаналтекин Тармочуқнинг кўзларини ўйнатиб, унинг қўйнидан зар попукаи найча

мактубни олди. Ахий Жаббор баҳодир дарров таниди: бу хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи номаси эди!

Номани Соҳибқиронга етказганларида, у амирзода Жаҳонгир билан бирга қиссаҳон Мавлоно Убайднинг хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги ҳикоясини мароқ билан тинглаб ўлтирарди. Амир Темур юртнинг мард ўғлонлари тўғрисидаги қиссаларни жуда ёқтирарди. Туминхон, Алп Арслон, Султон Санжари Мозий, Жалолиддин Мангуберди...

— Қиссаларни тинглаганда улуғ зотларнинг ёруғ ва қора кунлари сабабларини аңлашга уринингиз, амирзодам! Барчаси сизу бизга сабоқдир,— уқтирди Соҳибқирон.

Жаҳонгир Мирзо «Маъқул!» дегандай бош тебратди.

Амир Темур Мавлоно Убайдага номани ўқишни буюрди. Ўрта бўйли, чиройли юзли, патак соқол қиссаҳон «Валлохи алам биссавоби!» деб қўйди-да, ингичка овозда дона-дона қилиб ўқишга тутинди... Нома ўқилган сари Амир Темурнинг қуюқ қошлари чимирилди, катта-катта кўзларида ҳайрат учқунлари пайдо бўлди, кейин ғазаб ўти чақнади, беихтиёр икки бармоғи қоп-қора соқолининг учини эзғилай бошлади... Ҳа, бир ҳадисда айтилмиш-ки, қайси одам рўзи азалдан ёмон бўлса асло тузалмагай, у яхшилик қилган одам ёмонлик билан жавоб бермагунча кўнгли ўрнига тушмас, бу дунёдан кетмас... Нечоғлик улуғ ҳикмат! Амир Кайхусравнинг қилмишидан Соҳибқироннинг қаҳру ғазаб томирлари кўзролди. Аммо ўзини босди. Амирул умаро Амир Жоку барлосга шундай буйруқ қилди:

— Хутталон ҳокими чодирига бориб, дарҳол уни хонабанд қилдирингиз. Бир мучасига тегилмасун! Унинг қўшинини еттига бўлингиз ва етти лашкарга қўшиб юборингиз! Хоразмдан сўнг унинг аҳволотини инсоф назаридан ўтказиб, тафтиш айлаб, бир қарорга келурбиз... Хутталон ҳокими Хоразмга отланайуқ, деб бир йилдан бери ҳол-жонимизга қўймайдур эрди... Гап бу ёқда экан-да...

Амир Жоку барлос фармон ижросига отланди. Амир Темур хотиржам ўлтиролмаи саропардадан чиқди. У қўшинларнинг шу ерда ҳозирларини ўз кўзи билан кўрмоқчи эди. Соҳибқиронга Жаҳонгир Мирзо билан Суюрғатмишхон ҳамроҳ бўлдилар. Отларни келтирдилар. Хос ясовуллар кузатувида улар чодирма-чодир айландилар, лашкарга тартиб бериб, шу куннинг ўзидаёқ ёғий томон жўнадилар. Тарқалиб кетган қўшин бошиқларига, Жўйи Қовун бўйига борилсун, деган яшиндан тез фармонлар юборилди.

... Турон лашкари манзилга етиб келганида, Жўйи Қовуннинг нариги ёғида маҳобатли Хоразм қўшинининг саф тортиб турганини кўрдилар. Амир Темур лашкарнинг маймана ва майсара бўлагини ораста қилди. Ҳеч қайси томон жангга биринчи бўлиб киришишга ботинмасди. Лекин икки тарафнинг ноғора ва бурғулари алақачон жангни бошлаб юборган эдилар, уларнинг садоларидан қулоқлар қоматта келай дер, куёш ҳам ҳайратда қаққайиб туриб қолганди...

Амир Темур Суюрғатмишхонга бир қараб қўйди. Подшоҳ Суюрғатмишхон бутун лашкарнинг олдида, сув бўйига келди-да, ўз қўли билан ўқ отиб Хоразм кутволи Бекхожани изига қайтарди. Бу навкарларни руҳлангириб юборди. Жўйи Қовун эни ўттиз қадамлар келадиган тез оқар ва чуқур анҳор эди. Амир Сорибуғо жалойир, Амир Муайяд арлот, Ахий Жаббор баҳодирлар кўркмай сувга от солдилар. Қирғоққа чиқишар-чиқишмас хоразмлик мард йигитлар уларга ташландилар. Жанг бошланиб кетди. Амир Довуд дуғлат билан Аббос баҳодирлар бир ҳамлада бекларбеги Хожа Шайхзодани чекинишга мажбур қилишди. Менглихожа билан Амир Муайяд арлот қаттиқ савашларди. Бир пайт қалқонини пана қилган Гуран амира чапдаслик билан Амир Муайяд арлотни айланиб ўтиб қилич солди ва биқинидан айириб қўйди. Амир Муайяд арлот «Қизигар!..» дедию гурс этиб отдан қулади. Буни кўриб турган Амир Темурнинг бағрини қилич ялаб ўтгандай бўлди, сингисининг тул қолганини тасаввур этиш бароят оғир эди Соҳибқиронга. Ҳай, аттанг! Ёш кетди... Элчи баҳодирнинг ҳам умри қисқа экан, сувга шўнғидию сув бетига чиқмади... Турон навкарлари энди ёпирилишиб ўзларини сувга отишар, чиқишибоқ, душман билан савашига киришиб кетишарди. «Ур-ҳо, ур!», «Оҳ!», «Йх!» каби овозлару қиличларнинг кескин қарсиллашлари борлиқни тутган эди.

Амир Темур кичик тепалиқда от устида жангни кузатиб турар экан, ортиқ сабри чидамади. Ўзини майдонга ургиси, жонфидо навкарлари ёнида бўлгиси келди. Муҳаммад Чуроға додхоҳнинг ёлворганига қарамай, отини Жўйи Қовуннинг совуқ ва нишаб сувига солмоққа шайланди. Шу пайт пайдо бўлган шаҳзода Жаҳонгир Мирзо Соҳибқироннинг оёғини ўпиб, гижингланган тулпорнинг жиловидан тутди:

— Бир қошиқ қонимиздан кечсунлар, валинеъмат Соҳибқирон! Бизга шафқат қилсунлар! Сувга от солмасунлар! Бироз ўз иззатгоҳларида қарор топиб турсунлар! Иншоолоҳ, сувдан ўтмоққа ҳам фурсат келгусидир!

Амир Темур ўғлининг ёрқин кўзларига тикилар экан, уларда илтижоларга тўла қатъият кўрди ва сўзини қайтара олмади. Жаҳонгир Мирзо шу заҳоти ўз отини сувга солди ва шиддат билан кечиб ўтиб, падари бузрукворининг юрагини увиштириб, савашларга қўшиб кетди...

Жанг сурони кучайиб борарди. Хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфининг қароргоҳи анҳорнинг нарироғида, бошқа бир тепалиқда жойлашганди. Жанг русумини кузатгани сайин, хоразмшоҳ кўнглида хижиллик булути қуюқлашарди. Юсуф Сўфи, Хожа Шайхзода, Бекхожа, Менглихожа ва бошқа амирлар майдонда чарх уриб юришибди, аммо қўшинда тартиб, қурчлик йўқлиги гоҳ-гоҳда билини қолмоқда. Хоразмшоҳ ўз қўшинидан ҳам кўра душман лашкари сафларига қарар, уфқда «аддои дўсти ва фидойи»си Амир Кайхусрав Хутта-

лонийнинг оқ байроғи қачон ҳилпирар экан, дея умидвор кўзларини узмасди. Аммо тикилган қозон қайнамас, деганларидай, кутилган оқ байроқдан ҳамон дарак йўқ...

Аср чоғида ҳансираганча Юсуф Сўфи келиб қолди. Унинг авзойи бузуқ эди, юмалоқ юзи оқариб кетган, манглайи ҳам қашқа бўлибди. У тахтада ёйилиб ўлтирган хоразмшоҳга хижолатдан тикила олмай алам ичида деди:

— Аҳвол оғир, оға! Дарҳол чекинмоқ керак, йўқ эса шу ерда яксон бўлампиз! Тезроқ қалъага етиб олайлик ва дарвозани қаттиқ беркитайлик! Темурнинг қўшини бир балойи азим, ҳеч нарсадан қайтмайду! Бас келиш қийин... Ҳа!..

— Амир Кайхусравдан хабар бўлиб қолар, Шоҳ Юсуф...

Ҳусайн Сўфининг овози шу қадар синиқ чиқдики, бу Юсуф Сўфига баттар таъсир қилди:

— Энди кутишдан наф йўқ, оғажон! — кескин деди Юсуф Сўфи тишларини гижирлатиб. — Қўшин хароб бўлди, майдонда ўлганларнинг ўндан саккизи бизнинг навқарлар... Темурга эса ҳар томондан мадад келиб турибди. Тез фармон қилингиз, қалъага чекинмоқ керак! Қалъа қўлдан кетмасун!

— Бекларбеги... Хожа Шайхзодани чақирингиз... — ҳолсизгина буюрди хос ясовулга хоразмшоҳ...

Унинг овози зўрға эшитилганидан Юсуф Сўфи таажжубланди ва «Оға, нима бўлди?» деб сўраш ниятида хоразмшоҳга боқди-ю, кўрқиб кетди. Хусайн Сўфини бирдан қалтироқ босди, қиройли юзи, пешонасидан бодраб чиқиб кетган йирик-йирик терлар текис қирқилган чора соқолига тушиб пастга тома бошлади. У нимадир демоқчи бўлар, аммо нафас етишмасди.

— Сув! Сув! — қичқирди Юсуф Сўфи мулозимга. — Тез табибни чақирингиз!

Шу пайт Хожа Шайхзода, шайхулислом Киромиддин ас-Самарқандий хос табиб измаиз кириб келишди. Хос табиб дарҳол хоразмшоҳнинг томирини кўрди. Бемор ипак кўрпа-чада ўзини билмай ётарди. Бирдан «Ҳиқ! Ҳиқ!» деган қандайдир гайритабиий овозлар эшитила бошлади. Юсуф Сўфининг аъзои бадани музлаб кетди: хоразмшоҳ бу дунё эмас, бошқа дунё ташвишларини чекаётган бўлса-я! Наҳотки?.. Шайхулислом Ҳусайн Сўфи бошида Қуръон тиловат қилишга тушди. Хос табибнинг шошилишча муолажалари бу сафар ёрдам бермади. Хоразмшоҳ кўп ўтмай бандаликни бажо айлади.

Хоразмшоҳ ўрдусида мужмал ва танг вазият юзага келди. Юсуф Сўфининг боши қотди.

— Оллоҳнинг хоҳиши шундай эркан, на чора... Кўнгили чўқтирмангиз! — деди Хожа Шайхзода боши эгик Юсуф Сўфига. — Ёнингиздампиз...

— Хоразмшоҳнинг оламдан ўтгани ҳақидаги хабар қароргоҳдан четга чиқмасун! — қатъий фармон қилди Юсуф Сўфи, у энди хоразмшоҳ рутбасида эди. — Ҳеч ким-са билмасун, айниқса, душман кулоғига тушмасун! Фақат қалъага борганда ошкор қилинур!

Бекларбеги Хожа Шайхзодага туни билан сездирмай чекинулсин, дея фармон берилди. Даставвал хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи жасадини маофага солиб жўнатдилар, кейин қўшиннинг қолган-қутгани йўлга тушди. Қалъа дарвозасидан киришлари билан, шоҳ ўли-мидан юракларда тўлиб-тошган ғам-ғусса тилларга кўчди, нола бўлиб Хоразм осмонини тутди...

Қалъа деворининг тагигача келган Турон лашкари бир неча кун шу ерда туриб қолди. Қайсордан ҳеч ким чиқмади. Амир Темурнинг юборган одамлари дарвозадан ўта олмай қайтишарди. Ниҳоят, бир элчи хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи оламдан ўтганлиги, шаҳарда неча кундирки, мотам тутилаётганлиги ҳақида нохуш хабар келтирди.

— Ҳусайн Сўфи ўзи яхши одам эди, аммо маслаҳатчиларни саралай олмасди... — Амир Темур фотиҳага қўл очди. — Жойи жаннатда бўлсун.

Юсуф Сўфи, хоразмшоҳнинг етгисини ўтказган куни, Амир Темурдан мактуб олди. Одатий даромадлар билан бошланган бу мактубни ўқир экан, Юсуф Сўфи дамба-дам тишларини гижирлатар эди:

«... Жумла мўмин-мусулмонларга ризку насибасини қисмат қилиб бергувчи вазири йўқ султон — Оллоҳнинг ўзидур. Ҳусайн Сўфи подшоҳ раҳматлик воқеасидан кўп озурда бўлдук, таассуфимиз шояд сизга етиб боргай. Алқисса. Ародаги ваҳшат ўрнини роҳату фароғат унсу улфат¹ олсун, хусумат хешлик бирлаң алмашсун... Бас, энди душман эрмас, дўст-қариндош бўлай-лук. Мурад — ҳурмати сарбаланд амир Оқ Сўфининг сукулки жигарпораси Хонзода хонимни нури дийдамиз улуғ амирзода валиаҳд Жаҳонгир Мирзога тиламоқдур. Муборак ушбу никоҳни анжомига еткурсалар эрди... Умид ул-ким, арода адоват ҳам йўқолур, икки улуғ хонадон бир-бирларига жон ришталари ила боғланурлар...»

Танг аҳволда қолган Юсуф Сўфига, бу таклифни рад қилиш урушни давом эттираман, дейиш билан баробар эди. Хоразмшоҳ рози бўлиб, миннатдорчилик изҳор этди, ушбу ақди никоҳга шубҳасиз рағбат кўргизажагини билдирди. Ўртада элчилар қатнови тезлашди...

Қутлуғ хабарни Хонзода хонимга айтганларида, кутилмаганда, хурсанд бўлиш ўрнига,

¹ Унсу улфат — яқинлик, чин дўстлик маъносига.

қовоқ уюб волидан муҳтарамаси Шакар бикани ҳайратга солди. Шакар бика тўладан келган, чиройли юзли, гавдаликкина аёл эди.

— Мен эрга тегмоқчи эмасман, онажон... Мен...

— Вой! Бу нима деганинг экан, тентагим! Эрга тегмоқчи эмасмен, эмиш... — койинди Шакар бика.

— Тегмайман, дедим, тегмайман!

— Маликам! Ундай демангиз! — инсофга чақирарди Оққиз.

— Йўқ! Йўқ!...

— Ие, овозингни чиқарма! Жим тур! Айб бўлади! Бошинга бахт қуши кўниб турибди. Кимсен, Амир Темур Кўрагонга, Турон султониға келин бўласен, бобонг Ўзбекхоннинг ҳам арвоҳи шод бўладур. Ахир қачонгача совчиларга йўқ деймиз? — вазмин сўзлади Шакар бика. — Кейин хоразмшоҳ Юсуф Сўфи амак келган совчиларга розилик бериб юборибдилар. Унинг юзини ерга қаратиш керак эмас... Ҳай-ҳай, подшо сўзи-я! Юртга ҳам тинчлик инади...

— Ана Сийминни берсунлар... ундай бўлса...

Хонзода хоним шундай деди-ю, ўзини онасининг бағрига отиб йиғлаб юборди. У негадир ўқсиб-ўқсиб йиғларди. Унга энди Оққизнинг пиқиллагани ҳам кўшиди.

Шакар бика шунча ёшга кириб ҳалигача қувонгандаги йиғи билан қайғудаги йиғини ажрата олмайди. Лекин ҳар иккиси ҳам кўнгилининг туб-тубидан чиқшини аниқ билади...

— Вой тентагим-ей, тентаккинам! — Онаизор бағридаги қизининг сочларини силаб юпатар экан, ўзи ҳам кўзларига тўлиб келган ёшни тўхтатолмай қолди...

ЎН УЧИНЧИ БОБ

I

Боғи Чинордаги маҳобатли тўрт ошёнаи қаср битмасдан аввал ҳам Соҳибқирон билан Сароймулкхоним бу боғни сайр этишга тез-тез келиб турардилар. Энди беш юз, узунлиги минг қадамлар чиқадиған боғнинг нақшин нигор дарвозасига етганда султону малика ҳар гал маофадан тушишади. Боғнинг теваариға балаң девор билан ўралган, девордан тўрт қадам ичқаридан айланма ариқ оқиб ўтади. Ариқ лабидаги тўрт йил аввал ўтқазилган тераклар бўй чўзиб, шовуллайдиган бўлиб қолишди. Чиройли қилиб экилган гуллар ёни эса — йўл. Тош терилган йўлдан ичқарига юрилса ўрик, шафтоли ва узумларнинг яшнаб ётганини кўриш мумкин. Чорчаман жуда ажойиб! Тўрт чаман — анорзор, шафтолизор, нокзор, беҳизорлар боғнинг чиройини яна ҳам очиб юборган.

Боғ ўртасидаги қаср рўпарасида тағи феруза лаппакчалар билан қопланган, ҳамиша зилол сувга лиммо-лим тўлиб турадиган каттагина ҳовуз кўзга ташланади. Ундан наридаги яшнаган гулбоғчалар бир-бирига туташиб ранг-баранг мусамман юлдуз шакли ҳосил қилган. Бунда ҳамма гуллардан топилди: биринчи гулбоғчада тоғ лоласи, гулихайри, наргис, оқ савсан, чаман ақруз, оддий шоқойиқ гуллари экилган. Иккинчисида — атиргул, бинафша, лолайи дутабақа, сахройи, хашшошлар бир-бирлари билан кўрк талашади. Учтинчиси наsrин, оқ ёсуман, гули шамшоға, сариқарғун, бағдодий қазролар бошқа гулларга ранг улашади. Тўртинчисида — дарди кокилий, намозшомгул, нилуфар, райҳон, сариқ ёсуман, гултожихўроз, бешинчисида — гули раъно, сафсар, қаранфангул, сахро лоласи, заъфаронгул, хатми, садбарг, отинчисида... еттинчисида... Гуллар худди аҳдлашиб олишгандек биринма-кетин очилишиб кишини танг қолдиришади.

Сароймулкхонимнинг энг суйган дарахтлари қасрнинг икки ёнида бўй чўзган расида чинорлар эди. Ҳали боғ ўрни тақир ер эканлиғидаёқ Соҳибқирон иккиси яхши ниятлар билан экишганиданми ўнг томондаги чинор, ажабо, жуда тез ўса бошлади, ҳали ёшлиғига қарамай, шох суриб тарвақайлаб кетди, аммо иккинчисининг ривожини суст эди. Бу нарса Сароймулкхонимни ҳайрон қолдиранди. Жаҳонгир Мирзо бу чинорларни яхши кўрар, ўнг томондагисини валинеъмат Соҳибқирон, чапдагисини унинг боласи, деб кўярди. Сароймулкхоним бу ўхшатишдан завқланарди. У боғбонга чинорлар тагини чопиб, тез-тез сув қуйиб туришни тайинлаган. Бутунлай Боғи Чинорга кўчиб ўтгандан кейин маҳди улё чинорлар парваришини ўз зиммасига олди. Баҳор охирларида унинг ташвишига ташвиш қўшилди: бу боққа яқин кунларда Хоразм маликаси Хонзода хоним келиб кўниши керак...

Бундан бир ой аввал Хоразм мамлакатидан қутлуғ хабар келди. Хоразмшоҳ Юсуф Сўфи малика Хонзода хонимни подшоҳларга муносиб сепу яроғ билан безаб, тўй тортиб Самарқандга юборди. Кўпдан кутилган бу муржа ҳаммага қувонч бағишлади.

Сароймулкхонимнинг маслаҳати билан Қайдухоннинг келини Қуртуға хотунни Хоразм маликасини кутиб олишга жўнатдилар. Таомили шу-да, Чингизхон авлодин Чингизхон авлоди кутиб олсин. Қуртуға хотун бир неча нуфузли беку амирларнинг заифалари қуршовида йўлга қикди. Изма-из сайидлару қозилар, уламоу машойихлар боришарди. Мурод, Хоразм маликасини Кот шаҳрида қаршилаб, олиймаком хурмат даражасида тантаная дабдаба билан пойтахт Самарқандга олиб келишдан иборат...

Аммо бу кунгача хоразмшоҳ Юсуф Сўфи неча бор турланиб, неча бор ўзгарди. Хонзода хонимни Жаҳонгир Мирзога раво кўришдан воз кечиб, Котга кўшин тортиб, хароб қилиб қайтди. Бунинг тарихи Хутталон ҳокими Амир Кайхусравга бориб тақаларди. Соҳибқирон Хоразмдан қайтгач, бекарларга Хутталон ҳокимини келтириб, тафтишдан ўтка-

зишларини буюрди. Амир Кайхусравнинг хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфига ёзган бузғунчиликка бошлаган мактубининг ўзиёқ тўппа-тўғри ёсоққа олиб борадиган рад қилиб бўлмас далил эди. Шу паллада Амир Ҳусайн давлатида Ҳиндувон қалъаси кутволи мансабида хизмат қилган Амир Халил ўзини Соҳибқирон оёғига ташлади:

— Амир Соҳибқирон! Амир Кайхусрав бағоят фитначи, у Амир Ҳусайнни укам хунини оламан, деб қатл этган. Уни шариат ҳукмига кўра жазо олишини талаб қиладур-биз. Амир Кайхусравни бизнинг ихтиёримизга топширсунлар, нима қилишни ўзимиз билурмиз, Амир Ҳусайннинг хуни унинг бўйнида турибди!

Амир Темур, бир пайтлар Амир Кайхусрав шокоса кўзларини лўқ қилиб, Амир Ҳусайнга жазо беришни сўраб олганини эслади. Қасосли дунё бу! Ҳар бир қадамни ўйлаб босмоқ керак...

— Амир Кайхусравнинг аҳволи-руҳиясини билингиз, ёрғусини¹ сўрангиз! — буюрди Амир Темур. — Адолат кўзи бирлан қаралсун!

Тафтишда Хутталон ҳокимининг кўз юмиб бўлмас гуноҳлар қилгани қалқиб юзага чиқди. Шариат ҳукмига кўра, Амир Ҳусайн навқарлари Амир Кайхусравни Самарқандда ёсоққа етказдилар. Соҳибқирон Хутталон ҳокимлигини Шер Баҳром деган дўстининг ўғли Муҳаммад Миракка топширди. Бир жиҳати Муҳаммад Миракнинг Амир Кайхусравга қариндошчилиги ҳам бор бўлиб, улар бўла бўладилар.

Ушбу воқеадан сўнг Амир Кайхусравнинг валади Султон Маҳмуд, Абу Исҳоқ Ясовурий ҳамда Маҳмудшоҳ Бухорийлар ваҳимага тушишиб Хоразмга қочиб кетдилар ва Юсуф Сўфини фитналарга ундаб, эс-хушини олдилар. Юсуф Сўфининг Котга юриши важи ана шундай эди.

Сароймулкхоним Хоразм маликасига ажратилган бўлмаларни яна бир бор кўздан кечирмоқ учун иккинчи ошёнага чиқа бошлади. Уч бўлманинг бири — хийлагина каттаси — Хонзода хонимга, иккинчиси — янгаю дугоналарга, учинчиси эса келиннинг сепу яроғига аталган. Хуллас, бу Хонзода хонимнинг уйи. Келин шу ердан чиқарилиши мўлжалланган. Аммо ёз фасли эканлиги ҳисобга олиниб, боғ ичида, чаманлар орасида гулгун чодирлар тикиш лозим кўрилади. Келин учун эса ясатилган маҳобатли яшил уй бунёд этилди. Тўй Боғи Чинорда бошланиб Кониғилда давом этади. Бу ерда ҳам ададсиз ранг-баранг чодирлар қад кўтарди. Келин-куёвлар учун бўй чўзган улкан оқ уй бамисоли бутун ўланзорни тўлдириб турар, уй ичини безаган лаълу дур, зеру забаржадлар ловуллаб кўзни оларди.

Соҳибқироннинг Жаҳонгир Мирзони ниҳоятда ардоқлашини кузатган Сароймулкхоним ҳам фарзандга ташна эканлигиданми, ҳарамга келган кунданоқ ҳарқалай амирзодага қайишиб қарайдиган бўлиб қолди. Жаҳонгир Мирзонинг ўзи ҳам яхши бола-да! Баланг бўйли, дурқун, юмшоқ кўнгли, юзларига боқсанг тиник, мўйлаби эндиғина сабаза урган, кўзлари ёрқин... Қараган одам қараб қолади. Маҳди улё унга худди ўз ўғлига талпингандай талпинар, бу билан кимга берилишини билмай ётган оналик меҳри қаноат топгандай бўларди. Онасиз ўсаётган, она меҳрига зор Жаҳонгир Мирзо ҳам Сароймулкхонимга худди онасига боғлангандай боғланиб қолди. Уларни бамисоли она-боладай эканликларини кўрган Амир Темур ичида доно ва зукко маҳди улёдан қувониб қўярди.

Самарқандда шов-шув бўлиб кетди: «Эмиш... Ҳазрат Соҳибқирон Хоразмдан моҳиталъат келин олибдилар! Келгуси ҳафта тўй эмиш!...» «Келин Чингизхон авлодидан эмиш, Ўзбекхоннинг набираси бўлармиш. Жаҳонгир Мирзо — Кўрагон бўлар эмишлар...» «Хоразм маликасининг сепу яроғи беадад эмиш. Қирқта тевадан ташқари, бир неча оту аробаларда ҳам сеп, гавҳару зумуррад, зару забаржадлар келаётганмиш...»

Ушбу қутлуғ хабар яшин тезлигида уйдан уйга ўтди, ҳовлидан ҳовлига... Самарқанд аҳли тўй кунини интиқлик билан кутар, қариялар бўлса «Йлоё, ҳаммани ҳам шундай тўйларга етказсин!» дея дуо қилардилар.

ҲН ТҮРТИНЧИ БОБ

I

Боғи Чинорнинг нақшинкор дарвозасидан ичкарига қараб юрган Хоразм маликаси маофаси қаср олдига тўхтади. Хоразм маликаси Иқбол бика ва Оққизлар кўмағида ерга тўшалган қирмизи гиламга оҳиста қадам қўяркан, ёзнинг қайноқ кучоғида ёнаётган ям-яшил боққа бир назар ташлаб улгурди. Бир лаҳзага қасрнинг икки тарафида бўй чўзган чинорлар ҳам унинг диққатини ўзига тортди. Қаср олдига саф тортиб туришган анвойи либосларга бурканишган бири-биридан гўзал қизу жувонларнинг барчаси ҳаяжонда... Улар Амир Темурнинг ҳарами — хотинлари ва канизақлари. Энг олдинда оппоқ либосда, истараси иссиқ, хушбичим бир аёл турар, икки чеккасидаги гажак, икки қора зулфи, чап юзидаги кичкина қора холи яққол кўзга ташланарди. Хонзода хоним гарчи аввал кўрмаган бўлса-да, рўбарўсидаги хонимнинг Соҳибқирон ҳарамидан энг суюкли ва эътиборли саналган Сароймулкхоним эканлигини дарров фаҳмлади. Эшитишича, Сароймулкхоним Жаҳонгир Мирзога она ўрнида эъзозли эмиш.

¹ Ёрғу — тафтиш маъносиди.

Чингизхон наслининг икки зурёди бир-бирлари томон кела бошладилар. Сароймулк-хон нур билан чайилгандай оқ-сарик юзли, шахло кўзли, лаблари юпқа, иринининг ўнг томонида мўъжазгина қора холи бор, қулдиргичи ўзига ярашган гулчеҳра Хонзода хонимга назар ташлаб, қошида табиатнинг дурри яктоларидан бири турганлигига имон келтирди. Хонзода хоним чиройли таъзим бажо қилганча икки қадам нарида тўхтади. Маҳди улё яқинлашди-да, Хонзода хонимнинг манглайдан озор бериб қўймай дегандай оҳиста ўтди ва деди:

— Қадамнингиз қутлуғ бўлсун, маликам!

... Кониғилда тўй тантаналари охираб қолди. Тўйдан сўнг келин-куёвлар Чўпонота адири этағида шаҳзода Жаҳонгир Мирзога атаб барпо этилган Боғи Нақши Жаҳонда маҳобатли қасрда яшашади.

Еттинчи кун эканлигига қарамай Кониғилда одамлар оқими тўхтамайди. Вилоятлар ҳокимлари, турли шаҳру қасабаларнинг қадҳудолари тўйхона дарвозаси олдида узоқ-яқиндан келган меҳмонларни қўл қовуштирганча кутиб олишар, уларнинг иззатларини жойига қўйишга тиришар эдилар. Боғи Чинорда ҳам, Кониғилда ҳам катта зиёфатлар берилди, дош қозонлар осилиб юртга ошлар тортилди. Кўпқарида мохир улоқчиларнинг куни тўғди — улар беҳисоб соврун-саломлар тағида қолиб кетдилар. Машшоқларга ўз санъатларини намойиш этишга беада имконлар яратилган эди. Етти кундан бери Самарқанд осмонини ўз тасарруфига олган савту наво авжидан тушмасди.

Жаҳонгир Мирзо яхши эслай олмайди. У гўё эртақларда юргандай ҳис қиларди ўзини... Ҳа, бари тушдай бўлиб ўтди. Бирдан уйғонади-ю, авваллари неча бор юз бергандай, кўриб турганлари кўз олдидан ғойиб бўлади... Ҳаяжондан энтикиб турган куёв оилар, йиллар интизор кутган маъшўқасининг шу ерда, ўзи билан бир шаҳарда эканлигидан ва ҳали замон — ҳатто! — бир гўшага киришидан, висол завқи шавқи хаёлидан сархуш эди. Ё фалак, шу ростмикан?...

Хонзода хонимнинг Самарқандга қараб йўлга чиққани аниқ бўлгач, Жаҳонгир Мирзо ўзини қўярга жой топа олмай қолди. У Хонзода хоним қарвонининг чўли маликлар оша, қум тепаларни ортда қолдириб машаққатлар билан келаётганини тасаввур қилишга уринди. Қайлиғининг азиз жони йўл азобида қийналиб азият чекаётганидан юрагининг алақадериدير беҳол ачишар, Ахий Жаббор баҳодирдан дамба-дам Хоразм йўлларининг текис-нотекис эканлигини сўраб-суриштирар эди. Дўстлари Сулаймоншоҳ билан Жаҳоншоҳ ибн Жоку эсдан бурун «қутлуғ бўлсин»га шовдидилар. Улар амирзодадининг шундай бир маликаи даврон висолига етишаётганидан хурсанд эдилар, айна пайтда номдор маликага бир назар ташлаб қўйишга ҳам қизиқардилар.

Дўриллаган овозли, елкадор Сулаймоншоҳ Жаҳонгир Мирзонинг тиниқ юзларига, қуюқлашиб қолган сабза мўйлабига, нимагадир интиқ бўлаётган ёрқин кўзларига тикиларкан, уни ҳар хил нарсалар билан чалғитиб туриш лозимлигини англади. Нафсиламбирини айтганда, буни унга Қутлуғ Туркон оқа уқтирди. Шу маънода улар даставвал Кониғилга чиқдилар. Етиб боришлари биланок, эски одатларини қилиб, уларини сайисга топширдилар-да, ҳеч ким йўқ жойга, кўздан йироққа йўл олдилар. Ям-яшил ўланзор, майса-гиёҳлар ранги тип-тиниқ беғубор эканлигидан улкан гилам ташланган майдонни эслатарди. Тоғ тарафдан эсган шабада юзларга майин уриларди. Амирзодалар суҳбатида тизгин йўқ, гап боши оққан тарафга бурилиб кетаверарди... Аслида мақсад ҳам шу, ёр ҳажрида ўртана ётган Жаҳонгир Мирзо чалғиса, бас. Ургут сафари ҳам маъқул бўлди, бориб келгунча тўрт кун вақт кетди. Уларни Ахий Жаббор баҳодир ўз йигитлари билан кузатиб борди.

Ахий Жаббор баҳодир ниҳоят Жаҳонгир Мирзонинг беғубор орзулари ушалаётганидан беада хурсанд эди. Бу дунёда ҳар ким ўз мурод-мақсадига етсин! Амирзодадининг ушбу қувончида озроқ ўзининг ҳам ҳиссаси борлигини ўйлаганда, ўнбоши ғурурланиб кетади. Бу ғурур қувонч билан қоришиқ. Сабаби, Хоразм маликасининг ёнида унинг садоқатли канизаги, ажралмас дугонаси, қорачадан келган ўйноқи кўзли Оққиз ҳам бор экан! Ана шуниси Ахий Жаббор баҳодир юрагини ўйнатади...

Еттинчи куни аср намозига яқин пайтда Жаҳонгир Мирзо куёвжўралари билан Боғи Чинорга отланди. Сулаймоншоҳ, Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Умаршайх Мирзо, Султон Маҳмуд ибн Суюрғатмишхон, Одилшоҳ жалоийр, Муҳаммад Мирак ва бошқа амирзодалар куёв-тўра атрофини ўраб келишар, Ахий Жаббор баҳодир эса шу ерда у-бу хизмат билан ўралашиб юрарди.

Йўлга чиқишлари билан уларни кузатиб келаётган машшоқлар ишга тушиб кетдилар. Карнай-сурнай овозлари дамба-дам ўрин алмашар эди. Куёвжўралар ёр-ёрни бошлаб юбордилар. Рақсга чорлайдиган куйлар янгради. Бошига зарбоф тўн ташлаган куёв олдинда чарх уриб ўйнаб бораётган бахтиёр жўраларидан кўз узмасди.

Боғи Чинорнинг ўртасида, келиннинг сепу яроғи билан чамаңдай безатилган яшил уйда куёв ва куёвжўралар учун алвон хонлар қўйилиб, башанг дастурхон ёзилди. Таомларнинг кети узилмас, куёвжўралар кайфияти баланд, нақ арши аълода эди. Улар ҳатто куёвни бошқа хонага чақирганлари ва у ерда никоҳ ўқитилганини ҳам сезмай қолдилар.

Шаҳар узра оқшом ўзининг ҳарир қора пардасини ёя бошлаганда келин катта машъ-

алалар ёруғида дабдабаю асъаса билан Кониғил томон йўлга чиқди. Йигирмага яқин безатилган аробалар қарвони маржондай тизилган, тўрт томондан машъалалар билан ўралган энг катта аробада Хонзода хоним ўз канизаклари билан борар, қолганларига келиннинг сепу яроғи ортилган эди. Кўнгилини беҳол увалтирадиган ёр-ёр садолари Самарқанд осмонини ажабтовур файзли қилиб юборди.

Кониғилдаги оқ уй олди одам билан тўлиб кетган, ҳамма қадами қутлуғ келин ташри-фига мунтазир. Ўртада катта гулхан гуриллаб ёнади. Ўнг томонда Амир Темур ва бутун аркони жамулжам, бу ерда Суюратмишхон, Амир Довуд дуғлат, Амир Сайфиддин неқўз, Амир Жоку барлос, Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз, Хонзода хонимни кузатиб келган Хожа Шайхзода, Гурганж кутволи Бекхожа ва бошқа кўп амирларни кўриш мумкин. Ҳамиша бир хил кийим — оқ ридода юрадиган Мир Саййид Барака ҳам Амир Темур ёнида.

Чап томонни қизу аёллар эгаллаган, улар орасида Қутлуғ Туркон оқа, Сароймулкхоним, Қуртуға хотун ажралиб туришибди. Хоразм маликалари минг бир хотира оғушида, қачон келин келаркин, дейишиб тоқатсизланишади. Ўсиру болалар эса ҳар ёқни тутиб кетишган. Сайхонлик ўртасида гуриллаб ёнган катта гулхан шуъласи одамлар чехрасида ўйнайди.

— Келинни кўтариб олсун! Куёв келинни кўтариб олсун! — деган овозлар янгради.

Жаҳонгир Мирзо Хонзода хоним ўтирган аробага яқинлашди ва дўндиқ қайлигини опичди-да, даст кўтариб ерга қўйди. Бироз ҳаллослаганини ҳам сезди... Юраги гурс-гурс тепар эди. Келинни ораста қилган бўйи муанбарданми, ё неча йиллар орзиқиб кутган ёрининг висолига етишаётганиданми, балки бемисл бахт ҳиссидан маст бўлиб ўзидан кетишига оз қолади, юраги бўшашгандай бўлди. Жаҳонгир Мирзонинг бир тебраниб кетганини кўрган сезгир Сулаймоншоҳ дарров куёв қўлтиғига кирди, атрофни тутиб кетган қийқириқлар остида қўлоғига шивирлаб деди:

— Ўзингизни қўла олингиз, амирзодам! Муборак бўлсун! Муборак бўлсун!

Амир Темур барини кузатиб турарди, у ҳам ўғлида бир лаҳза юз берган тағайюрни сезди. Сулаймоншоҳ Жаҳонгир Мирзо қўлтиғига кириб тўғри қилди. Ҳа, Жаҳонгир Мирзонинг Хонзода хоним ишқида мажнун бўлиб юрганини падари бузруквори кўпдан биларди. Бу ҳақда эгачиси Қутлуғ Туркон оқа билан неча бор суҳбат қурганлар. Холисанилло айтганда, у икки навниҳолни бир-бирига қовуштириб қўйишни, тўйларини тантана билан ўтказишни чунон истади, Худо шоҳид, саъй ҳаракатлар кўргизди. Аммо хоразмшоҳ Юсуф Сўфининг кажбахслиги бунга йўл бермади. Амирзода куёв маст бўлса арзийди, Хонзода хонимни не-не талабгорлар орасидан ажратиб олди. Ўзбекхоннинг набираси энди Амир Темур хонадони аъзосига айланди. Иншооллоҳ, бу ақду никоҳдан ажойиб фарзандлар дунёга келади, улар буюк тахт ворислари бўладилар. Чингизхон хонадонига боғланган Амир Темур хонадони ер юзида барқарор бўлиб давру давронлар суради ва Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода хонимлар, уларнинг оқилу доно фарзандлари узоқ йиллар салтанат шукуҳига шукуҳ қўшадилар...

Атрофдан келган меҳмонлар Амир Темурни муборакбод этишиб, фотиҳа ўқитишиб ортга чекинишарди:

— Муборак бўлсун!

— Қутлуғ бўлсун, Амир Соҳибқирон!

— Ували-жували бўлсунлар!

— Қуллуқ! Қуллуқ! — деб жавоб берар эди барчасига Амир Темур ўнг қўлини кўксига қўйиб.

Келинни ёр-ёр садолари остида гулхан атрофида айлантира бошладилар. Уч марта айланагач, келин атрофга бамисоли нур таратиб турган оқ уй сари йўл олди. Келин уйга қадам қўйиши билан, остонага тўшалган бахмал поёндоз қизу жувонлар, янгалар ўртасида талаш бўлиб кетди.

Энди ўн беш, узунлиги йигирма қадам келадиган, шамлар қўйилган оқ уйда бир тўп қизлару янгалар чарх уришиб сепу яроғларни деворга осиш, уйни безатиш билан машғул эдилар. Тўрда ўнг томонда барқут парда тутилган бўлиб, бу номининг ўзиёқ кўнгиларни титратиб юборадиган чимилдиқ эди. Икки янга чимилдиқ атрофида куймаланиб юришарди.

— Дунёда бор матоҳ, илоё, чимилдиқ бўлай, деб орзу қилар экан, жоним гиргиттон сизга! — деди биринчи янга ёнидаги шеригига.

— Ҳа-да! Чимилдиқ бўлсам, дейди ҳаммаси, айланай! — тасдиқлади иккинчиси.

Хонзода хоним келинлик либосига бурканганидан бир хуснига ўн хусн қўшилиб ойдаи балқиб кўринар, Иқбол бика, Сиймин бика, Оққизлар унинг атрофида парвона эдилар. Шакар бика ҳам шу ерда, ҳамма нарсани назорат этиб турарди. Ҳали Боғи Чинорда имом Чингизхон авлоди билан Амир Темур авлодини бир-бирига ақди-никоҳ қилаётганида, Хонзода хоним суюкли ёрининг яқингинада, шундоқ эшикнинг орқасида турганлигини илк бор туйган эди. Жаҳонгир Мирзо уни арободан даст кўтариб олганида эса бутун борлиги титрагандан титраб кетди! У илк бор эркак зотини, вужудини ҳис қилди, бу жуфти ҳалоли Жаҳонгир Мирзонинг кучли қўллари! Бу — бахт, бундай бахтни Худои таоло суйган бандасига беради!

Амир Темурнинг эгачиси, бодомқовоқ, шушрўй Қутлуғ Туркон оқа келиб чимилдиқни кўтариб, оппоқ либосда фариштадай, хур қизлардай бўлиб, хиёл эгилиб турган Хонзода хонимга яқинлашди ва манглайдан оҳиста ўпаркан, деди:

— Бўйингиздан айланай, маликам! Оллоҳ бахтларингизни берсун! Кейин буюрди: — Ҳой, янгалар! Жойни ҳозирлангиз! Қани, омин! Оллоҳу акбар!

Шакар бика, Сароймулкхоним, Қуртуға хотун, жами қизу жувонлар барчаси фотиҳага қўл очдилар:

— Оллоҳу акбар!

Икки янга худди шуни кутиб туришган эканми, чаққон ишга тушиб кетдилар. Бир пасда қатма-қат ипак тўшаклар, шоҳи кўрпалар одам бўйига етди. Кўрпалар устига шоҳи рўйжо ташланди. Ҳамма хона ўртасида савлат тўкиб турган ораста шоҳона ўринга ҳавас билан қарар, ҳамманинг ҳам кўнгида ажабтовур туйғулар уйғонар, ўрин ҳамманинг ҳам зисига ширин хотираларни солар эди.

— Куёв келди! Куёв келди-и-и!.. — деган сўзлар эшитилди.

Қизу жувонлар қий-чув ичида бир четда тисарилишиб, куёвга йўл бердилар. Энди оҳиста ерга қараб юриб келаётган куёвга назар соламиниз. Куёв узун оқ зарбоф авра тўн кийганидан бўйи яна ҳам чўзилгандек туюлади, бошида заррин куёвлик тожи... Шам ёруғида юзидаги ифодани, ҳолатни илғаш қийин, ҳарқалай юзи ҳаяжондан қизариниб кетгандай.

Шу палла янгалардан бири жойга чиқиб ўраниб ётиб олди.

— Келин кутулиб олди! Ўғил туғди, ўғил! Суюнчи беринг, суюнчи, куёвжон, суюнчи! Иримид-да, ирими, айланай! — дерди иккинчиси.

Жаҳонгир Мирзонинг қулоғи яхшигина пиштириб қўйилган эди. У ёнчигини олиб янгаларга қараб иргитди:

— Хуш келибсиз, куёвтўражон! Келингиз! — янгалар энди шоша-пиша куёвни чимилдик томон бошладилар. Сулаймоншоҳ билан Жаҳоншоҳ ибн Жоку куёвнинг икки ёнида келишарди, аммо янгалар фақат Жаҳонгир Мирзони чимилдик пардасидан ўтказдилар.

Улуғ амирзода чимилдик ичига қадам қўйди-ю, беихтиёр қайлиғига қаради... Умрида илк марта мана шундоқ дилдорига яқин келиб турибди, илк марта ёри жамолини кўриши мумкин! Аммо, бахтга қарши, Хонзода хоним бошини қуйи эккан ҳолда ерга боқиб турар эди, чеҳрасини кўриш насиб этмади. У юриб келди-да, шарт келинни кўтариб олиб одам бўйи келадиган жойга ўтказиб қўйди.

Биринчи янга дарҳол шоҳона ўрин устида чўкка тушиб ўлтиришган келин ва куёв олдига чиройли гардишли тош ойна келтириб қўйди. Ойна келин-куёвни баравар кўрсатар даражада тиниқ ва катта эди.

— Ойми, кун, жоним гиргиттон сизга? — сўради янга Жаҳонгир Мирзодан.

Хонзода хоним ҳам, Жаҳонгир Мирзо ҳам ойнага қарадилар... Уларнинг чеҳралари ёрқин, шамни хира қилар эди. Хонзода хоним ойнага бир қаради-ю, дарров бошини ерга эгиб олди. Жаҳонгир Мирзо чуқур энтиқди. Лоҳавло вало қувваго! Ана, нур билан чайилгандай оқ-сарик юзлари, қийиқ кўзлари, юпқа лаблари, иринининг ўнг томонида мўъжазгина қора холи бор, кулдирғичи ўзига ярашган, тим қора ҳило қошлари бемисол! Оламнинг дурри яктоси, гўзаллар гўзали, зеболар зебоси! Энди шу санам — уники! Жаҳонгир Мирзоники! Жаҳонгир Мирзонинг хаёли узоқ йилларга, Хонзода хоним таърифини йироқдан эшитиб, ғойибона ошиқ бўлиб юрган паллаларга кетди, воҳ, суйгани, у ўйлагандан ҳам кўра сулув, моҳу маҳлиқо экан!..

— Ойми, кун?..

Жаҳонгир Мирзо ўзига келди ва жавоб бериш лозимлигини англади:

— Ой!..

Янга энди Хонзода хоним томонга ўтди ва саволини такрорлади:

— Ойми, кун, жоним гиргиттон сизга?..

Хонзода хоним хиёл эгилган бошини кўтариб ойнага яна бир қарашга журъат этди... «Амирзода шу йигит эканлар-да... Жаҳонгир Мирзо!.. Амир Темур Қўрагон ҳазрати олийларининг паҳлавон фарзанди, олам аҳлининг амирзодаси, салтанат кўз қорачуғининг нури, иқбол чаманининг сурури шаҳзода Жаҳонгир Мирзо... Бағоят хушсурот эканлар! Ёринг борму, деса дегудек. Энди у — Хонзода хонимнинг амирзодаси. Энди Хонзода хоним ҳам, жаҳоннинг турфа юртларидан келган совчиларни ноумид қолдирган, не-не паҳлавон амирларнинг қўлини қайтарган соҳибжамол Хонзода хоним, мана шу йигитнинг хасми бўлади... Хоразмдан келаётганида онаси Шакар бика уни ёнига ўтказиб, айтган сўзларини эслади: «Нури дийдам, бу Оллоҳ таолонинг биз аёлларга ато этган насибаси. Момо Ҳаво онамиздан мерос... Гапимни уқиб ол. Сен нотаниш бир хонадонга келин бўлиб бораётирсан, кўрмаган кишига йўлдош бўлаётирсан. Йўлдошинг сен учун осмон эрса, сен ер бўлмоғинг лозим. Ердай бўл, ардоқли тўшак бўл! Сўзингни ширин қил, аччиқ сўзларни асло тилингга олма! Очиқ чеҳрали бўл, қиёфангни марғуб эт! Зинҳор синиққан чеҳрада-ю уринган либосда унга кўринма!..» Кўрмаган кишингга йўлдош бўлмақдасан, дедилар онаси. Хонзода амирзодасини кўрмаган бўлса ҳам, қалбининг кўзи билан кўрган, жамолини кўнгили кўзгусига муҳрлаб қўйган!.. Агар Жаҳонгир Мирзо осмон бўлса, Хонзода хоним ўша осмонга интиланган, ундан баҳра олган, меҳри билан яшнаган ер бўлмакка рози! Ҳали ердай бўлиш экан-ку, ҳатто бутун вужудини, борлигини, ёш умрини, жонини, ҳаётини беришга, фидо қилишга тайёр! Ардоқли тўшак бўлибгина қолмай, ёрининг босган изи, гарди пойи бўлишга рози! Аччиқ сўзларни тилингга олма, дедилар... Хонзода хоним аччиқ сўзни тилга олиш эмас, йўқ, асло унда қилмайди, балки ёрига тилининг учидан новвот беради, жонига жон бўлади!..

Кеча ҳамомга борганларида қизиқ ҳодиса юз берди. Жуда ҳам ораста ва покиза подшо ҳаммомида аруسخонада Хонзода хоним, Иқбол бика, Сиймин бика, Оққиздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Ҳаммомчи хотин уларни жома хонасига олиб кирди. Қизлар чуғурлашиб бир-бир либосларидан қутула бошладилар... Оқ лунгидан бошқа либоси қолмаган қизлар худди олтиндан ясалган ҳайкаллар каби бир-бирига қарашар, уялишганидан кўллари билан диркиллаган сийналарини яширишга уринардилар. Бирин-биридан гўзал ва беқусур сиймин баданлар ҳаммом хонасини ёритиб юборгандай бўлди. Иқбол бика Хонзода хонимнинг гўзал қаҳди-қоматига, хушбинчим аъзоларига боқиб ҳайратланди, ёнига келди-да, дугонасини алақандай завқ билан кучоқлади:

— Оҳ, ман ийгит бўлганимдами... Сени ўзим олардим!

— Сенмас, мен олардим! Мен!.. — чоғиб келди Сиймин бика.

— Йўқ! Маликамни ўзим олиб қочиб кетардим! Узоқ-узоқларга... Биронтангизга бериб қўймасдим!.. — Оққиз ҳам бир четда қараб турмади.

Уч қиз ҳам Хонзода хонимни ўз бағрига босишни истарди.

— Вой, вой... — Хонзода хоним сўз қотган бўлди. — Ўлақолинглар!..

— Ойми, кун? Кун деб айтинг, жоним гиргиттон сизга! А, кун? Кун, а?

Янганинг овози жуда узоқлардан эшитилди. Савол такрорланди. Хонзода хоним ҳаяжон оғушида жавоб бериш ҳолатида эмасди, янганинг «кун, а, кун?..» деган сўзларига, «ҳа» маъносида беихтиёр бош тебратиб қўйди, холос...

Расмана сочқиларга энди навбат етди. Куёвтуранинг чўнтаклари сочқиларга тўла эди. Амирзода бир неча бор сиқимлаб чўнтагидан олтин кумуш, лаълу жавоҳирлар олиб, қизу жувонлар, янгалар устига сочиб-сочиб юборди. Куёвтура шунчалик сархиллик намоён этдики, агар уни кўзи билан кўрган одам бўлса, жуда кўп кишилар сочқи остида қолди, дея бемалол айта оларди! Қий-чув ичида қизлар, жувонлар, янгалар юмалашиб танга қидиришга тушиб кетдилар. Кўллар қатори Хонзода хонимнинг дугоналари Иқбол бика, Сиймин бика, Оққиз, амирзоданинг сингиллари Оқа Беги хоним ва Султон Бахт бегимлар ҳам чўккалашиб ўз насибаларини излаш билан овора эдилар.

Куёв этигини ечиш янгалар учун жуда қувончли юмушлардан биридир, чунки этик кўнжиди жуда кўп олтин тангалар бўлади, улар янгаларнинг лўқмаи ҳалоли саналади. Янгалар бу юмушни ҳам удаладилар-да, келин-куёвни ипак кўрпаларга киритиб қўйдилар... ҳамма аста-секин ташқарига чиқа бошлади. Янгалар уйга кираверишда ўзларига ажратилган жойда кўним топдилар. Жимлик чўқди. Шоҳона ўриннинг икки четиди бегуноҳ кўзичоқлардай омонатгина ётишган Хонзода хоним билан Жаҳонгир Мирзонинг юраклари гурс-гурс тепар, вужудлари ҳаяжон оғушида титради. Гарчи янга келиб куёвнинг қулоғига секингина: «Келинни қучоғингизга тортингиз, жоним гиргиттон сизга!» деган бўлса-да, унда сўз айтишга ҳам, бирон ҳаракат қилишга ҳам журъат етишмасди...

Тонг бўзара бошлади. Ҳали ер ёришмай туриб Сулаймоншоҳ, Султон Маҳмуд, Жаҳоншоҳ ибн Жоқулар Кониғилдаги оқ уй ёнида пайдо бўлдилар. Сулаймоншоҳларникида хиват жой ҳозирланган, куёв истироҳати учун шарт-шароит муҳайё эди.

Куёв чиқиб кетиши билан Иқбол бика, Сиймин бика ва Оққизлар Хонзода хоним ёнига келишди. Энди «юз очди» маросими бўлади.

II

... Ниҳоят, Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода хоним, икки бир-бирига интиқ дил орзиқиб кутган висол онари етиб келди. Кечанинг қоронғуси ошиқ аҳволининг пардасидур, деганларидай, оқшом борлиққа ўз қора тўрини ёя бошлади. Кониғилдан одамларнинг оёғи тортилиб қолди. Оқшом бағоят сеҳрли... Куёв либосида амирзода қасрга кириб келаётганда эшик олдида уни фақат икки янга қаршилади. Ичкарида унга жон офати дилдори интизор эди. Янгалар шоҳона жойни созлашар экан, қизим сенга айтаман, келиним сен эшит, қабилида ўзаро шундай суҳбат қурадилар:

— Оллоҳнинг бақдасига берган улуғ инояти қовушмоқдир! — дерди биринчиси.— Келин-куёв қовушганда фаришталар улар тепасида қувончдан чарх уриб учиб юришар эмиш, жоним гиргиттон сизга!

— Умрнинг лаззати ҳам шунда-да, айланай, қовушмоқда...

Янгалар секин гапиришсалар ҳам, уларнинг гаплари чимидиқ ичида ўлтиришган келин-куёв қулоқларини динг қилар, усиз ҳам ҳаяжондан титраб турган вужудларига кутку соларди. Бурчақадаги шам бу гапларни тасдиқлагандай бош тебратиб турарди.

Шу пайт биринчи янга хонага ёш болани кўтариб кирди-да, ўрин ўртасига ўтказиб қўйди.

— Ўғил бўлсин, илоё, ўғил бўлсин, жоним гиргиттон сизга!

— Ўғил бўлсин, айланайлар! — қўшилди иккинчиси.

Келин-куёвнинг юзларига қон тебди, кўкракларида юраклари қафасдаги қушдай пот-пар эди.

Биринчи янга болакайни кўтариб олар экан, келин-куёвларга қарата буюргандай деди:

— Фурсат етди энди... Энди жойга кинингизлар. Оллоҳ хоҳиш-иродаси билан бир-бирингизга эш бўлингизлар. Бир-бирингизга ҳалолсизлар. Энди яйрангиз, айшингизни сурингиз, жоним гиргиттон сизларга.

— Жонингизга жон бўлингиз, айланайлар!..

Янгалар келин-куёвларни жойга киритиб қўйишгач, аста чиқиб кетдилар. Ҳаяжонга чулганган Жаҳонгир Мирзо «Улар сизларнинг либосларингиз, сизлар улар учун либос-сиз!» оятини эслади ва энди Хонзода хоним батамом ўзиники эканлигига ишонди. Жойга киришлари билан, фурсат ўтказмай қайлиги томон сурилди, ўнг қўлини келин томон узатди. Кейин яна ҳам яқинроқ сурилди, энтикаркан, биргина оппоқ ҳарир кўйлакка чулганган Хонзода хонимнинг нозик белидан тутиб бамисли жон кучоғига тортиди! Шакар дудоқларига ютоққанча лаб босиб, қаттиқ бўса олди, бир қўли келиннинг кумушдай сийнасида, бир қўли ипак пойжомасида ўйнар эди. Аввалига бироз саркашлик қилган Хонзода хоним энди қаршилиқ кўрсатмас, у ҳам ишқнинг сеҳрли ўйинига берилган, оппоқ билаклари Жаҳонгир Мирзо бўйнига чирмашган, ўт олиб ёнаётган вужудини не қилишни билмай, ёрининг жон-жонига кириб кетгудай, пинжига қисиниб паноҳ тиларди. Жаҳонгир Мирзонинг тоқатлари тоқ, сабри селобу жигари сув бўлди.. Рағбати зиёда бўлиб, шавқи галаба қилиб ханжари обдорни ғилофи нигорга олиб борди, улуг иштиёқда маҳлиқо гавҳари ганжинаси қулфини очмоққа шайланди.. Юзидан шарм пардасини олиб ташлаб, дилдор сийнасида сийнасини босди!.. Бамисли аъзои бадани ларзага келгандай бўлди! Тўлғанаётган Хонзода хонимнинг нозик ингранишлари Жаҳонгир Мирзога ортиқ қувват ва шиддат бахш этарди. Амирзода кўнглида гужғон урган туйғулардан маст, қувончдан ўзини қўйгани жой тополмас, кучоғида ётган бемисл бахтдан боши осмонда... Мана шу паллалар, хушнуд онлар, Оллоҳ берган бахт-саодат, унинг назарида, мангута шундай бўлиб қолар, бу ҳолат узоқ йиллар айна шу йўсинда давом этаверадигандай туюларди...

Шам хижолатдан ўзини бурчакка урганини билмай қолди...

...Амир Темур кўнглида эъозлаб юрган эзгу ниятнинг рўёбга чиққанидан мамнун, «Шундай кунларга етдим!» дея, Оллоҳ таолога шукроналар келтирди. Энди унинг суюкли дилбанди Жаҳонгир Мирзо қайноқ қониди тепиб турган шиддатни Чингизхон наслининг гули зебоси қаҳди камолда мужассам шижоатта эш қилиб юборади, сулолани сулолага улайди, аждодлар руҳини шод этади, янги жаҳонгирлар дунёга келади... Бу эса, шубҳасиз, Оллоҳга ҳам, бандасига ҳам хуш ёқадиган қутлуғ юмушдир.

Ана шундай хаёлларга ғарқ бўлиб турганида, Қутлуғ Туркон оқа Амир Темурнинг ёнига келиб пешонасидан беозоргина ўпиб қўйди. Одатда, она ўрнида онадек бўлиб қолган бодомқовоқ эгачи доим шундай қилади. Амир Темур бирон сафардан қайтганда, узоқ айриликдан сўнг кўришганларида ёки ҳаддан зиёд қувониб кетганда, эгачи келиб инисини худди ёш болани эркалагандек суюб манглайдан ўпиб қўярди.

— Келин муборак бўлсун энди, Амир Соҳибқирон!

Амир Темур «Қуллуқ! дегандай бош эгиб қўйди.

Кониғил оқшоми файзли эди.

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

I

Келин-куёвлар Кониғилдаги оқ уйда ўн кун бўлишгач, ўз уйлари — Боғи Нақш Жаҳондаги қасрга кўчиб ўтдилар.

Ўн бешинчи кун, чоштгоҳ бўлиб-бўлмайд устига дуру гавҳар, зару забаржад, харвон-харвор¹ ипак ортиланган бир неча хаҷиру тева Боғи Нақши Жаҳон дарвозаси олдига келиб тўхтади. Бу Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийларининг суюкли келинига кўрманалари эди. Амир Довуд дуглит билан Амир Жоку барлос ҳаҷялари ҳам уч-тўрт тева бўлди. Аҳий Жаббор баҳодир чакқонлик билан ҳаракат қиларди, Учқора, Йаналтекин, Йўлқутлуғларнинг қўли-қўлига тегмасди. Улар теваалардан кўрманаларни туширишиб ичкарига ташир эдилар. Учқора иш орасида эшитилар-эшитилмас ўзининг суйган кўшиғини минғирлаб кўярди:

*Ер тўймайғи ёмғирга,
Хотин — эрга тўймайғи...*

Орадан кўп фурсат ўтмади. Чопар келиб, мамлакат султони Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийлари ташриф буюраётганларини маълум қилди. Жаҳонгир Мирзо Аҳий Жаббор баҳодирлар кузатувида дарвозага чиқиб падари бузруквори истиқболга ошиқди. Узоқдан Амир Темурнинг оқ оти кўринди, от жиловини Муҳаммад Чуроға додхоҳ тутиб олган эди. Орқароқда Амир Жоку барлос, Амир Довуд дуглат ҳамда Сулаймоншоҳ, Жаҳоншоҳ ибн Жокулар кўринишди. Яна ҳам орқароқда Сароймулкхоним, канизаклар Улус оқа, Тоғай Туркон оқа, Менглибика, Тўлун оқалар келишарди. Улар ичида Амир Темур синглиси Ширинбек оқа, қизлари Оқа Беги хоним ва Султон Бахт бегимларни кўрамиз.

Амир Темурнинг Жаҳонгир Мирзо уйига қилажак ташрифи Қутлуғ Туркон оқага маълум эди, шу сабабдан аввалроқ келиб, амирзодани ёнига олиб меҳмонларни зўр иззат-икром билан қаршилаш тадорикини кўрди. Шакар бика иккиси келин-куёвларга ўзларини қандоқ тутишлари лозимлиги ҳамда олийшон зотлар ҳурматини ўрнига қўйиш борасида жўяли маслаҳатлар берди.

¹ Харвор — оғирлик ўлчови, тахминан юз кг.

Карнай-сурнай садолари авжга чиқа бошлади. Меҳмонларни яшил уй рўбарўсида кутиб олдлар. Бир томондан Муҳаммад Чуроға додхоҳ, иккинчи томондан Ахий Жаббор баҳодир олтин узангиларни ушлаб Амир Темурга отдан тушишга кўмаклашдилар. Шу палла Жаҳонгир Мирзо илдам юриб келди-да, ўнг кўлини кўксига қўйиб:

— Хуш келибсиз, валинеъмат Соҳибқирон! — дея таъзим қилди, тиз чўкиб падари бузрукворининг оппоқ яктаги пешига лаб босди, кейин қайта-қайта кўзларига суртди.

— Балли, амирзодам, балли! — Амир Темур ўлини эркалаб барига босди ва пешонасидан ўпди. — Қайлигингиз қутлуғ бўлғай! Баракалло!

Атрофдан «Қутлуғ бўлғай!», «Баракалло!» деган овозлар эшитилди.

Қутлуғ Туркон оқа бировга сездирмай Хонзода хонимга имо қилди. Оппоқ ипакка чулганган, юзларига оқ ҳарир парда ташланган, келинлик бахтидан зеболаниб бир чиройга ўн чирой қўшилган гўзал Хонзода хоним фаришталардай хиром айлаб Амир Темур истиқлолига қараб юрди. Тўпигигача тушган оппоқ ҳарир кўйлагининг этаклари ерга бош урар, Хонзода хоним худди юзиб бораётгандай таассурот қолдирарди. Мана, у Амир Темур рўбарўсида тўхтади ва назокат билан уч бор таъзим бажо қилди. Сўнг яқинроқ келиб, унга айтилгандек, куёвига ўхшаб тиз чўқди-да, тавоф айлаб Амир Темур яктаги пешини ўпди ва кўзларига уч бор суртди... Хонзода хонимнинг ҳаракатлари ўзига жуда ярашиб турарди. Ҳамма зебойи моҳиталъат келинчақдан кўз ўзмасди.

— Қадамингиз қутлуғ келгай, эй меҳрибон падари бузрукворимиз! — шикаста овозда деди Хонзода хоним оҳиста бошини экканча. — Сизни Оллоҳнинг ўзи паноҳида асрагай!

— Балли, балли! Бахтингизни Оллоҳнинг ўзи берсин! — Хонзода хонимнинг одобу тутумидан кўнгли сув ичган Амир Темур суюкли келинини тиз чўккан жойидан турғазиб, манглайдан ўпди: — Сиз келиним эмас, қизимсиз! Қизим!..

Амир Темурнинг «Қизим!..» деб суйганлари Хонзода хонимга жуда ёқиб тушди. У бошини кўтармай ўн беш қадамлар нарида туришган Амир Довуд дуғаат билан Амир Жоку барлосларга ҳам таъзим бажо келтирди. Амирлар: «Умрингиздан барака топингиз!», «Кам бўлмангиз!» деган сўзлар билан муносабат билдирдилар.

Навбат маҳди улё Сароймулкхоним билан кўришишга етди. Хонзода хоним шоҳона кийинган маҳди улё олдиди, унинг ипак кўйлаги пешини ўпмоққа эгиди... Аммо Сароймулкхоним Хонзода хонимни эгилишга қўймади. «Керакмас! Керакмас!» дея қучоқлаб кўришди ва кўнгида алақандай жўш урган оналик меҳри билан манглайдан ўпди. Қучоғидан қўйгач, бир лаҳза беихтиёр Хонзода хонимга ёрқин кўзларини тикди ва ҳайратдан лол қолди! Хонзода хоним аввалгидан ҳам ортиқроқ гўзал, беқиёс даражада сулув бўлиб кетган эди. Ҳарир парда ичида нур билан чайилгандай оқсарик юзлари бетимсол кўринади, иринининг ўнг томонида жойлашган мўъжазгина қора холи қўйиб қўйгандай ярашибди... Қулдиргичи офатижон, тим қора ҳилол қошлари тутатиб ётибди...

— Оллоҳ сизни ҳеч нарсадан кам қилмасин, маликам! — деди Сароймулкхоним. — Илоё, ували-жували бўлингиз, ўзингиздан кўпайингиз!

Хонзода хоним сўз қотмоққа журъат этмади, фақат: «Қуллуқ!» дегандай хиёл табасум ила бошини эгди.

Амирларга боғ ўртасидаги зилол сувли ҳовуз бўйида катта сўрига жой қилинганди. Жаҳонгир Мирзо меҳмонларни ўша ерга бошлади. Хожа Шайхзода билан Гурганж кутволи Бекхожа меҳмонларни кутиб олишда қатнашдилар. Қутлуғ Туркон оқа ва Шакар бикалар маликаларни безатилган оқ уйга таклиф қилдилар. Бир неча лаҳза олдин гавжум бўлиб турган Боғи Нақши Жаҳон ҳовлиси бўшаб қолди...

— Юқорига чиқсунлар, Амир Соҳибқирон! — илтифот кўргизди Амир Довуд дуғаат. У Амир Темурнинг Сеистонда оёғидан ўқ еганини ҳамиша ёдда тутарди. Бир кун Соҳибқироннинг ўзи тан олиб: «Ўша Сеистондаги жароҳатим битиб кетган бўлса-да, ҳануз сирқираб оғриб турадур...» деганини эшитганди, аммо кейин бирон ерда Амир Темурнинг шу ҳақда нолиганини билмайди.

— Мана бу ёққа!.. Бемалол оёқ ёзиб ўлтирадилар...

— Чиқсунлар! Чиқсунлар!

Сўрининг бир ёғини Амир Темур эгаллади, бошқа томонларига амирлар жойлашишди. Чап тарафда баланд чинор тағидаги сўрида Жаҳонгир Мирзо дўстлари давра қурдилар. Ахий Жаббор баҳодир ўз йигитлари билан, қўллари қўлларига тегмас, хизматда чарх уриб юришарди. Дастурхонларга анвойи таомлар тортилади. Боғ ҳовлисига киваверишда ўлтиришган машшоқлар алақачон савту навони бошлаб юборишган, ёқимли мусиқаю жонон ашулалар бир-бирлари билан навбат талашшарди. Соҳир наволардан безанган боғ бағоят сўлим эди.

— Ҳаллоқи безаволга салламно! — деб қўйди шу пайтгача хаёлларга чўмиб ўлтирган Амир Темур. Муҳаммад Чуроға додхоҳ машшоқларга: «Астароқ чалингизлар!» ишорасини қилди. — ...Бизлар салтанатда подшоҳона хайу хашам чекмоқни хуш кўруримиз, мурод улким, парвардигорнинг ўз бандасига нимани буюрганию нимани ман этгани элга ошкор бўлсун... Баски, пайғамбаримиз раббоний илҳомдан қувват олиб, умматларига бўлаинмакни ман қилдилар, балъакс, бирлашмак турини баланд тутмакни ўқтирдилар. Хоразм ўз юртимиздур. Мўғул қадамидан юрт пароканда бўлиб, ҳар бир пучмоғ ёлғизлик азобини тортиди. Бас, юрт ўз бўй-бастини тиклади. Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода хонимлар тўйи қутлуғ тўйдир. Ватан, улус бирлигига асос бўлгувчи, муҳрловчи ақди никоҳдур, салтанат хужжатиدير...

— Рост сўзладингиз, Амир Соҳибқирон!.. — қўллаб қувватлади Амир Жоку барлос. У ҳам набира келин кўриш насиб этганидан жуда хурсанд эди. — Юрт бирлигини қойим этгувчи олийшон ҳужжатдур!

Атрофдан маъқулловчи овозлар эшитилди. Жаҳонгир Мирзо падари бузруквори сўзларидан нақ боши осмонга етди. Ҳайҳот! Амирзоданинг Хоразм маликасига муҳаббати юрт бирлигини мустақкам этишга хизмат қилгувсидир! Агар буни қайлиги Хонзода хонимга айтса, малика қандай аҳволга тушаркин? Бу икки ёш кўнгилга, қолаверса, улар ўртасидаги ўтлиғ муҳаббатга берилган юксак баҳо эди.

Амир Тему́р дастурхонга қўйилган минг бир хил таомлардан чимхўрлик билан тановул қиларди. Қўлини гоҳ-гоҳ таомга чўзарди-ю, хаёли бошқа ёқларда юрарди. Ҳа, Хоразм муаммосини ҳал этди, Оллоҳга шукр, кўп қон тўкилмади. Амир Тему́рнинг нияти ҳам қон тўкмаслик эди, у ҳамини шунга интилади — давлат юмушларининг тўққизини кенгашга қўяди, биринигина қиличга қолдиради... Энди юрт тинчлиги учун зарур бўлган яна бир юмуш бор. Бу, шимолдаги қўшни Жета мамлакати билан муносабат... Жета ҳукмдори қайсар Қамариддин билан орани очик қилиб олиш... Юртни Жета қароқчиларидан химоя этиш, уларни босқинчилик қилиш имконидан маҳрум этиш... Бир сўз билан айтганда, шимол ёқдаги душман қанотини қайриши, токи ул ортиқ парвоз эта олмасун! Бу юриш Жета мамлакатига учинчи юриш бўлади!

Амир Тему́р олисларга тикиларкан, беихтиёр икки бармоғи иягига чўзилади.

II

Жаҳонгир Мирзо ўз қайлигини ёруғликка олиб чиқмоққа бел боғлаганда орадан бир ой вақт ўтган эди. Хонзода хоним шу кунгача Боғи Нақши Жаҳондаги уйларида ташқарига чиқмади. Дугоналари Иқбол бика, Сиймин бика, Оққизлар унинг ёнидан бир қадам ҳам нари жилишмасди. Оқа Беги хоним билан Султон Бахт бегимлар ҳам ҳар куни хонийларини йўқлашар, зериктирмасликка ҳаракат қилишарди. Хонзода хонимнинг бахти оназори Шакар биканинг шу ерда, ёнида эканлигида эди. Хурсандлигидан ичига сиғмас, кенгликларга чиқишни яхши кўрганидан, Жаҳонгир Мирзо таклифи айна муддао бўлди. Эсида, Хоразмда ҳам дугоналари билан Зангорикўл бўйига бориб туришарди. Шу палла лимиллаб турган зилол сувли Зангорикўл, кўл бўйида тикилган гулгун чодирлар... уфққача ястанган майсазор, чексиз борлиқ, нафис кўйлақларни нозик баданларга чиппа ёпиштириб бир-бир эсаётган қир шамоли, кўм-кўк майсаларни босиб кезиб юришлар, бошлар узра вижир-вижир қилиб учаётган турфа қушлар... бари-бари бирма-бир кўз олдида ўтди. Айниқса, билимда ким ўзарга уюштириладиган баҳс-мунозара, савол-жавоблар, ўйин-кули, кўнгиллар чигилини ёзадиган беармон рақс тушишлар ҳаммага хуш ёқарди. «Лазги»га ўйнаш Хоразм маликасининг жони-дили эди... Хонзода хонимнинг юраги орзиққандан алланечук бўлиб кетди. Энди улар Кониғилга боришади. Кониғил ҳақида эса ҳали Хоразмда эканлигидаёқ Оққиздан кўп ҳикоялар тинглаган...

Бундан саккиз йил аввал Амир Хусайн сарбадорларни дорга остиргандан кейин, эл суюб ҳордиқ олиш учун сайрга чиқиб турадиган сўлим Кониғил ўланзори файзи кетиб, қандайдир маъшум доврўққа эга бўлиб қолди. Бир пайтлар Самарқанд ҳокими Садр Сулаймоннинг дарё бўйида қурилган ҳашаматли чорбоғи ҳеч ким яшамаганидан ташландиқ жойга айланганди.

Амир Тему́р Кониғилни азалдан яхши кўрарди. У ўсмирлик чоғлари Самарқандга йўли тушиб қолса, албатта, тенгқурларини йиғиб яйловни бир айлаиб келарди. Мамлакат маснадига ўтиргач, Амир Тему́р пойтахт ободончилиги билан жиддий шуғулланиш асносида Кониғилни ҳам эсдан чиқармади. Хушманзара ўланзор томон йўлар солинди, чодирлар учун муносиб доимий жойлар белгиланди. Энди бу ерда катта тўй, маъракалар ўтказиш мумкин эди. Ўланзорнинг ўнг томони, дарё соҳили подшо хонадони суюб чиқиб турадиган макон бўлиб қолди.

Худди шу ерда бир кун олдин икки шоҳона саропарда қад кўтарди. Пуштиранг саропарда келин-куёвлар учун тайёрланди, оқи бошқаларга мўлжалланди. Атроф зангори парда билан ўралди. Юқоридан қаралса, ям-яшил Кониғил ўланзори ясан-тусан қилиб, кўксига икки — пушти ва оқ мунчоқ тақиб олгандай чиройли кўринарди. Ҳаво очик, осмонда бир парча ҳам булут йўқ. Кунчиқши томондаги тоғлар бутун бўй-бастини намоен қилгандай кўзга ташланади. Шоҳона пуштиранг саропарда олдида туриб, ўланзорга, ҳов олисдаги тоғларга, мовий осмонга, порлоқ қуёшга ҳавас билан боқаркан, Хоразм маликаси завқини яширолмади:

— Оҳ, жуда ҳам яхши экан бу ер, амирзодам! — деди кенгликлардан қамашган шахло кўзларини Жаҳонгир Мирзога тикиб. — Осмоннинг кенглигини кўрингиз! Вой-вуй! Ҳамма нарса гўзал, ям-яшил майсазор ҳам, ана бу тоғлар ҳам, осмон ҳам!

Жаҳонгир Мирзо маликага суқ билан боқди. Боқдию унинг куңдан кунга очилиб бораётганига, ҳуснига ҳусн қўшилаётганига ишонч ҳосил қилди. Бундан ортиқ латофат, кўрку ҳусну бўлмас! Эсида бор, бир куни ҳазиллашмоқчи бўлдию маликага суқбат орасида жиддий тарзда бундай деди:

— Ўнга фарзандимиз бўлсун, шундан етгитаси...

— Вой-вуй... — беихтиёр қовоқлари уюлди Хонзода хонимнинг.

— ...Етгитаси ўғил, утгаси ожиза бўлсун... — сезмагандай давом этди амирзода.—

Ўнта...

— Вой-вуй!.. Уялиб кетяпман... — деди Хонзода хоним бошқа ҳеч нарса деёлмай, ерга қараб.

Амирзода маҳбубасининг соддадил эканлигидан, гапни тўғри тушунишидан завқланиб кетди-да, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди! Ўшанда унинг маликасига нисбатан бир меҳрига ўн меҳр кўшилган эди. Ҳозир ҳам шундай бўлди — амирзода қайлигини яна ҳам яхши кўриб кетди. Иложи бўлганда Хонзода хонимни бир бағрига босиб оларди! Аммо атрофда одамлар бор-да...

— Ҳа, маликам, барчаси гўзал! — эҳтирос ила шивирлади амирзода. — Барчаси гўзал! Аммо барчасидан ҳам ўзингиз гўзалсиз, эй дилижоним!

Хонзода хоним «Шу гапингиз ростми?..» дегандай, мийрига жилмайиб қаради-да, уялгандан кўзларини ерга олди. Амирзода кўрмаса ҳам, маҳбубасининг кўзлари миннатдорлик ва бахтиёрлик туйғуларидан чақнаб ёнаётганини ҳис қилди. Хонзода хоним ўзини саропарда ичига урди. Кирдию саропарданинг келинлар уйидай безатилганини кўриб хурсандлигидан чапак чалиб юборди. Ерда чўғдай ёниб турган эроний гилам, ипак тўшаклар, оқ парқув ёстиқлар жуда жозибали кўринарди. Саропарда чанғаровидан тушиб турган ёруғлик ичкарини гира-шира ёритар, айна шу гира-ширалик кўнгилни сирликка чорларди.

Иқбол бекалар ҳам Оқа Беги хоним ва Султон Бахт бегимлар билан бирга қий-чув қилишганча ўз саропардаларини томоша қилар эдилар. Икки саропарда ўртасидаги катта супага тўшаклар ташланган, дастурхон ёзилган. Зангори пардадан ташқарида, ўнг томонда пастроқда ўчоқларда бир неча қозон осилган. Ахий Жаббор баҳодир ўз йигитлари билан баковуларга кўмаклашиб куймаланишиб юришибди. Сулаймоншоҳ эса ишнинг боришини назорат қилар, дам-бадам унинг дўриллоқ овозда: «Тезроқ бўлингиз!», «Оловни пасайтингиз!» қабилидаги сўзлари қулоққа чалинарди.

Ахий Жаббор баҳодир фурсатни топиб Оққиздан кўмак ўтинди:

— Узрим, бор, Оққиз бегим... Дастурхонни ясатишда қарашиб юборсалар девдим... Мумкин бўлурму?..

Қиз йигитнинг «Оққиз бегим» деб мурожаат қилишини жуда ёқтирарди. Дунёда фақат Ахий Жабборгина уни шундай ном билан атайди... Оққиз Ахий Жабборнинг охириги сўзларида очиқдан-очиқ ялиниш оҳангини сезди. Бу шунчаки бир одамнинг эмас, балки нимадандир илинжи бор одамнинг ялиниши эди. Оққиз ширингина жилмайди:

— Қўлимдан келармикин?.. Майлингиз..

Ахий Жабборнинг оёғи олти бўлиб кетди, таомларни тез-тез ташиб турди, Оққиз дастурхонга чиройли қилиб жойлаштира бошлади. Йигит иш асносида чаққон ҳаракат қилаётган қизнинг ҳушбичим қоматига ўғринча назар ташлаб қўяр, қиз буни сезса-да, ўзини билмаганга олар эди.

Таомлар еб бўлингач, маликалар севган хурсандчилик, ўйин-кулги бошланиб кетди. Иқбол бика энди сиз билган биз билган Иқбол бика эмас, куёвга теккандан кейин ўзгариб, шўхи чиқиб шаддоод бир жувонга айланган. У бор жойда давралар ҳамиша ҳушчақчақлик билан ўтар, ашула айтиш, ўйин тушиш, баҳс-мунозара унинг жони-дили эди.

Ҳозир ҳам Иқбол бика қараб турмади, Жаҳонгир Мирзога мурожаат қилиб, тавозе билан бундай деди:

— Агар улуғ амирзода ижозат берсалар, мунозара бошлар эдик...

Жаҳонгир Мирзо Хоразм маликалари севган мунозара, баҳс ҳақида аввал эшитган, аммо бирон марта ҳам шохид бўлмаган эди. Унинг эшиттиси келди, қараса, Хонзода хоним ҳам «Розилик берақолингиз! Бир ўйнаб-кулишсин!» дегандай кўз тикиб турибди.

— Албатта, ижозат бўлур!

Сиймин бика билан Оққиз «Мунозара! Мунозара!» дея чапак чалиб юбордилар.

Одат тусига кирган бундай мунозаралар хоразмшоҳ саройида тез-тез бўлиб турар, маликалар уни жуда ардоқлардилар. Қутилмаган саволлар, антиқа жавоблар ҳамма учун ҳам қизик эди. Тўй билан бўлишиб, мунозарага фурсат топмадилар, шу вайдан соғиниб қолганликлари билинди. Ҳамма мунозара тезроқ бошланишини истарди.

Бир лаҳза жимлик чўқди. Маликалар қўллари кўксиди, тавозе билан: «Сиз бошлангиз!», «Сиз бошлангиз!» дегандай бир-бирларига имо қилдилар. Ҳамма Иқбол бика билан Хонзода хонимнинг мунозаралар устаси эканликларини яхши биларди.

— Иқбол бика хоним! — мурожаат қилди Хонзода хоним.

— Қулоғим сизда, маликам! — қўли кўксиди таъзим бажо келтирди Иқбол бика. — Фармонингизга мунгазирмен!..

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим... Айтингиз-чи, Қуръони каримда неча сура бордур ва нечаси Маккаи мукаррамада нозил бўлди, нечаси Мадинаи мунавварада? — мунозарани бошлаб юборди Хонзода хоним.

— Дийдам устига... — қўли кўксиди жавоб қилди Иқбол бика. — Қуръони каримда бир юз ўн тўрт сура бордур. Маккада нозил бўлғони етмишта, Мадинадагиси қирқ тўрттадур...

— Салламно! Осмоннинг неча эшиги бор экан?

— Жоним омода... Пайғамбаримиз саллаллоҳи алайҳи васаллам, осмон эшиклари ҳисобини сураганларида, уларнинг нечаллигини Худодан ўзга кимса не билсун, деб буюрубдурлар. Ул зот дебдурларки, осмоннинг икки эшиги бордур, биринчисидан банданинг ризқи келаду, иккинчисидан амали юқори чиқаду...

— Сайёра юлдузларидан сўз юритингиз... — сўрашда давом этди Хонзода хоним. — Санови нечта экан?

— Маликам, сайёра юлдузлар адади еттитадур. Ой, Қамар, деб ҳам шарафлайдилар, Аторуд сўнг Зуҳро сайёраси, Қуёш, Шамс деб ҳам улуғлайдилар, андин сўнг Миррих, Муштарий ва Зуҳал...

— Сайёраларнинг маконлари қаерларда жойлашибдур?

— Зуҳал сайёрасининг макони еттинчи фалақдадур. Муштарий макони олтинчи фалақда, Миррих бешинчи фалақда жобажодурлар. Қуёш тўрттинчи фалақдан, Ой эса биринчи фалақдан жамол кўргизурлар. Зуҳро учинчи фалақни батамом ўзига мафтуну маҳлиё этмиш, Аторуд иккинчи фалақни мусаххар айламиш...

— Салламно! — қойил қолди Хонзода хоним.

— Салламно!

— Офарин! — дейишди маликалар.

— Энди, — давом эттирди баҳсни Хонзода хоним. — Бир зот бордурки, анинг намоз ўқиши на ерда содир бўлур, на кўқда... Демак, ерда ҳам, кўқда ҳам намоз ўқимайдур... Ул зот кимдиру намозини қаерда ўқийдур?

Иқбол бика бироз сукутга чўмди, хаёлидан Одамдан Ҳотамгача не-не азиз-авлиёлар бирма-бир ўтди, аммо намозини ерда ҳам, осмонда ҳам ўқимайдиган ғаройиб зот кимлигини эслай олмади. Дунё еру осмондан иборатдур, ул зот намозини бу оламдан ташқарида ўқиганмикин?..

Маликалар жон қулоқ бўлиб Иқбол бика оғзини пойлар эдилар.

Хонзода хонимнинг ўзи ёрдамга келди:

— Бу ғаройиб зотнинг исми Сулаймон алайҳиссаломдур. Ул зот намозларини ердас, осмондамас, балки шамол қанотида ўқир эдилар.

Бу гал Хонзода хоним шаънига салламнолар янгради.

— Закоатнинг маъноси нимадур? — савол берди яна Хонзода хоним.

— Закоатнинг маъноси молнинг ошиқчаси, деганидур...

— Қай йўсиңда закоат берилур?

— Агар киши тиллоси йигирма мисқолга етса, унинг ярим мисқоли закоат бўлур, — жавоб қилди Иқбол бика. — Яна десам, кишининг теvasи йигирма бешга етса, бир тева, қўйи қирқга бўлса — бир қўй закоат ҳақидур.

— Салламно, Иқбол бика хоним! — тан берди Хонзода хоним.

Атрофдан яна «Салламно!», «Таҳсин!» деган сўзлар эшитилди. Жаҳонгир Мирзо мунозарага қулоқ соларкан, маликалар билағонлигидан лол қолар, ҳайратланар эди.

Энди синаш навбати Иқбол бикага ўтди.

— Маликам! Парвардигор эгамнинг қўли билан яратилган нарсалар бор, амри илан яратилгон нарсалар бор... — сўз бошлади Иқбол бика. — Ўша қўли билан яратилгон нарсалардан айтингиз.

— Дийдамиз устига.. — қўли кўксига таъзим қилди Хонзода хоним. — Парвардигор эгамнинг ўз қўли билан яратилгон нарсалар учтадир: арши аъло, жаннат, жаннатдаги туби дарахти. Дунёдаги қолгон нарсалар бари унинг амри билан бунёд бўлгондур...

— Оллоҳ таоло халқни яратмасдан бурун бунёд этгон нарсалардан сўйлангиз... — сўради Иқбол бика.

— Оллоҳ таолонинг бундай бунёд этгон нарсалари бештадур: тупроқ, сув, шамол ва оташ, тагин зулумот...

— Салламно!

Иқбол бика навбатдаги саволдан аввал ўйлағани қолди, сўнг деди:

— Аён бўлсунким, борлиқ бани башар, одамизода, эрдур, хотундур — заифалардан таваллуд топғай, барининг онаси аёлдур. Аммо бир аёл борки, ул эркадан туғилгондур, отини билармусиз?

Ҳамма қизиқиб қолди. Хонзода хоним буни биларди, сарой кутубхонасидан «Қиссас-ул анбиё» китобини мутолаа қилганди. Шунинг учун дадил жавоб берди:

— Чиндан ҳам бир хотун эркак зотидан туғулгон. Бу хотиннинг оти Момо Ҳаводур, ул зот Одам Атонинг чап қобирғасидан яратилгондур...

— Салламно! — деб юборди Иқбол бика.

Баҳс қизигандан қизиб борарди. Хоразм маликаларининг донишмандларга хос суҳбатлари, билимдонликлари Жаҳонгир Мирзони ҳам, Сулаймоншоҳни ҳам ҳайратга соларди.

— Коинотнинг тожи бўлган одам вужудидан хабар беринг-чи?

— Бош устига... Парвардигор одамни яратқонда унга уч минг олтмиш томир, икки юз қирқ устихон ато қилди, уч руҳ билан сийлади. Булар — руҳи ҳайвоний, руҳи нафсоний, руҳи табиийлардур. Унда тагин беш сезги бор — эшитиш, кўриш, ҳидлаш, там билиш, сезиш...

— Салламно!

— Таҳсинлар бўлсин! — қабилида овозлар янгради.

— Чамаңда бир гала куш бор эди, — масалага ўтди энди Иқбол бика.

— Шамол тургач, аларнинг бир қисми учиб дарахт бошига қўнди, бир қисми ерда қолди. Агар ердаги қушлардан бир дарахтдагиларига қўшилса икки томонда ҳам қушлар сони тенглашади. Агар дарахтдан бир куш ерга учиб тушса дарахтда ердаги қушларнинг ярмига тенги қолади. Жаъми неча куш бор экан?

Хонзода хоним масалани ҳеч қийналмай ҳал қилди:

— Жаъми куш ўн иккита. Еттитаси ерда, бештаси дарахт тепасида бўлган...

— Тасанно! — мақтади Иқбол бика. — Сўнги саволим қолди.

— Буюрингиз!

— Сўнги саволим қизиқ... Етти жонивордан яратилгон маҳлуқ бор, оти нимадур?

Хонзода хоним жилмайганча хаёлга берилди. Маликалар мутолаани хуш кўрардилар. Тариху фалсафа, мантику одоб-ахлоқ, риёзиёту тиббиёт, назму наволарга оид китобларни излаб топиб ўқишар, сўнг мунозара қуришиб билимларини теранлаштирар эдилар. Иқбол бика сўраган маҳлуқ ҳақида у қайсидир китобда ўқиган эди, «Минг бир кеча»дамида, ёдида йўқ...

— Етти жонивордан яратилгон маҳлуқ... Етти жонивордан... — Хонзода хоним энди эслаб қолди. — Ҳа, бўлди! Унинг оти чигиртка...

— Чигиртка?! — гапга қўшилди сабри чидамай Оққиз. — Кичкина нарса-я? Етти жонивордан яратилгон бўлса, филмикин, деб турувдим...

— Йўқ, фил эмас, чигиртка! Унинг боши отга ўхшайди, гардани ҳўкизнинг гарданидек бўлса, қаноти калхатникнинг ўзи. Оёғи тева оёғи кабудур, думи илоннинг думидек, курсоғи чаён курсоғини эслатади. Шоҳи охуники сингари чиройли...

— Ўҳ-ҳў!.. — ҳайратларини яшириб ўлтиришмади атрофдагилар. — Салламно!.. Та-санно!.. Таҳсин!..

Хонзода хоним «Қуллуқ!» дея барчага таъзим қиларди.

Шу палла Иқбол бика ёнидаги чилдирмани қўлига олди-да, қўшиқ бошлаб юборди:

*Опам тушган гарёга
Сой бўлайин, ёр-ёр.
Езнам чеккан чилимга
Най бўлайин, ёр-ёр.*

*Езнам мени таниса,
Болдизиман, ёр-ёр.
Попоғина қистирган
Қундузиман, ёр-ёр.*

*Шог бўлсин, шогмон бўлсин,
Сизни кўриб, ёр-ёр.
Реймингиз келмийдими,
Бизни кўриб, ёр-ёр...*

Ёр-ёр кўнгиларни қитиқлаб, алақандай мажҳул туйғулар уйғотарди кишида... Сиймин бика шартта Оққизни ўйинга тортди. Ийманибгина ўрнидан турган Оққиз аста-секин ўйинга берилиб кетганини билмай қолди. Чилдирманинг гижбанг-гижбанга шўрлик қизни ҳар турли кўйларга солар, шох ташлаб ўйнар экан, тўққан юртига қайтиб келганидан боши осмонда қиз, шу палла зангори парданинг нариги томонида бир кишининг бутун вужуди кўзга айланиб ўзига қараб турганини ҳис этарди... Ҳис этарди-ю, юзига қон тепарди. Нега Оққиз Ахий Жаббор баҳодирни кўп ўйлайдиган бўлиб қолди? Ўзи ҳам бунга ҳайрон...

Оққиз Сиймин бикани рақсга чорлади, у бироз даврани айланиб чиқди-да, тўғри келиб Хонзода хонимни ўйинга тортди.

— Ўлақолинг, мени ўйинга тортмай! — деди астагина Хонзода хоним ва куёвидан тортиндими, қўли билан «йўқ» ишорасини қилди. Сиймин бика шартталиги тутиб бирдан хушнуд кайфиятда қарсақ чалиб ўлтирган Жаҳонгир Мирзога юзланди:

— Келин бика билан бир «Лазги»га тушиб берсунлар!

— Ие! — самимий қаҳ-қаҳ отиб кулди амирзода, унга бу таклиф ёққанлиги кўриниб турарди. — Ўйин тушишни билмайман-ку!

— Келин бикамиз яхши билурлар!

Қистовлардан кейин Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода хоним ўртага чиқишди. Кони-гил узра чилдирма садолари янгради. Амирзода ўйинга яхшигина ўқуви борлигини кўрсатди. Чиройли рақс тушаётган қайлиғига маҳлиё бўлиб, гўзал чехрасидан кўз узмай унинг атрофида айланар, куйнинг сеҳрига берилиб гоҳ йироқлашар, гоҳ яқинлашар эди. Хонзода хоним ҳам оламнинг беадад қувончларига фарқ, ҳаётнинг асил маъноси, инсоннинг бахти шу — севганинг билан яшамоқ, севмоқ, севил-моқ, ҳамқадаму ҳамхона кун кечирмоқ эканлигини чуқурроқ англаб етаётгандай бў-ларди...

Кейинги ҳафтада хоразмлик меҳмонлар юрта қайтиш ҳаракатига тушдилар. Хонзода хоним волидаи муҳтарамаси, Шакар бика, Иқбол бика, Сиймин бикалар билан йиғлай-йиғлай хайрлашдилар.

Карвон соқчилар кузатувида тонгсаҳарда Хоразмга равона бўлди.

Дуғлат ўмоғидан бўлган қайсар амир Қамариддинни тезроқ бартираф этиш иштиёқи шу қадар кучли эдики, Амир Темур қишнинг қоқ ўртаси эканлиғига қарамай Жета томон отланишга қарор қилди. Жета ёқдаги вазият, неча йилдирки салтанатга тинчлик бермайди. Хумоюн ўрдунинг олий қарори ҳақида Жаҳонгир Мирзо Боғи Нақши Жаҳондалигида Муҳаммад Чуроға додхоҳдан эшитди.

Зафарқарин лашкар Дизақдан беридаги Қатвон мавзеига етиб борганда жуда қаттиқ совуқ тушди. Совуқнинг қаттиқлиғидан ҳеч ким қўлини чиқариб юра олмай қолди, соқол-мўйлаблар қалин шовуш боғлади, тупук ерга муз бўлиб тушарди. От-уловларга ем бериш ҳам мушкуллик туғдирарди. Булар етмагандек, замҳарир совуқдан айрим навкарларнинг нобуд бўлаётганлари ҳақида ҳам нохуш хабарлар кела бошлади.

Хумоюн ўрдада ўтирар экан, Амир Темур хаёлга чўмди. У ҳеч қачон умрида бирон-бир сафарга отланиб, ярим йўлдан ортга қайтган эмас. Ҳар қадамни босишда етти ўлчаб бир кесадиған Амир Темур бу галги сафарга чиқишда шошилиброқ қарор қилганлиғини англади. Ажабки, бир кам қирққа кириб, ҳали шундай ҳолга дуч келгани йўқ.

Амир Темур қўшин бошлиқларини йиғиб деди:

— Қайтиб Самарқанд бориб, у ерда икки ой турайлик, совуқ бир сори бўлгунча...

Бу Жаҳонгир Мирзонинг Хонзода хонимга уйланганидан кейин қилган бириңчи сафари эди. Самарқанддан чиққанларига ҳали бир ой бўлгани йўқ, унга бир йилдай туюлиб кетди. Айрилиқни камида ярим йил, бўлмаса бир йилга мўлжаллаб бораётган амирзода Самарқандга қайтиш ҳақида фармонни эшитиб, ичида қувониб қўйди. Яқиндагина бўла-жак суюкли завжасининг ойдай жамолига тўймай боқишлар, хилватда сирлашишлар, ис-сиқ оғушлар йигит қалбини орзиқтириб юборди. Ёз, куз келин-куёвлар кундузларни роҳатда, кечаларни фароғатда ўтказдилар. Иккиси ҳам монанди гул тоза эдилар, кўп ҳолларда бўладигандек, Оллоҳнинг хоҳиши албатта, гулни тиконга раво кўрмадилар, гулни гулни кўшдилар. Хонзода хоним куёвини сафарга кузатаркан, шаҳло кўзлари шаффоф ёшлардан тийилмади. Жаҳонгир Мирзо борганда у суюкли кўзлардан ёшларни ўзи артиб кўяди...

Шавҳарининг қайтиши Хонзода хоним учун байрам бўлиб кетди. Кутиб олар экан, таъзим бажо келтирганча Жаҳонгир Мирзо чакмонининг пешини ўпди ва қўли кўксида:

— Хонамизни тўлдириб омон-эсон қайтиб келдингизму, шаҳзодам? — дея сўради шикаста овозда. — Соғиндингизму?..

— Оллоҳнинг кўмағида соғ-саломат қайтиб келдим, маликам! — жавоб қилди амирзода. — Соғиндим, ҳа, соғиндим сизни!

Хонзода хоним ёқимли жилмайди. Маликанинг шаҳзодасига айтадиган муҳим гапи бор. Кун бўйи бунга фурсат кутди. Ниҳоят, оқшом хонада ёлғиз қолганларида Жаҳонгир Мирзога эркаланиб суянар экан, кўзларига қарай олмай оҳиста деди:

— Суюнчи берингиз, шаҳзодам!

— Жоним сизга суюнчи, маликам! — ҳаприқди амирзода. — Нимага суюнчи берай? Нимага?..

Хонзода хоним жилмайганча яна ерга тикилди:

— Бир неча кундан бери, оғзимда таъм йўқ, шаҳзодам, кўнглим шўр нарсаларни тилайдур...

— Кўнглим шўр нарсаларни тилайдур? Нечун?.. Наҳотки?..

— Билмасам... Бонуйи кубро Қутлуг Туркон оқа онамиз эшитиб, қувониб, «Юкли бўлибдурсиз. Илоҳо, паҳлавон ўрил кўрингиз!» деб дуо қилдилар, манглаймдан ўпиб қўйдилар...

Жаҳонгир Мирзо ийманиб ёрига қандай ёндошишга баҳона тополмай турган эди, маликасини даст кўтариб олди-да, бир-икки айлантирди, сўнг ерга қўйиб, ўтинди:

— Қани, маликам, шу сўзларни айтган ширин тилингизни бир чиқаринг-чи. Яхшироқ кўрайин-чи, ростмикин?..

Хонзода хоним ҳеч нарсани хаёлига келтирмай нозик тилини чиқарган эди, Жаҳонгир Мирзо маликасини ингратганча ўпиб олди ва деди:

— Рост экан, тилингиз айтди... Муборак бўлсун, маликам! Иншоолло, ўғлимиз бўлур! Ўғлимиз бўлур!

— Вой, анови шумни кўрингиз!..

Хонзода хоним, сизга жазо дегандай, амирзоданинг чап юзига майингина уриб қўйди. Жаҳонгир Мирзо, жони оғриган каби, юзларини ушлаганча, «вой-вой»лашга тушди:

— Вой, нима қилиб қўйдим?.. Оғрияптими? Қаттиқ тегдими? Секин урдим-ку... — узрсингандай деди Хонзода хоним. Унинг шаҳло кўзларида ташвиш кўринди.

— Жуда қаттиқ тегди! Бошим ҳам оғриб қолди... — деди қовоғини солиб Жаҳонгир Мирзо. — Силаб қўйсангиз, оғриқ кетар...

— Хўп, жоним шаҳзодам! — Хонзодахоним нозик қўлчаси билан Жаҳонгир Мирзонинг чап юзини, бошини астойдил силашга тушди. — Оғриқ бўлсанг, кет! Эски чаддиворларга бор! Тоғу тошларга бор! Дашту саҳроларга бор! Кет!.. Кет!..

Ўзини қулворидан зўрга тийиб турган Жаҳонгир Мирзо пайтдан фойдаланиб маликани, нозик белидан кучди-да, бағрига тортди! Шундагина Хонзода хоним куёвининг

қувлик қилганини англади. У муносабат билдириб улгурмади. Шаҳзода маликани опичган-ча шохона ўринга қараб юрди. Иккиси бир-бирларини қучоқларидан қўймай, шўхликлари ортиб жойга юмаладилар... Сал ўтмай улар тепасида фаришталар қувончдан чарх уриб уча бошлади...

Шаҳзода билан малика бу ёшда ҳар қанча шўхликлар қилишса ярашади. Жаҳонгир Мирзо ўн тўққиз, Хонзода хоним ўн олти ёшда эдилар...

II

Самарқандда икки ой тургач, Амир Темур тағин Жета устига қўшин тортди. Илғорга қўйилган Жаҳонгир Мирзо, Шайх Муҳаммад Баён сулдуз ва Одишох жалойир кузатувида анча илгарилаб кетди. Унга Қамариддинни таъқиб этиш топширилганди. Жетадан тутиб келтирилган бир одам сўзларидан маълум бўлдики, Қамариддиннинг Амир Темур қўшини келаётганидан мутлақо хабари йўқ экан. Қўшин шу палла Бойтоғ¹ мавзеида қўним топганди.

Амир Темур Жаҳонгир Мирзога қутлуғ фармон юборди:

«Жаҳд қилингизким, Қамариддинни қўлга олурсиз!»

Жаҳонгир Мирзога Қамариддиннинг тоғ ичига чекинганини айтдилар. Изма-из қувиб борганларида, қаттол ёвнинг Баракаи Гуриён² мавзеида қарор топганлиги аён бўлди. Амирзоданинг ёсомиший³ қилиб сафланган шавкатли ва беадад лашкари Қамариддин юрагига кўрқув солди, тонг отгунча бўлмай тоғ ортига қочишга юз тутди. Қувиб борган баҳодирлар душманининг кўп аскарини отиб, чопиб ўлдирдилар. Айниқса, Ахий Жаббор баҳодир йигитлари ўзини кўрсатди. Мавзедаги тош қасрни қамал қилар эканлар, улар кўп мол-дунёни қўлга киритдилар. Шошиб қочиб қолган Қамариддиннинг кичик хотини Бўён оқа ва гулчеҳра қизи Дилшод оқалар ҳамда бир неча канизаклар ўлжаларни безаб турарди. Фақат бир жангчиси — дўстидан айрилиб қолгани Ахий Жабборнинг бағрини ўйиб кетди.

Гап шундаки, қасрни олишда жон олиб жон берган Йўлқутлуғ балога балоғардон бўлди. Эҳ, бу мард йигит душман ўқидан ўлса ҳам майлиди. Ахий Жабборга алам қилмасди, маъракаи майдон-да, қурбонсиз бўлмайди, деб қўя қоларди. Аммо Йўлқутлуғ қисмати ўзгача кечди. Ҳалиги тош қасрнинг дарвозасини очишнинг ҳа деганда иложи бўлавермади. Йўлқутлуғ сабри чидмай, чангакли арқон ташлаб, ўн газ бараварли тик деворга чиқа бошлади. Учқора уни пастда кузатиб тураркан: «ҳазир бўл, дастингдан кетай!» дер эди-да, мингирлаб суюмли қўшиғини хиргойи қиларди.

Йўлқутлуғ девор тепасига чиқишига бир баҳя қолганда, деворга ташланган чангак нечундир пана берди, маҳкамланган жойидан сирғалиб чиқиб кетди! Кимдир кейин, чангакни душман аскарларидан бири жойидан силжитиб юборибди, деган гапни ҳам тарқатди. Йўлқутлуғ тепадан ерга тушиб кетиб нобуд бўлди... Ёқимсиз, пўк овозда пинғилаб гапирса-да, Йўлқутлуғ раҳматли бир сўзли садоқатли дўст эди.

Амирзода Жаҳонгир Мирзо шу палла Қора Қасмоқ мавзеида турган ҳумоюн ўрдага вазиятни арзадошт қилди. Таклиф этилгач, саодат билан Амир Темур қошига ташриф буюрди ва сонсиз мол-дунё тухфа этди. Тансуқот ичида Қамариддиннинг хотини Бўён оқа ва моҳичеҳра қизи саҳройи оташфазо Дилшод оқа ҳам бор эди.

— Кам бўлмангиз, амирзодам! — Амир Темур суюкли ўғлининг қаттол ғаним билан олишувдан ролибона қайтганидан мамнун бўлиб деди: — Беадад ўлжаю ғаниматлар олиб келибсиз...

— Ҳоли қудрат, валинеъмат Соҳибқирон! — қўли кўксига таъзим этди Жаҳонгир Мирзо. — Жоним ҳам, даркор бўлса, сизга пешкашдур...

Амир Темурнинг кўнгли алланечук бўлиб кетди:

— Ундоқ демангиз, ўғлим, зинҳор ундоқ демангиз! Жонингиз ўзингизга бўлсун, илоҳим! Жонингиз ўзингизга бўлса, пешкашнинг бизга аълоси, шу бўлур, иншооллоҳ!

— Афв этингиз, валинеъмат Соҳибқирон!.. — бош этди Жаҳонгир Мирзо.

... Самарқандга қайтар экан, Амир Темур Отбоши⁴ мавзеидан ўтиб хушманзара Арпа Ёзи водийсида бир муддат лашкарга ҳордиқ беришни кўнгилга тутди. Бунга Ҳазора амири Муборакшоҳ Макритнинг Одишох жалойирни ўртага қўйиб қилган илтимоси сабаб бўлди. У шойиста хизматлар кўргизиб, Амир Темурга яқинлашиш ниятида эди. Баҳром жалойир вафотидан сунг Одишох жалойир қавмининг сардори бўлиб қолди. Одишох жалойир гирдифумдан келган, пакана бўйли, чиройли юзли, аммо пешонаси энсиз, тор бир йигит эди. Чап қулоғи оғирроқ эканлигидан, гапни бир парда кўтариброк гапирарди. Қамариддин билан бўлган жангларда Жаҳонгир Мирзо ёнида Шайх Муҳаммад Баён сулдуз иккови жон олиб, жон бериб саваш қурдилар. Барини Жаҳонгир Мирзо ўз кўзи билан кўриб турди.

Арпа Ёзи водийси ўртасидан кесиб ўтган дарё бутун атроф иқлимга сезиларли таъсир кўргизарди. Амир Темурнинг Қора Қасмоқ мавзеидаёқ балойи офат Дилшод оқага

¹ Бойтоғ — аниқ жойи маълум эмас. Иссиқкўл атрофида бўлса керак.

² Баракаи Гуриён — ҳозирги Алматига яқин бир мавзе.

³ Ёсомиший — лашкарни тартиблаш усулларидан бири.

⁴ Отбоши — Иссиқкўлдан жануби шарқдаги шу номли дарё бўйидаги шаҳар.

майли тушиб қолган эди. Кўнглида ул бонунинг шарафли ҳарамни ўз истиқболи билан зийнатлашини истаётганини туйди, шу ерда Дилшод оқани ўз ақди никоҳига олишга аҳд қилди. Ноз-неъматларга тўлиб-тошган дастурхонлар ёзиди, хушбичим соқийлар заррин пиёлаларни арғувондай қизил шаробга тўлдириб меҳмонларга узатишдан толмадилар. Шодлигу фараҳ авжга чиқди, мусиқа навалари оламни тутиб, мумтоз ашулалар дилларни фароғатларга чулғади. Барча жувонбахт Соҳибқирон ва саҳройи офатижон юлдузлари бир-бирларига тўғри келганидан бахтиёр бўлиб, дуои жонларини қилар эдилар.

Орадан беш кун ўтганда, Ўзганддан хабар келди. Ўзгандда Амир Темурни муборакбод этгани Қутлуғ Туркон оқа, беқларнинг хотинлари жамулжам Самарқанддан келиб кутиб туришган экан. Уларни Амир Довуд дуғлат бир неча навкарлар билан ихота айлаб келишибди. Жаҳонгир Мирзонинг қувонган жойи шуки, беқларнинг хотинлари ичида малика Хонзода хоним ҳам бор экан!

Амир Темурни эгачиси Қутлуғ Туркон оқа ташрифи баюят мамнун этди. Давлат ишлари билан банд бўлиб Соҳибқирон баъзан суюкли эгачисини ҳам зиёрат қилмакка вақт тополмай қоларди. Бу, албатта, кечирарли ҳол эмас...

Арпа Ёзи билан Ўзганд ораси унча узоқ эмасди. Ўзгандга келишлари билан, Амир Темур яқинларини ҳуמוюн ўрдуга тақлиф этди. Даставвал Амир Довуд дуғлат саломга келди. Эгачи одадгаидек унинг елкасидан олиб кўришди, пешонасидан меҳр билан ўқиди, кифтига уриб-уриб кўйди. Навбат остонада обод сақлаб турган Хонзода хонимга келди. У оҳиста юриб келиб Соҳибқироннинг заррин чопони пешини ўпиб кўзларига суртди, кейин туриб таъзим қилгач:

— Валинеъмат Соҳибқирон, бахтимизга узоқ йиллар омон бўлсунлар! — деди.

Амир Темур Хонзода хонимнинг чеҳрасига назар ташлашга улгурди. Нур билан чайилгандай оқ-сариқ юзи, қийиқ кўзи, иринининг ўнг томонидан мўъжазгина қора холи бор, қулдиргича ўзига ярашган... Гарчи пардоз берилган эса-да, қулдиргич атрофларида билинар-билинимас доғ излари кўринади. Ҳа, оналар ҳамиша орзу қиладиган табаррук доғлар... Амир Темур яхши билади. Жаҳонгир Мирзо, Оқа Беги хонимлар туғилганда мулоийм, ҳалим Нурмиш оқанинг, Умаршайх таваллууд топганда канизаги Тўлун оқанинг, Султон Бахт бегим дунёга келганда Улжой Туркон оқанинг, Мироншоҳ туғилганда канизаги Менгли Бек оқанинг — бари-барининг чеҳраларида мана шундай доғларни кўрган, ўз вақтида қувонган...

Амир Темур тахтдан тушиб келиб Хонзода хонимнинг манглайдан ўпди:

— Бахтингиз тўқис-туғал бўлсин, илоё, жон қизим!

— Қуллуқ...

Хонзода хоним таъзим билан ортга чекинди. Унга боқиб, ҳали фарзандга юкли эканлигини пайқаш қийин эди. Амир Темур ниманидир билиш илинжида, Қутлуғ Туркон оқага қаради. Эгачи бу қарашга тушунди, Соҳибқирон: «Келинимизда... бирон янгилик борми?...» демоқчи. Қутлуғ Туркон оқа: «Ҳа!...» дегандек кўзларини бир юмиб жилмайганча оҳиста бош ирғади. Амир Темур вужудини қувонч чулғади. «Энди унинг набираси бўлади, биринчи набираси! Қутлуғ наслини давом этдиргувчи набираси, иншолло, ўғил бўлади!..»

ҲН ЕТТИНЧИ БОБ

Кўшинга уч кун дам берилди. Сипоҳлар қумга сепилган сувдек шаҳарга сочилиб кетдилар. Одилшоҳ жалойир Шайх Муҳаммад Баён сулдуз билан Сотуғ Буғраҳон мақбарасини зиёрат қилишга йўл олди, Жаҳонгир Мирзо уларнинг турфа ҳаракатларидан шубҳаланиб юрарди, аммо сўнгги савашишларда фидойиларини кўриб, фикридан қайтгандек бўлди. Барибир Ахий Жаббор баҳодирга уларни кўздан қочирмасликни уқтирди.

Одилшоҳ жалойирлар мақбарага киришиб, соғона бошида тиз чўкишди. Қуръон туширилди. Шундан кейин ҳам улар ўринларидан турмадилар, балки бошларини бириктириб, худди тиловатни давом этдиришгаидек алпозда қолдилар.

— Жалойир жаноблари! — деди овозини псайтириб Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз атрофга бир аланглаб олар экан. Унинг шошилиб гапирадиган одати бор эди.— Кўрдингизким, жон олиб жон бергонимиз билан биримиз икки бўлмайдурмиз... Ман Қамаридинни биз қочурдик, аммо бутун шон-шараф кимга бўлди? Жаҳонгир Мирзога бўлди... Ҳамма жойни барлос эгалаб олди. Ой тугса ҳам барлосга, кун тугса ҳам — барлосга... Жалойирга ҳам, сулдузга ҳам, арлотга ҳам кун йўқ... Кун йў-ў-ўқ! Бу ҳолда уруғимиз қуриб битадир... Қуриб битадир!

— Нима демоқчисиз, сулдуз жаноблари? — ошиқиброқ сўради Одилшоҳ жало-йир. — Очироққ баён айлангиз, бу ерда ҳеч ким йўқ Сотуғ Буғраҳондан бошқа... Ул зот ҳеч кимга сирни бориб айтмайду... Ишонингиз!

Одилшоҳ жалойир «Бу ерда ҳеч ким йўқ» деди-ю, аммо деворнинг ҳам қулоғи бор, қабилидағи машхур иборани унутди. Шу палла соғонанинг оёғи томонидаги каттагина дарча ортида кимдир бу гапларни эшитиб турарди. Бу Ахий Жаббор баҳодир эди.

— Қора Қасмоқда бу ҳақда гаплашган эди-ку! — Шайх Муҳаммад Баён сулдуз сирли деди: — Ёдингиздаму?..

Одилшоҳ жалойир дабдурустдан аввал нима ҳақда сўзлашганларини эслай олмади. Жуда кўп нарсалар атрофида гап айланганди, Шайх Муҳаммад Баён сулдуз қайси бирини назарда тутмоқда экан? Ҳўжандни чегириб олишми? Самарқандга чопқун уюштиришми?.. Ёки..

Шайх Муҳаммад Баён сулдуз шундай муҳим гапни эслай олмаган жалойирдан ранжида. Бу унинг тилига ҳам кўчиб ўтди, қизиқ устида овози бир баҳя кўтарилиб кетганини ҳам пайқамади:

— Э... ҳалиги бор-ку... Амир Соҳибқирон... — Шайх Муҳаммад Баён сулдуз ўнг қўлини томоғига қўйиб кесиш ишорасини қилди. Қулоғи динг Ахий Жаббор баҳодир кўролмаганидан гап нимадалигини тушунолмай қолди, аммо Одилшоҳ жалойир жонига оро кирди:

— Амир Соҳибқиронга суиқасми?..

— Ие! — деди ўзига-ўзи Ахий Жаббор баҳодир муштлари қисилар экан.

— Ҳа-ҳа... Ўша... Энди фурсат етди... — Шайх Муҳаммад Баён сулдуз жиддий деди.

— Чўзиш мумкин эмас! Бизлар анови пандавақи Зиндачашм опардийга ўхшаб иш юритмаймиз, ҳа! Кўрдингиз, охири нима бўлди? Сассиқ Амир Кайхусравга ўхшаб бировларга суянмаймиз! Биз ўзимизга суянамиз! Ўзимизга!

— Ҳа-ҳа, ўзимизга суянамиз! — тасдиқлади Одилшоҳ жалойир.

— Жалойир жаноблари! Гап бундай... Хўжандга борганда, менинг уйимда бир кун меҳмон бўласиз, деб Амир Соҳибқирон этагидан маҳкам тутасиз! У ерда фақат Соҳибқирон ўзлари бўладилар. Жаҳонгир Мирзо одоб юзасидан, табиийки, ота олдида бир дастурхон атрофида ўлтирмайди. Зиёфат қизиқ ерга етганда... У ёғини менга қўйиб берасиз...

— Энди тушундим... Эсимга тушди. Хўп бўлади! — маъқулади Одилшоҳ жалойир. — Ҳурматларини ўрнига қўйиб меҳмон қилайлик Амир Соҳибқиронни... Ҳе-ҳе-ҳе...

— Фитна уюштиришмоқчи, ножинслар! — тишларини гижирлатди Ахий Жаббор баҳодир. — Фитначилар қисматини кўриб ҳам мулло бўлишмабдур!

* * *

Ҳумоюн ўрду Хўжандга етиб келди. Одилшоҳ жалойир ҳурмат бажо келтириб Амир Темур пойига йиқилди ва оёқларини ўпиб: «Кулбамизга қадам ранжида этсунлар!» деб қаттиқ туриб олди:

— Раҳматли падари бузрукворимизнинг руҳлари шод бўлур эрди...

Амир Темур Жаҳонгир Мирзога йўлга чиқишга шай бўлиб туришларини та-йинлади. Хўжандлик ношукур бандалар инсофга келдиларми, йўқми, шуни билиш ниятида Турон султони Одилшоҳ жалойир уйига қадам қўйди. У бу ерда авваллари ҳам кўп бўлган. Биринчи марта ўн беш йил олдин Амир Боязид жалойир Амир Баён сулдуз қизига уйланганда тўйда иштирок этганди. Кейин бу уй Баҳром жалойирга қолди. Ҳовли ўшандок, ҳайҳотдай қатта, бир айвонли бино ёнига янги бирон нарса қурилмаган..

Олийшон меҳмон шарафига чалинган карнайлар овози осмони фалакни тутди, ҳовлига кириши билан, қадамга жонлиқ сўйилди. Дастурхонга ноз-неъматлар тўкиб ташланди. Амир Темур фақат мевалардан тановул айлар, ўзини бепарво кўрсатса-да, зимдан атрофдагиларни кузатиб ўлтирарди. Чиндан ҳам Одилшоҳ жалойирда қандайдир ички саросима сезилиб қолди — у-бу нарсаларни олганда қўллари билинар-билинмас титраб кетарди. Амир Темур мулозаматнинг қуюқлашиб кетганига ҳам эътибор қилди:

— Олсунлар, Соҳибқирон... Олсунлар... Кўздан бери хонадонимизга қадам ранжида этмадилар... Хурсандмиз... Бошимиз осмонда... Олсунлар. Эл олдида қаддимизни кўтариб қўйдингиз... Умрбод қарздормиз... Ҳе-ҳе.

Шайх Муҳаммад баён сулдуз ҳам ёзилиб ўтира олмас, егани ичига тушмасди. Шошилиб гапирадиган одати бор эди, ҳаяжони кучлилигидан бидирлашга тушиб кетганини билмай қолди:

— Падари бузрукворимизнинг биродарисиз... Улар сизни кўп ҳурмат этардилар... Олсунлар... Зўр инсон, дердилар... Темурбекдан йироқ бўлма, дердилар...

— Ҳа, Баҳром жалойир билан ҳам, Амир Баён сулдуз билан ҳам узоқ йиллар ҳамсуҳбату ҳамқадам эдик... — хотиржам деди Амир Темур, унинг бир қўли қиличига таянган эди.

У дарҳақиқат мезбонларнинг нияти машғум эканлигига имон келтирди. Бундай ишлар зиёфат қизиб турганда амалга оширилади кўпинча. Шу палла унга гоибдан қандайдир овоз келиб: «Бунда турмағил!» дегандай туюлди. Соҳибқирон, Оллоҳ таоло ўзини раббоний илҳом билан балолалардан сақлашини яна бир бор ўз кўзи-ла кўрди...

Шу палла ҳеч кимга сездирмай бурнига қаттиқ тегиб, чимчилаб олди, кўзларига чирт этиб ёш қалқиб чиқди, бурнидан қон оқа бошлади. У бурнини ушлаб қолди.

— Нима бўлди, Соҳибқирон ҳазратлари?.. — сўради Одилшоҳ жалойир ташвишланиб.

— Бир иллат бордир, вақти-вақти билан шундоқ қонаб турадир... — тушунтирди Амир Темур. — Ташқарига чиқмасам бўлмас... Холи жойда тиндирурмен... Йўқ, йўқ, сизлар жойингиздан жилмангиз! Мен тез фурсатда қайтурмен...

Амир Темур ташқарига чиқдию тайёр турган отига минди. Жаҳонгир Мирзонинг: «Бу ножинсларнинг адабини бермоқ даркор! Ижозат этингиз, қиличим билан алар бошини сапчадай узиб ташлай!» — деганига:

— Муборак қиличингизни ушмундоқ нопоклар қони билан булғайсизму, амирзодам?

Қилишни асрангиз! — деб жавоб берди хотиржам. — Ҳали ўзлари бош эгиб келадурлар...

Жаҳонгир Мирзо падари бузрукворининг жуда ҳам кечиримли эканлигига тагин бир бор шохид бўлди, ортиқ сўзга оғиз очмади.

Амир Темур ҳеч қаерда тўхтамади. У Қаршидан икки манзил йироқда жойлашган Занжирсарой шахрига қараб юрди, насиб этса, ўша ерда қишни ўтказишни, шикорлар қилишни кўнглига тутди...

Қишнинг ўрталари эди, Амир Темур шикордан эндигина келиб турганди, Одилошх жалойирнинг ҳумоюн ўрау остонасини ўпишга ҳозир бўлганлиги хабарини етказдилар. Жаҳонгир Мирзо ичида, шум ният малъун энди албатта жазосини олади, деган ўйда эди, бунга заррача шубҳа қилмасди. Чунки унинг душманлиги аниқ, Амир Соҳибқирон жонига қасд қилмоқчи бўлгани осмондаги кундай равшан...

Одилошх жалойир Амир Темурга кўриниш берганда, хижолатдан бошини ердан кўтара олмас эди. У тез юриб келиб, Амир Темур оёғига йиқилди ва ўкраб йиғлаб юборди;

— Қонимдан ўтинги-и-из Амир Соҳибқиро-о-он! Мени адаштирдилар! Адаштирди-ла-а-ар!.. Бош эмас, қовоқни кўтариб юрган эканмен! Валинеъматнинг жонларига қасд қилмоқчи бўлибмен, мен лақмаю пандавақи, мен ношукр! Туз-намак кўр қилгур!..

Одилошх жалойир сўзларида ясамалик сезилмасди. У, Соҳибқирон Хўжанддан жўнаб кетганларидан бери қилган хатосини ўйлайвериб кўп азоб чекканлиги, туриш-турмушида ҳаловат бўлмаганлиги ҳақида куюниб гапирди.

Жаҳонгир Мирзо ерда юмалаб ётган Одилошх жалойирга нафрат билан қараб турар экан, ҳозир Амир Соҳибқирон, сендек бевафо иблисининг жазоси фақат ўлим, бунинг боши танидан жудо қилинсу, дейди ва елкасидан қаттиқ тегиб юборади, дея ишончи комил эди. Аммо Амир Темур тутумидан амирзода ҳайратга тушди, ичида падари бузрукворидан бироз ранжишга ҳам журъат этди... Кечиримлилик ҳам метъерида бўлиши керак шекилли... Наҳот-ки, бу одамларга шунчалар ишонмоқ мумкин бўлса?..

— Адашмоқ бандасига хос нарса... — босиқ деди Амир Темур. — Адашгонингни англагон бўлсанг, катта давлатга эришгонининг шуддир. Утган ишга салавот, деганлар. Мамаг! Одилошхга тўққизу тўққиз инъому эҳсонлар марҳамат қилинсу! Пойи қадами шарафига базми жамшид жобога этилсу!

— Бош устига, олампахо! — жавоб қилди Муҳаммад Чуроға додхоҳ ва фармонни ижро этмоққа йўналди.

Жаҳонгир Мирзо Амир Темурнинг шунчалар саховатли эканликларини авваллари ҳам кўп бор кўрган, ҳа... Амир Ҳусайн, Амир Мусоқор... Зиндачашм опариди бўлса алоҳида кисса! Беш марта гуноҳ қилса ҳам Амир Соҳибқирон, унинг бошини олинг, дорга тортинг, қатл қилинг, демадилар, балки ёнимга йўлатмангиз, ортиқ қорасини кўзимга кўрсатмангиз, дейиш билан чекландилар холос. Яхшики, бу ножинсни зиндонда бошини танидан жудо қилдилар. Амир Кайхусрав-чи? Баҳром жалойир-чи?.. Барини кечираверишдан не наф? Улар яна гуноҳга юз тутаверадилар. Барибир эл бўлишмайди. Эшакнинг боласи эшак бўлади, итнинг боласи ит...

— Валинеъмат Соҳибқирон! — таъзим бажо келтириб деди амирзода босиқ бўлишга ҳаракат қилиб, у ортиқ чидаб туролмаслигини сезди. — Сиздан яхшилик кўриб, дилга ёмонликни тутиб кетаберсалар... Ундоқ бадхоҳлар, салтанат ғанимлари жазосини қачон олура?..

Амир Темур бир муддат ерга тикилиб хаёлга чўмди. У амирзодага қандай жавоб беришни ўйларди. Соҳибқирон ниҳоят оҳиста сўзга оғиз очди:

— Амирзодам! Қиссахон Мавлоно Убайддан бир нақд тинглагон эрдим. Нўширвони Одил ҳақида... Кунлардан бир кун Нўширвони Одилга вазири Бузуржмехр, форс вилояти амири Митор хиёнат йўлига кирганини айтиб, уни тезда банди қилиш зарурлигини маслаҳат берибди... Подшоҳ рози бўлибди. Эртаси куни тахт пойига олтин курси келтириб қўйибдилар, Миторни унга ўтқазибдилар. Амирга кўп олтину зар, дуру забаржадлар инъом этишибди. Тухфа қилинган ерлар қаторида қўшимча иқтоъ майдонлари берилибди... Буружмехр барини кўриб ҳайратга тушибди ва подшоҳни холи топиб, хиёнатчига бунчалар меҳрибончилик кўргазилишининг сабабини сўрабди. Нўширвони Одил бундай жавоб қилибди: «Нечорлик ўйламайин, дунёда лутфу эҳсон бандидан мустаҳкамроқ бир бандни тополмадим, кўнгилдан бошқа нозикроқ аъзони кўрмадим... — Амир Темур бироз тин олди. — Шу сабабдан унинг вужуддаги энг нозик аъзосига энг қаттиқ бандни содим...»

— Жуда ажойиб нақд экан... Бароят ибратли...— самимий тан олди Жаҳонгир Мирзо.

— Амирзодам! Сизни тушунамен... Аммо... Ёвузга ёвуз бўлмоқ оқилнинг иши эрмас. Оқил ва донишманд киши бадният ва ёвузидил душманни ҳам лутфу эҳсон билан ўзига қарата олиши керак. Яхшиликка яхшилик қилмоқ мумкин, аммо ёмонликка яхшилик ила жавоб бериш фақат мардлар қўлидангина келадур...

— Барчаси сизнинг олий қизматингиздан бир нишонадур, валинеъмат Соҳибқирон!.. — Жаҳонгир Мирзо шоша-пиша деди. — Гуноҳроқ ўғлингизни афу этингиз.. Густоҳлик қилиб сизга шундай саволни бермакка журъат айладим. Афв этгойсиз!..

Амир Темур тахтдан тушиб юриб келди-да, суякли Жаҳонгир Мирзонинг тиниқ юзларига, сабза урган мўйлабига, бироз ҳорғин кўзларига тўймай тикилди, кейин ҳеч нарса демай оҳиста бағрига босди...

Хонзода хонимнинг қувончли кунлари яқин. Икки ойдирки, подшонинг келини Боғи Чинорда Сароймулкхоним ҳузурда яшайди. Ҳазрат Соҳибқирон хоҳишлари шундоқ бўлди: «Келинимиз ёш, иккиқатликни қандай кечиришни билмайди, оқ-қорани таниган, кўзи пишган энагалардан тайин қилингиз, огоҳ бўлсунлар!» — деди, кейин уқтирди:

— Барини ўзлари назорат этсунлар, Бибим!

— Бош устига, Амир Соҳибқирон! — эгилиб таъзим қилди Сароймулкхоним. Улар тўртинчи ошэнадаги хобхонада ёлғиз эдилар.

Нафсиламирини айтганда, Хонзода хонимнинг гумонаси борлигини билгандан кейин, Сароймулкхонимда, келиним эсон-омон юкидан бўшаб олса чақалоқни ўзим тарбия қилсам, деган ният пайдо бўлган. Ҳамма гап, буни Амир Темурга қандоқ қилиб айтишда қолган, бунга фурсат керак.

Амир Темур одат бўйича ҳафтанинг ҳар пайшанбасини Боғи Чинорда ўтказади. Пайшанба ҳар иккови учун ҳам қувончли айём ҳисобланади. Бугун ҳам шундай кунлардан бири...

Шавҳарининг бошидан олтин дубулғасини олар экан, — Амир Темур тожни фақат байрам айёмларида, элчилар келганда бўладиган қабул маросимларида кияр-ди, — кўнглидаги ниятини айтиш вақти келганини фаҳмлаган Сароймулкхоним ўтинч билан бундай деди:

— Амир Соҳибқирон ҳазратлари... Ижозат берсалар, жаҳон аҳлининг амирзодаси, нури дийдамиз ширин донасини ўзимиз тарбият этсак, катта қилсак, девдим... Ўз қўлимизда... Кўз олдимизда...

Амир Темур елкасидан заррин чопонини ечиб олаётган маҳди улёга меҳр билан тикилди. Унинг ҳам кўнглида шунга ўхшаш фикр йўқ эмасди. Қолаверса, сарой расми-русми ҳам шуни тақозо этади. Олти йил бўлди, улар, мана, эр-хотин мақомидадурлар. Амир Темур Сароймулкхонимда бирор марта ҳам гумона борлигини сезмади... Эҳ, дунёда ҳоқисор қалбнинг турбиди фарзанд юкини тўққиз ойу тўққиз кун кўтариб юришни орзу қиламайдиргон аёл бормикин? Бешик кучоқлашдан иборат уйқусиз тунларни тиламайду-ргон заифа топилармикин? Сароймулкхоним ҳам ана шундай муштипарлардан бири-да... Амир Темур шуларни ўйларкан, маҳди улёнинг илинж тўла кўзларига қаради, юраги нечундир алланимадан дорзиқиб кетди.

— Иншооло, Бибим! Набирамизни ўзингиз тарбият этурсиз!

— Оллоҳ мартабангизни буңдан ҳам сарбалаңд қилсун, Амир Соҳибқирон! — Сароймулкхонимнинг миннатдорчилиги чексиз эди.

У ёш қизлардай узун кўйлаги этакларини ҳилпиратиб, чўк тушганча, шоҳона жойга ёнбошлаган Соҳибқироннинг ўнг оёғини оҳиста уқалай бошлади. Подшо ва малика жангу жадаллар, сафарлар, давлат ишлари, кенгашу машваратлар орасидан шундай хушнуд лаҳзалар инъом этгани учун Оллоҳга шукроналар келтирар эдилар. Бундай паллаларда улар ўзларини озоду бахтиёр сезишар, подшо хонадонни, фарзандлар камоли, аҳли ҳарам ва ҳоказолар ҳақида мароқ билан сўз юритардилар.

Сароймулкхоним оппоқ майин кўллари билан уқалаганда Амир Темурнинг жони ором оларди, буни ҳар иккиси ҳам билишарди. Фурсатдан фойдаланиб маҳди улё кўнглидаги гапларини айтиб олар эди.

— Оқа Беги хоним бўй етиб қолди... Ўн еттига киради... — Сароймулкхоним Амир Темурга қаради. — Тенгини топиб тўйини қилишимиз лозим. Аввал ҳам бу ҳақда айтгон эрдим, ҳазратим...

Амир Темур катта қизининг номини эшитиб қувониб кетди. Дарров кўз олдига кўҳлик-кина, ҳалим табиат, юмшоқ кўнғил, тортинчоқ Оқа Беги хоним намоён бўлди. Жаҳонгир Мирзонинг нақ ўзи, бир қориндан талашиб тушган-да. Албатта, қизининг тўйини қилиш даркор. Султон Бахт Бегим ҳам ўн иккига кирди...

— Амир Мусо бўламининг Муҳаммадбек исмли бомаъни ўғли бор, — Соҳибқирон хаёлини бўлди малика. — Орзумулк оқа Оқа Беги хонимга оғиз очувди... Ўзимизники... Бегонамас...

— Биламен, биламен, Муҳаммадбек яхши йигит. Бўлангизнинг ўғли, Биби... — Амир Темур ушбу қуда-андачилик Амир Мусодай нуфўзли беқарор амирни турфа хиёнатлардан тияди, деган умидда эди. — Мақбул ишдир...

Амир Темур бошини кўтариб хобхонанинг рўбарўдаги деворига чизилган ўзининг кулиб турган сувратига қаради. Бу Сароймулкхонимнинг хоҳиши билан қилинган эди. «Жуда ҳам кулиб турадиргон замон эрмас... — хаёлидан кечирди у. — Жета Жеталигини¹ қилур, ҳамон тинчлик бермас.

Хоразм ёқдан ҳам тўнғмўйин Юсуф Сўфининг қайсарлик бобида кўргизаётган кароматларидан нотинч хабарлар келиб турибдир. Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав билан Маҳмудшоҳ Бухорийлар бориб уни фитналарга ундагани ундаган. Фаросат бўлса, қариндошга қўл кўтариб келаду-рму? Ахир не ниятларда қуда-андачилик изимин тутдук?... Шу икки

¹ Жета — қароқчи, дегани

музофотдан кўнглимиз тўқ бўлмас экан, чунки бу нарса мамлакат яхлитлигини таъмин этади, улуғ ниятимиз — жаҳоншумул салтанат бунёд этмак адосига кириша олмаймиз. Энг аввал — мамлакат бирлиги, яхлитлиги, кейин — ниятларга йўл очилур, лекин йўл тезроқ очилмоғи керак! Жаҳонда битта подшо бўлмоғи керак, шундагина халқлар, улусу авом тинч ва бахтли яшай олулар!..»

Соҳибқирон Сароймулкхонимни, ёнимга келингиз, дегандай сирли имлади. Кўнгидаги бир ниятнинг ризолигига эришган маҳди улё, ишини битириб олгач, энди ноз қилишга ўтди:

— Йўқ... ёнингизга Дилшод оқа борсун... Кейинги вақтлар Боғи Зоғондан бери келмай қўйдингиз... Кун тугдими, дейман...

— Бу кун кўнглим Боғи Чинор малагини тилайдур...

— Давлат юмушлари деб малагингизни фаромуш айладингиз...

Амир Темур маҳди улёнинг тезроқ ёнига келишини истарди. Сароймулкхоним бунни сезиб турарди. Ена бошлаган ўтни ўчирмоққа пуфлаганларида баттар оловлангандек, Сароймулкхоним нози ҳам Турон султонининг эҳтиросини сўндирмади, балки ортиқ жўш урдириб юборди... Маҳди улё бағоят фаросатли аёл эди, нознинг ҳам ози ширин, ақидасини маҳкам тутарди.

— Сиз монанди йўқ фариштамсиз, ҳарамимнинг безаги, гули!

Сароймулкхоним эриди... Ўзи ҳам алақачон Амир Темур кучоғига отилишга тайёр эди-ю, аммо сир бой бергиси келмасди.

— Шундоқми, ҳазратим?..

Сароймулкхоним липиллаб турган шамни ўчирди. Интиққан Амир Темур ипак кўйлактаги маликани кучоғига олар экан, эҳтиросли шивирлади:

— Бибижоним...

II

Саройнинг энага эгачиси тўрт канизак билан Хонзода хонимнинг атрофида парвоналардай чарх уришади. Сароймулкхоним ҳар гал келинининг биринчи ошёнадаги хонасига кирганда энагалар ё эртақ сўзлашаётган ёки ашула айтиб маликани хушнуд этишаётган бўлардилар. Одатда иккиқат аёларда бўлиб турадигандек, Хонзода хоним кундузлари ётиб ухлашга майл кўргазса, холи қўйишмас, ҳар хил баҳоналар билан жойидан турғизишар, боғ сайрига олиб чиқишарди.

Бошқоронгликни оғир кечираётган малика кейинги пайтларда тез-тез инжиқлик қиладиган одат чиқарди. Кўнгли нимани тиласа, ўша нарса муҳайё эди. У турли нарсаларга бошқоронғи бўларди, каклик гўшти, кийик сути, қовун хамаги, анор шарбати, дейсизми... Мезон ўтиб бормоқда, маликанинг кўнгли бўлса довуччани тусаб қолибди... Қатвон мавзеидаги ўрикзорлардан қидириб юришиб зўрға дуварақ довуччадан топиб келдилар.

Сароймулкхоним энага эгачини бир четга тортиб сўради:

— Ҳаракати қандоқ, эгачи? Юриш-туриши оғирми, енгил?..

Хушбичим энага эгачи маҳди улёни тушунди. Хонзода хонимнинг хатти-ҳаракатига боқиб, подшолик гулшанининг бўлажак гули ўғилми, қиз эканлигини билмоқчи Сароймулкхоним...

— Оллоҳга шукур, хонимойим, енгил, енгил! — жилмайганча жавоб берди энага эгачи. — Маликамнинг хатти-ҳаракатлари енгил, денг... Иншоолло, ўғил бўлур, ўғил!..

— Тилингизга асал! — Сароймулкхоним энагага ақчали ёнчиқ узатди.

— Қуллуқ, хонимойим, қуллуқ! Умрингизни Оллоҳ зиёда қилсун!

Энагалардан ҳам кўра Оққизнинг ташвиши кўп. Уйноқи кўзли, тикмачоққина Оққиз маликасидан бир қадам ҳам нари жилмас, кечаю кундузни бўлмада бирга ўтказишади.

— Бир чиройингизга ўн чирой қўшилиб кетяпти, маликам! — деди Оққиз Хонзода хонимнинг доғлардан тозариб, тиниқлашиб бораётган чеҳрасига боқаркан.

— Вуй, Оқ... Ҳазиллашасен... Тоза хунутим чиқиб кетяпти-ку! Одамга менгзамай қолдим. Юрсам, лапанглайман... Қоннимни қара... — астойдил ўз аҳволидан ёзғирар эди Хонзода хоним. — Бир бадбашара маҳлуқнинг нақ ўзимен. Ҳеч бундай бўлмаганмен... Ҳали амирзодам Хоразм сафаридан келсалар, маликасини танимай қолсалар ҳам мумкин...

Оққиз оппоқ тишларини кўрсатиб роҳат қилиб қулди:

— Қўрқмангиз, маликам! Амирзодам сизни мингтасининг ичидан ҳам таниб ажратиб оладилар...

Оққизнинг қизиқчилиги тутиб кетди: Хонзода хонимнинг дўппайган қорнига қулоғини қўйди-да, шивирлади:

— Ҳозир... бир сўзлашиб олай полвон йигит билан... Омонмисиз, эсонмисиз?.. Ана, ана, мурғак юракчаси уриб турибди... Эшитяпман... Ҳа... Ана... Вой! — қичқириб юборди бирдан Оққиз. — Қулоғимга оёғчаси билан тепди-ку! Қулоғимга бир тепди! Вой, қулоғим!... — ҳавосат қила бошлади Оққиз ерда юмалаганча.

Мароқ билан қулиш навбати энди Хонзода хонимга етди:

— Ана, жазонгни олдингму? Ажаб қилдим! Хо-хо-хо!... Кимсанинг сўзига нега қулоқ соласен?..

Оққиз ўрнидан туриб Хонзода хонимга қувонч билан деди:

— Маликам, жуда шўхи чиқиб кетяпти полвон йигитни!..

— Полвон йигитмикин-а, Оқ...

— Бўлмасам-чи! Вой, бирам питир-питир қиладики!.. Тагин бир ой бор-да... Ишқи-либ, Оллоҳнинг ўзи ёруғлик берсин!

Хонзода хонимни негадир маънослик чулғаб олди:

— Айтганинг келсин-да, Оқ... Ҳар хил тушлар кўрамен...

III

Амир Темури лашкари Хоразм сари илгарилаб бораркан, Кот шаҳридан ўтиб Хос мавзеига етганда нафас ростлади. Хоразмшоҳ Юсуф Сўфининг Кот, Хевак, Бухоро шаҳарларига такрор босқинлар уюштирганидан сабр косаси тўлган Амир Темурни яна сафарга чиқишга мажбур қилди...

Самарқанддан энди жўнай деб турганларида Амир Темури хузурига Хўжаанда хиёнат қилмоқчи бўлган Шайх Муҳаммад Баён сулдузни тутиб келдилар. Амир Темури унинг отаси Амир Баён сулдуз билан яхши муомалада бўлган, неча бор Ҳисори шодмонга меҳмонга борган. Қолаверса, Шайх Муҳаммад Баён сулдуз ишончи, босиқ, садоқатли бир йигит эди, аммо сўнгги пайтларда шайтон йўлдан оздириб бадниятларга қўшилиб қолди.

— Валинеъмат Соҳибқирон! Шу ондаёқ қатл этмак лозим бу сотқинни! Шунга лойиқдир бу кўрнамак! — алам билан деди Жаҳонгир Мирзо. Унинг назарида, бу гал энди у рад қилиб бўлмайдиган далилларга эга эди. Амир Темурнинг босиқлиги уни, нечанчи бор билмайди, ҳайратга солди.

— Амирзодам, — жавоб қилди Амир Темури. — Аввал унинг гуноҳлари бўйнига қўйилсун! Билмасдан, бир бегуноҳга жазо бериб қўймайлик. Худо кечирмайди. Тафтиш қилинсун!

Вожаб! Бу бадбахтнинг айби шундоқ бўйнида-ку! Кўриниб турибди-ку! Ўзгандда ҳам Амир Темурни ўлдирайлик, деб Одишоҳ жалойирга қутқу солган шу-ку! Хўжаандаги кирдикори бунинг исботи-ку! Тафтишнинг ҳожати йўқ эди зинҳор!..

Кўнглида шундай фикрлар гўжон ўйнаса-да, амирзода ташига чиқармади.

Тафтиш ғаройиб натижалар берди. Шайх Муҳаммад Баён сулдузнинг нафақат Хўжаанда Одишоҳ жалойир уйида, балки аввалроқ Қаршида, Ҳисори шодмонда, Тошкентда ҳам салтанатга хиёнат қилишга уринганлари очилиб қолди. Хумоюн ўраудан келган фармони олийга кўра, гуноҳкор Шодравон найман кўлига топширилди. Гап шундаки, бир пайтлар Шайх Муҳаммад Баён сулдуз мазкур амирнинг огасини қатл этдирганди. Шодравон найман гуноҳкор қонидан ўтиши, эвазига зару марварид, дуру забаржад олиши ҳам мумкин эди, бироқ қасоскор амир фақат Шайх Муҳаммад Баён сулдузнинг ширин жонини тилади — хун талаб қилди ва ёсоққа етказди...

Хос! мавзеида шиддатли қўшинга дам берилди. Отларни эгар-жабуқдан бўшатишиб салт қилиб қўйиб юбордилар. Сипоҳлар «Оллоҳга шукур!» дея ҳордиқ олишга шайландилар. Ҳамма фароғатга мойил эди. Амир Темури Жаҳонгир Мирзо, амирул умаро Амир Жоку барлослар билан тепаликдаги саропара ичида суҳбатлашиб ўлтиришарди. Кутилмаганда Муҳаммад Чуроға додхоқ кириб, Самарқанди фирдавсмонанддан чопар бўлиб Жаҳоншоҳ ибн Жоку келганлиги хабарини етказди.

— Самарқанд ҳокими Амир Оқбуго найман жаноблари йўллабдилар.

— Айт, кирсун!

Амир Темури кўнглига сал хижиллик соя ташлади. «Нечун чопар юборадур? Ишқи-либ, юрт тинч бўлсин-да...» — деган сўзлар кечди унинг хаёлидан.

Жаҳоншоҳ ибн Жоку Соҳибқиронни тавоф қилиб ортига чекингач, бундай арзадошт қилди:

— Амир Соҳибқирон! Жета сори Қамариддин қамал қилишга юборилгон амирлар Сорибуго билан Одишоҳ жалойирлар шайтони латыннинг сўзига киришиб йўлдан тойдилар, салтанатга қарши исёнга бел боғладилар. Кўрдиларки, мамлакат холи, Андижон вилояти доруғаси Ҳамидни чалғитишиб, жалойиру қипчоқ бир бўлишиб пойтахт устига юрдилар, кўрғонни муҳосара қилдилар. Шаҳар аҳли ўқ-ёй бирла ғаддор душманни яқинлашишга қўймади...

— Ҳозир туз кўр қилгурлар қаерда?.. — соқол учини эзгилашга тушди Амир Темури. Хиёнатчи жалойир амирлари уни Жаҳонгир Мирзо олдидан яна хижолатда қолдирибдилар-да...

— Самарқандга кира олишмагач, Бухоро томон йўналдилар...

«Ҳа, фитначилар бошни бир жойга бирлаштирмакчилар... Маҳмудшоҳ Бухорий бор-ку... — деб ўйлади Амир Жоку барлос, у ҳали ўғли билан сўраша олмади ҳам. — Бир пайт уни қилмиши учун отнинг думига боғлаб сазойи қилдиргандим. Ўша пайт бу нокасни қатл эттирмоқчи бўлдим, вале Амир Соҳибқирон розилик бермадилар...»

Жаҳонгир Мирзо бу хабарни эшитиб лол қолди. Оҳ, жалойир, жалойир! Ўтган қишда Одишоҳ жалойирнинг Занжирсаройга келиб, Хўжаанда қилган хиёнати учун ер ўпиб йиғлаб авф сўрашлари, надомат чекишлари... ҳаммаси нутилиб кетибди-да! Ҳали ярим йил бўлмади-я! Ҳа, эшакнинг боласи эшак бўлади, итнинг боласи ит... Амирзоданинг соқол учини вижимлаб хаёлга чўмиб ўлтирган падари бузрукворига жуда ҳам раҳми келиб

¹ Хос — Кот (ҳозирги Беруний)дан ўттиз км масофадаги кент.

кетди. Афсус, ҳай афсус! Мана шу ел ҳам суяна олмайдиган ножинсу нокасларга ишониб келдилар-а Амир Соҳибқирон! Қуруқ оғочни экиб япроқ ёздиримоқчилар, тош устида гул ўстирмоқчилар-а валинеъмат Соҳибқирон! Энди ҳозир, мана кўрдингизми, эй падарни бузруквор, мен ҳақ бўлиб чиқдим, ўша Хўжандаёқ Одилшоҳнинг жазосини бериш лозим эди, деса бўлаверади!

Жаҳонгир Мирзо ўрнидан турди-да, қўлини кўксига қўйиб Амир Темурга сўз қотмоқча чорланди, ажабо, ичида қайнаб турган гаплардан эмас, мутлақо бошқа нарсадан гап очди:

— Валинеъмат Соҳибқирон!.. Агар ҳумоюн ўрдудан изн берилса, мен қўшиним билан манглай бўлиб аввалроқ йўлга чиқсам, Одилшоҳнинг қўшини Бухорога қадам қўйиб улгурмай йўлда рўбарў келсам... Бадният ножинсларнинг бир-бирига қўшилиб кучайиб олишларига йўл қўйиб бўлмас, деган фикрдамен...

Амир Темур Жаҳонгир Мирзога, худди уни илк бор кўриб тураётгандай алфозда элт этиб қаради. Ўғлининг ранг-рўйини бироз оқаргандай кўрган Соҳибқирон буни душманлар кирдикоридан ғазабланишга йўйди... Нечоғлик оқил фарзанд бўлиб вояга етди Жаҳонгир Мирзо! Ўтган гапларни ҳеч оғизга олмай туриб, — падарни бузрукворини хижолат қилиб кўяди-да! — вазиятдан чиқиш йўлини излаш билан банд! Амир Темурнинг ўзи ҳам худди шу чорани кўлламоқчи — яъни Жаҳонгир Мирзони манглай юбориб, муҳолифатни тўхтатиб турмоқчи, сўнг ортидан ўзи етиб бормоқчи бўлиб турувди. Ўғлининг тутумидан кўнглидаги ғашлик йўқолгандай бўлди, ғазаб томирлари бушади.

Амир Жоку барлос амирзода сўзларини маъқуллади:

— Жаҳонгир Мирзо бағоят адолатли йўлни танладилар, Амир Соҳибқирон!

— Ҳумоюн ўрдудан изн берилур! Борингиз, ул ражирчи бадбахт қулоқсизлар таъзини берингиз! — қатъий деди Амир Темур. — Инояти раббонийнинг ўзи сақласун, амирзодам!

Жаҳонгир Мирзонинг қўшини Кармана мавзеида муҳолифат йўлини тўсиб чиқди. Бу пайт ҳумоюн ўрау ҳам Работи Малик мавзеига етиб келди. Одилшоҳ билан Амир Сорибуо жалойир чекинишиб, Дашти Қипчоқ томон қочишга юз тутдилар...

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Амир Темур қўшини Самарқандга келиб тушганидан сўнг, ҳумоюн ўрдудан чиққан биринчи фармони олий аъёнлару раиятни ҳайрон қолдирмади. Фармонга кўра, бир неча бор салтанатга хиёнат кўрғазганлиги боис жалойир улуси тарқатиб юборилди ва нуфузли беку амирларга тақсимлаб берилди. Орадан кўп вақт ўтмай, Андижондан ташвишли хабар келди. Одилшоҳ жалойир билан Амир Сорибуо жалойир васвасасига учиб қайсар Қамариддин Андижонга юриш қилиб, хароб этибдир... Шу кунларда Андижонда кайфу сафо гаштини суриб ётганимиш... Дарҳол шошилишч машварат чақирилди. Муҳаммад Чурога додҳоҳ ҳам шу ерда эди.

— Жанобингизнинг хиёнаткор жалойир улусию маккор Қамариддиндан бошқа юмуши йўқму эркан? — сўради оҳиста Соҳибқирон машварат аҳлидан. — Шундоқ бадкорлар билан ўралашганимиз-ўралашган... Юртимизнинг гўзал бир пучмоғида фаним эмин-эркин юрган бўлса, биз пойтахтда қандоқ хотиржам ўлтирадурбиз? Душман Андижонда, Андижон ҳокими Умаршайх Мирзо бўлса ўш тоғларида сарсон-саргардон...

Амир Темур оҳиста гапирса ҳам, унинг овозида бўлажак қалдироқлар садоси яширин эди. Бир лаҳза жимлик чўқди. Машваратнинг бундоқ бошланишидан ҳамма ўзини алланечук сезар, бўлиб ўтган ишда ҳар ким ўзини айбдордек ҳис этарди.

Амир Сайфиддин некўз Суюрғатмишхоннинг унга тикилиб турганини кўрди, илтижо тўла кўзлар, бирон нарса деб юборинг, деяётгандек бўларди.

— Салтанат бир заррин либосдирки, Олоҳ уни суйган бандасига раво кўрадир... — Амир Сайфиддин некўз сўзга оғиз очди. — Хўш... ул беоқибат беандишалар бадбахтлик оёғини ғирромлик майдонига қўйибдур. Англаш мушкулки, қандоқ қилиб қатра уммонга тенглашгай? Синчалак қарчиғайга чанг солгай? Бас, подшо сиёсат қилмагунча мамлакат тузалмас! Сиёсатингиз зарурдир, Амир Соҳибқирон!

— Бу қирчанғини авф этсунлар, Ҳазрат Соҳибқирон! Баронғорни ўзим бошқарсам, Одилшоҳ жалойир кирдикорини жанобингизга тобшургайсиз... — қатъий деди Амир Жоку барлос, унинг жалойирлар тутумидан қаттиқ ғазаблангани бурнини иккига ажратиб қўйган қилич изининг оқариб кетганидан билиниб турарди.

Сўнгра гулдаираб Амир Довуд дуғлат қўшилди:

— Амир Соҳибқирон, мен жавонғорни олсам, қўшним билан бориб, ўша ўзини хўроз фаҳмлаётган Қамариддинни бир патини юлиб қайтсам...

— Амир Сорибуо жалойир жанобингизга тан, Амир Соҳибқирон! — Суюрғатмишхон ҳам бир четда қараб турмади...

Амирлар ҳар бир сўзловчини маъқуллаб муносабат билдирар эдилар.

— Ташаққуришни қабул этингиз, жаноблар! — Амир Темур бироз ўйланиб тургач, давом этди: — Жетага юришлар борасида кўп хатоликлар бўлди, барчаси жанобингиз айбидур! Биладель...

Амирлар ялт этиб бир-бирларига қарадилар.

— Зинҳор, Амир Соҳибқирон, зинҳор! — эътироз билдирди Амир Довуд дуғлат

гулдираб, босиқ оҳангда. — Барчасига ўша макиён мизож Қамариддиннинг иғвоси сабаб-дур. Афсуслар бўлсинким, ул бадбахт дуғлат умоқидан эмиш... Сизнинг асло айбингиз йўк!

— Йўқ, айбингиз йўқ! Тушундик!.. — маъқуллади шу пайтгача жим ўтирган Амир Мусо.

«Ҳа, сизнинг айбингиз бор, Амир Соҳибқирон! — деди ичида ўзига-ўзи Муҳаммад Чуроға додхоҳ. — Сизнинг айбингиз ҳар гуноҳкор бандага ишониб кетаверишдадир...» Аммо у сўзга қўшилмади.

— Жетага юришлар борасида кўп хатоликлар бўлди, барчаси жанобингизнинг айби-дур... — деди яна босиқ Амир Темур. — Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил, дейдилар. Бир марта бориладургон юмушга, мана бешинчи марта уриниб турибмиз. Турон салтанати учун бу кечирарли ҳол эрмас... Сўзлайман десанг сўз кўп, фурсат эса оз. Зудлик билан Андижонга отланмак зарурдир! Амир Сайфиддин некўз жаноблари, қачон йўлга чиқиши-мизга маслаҳат берадилар?

Нужум ва рамал илмларидан хабари бор Амир Сайфиддин некўз одатдагидек бир томоқ қириб қўйди-да, деди:

— Хўш... Чаҳоршанба куни йўлга чиқилса мақбулдир. Чаҳоршанба куни чошгоҳ бағоят қутлуғ соатдур, Амир Соҳибқирон!

— Қутлуғ соатдур!

— Қутлуғ соатдур! — деган овозлар янгради.

— Амир Жоку жаноблари! Чаҳоршанба кунига сафар жабдуқлари шай қилинсон! Черик жам бўлсон!

Амир Темур қайсар Қамариддинни бир ёқли қилишга астойдил бел боғлаш зарурати англади. Буни адо этмай туриб жаҳонгирлик ниятини амалга ошириш мумкин эмас! Қатъият зарур, қатъият, қатъият!

Соҳибқироннинг шундоқ боши қотиб турганда, мулозим Боғи Нақши жаҳондан шо-шилинич чопар келганлигини хабар қилди. Ҳумоюн ўрауга Жаҳонгир Мирзонинг ўнбоши-си Ахий Жаббор баҳодир кириб келди ва юкунчи бориб Амир Темур пойини ўпди. Амир Темур ҳаллослаб келган чопарга назар ташлади, чопар чеҳраси фавқулодда ташвишли эди. «Не ҳол юз бердийкин? Келини Хонзода хонимнинг кўзи ёридимикин? Оллоҳ таоло қандай ҳиммат кўргизди эркан? Жаҳон устуну бўлажак ўғил ато этдими? Олам маликаси деса арзирлик ожиза ҳада қилдими? Суяюнчини Амир Соҳибқирондан тезроқ олайин деб ҳаприқиб келган кўринадир бу чопар...» — деб ўйлади Амир Темур, қўли эса беихтиёр ёнчигига чўзилди...

— Бир қошиқ қонимдан кечсунлар, Амир Соҳибқирон... — деди Ахий Жаббор баҳодир.

— Кечдум...

— Олам аҳлининг амирзодаси валиаҳд шаҳзода Жаҳонгир Мирзо жаноблари нога-ҳонда хасталиниб қолдилар... Азиз бошларини ёстиқдан ололмайдилар...

Ҳамма бу янгиликдан ҳайратланиб бир-бирларига қаради.

Амир Темур қотиб қолди, аммо ҳаяжонини ташига чиқармади. Кўзининг нури, қал-бининг сурури, салтанат боғининг гули, суюкли фарзанди Жаҳонгир Мирзо хасталикка қалинибди... Неча кундирки, Амир Темурнинг юраги гаш эди, шунинг аломати экан-да. Ҳали Хос мавзеида турганларидаяёқ, ўғли мухолифат қўшинини қарши олмақ учун Бухоро томонга отланганида амирзода рангининг оқариб кетганига диққат қилганди. На чора, аяган кўзга чўп тушар, деганларидай, амирзоданинг тез-тез тоби қочиб туради. Амир Темур сезади, хасталиниб турганига қарамай, амирзода сафлардан қолишни ўзига эп кўрмайди. Ҳамиша падали бузруквори ёнида бўлишга интилади. Жетага қилинган тўрт юришнинг барида иштирок этган, бешинчисидан ҳам, шубҳасиз, қолмас эди-ку, боши ёстиққа тегиб қолибди...

Амир Темур аёнлар кузатувида Боғи Нақши жаҳонга борар экан, ана шуларни хаёлидан ўтказар эди. Боға Қутлуғ Туркон оқа, Ширин бикалар билан ҳарам канизақлари жам эдилар. Амир Темурнинг кўзлари Сароймулкхонимни қидирди, шу ондаёқ улар Хон-зода хоним иккиси Боғи Чинорда эканликлари ёдига тушди. Ҳа, Жаҳонгир Мирзонинг хасталигини Боғи Чинордагиларга билдирмаслик керак, бутун-эрта кўзи ёрийдиган кели-нини шавҳари ҳақидаги нохуш хабарлардан асраб туриш мақбулдир. Буни Амир Довуд дуғлатга тайинламак даркор...

Жаҳонгир Мирзо бўлмасига кирганда Амир Темур амирзоданинг бир маромда нафас олиб ухлаётганини кўрди. Ранги ўшандоқ оппоқ... Ёнида Мир Сайид Барака ўлтирар, Қутлуғ Туркон оқа пири муршидан амирзодани бир ўқиб қўйишни ўтинганди. Хос табиб Намозхўжа Шоший ҳар хил дори-дармон тайёрлаш билан банд. Бир кўп салтанат табиб-лари ҳам шу ерда хос табибга кўмак бериш билан овора эдилар.

Ҳамма Амир Темурга йўл берди. У эгилиб Жаҳонгир Мирзо манглайига лаб қўйди, манглайи илиқ тердан нам эди. Қўлларини ушлар экан, негаҳон Намозхўжа Шошийга назари тушиб қолди. Хос табиб қандоқ қилиб Амир Соҳибқиронни огоҳлантиришни билмай турган экан.

— Афв этсунлар, ҳазрат Соҳибқирон... — қарийб пичирлаб сўз бошлади Намозхўжа Шоший. — Амирзодам безовта бўлмасликлари, жойларидан қимирламасликлари шарт, тун бўйи мижжа қоқмадилар, хайрият, бўҳрон ўтди... Яқиндагина уйкуга кетдилар...

— Нима бўлибдир ўзи?... — сўради юраги беҳол увалган падали бузруквор.

— Амирзодамнинг аъзои баданларидан бирдан бодроқ-бодроқ тер чиқиб кетди... Томир уришлари тезлашди, нафас олишлари ҳам. Кучли ташналик пайдо бўлди, салқин ҳаво унга хуш ёқаяпти. Фикри ожизимча, муборак юракларида бироз қувватсизлик бор... Тагин билгувчи Оллоҳнинг ўзидир. Иншоолло, шифо топгувсидурлар!..

Ҳолсиз ётган Жаҳонгир Мирзога тикиларкан, Амир Темурнинг юраклари эзилди, кўзларига ёш қуйилиб кела бошлади, аммо фавқулодда бир шижоат билан кўз ёшини тийиб қолди.

— Ҳақ субҳонаҳу таоло парвардигор дорухонасидан бир шифойи каромат етказсун, илоҳо! — қўлини дуога очди Мир Саййид Барака. — Омин!

— Шифо берсун, илоҳо! Омин! — дуо қилди ҳамма.

Ҳа, дорилфанодаги ҳар бир қадам бандаси учун улкан синов... Оқил банда синовлардан моҳирона тадбир билан ўта олмоғи шарт. Амир Темур ҳам не-не синовлардан ўтмади, бари учун парвардигор эгамга шукурлар қилади. Мана, Турон султони ҳозир ҳам уч ўт — уч синов! — ўртасида... Суюкли фарзанди Жаҳонгир Мирзо ногаҳонда бетобланиб қолди, юраги қувватсизроқ эмиш. Вожаб... Йигирма ёшга тўлмай навқирон йигитнинг ҳам юраги қувватсиз бўладими?... Амир Темур бу ёшда икки тоғни бир-бирига уриштиришга қодир, шижоати жаҳонга сифмас йигит эди... Ҳай, афсус! Шундай бир ҳолатда, суюкли келини, келиним эмас, қизимсан, деган Хонзода хонимнинг ой-куни етиб турибди, ё бугун кўзи ёрийди, ё эрта... Келиним жумла мўминлар қаторида соғ-саломат кутулиб олсин, деб кечаю кундуз парвардигорга илтижо қилади. Чунки бу биринчи набира бўлади, биринчи набира! Қарангки, иккинчи келини, Жаҳонгир Мирзонинг яна бир завжаси Бахт Мулк оқа ҳам овирбўй! Бас, Амир Темур Кўрагоннинг Самарқанддан бир қадам ҳам нарига жилмасликлари шарт! Аммо шу палла Ватанга душман бостириб кирган, ёт оёқлар она тупроқни топтаб юрибди, буни кўриб қайси мард тинч қараб турар экан? Ким-ким, аммо Амир Темур бунга чидай олмайди! Зинҳор! Хўш, қандай йўлни тутмоқ лозим? Самарқандда қолсинми, душман ёққа отлансинми?... Қандай қарорга тўхталсун?... У Жаҳонгир Мирзога қаради — амирзода ўшандай бир маромда нафас олганча ухлар эди. Кейин келинларини ўйлади... Лекин шу палла бирдан кўз олдида Қамаридининг одамларининг Андижонда кайфу сафо қилиб юрганлари жонланди... Фавқулодда келган ғазабдан кўзларига қон қуюла бошлади! Ёт оёқлар она тупроқни топтаб юрибди... Ватан баридан муқаддас! Ундан ёғий изини қириб ташлаш керак. Ҳа, душман изини қириб ташлаш керак! Жетага юриш қилиш зарур! Жетага! Жетага!..

Чоршанба куни Турон султони Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийлари батоб Жаҳонгир Мирзони табибларга, табибларни эса Оллоҳга топшириб, катта қўшин бошида Самарқанддан жўнаб кетди.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

I

Боғи Нақши жаҳондаги сўнги воқеаларни Боғи Чинордагиларга табиийки, билдирмадилар.

Амир Темур сафардан олдин Боғи Чинорга бориб Сароймулкхоним билан кўришди, вазият танглигини, тез фурсатларда қайтиб келажагини айтиб, уларга тинчлик-омонлик тилади. Хонзода хоним аҳволи рухиясини сўраб-суриштирди ва хушёр туришни уқтирди. Аммо хижолатга қўймаслик учун келини билан кўришишдан ўзини тийди. Фақат: «Оллоҳ ўз паноҳида асрасун!» — дер экан, юраги бир қалқиб қўйди...

Хонзода хонимнинг ҳаракатлари тобора мушкуллашиб борарди. Ўлтирса туриши қийин, турса ўлтириши... Энага эгачи билан тўрт канизак маликани бир нафас ҳам кўздан қочиришмайди. Кечадан бошлаб саройнинг доя хотини ҳам бир неча кайвонлар билан етиб келишди.

Маликалар боғ сайрини яхши кўришарди. Хонзода хоним Оққиз кўмагида Сароймулкхоним етагида канизаклар қуршовида ҳар куни боғни бир айлиб чиқади. Ҳозир ҳам тош терилган йўлакдан оҳиста юриб борар экан, ой-куни яқин қолганини сезарди. Юкли бўлганидан бери неча ой ўтди ўзи?... Малика қачондан бошқоронғи бўла бошлаганини эслашга уринди. Тўйларидан кейин бир йилга яқин бўйида бўлган-бўлмаганини билмади. Мезон ойимиди, ақрабмиди, ишқилиб куз ойлари эди, оғзи бемаза бўлиб, кўнгли нордон нарсаларни тусаб қолди. Агар мезон бўлса, шунга тўққиз ой бўлди, ақраб бўлса — саккиз ой...

Саратон офтобидан баҳра олиб, шигил-шигил мева қилган ўрик, шафтоли ва узумлар боққа ажабтовур кўрку чирой бахшида ётган. Хонзода хонимга, айниқса, чорчаман жуда ёқади. Анорзорни оралаб шафтолизорга ўтилади, ундан нокзорга, беҳизорга... Кейин боғнинг ўртасида, қасрнинг шундоқ рўбарасида таги феруза лаппакчалар билан қопланган, ҳаммиша зилол сувга лим-лим оқиб турадиган каттагина ҳовуз бўйида бир лаҳза ўлтириб ҳордиқ олишади. Зилол сувга термилиб ўлтириш — маликага дунё фароғатлардан бири бўлиб туюлади. Наридаги яшнаб ётган гулбоғчалар ҳам кўзни қувнатади. Гулбоғчалар орасидаги қирмизи қум ташланган йўлдан қаралса, заррин пештоқи офтоб нурида ярақ-ярақ қилган гўзал қаср бутун салобати билан намоён бўлади. Қаср ёнидаги икки чинор эса, боғнинг номи биздан олинган, бизнинг шарафимизга қўйилган, дегандай кўкка бўй чўзган...

Хонзода хоним ҳар сафар боғ сайрига чиққанда ҳовуз бўйида туриб, қасрга, чинорларга ҳавас билан боқади. Унг томондаги чинор адл қомат, осмонни қамраб олмоқчи бўлгандай бир алфозда тарвақайлаб ўсаётир, ана, чап томондаги шохи қаср деворига ҳам етиб қолибди. Аммо чапдаги чинорнинг ўсиши суст. Жаҳонгир Мирзо, ўнг тарафдаги чинор — валинеъмат Соҳибқирон, чапдагиси боласи, деб ўхшатган экан бир марта нечундир. Буни Хонзода хоним Сароймулкхонимдан эшитганди. Чапдаги чинор қайси боласи экан, деб ўйлаганди ўшанда Хонзода хоним, Жаҳонгир Мирзоми?..

— Ота-бола чинорлар! — деганди Сароймулкхоним.

— Ота-бола чинорлар!.. — такрорлаганди Хонзода хоним ғурур билан.

* * *

Амир Темурнинг лак-лак қўшини келаётганини эшитгач, «макиён мизож» Қамариддин Андижонни ташлаб қочди, Отбоши мавзеида турган эли ва уйини шитоб кўчиришга буюрди. Амир Темур Умаршайх Мирзони Андижонга келтириб қўйди, ўзи от бошини Отбоши томон бурди.

Арпа Ёзи водийсига келишган куни машварат чақирилди. Амир Темур нуфузли амирлар Амир Улжайту, Амир Мусо, Аббос баҳодир, Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Ҳинду Қарқара қипчоқ ва Амир Халиллар билан бирга қандай йўл тутиш, қандай қилиб Қамариддинни мағлуб этиб қўлга киритиш чоралари ҳақида кенгашди.

— Ул баҳодирнинг жони танида экан, жонбозлик қилмоқ ҳавасидан тийила олмайду, Амир Соҳибқирон... — деди Амир Улжайту. — Ҳавас экан-да... Ул маккор ҳали кўп овора қилур, ҳа...

— Пир урганни қувиб тутиб кейин қайтиш керак! У ҳамиша шундай қочиб кетаверади! — деди қатъий паканадан келган, миқти, юзлари мўндидай қора Ҳинду Қарқара қипчоқ.

— Қувиб тутиш керак, кейин қайтиш керак! — қўллаб-қувватлади Ҳинду Қарқара қипчоқни Жаҳоншоҳ ибн Жоку, яғни учли, бурни суйридан келган амир, Амир Жоку барлоснинг ўғли.

Аббос баҳодирнинг фикри эса бошқача эди:

— Маккор Қамариддинни қувиб бормак яхши... Аммо, Амир Соҳибқирон, шу ердан ортга қайтганимиз маъқулроқ... Бунга икки сабаб бор. Биринчидан, босқинчини юртдан қувиб чиқардик, сачқоннинг ини минг танга бўлиб қочиб қолди, иккинчидан, душман айёр ва қув, тоғларнинг ҳар қавак-қандикларию чўlining ҳар пучмоғини яхши билади, уни узоқ излашга тўғри келади, фурсат кетади...

Амир Темур катта-катта кўзларини сўзлагувчига тикаркан, узун қўли билан янги киртишланган қоп-қора бежирим соқолини силай бошлади. У Аббос баҳодир ниятини тушунди. Баҳодир Амир Соҳибқиронни аяётир, Самарқандда валиаҳд Жаҳонгир Мирзо бетоб ҳолда қолган, шундан кўнгилар алағда, бунинг устига Хонзода хоним оғирбўй... Шукурким, юрт поклаңди, фаним изи қирилди, қайтсак бўлар, демоқчи...

Шу палла Муҳаммад Чуроға додхоҳ машварат давом этаётганига қарамай, ҳумоюн ўрдуга қариб келди:

— Суюнчи берсунлар, Амир Соҳибқирон! Самарқанддан чопар келди!

— Суюнчи? Нимага суюнчи?... — деган овозлар янгради атрофдан.

Остонада чопар Шодравон найман кўринди. У Амир Темурни тавоф айлагач, ортга чекинди-да, деди:

— Самарқанддан қутлуғ хушxabар олиб келдим! Пойтахтда шодиёна авжида. Подшолик бўстонида бир гул юз очибду! Ҳурматлари сарбалаңд шаҳзода Жаҳонгир Мирзонинг завжалари Хонзода хоним Оллоҳнинг чексиз инояти ила подшо хонадонига сухсурдай бир ўғил ҳада этибдулар! Муборак бўлсун, Амир Соҳибқирон!

Ҳамма хурсанд бўлиб кетди. Амир Улжайтудан тортиб барча амирлар Амир Темурни қутлашга тушдилар:

— Муборак бўлсун!

— Валиаҳдининг қадами қутлуғ келсун, илоё!

— Умри билан берган бўлсун!

Муҳаммад Чуроға додхоҳ деди:

— Валиаҳдга қутлуғ исм қўйиб берар эмишсиз... Маҳди улё илтимослари шундоқ бўлибдир.

Амир Темур ҳаммага мамнуният билан боқар, томоғига тиқилиб келган бир нарса сўз дейишга қўймас, «қуллуқ!», «қуллуқ!..» дегандай бош ирғиб қўярди холос...

— Валиаҳд... ҳа-ҳа... валиаҳд туғилибди, валиаҳд! — дея олди ниҳоят Амир Темур ва кўнглидан: «Келажақда у Амир Темурнинг не машаққатлар билан бунёд этган салтанатини бошқаради, Турон султони бўлади, бас, унинг исми ҳам Муҳаммад Султон, деб аталсун!» деган сўзлар кечди. Агар ўғил туғилса, шундай исм қўйишни кўпдан ўйлаб юрарди, шукурким, ниятига етди. У жамоага мурожаат қилиб деди:

— Валиаҳд исмини... Муҳаммад Султон деб қўйдуқ!..

Ҳар томондан шодлик овозлари, «Муҳаммад Султон!», «Муҳаммад Султон!», «Қутлуғ бўлсун!» деган садолар эшитилди.

Амир Темур суюнчига ёнчиқни Шодравон найманга узатар экан, Жаҳонгир Мирзо сиҳати ҳақида сўради.

— Оллоҳга шукур, сиҳатлари тузук... Маҳди улё, шаҳзодамиз Боғи Нақши жаҳонда кўзи ўткир табиблар меҳри парваришида шифо топаётгилар, Амир Соҳибқирон кўнги-ларини тўқ қилсунлар, деб тайинладилар... — таъзим бажо келтирди Шодравон найман.

Кўнгилар ёришди. Ҳумоюн ўрдудан Муҳаммад Султон шарафига базми жамшид қилинсун, деган фармон бўлди...

Арпа Ёзи водийси хосиятли файзиёб жойлар эди, Соҳибқиронга азалдан хуш ёқарди. Икки йил аввал худди шу ерда у саҳроий оташафзо Дилшоод оқани ўз ақди никоҳига олди, шу ерда Муҳаммад Султоннинг дунёга келгани ҳақида қутлуғ муҷддани эшитди...

Амир Темурнинг ҳозироқ қанот боғлаб Самарқандга учгиси келиб кетди, бироқ Қамариддинни бир ёқли қилиш яна кейинга қоладими, деган ўй уни қийнади. Узоқ мулоҳазалардан сўнг: «Қамариддин билан орани очиқ қилмасдан Самарқандга қайтмаймен!» — деган қатъий қарорга келди.

Икки кундан кейин тингчилар, Қамариддин Отбоши мавзеидан қочиб кетди, мазмунида хабар етказдилар. Амир Темур зудлик билан Аббос баҳодир, Ҳинду Кар-қара қипчоқ ва Амир Халилларни қаттол душман изидан жўнатди, ўзи ёнида қолган икки юз йигити билан хотиржам Отбошига келиб тушди. Атрофида душман борлигини хаёлига келтирмаган Амир Темур қўшини тўсатдан ҳужум остида қолди. Катта қўшин улар устига бостириб келмоқда эди!

— Бу қандай қўшин бўлди? — сўради у ҳайратда Жаҳоншоҳ ибн Жоқудан.

— Қандай қўшинлигини билдим, Амир Соҳибқирон! Бу Қамариддин қўшини экан...

— Нима-нима? Қамариддин қўшини?!

— Ҳа! У, қочиб кетди, деган ёлгон овоза тарқатибди, аслида кетмай, тўрт минг аскар билан пистирмада пусиб ётган экан...

— Мальун!..

Амир Темурнинг катта-катта кўзлари қисилиб, ғазабдан чақнади, маккор душманга алданиб қолганига чидалмай ўрнидан туриб кетди. Кучларнинг тенг эмаслигини биларди, вазият эса ноқулай, унинг тўпсиндилар қўшини Қамариддинни тутаман, деб беҳуда ҳавога ўқ отиб олисларда оворан сарсон бўлиб юрибди...

Амир Темур дарҳол сипоҳларни йиғиб, ҳайқирди:

— Жангда волиб келмак лашкарнинг кўплигидан эмас, балки Оллоҳнинг мададидандур! Асло сустликка берилмангиз! Чора, юракка қувватни жойлаб, Оллоҳга таваккал қилиб, буюк тараддууд ила белдан шартга қилични суғуриб душман узра отилмақда!

— Душман узра!

— Душман узра! — ҳайқирди сипоҳлар...

Амир Темур шартга зулфиқор қиличини суғурди ва ҳавода ўйнатиб, «Ур-ҳо ур!» дея душманга ташланди. Амир Улжайту билан Амир Мусолар ҳам ўзларини майдонга отдилар. «Ур-ҳо ур!» — қичқиради Жаҳоншоҳ ибн Жоқу... Сипоҳлар номдор амирлар ортидан гуррас-гуррас жангга кирдилар. Сурон борлиқни тутди.

Ҳазрат Ҳақ Амир Темурнинг қалбига фавқулодда бир шижоат жойлади, у ақлу идрок ҳайрон қолар даражада беомон савашишга киришиб кетди! Амир Улжайту билан Амир Мусолар шиддати ҳам шунга мос эди. Буни кўрган сипоҳларнинг бир кучига ўн куч кўшилди. Ҳеч кимнинг жони кўзига кўринмас, сипоҳлар гоҳ ўнгдан, гоҳ чапдан найза суқишар, қилич солишар, ўлар-тирларига қарамай жанг қилардилар. Қўшин ичида ганим аскарига кўрқув солиб ҳайқириб, ўнгу сўлга қилич солаётган Амир Темур яққол кўзга ташланарди. У маккор Қамариддинни қидирар, аммо дуғлат амيري майдонда йўқ эди.

Шахту шижоатлар ўз самарасини берди. Салтанат қўшини душман сафини мардонавор ёриб иккига ажратиб ташлади. Бу катта ғалаба эди. Уч юз қадам нарида жангни камидан кузатиб турган Қамариддин юрагига кўрқув тушди. Чунки унинг лашкари бири-бирдан узиб қўйилганди, парокандалик вужудга келди, айримлар тўхтамай қочишга тушдилар.

— Бу сафар ҳам омад юз ўтирди, анови лангни қўлга тушириб бўлмади! Қандай бедодликки, тўрт минг сипоҳ икки юз кишилик тўдани енга олмас! — ғазабдан муштлари тутилди Қамариддиннинг. — Қаттол ёв ёнгинамизда турганди, тутиб олиш осон эди. Энди бундай қулай фурсат бошқа бўлмас. Пандавақилар! Лакаовлар! Барингнинг гўштигини канорага иламен, галварслар!

Сипоҳларга шундай зуғум қилса-да, Қамариддиннинг ўзи ҳам майдонни ташлаб қочишдан ўзга чора топа олмади.

Кечга бормаи, жанг суронлари тиниб қолди.

«Тағин қочириб юбордим бу пакана фитначини! Ёнгинамизда турганди, тутиб олиш осон эди, энди бундай қулай фурсат бошқа бўлмас...» — фижинди Амир Темур. Қурбонлар саного эллики қоралаб қолганини айтдилар.

Амир Темур волиб сипоҳлардан илиқ сўзларини аямади:

— Файрат қадамингизга тасанно, эй Туронзамин шерлари! Адоват камаридан бели маҳкам тўрт минг қаттолни қочирган сиз икки юз баҳодирга ҳамду санолар бўлсун! Бари Оллоҳнинг лутфу карамидандур. «Бақара» сурасида шундай оят бордур: «Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Оллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган. Оллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадур!» Оллоҳга шукурлар бўлсун!

— Оллоҳга шукурлар бўлсун! — сипоҳлар овози фалакни тутди.

Амир Темур қаҳрамонлик кўргизган ўнбошилари баҳодирлик унвони билан сийлади. Лашкар сендан жонини аямаганда, сен ундан олтину дуру забаржадингни аяб ўлтири-

шинг азим гуноҳдир, дер эди доим Турон султони. Сипоҳлар устидан беҳисоб қумуш зар сочилди, тулпору камон, қалқону ўқ берилди. Амирларга хилъату қиличу камар ҳадя этилди. Ҳумоюн ўрдудан лашкарга уч кун ҳордиқ берилиши ҳақида фармони олий овоза қилинди. Айни пайтда душманни қувиб шимол томонга кетган Аббос баҳодир ва унинг шерикларини ҳам қутиш лозим эди. Шодиёна бошланиб кетди.

Муҳаммад Чуроға додхоҳдан, Самарқанддан бирон хабар борми, деб сўраган Амир Темур, йўқ жавобини олгач, саропардада ўтиролмади, туриб ташқарига йўналди. У атрофга назар солди. Саропарда тепаликда, бамисли оромбахш шабадалар беланчагида жойлашгандай ҳавойи кўринарди. Ҳаво очик, Осмон баҳмалига моҳирона қадаб чиқилган порлоқ юдузлар ялт-ялт ёнади. Кунчиқиш томонда қуйида оқшомнинг ҳарир пардасига ўралиб сокин оқаётган Отбоши дарёси яшноқ ойни қучоғига олганидан ярақлаб дунёга мактанарди. Оқшом фойзли бўлишига қарамай, Амир Темурнинг ичига чироқ ёқса ёришмас эди. «Фарзанди дилбандим ҳоли не кечдийкин? Оёққа туриб кетдимикин? Муҳаммад Султоннинг дунёга келиши ҳам унга зўр шифодир, жигарпорасига бир назар солдимикин? Бутун-эрга Шодравон найман етиб борса, ўғлининг исмини ҳам билиб олади... Хонзода хонимга ҳам қийин бўлди...» Иккинчи келинидан ҳали хабар йўқ шекилли...

Амир Темур ҳарами хоси — саҳройи оташафзо Дилшод оқа бўлмасига қадам кўяр экан, хаёллари ана шундай паришон эди. Кўзига уйқу илингунча вақт алламаҳал бўлди. Ажабо, шу кеча туш кўрибди... Улуғ водий эмиш, боши ҳам йўқ, охири ҳам. Амир Темур кимсасиз водийда ёлғиз борар эмиш. Олисларда тоғлар кўринар эмиш, юриб борган сари тоғлар йўқ бўлиб кетармиш. Йўлда машҳури офоқ Шайх Бурҳониддин Қиличга дуч келибди. Қизиги шундаки, оппоқ ридога ўралиб олган, бундан уч юз йиллар аввал яшаб ўтган шайх билан Амир Темур таниш эмиш! Соҳибқирон камоли одоб билан унга шундай мурожаат қилибди: «Эй саромади замона, зоти бобаракот! Ўғлим, жигарбандим, валиаҳд Жаҳонгир Мирзо Самарқанд ичида хаста эрди. Яратгандан унга саломатлик тилангиз, азиз жонига дуо қилингиз!» Шайх Амир Темурга: «Худо бирла бўлғил!» дебди холос, бироқ Жаҳонгир Мирзо ҳақида ҳеч бир сўз қотмабди...

Ҳайрон кетган Амир Темурнинг бу тушдан кўнгли батдар паришон бўлди. Ярим кеча эканлигига қарамай Муҳаммад Чуроға додхоҳни ёнига чорлатдида, буюрди:

— Мамат, жигарим! Шитоб Самарқанд борғил! Жаҳонгир Мирзога дегилки, ўзини асрасун! Насихат қилғил! Огоҳ бўлғил!

Муҳаммад Чуроға додхоҳ ерга тикилганча индамай қолди.

— Нечун жимсен, Мамат?

— Ёнингизда бўлсам, дегандим... Ташлаб кетгим келмай турибди...

— Мендан хавотир олмағил! Шитоб Самарқанд борғил! Уқдингму?

— Уқдим. Бош устига, Амир Соҳибқирон!

Муҳаммад Чуроға додхоҳ бир неча сипоҳлар кузатувида тонг ёришмай пойтахтга жўнаб кетди.

Орадан икки кун ўтгач, ҳар хил хаёллардан буткул оромини йўқотган Амир Темурнинг ўзи ҳам, қайдасан Самарқанд, деб йўлга равона бўлди.

II

Даргом ариғи бўйида жойлашган Боғи Чинордан Кўҳак этагидаги Боғи Нақши Жаҳонга боргунча йўл бутун шаҳарни кесиб ўтади.

Подшо келини Хонзода хонимнинг ҳаворанг маофаси Боғи Нақши Жаҳон дарвозасидан аста кириб келди...

То чилласи чиққунча Хонзода хонимга Жаҳонгир Мирзонинг бетоблиги ва Самарқанда эканлиги ҳақида бир нима демадилар. Амирзода Жета сафарига кетганлар, ҳозир душманларни қийратиб юрибдилар, дея жавоб беришарди Хоразм маликасига, куёви ҳақида сўраб қолганларида. Муҳаммад Султоннинг дунёга келгани тўғрисида Амир Соҳибқиронга чопар юборилганлигини эшитганида, Хонзода хоним вужудини ширин бир ҳаяжон чулғадди. Қутлуғ мужда Жаҳонгир Мирзони беҳад қувонтириб юбориши шубҳасиз! Муҳаммад Султон ахир уларнинг биринчи фарзандлари, унинг устига, орзиқиб кутган фарзандлари! Оллоҳдан ўғил тиллаган эдилар-да. Ўғлимни тезроқ кўрай деб Самарқандга отлансалар ҳам керак. Отланиш ҳам гапми, қанот боғлаб учсалар керак!..

Хонзода хоним амирзода билан учрашув онларини кўз олдига келтирар, Жаҳонгир Мирзонинг чақалоқни қўлига олиб авайлаб кўтариб юришларини ўзича тасаввур қилар, бундан дили яйради. Атрофда кайвони энагалар мурғакни парварши этиш, ювиб-тараш, тупроқлаш билан банд эдилар. Маҳди улё Сароймулкхоним Хонзода хонимни чиллалди, деб бир лаҳза ҳам холи қолдирмасди.

Чилласининг охири куни Хонзода хоним Оққиз билан боғ айланишга чиқдилар. Кўпдан бери сайрга чиқишолгани йўқ. Улар кайфиятлари чоғ, чорчаманларни оралаб, боғ ўртасидаги зилол ҳовузга яқинлашдилар. Бу ердан туриб қаралса, гўзал қаср, унинг ёнидаги азамат чинорлар бутун кўрки билан намоён бўлади. Маликага бу жуда ёқади.

Хонзода хоним гулбоғчаларга меҳр билан тикилди. Гулбоғчалар орасидаги қирмизи қум ташланган йўл бошига келганда қаср ва унинг ёнидаги чинорларга қаради. Қарадию... юраги орқасига тортиб кетгандай бўлди. Не кўз билан кўрсинки, қаср ёнида ҳаммиша савлат тўкиб турадиган икки чинорнинг бири — чапдагиси, ўша Жаҳонгир Мирзо, боласи, деб таърифлаган чинор... жойида йўқ эди!

— Маликам! Сизга нима бўлди?.. — жон ҳолатда сўради Оққиз, кўз ёригандан сўнг ниҳоддай бўлиб қолган Хонзода хонимнинг қўлларидан тутар экан. — Нечун безовталандингиз?

— Оқ!.. Чинор... Чинор қани? Анови чинорларнинг бири?..

— Ҳа... Қуриб қолибди... — жавоб қилди Оққиз. — Кеча кўчириб ташладилар. Муҳаммад Султон туғилмасдан олдин қурий бошлаган экан-да.

Хонзода хонимнинг аъзои бадани жимирлагандан жимирлаб кетди.

... Шўрлик малика ҳамма гапни кейин эшитди, эшитди-ю, ўзидан кетишига оз қолди! Сароймулкхоним келинини бағрига босиб, пешонасидан ўпиб, бошини меҳр билан силаркан, юпатиб кетди:

— Ўқсинмангиз, маликам! Ўқсинмангиз! Оллоҳдан шифо тилайлик! Шифо тилайлик! Оёққа туриб кетадилар, амирзодам, иншоолло! Ноумид шайтон, деганлар, Дардни берган худо шифосини ҳам ўзи беради, ҳа...

Сароймулкхоним шундай дерди-ю, ўзи чиройли кўзларидан оққан ёшларини тия олмасди.

— Наҳотки, мен билмадим, гофил қолдим, ахир ёнида бўлсам, жонига дармон бўлардим-ку... — афсусларди Хонзода хоним. — Нега бидирмадингизлар, бибижон, нега? Нега-а-а-а?... Ахир...

— Ўзим ўргилай, маликам!.. Ўқсинмангиз... — бошқа сўз тополмасди Сароймулкхоним. — Кўрасиз, амирзодам соғайиб кетадилар!..

Икки муштипар аёл ҳамма нарсани англаб турардилар, аммо бир-бирларига қандай тушунтиришни билмасдилар.

Жаҳонгир Мирзо Хонзода хоним иккиси суюдиган шинам хобхоналарида ётарди. Хонада бонуйи кубро Қутлуғ Туркон оқа билан хос табиб Намозхўжа Шоший, пири муршид Мир Саййид Баракадан бошқа ҳеч ким йўқ. Очиқ деразадан эсиб турган эпкин ҳаворанг пардани хиёл тебратиб туради. Хона мўътадил даражада салқин...

Маҳди улё ва Хоразм маликаси келаётганларини эшитишган пири муршид билан хос табиб олдинроқ ташқарига чиқдилар. Маликаларни бонуйи кубро Қутлуғ Туркон оқа кутиб олди. Соҳибқирон эгачиси, мана, беш ёки олти ҳафта бўлдимикин, амирзоданинг қошида, унинг ҳолидан огоҳ бўлиб ўлтирибди.

Даставвал бетоблик унча чўзилмайдигандек бўлиб туюлган эди. Кун ўтган сари амирзода ўзининг қувватсизлиб бораётганини ҳис қила бошлади... Вақти-вақти билан гоҳ худ, гоҳ беҳуд бўлар, кечалари алаҳсираб чиқарди. Бир куни тушида Турўғлон душман билан қаттиқ саваш қураармиш, остидаги оти, ажабо, Жаҳонгир Мирзонинг самани эмиш!.. Тоғ тепасида душман Турўғлонни қисиб жар ёқасига келтириб қўйибди! Бирдан саман жарликка — қоронғуликка мункиб кетибди! Қараса, саманда ўлтирган Турўғлон эмас... Жаҳонгир Мирзонинг ўзи эмиш!..

Амирзода чўпдай бўлиб озиб кетганди. Аввалги шукухидан асар ҳам йўқ, юмшоқ ўринда ётар экан, бир қараганда, жойда ётгани ҳам билинмасди. Ҳалигина чексиз қайғуга ботган Хонзода хонимни юпатиб турган Сароймулкхоним энди ўзи кимнингдир тасалли-сига муҳтож эди. Ўкраб юборишдан ўзини базўр тийиб, кўзлари тўла ёш эгилди-да, амирзоданинг озиб, кичкина бўлиб қолган пешонасидан ўпди, бир томчи кўз ёши амирзоданинг юзига тушди...

Хонзода хоним хонага кирибоқ амирзодасига назар солди-ю, «Воҳ!» дея ўзидан кетганини билмай қолди. Қутлуғ Туркон оқа билан Сароймулкхоним ҳамма нарсани қўйиб маликага чопдилар. Юзларига сув сепишар экан, бир-бирига гал бермай: «Вой, шўрим!», «Маликам!», «Кўзингизни очингиз!» «Энди сиз ҳам кўрқитмангиз!» дея саннашарди чорасиз хонимлар... Бироз ҳушига кела бошлаган малика амирзодани дабдурустан танимади, наҳотки шу унинг жони-дили, паҳлавони, кўрғони, жуфти ҳалоли Жаҳонгир Мирзо бўлса?.. Афсус, алам, армон аралаш бир нарса ичидан гуркираб келди. У чўкка тушди-да, амирзоданинг оёқларига ҳаяжондан қизарган юзларини босди ва ипак кўрпага унсиз-унсиз нолалар қилди...

— Шаҳзодам!.. Амирзодам!.. — ингранарди малика эшитилар-эшитилмас...

Жаҳонгир Мирзо юзига тушган кўз ёшидан сесканиб, кўзларини ҳолсизгина очди, атрофга қарашга уринди.

— Хайрият!.. — деб юборди Қутлуғ Туркон оқа. Маликалар ҳам умид тўла кўзларини амирзодага тикдилар. Хос табиб билан пири муршид дарров хонага кириб келдилар.

— Хайрият!.. — деди яна Қутлуғ Туркон оқа. — Кечадан бери кўзларини ҳам очмаётган эди... Энди кўзини очди. Мана... Биз шу ердамиз, амирзодам! Маҳди улё онангиз келдилар. Хоси ҳарамингиз Хонзода хоним келдилар...

Жаҳонгир Мирзо, қани улар, дегандай, Қутлуғ Туркон оқага қаради. Хонзода хоним ўрнидан туриб Сароймулкхоним ёнига борди ва шавҳарининг кўзларига тикилди. Малика амирзоданинг кўз қарашига ифода қилиб бўлмайдиган жуда кўп нарсаларни уқди, Жаҳонгир Мирзо нималарнидир демоқчи эдию гапиролмасди, киртайиб қолган ёрқин кўзлари жавдираб боқарди. Эй фалак, дастингдан дод! Дод!

— Мана, ўзлингиз, фарзанди дилбандингиз Муҳаммад Султон! — Қутлуғ Туркон оқа ипакларга ўралган чақалокни қўлида кўтариб Жаҳонгир Мирзога кўрсатди. — Падари бузрукворини кўргани келибдур...

Амирзода жиммайишга уринди, аммо кучи етмади... Бирдан чап бурнидан қон отилиб чиқди, хос табиб чаққонлик билан артиб олди. Сароймулкхоним Жаҳонгир Мирзонинг

бошини ушлади, Хонзода хоним оёқларини уқалай бошлади, аммо оёқлари совуқ эди... Юзлари кўкариб кетган Жаҳонгир Мирзони жон талвасасида кўриб, Мир Саййид Бааракка қуръон тиловат қилишга турди. Сураи «Ихлос» иккинчи марта ўқиладиганида, бемор бирдан бошини кўтармоқчи бўлди ва шу ондаёқ жон таслим қилди... Хонзода хоним ўкраганча ўзини Жаҳонгир Мирзонинг устига ташлади, ташладию яна ўзидан кетди. Сароймулкхоним ўн етти ёшга тўлмай туриб тул қолган Хонзода хонимни бағрига олиб йиғлар экан, йиғи орасида саннар эди:

— Амирзодам!.. Маликам!.. Амирзодам!.. Маликам!..

II

Амир Темур кўшини Самарқандга яқинлашиб келарди. Кониғил ўланзорига етганларида икки ўқ отим нарида шаҳар ёқдан келаётган бир кўп одамларнинг қораси кўриқди. Соҳибқирон улар нима сабабдан қора кийиб олганларини даставвал тушунмади. Кейин англаб етди-ю... юрагига муз югурди! «Наҳотки, ўғлим, жигарпорамдан айрилиб қолган бўлсам?..» Чиндан ҳам бутун халойиқ, шаҳар аҳли, сарой аъёнлари, беклару амирлар қорага бурканиб, бошланг, устларига палослар ташлаб мамлакат султони истиқболига чиққан эдилар.

Борлиқни жиловсиз фиғону фарёд тутди.

Амир Темур яқин келганда кўрди: ана, эгачиси Қутлуғ Туркон оқа, Сароймулкхоним, Улус оқа, бошқалар... Ҳаммаси бошланг, ёқалари чок, бошлари хам... Амир Довуд дуғлат, Амир Сайфиддин некўз, Суюрғатмишхон, Амир Жоку барлос, Мир Саййид Барака... Барчасининг дилларида алам, кўзларида ёш... Ҳеч қачон оқ ридони ташламаган пири муршид ҳам қорага бурканиб олибди. Жаҳонгир Мирзонинг тенгқур дўстлари Сулаймоншоҳ, Султон Маҳмуд ибн Суюрғатмишхон, уларнинг ёнида Умаршайх Мирзо, ўн ёшли Мироншоҳ ҳам шу ерда... Барчасининг майдонларда марғур юрадиган бошлари бутун эгик... Ортада ҳадсиз оломон уларга эргашиб келар эди.

— Хонавайрон бўлдук, Амир Соҳибқирон, хонавайрон бўлдук! — деди Қутлуғ Туркон оқа инисига ҳолсиз ўзини отиб... Аёллар бонуйи куброга қўшилишиб фарёд чекар эдилар. — Бандачилик экан, қандоқ қилайлик. Жаҳонгир Мирзо бизни ташлаб кетди... Ташлаб кетди...

Меҳрибон эгачисини бағрига босар экан Амир Темурнинг кўзларидан ёшлар тўкиларди холос. Ёшу қари Амир Темурни тавоф қилар, сўнг ортга чекинар эди... Унинг бирдан Сароймулкхонимнинг орқасида мунғайиб турган Хонзода хонимга кўзи тушиб қолди! Гулдай чехраси сўлғин, кўзлари йиғлайвериб нурсизланган, ёқалари чок телба ҳолга келган Хонзода хоним... У ўзини бир чеккага тортиб тургандай туюларди. Кўриб Соҳибқироннинг кўнгли тўлиб кетди. Амир Темурнинг назари тушганини сезган Хоразм маликаси келиб қайнотаси пойини ўпмакка интилди, аммо Соҳибқирон бунга йўл қўймади: ўксиб йиғлаётган келинини бағрига босди-да, манглайдан ўпди ва деди:

— Сизни келиним эмас, қизим, дегандим... Энди... қизим эмас, ўғлим деймен! Ўғлим ўрнида ўғил!..

Буни эшитган Хонзода хоним энди ўкраб йиғлаб юборди.

Эл мунгсираб қолган эди.

* * *


Жаҳонгир Мирзони Шаҳрисабзга элиб дафн қилдилар. Амир Темур дилбандининг қабри устида маҳобатли мақбара бунёд этдирди.

Хонзода хоним тез-тез Шаҳрисабзга ташриф буюриб шавҳари мақбарасини зиёрат айлайди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Бир ёшли ўғли Муҳаммад Султонни олиб Шаҳрисабзга келди. Келаркан, отасининг доимо юрак устида тақиб юрадиган уч бурчак бахмал туморини йиғлай-йиғлай ўғлининг бўйнига осиб қўйди. Тетапоя юриб қолган ўғилчасининг қўлидан етаклаб, одат бўйича, кузатувчилар ташқарида қолдилар, — ёлғиз ўзи соғонага яқинлашди. Қуръон туширгач, қабрнинг совуқ тошларига гунчадек лабларини босди, нозик қўллари билан соғонани силаб чиқди, у-бу губорларни тозалади...

Шу ерда ҳали ҳануз учрамаган бир ҳол юз берди. Ҳар гал тиловат тушириб, қабрни тавоф қилиб, йиғлаб-йиғлаб чиқиб кетаверар эди. Бу сафар нечундир биринчи марта бошини кўтариб тепага қаради... Шифтда пайгамбаримиз ҳадисларидан бири ёзиб қўйилган экан: «Ал-оқилу яътаמידу ала аъмалиҳи, Вал-жоҳилу яътаמידу ала амалиҳи». Хонзода хоним унинг маъносини тушунди: «Ақлли одам ўзининг куч-қувватига ишониб яшайди, нодон — орзу-ҳавасларига суяниб яшайди...»

Хоразм маликасининг юраги орзиққандан орзиқиб кетди!.. Муҳаммад Султон эса мақбара ичида тетапоя ўйнаб юрарди.

1996-99.



Тўртовлон тугал, Зедо

Дунё бепоёндир, дунё гоят кенг,
Кенглик, чексизликда асло йўқдир тенг.
Ўзингча жаҳонга сифмай юрсанг ҳам,
Унга бўлолмассан ёқа ёки енг.

Менсиз ўтмас дема дунёнинг иши,
Ўйлама, бу ҳаёт бир кўнгул хуши.
Бизнинг дардимиздан унга ҳам юққан,
Тугамайди асло қувонч, ташвиши.

Ассалом демоқлик муслимга фарздир,
Алик қайтармасанг бўйнингда қарздир.
Ҳеч ким баланд эмас бу холис сўздан,
Бу сўзни тавофлар айласанг арзир.

Азал пешонангдан неки жой олмиш,
Кўзингдан яшириб, кўрсатмайди қош.
Сочлари тўкилиб хаёлга толмиш,
Тақдирда борини билолмаган бош.

Шубҳам йўқ оламнинг чексизлигига,
Аммоки, шубҳам бор тенгсизлигига.
Бўлса ҳам одиллик, кенгликда танҳо,
Дунёни шайтонлар чалғитар гоҳо.

Ажаб, бу фалакка ҳайрондир ақлим,
Отга муъжазгина эгар берибди.
Эшакка қалмоқи ҳайҳотдай тўқим,
Тўқим тийнатлига кишвар берибди.

Номард зимдан улоқ қилиб чопгандан кўра,
Шум ғарази юз ит бўлиб қопгандан кўра,
Дил-этимни тишласа ҳам мард тишласин,
Айбим топиб муштласа ҳам мард муштласин.

Оллоҳ берган қароргоҳимиз — Ватан,
Суянган, қудратли тоғимиз — Ватан.
Имону эътиқод, бахт, паноҳимиз,
Ўзингсан муқаддас саждагоҳимиз.

Бу дунёнинг йўллариға боқ,
Эгри-бугри, чалкаши кўпроқ.
Кимдир эплаб манзилга етар,
Кимдир ўтар чангитиб тупроқ.



Қамбар Ота



* * *

Нодон кимлигин ҳеч билмас,
На-да эрта, на-да кеч билмас.
Ўзгалар дилини оғритиб,
Ўкинч билмас, ўтинч билмас.

* * *

Жаҳон ажиб томошагоҳ, кўзлар кўриб қамашадир,
Турфа-туман томошаси талабларга ярашадир.
Бу дунёнинг одамлари ҳаё пардасини йиртиб,
Бир-бирларин айбларини кўрмоққа зор, талашадир.

* * *

Ростни ёлғон қилган сен билан мен-ку,
Ҳақни вайрон қилган сен билан мен-ку.
Хоҳласанг, йўқолиб кетарди шайтон,
Мингни шайтон қилган сен билан мен-ку.

* * *

Туғилдинг, борлигинг айладинг баён,
Дунёда кўп нарса истадинг бироқ.
Ортингда қолгани беш кўлдай аён,
Устингда мунғайган бир уюм тупроқ.

* * *

Кимнингки кўзига шайтонлар кўнар,
Ичига жин кириб, кўрсатар хунар.
Алвасти фаришта бўлиб кўринар,
Билмас, юрагида бадбахтлик тунар.

* * *

Эй буюк зот, сени ёд этмоқ учун,
Хаёл кўзгусида тирилтмоқ учун,
Тошлар тилга кирар, қоғозлар сўзга,
Рухингни абадий шод этмоқ учун.

* * *

Эҳтимол, зўрдирсан, қудратда танҳо,
Бунча кўп ўзингга бермасанг баҳо.
Айт, сени топгандан хурсандми олам,
Йўқотса, йиғларми чекиб зўр алам?!

* * *

Кўлингга текканда болта ё арра,
Бог-роғ тақдирини ўйла юз карра.
Умингда бир кўчат ўтқазмасанг ҳам,
Кўрмаймиз юз кўчат ўтқазгандан кам.

* * *

Ногаҳон узилган дарахтнинг барги,
Ерга бир фарзаңдай тўкади дардин:
«Яшнатиб, кафтингда тутдинг мардона.
Қабул эт, бош қўяй бағрингга, она!»

* * *

Қиш олди яланғоч қолган дарахтлар,
Табиат ҳукмида қотиб қарахтлар,
Ҳайрон, лол, мунғайиб чорасиз турар,
Ерни ел хазондан тозалаб юрар.

* * *

Баргларни сарғайтган балки куз эмас,
Ҳар битта япроқдан уқдим шундай сас:
«Бизни шод қуйлатган тупроқ севгиси,
Сарғайтган ҳам ерга соғинч туйғуси!»



Исмоил Тўхтамишев

*ОЛАМ МУНАВВАРДИРИ
ИШҚИДА, ЗИЁДА*

Муҳташам даврада кўкрак кермоқлик,
Денгизлар тубидан гавҳар термоқлик,
Эзгулик йўлида изн бермоқлик,
Бу қадим дунёда осон кечмайди.

Манфаат кўрсатса рўбарў юзин,
Кўпчилик фойдага тикса гар кўзин,
Бир умр тобланмай сақламоқ ўзин,
Бу қадим дунёда осон кечмайди.

Умидлар бахш этгай дилларга сурур,
Ишонч бағишлайди эътиқод, гурур.

Бировга эгилмай яшамоқ мағрур,
Бу қадам дунёда осон кечмайди.

Илдиз отиб борса оқибатсизлик,
Ижросиз ваъдалар, қатъиятсизлик,
Мақсад майдонида от солмоқлик тик,
Бу қадим дунёда осон кечмайди.

Исмоил таъзим эт фидожонларга,
Ҳақиқат йўлида бағри қонларга,
Номларни чулғамоқ шуҳрат, шонларга,
Бу қадам дунёда осон кечмайди.

Йиллар сабоқ олди бедор тунимдан,
Булбул хижолатдир чеккан унимдан,
Кўз очиб дунёни кўрган кунимдан,
Йўлдош бўлдинг менга ҳар он изтироб.

Олам мунаввардир нурдан, зиёдан,
Кўнгул баҳра олгай меҳригиёдан,
Бевақт кўзин юмди отам дунёдан,
Йўлдош бўлдинг менга ҳар он изтироб.

Дилимни эзгайдир онам ғамлари,
Юзини ювганда кўзин намлари,
Тўлмади дунёнинг мудом камлари,
Йўлдош бўлдинг менга ҳар он изтироб.

Эзгу ишлар билан хаёлларим банд,
Ғанимлар қадамда бериб турар панд,

Қадларни дол қилгай номақбул фарзанд,
Йўлдош бўлдинг менга ҳар он изтироб.

Баъзан муҳаббатда манфаатдир жаъм,
Шодлик ҳам кўрилмас бекорга баҳам,
Керак бўлса арзон ичилгай қасам,
Йўлдош бўлдинг менга ҳар он изтироб.

Яшаб-ку юрибман яхшими-ёмон,
Ҳасрат, надоматдан юрак-бағрим қон,
Кўпчилик бир томон, мен битта томон,
Йўлдош бўлдинг менга ҳар он изтироб.

Ҳаёт тарзим балки тўғримас, чиндан,
Лекин лоқайдларга бермагайман тан,
Тарк этмагин, майли, ўтинчим сендан,
Йўлдош бўлдинг менга ҳар он изтироб.

Бу қисматнинг чигаллигини,
Умр қисқа, тугаллигини,
Гоҳо дўстнинг мужмаллигини,
Инобатга олмасдан ўтдим.

Бу ҳаётда яшаб ёнма-ён,
Мен бир томон, сен бошқа томон,
Десалар ҳам талвасада жон,
Гапга қулоқ солмасдан ўтдим.

Шафқат билмас ғаним, ёвлардан,
Пасти, балеанд довон, ғовлардан,
Жон ўртаган кўп синовлардан,
Толиқмасдан, толмасдан ўтдим.

Вақт елади айлабон шитоб,
Ўтган умрим қиламан ҳисоб,
Олислардан келгай бир хитоб,
Аросатда қолмасдан ўтдим.

Кўп савдолар ўтган бошимдан,
Кўп ғавғолар ўтган бошимдан,
Кўп хатолар ўтган бошимдан,
Ўртадаги масофа узок.

Оқинликлар истайди кўнгул,
Чақинликлар истайди кўнгул,
Яқинликлар истайди кўнгул,
Ўртадаги масофа узок.

Қийин бирга қадам ташламоқ,
Муҳаббатни бошдан бошламоқ,
Осон пинҳон кўзни ёшламоқ,
Ўртадаги масофа узок.

Сен-ку ҳали олис кетасан,
Муродларга албат етасан,
Мени кўмсаб, ахир, нетасан,
Ўртадаги масофа узок.

Қашқадарё тарихининг билимдони Поён Равшановга

Ҳар лаҳза кўз тикиб юксакка, тоққа,
Кам кўрдим сиздайин тинмай жилганни,
Сиз билан мозийдан суҳбат курмоққа
Журъати етмагай ўзин билганни.

Фурур бахш этади шуқуҳли фарзанд,
Қисмати ёқгайдир Мўмин Мирзонинг.
Сизнинг машаққатли меҳнатингиздан
Тарихи ёзилди Қашқадарёнинг.

Хатога йўғрилган атроф, ўнгу сўл,
Ўтмишга ўтмагай мудом тишимиз.
Бу қадим дунёда чалкашликлар мўл,
Баъзида чархидун қилган ишимиз.

Эл севган ўғлига кўйгайдир ихлос,
Ардоқлаб, аямас унвон олийни.
Сиз туфайли ўқиб, билиб олдик, рост,
Қамаши фарзанди Машраб Сонийни.

Тушини айтган кўп оққан сувларга,
Фикрини ҳукмга ташлаганлар кам.
Сиз сабаб баҳона баҳслашувларга,
Бибиҳоним юрти Занжирсарой ҳам.

Жаҳонгир ўтгандир бобомиз Темур,
Эзгуга йўйганмиз хаёлларини.
Ўргандик қиссангиз варақлаб бир-бир,
Саройнинг беназир аёлларини.

Аждодлар қадрини элим билмоқда,
Уларнинг руҳлари таратгай зиё.

Сизнинг ҳаққингизда дуо қилмоқда,
Потрондан жой олган етти авлиё.

Ўтмиш сабоғига бердингиз сайқал,
Ақл-заковатдан тўлишди ойим.
Севги-садоқатга кўйилган ҳайкал
Сафига кўшилди Кенагасойим.

Жейнов ҳам аслида худуддир қадим,
Ҳайратга тушамиз боғ-роғга қараб.
Сизни кўрса ҳар он қилади таъзим,
Тарихдан баҳраманд ҳар битта араб.

Фарзандлар ҳам букун эл-юртга фахр,
Келгансиз шавкатли, шонли йўл босиб.
Дунёни маърифат сақлагай, ахир,
Шогирдлар ҳам бари сизга муносиб.

Ҳаловат истайди — биттадир жони,
Муҳаббат баробар шоҳга, гадога.
Сизга қолса мутлоқ бутун дунёни
Чулғамоқ истайсиз нурга, зиёга.

Қўлдан тушмагайдир китобларингиз,
Ёзиб улгургансиз барин қай, қачон!
Ибрат эрур ёниқ шитобларингиз,
Кўпга ишлатилмас берилган имкон.

Сўзларим ожиздир таърифингизга,
Нурларга ўралсин юрган йўлингиз.
Саодат эш бўлсин бир умр сизга,
Муҳлислар бахтига омон бўлингиз!



Фулом Шомурод

НАЗМИЙ ҚАТРАЛАР

Йўқ менинг сирларим — беошкорларим,
Фақат шеърларимдир йўғу борларим.
Қабул айланг, назмий қатраларимни
Булар бари сизга — дил изҳорларим.

Улғайдим ва билдим, умр сўқмоғин
Энг сўнгги сарҳади фанолик экан.
Лекин адо бўлмай ёқсанг чароғинг
Ундан нари ёғи бақолик экан.

Уруғдан чиққанда бўлса ҳам беҳол,
Шамолга дош бериб юксалди ниҳол.
Энди у яшнаган, бақувват дарахт,
Буюк бир ибратдир инсонга бу ҳол.

Икки одам бир хилда ўйлар,
Бир фикрни, бир гапни сўйлар.
Келишолмас лекин ўзаро,
Чунки ўзга-ўзгадир тиллар.

Шамол увлар, увлар беадад,
Увлашида на мазмун, мақсад.
Балки сезиб ўзин ҳолини,
Уввос тортар, қурсин деб қисмат.

Тўрт фаслда учта ранг: яшил, сариқ ҳамда оқ,
Канглумни айлар тоза, мусаффо, қор каби оқ.
Ҳамма ранг ҳам бор бўлсин, лекин, уч ранг наҳрида
Мудом яшнаб юрагим, оқавергин, яйраб оқ!

Кўзимга тор эди ушбу кенг дунё,
Наздимда осмон ҳам бенур, безиё.
Хайрият сен келиб жилмайдинг эркам,
Бу олам кенгайиб, нурланди само.

Ким бу оламда ғолиб, баҳодир,
Ҳар қандай душманни енгишга қодир?
Кимки ўз нафсини енгса, ўлдирса,
Ўшадир паҳлавон, ўшадир ботир!

Хўп ёмонлар бор экан афсус,
Ёмон демоқ улар учун кам.
Хўп яхшилар бор, алаҳусус,
Кам уларни яхши демак ҳам.

Ширин сўзлар, майли демагил,
Аччиқ сўзни одат этмагил.
Кел, кел десам, келмагин майли,
Кет-кет десам, асло, кетмагил.

Бирор жойда топмасдан кўним
Шамол эсар, эсар бетиним.
Йўқ, мен, асло шамол эмасман,
Бордир менинг юртим, Ватаним.

Кўзинг — мунча қора кишмиши,
Юзинг — қизил олманинг нақши.
Лабинг — лаъли, гилос рангида,
Ўзинг — ўзинг, ҳаммадан яхши.

* * *

Табиат китобдир, ҳар гиёҳ — дoston,
Уни битмаклик ҳам бўлмаган осон.
Китобнинг ҳар сатрин авайланг дўстлар,
Ўқисин уни ҳам келгуси инсон.

* * *

Дардсиз беморларга шифо йўқ, инон,
Дардлилар дардига топилур дармон.
О, менинг қалбдаги дардларим эса,
Тузалмас, ушалмас армондир, армон.

* * *

Ҳар доим тигиздир вақту дақиқа,
Мақсадинг баён қил лўнда ва қисқа.
Билгилки, тингламас ҳеч қачон, ҳеч ким,
Сўзинг бўлса агар бемаъни, сийқа.

* * *

Отилган ўқ каби тез ўтар умр,
Ихтиёри қўлдан тез кетар умр.
Ҳаётинг сарф этсанг эзгу ишларга
Икки бор яшашга, бил, етар умр.

* * *

Бу дунё вафоми, сафоми, жафо,
Бу ҳақда ўйлайди не оқил, доно.
Бировга сафодир, бировга жафо —
Қалбимнинг тўридан келди бу садо.

* * *

Оламда кун кўрар ҳар тоифа жон:
Одамлар, ҳайвонлар, қушлар безабон.
Ақлли қушлар бор, идрокли ҳайвон,
Баъзи кимсалар-чи ҳайвондан ёмон.

* * *

Сенинг кулишларинг — жонимга роҳат,
Рухимга бахш этар шодлик, фароғат.
Кулгинг қиёсини ўйлаб топмадим,
Қўшиқми, куйми ё энг юксак санъат?!

* * *

Эй гўзал, мужгон ўқинг-ла мени от,
Чунки, ёлғиз чанг чиқармас яхши от,
Сен учун қурбон бўлай, сўнг майлига,
Қолсин мендан хоҳ ёмон, хоҳ яхши от.

* * *

Ул санамнинг ишқ ўтидан жисму жоним бунча доғ,
Жисму жоним ўтидан тушди юракка парча доғ.
Энди ўйлаб, эй Фулом, боқсамки ишқнинг йўлига —
Қаҳқашон мисли бу сўқмоқ беадоғу беадоғ.

* * *

Ҳар кимга ато этар экан жон
Юлдузга макон бўлгандек осмон,
Ҳар каслинг заминда ўз ўрни бордир,
Жой деб талашур, бил, аҳли нодон!..





Фарида Афрўз

*САОДАТНИНГ
ТИҲЛАРИ ЯЛДО...*

Шу кўзинг, шу қошинг,
шу рухсор билан
кимгадир кераксан, кимниқидирсан.

Шу сўзинг, шу кулгинг,
шу нигоҳ билан
кимгадир армонсан, тилагидирсан...

Иймонсан мукаммал,
нурсан хувайдо,

жавохирсан асл,
юлдузсан пайдо,
ошиқсан савдойи,
ёрдирсан танҳо...

Шу ғаминг, шу дардинг,
шу алам билан
умримнинг маъниси, мениқидирсан!..

Ўқинма,
Оллоҳнинг марҳамати кенг,
Сен билан менга ҳам топилар паноҳ.
Кўнгулми, сўрама, ҳали ҳам нотенг,
Гуноҳдан гапирма!

Тўқилма,
бўғзимни ёндирган калом,
Сенсиз ҳам дунёлар остину устун.
Тириклик тонгига салом қил, салом,
Йироқдан гапирма!

Ситилма,
қаноат, чок-чокларингдан,

Изтироб кўйлаги пора-порадир.
Кўнгулдан сўз очгил, кўнгулдан сўйла,
Фироқдан гапирма!

Тикилма,
кўзимда ёшлар қолмади,
Мен энди бошқаман, мен энди ўзга,
Хаёллар осмондир, руҳдир осмонда,
Туфроқдан гапирма!

Қовушган тошларнинг дарзи жиққа қон,
Юсуфнинг лоларанг кўйлаги мисол.
Мен сени ҳеч қачон севмайман, ишон,
Қийноқдан гапирма!

Бошқача яшайман эртадан бошлаб,
Буржу сарҳадига ўтлар тушмасму?
Энг аввал кетаман ўзимни ташлаб,
Атрофим чоҳ туби янглиг қоронғу.

Бир коса зардобга айланганда ой,
Тун қизи бошидан юм-юм тўкилиб,
Турибман оёғим ости жиққа лой,
Тиловат қиламан етти букилиб.

Санамваш тераклар оқ сийнасида,
Номахрам бўсанинг доғлари тўриб,
Саргашта бодларни кучиб осуда,
Менинг кўз ёшимдек бормоқда қуриб.

Олисда Кўконнинг тор кўчалари,
Тарсиллаб ёрилар ёдимдек менинг.
Муттаҳам дунёнинг оч кўппаклари
Этагим йиртай деб, ириллаб келдинг...

Афрўзман,
Дилсўзман,
Эй хонасўзлар,

Балки давраларда кулганим ростдир,
гул кийганим, гуллаганим,
гул бўлганим ростдир,
куйлаганим, куйдирганим,
кул бўлганим ростдир,
аммо,

Сизсиз,
ҳеч кимман,
билдим!..

Билдим, худди тонглар отгани каби,
худди куёш ботгани каби,
осмонда ой шўрлик бенаво,
овлоқда охулар ётгани каби,
билдим!

Ўн гулимдан ўн гулим очилди, сўлди,
Япроқларим сарғариб сочилди, сўлди,
Ишқ деганга кафанлар бичилди, сўлди,
эссиз,

Сизсиз,
ҳеч кимман,
билдим!

Билдим, қаноатнинг манзили Худо,
билдим, саодатнинг тунлари ялдо,
томирда Ишқ деган алам уйғонса,
бошингга балодир, балодир, бало,
билдим!

Эҳтимол, сочларим шабнамга ювдим,
тонг чоғи, гул чоғи, дил чоғи сармаст,
ҳар тола домига кўнгулни илдим,
ҳушсиз,

Отам эккан олманинг
шоҳларида дур маржон.
Бир дарахтча бўлмаган
отам қайда, отамжон?

Отам қурган қўрғоннинг
устунлари бус-бутун.
Бир пахсача бўлмаган
умр нечун, жон нечун?!

Фитна шаробидан масту аласлар,
Билмайсиз, бир аёл юз йилки бўзлар,
Билмайсиз, эй ҳатто тўпиғдан пастлар.

Бошқача яшайман эртадан бошлаб,
Эртага сочимни ташлайман тўзғириб.
Остона қошида кўзларин ёшлаб
Чечаклар гуллайти тунлар ёзғириб,

Бу савдо Ҳаввонинг ишқидек қадим,
Мен буздим Ҳавводек сарҳадларини.
Сен қайдан билардинг, нодон гулларим,
Бу ишқнинг захарли лаззатларини?!

* * *

Сизсиз,
ҳеч кимман,
билдим!

Билдим, йўллардадир йилларим жони,
бу улғу Тангримнинг узун арқони,
бу менинг Ишқимдан бир оҳдир сўзон,
ки ёқиб юборар охир дунёни,
билдим!

Билдим, сояларда жон бор, алам бор,
билдим, тоғларни-да дийдалари ғор,
бу бедил дунёнинг ўланлари зор,
сўзсиз,

Сизсиз,
ҳеч кимман,
билдим!

Билдим, армонларнинг умри узоқдир,
пойандоз солинган йўллар тузоқдир,
билдим, хиёнатнинг йўли чарогон,
билдим, бўйнимдаги маржон — фироқдир,
билдим!

Балки, давраларда кулганим ростдир,
гуллаганим,
гул бўлганим ростдир,
куйлаганим,
кул бўлганим ростдир,
осмонда ой каби
тул бўлганим ростдир...

Сизсиз,
Сизсиз,
ҳеч кимман,
билдим!..

* * *

Отам сочган уруғнинг
ҳар бирида жуфт ҳаёт.
Бир ҳилолча бўлмаган
қисмат сендан минг фарёд!

Отам айтган ҳикматлар
Яссавийдан қолган у...
Мен ўтарман. Ҳикматлар
отам руҳидек мангу.





Сайёра Самандарова

*САДО БЕР,
ЭИ САМИМИИ СУЗ*

Сизни гўё
минг йилдан
буён биламан.
Ҳеч бир озорингиз
янгилик эмас.
Аҳён-аҳёнларда тухфа этувчи
шодликларингиз ҳам
асло лол қилмас.

Демак,
юрагимга
кириб бўлгансиз...
Демак,
айлангансиз
менинг
ўзимга...

Йигит шивирлади қиз қулоғига:
«Сен менга ҳаётнинг инъоми, жоним!..»
Қалбларда лолалар
очилди шу он,
Турналари баланд учди
юракнинг.
Бир-бировин

йўқотиб қўймаслик учун
қаноат қушлари
ин қурди дилга...

...Ачиниб кетаман
туну кун тинмай
пулга сажда қилаётган
анов одамга...

Кетаман,
Чорам йўқ.
Кўзларимда нам,
йўлимда бор бўлган
имконга куниб.

Кетаман,
мен сени қаттиқ севсам ҳам,
кўзингни қоп-қора
туманга кўмиб.
Сен яшай бошлайсан энди баҳорсиз,
кўксингда уйғонмас лолалар билан.
Мен яшай бошлайман
соғиниб, унсиз,
кўксимда чайқалган нолалар билан.

Яшайман, юрагим яраларига
аламдан ҳар кеча
минг бор туз сепиб.
Сўздан даво излаб чораларимга,
сен юрган шу заминни севиб.

Кетмоғим шарт эрур,
сенинг қолишинг.
Кетмоғим шарт эрур,
жоним, бўл омон!

Чида. Сабр қилгин.
Ёнма. Бефойда.
Менсиз куламас-ку
бошингга осмон...

* * *

Бошингни
тошларга
урма
сабр қил...
Балаңд бўл
пойингда ётган
жисмдан!..

Ахир,
бошинг
тошдан
қаттиқ-ку,
жоним!..

* * *

Сўзлар ёлғон,
Қарашлар ёлғон.
Энтикиб-энтикиб
алданар диллар.
Ниятлар шунчаки,
шунчаки мақтов,
қалбни тўсиб қўяр
ёлғон сояси...
Мен нени изласам,
топдим, минг шукр,
Нимага интилсам,
шукр етишдим.
Фақат сени излаб
яшайман ҳамон,
ёлғиз сенга интиқ
бўлар юрагим.
Бормисан,
садо бер,
эй самимий сўз!





Асад АСИЛ

Ҳикоялар

Оқар сув

I

Баҳорнинг иккинчи оғи тугаб бораётган сарҳашам кунлар... Тошлоқларда гулим-қизлар гуллаган, довучалар қиндан чиққан, гилосларнинг гуж-гуж мевалари кўзга ташланиб қолган...

Сурункали ёққан совуқ ёмғир кечга бориб тинди. Шу заҳоти гоҳ у ёқдан, гоҳ бу ёқдан гувилаб шамол эса бошлади. Бора-бора шамол кучайиб, сарқирра чўққилару улкан қояларни курк товукдек босиб ётган булутларни чок-чокидан ажратиб, дуч келган томонга суриб юборди. Гир айлана тоғлардаги энг баланд ва салобатли Ойқашқа чўққиси ярақлаб кўзга ташланди. Тун пардаси ҳаммаёқни ўрай бошлаганига қарамай, Ойқашқанинг оппоқ учларида қуёшнинг сўнгги нурлари ҳамон жилва қиларди.

— Вуй, тоғларни росаям қор босибди-ку! — ҳайратланганидан овози борича гапириб юборди Ҳанифа ёнидаги йигитнинг қўлидан беихтиёр тутиб. Қизнинг жарангдор ва ўткир овозидан ҳадиксираб атрофга аланглаётган Бунёд мушти устида турган мулойим ва илиққина кафтни кўриб юраги орзиқиб кетди. Балоғат ёшларида қиз ва йигит бадани илк бор бир-бирига туташди. Бунёд энтикиб, қиздан кўз узолмай қолди.

Улар танлаган ўриндиқ қуюқ наъматаклар, аралаш-қуралаш бутаю ҳар хил ўсимликлар қуршовидаги хилватда эди. Бу жойдан атрофни бемалол кузатса бўлади, ўткинчилар эса, синчиклаб тикилмасалар, хилватдагиларни пайқашни қийин. Аммо қизнинг баланд овози кимларнингдир қулоғига бориб етгани сал кейин маълум бўлди...

Ҳанифа оиланинг кенжаси. Отаси эркалатиб айтишича, қизалоғи ҳам кенжаойи, ҳам кенжатоғи. Ўн ёшларигача у чинданам «кенжатоғи» эди. Ўғилболача кийиниб, тенгдош ўғилболалар билан қувалаш ўйнаб юрар эди. Бунёд иккаласи-ку, кечаю кундуз бирга эди.

Шунда болапақир бошига тўсатдан кетма-кет қўш зарб тушди: онажониси дардга чалиниб вафот этди. Ҳанифанинг отаси оиласини шаҳарга кўчириб олиб кетди. Бу ҳол мурғаккина жон учун оғир эди, аммо ҳаёт — ҳаёт экан-да! Бунёд энди ҳар йили ёзги таътилни энтикиб, орзиқиб, зориқиб кутарди. Таътилнинг дастлабки ҳафтасидаёқ маҳалла кўчаларида Ҳанифанинг жарангдор кулгиси тараларди-ю, йигитчанинг

жону жаҳони яшнаб кетарди. Бунёд учун ҳар қандай оғир юмушни ҳал қилиш бирпаслик иш бўлиб қоларди. Дарахтнинг қил учию туютошларга югуриб чиқиш, зову жарларга сакраб тушиш, тик қирғоқдан дарёга калла ташлаш. Фақат Ҳанифа... йил сайин ўзини узокроқ олар, беғоналашиб борарди. Шунданми, улар учрашган кезларда Бунёд ўзини гўё игна устида ўтиргандай сезарди. Учрашмаса, лоақал узокдан қизнинг бўй-бастига суқланиб тикилмаса, жилла қурса, жарангдор овозини бир бор эшитмаса бўлмасди. Руҳи чўкаверади-чўкаверади, бу дунёнинг қизига қолмайди.

Журъат этиб, ҳозир... сал олдин қизнинг қўлидан бир мартагина ушлади. Унда ҳам узук тақиш учун.

— Вой, нима қиялсиз, ўзи?! Менга ҳеч нарсаининг кераги йўқ. — дея узукни қайтариб берди қиз. Бунёд шўрлик шу қадар ночор аҳволда қолдики, ер ёрилса ҳеч иккиланмай кириб кетарди. У узукни икки томонидан тутиб, чўрт синдирмоқчи, дуч келган томонга отмоқчи бўлди. Ҳанифа бир зум тикилиб тургач, қўл чўзиб шивирлади: «Қўйинг, тўхтанг, синдирманг, майли, келинг, тақиб кўя қолинг...» Қиз узукмаи, Бунёдгами ёки узук сотиб олиш учун йигит неча йил давомида йиққан пулларгами... ачинди шекилли. Шундан кейин бечора Бунёд яна журъатини йўқотди. Мана, пана-пастқамда ўтиришибди, Бунёднинг бир оғиз илтимосини қайтармай, Ҳанифа учрашувга келди, ҳатто ҳавонинг совуқлиги баҳона бўлиб, йигит пинжига кириб боряпти-ю, қани энди салгина дадиллик пайдо бўла қолса! Кўзини чирт юмиб айтмоқчи ҳам бўлади: «Ҳанифа, бу дунёда иккимиз бир-биримиз учун яратилганмиз! Ахир биз йўл-йўлакай эмас, туғилганимиздан бери бир-биримизни таниймиз, ишонмасангиз онангиздан сўранг, фақат сизлар кейинроқ узокқа — шаҳарга кўчиб кетгансизлар, ёзги таътилда қишлоққа келишингизни қанчалар зориқиб кутишимни билсангиз эди...» О... айтилмаган бундай гаплар миясида, тилининг учига қатор-қатор. Уларни изҳор этишга жасорат қўй? Энди эса... бу — сўнги имконият! Ўрта мактаб тугади. Ҳанифанинг таътилга сўнги бор келиши. Буёғига ким билади? Ўқишгами, ишгами кириб кетар... Қайсарлиги тутса турмушгаям чиқиб кетар! Ўзи кўзга яқин. Кўзга яқин ҳам гапми!..

— Ҳанифа, мен... мен сизга бир гапни...

— Анови қор янаям пастроқ тушганда, манови шўрлик меваларни жой-жойида совуқ уриб кетарди, демоқчисиз-да, топдимми? — бармоғидаги узукка тикилганча қувлик билан гапни бошқа ёққа бурди қиз.

— Йўқ, Ҳанифа, мен, мен...

Йигит гапини давом эттирмади, буталарнинг шохларини шарт қайириб, қизнинг узокроқ қариндоши Дониёр пайдо бўлди.

— Ҳов, ярамас қиз, ҳе, онангни!.. У ёқда қачондан бери аммалари жон ҳовучлаб сени кутиб ўтиришибди-ю, бу қанжиқ бўлса!..

Бунёд аввалига ўзини йўқотиб, ағрайиб қолди. Ахир бутун ўқув йили давомида ҳар йили қоврилиб, ўртаниб, соғиниб Ҳанифани кутишини тенгқурларидан биргина Дониёр биларди-да. Бултур қишда «сарик» бўлиб қолганда: «Ҳанифа юрагингиз тугул жигарингиздан ҳам урган экан-да», деб ҳазил аралаш гапирган ҳам шу Дониёр эди-ку!

— Дониёржон, оғзингизни тоза сувга чайқаб олинг! Эссиз, йигит деган ном!..

Ҳанифа газаб ва йиғи аралаш шу гапларни базўр айтди-да, чопганича гойиб бўлди. Бунёд ўзига келиб, қаршисида турган «дўсти»га қаттиқ тикилди. Унинг важоҳатида кўрққулик эди. Бундан талвасага тушган Дониёр:

— Онаси қариндошимиз-у, жуда бўлмагур аёл-да. «Қизимнинг бошини сенлар айлантириб юрибсанлар, бир гап бўлса, ҳаммангни судга бераман, ернинг тагидан бўлсаям топиб кел», деб, менга ёпишиб олди-да, дўстим, — деди гапни бурмалаб. — Шу «қора таппи»нинг нимасига учиб юрибсиз ўзи?

— Ҳаром оғзингиздан «дўстим» деган сўзни яна бир марта эшитсам!..

Бунёд билинар-билинамс титраётган бармоғини Дониёрнинг оғзига бигиз қилиб бир зум туриб қолди. Сўнг, шарт бурилиб, дарахтзор орасига кириб кетди. Юз-кўзлари, кийимларини беаёв тирнаётган шох-шаббаларга эътибор бермай борар экан, томоғидан тиқила-тиқила ўтиб, юрагига бориб қадалган тош енгиллашиш ўрнига тобора зил торгмоқда эди. Қўлоғидан биттагина гап аримасди: «Эссиз йигит деган ном!.. Ҳанифа бу дашномни кимга айтди? Албатта, менга-да. Ифрос сўзлар чиққан заҳоти уриб, Дониёрнинг оғзи-бурнини пачақлаб ташлашим керак эдимми? Ундай десам...»

Ҳанифа уришқоқларни ёқтирмасди. Шундайларни «уришқоқ кўпаклар» деб атар, қаттиқ нафратланарди. Дониёрни балки шу нарса тўхтатиб қолгандир. У эмас, бу эмас, йигит бечора лоақал юрагигаги дардини баён этолмади. «Ўрмончилик ўқишига сиртдан кираман, шу соҳада ишлайман, келгусида қишлоғимизни, тоғу тошларни обод қиламан, катта боғлар яратаман, иккимиз жудаям бахтли яшаймиз!» — демоқчи эди, бўлмади... Тун қўйнида, оёғи тортган жойларда кезиб юрар экан, марҳум онаси қайта-қайта ёдига тушарди. Онасини эслаган сайин кўзларига ёш қуйилар, дапқир-

дапқир йиғлаб оларди. «Ўлмасам, Ҳанифани албатта келин қиламан, Бунёдим иккаласи мурғаклигидан бирга ётиб, бирга туриб, бир ўринда катта бўлишган», деган гапларни онаси қўни-қўшниларга неча бор айтганини эшитганда ўспирин қувончи ичига сиймай кетарди. Афсус, Бунёди балоғатта етганини шўрлик она кўролмади. авваллари мойил ва меҳрибон бўлиб юрадиган Ҳанифанинг онаси ҳам, шу оғир жудоликдан сўнг, бу оиладан ўз-ўзидан узоқлашиб кетди...

Шу воқеалар тентираб юрган йигит хаёлидан бир-бир ўтар экан, унинг умид шамчироғи тобора пасайиб, сўниб борарди: «Ҳанифа кўнган тақдирда ҳам ота-онаси унамайди-да, мен бир етимчаман-да! Балки Дониёрга кўнгли бордир? Қанчалик сўкса ҳам «Дониёржон» деди-ку! Менга буюрмаган экан-да...» Йигит юрагидаги бу сирлар пинҳонлигича қолаверди. Уларнинг бари Худобагина аён эди...

II

Йиллар ўтаверди, ҳаётнинг бешафқат бўронлари Бунёдни чўл эвалагидек дуч келган томонга юмалатиб кетаверди. Онаси раҳматлик бу ўғлини жон-дилидан яхши кўрарди, «Боқадиган Бунёдим, олисга кетмасин, қўлимда бўлсин», деган яхши ният билан исмини ҳам ўзи танлаган экан. Ўғлини тутиб турган замин кутилмаганда ўпирилиб тушди-ю. Бунёд сарсон-саргардон бўлиб қолди. Кўзлаб юрган ўқувига бир амаллаб сиртдан илиниб олган ўспирин қаерга қўл кучи керак бўлса, шунда ишлаб, ҳаёт кечираверди. Бир тўда жон билан қолган дадаси бу ўғли нонини ўзи топиб юрганидан мамнун эди...

Шундай кунларнинг бирида — Бунёд Чирчиқ аталмиш шаҳарнинг пойабзал корхонасида ажабтовур ишлаб юрганида бошига яна бир «гурзи» тушди. Кечкурун, кутилмаганда унинг ётоғига Дониёр кириб келди. Чақирилмаган «меҳмон» ким бўлмасин, ҳамқишлоғи, қалбининг энг нозик сирларидан воқиф тенгдоши эди. Бунёд беихтиёр қувониб кетди: топган-гутганини ўртага қўйди, чой дамлади, бирор яхши хабардан умидвор бўлиб, унинг оғзини пойлади. Дониёр эса қўйин чўнтагидан «яримта» чиқарди-да, икки бўлиб қуйгач, ўзиникини бир кўтаришда сипқорди. Афтини бужмайтирганча газак қилар экан: «Анови бевафо эрга тегаётганакан. Яна кимга денг, шу Чирчиқ шахридаги химзовутлик бир бошлиқнинг бойваччасига! Бу янгиликни эшитдингизми?» — деса бўладими?! Бунёд дастлаб эс-ҳушини йўқотаёзди. Аммо шу заҳоти қандайдир ички бир овоз шивирлаб далда берди: «Йигитсан-ку, ўзингни тугт!..» Боши эгилиб, анча сукутда ўтиргач, бир амаллаб ўзини босди. Кейин бош кўтариб, гўё ҳеч нарса бўлмагандай:

— Кимга бевафолик қилибди ёки сенга тегаман, деб биронтамизга ваъда берганмиди? — деди вазмин овозда.

— Менга-ку, барибир, истасам унга аллақачон уйланиб олардим, сизга ачинапман, дўстим. Ҳали тўй бўлганича йўқ, балки бир йўлини қиларсиз деб...

— Кимга турмушга чиқиши Ҳанифанинг шахсий иши. Демак, у мениям, сениям севмас экан, — эзмаланаётган Дониёрнинг гапини кесди Бунёд.

— Ие, мундай бир эркаклик беги борми ўзи, дўстим?!

— Бор бўлганда қандоқ!..

Мушт зарбидан Дониёр нақ эшик тагига қалпоқдек учиб тушди. У қон тирқирай бошлаган оғзини шоша-пиша кафти билан тўсди-ю, кўчага отилди. Шу кетганича бутунлай даф бўлди. Ўзида авваллари ҳеч зоҳир бўлмаган қарахт бир ҳолатда ўтирган Бунёд миясида узук-юлуқ хаёллар кезарди. «Дониёр яна нималарни гапирмоқчи эди? «Оғзингдаги ошингни бировга олдириб ўтираверасанми, қанақа йигитсан», демоқчимиди? Шу дашномни бултур Ҳанифа ҳам айтганди-ку! Чинданам мен бахтим учун курашолмадим, етимман, менга раҳм қилинглар, деб бурнимни тортиб юравердим. Унда нима қилишим керак эди? Билмадим, билмадим... Энди нима қилсаммикин? Билмадим, билмадим...»

Бедор кечган узун тун нима қилиш, қандай йўл тутиш кераклигини Бунёдга «тушунтириб» қўйди. Унинг биринчи иши ишхонаси билан тушгача ҳисоб-китоб қилиш бўлди. Тушдан кейин эса... этак силкиб, Чирчиқдан бутунлай бош олиб чиқиб кетди. У ўпкаси тўлиб, «бадбахт» шаҳардан имкон қадар узоққа қочиб борарди. Қаёққалиги номаълум, аммо оёқлари ўз-ўзидан тоғ сари элтарди. Йўллар узоқ, бировнинг у билан, унинг биров билан иши йўқ, овунчоғи хаёллар... сўнгсиз хаёллар эди. «Менинг Чирчиқда ишлаётганимдан Ҳанифа хабар топган экан-да, мана шундай қилиб сендан бир-ир ўч олай, деганими бу? Йўғ-э, аввало, у мени ёқтирадими-йўқми, ўзи? Юрак сиримни бирор марта очиб гапирмаган бўлсам. Қўнглини, ихтиёрини, менга майли бор-йўқлигини сўрамаган бўлсам... Ундай десам, уям кимнидир севар? Дониёрними? Ёки Дониёрнинг унда ўз илинжи бормикин? Бўлмаса нега тентираб қидириб юрибди, нега мени гиж-гижлапти? Ёки чиндан ҳам менга ачинаптимикин? Балки шундайдир, ахир Ҳанифа чирчиқликни танимасдиям, билмасдиям. Бу анави ярамас совчилар — бировга бировни топиб берувчи «овчи»ларнинг қилмиши бўлса

керак. У кишилар ўзларича «савоб қидириб», бировни бировга топиб беришади-ю, кимларнингдир юрагини юлиб ташлаганларини хаёлларига ҳам келтиришмайди. Дониёрни бекор хафа қилдим, шекилли. Аммо, аслида уям қилмишига яраша жазосини олди. Ушанда сурбетлик қилиб, кўзга тушган чўпдай орага суқилмаганда Ҳанифага юрагимни очармидим, унинг ҳам кўнглини билиб олармидим? Энди кеч. Ҳанифа, сенга бахт тилаш қўлимдан келади, холос. Шуниси ҳам борки, бу лаънати жойда — заҳар-заққумга ботган, атрофга кечаю кундуз ажал уруғи сочиб ётувчи шаҳарда бахтли бўла олармикансан? Сиртдан қараганда, бойваччалар юртидай кўринган бу алвасти шаҳарда умринг хазон бўлмаса гўрга эди. Дониёрнинг айтишича, химзовутлик бир бошлиқнинг бойваччасига турмушга чиқаётган экансан. Оҳ, Ҳанифа, тўкин-сочинлик, бойваччалikka учибсан-у, ҳаётингни, келажагингни ўйламабсан-да! Нималар деяпман, бу шаҳар шароитини, аҳволни ишлаб юрганим учун мен биламан, қизнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган-ку! Сени айблашга сираям ҳаққим йўқ, азизим! Сен гўбор тегмаган, эндигина юз очиб, бу оламга чарақлаб боқаётган нозиккина гулгунчасан. Осмондан ёғилаётган, ердан, сувдан шимилаётган заҳар-заққумларга дош бера олармикансан?! Увол бўлмасайдинг, бевақт нобуд қилмасалар эди! У эмас, бу эмас, ҳаммаса тақдири азадан шекилли? Бизнинг бирга умр кечиришимиз, турмуш қуришимизни Худойим хоҳламаган бўлса керак. Энди мен учун битга йўл қолди: умрим бўйи, жоним борича курашиб, Чирчиқ сувиниям, ҳавосиниям заҳардан тозалаш учун ҳисса қўшишим керак. Ҳар не бўлса-да, бу йўлдан қайтмайман. Шундай қилиб, шояд сенинг саломат юришингга сал-пал ёрдам беролсам эди...»

III

Соч-соқоллари тенгара оқарган бўлса-да, ёноқларидан қизиллик ҳали ариб улгурмаган киши эндигина шўра чиқараётган ток остидаги курсичада хомуш ўтирарди. У аҳён-аҳёнда хавотирланиб осмонга қараб қўяди, бармоқларини букиб-ёзиб нималарнидир санайди, чамалайди...

Баҳор яримлаб қолган. Олмаю беҳилар, ноку шафтолилар чамандай гуллаган, ўрик ва гилосларнинг довуччалари гулкоса ичидан мўралаб туришибди. Томорқадаги сойдан оқаётган сув бир маромда шовуллабди...

«Қадим ҳам шундай эди, ҳозир ҳам шундай-ку, хайр-барака кўтарилиб боряптими дейман-да. Об-ҳавоюм қаттиқ ўзгарди, табиатниям мувозанатини бузиб юбордик шекилли, кутилмаган тасодифлар, фалокатлар тез-тез тақрорланадиган бўлиб қолди. Чўл эвалагидай юмалай-юмалай ахийри киндик қоним томган ерга қайтиб келдим, шунисигаям шукр. Қолган умрим мана шу қишлоқ жозибасию баракасини, меҳру оқибатию салобатини сақлашга фидо бўлсин. Умр — оқар сув, деганларидай, мана, олтмишням уриб қўйибмиз...»

Шу чоғ қибладан кучая бошлаган аччиқ изгирин Бунёд аканинг ташвишини баттар ошириб юборди. У теварак-атрофга разм солиб, қандайдир хатар яқинлашаётганини фаҳмлади. Сал аввал ҳаммаёқда учиб-қўниб юрган капалак ва ҳашаротлар бирпасда қаёққадир ғойиб бўлишибди. Бетиним ку-кулаётган мусичалар, вижир-вижир сайраётган чумчуқ ва читтақларнинг овозлари эшитилмай қолибди. Думи, қулоқлари кесик Сиртлон фингшиб, ҳовли ўртасидаги ўтлоқда у ёқдан-бу ёққа тинимсиз ағанаяпти...

— Парвардигоро, ўзинг раҳм қил, етим-есир, бева-бечораларнинг ризқини сақла, Худойим, — паст овозда илтижо қилди Бунёд ака, катта кафтлари билан юзини астойдил сийпалар экан.

Ичкаридаги телефон ўқтин-ўқтин жиринглаб, Бунёд аканинг хаёлини бўлиб юборди. У илдам бориб, дастакни қулоғига тутди:

— Эшитаман.

— Ака Бунёд, бормисиз оламда?! — қишлоқ оқсоқолининг хушчақчақ овози эшитилди. — Пенсияга чиққандан бери бозор-ўчардан қўлингиз бўшамай қолди-ёв. Янгамиз яна шу томонларга бошлаб кетдимикин, деб қўрқувдим, хайрият...

— Тўғри топдинг, ука, — оқсоқолнинг чўзилаётган гапини кесди Бунёд ака. — Янганг, иложини топса, кунига бозорга бир эмас, уч-тўрт марта олиб тушишга тайёр. Барига сен билан хотининг айбдор, «келинимни тезроқ топширинглар», деб икки оёғимизни бир этикка тикиб ўтирибсизлар.

— Хўш, бўй етган қизболани уйда сақлаб ўтираверасизми, тақсир? — ҳазилхузул билан ўз «хужум»ни бўшаштирмади оқсоқол. — Ёки «қиз асрагунча туз асра», деган нақлни эшитмаганмисиз? Аввалги қизларингизда бунақа «ноз-фироқ»дан асар ҳам кўринмасди, тўйни ўзингиз тезлаштириб юборардингиз-ку!

— Э, сен ниманиям тушунардинг, Ҳамиджон, — оғир сўлиш олиб жавоб қилди Бунёд ака. — Ҳанифа ҳам кенжатоим, ҳам кенжаойим. Ўқиши битишга бир йилгина қолувди. Балки тўйни янаги йилга кўчирармиз.

— Нима, нима! Бу мижғовлик сизга қаёқдан ёпиша қолди?! — ҳазил-ҳузул қаёққадир йўқолиб, кучаниб-зўриқиб гапирганидан оқсоқолнинг овози чийиллаб кетди. — Тўй масаласини алақачон ҳал қилганмиз, мен сизга бошқа юмуш билан кўнғироқ қиялпман. Туман ҳокимлигидан ҳозиргина хабарлашди: эртадан кейин ўн тўрт қишлоқнинг оқсоқоллари йиғилиб келишаркан. Бу галваниям ўзингиз орттиргансиз: «намунали маҳалла яратамиз», деб бошлаган ташаббусингиз натижаларини ўрганишармиш. Янгамиз билан қўлиқлашиб шаҳар-маҳарга кетиб қолмаслигингиз учун олдиндан огоҳлантирялпман-да! Сиз бошқа ҳеч нарсадан ташвиш тортманг, ҳар хил икир-чикир, борди-кеддилари, ҳар қанча зиёфатлари бизнинг зиммамизда. — Оқсоқол энди овозини пасайтириб, айёрона овозда давом этди. — Буям қудачилигимиз ҳурмати, йўғрироғи — хушомади-да, акахон. Ҳанифаой келинимизни ўзимиз ҳам аямиз, бир йил қолганда ўқишини қолдиртириб юборадиган аҳмоқ бизнинг хонадонда йўқ, тақсир. Буёғидан хотирингиз жам бўлсин. Гапнинг индаллоси, эртадан кейин бўладиган йиғинга ҳозирланиб туринг, хўпми?

— Хўп, барака топкур, хўп, одамни жуда қон қилиб юбординг-ку! — зарда билан жавоб берди Бунёд ака. — Йиғининг эртадан кейин экан, янганни эртага бозорга обориб келарман. Фақат ҳавонинг авзойи ўзгараётганидан ташвишдаман. Ишқилиб, қибланинг изғирини бир балони олиб келмаса гўрга эди...

— Нимасини айтасиз, акахон, — оқсоқол Бунёд акага ёқадиган гапларни қидириб, усталик билан унинг кўнглини овлашга киришди. У қудасининг чапақай жаҳли чиқа бошлаганини сезиб қолган эди. — Бултур худди шу маҳалда қор ёғиб, ҳамма ёқни шайтон ялагандай қилиб кетган эди. Буларнинг бари Орол қуришидан, табиат мувозанати бўзилишидан. Тағинам сизлар бор экансизлар, хайрият. Буёқдан денг, Чирчиқ зовутларининг заҳари учиб келиб, ҳамма ёқни қовуриб ташляпти...

«Чирчиқ» сўзи қулоғига кирган мўйсафиднинг юраги чуқур орзиқиб кетди. У бўлажак қудасининг қолган гапларини кутиб ўтирмасдан, дастакни жойига қўйди-да, ўнг кафти билан чап кўксини оҳиста сийпалай бошлади. Олтмиш йил давомида олиша-олиша чарчаган юрак ногоҳ теккан кичик бир зарбадан ҳам санчиб ачишадиган бўлиб қолган эди. Кўксини секин-секин сийпалар экан, ўзи-ўзи билан шивирлаб гаплашарди: «Чирчиқни енголмадим. Менинг курашларим ёлғонлардан қурилган қалъа-қўрғонларга улкан қояга отилган сопқон тошичалик таъсир этди ё этмади... Шу, кенжа қизимниям эгасига топшириб, бахтли бўлганини кўрсам эди! Кейин... омонатингни олсанг ҳам мингдан-мингга рози эдим, Худойим! Бу, хотини тушмагур, бозор учун келиб-келиб шу Чирчиқни танлагани-чи...»

Бунёд ака эскириброк қолган машинасини бозорда ишлаб юрувчи ўртоғининг идораси рўпарасида тўхтатди.

— Сен ўтира тур, — кўзойнагини олиб, хотинига юзланди у. — Ҳалиги харид қилнадиган нарсаларни ёзган рўйхатингни менга бергин, Қўрғонбойдан сўраб кўрайчи, уларни қайси магазиндан топса бўларкин...

Дўстидан тегишли йўл-йўриқ олгач, машинасини шу жойда қолдириб, эру хотин магазинма-магазин жўнади. Бунёд ака Ҳалима холани бирор дўконга киритиб юбориб, яқин ўртадаги ўриндиқда дам олар ёки шу атрофларда секин-секин айланиб юрарди. Ҳадеганда чиқавермаса, ичкари кириб Ҳалима холанинг енгидан оҳиста тортиб қулоғига шивирларди: «Магазинда нарса қолдимми, ишқилиб? Агар менга заррача раҳминг келса, чаққонроқ қимирла, бу лаънати шаҳардан тезроқ кетайлик, нафасим қисилиб борапти!»

Кўп қаватли энг катта магазин рўпарасида Ҳалима хола чолини дакки аралаш юпатди:

— Мана шу сўнгтиси. Юрагингизни кенгроқ қилиб, анови ўриндиқда ўтира туринг. Бошқаларга зиён етказмаётган Чирчиқ сизниям еб қўймас. Ана, ҳаммалари бемалол юришибди-ю!

— Улар кашаңдалар каби заҳар-заққумга ўрганиб кетишган, шу жой турганда, бошқа ҳар қандай жаннатмаконни ёқтиришмайди, — хотинининг кесатига кесатиг билан жавоб берган Бунёд ака напироқдаги ўриндиққа бориб ҳорин чўқди. У танлаган жой барглари заъфарон тус олган гулзорлар ўртасида эди. Олдидаги йўлақдан хаккам-дуккам одамлар ўтиб турарди. «Тавба, заҳарнинг зўридан дарахтларнинг барглари яшнаб улгурмай қовжираб қолибди-я, — атрофни кузатганча ўйланиб ўтирарди у. — Аммо дарахтлар яна-яна янги барглар чиқаряпти — яшаш учун курашяпти, кимдандир, нимадандир умидвор. Чирчиққа бу йил Фахриддин исмли одил ва ишбилармон йигит бошлиқ бўлган дейишади. Балки шу инсон зўраки ёлғонларга барҳам берар, заҳар-заққумларнинг даммини кесар. Балки сиз — арз-додини бирон кимсага айтолмайдиган шўрлик жонлар интиқлик билан шу инсонни куттаңдирсизлар?! Бардош қилган, кутган, шу билан баробар, тақдири, қисмати учун курашганларнинг муроди шаксиз ҳосил бўлади. Кўриб турибман, гарчи миқ этмасангизлар ҳам, сизлар бетўхтор курашяпсизлар, кечаю кундуз Худого илтижо қиялпсизлар. Нолала-

рингиз албатта Яратганга етади. Етди ҳам. Кечаги ҳавонинг қаҳри кесилди-ку! Зинҳор-базинҳор мен каби оғзидагини олдирадиган ношуд бўлманглар!..»

— Бунёд ака!..

Қандайдир ёқимли, ўзига хос ва қачонлардир қулоғига маҳкам ўрнашиб қолган овоздан мўйсафиднинг юраги негадир ҳаприқиб кетди. У қаршисида турган аёлга тикилиброқ қараб таниди, беихтиёр шивирлади: «Ҳанифа?!..»

— Ҳа, менман, — аёл Бунёд аканинг ёнига чўқди. — Ўтиб кетаётиб қарасам, сиз ўтирибсиз. Нималарнидир пичирляяпсиз. Олдинига... тинчингизни бузмасаммикан, дедим. Кейин... ўтиб кетолмадим. Бирров сўрашиб қўяй, дедим. Яна қачон йўлиқамиз, ахир умр бир жойда турмас экан, оқар сувдек оқиб кетавераркан...

— Мени таний олдингизми? Шунча йил ўтгандан кейин... қандай қилиб?

— Эй, Бунёд ака-ей, мен сизни ҳар доим учратиб юрардим. Заводларнинг заҳар-заққумларини йўқотиш учун Чирчиққа келиб, йиғинларда қилган маърузаларингизни эшитардим. Телевизору радиоларда ёниб гапиришларингизга қулоқ тутардим. Газета-журналларда сиз ҳақингизда ёзганларни ўқирдим. Оиламиздагиларнинг ҳаммаси, фарзандларимгача сизни танийдилар, кимлигингизни яхши биладилар. Ҳатто турмушдошим ҳам...

— Турмушдошингиз?!

— Ҳа, у киши олижаноб инсон, мени юпатади, ҳаёт чалкашликларини айтиб юпатади...

— Ҳанифа, сиз менга эътибор берар экансиз-да! Мен... мен...

Бунёд аканинг бўғзига тикилган куч кўзларидан тошиб чиқа бошлади. У осмонга боқиб, хижолатини ютиб юбормоқчи бўлди. Эплай олмагач, рўмолча билан шоша-пиша кўзларини артиб қўйди...

— Хайрият, бу опамиз сизни овутиб турган экан, зерикмабсиз. Мени кутавериб роса жаҳлингиз чиққандир, деб ўйловдим...

Кутилмаган бу овоз эгасига Ҳанифа хола тез бурилиб қараган эди, рўмоли сирғалиб елкасига тушди.

Во, дариф! Бир пайтлар, билақдай-билақдай қилиб ўриб қўйиладиган, чиройли одимларига монанд ҳолда тўлганиб кўзларни қувонтирувчи қўш кокилни тақдим этган жой бўм-бўш эди!.. «Бу аҳволни кўргандан кўра, олдинроқ кўр бўлиб қолсам бўлмасмиди! Чирчиқнинг кўрсатган қаромати шуми?! Ҳанифа хола рўмолини шоша-пиша бошига тортди, учларини бўйнидан ўтказиб боғлади. Орага совуқ сукунат чўккан, гап-гапга қовушмай қолганди.

— Юринглар бизнигина, меҳмон бўлиб борарсизлар, — деди Ҳанифа хола кетишга ҳозирланиб.

— Раҳмат, — дея олди Бунёд ака бўшашиб. — Оила аъзоларингизга, ойингизга... биздан салом айтинг.

— Ойим оламдан ўтганлар. У киши сўнгги кунларида сизни жуда кўп бор ёдларига олдилар! — Ҳанифа холанинг овози титраб кетди. — Майли, хайр, омон бўлинглар...

Бунёд ака машинасини катта йўлга чиқариб, бир маромда ҳайдай бошлаган эди, Ҳалима хола кўққисдан сўраб қолди:

— Ҳалиги аёл ким эди, дадаси?

— Узоқ қариндошимиз, — дея гапни қисқа қилди Бунёд ака.

— Бечора, юрагим ачишим кетди... Худо кўрсатмасин, сочсиз қолиш аёл кишига ярашмас экан!

Бунёд аканинг оёғи беихтиёр тормозга бориб қадалди. Машина қийқириб тўхтади. Ҳалима хола ўзига ғазаб билан тикилиб турган эрига ҳайрон бўлиб қаради.

— Илтимос, шу гапингни ҳозироқ қайтариб олгин-да, ҳеч қачон такрорлама!..

Эрининг қалбида шу кунгача кўринмай ётган ярани тирнаб юборганини сезиб қолган Ҳалима холанинг кўнгли бир хил бўлиб шивирлади:

— Қайтариб олдим, дадаси, кечиринг, агар яна шуни такрорласам... тилим кесилсин!

Бунёд ака бахтини ўғирлаган шаҳардан тоғ сари қочиб борар экан, вақти-вақти билан беихтиёр томоқ қириб, уҳ тортиб қўярд.

IV

Тўйлар бўлиб ўтди. Шу баҳона Бунёд акани кунда-кунора «қўзғатиб» турадиган оқсоқол бағамом тинчиб кетди. Бир йўли кенжа фарзандини ҳам эгасига топшириб охирги «тоғдан» ошган Бунёд ака кўнглида кўздан яшаб келаётган ширин орзусини рўёбга чиқармоқчи: қолган умрини узунгина турмуш сўқмоқларида «қўш ҳўкизлик» вазифасини қойиллатиб адо этаётган, танмахраминини ўзидан ортиқ бўлса бордир-у, кам кўрмайдиган Ҳалима холанинг доимо шод яшаши йўлига сарфламоқчи эди. Аксига олиб, Ҳалима хола рухсорида кейинги пайтда пайдо бўлган хомушлик кунлар

ўтган сайин тарқалиб кетиш ўрнига ғалати тарзда қуюқлашиб борарди. «Бу мутгасил югур-югурлар, кенжа қиз тўйининг чарчоқларидан қолган асоратдир», ўйларди Бунёд ака. Бироқ кўнглининг бир чеккасида шу таскинга қарши исён бош кўтариб турарди: «Бекорларни айтибсан!» Бундан ўн-юз барабар залворли машаққатлар қаршида заррача эсанкирамаган қалб келиб-келиб ширин ташвишлардан чарчармиди?! Бу хомушлик сабабчиси юрак дарди, холос...» Кечаю кундуз қалбига соя ташлаб турган шу қурқувга Бунёд ака беихтиёр таслим бўла бошлади: «Ҳанифа билан тасодифан учрашувимиз куни хотинимга ўзим шу «совға»ни тақдим этдим. Юрагини тузалмас дардга мубтало қилдим. Илк танишганимиздан тортиб то турмуш қурган йилларимиз давомида уриш, сўкиш уёқда турсин, бирон марта қаттиқ гапирмаганлигим оқибати бу...»

«Шу гапингни ҳозироқ қайтариб олгин-да, ҳеч қачон такрорлама!»

Бунёд ака шу гапларни шивирлаб такрорларди. Такрорларди-ю, ўзида ортиқча малолик сезмасди... «Бу гап оғзимдан чиқиши олдин илтимос деган сўзни ҳам айтгандим, шекилли. Эр-хотинимиз, қолаверса... — Бунёд ака тили учиде тўхтаб қолган гапларнинг давомини ютиб юборишга уринар, аммо қайсар сўзлар унга бўйсунмай, эркинликка бирин-кетин парвоз қиларди. — Биз бир-биримизни севиб эмас, оддийгина ёқтириб оила қурганмиз. Ҳалимага уйланган кунларимнинг дастлабки ҳафтасида бунга иқроп бўлганман-ку! Менга узатилгунга қадар у тувилиб-ўсган уй тоқчасида ётган хатни гупиллаб ураётган қалбим садоси остида ўқиб, бунга иқроп бўлганман-ку!..»

Ҳалиманинг тўйига санокли кунлар қолганда битилган бу мактуб Бунёд учун чинданами ошиқ йигитнинг қизга илтимоси, фарёди бўлиб туюлди. Номанум кимса Ҳалимани қандайдир йигит билан кўрганини, бунда ўзининг кўп жиҳатдан айбдорлигини, зинҳор-базинҳор у «ўткинчи»га турмушга чиқмаслиги кераклигини зорланиб сўрар, ялиниб-ёлборарди. Бунёд хатни жойига ташлар экан, эзилиб-янчилаб иқроп бўлган эди: «Ҳалима севиб эмас, тавақкалига менга турмушга чиқибди. Бирор сабаб у йигит билан қаттиқ аразлашиб қолган бўлса, аччиқма-аччиқ менга — биринчи дуч келган йигитга тегиб кетаверибди. Пешонамга шу савдолар битилган бўлса на илож? Истаса яшайверар, жонига тегсам, бир баҳона топиб ташлаб кетаверар!..»

Ҳалима Бунёдни ташлаб кетмади. Бирга яшаган йиллари давомида Ҳалиманинг юриш-туриши, ўзини тутишида шубҳали бирон ҳаракат ҳам сезилмади. У Бунёд йўлини мудом интизор кутувчи мунис, меҳрибон ва бардошли аёл эди. Барибир йигит қалбини безовталиқ, шубҳа сира тарк этмас, ўша хат эгаси хаёлидан аримасди..

— Онаси, хафа бўлмасанг, сенга бир гап айтмоқчийдим, — деди Бунёд ака, нонуштадан сўнг, дастурхонни йириштириб, бошқа юмушлар учун ҳовлига йўл олган хотинига юзланиб. — Кел, бирпас ўтир.

Ҳалима холанинг қоратўри, чўзинчоқ юзи сал оқарди, жозибасини ҳануз йўқотмаган қоп-қора кўзларида бир учқун ёниб-ўчгандек бўлди. У индамасдан келиб, хонтахтанинг қуйи қисмидаги кўрпачага чўкди.

— Мендан хафамисан, қаттиқ ранжитган эканман-да?

— Йўқ... ўзим...

— Сенинг кўзларинг шундайки, кайфиятингни очиқ-ойдин айтиб тураверади. Ўшанда — бозордан қайтишдаги қаттиқ гапимни ҳануз ҳазм қилолмайсан, тўғрими?

— Тўғри-ку, сиз эмас, ўзим айбдорман, дадаси. Жоҳиллик қилдим, ўзимни ҳануз кечиролмайман. Сиз... сиз шу аёлни севар экансиз-да?..

Тўғринча айтилган бу гап сержардароқ бўлиб қолган Бунёд аканинг дилида неча йиллар чарх уриб келган иштибоҳни алангалатиб юборди:

— Сен ҳам севгансан, ҳаммаям севади... Севишга ҳар кимнинг ҳаққи бор! Афсус, мен лодон сенларнинг ораларингда чақиртиканак бўлиб қолганман!..

— Нима?! Нима дедингиз?! «Сенлар»ингиз ким ўзи?!

— Э, қўйсанг-чи, ўзингни нега соддаликка олсан? Тўйимиз бўлгандан кейин тасодифан тоқчада турган хатни ўқигандим. Ўқиб бўлиб, тилимни тишлаб қолгандим. Бир йигитнинг, яна сенинг бахтинга зомин бўлганимни шунда билувдим. Тўйдан олдинроқ айтсанг бўлмасмиди?..

Ерга боқиб ўтирган Ҳалима холанинг кўзларидан шу заҳоти ёш тошиб чиқди, бетўхтов оқаверди-оқаверди. Аёл жаладек қуйилаётган кўзёшларини артишни ҳам ўйламас, эрининг юзига ҳам қарамас, эшитган гапларига жавобан бир сўз демасди. «Хотинимнинг қалб жароҳатини тирнаб юбордим, бекор қилдим, — эзилиб ўйлади Бунёд ака. — Ёшимиз бир жойга бориб қолганда... Шунча йил бирга яшаб...»

Ҳалима хола кутилмаганда кўзғалиб, ўрнидан секин турди, келиб Бунёд аканинг ёнига чўкди, энгашиб юзини эрининг юзига босиб шивирлади:

— Бечорагинам-эй, бардошлигинам-эй. Арзимаган бир нарсани каттакон тош қилиб, шунча йиллардан бери юрагингизда кўтариб юрар экансиз-да?!

— Арзимаган бир нарса?!

— Бўлмаса нима? Танангизга би-ир ўйлаб кўринг, мен ўша хат эгасини севсам, нима учун сизга турмушга чиқишга кўндим? Ахир, хат анча аввал ёзилган эди-ку!..

— Нега уни тоқчага ташлаб қўйгандинг, мени ўқисин дебми?

— Вой афандим-эй, — Ҳалима хола жаҳли чиқиш ўрнига очилиб борар, кўзёшлари ҳам тийилиб қолганди. — Уни сиз ўқиганингиздан кейин кўрганман-ку! Кўрганим заҳоти ўқидиму йиртиб ташладим. Сиз кўрманг, шубҳага тушманг, деб шундай қилдим. Афсус кечиккан эканман. Шунга ўзингиз бир оғиз сўрасангиз бўлмасмиди? Битта эмас, ўйлаб бунақа хатлар ҳар кимдан келганини айтмасмидим, кўнглингизни шу заҳоти жойига тушириб қўймасмидим. Қимизни ким ичмабди, қизни ким хоҳла-мабди, деган гапни эшитгандирсиз? Ёзгиси келган — хат ёзаверади-да. Ҳамманинг кўлини тутиб туриб бўлармиди?..

— Шу айтганларинг ростми?!

— Нима, қасам ичайми? Ўзингиз қасамхўрларни ёмон кўрасиз-ку! Қандоқ қилсам, нима десам ишонасиз?!

— Унда менга айт-чи, сен ҳам бировни севганмисан?!

— Ўзингиз менга айтинг-чи, қайси хотин эрига «мен сизни севаман», деб айтар экан?! Шундай деб суйилиб ўтирса ярашармикин?!

Бунёд ака ҳовлининг орқа қисмини тоғдан ажратиб оқётган анҳор бўйида хаёлчан турар, туриб-туриб ўзидан-ўзи жилмаярди: «Бу сув бошқатдан, бутунлай бошқача оқяпти шекилли?! Шалдираши бунча мағрур, бунчалар ёқимли?! Тавба, сочларим қайтадан қорайиб кетмасайди! Тавба...»

ЧИНБОРЛАР

Одил дав келиб қўшилган заҳоти, ҳар доимгидек, даврада суҳбат қизиди. У теварагини ўраб турган каттаю кичикни оғзига қаратиб, қўшни қишлоқда бўлган кечаги кураш тафсилотларидан сўзларди.

— Вей, ўзиям ўн қишлоқдан полвон йиғилганакан, ҳаммаси нотаниш денг. Билмаган жойнинг чуқури кўп: синамаган полвонлар бетма-бет бўлганда, манман деганлариям ҳадиксираб, торгини қолишади. Бир хиллари ўзларича жа муғамбир бўволишади. Рақибининг ҳадисини ўрганиб, кейин ютиб кетмоқни кўзлашади. Аслида шу усул ёмонмас-у, кимдир таваккал қилишим керак-да. Кураш бўлгандан кейин биров ғолиб, биров мағлуб. Юрак қурғур чидамайди, шундоқ кунда ўртага тушиб кетовураман...

Сал ошириб юборганиданми, Одил дав бирпас жим қолди. Полвоннинг гапларига аҳён-аҳёнда жиндай лоф ҳам оралайди. Буни кўпчилик сезиб турса-да, эътироз бийдириш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Ахир қишлоқ доврғини теваракка таратиб юрган ягона полвон шу бўлса. Иннайкейин, Одил дав табиатида шоирона одатлар ҳам бор. Кўпчилик эркаклар ўйланиб олгач, бўйдоқликдаги эҳтиросли ваъдаларини унуттишиб, ҳукмбардорлик тоқчасига кўтарилишади. Полвоннинг эса тўйдан кейин ҳам бир туки ўзгармади. Шу дали-ғулилигича қолаверди. Кўнглига тутиб келган орзусини келин билан қовушган куннинг эртасигаёқ рўёбга чиқарди: эшигидан оқиб турувчи ариқ бўйига бир жуфт кўчат ўтказди. Сўнг, ўткнчиларнинг кўзи олдида, хотинини кенг кучоғига кўмиб юбора туриб, гулдурраган товушда деди:

— Булар ҳам, бизар ҳам беармон яшаймиз!

Бироқ тақдирнинг ҳар зарбалари бўлар эканки...

— Унда, рақибингиз ҳадисини ўзингиз қандоқ билволасиз? — полвоннинг гапини кесди тоқатсизроқ ўспиринлардан бири.

— Елкамизга ер искатмай келаётганимизнинг бир сири шу, иним, — ўспириннинг курагига залворли билагини ташлаб, завқ билан давом этди Одил дав. — Бел ушлашган заҳоти қулатиб қўя қолишга уриниш нодонлик бўлади. Мен сизларни қанча вақтдан бери курашларга ўргатиб юрибман-у, билишимча, кўпчилигингизда худди шу жойда тоқат етишмайди. Яна бир қарра айтаман, синамаган одам билан беллашдингми, ҳазир бўл, ўзини тутишини кузат, ўнақайми ё чапақайми, айниқса шу сирни дарров билиб ол. Ҳа, майли, отишга бир-икки уннаб кўрсин, чин полвон бўлсанг олдирмайсан...

Кеча тоза аломат иш бўлди-да ўзиям! Паркетликми, пискатликми, ишқилиб, қопқора, давдай бир полвонминан беллашиб қолдик. Шундоқ чамалаб кўрсам, оёқлари ерминан бирлашиб кетганга ўхшайди. Биламан, у қишлоқлардаги полвонларга ҳадисда тўғри келиш қийин. Ўзлариям суюги бузуқ, залварли, бақувват бўлишади. Агар бир чирпингада оёқни ердан узволсами, тамом, ўзингни остида кўраверасан...

Шуни билиб туриб, кутишга бало борми?! Бор кучимни билагимга тўпладим-да,

қишлоғимизда аввал ўтган Йўлдош, Холмирза, Илаш, Шайли полвонларни хаёлимга олдим, шулардан мадад сўрадим, ё пирим, деб отганимни биламан, рақибим тагимда ётибди-да!..

— Ўзингиз ҳам шошибсиз-ку, рақибингизнинг ҳадисини билиб олмай туриб... — Яна лўқма ташлади ҳалиги ўспирин.

— Э, қулоғингга танбур чертовманми, лодон, — энди яйраб гапирарди Одил дав, — курашининг бунақасиям бўлади. Ўрни келганда имконни бермаслик керак... Гапимданам адаштирвординг, қаерга келувдим, ҳа, биринчисини йиқитгач, талабгор кўпайиб кетди-ю! У қишлоқларнинг полвонлари ориятчиликдаям ўрнак: ё бари йиқилади, ё албатта совринни опкетишади. Кейингиси нақ...

Одил дав яна бирпас ўйланиб қолди.

— Э, ҳалиги, оти нимайдиям, ер юзида йўқолиб кетай деб, эндигина кўпайтирилвотган бақувват жонивор-чи? Ўзимиззи ҳўкизларга ўхшаш...

— Қўтосми? — эсига туширди даврадагилардан бири.

— Ҳа, ҳа! Юришларию қадди-басги, кўкрақдорлигию хўмрайишлари худди ўзи эди-да. Шундоқ... бир-бир босиб келиб, зарб билан белимдан тутди-ку!..

— Одил тоға, сизни аямлар қақирвортги, тез борармишсиз, — хабарлаб қолди шу вақт қўшинининг кенжаси. Қайнаётган қозонга совуқ сув қуйилгандек бўлди. Одил давнинг керилиб турган қомати шу заҳоти шалвираб тушди, ўсиқ қошлари остидаги катта-катта кўзларида ташвиш аломатлари аксланди.

— Ишқилиб, Нусратбек тинчми? — ҳадик оҳангида сўради у.

— Қайдам, яна тоби қочибдими дейман... — чайналди хабарчи бола.

Одил дав тепадек қоматини лапанглатиб, уйи томон югуриб кетди.

— Во дариг, ялғиз боласи полвониям дармонини қуритадиган бўлди, — деди куншувоқда ўтирган чоллардан бири.

— Қийин-қийин — аялига қийин, тишининг қавагида асраётган асраңдасига қарайдими, давнинг давраларини кўтарадими. Э-э... адоий-тамом бўлди бечора, — қўшиб қўйди бошқа бир киши.

— Биркам дунё, деб бекорга айтилмаган-да, — астойдил куюниб қўйишди энди ҳамқишлоқлар ялписига. — Тоғни талқон қиладиган полвонга бит тегина тирнов-у, уям бўлса...

Нусрат чиндан ҳам туғилганидаёқ чиллашир эди. Уч-тўрт ёшларга борганда оёғи-оёғига чалишиб зўрга оёққа турди, гандираклай-гандираклай қадам босди. Ота-она озгидан бол бериб боқса ҳам Нусрат ҳамон нимжон, тез-тез бетобланар, салгина эпкиндан нари бориб-бери келарди. Шундай кунларда Одил дав ҳам, хотини ҳам жонларини «рўмол учига тутиб» узун ва оғир тунларни бедор ўтказишарди.

Бора-бора Одил дав, ўзи билибми-билмайми, яккаш хотинига зуғум қиладиган бўлиб қолди. «Битта боланиям тузукроқ боқолмадинг, шалтоқлигинг қолмади-қолмади-да!» Боши устидаги узлуксиз дағдағалар, тўсатдан гулдураб қоладиган момақалди-роқдек ўкирикларни эшитганда бетоб бола қошида юрагини ҳовучлаб ўтирган онанинг баданлари музлаб, томирларида аранг оқиб турган қон тўхтаб қоларди гўё. Ана шундай пайтларда биттагина эзгу ният — боласининг тузалганини, чопқиллаб юриб кетганини кўриш истаги унга мадад берар, яна қайта жон бағишларди...

Кўшинининг кенжаси қақирган кунни Нусратнинг аҳволи айниқса оғир эди. Ҳарорат зўридан алаҳлар: «Вой-вой, жарга қулаб кетвотман, мани ушланг ойи, мана ушлаб қолинг, дадажон!» — деб тинмай йиғлар, ота-онасининг қўлларига тирмашарди.

— Нима қилиб ялапайиб ўтирибсан! Жарга қулаб кетгунчаям дўхтирга хабарламадингми, лавашанг?! Ҳу... сени!..

Давнинг бу дағдағаси гўё аранг илиниб турган сўнгги толани узиб юборди: хотини дордан учиб тушган кийимдек, ерга оҳиста ястаниб қолди. Бундай даҳшатни кутмаган полвон уёқдан-буёққа зир югуриб, дўхтирниям, табибниям бирпасда топиб келди. Йўқ, барибир фойдаси бўлмади. Жарга ўғли эмас, хотини қулади. Гўё қилтил-лаб турган ожиз барг танадан чирт этиб ўзилиб кетди!

Одил дав оқибат бунақа бўлишини кутмаган эканми, бўлар иш бўлгач, ўз бошига ўзи муштлар, ўкириб-ўкириб йиғларди.

Сирасини айтганда, бу гал елкаси ерга теккан дав кейинги давра зўрликларини ўз-ўзига қўллаб деди:

— Энди умринг охиригача йиртиқ ямаб, кир ювиб ўтиб кет-э, номард!

Мағлуб бўлган полвоннинг назарида ҳаётда ўзи учун биттагина ташвиш қолди: ўғли соғ-омон ўсса, оилали, уйли-жойли бўлса бас. «Ишқилиб, ёлғизимнинг боши тошдан бўлсин, бунинг доғу ҳасратини кўрмай, ўзидан кўпайсин, онасининг руҳи шод бўлсин», деган хаёл Одил давнинг калласидан ҳам, пичирлаётган лабларидан ҳам аримасди...

Бирон истаги ерда қолмаган, рағий қайтмаган Нусрат бора-бора жойига тушган кўчатдек гуркираб кетди. У энди соғлом, бақувват, хушчақчақ ва эркин эди. Унча-мунча майда-чуйдаларга бепарво, ғам-андухдан нари. Кўнглида кунора янги ўй-ҳавас-

лар бўй кўтарар, Одил дав арзандасининг овзидан чиққан ҳамма истакларини бекаму кўст бажо келтирарди...

Ота, ҳар доимгидек, ўғлининг раъйини бу гал ҳам қайтармади-ю, юз-кўзларида ризолик аломатидан асар ҳам йўқ эди. У қиров тушган катта бошини қуйи эгиб ўтираверди. Қариянинг мажғовлигидан Нусратнинг зардаси қайнаб кетди.

— Э-э... ана, қўшилларга, атрофимизга қаранг! — деди у қўлини пахса қилиб. — Одамлар бошқа жой тугул катта йўлни тўсиб ҳовли-жой қурволишяпти! Чинорларни ўзимиз экканмиз-у, кессак кесибмиз-да!..

Одил дав сесканиб бош кўтарди-да, ўғлига қия тикилди:

— Чинорларни экишда ростданам сен қатнашибмидинг?!

Чолнинг вазоҳати ўзгара бошлаган, япалоқ юзларига юк бўлмайд қолган сийрак мўйлаблари диккайиб, титраб турарди. Тилига эрк бериб жириллаётган Нусрат отаси-да оддинлари ҳеч кўринмаган ўткир нигоҳга учраб довдиради, гапидан адашиб қолди. У бирпас индамай тургач, бошқача йўл билан полвонни аврашга тушди.

— Энди, дадажон, арзимаган гапга қисинаверманг-да, кимсан — «дав» номингиз бор, — деди кишига мойдек ёқадиган майин овозда. — Мен экдимми, сиз ўтқаздингизми — барибир-ку! Бирон мевали дарахтми ё гул-пулми бўлганда бошқа гап эди. Қаранг, ҳалитдан шохлари дарвозахонага ўтиб, ҳовли юзиниям тутиб боряпти. Машина олиб бердингиз, унга тайинли гараж йўқ. Мен-чи, дадажон, чинорларни бекорга кесмайман, ўрнига қўш-қаватли бино қураман: ости гараж, усти миймахона бўлади. Миймахонада тенгқурлар мазза қилиб гурунглашиб ўтирасизлар. Қалай, келишдикми? Ташланг қўлни!..

Одил дав қўл ташламади-ю, ён берди. Ўғлига қандайдир койинган, ажабланганмо қараб қўйгач, индамай ичкари кириб кетди. Бир оздан кейин кичкинагина тугунча кўтариб чиқди. Боши солинган қуйи эшик томон жўнар экан, бўғиқ товушда гўлдиради:

— Қариялар уйида беш-ўн кун туриб келаман...

У Нусратни уйлантиргандан бери бирор кўнгилахиралик юз берса ёки ногоҳ ғам босса қариялар уйига кетиб овингучи эди. Шунинг учунми, Нусрат эътироз билдириб ўтирмади, бироқ юрагининг алақаери тирналиб кетгандек жиз эгиб ачишди: «Отам бояқиш, кўрмаям-куймаям, деб шундай қияпти, шекилли. Мен учун-ку, жонини аямайди. Чинорларни-чи? Қизиқ... Бор-йўғи икки туп дарахтга шунчаликми?»

Нусрат режасини иссиғида — отаси қариялар уйида юрганида битириб оломқ бўлиб, дарров ишга киришди. Шу заҳотиёқ ўртоғининг дадаси — уста Қурвон қариянигига бориб болта, теша, арраларни чархлатди. Пул узатган эди, уста юпқа чанг қоплаган кўзойнаги орқали ҳайрон боқди-да, дашном берди:

— Нусратжон, бу нима қилиқ, мани танимай қолдингми? — Кейин гапни бошқа ёққа буриб юборди. — Шунча асбобни ўткирлатиб нима қилмоқчисан, биронта иш-пишинг бормиди?

— Дарахт кесаман, — деди Нусрат, тезроқ жўнаб қолиш учун эшик томон бурилиб. Отаси кетгандан бери унинг кўнглидан қандайдир нохушлик аримас, биров билан суҳбатлашишга ҳам хуши йўқ эди.

— Кесадиган дарахтнинг шунчалик каттамиди? — ортидан яна сўради уста, ҳамон кўзойнаги устидан тикилиб туриб.

Чолнинг бунчалик эжикилаши Нусратнинг жаҳлини кўзгади: «Пул берсам олмас, ўзи бўлса миғғовланиб суриштираверса...»

— Ҳа! — деди қуруққина қилиб, кўчага чиқиб олгач.

— Унда шошма, шошма ўғлим! — уста ўнг қўлини олдинга чўзиб ўрнидан кўзгади. «Яна нима», дегандек Нусрат қайтиб келиб ҳўмрайиб қаради. — Қийналиб ўтирасанми, Жавлон ўртоғингди тўкминан ишлайдиган арраси бор-ку, бирпасда ишинг бита қолади.

— Тўғри айтасиз! — қувончдан Нусратнинг чиройи очилди. — Тепа шохларини болтада, кундасини электр арра билан. Мана бу зўр маслаҳат! Қани, Жавлон, аррани сен кўтар! Саломат бўлинг, бобой.

«Тепа шохларини... Одил давди ҳовлисида шунақа катта дарахт йўқ шекилли. Ёки...» — Йигитларнинг ортидан анграйганча хаёл суриб қолди Қурвон ота.

Нусрат билан Жавлон қўш чинорнинг қай бирини аввал кесиш кераклиги устидан баҳслаша-баҳслаша, ниҳоят иш бошладилар. Кун ботиш томондагисини, тепа шохларини болта билан кеса-кеса, аранг каллақлашди. Энди электр арра билан кундаси қулатилса бас, бир чинор саранжом топади. Жавлон аррани тариллатиб, йўгон кунданнинг таг қисмига босай деб турганда, тупроқди кўчани чангитиб ўзлари томон чопиб келаётган уста Қурбонга кўзлари тушиб қолди.

— Тўхтайлр, шошма деяпман, кесма чинорди!..

— Оббо, олдинга менинг отам тихирлик қилувди, энди сенинг даданг, — деди Нусрат Жавлонга. — Келсин-чи, қани, буниси нима демоқчийкин?!

Чол ҳаллослаб етиб келди.

— Аттанг, аттангинанг-а! — Унинг чаккаларидан тер қуйилар, ўнг кўли юрагининг устида, ойнак орқали катта-катта кўринаётган кўзлари каллакланган чинорга қадалганди. Чол бўшашиб, дарахт остидаги супа чеккасига омонат ўтирди. Кейин, чарчаганданми ёки газабдан, қорайиб кетган юзини Нусратга буриб, сертомир панжаларини пахса қилиб деди:

— Қаңдай қилиб кўлларинг борди?

Нимагадир Нусратнинг олдинги шашти пасайиб қолганди. У журъатсизлик билан мингирлади:

— Дадамга ҳам айтувдим...

— Отанг кўндими, а, ё товба!

— Кўнмади-ю, йўқ ҳам демади. Индамай, қариялар уйига тушиб кетди.

«Эрка ўғлига йўқ демабди-да, бояқиш...» Бу гапларни уста очиқ айтмади, кўнглидан кечирди, холос. Чинор танаси узра кўз югуртириб, калта-култа айри шохларига боқиб, устанинг кўнгли сал жойига тушди.

— Кўкариб кетади, асл ҳолига келмасаям, кўкариб кетади, — деди ўз-ўзига гапиргандай. Сўнг йигитларга юзланиб давом этди. — Булар қанақа чинор, ким томонидан қачон экилганини биласизларми ўзи?!

— Оддий чинордир-да, ким билади қачон экилганини! — қизишиброқ жавоб қайтарди Нусрат.

— Ўзимам ўйловдим-а, бу нодонлар чинорларни кесиб қўймаса гўрғайди, деб. Хайрият, кетларингдан чопиб келганим. Сал кечиксам борми, онанг раҳматликнинг арвоҳи чирқиллаб қоларкан-да! Бу қўш дарахт онанг раҳматликминан отанг бир ёстикқа бош қўйган куни экилганини наҳот эшитмаган бўлсанг, жиян? Ахир буни бутун юрт билади-ку!

Нусрат беихтиёр кўлларига қаради, онаизорига қасд қилгандек кўринди кўзига бу ёвуз бармоқлар!

«Онанг мозори қаердалигини билмасанг керак, сен нодон! Уни бирор марта эслаганмисан ўзи...» Бу фикрни кўнглидан кечирган Қурвон ота ойнак устидан Нусратга совуқ назар ташлади-да, бир-бир босиб уйи томон жўнади...

* * *

Нусрат авваллари отаси қариялар билан чақчақлашиб ўтиргани устига келарди. Бу гал уни қувноқ давралар тугул боғ ва гулзорлар ичига қўйилган ўриндиқлардан ҳам тополмади. Ногаҳон айрилиб қолгандек, отасини зир югуриб ахтара бошлади. Хайрият, отаси соғ-омон экан, уни чеккадаги бир хонадан топди. Одил дав шифтга тикилганча ётарди: боқишлари маъюс, ранги сўлғинлашган.

— Келдингми, ўғлим? — деди отаси дардди товуш билан. — Чинорларни кесиб бўлдингми?

— Билмасдан... бирини каллак уриб қўйибмиз... Қурвон ота келиб қолди. Хайрият...

Одил дав ўғлининг узук-юлуқ гапларини эшитиб бўлгач, секин сўради:

— Қай бирини каллаклагдинг?

— Қибла томондагисини, онам... онажоним эккан эканлар! Шуни айта қолсангиз бўларди-ку! — Нусратнинг товуши титраб кетди. Одил дав эса ўғлининг нолишини эшитмагандай, шивирлади:

— Ҳа, онанг раҳматликдан ёдгорлик шу чинор. Энди нима қилмоқчисан?

— Дада! — ўзи сезмаган кўйи Нусратнинг кўзидан ёш қуйилди. — Юринг, уйга кетайлик. Бу ерга бошқа келманг! Сизни энди ҳеч қачон ҳеч қаёққа юбормайман!..

Одил дав кулимсиради. «Кошкийди, шунинг чораси топилса... Ўғлим эрқароқ ўсганини айтмаганда, унча ёмонмас, ёмон боламас...» — деган маъно бор эди унинг боқишларида.

— Тушимга онанг кириб юрибди, — деди чол жавдираб. — Ҳозир тўғри мозори-га бориб, зиёрат қилиб кетамиз. Чинорларни бўлса... — Одил дав, тўмтоқ соқолини тутамлаб бир зум сукутда тургач, давом этди. — Кунчиқар томондагисини ҳам каллаклаб қўямиз. Иккаласиям бир хил бўлиб қайта кўкаргани маъкул...

Одил дав пастда кузатиб турар, Нусрат кунчиқар тарафдаги чинорни ҳам каллак урар эди. Ўрил ўтган-кетганларнинг юзларига қарамай, авайлаб ишлар, гўё отасининг соч-соқолини олаётгандек сезарди ўзини...





Иброҳим Каримов,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИНГ «АВЕСТО»ДАГИ ФАЛСАФИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Ҳар қандай мамлакат барқарор ривожланиши, равнақ топиши учун, албатта, шу мамлакатдаги барча элат, миллатларнинг диний эътиқодлари, ирқий, миллий ва бошқа тафовутларидан қатъий назар, уларнинг куч-ғайратларини буюк ижтимоий мақсадлар сари йўналтирадиган, руҳлантирадиган миллий ғоя ҳамда бу ғояни ҳар бир кишининг онги, қалбидан муносиб ўрин олдирга оладиган мафкура ва мафкуравий институтлар бўлиши лозим. Маълумки, миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг тарихий-фалсафий илдиэлари нечоғлик мустаҳкам бўлса, унинг кўлами кенгайиб, таъсири кучаяди. Шу маънода, миллий истиқлол ғоясининг «Авесто»даги фалсафий илдиэларини англаш, улардан фойдаланиш мафкуравий таъсир кучи ва қувватини янада ошириш, унинг байналмилал характерга эга эканини кўрсата билишда бағоят аҳамиятли бўлади, деб ўйлаймиз.

Биз, «Авесто»ни жиддий ўрганишни, асосан, мустақиллик йилларида бошлаган бўлсак, Оврупа олимлари мана яқин 300 йилдирки, уни ўрганиб, ундаги умумбашарий муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган ғояларга эътиборни қаратиб келадилар. Тадқиқотчи Риттер «Авесто» диний тасаввурлари асосидаги афсонавий қарашлар қадимги грек мифологиясига нисбатан бойроқ дейди. Унинг фикрича, «Авесто»даги соф диний, афсонавий унсурлардан фалсафий жиҳатларни ажрата билган одам назарий, фалсафий таълимот асосларига дуч келади.

«Авесто» ғоялари Ғарбий Оврупо фалсафий фикрлари ривожига катта таъсир кўрсатган. Машҳур немис файласуфи Гегелнинг фикрича, зардуштийлик табиат ва субстанция дини, аммо эркин динга ўтиш жараёни ифодасидир. «Бу, — дейди Гегель, — нур ёки эзгулик динидир. Нур бу ўринда ўзининг қарама-қарши томони бўлган борлиққа ва эзгулик ўзининг қарама-қарши томони бўлган ёвузликка қарши туради. Илоҳий мавжудлик бунда — оламий кучдир, аммо шу билан бирга у ҳаракат сифатидаги, истак сифатидаги, субстанция сифатидаги ва субъект сифатидаги оламий мақсад ҳамдир». (Маковельский А. О. «Авесто». Боку. 1960.) Тадқиқотчилар Гегель фалсафасининг энг муҳим ғоялари билан Зардуштнинг фалсафий қарашлари ўртасида ўхшашлик борлигига эътиборни қаратишади. Гегелнинг қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши тўғрисидаги таълимоти зардуштийлик таъсирида шаклланганини озарбайжонлик тадқиқотчи А. О. Маковельский кўрсатади.

Итальян олими Жон Батиста Вико Зардушт дунёдаги донишманд (файласуф)ларнинг биринчи бошлиғи, дейди. «Менинг учун, — дейди немис файласуфи Ницше. — Зардушт инсоният тарихида ягонадир. Зардушт эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги курашда оламий жараёнларнинг ҳақиқий пружинасини (ҳаракатлантирувчи кучини — изоҳ бизники: И. К.) кўрди. Унинг таълимоти, — деб сўзида давом этади Ницше, — ягона шу ҳақиқатни буюк олийжаноблик даражасига кўтаради... Зардушт барча мутафаккирларни кўшиб олганда ҳам улардан кўра жасоратлидир».

Ана шу айтилганлардан кўриниб турибдики, «Авесто»нинг Туронзаминда бундан 3 минг йил муқаддам пайдо бўлиши нафақат шу ерда яшаган ва яшаётган халқлар учун, балки, айни чоғда, умумбашарий маънавий маданиятнинг қарор топиши учун ҳам катта аҳамиятга эгадир.

«Авесто»да ижтимоий ҳаётни мўътадил ташкил этиш, баркамол инсонни тарбиялаш, улук мақсадлар учун яшашга қаратилган ғоялар кўп. Аммо, табиат, жамият ва инсон қалбида эзгулик

билан ёвузлик руҳи мавжудлиги, бу руҳлар ўртасидаги абадий ва беомон курашлар алал-оқибатида ёвузлик чекинишга мажбур бўлиши ҳамда эзгулик тантана қилишига комил ишонч бош, етакчи ғоядир.

Бинобарин, миллий истиқлол ғояси, унинг тарихий ва фалсафий илдиэлари ҳақида гап борганда, «Авесто»ни четлаб ўтиш мумкин эмас. Ўрни келганда шунини айтиш жоизки, тарихий илдиэларимиз, маданий ва фалсафий меросимиз ҳақида гап борганда, негадир, бизда араб истилосигача бўлган даврни, эрадан олдинги аждодларимиз турмуш тарзини четлаб ўтиш ёки шунга шунчаки бир тўхташ одат тусига айланиб қолганини тушуниш қийин. Миллий истиқлол мафкурасининг маъно-мазмунини белгилайдиган асослардан бири — халқимизнинг қадимий ва бой тарихи экан, демак, ўша тарихнинг зарҳал варағи бўлган «Авесто» яратилган ва ундан кейинги ижтимоий ҳаётимизни чуқур ўрганиш, халқимиз турмуш тарзи, маданиятини кадрлаш, миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг таъсирчанлигини янада ошириши шубҳасиз.

«Авесто»да эзгулик ва ёвузлик, ҳақиқат ва ёлғонни ажратиш ҳуқуқи инсонга берилади. Ёвузлик муаммоси ижтимоий офат сифатида талқин этилади. Ёлғон ва ҳақсизлик баъзан жуда дилкаш ва гўзал ниқобларга бурканган бўлади, фақат ҳақиқатни улуғловчи имонли кишиларгина бу ниқобни йирта олади ва ёвузликни одамлар англаб олишларига ёрдамлашади. Эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги курашда одам ё у, ёки бу томонда туришга мажбур. Охурамазда панд-насиҳатлари, даъватлари изидан борадиган одам албатта эзгулик учун кураш жараёнида ўз имкониятини намоеън этади. Жамиятда ёвуз кучлар борлиги ва уларга қарши кураш жараёнида баркамол инсон шахсининг шаклланиши ғояси доим муҳим бўлиб келган. «Аслида, менинг назаримда, — дейди президентимиз Ислоҳ Каримов, — одамнинг қалбида иккита куч — бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашади. Афсус билан таъкидлашим лозим, тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра ваҳшийлик, ур-йиқит инстинктлари, яъни, хатти-ҳаракатларини кўзғатиб юбориш осонроқ». («Донишманд халқимизнинг мустаҳкам ирода-сига ишонаман». Президент Ислоҳ Каримовнинг «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавоблари. «Фидокор» газетаси 8.06.2000 й.)

Эзгуликка интилиш, уни қарор топтириш халқимизнинг азалий фазилати. Халқимиз табиатидаги чидамлилиқ, вазминлилиқ, сахийлиқ, муруватпешалиқ, дўстлиқка содиқлиқ, меҳмоннавозлиқ, табиатни асраб-авайлашга ишқивозлиқ каби сифатлар эзгулик руҳининг амалда намоеън бўлишидир. Маълумки, тарихда ғоялар ворислиги мавжуд. «Авесто»даги ғоялар, айниқса, эзгуликнинг ёвузлик устидан албатта тантана қилиши ғояси бугунги кунда ҳам яшаш ва равақ топиш ҳуқуқига эгадир.

«Авесто» — улуғ ахлоқ китоби, уни ахлоқлилиқ ва комиллилиқ фалсафаси дейиш мумкин. Ундаги ахлоқ фалсафаси учта сўз — Хумата (эзгу фикр, ният), Хукта (эзгу калом), Хварита (эзгу амал)да ўз мужассамини топган. Яъни, чин инсоннинг фикри-зикри, барча ниятлари эзгулик руҳидан озиқ олиб шаклланиши, бу ният, фикр эзгу сўзларида ўз иқдорини топиши ва феъл-атворлари, хатти-ҳаракатлари, умуман, барча амалида эзгулик намоеън бўлиб туриши керак. Бу муқаддас китобда этиқодли одам жиноятчиликнинг бешта турига сира йўл қўймаслиги айтилади. Ўғрилиқ, талончилиқ, ўзгаларнинг кўчмас мулкига ҳасад қилиш, тирик мулкига кўз олайтириш ва ўз-ўзига қасд қилишга асло ўрин бўлмаслиги лозим, дейилади.

«Авесто»да тўғри таълим бериш, бунда устоз-муаллимларнинг мақоми ҳақида ибратли фикрлар бор. Донолар, муаллимлар ўз харидмандлари билан Тангрига яқин кишилардир, дейилади. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бир сўзи, даъвати илоҳий мазмунга эга бўлиши, улар ёшларни тўғри йўлга бошлашлари лозим. Шаҳару қишлоқлар, бутун мамлакатда маънавиятдан таълим берадиган муаллимларнинг Оша (ҳақиқат) йўлини тутганлари учун, хонадонларга янги аҳкомларни олиб кириб, халқ ардоғида соҳиб бўлганликлари учун мадҳ этамиз, улуғлаймиз, дейилади Тангри таоло — Охурамазда номидан. Айни чоғда, ношуд, нодон муаллимлардан сақланиш кераклиги айтилади: «Ёмон устоз ҳаёт чироғини сўндиради. Улар Дарвандларни буюк деб билиб, энг мўътабар аёл ва эркекларни Тангри йўлидан қайтарадилар. Улар ўз саёз билимлари билан халқни энг яхши хислатларидан юз ўгиртирадилар, улар жаҳон аҳли ҳаётини ёлғон гаплар билан паришон қиладилар». Бу ахлоқий панд-насиҳатлар бугун ҳам аҳамиятли.

«Авесто» нафақат ахлоқ фалсафаси, балки табиатни ардоқлаш, эъозлаш фалсафаси ҳамдир. Атроф-муҳитни тоза сақлаш, ўсимлик ва ҳайвонлар парваришига масъуллиқ, экин экиш, ерларни ўзлаштириш, каналлар чиқариш энг савоб ишлар сирасига кириди. Охурамазда Зардуштдан одамларга ерни кадрлаш даъватини етказишни сўрайди. «Ҳамма жойдан кўра ерлари обод замин қолади. Эй Спитамон Зардушт, — дейди Охурамазда, — бундай ер шундай заминдирки, у ерга хушбахтлиқ бугдойининг уруғи кўпроқ сепилса, мевали бута ва дарахтлар кўпроқ ўтқазилса, кишилар кўриқ ерларга сув чиқазса ва ботқоқ ерларнинг шўрини ювиб заҳини кетказишса, ана шундай юртнинг халқи ҳамиша шод бўлишади... Ерга ишлов бермаган тиланчи-гадо бўлади». Чунки: «Яхши таом емаган одам яхшилиқ қила олмайди, оилавий ишга ҳам ярамайди, яхши насл қолдирмайди, ёмон овқатланиш ахлоқни ҳам издан чиқаради».

Шу тариқа, «Авесто» инсонийлик ва инсонпарварлиқнинг улуғ тафаккур обидаси сифатида намоеън бўлади.

«Авесто» ва адабиёт

Деярли барча диний китоблар — илоҳий аҳкомлар қомуси бўлиш билан бирга, маълум маънода ўша халқ (ёки халқларнинг) бадий тафаккури сарчашмаларидан бири ҳам ҳисобланади. Зероки, бундай обидаларда диний-назарий асослар, қоидалар, пандлар, даъвату мурожаатларнинг асл режаси энг қадимги оғзаки ижодга бориб тақаладиган асотир, ривоят, мақоллар, нақллар билан зийнатланади, қоришиб-қоришиб кетади. («Авесто», I—II жилд. «Марварид» нашриёти. Техрон. 1997.)

«Авесто»нинг биз мутолаа қилган форсий табдилида ҳам ана шу хусусият яққол кўзга ташланиб туради. Дастлаб шуни таъкидлаш лозимки, бу ёзув ёдгорлигининг нисбатан энг қадимий қисми «Вендидот»да ҳам, бевосита Зардушт шеърларидан иборат Яшт, ҳотларда ҳам Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эрон халқларининг энг қадимги асотирлари — Митра, Ардвиссура Анахито, Варахрана, Оша ва бошқалар хусусидаги мифларнинг мазмунлари, Қаюмарс (Гава Марта), Жамшид (Йима) саргузаштлари турли муносабатлар билан зикр этилган. Митра ҳақидаги шеърий парчаларни (уни шартли равишда қасида деб ҳам юриштилади) бир-бирига мантиқий изчилликларда боғлаб синчковлик билан ўқиб, кузатилса, у ихчам бир дostonни эслатади. Чунки, унда Митра қўш отли аравасида, мусаллаҳ ҳолда гоҳ эл-юртни бало-қазолар, ганимлардан ҳимоя қилиб, чинакам ватанпарварлик намунасини кўрсатса, гоҳ инсониятга офат келтирадиган Ахраманни маҳв этади. Шеърларда, бир томондан, Митра ана шундай қудрат соҳиби сифатида таъриф этилса, иккинчи томондан, у нур, ҳаёт, яхшилик, униб-ўйиш, тараққиёт, яхши хулқ, яхши кирдор ҳомийси сифатида мадҳ этилади. Уларда халқ оғзаки ижодига хос гулу (ўта, ақл бовар қилмайдиган муболаға) ўхшатиш, сифатлаш каби санъатлардан кўп ва ҳўп фойдаланилган. Форсий матн на-срий баён бўлгани учун, биз Митра қасидасидан шоир Асқар Маҳкам амалга оширган ўгирмадан бир мисол келтириш билан чегараланамиз.

*Эпчиллардан эпчилроқ Митра
Аҳли саҳо ичида мумтоз,
Довюраклар ичида шердил,
Жасурлардан жасоратлироқ.
Яшнатадир, гуркиратадир,
Тўкинликлар яратгучидир.
Кўркам ҳаёт айлади инъом.
Ҳақиқатда ҳокимликни ҳам.*

(«Санъат» журнали. 1991 йил, 6-сон, 24-бет.)

Айрим шарқшунослар, жумладан, Ризоий, Баҳромий, Мэри Бойслар «Авесто» таркибидаги «бир миллион шеър» (Плиний)нинг барчаси бевосита Зардушт қаламига мансуб дейишса, Маковельский уларнинг маълум бир қисми анча қадимий ижод меваси, деган фикрни баён этган. Аммо барча авестошунослар бу шеърлар оғзаки ижод сарчашмалари заминидан вужудга келганлигини бир оғиздан эътироф этиб, улар беш мисралик бармоқ вазнидаги шеърга айнан ўхшаш эканлигини таъкидлайдилар. Ҳар бир банд 8—9, баъзангина 11—12 бўғинли мисралардан ташкил топган. Мадҳиялардаги тасвир усули ҳақида шуни айтиш керакки, деярли барча ҳолатда якка тангри Ахурамаздани «икки жаҳоннинг яратувчиси ва асрагувчиси» сифатида ранг-баранг воситалар, номлар (тангрининг номи 106 та) орқали таъриф-тавсиф қилиш, Яздонга содиқлик, фидоийликни изҳор этиш етакчидир. Баъзан хитоб, мурожаат, савол-жавоб усуллари билан ҳам фойдаланилганки, бу фикрларнинг тингловчига, ўқувчига тушунарли ва таъсирчан бўлишини таъминлаган. Ҳар бир мадҳия муайян мазмун қурилишига ибтидо ва интиҳога эга бўлган, ўзига хос бир асар ҳисобланади. Бадий-тасвирий воситаларнинг ўзи бир сеҳрангез хосиятга эга. Шарқшунос Абулқосим Исмоилпур «Сосонийлар давридаги шеърият, мусиқа ва шеъриятнинг ўзаро ҳамкорлиги Борбад, Некисо, Амир шеърлари кутлуғ аънабага эга бўлган поэзия заминидан вужудга келган эди. Шеърларнинг барчасида тазод, қаршилангириш, қиёслаш усуллари ишлатиш устун», дейди. Айрим тадқиқотчилар Зардушт асарлари «Хос шеърлар», яъни зардуш-

тийлик таълимоти, якка тангри ғоясини тушунадиган қоҳинлар, уламоларга мўлжаллаб ёзилган, уларнинг асл моҳиятини оддий халқ англамаган, шунинг учун махсус уламолар оташкаларда қироат ва ижро олдидан мадҳия моҳиятини изоҳлаб берган. Шу йўсинда «Авесто шарҳлари» пайдо бўлган, деган хулосага келишган. Ҳар ҳолда бу мадҳия ва қасидаларда яратувчи худо мадҳи билан бирга инсон руҳий кечинмаларининг ранг-баранг қирралари нафис тасвирланган. Уларда аждодларимизнинг ҳаёт, коинот, илоҳиёт, вафо, сидқ, ишқ, фақр, ризо, уларнинг адоси хусусидаги мулоҳазалари кенг ифодаланган: ростлик, поклик, яхши иш ва яхши хулқ ва яхши амал тарғиб этилган. Энг муҳими, шеърятимизнинг узоқ тарихга эга эканлиги, ибодат мусиқаси ва адабиёти бизда анча бурун пайдо бўлганлигини «Авесто»даги шеърлар, алоҳида оҳангда ижро этиладиган кўшиқлар тасдиқлаб турибди. Ёдгорликнинг бошдан охирига қадар нур зулматга, меҳнатсеварлик ялқовликка, адолат зулмга, донишмандлик нодонликка, серфарзандлик зурёдсевмасликка, фаровонлик қашшоқликка, обод юрт «хароб кишвар»га қарши қўйилиб, биринчиси мадҳ этилади, таърифланади, иккинчиси эса, ерда ҳаётни қабохатга элтувчи офат сифатида лаънатланади. Унда қадимий мифларнинг маъно баёни, тимсоллари хийла кўп.

Мифлардаги асосий ғоя, зардуштийликнинг бош масаласи ростсўз, яхши хулқ, яхши иш ва яхши амални тарғиб қилишдир. Ардвиссура Анахито, Ошаларнинг бутун фаолияти ана шу мақсадга йўналтирилган. Оша ер юзига яхшилик уруғини сепиш билан бирга, хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқи, иззат, нафсини ҳимоя қилади, уларни «бад-кирдор»дан, девлар тажовузидан асрайди, зурриётнинг поклигини таъминлайди, ерда яхшилик ва рўшноликни ривожлантиришга интилиб, девсийрат, нопокликларга қарши курашади: уларда зардуштийликнинг сулҳу амният, кишвар ва эл тараққиёти, инсонларни ғайритабиий кучлар, офатлардан ҳимоя қилиш сингари етакчи ғоялар мужассамланган. Мифлардаги тимсоллар ҳам халқ қаҳрамонларидагидек муболаға ва тавсифлар орқали нақл этилган. Биргина мисол: «Ардвиссура Анахито жаҳон паҳлавонларига хос келбат ва салобат билан яратувчи Маздо ҳузуридан келмоқда. Оппоқ ва бақувват билакларию бўйнидаги тақинчоқлари кўзни қамаштиради. Манман деган баҳодирларни менсимайдиган ул нозанин ғоятда оқила ва андишалидир. Ардвиссура Анахито уч юз мода бабр терисидан жома кийган. Она бабр энг гўзал ҳайвон бўлиб, кўп юнг беради, ҳар бири тўрттадан туғади». Умуман, асотирларда Оша ва Ардвиссуралар яхшилик ва яхшилик ҳимоячилари рамзи сифатида гавдаланадилар. Ҳар икки тимсол ҳам илоҳий қудратга соҳиблиги билан бирга оддий аёл — оналарга хос ҳислатга эгаким, бу уларнинг ҳаётий заминга эга тарзда яратилган фольклор образларига монандлигини кўрсатади. Тасвир ва баёнда минглаб ранг-баранг ўхшатишлардан фойдаланилганки, киши ҳайратда қолади. Масалан, яхши ишлов берилган серхосил ер эрига тезроқ фарзанд инъом этган келинчакка менгзалган. Ёки бугдой хирмони қанча юксалса, девнинг ҳалокати шунча тезлашади. Янги зардуштийлик дини энг улкан ва суви чучук Амударёга ўхшатилади.

Характерлиси шундаки, ёдгорликда Турон, Хуросон ва Эрон халқларининг энг қадимги афсоналари, халқ қаҳрамонлик дostonларининг тимсоллари, мазмунлари, кўҳна хроникаларда учрайдиган тафсилотлар юзлаб саҳифаларни ташкил этади: баъзан улар айнан оғзаки ижод асари сифатида нақл этилади. Шарқ халқлари оғзаки ижодидаги энг ёрқин образлардан бири Гершаспдир. Кейинчалик бу образ «Шоҳнома»га кўчган. Асади Тусий (XI аср) форс тилида «Гершаспнома» маснавийсини яратган. Ўзбек тилида ҳам у ҳақда афсона ва эртак мавжуд. «Авесто»нинг Хум Яштлардан бирида Зардушт сўровига Хум (илоҳий қудратга соҳиб шарбат) шундай жавоб беради: «Учинчи бўлиб Сом мендан нўш этди ва унга хушбахтлик юз тутди. Натижада унинг хонадонига икки ўғил туғилди. Биринчи ўғли Урувахшия бўлиб, оламда адолатпешалик қилган. Иккинчиси Гершасп бўлиб, забардаст гурзибардор, жаҳонпаҳлавондир. У шохли аждарҳони ўлдириб, боши кўкка бўй чўзган паҳлавонни оти билан ҳалок этиб, оғзидан қилич ботар заҳар сочиб турган маҳлуқни ўлдирган». Шундан сўнг Гершаспнинг халққа қирғин, юртга офат келтираётган аждарни қидириб юриб, бир қулонни овлаб, пишираётганида тагидан наъра тортиб, баҳайбат маҳлуқ тургач, паҳлавон 40 газлик қиличи билан уни икки нимта қилганида икки тоғ пайдо бўлиши хусусидаги эртак мазмунига яқин воқеа баёни берилган. Бундан ташқари, Сиёвуш тақдири ҳақида уч нақл, баъзи тоғ, чашма, дарёларнинг пайдо бўлиши хусусида ҳам жозиб афсоналарнинг баёни келтирилган, изоҳланган. Олдин қайд қилганимиздек, «Авесто»да муболаға ва қиёс санъатидан кўп фойдаланилган. Буни биз Зардушт пандларида ҳам, «Вендидод»даги кўп лавҳаларда ҳам учратамиз. Замину замонга ларза солиб юрган Гершаспнинг маҳобатини эшитган ёшбола Шоҳдори Сангинданш: «Мен ҳам ёш

йигитчаман. Балоғат ёшига етсам, заминни чархдек, осмонни қалқондек кўтариб юрам», дейди.

Маълумки, Фирдавсий «Шоҳнома»ни ёзишда 30 йил давомида Мовароуннаҳр, Намруз, Эрон халқлари орасида юриб йиққан, ёзиб олган халқ оғзаки ижод далиллари билан бир қаторда, қадимги хроникалар, насрий сочмалар, тарих китоблари ҳамда «Авесто»дан ҳам кенг фойдаланган. Фирдавсий ўз достонида юзлаб туронлик баҳодирлар образларини яратган. Фирдавсий Рустами дoston сиймосини қай даражада меҳру муҳаббат билан тасвирлаган бўлса, муҳолифи, Турон шоҳи Афросиёбни тасвирлашда ҳам юксак санъаткорлик маҳоратини намойиш этган.

Афросиёб эронлик лашкарларга кўп таҳлика солган, ташвиш келтириб зафарлар кучган. «Авесто»да ана шу шоҳ ва жаҳонпахлавон ҳаётининг лаҳза ва лавҳалари Яшт ва «Вендидод»да турли тарзда қайд этилган ва аксини топган. Масалан, бир ўринда Турон шоҳининг номарднинг соққинлиги туфайли бандга илинганнига ишора этилса, бошқа бир жойда, унинг мардлик баёни берилади: яна бир маврида Афросиёбнинг Сиёвуш қатлига алоқадорлигига ишора қилинади; ранг-баранг саргузашти қисқа-қисқа жумлаларда баён этилади: «Ўша кезде туронлик жаҳонпахлавон Афросиёб дарёи Фарохи Картдан чиқди ва деди: «Мен ҳанузгача ўша эронлик нобакорлар ва Зардуштдан тожни тортиб ололмадим». «Шоҳнома ва бирон-бир тарихий асарда Афросиёб ўрдасининг темир деворлар билан ўраб олинганга ишора йўқ. Ҳотларда эса, «Хуми далерга тезда гўшт пешкаш қилган, токим бир сонияда темир деворлар ичида яшаётган Афросиёбни қўлга туширгандек, сени ҳам занжирбанд қилмагай», деган фикрни ўқиймиз. Кўринадики, ўша кезларда темирдан қўрғон қуриш расм бўлган экан. Демак, бундан олдинги Яштлардан бирида Афросиёбнинг дарё тубига кириб кетиш лавҳаси баён қилинган. Хулоса қилиб айтганда, Афросиёб ҳақидаги қисмлардаги кўп ўринлар, «Шоҳнома»даги бадиий образга анча ўхшаш. Демак, Фирдавсий бу тимсолни яратишда кўпроқ «Авесто»га суянган кўринади.

Маълумки, «Шоҳнома»да пешдодий, ашконий, каёний шоҳлар силсилалари тасвири билан бирга, улар фаолиятига боғланган ҳолда юзлаб қаҳрамонлар тимсоли, гаройиб саргузаштлар тасвирланган. Айни пайтда, шу образлар тақдири билан боғлиқ гаройиб ҳодисалар, фавқулодда ғайритабиий воқеалар тасвири ҳам кенг берилган. Рустам ва Исфандиёрларнинг етти баҳодирлик саргузашти — «Ҳафт хон», Фаридуннинг уч ўғлини имтиҳон этиши, Кайхусравнинг ўз ҳамроҳлари билан бўронда ғойиб бўлиши, Олтиншоҳли Сигир (Фаридунни боқиб катта қилган), Гургсарни маҳв этиш ҳийласи, афсонавий қуш — Симург шулар жумласидандир. «Авесто»нинг бизгача етиб келган қисмининг ҳар тўрт бўлимида бевосита туронлик ва эронлик халқларнинг қадимги оғзаки ижоди билан боғлиқ воқеалар ҳар хил муносабатлар: тангрига мурожаат, ақл-заковат, ростлик, ҳалоллик, ватанпарварлик, эрксеварлик гояларини тартиб этиб, эгрилик, фирромлик, талон-тарож, зулм-зўрлик, мардумозорлик, юртни вайрон қиладиган жанглари ланъатлаш ва қоралаш онларида таъкидланади. Жумладан, зулм, табехкорлик, эл-юртга зарар етказиш ҳақида гап кетганда елкасидан ўсиб чиққан икки илонга одамлар миясини едириб юрган Эрон шоҳи Заҳҳок (Ажи Дахан) эслатилади. Ёдгорликда Заҳҳок разолат тимсоли сифатида янада бўрттириб уч бошли, олти кўзли маҳлуқ тарзида тасвирланган. (Бу ерда илонларнинг икки бошию тўрт кўзи назарда тутилган.) Одамлар учун рўшнолик, оташнинг кашф этилиши хусусидаги нақлда Жамшид фаолияти зикр этилади. «Авесто»да Жамшид Тангри буйруғи билан одамларнинг ҳаётини фаровон этиш учун олов кашф қилади. Жамшид замонида ерда ҳаёт гуркираб ўсади; умуман, инсоният душмани бўлган Аҳраманнинг барча кирди-корлари бартараф бўлади. Ер юзини ободлигу ҳалоллик, ривожланишу кўпайиш эгаллайди. Ўлим, касаллик, қариллик деган нарсани одамлар билмайдиган бўладилар. Бундан ташқари, «Агрисаи бадкеш», «Гарози тездандон», «Бушаси дароздаст», «Гарси-вази шум» лақаб, тавсифлар ҳам тез-тез учраб туради. Ёдгорликдаги манзара тасвири-нинг ўзи алоҳида ўрганишни тақозо этади. «Ушбу заминга туялар, қўйлар, паррандалар лиқ тўлди. Олтиндек товланиб ёнадиган олов кашф этилди. Чорва молларию паррандалар шу даражада мўл бўлдики, юртга сиғмай кетди. Бу ерда қуёш, ой ва юлдузларнинг чиқиб, ботиши йилига бир маротаба кузатилади, холос». Девларни йўқ қилиш хусусида сўз юритганда, Тохмуроси девбанд тилга олинади. Фаридун ўз тасаруфидоги ерларни Фирдавсий талқинида уч ўғлига бўлиб берган. «Авесто»даги далилга кўра, тўртга бўлиб, уч ҳудудни ўғилларига беради, бир қисмида эса ўзи ҳукмронлик қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар бир шеъринг бешлик ўзига хос пандномага ўхшайди. Айниқса, Зардуштнинг Тангрига саволи, Хотифдан келадиган Китоб,

фарз йўсинидаги фармойиш, пайгамбарнинг бандаларга мурожаату нутқлари, ранг-баранг иборалар, жумлалар, мақолмонанд, ҳикматнамо бирикмалар билан сайқалланган. Уларда инсонлар эътиқодга собитликка, метиндек иродалилиқка, ҳалолу покликка, ҳалиму одамийликка, илмсеварлигу ватанпарварликка, меҳнатсевару қаноатли бўлишга чорланади. Зардушт насихатларининг бари ҳар жиҳатдан беғубор комил инсонни тарбиялашга йўналтирилган:

*Доно ўз билими билан нодонлар қалбини ёритмоғи лозим.
Гапирувчи нодон бўлса ҳам, тингловчи доно бўлмоғи даркор.
Ҳушёр ва доно одам ўз қадамини билиб босади.
Ростлик ва ҳақгўйлик Тангри одатидир.
Ер юзининг яхшилари адоқсиз дарёдирлар.
Қаерда икки тан бир-бирини қўлласа, ўша ерда иш юришади.*


Ҳикматларда — поклик, пок тийнат бўлиш, Ватанга, халққа наф етказишга, диёнатга, одамларга хурмат билан қарашга, Тангрини дилга тугиб, қўлни иш билан банд этишга, ҳалол меҳнат қилиб ризқ-рўз топишга даъват хийла кучли:

*Халққа зарар етадиган бўлса, ҳақ сўзни айтишдан тийилган маъқул.
Рост амалдан бошқа ҳеч нарса билан шуғулланманг.
Ерга икки қўллаб ишлов берган одам шод яшайди.
Уйқучи танбал ўзгаларга қўл чўзиб яшайди.
Яздон огоҳлик ва билим сарчашмасидир.
Адашганларни рост йўлга бошлаган одамнигина яхши одам,
дейиш мумкин.
Соғлиқ энг яхши дўст, касаллик даҳшатли душмандир.
Нодоннинг ибодат пайтида рақс тушгиси келади.
Одамларга яхшилик қилмоқ дунёдаги энг мўтабар амалдир.
Тўғри сўз сендан қоладиган энг қутлуғ ёдгорликдир.*

Умуман, Зардушт нутқларида пок ҳулқни, пок тийнат бўлишни тарғиб этиш кўзга ташланади. Ҳатто унинг бир нутқида «пок тийнат кишилар Тангрига яқин одамлардир», деб махсус таъкидланган, халқи хушҳулқ давлат энг хушбахт юрт эканлиги уқтирилган:

*Жаҳонга ҳақорат кўзи билан қарайдиганлар пок тийнатликдан
йироқдирлар.
Эли пок юрт ҳулқ ҳамиша юксалиш ва тараққиётда бўлади.
Яхши ҳулқ кишини мангулик кишвари — жаннатга элтади.
Ҳаммага яхшилик тилайдиган инсонларга яхшилик етсин.
Сукут — энг буюк одоб.
Дўстликни поклик билан асранг.*

Назаримизда, «Авесто» бошқа соҳалар билан бирга, бадий ижод, адабиётнинг ҳам бир қомусига ўшайди. Зероки, унда Турону Хуросон халқларининг қадимги шеърляти, насри ҳақида мукамал тасаввур туғдирадиган далиллар мавжуд. Ёдгорлик матнида Фирдавсий, Низомий, Асади Тусийлар асарларида юзлаб ҳолатларда учрайдиган қуёш чиқиши ва ботиши тасвирланган. «Хуршид Альбурз тоғи ортидан бош кўтарди», «Альбурз тоғи ортидан Хуршиди тобон олтин ханжарини кўтариб чиқиб, этагида фарқ бўлди», сингари илк илдиэларини ҳам кузатамиз. Бас, шундай экан, биз қадимги шеърлятимиз, оғзаки ижодимиз хусусида, айниқса, оғзаки бадий ижод билан ўрта аср шеърлятининг муносабати, анъанавий тимсоллар ҳақида фикр юритганимизда, бевосита «Авесто»га қайта-қайта мурожаат қилишимиз лозим.



Йўлдош Солижонов,
филология фанлари номзоди.

«ИККИ ЭШИК ОРАСИ» ДАН «ЛОЛАЗОР» ГА ЎТГУНЧА...

Ўтган асрнинг сўнги чорагида адабиётимизда қатор романлар ёзилди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» ва Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолозор» романлари шулар жумласидандир. Ҳар иккала ромanning яратилиши ҳам ўзбек насрининг эврилиш даври — 80—90 йилларга тўғри келади. Бу пайтда ўзбек адилбарининг буюк Шарқ адабиёти аъналарига содиқ ҳолда, Фарб монернистик адабиётининг энг яхши фазилатларини ижодий ўзлаштириш жараёни кечаётган эди.

Маълумки, эпик турга хос ҳар қандай бадиий асар биринчи галда ахборот деганидир, яъни, адабиётнинг коммуникатив вазифаси ҳар доим биринчи ўринда туради. Айтиш мумкинки, эпик асарнинг сюжети ва композицион қурилиши ҳам, қаҳрамонларни таърифлаш ҳам, уларнинг ички дунёсини очиш, тўлақонли характерни яратиш ҳам — барчаси бадиий нутқ зиммасига юклатилади. Нутқ шакллари ва оҳангларининг ранг-баранглиги асарнинг умрбоқийлигини таъминловчи муҳим омил саналади. Шу жиҳатдан қараганда, Ўткир Ҳошимов ва Мурод Муҳаммад Дўст ўз романларида бадиий нутқ имкониятларидан ғоят мохирона фойдаланганликлари сезилади. Ваҳоланки, бу асарларнинг фазилати яқингача уларнинг нутқий жараёндаги янгиликлари билан эмас, балки кўтарган ғояси ва муаммоларининг муҳимлиги, давр зиддиятларини тўлақонли ёритиб бера олганлиги билангина баҳоланарди, холос.

Кейинги йилларда бу романлар таҳлиliga янгича ёндошиш, улардан жаҳон адабиёт-шунослиги андозаларига мос келадиган унсурларни излашга эътибор кучайди. Танқиқотчи Т. Жўраев биринчи бўлиб, «Лолозор» романида Фарб модерн адабиётининг онг оқими муваффақиятли қўлланилганлигини илмий жиҳатдан исботлашга уринди. (Т. Жўраев. Онг оқими ва тасвирийлик. Тошкент. «Фан» нашриёти, 1994 йил, 3-бет.) Адабиётшунослар У. Норматов, А. Отабоевлар ҳам ундаги талай янгиликларни таъкидладилар.

Нима бўлганда ҳам, 80—90-йилларда ўзбек адабиётида яратилган насрий асарларда янгиланиш жараёни кечганлиги, шаклан аънавий адабиётга ўхшамаган, ўқувчига бироз эриш туйиладиган, дабдурустан унинг англаб етиши ва қабул қилиши қийин бўладиган бироз мураккаб ҳис-туйғуларга қоришиқ асарлар пайдо бўлганлиги сир эмас. Эндиликда, бундай асарларнинг янгича фазилатларини дастлаб уларнинг нутқий жараёндан қидириш ўринлидир. Чунки, кейинги йилларда ярилган асарларнинг мазмунидаги теранлик ҳам, шаклидаги ранг-баранглик ҳам, аввало, бадиий тилда намоён бўлмоқда.

«Икки эшик ораси» билан «Лолозор» романининг яратилиши орасида 5—6 йиллик фарқ бор. Ана шу қисқа муддат ўзбек насрининг имкониятлари ғоят кенгайганлиги, ҳали наср поэтикаси уммонида қўл урилмаган дуру гавҳарлар мўллигини исботлади. Улардан фойдаланишда ҳар иккала адиб ҳам ўзига хос йўлдан бордилар. Бу ўзига хослик Ўткир Ҳошимовнинг тарихий аъналаримизга янгича ёндашишида, Мурод Муҳаммад Дўстнинг Фарб адабиёти аъналарини ижодий ўзлаштириши, Шарқ насри тажрибалари билан омукталаштиришида кўзга ташланади. Мазкур романларнинг фазилатлари, даставвал, уларнинг нутқида кўриниш беради.

Агар «Икки эшик ораси» романининг ҳикоя тарзида мумтоз Шарқ адабиётининг эпик

аънаналарига яқинлик (масалан, «Минг бир кеча», «Ўқ ва Ёй мунозараси», «Банг ва Чоғир мунозараси» сингари) сезилса, «Лолазор» романи мутлақо бошқача йўсинда, ҳали ўзбек китобхони кўникамаган нутқ типлари ва шакллари асосига қурилганлиги билан ажралиб туради.

Назаримда, «Икки эшик ораси» ва «Лолазор» романлари ўзбек маданиятининг мусиқа санъатига ўхшайди. Тўғрироғи, улардаги нутқий жараёни жуда кўп чолғу асбобларидан ташкил топган симфоник оркестрга қиёслаш ўринлидир. Худди куйни басталаган композитор ҳар бир чолғу асбобига алоҳида нотада чалишни тавсия қилганидек, ёзувчилар ҳам ҳар бир қахрамоннинг нутқини фақат унгагина хос пардада яратадилар. Агар «Икки эшик ораси» романидаги воқеаларни куйлаётган (тўғрироғи, ҳикоя қилаётган) оркестрнинг асосини тўққиз созанда — ҳикоячи ташкил қилса, «Лолазор» романидаги оркестрда асосан уч киши — муаллиф, Назар Яхшибоев ва қиссанавис Саидкул Мардон иштирок этадилар. Шуниси борки, ҳар иккала романдаги созанда — ҳикоячилар чалаётган созлар бир хил нотани куйламагани каби уларнинг оҳанги ҳам турличадир ва бу романга ўзбек насрида кейинги йилларда оммалашаётган полифоник оҳанг бағишлайди. Аммо бу хилма-хиллик оркестрнинг умумий овозига путур етказмайди, аксинча, уни кўп овозли қилади ва бош гоани ифодалашга хизмат қилдирилади.

Ҳар иккала романда ҳам воқеаларни баён этиш ретроспектив нутқ шаклига қурилган бўлса-да, улардаги ички ҳикоялар қатъий тартиб билан жойлаштирилган, улар бир-бирини тўлдирди ва давом эттиради. Ҳикояларда тасвирланаётган воқелик мавзу моҳияти жиҳатдан бир хилдек туйилса ҳам оҳанг ва услубий мутаносиблиги, рўй бераётган ҳодисага муносабати ҳамда қарашлари билан фарқлиниб турадилар. Пировард натижада уларнинг барчаси романлардаги бош мақсад — ҳар қандай вазият ва жамиятда ҳам инсон ўзлигидан маҳрум бўлмаслиги, эзгуликка хизмат қилиши, «Икки эшик ораси» романининг асосий қахрамонларидан бири Ориф оқсоқолнинг айтишича, «у эшиқдан кириб бу эшиқдан чиқиб кетаётганда қўлидан келганча савобли иш қилиши, Ҳаёт деган иморатга ақалли битта гишт кўйиб» кетиши лозимлигини англашга бўйсундирилади. Муаллифлар тартиб берган ҳикояларнинг жойлашуви бежиз бўлмай, уйғунлик тамойилига қатъий амал қилинганлиги тўғрисида йил аввалги қониқчи ҳисил қилади.

Этибор берсак, «Икки эшик ораси» романининг «Муқаддима ёки энг аввалги боб»-ида қурилиш-монтаж бригадаси бошлиғи Музаффар Шомуродовнинг онаси вафот этганлиги ҳақидаги совуқ хабарни эшитиб, зудлик билан Қўқонга жўнаши тўғрисида ахборот берилди ва тугун ташланади. Музаффарнинг онаси ким? Нега у Қўқонда вафот этади? Бу саволларга тўққиз персонажнинг кетма-кет айтиб берган ҳикояларидан жавоб топамиз. «Лолазор» романи эса, баланд пардада «Осмон мезонлардан йилтирар эди» деган ташбеҳ билан бошланади-да, айна шу чиройли ибора Назар Яхшибоевга тегишли бўлиб, бундан йигирма йил аввал хаёлига келганлигидан хабардор бўламиз.

«Икки эшик ораси» романининг ечими 16 бобдан ташкил топган 7-қисмга жойлаштирилган. Унда инсон ва жамият тақдирининг чигал муаммолари тўғрисида баҳс юритилади. Мазкур қисмда ҳикоячи-персонажлардан «Қора амма» билан Робиядан ташқари 7 киши иштирок этади. Уларнинг ҳикоясидан уруш келтирган оғир оқибатларни, у ёшдир, қаридир ҳар бир одам тақдирига ўчмайдиган аянчли муҳр босганлигини билиб оламиз. Мана шу қисмда ҳар бир ҳикоячи-персонаж ўз умри ва тақдирига яқун ясабгина қолмайди, балки жамият ҳаёти тўғрисида ҳам ижтимоий ҳулоса чиқаради.

Қисмда ҳикоя қилишда қатнашган-қатнашмаганлигидан қатъий назар, барча персонажларнинг бир жойга жамланиши дунёнинг ўткинчи ва мангулигини исботлашга имкон беради. Бу ҳикоялардан ўқувчи қотиб қолган қолиплардан ташкил топган мозийхона эмас, балки узлуксиз давомийликка, доимий ҳаракатга, уйғунликка асосланган жонли вужуд эканлигига амин бўлади. Бу жиҳатдан бош қахрамон Музаффарнинг «Хотима ёки энг охириги боб»даги «Қулоқ солинг, кўёш сўзлаяпти!» дея ҳайқириши ибратлидир. Китобхон ушбу қисмда барча персонажлар билан хоҳ ғойибона, хоҳ ошкора бўлсин, албатта, учрашадди ва ҳар бирининг ички дунёсидан, орзу-армонларидан огоҳ бўлади ҳамда уларни афсус ва ишонч туйғуси билан кузатиб қолади. Гўё шу қисмда бутун бир оркестр ҳаётнинг мангулиги ва уни асраш тўғрисидаги буюк бир симфонияни жўровозликда ижро этаётгандек туйилади. Уларга усталик билан дирижёрлик қилаётган муаллифнинг маҳоратига тан беради.

Ўқорида айтганимиздек «Лолазор» романида уч ҳикоячи иштирок этади. Улардан романининг бош қахрамони Назар Яхшибоев бевосита ҳикоячи сифатида иштирок этмайди, балки муаллифнинг кўшиғига жўровоз бўлади. Ҳатто айрим ўринларда ашуланинг кўп қисмини Яхшибоев яқка овозда, баланд пардада куйлаётгандек туйилади. Унинг ёнида турган муаллиф эса, кўпинча тин олади. Айна пайтда, рўй бераётган ёки

бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларга қаҳрамони Яхшибоев нигоҳи билан қарайди ва таҳлил қилади.

Ёзувчининг бу усулини кино санъатига ҳам қиёслаш мумкин. Гўё муаллиф кино тархи (сценарийси)ни ёзиб, ўзи режиссёрлик қияпти-ю, операторликка Назар Яхшибоев билан Саидқул Мардонни таклиф этгандек... Кино камераси сифатида эса, уларнинг нигоҳи ва нуқтаи назаридан фойдаланаётгандек таассурот туғилади. Назар Яхшибоевнинг нуқтаи назари орқали кўпроқ персонажларнинг шахсий манфаат доирасидаги лавҳалар тасвирга олинса, Саидқул Мардоннинг нигоҳ-аппарати билан ижтимоий ҳодисалар, Яхшибоевнинг ижтимоий-маиший тақдирига ойдинлик киритувчи воқеалар кенг кўламда суратга туширилади. Бундай лавҳалардаги Назар Яхшибоев нутқида мулоҳаза ва мушоҳада, Саидқул Мардон нутқида эса муҳокама оҳанги асосий ўрин эгаллайди.

Мурод Муҳаммад Дўст ўз кино тархининг қандай амалга ошаётганини кузатиб, операторларга йўл-йўриқ кўрсатиб, уларнинг ҳатти-ҳаракатини изоҳлаб, аммо қаҳрамонларининг ишларига аралашмай тургандек сезилади. Муаллиф режиссёр сифатида дастлаб умумий манзарани тасвирлайди-да, Яхшибоев нигоҳини туйқус бошқа бир қиёфага қаратади ва уни йирик мўлжалда намойиш қила бошлайди. Масалан, романнинг I-бобида бемор Назар Яхшибоев дастлаб ўзи ётган палатани, унинг жиҳозларию жойланишини акс эттиради. Сўнг унинг нигоҳи ўзини даволовчи оқсоқ профессорга, ундан марҳум дўсти Шариф Валломатга, кейин гоҳ хотини Мухсинага, гоҳ ўғли Аввалга тушади ва улар экранда катталашган тарзда навбати билан кўрина бошлайди. Бироқ шуниси борки, бу тасвирларда Назар Яхшибоев шунчаки оператор-кузатувчи вазифасини бажарибгина қолмайди, балки бевосита ҳаракатда қатнашади, муносабат билдиради, муҳокама қилади, баҳолайди. Муаллиф керак ўринларда умумий манзаралардан, катталаштириш ва кичрайтириш усулларида унумли фойдаланган ҳолда уларни бир-бирига усталик билан пайвандлаб, романнинг бош ғоявий мақсадини ифодалашга бўйсундиради.

Роман гарчи «Бемор» ва «Қиссанавис» деб аталган бобларга ажратилган ва улар ўзига хос воқеаларни баён қилсалар-да (масалан, Саидқул Мардон ўзининг бир неча манзараларга бўлинган қиссаларида гоҳ этиқдўз Левича жухуд, гоҳ Олия билан бўлган севги моҳароси, гоҳ Курбоний, Тўпори, Зоҳид кабиларнинг фаолияти, қисмати ҳақида кенгрок тўхталса, Назар Яхшибоев «Бемор» бобларида уларни йўл-йўлакай эслаб ўтади, холос), улар яхлит, бир бутун организмни ташкил этадики, бу ҳикояларни бир-биридан ажратиб юбориш мушкул. Зеро, юқорида тилга олинган персонажлар Яхшибоев тақдирида муҳим саҳифаларни ташкил этади ва уларсиз бош қаҳрамоннинг ҳаёт йўли мукамалликдан маҳрум бўларди.

Агар «Икки эшик ораси» романининг ҳикоячилари учун макон ва замон аниқ бўлса, «Лолазор» романи қаҳрамони Назар Яхшибоев учун макон — шифохона сифатида турғун, аммо замоннинг чек-чегараси йўқ. Бинобарин у тор ва турғун маконидан туриб, ўзининг тадқиқот курали — тафаккури билан (буни ёзувчининг ўзи «хаёлий нутқ» деб атади) бир лаҳзанинг ўзида дунёни кезиб чиқади. Яхшибоевнинг макондаги ҳаракатлари «ўлик» ҳолатдадир, чунки, у кўпинча палатада ўтириб, ётиб ўйлайди, нари борса, ошхонаю 3-қаватдан ҳовлига чиқади, холос. Аммо унинг учқур хаёли шифохонанинг бетон деворларидан ошиб узоқларга парвоз қилади.

Қиссанавис Саидқул Мардонга дахлдор бобларда эса макон ҳам, замон ҳам ғоят кенг кўламда олинган, улар чекланмаган ҳудуд ва вақтга эгадир. Агар «Бемор» бобларида Яхшибоевнинг «хаёлий нутқ» — фикр оқими ҳукмронлик қилса, «Қиссанавис» бобларида тана ҳаракати биринчи ўринга чиқади. Ҳикоячи Саидқул Мардоннинг ўзи ҳам бундай ҳаракатда бевосита иштирок этади. У ҳам кузатувчи, ҳам ҳамкор сифатида намоён бўлади.

Муаллиф нутқининг яққол ажралиб, кўзга ташланиб турмаслиги «Икки эшик ораси» ва «Лолазор» романлари поэтикасининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Лекин бунда ҳам ёзувчиларнинг шахсий услуби кўзга яққол ташланиб туради. Масалан, Ўткир Ҳошимов романда воқеаларни ҳикоя қилишни асар қаҳрамонларига тўласича топшириб, ўзи уларнинг ортига яширинади ва «котиб» сифатида ёзиб берган иншосини қай даражада ўзлаштириб айтиб бераётганини назорат қилиб туради. Дарҳақиқат, кичкинтой Музаффарнинг куйидаги гаплари 5 яшар боланинг тилидан чиққанига одам ишонмайди: «Қамишзор орасидаги сўқмоқни илик, лойқа сув босган эди. **Эрта саргайган қамишлар оҳишта чайқалиб шитирлаб турар, учидаги макка супургидек попилтириқлари секин-секин чайқаларди.** Бақаларни айтмайсизми? **Бир-биридан қолса қулогини кесадигандек овози борича вақиллайди.**» Бундай усулни «Қора амма», Робия, Раъно кабиларнинг ҳикояларида ҳам кузатиш мумкин. Айрим ҳолларда эса муаллиф ўзини аниқ намоён қилиб, ҳикоячининг ўрнини эгаллайди ҳам. Лекин бу ҳол узоқ давом этмайди ва ўқувчи ҳикоячи «мен»и билан дарҳол топишади.

«Лолазор» романидаги Назар Яхшибоев ҳам, қиссанавис Саидкул Мардон ҳам ёзувчи бўлганликларидан кўп ўринларда воқеа муаллиф томонидан ҳикоя қилинганми ёки қаҳрамоннинг ўзи сўзлаётганими, ажратиб бўлмай қолади. Бир тизимда кетаётган муаллиф нутқи бирдан узиладида, Яхшибоевнинг «хаёлий нутқи» бошланади: **«Ич-ичидан алам туйдики, йўриқдан чиқиб кетмокнинг ҳеч иложи йўқ. Бир душманим тўғри айтиб эди, мен тан олиб эдим, лекин тўғри гапларини бошқаларга ҳам айтиб юрмасин деб, Шарифнинг, гўринг нурга тўлгур Шарифнинг қўли билан яксон қилиб ташладим, қайта ўнганмади. Уям бир дарахт эди асли, ёнида бачкилари бор эди. Шарифнинг оташи зўрлигини қарангки, дарахтни ҳам, бачкиларини ҳам қуритди — худди тагига бутифос куйгандек бўлди...»** Кўриниб турибдики, ушбу парчада остига тўғри чизиқ тортилган сўзларгина муаллифга тегишли, холос. Унинг давоми (тўлқинли чизилгани) Яхшибоевнинг «хаёлий нутқи», яъни, онг оқимидир. Уларга муаллиф мутлақо аралашмайди, овозини қўшмайди, ўйларига ҳалақат бермайди. Романнинг «Бемор» деб номланган 7 та боби шу услубда битилган.

Агар «Бемор» бобларида муаллиф нутқи персонаж нуқтаи назари билан тез-тез ўрин алмашиб турса, «Қиссанавис» бобларида муаллиф ўзини мутлақо пинҳон тутаяди, ҳикоячи «мен»ига асло аралашмайди. Ёзувчи Саидкул Мардон ўзи бевосита гувоҳ бўлган Назар Яхшибоевнинг ташқи ҳаёти тўғрисида сўзлаб беради. Унинг нутқи очиқ-ошқора, гоят шафқатсизлиги билан эътиборни тортади. У ҳеч нарсага четлаб ўтмайди ва яширмайди. Ҳатто Яхшибоевга, Ошнога бўлган муносабатини ҳам, ўзининг баъзи ожиз томонларини ҳам қоғозга тушираверади. Назар Яхшибоев тўғрисидаги ҳикоясининг бошланишидаёқ Саидкул Мардон икки ўртадаги муносабатлар ҳақида сўзлар экан, «Гапнинг тўғриси, Яхшибоев ҳақида ёзиш мен учун жуда оғир. Оғир, зерикарли, уятли. Гўё ўзим ҳақимда ёзаётгандайман», дейди ва бунинг сабабини сўнги икки йилда Яхшибоев билан анча яқин бўлганлиги, «Унинг яхши-ёмон ишларига аралашганлиги», энди «пайти келиб (жилла курса ўзим учун), оқни-оққа, қорани-қорага ажратиб» олмоқчи бўлганлиги билан изоҳлади. Бу ерда ҳикоячи нутқида келтирилган «яхши-ёмон», «оқ-қора» контраст сифатлашлари Саидкул Мардон нутқининг бутун моҳиятини белгилаб беради. Бинобарин, бу ҳикоя бошдан-охиригача шафқатсиз реалистик услубда яратилганлигидан далолат беради.

Айрим тадқиқотчиларга эса, Саидкул Мардон ҳикояси, яъни, қарийб барча «Қиссанавис» боблари орқиқчадек туюлади. Масалан, адабиётшунос Т. Жўраев юқорида эслатилган «Онг оқими ва тасвирийлик» монографиясида «Лолазор» романидаги онг оқимининг ўзига хослиги ҳақида гапирар экан, «Бемор» боблари Яхшибоевнинг онг оқими тасвиридан, «Қиссанавис» боблари эса асардаги яна бир мустақил қаҳрамон Саидкул Мардон тилидан ҳикоя қилинган манзаралардан иборат эканлигини таъкидлаб, улар мустақил йўналишдаги ҳикоялардир, дейди. Бу умуман тўғри, уларни танқидчи таклиф этганидек, алоҳида-алоҳида мутолаа қилиш ҳам мумкин. Лекин адабиётшуноснинг ёзувчи ўз мақсадига қиссанавис Саидкул Мардонсиз ҳам эришиши мумкин эди, шундай бўлганида воқеалар «янада табиийроқ, реалроқ тус оларди», деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Назаримда, «Саидкул Мардоннинг Назар Яхшибоев ва унинг қиёматли Ошноси хусусидаги ақлни лол қолар даражадаги сир-асрор ва ҳаётий икир-чикирларини билиши, «унинг ўта «билағон»лиги» мунаққидга эриш туйилади.

Бизнингча, роман танҳо бемор Яхшибоевнинг онг оқими асосига қурилганда ҳозиргидек таъсирчан ва муваффақиятли бўлмасди. Чунки, Саидкул Мардон муаллифнинг артистизми маҳсулидир, тўғрироғи, шартли равишда ёзувчининг ўзидир. Ва, табиийки, вазифасига кўра ҳикоячи Саидкул Мардон «ҳамма ерда ҳозир нозир» бўла олади. Назар Яхшибоев айтмаган, айтолмаган, айтишни истамаган, истиҳола қилган воқеаларни ипидан игна-сигача, худди кўриб, кузатиб тургандек тасвирлаб бериш Саидкул Мардон зиммасига юклатилган. Қиссанавис Саидкул Мардон ёзувчи ролини ўйнаётганлигидан ўз ҳикояси доирасига кирган қаҳрамонларга холисона муносабатда бўлади, уларга баҳо беришда, яхши-ёмон томонларини тасвирлашда холис позицияда туради. Тўғри, Т. Жўраев қайд этгандек, Саидкул Мардон баёни, ҳикоя қилиш услуби айрим ўринларда «Бемор» боблари услубига ўхшаб, унинг такрорига айланиб қолгандек туйилади. Аммо буни ҳикоячи Саидкул Мардоннинг эмас, балки унинг нутқини яратаётган «котиби» ёзувчининг камчилиги деб билмоқ керак.

Агар Ўтқор Ҳошимов «Икки эшик ораси» романида бир хил воқеани камида уч-тўртта қаҳрамони нигоҳи билан баҳоласа, Мурод Муҳаммад Дўст асарининг бош қаҳрамони Назар Яхшибоевни уч томонлама: муаллиф, ўзи ва Саидкул Мардон таҳлилидан ўтказаяди ва ўқувчи кўз ўнгига бутун фазилату қусурлари билан шаклланган том маънодаги инсон характерини яратади. Муаллиф тавсифидан ташқари Яхшибоев ўзини-ўзи чуқур таҳлилдан ўтказаяди. Ўзини-ўзи таҳлил этиш жараёнида қаҳрамон муаллиф бошқарувидан холи

бўлади, унинг изми билан эмас, ўз ақл-идроки билан фикр юритади. Бундай усул қиссанавис Саидкул Мардон нутқиға ҳам хосдир. Агар «Бемор» бобларида Яхшибоев эркин фикрлаш билан ўзини таҳлил этса, «Қиссанавис» бобларида ҳикоятчи Саидкул Мардон «мен»и ўз қахрамонини (айни чоғда ўзини ҳам) аёвсиз таҳлил чиғирғидан, ўтказади. Бу жиҳатдан, айниқса, «Охирги боб»да қиссанависнинг айтганлари ибратлидир. Бинобарин, «Бемор»нинг сўнги XIII боби ҳам: «Қиссанавис»нинг «Охирги боб»и ҳам қахрамонларнинг тавба-тазаррусидир. Назар Яхшибоев ўзини-ўзи таҳлил қилар экан, бир йўла умрни беҳуда сарфлашға мажбур қилган жамиятға ҳам, унинг алдамчи ногорасиға ўйнашға мойиллик билдирган «Яхшибой чўпоннинг содда-баёв ули Назарбой»ға ҳам кескин муносабат билдиради. Ўз шахсиға нисбатан «сиз» деб мурожаат қилиш билан кинояомуз оҳангда бундан сўнг ҳам кўлидан ҳеч нарса келмаслиғиға ишора қилади. Бу ерда Назар Яхшибоев тимсоли орқали ёзувчи инсон тақдири билан жамият идеалларининг номутаносиблиғи муаммосини кўтарди ва бу номутаносиблик ҳар иккисини ҳам фожиаға олиб боришиға ўқувчини ишонтиради.

Шундай қилиб, Ўткир Ҳошимов яратган «Икки эшик ораси»дан Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор»иға ўтгунча янги ўзбек насрининг талай фазилатлари пайдо бўлди.

Мадинахон Имомкаримова,

тадқиқотчи.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ АКС ЭТТИРИШДА АДИБ МАҲОРАТИ

Мустақиллик шарофати ила порлоқ истиқбол сарҳадлари сари дадил қадам ташлаётган давлатимизнинг бугунги тараққиётида маънавий қадриятлар тизими ва илм-фаннинг аҳамияти янада ортди. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, истиқлол туфайли қадимий аъёналарға бой адабиётимизнинг ижодий имкониятлари ҳам кенгайди.

Зеро, адабиётнинг вазифаси мукаммал шахс образини яратиш экан, демак, унинг эътиқоди ва туйғуларини ҳам бадиий тасвирларда ҳаққоний акс эттириши лозим.

Буни Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романида мужассамлашган бир ҳолатда кўрамиз. Айниқса, бешик тўйи маросими бугунга қадар сақланиб қолган одатларимиздан бири эканлиғи асарда ўзининг ишонарли тасвирини топган. Асарда у ҳаётий чиққанлиғиға сабаб, ҳақиқатан ҳам бешик келиннинг ота-онаси томонидан келтирилади. Унда бир неча авлод вакиллари тарбияланиши мумкин. Болани бешикка белашдан олдин тайёргарлик ишлари олиб борилади. Болага кийим-бош тайёрлаш, уни остонадан бошда баланд кўтариб, алла айтиб кириш аънаваний одатлардан бири ҳисобланади. Бундай миллий қадриятларимиз фольклоршунос олимларимиз томонидан ўрганилган мавзудир.

Роман воқеялиғини бойитишда адибнинг фольклор аънаваларидан фойдаланишдаги яна бир ўзига хос услубини кўриш мумкин. Унда ёзувчи боланинг руҳиятини очишға ҳаракат қилган.

Музаффар аёллар даврасидан чиқмайди, уйда бўладиган воқеаларни синчковлик билан кузатади.

Асарда болани бешикка белаш билан боғлиқ одатлар атрофлича тасвирланади. «Лазокат хола чақалоқни кўрпачаға ётқизиб, йўрғагини ечди. Укамнинг чап оёғини авайлаб букиб, тиззасини ўнг кўлининг учига тегизди.

— Етими? — деган эди, уй тўла хотинлар қий-чув қилиб юборишди.

— Етти! Етти!»

Ўз-ўзидан маълумки, бу ҳолат дунёға келган боланинг одамлар гувоҳлиғида соғлиғини текшириш, туғилганлиғида бенуқсон эканлиғини кўз-кўз қилишдир. Бунинг ўзига яраша тарихий сабаблари бор.

Биринчидан, вақтлар ўтиб, бола улғайгач, унинг оила қуришда наслий ва туғма нуқсонлари сўраб-суриштирилади.

Иккинчидан, бирор касаллиғи бўлса, кўпчилик бўлиб чора изланади. Бу одат бир болага маҳалла-қўй, етти кўни-қўшни ота-она деган ҳикматомуз гапға ҳам тўғри келади.

Ўткир Ҳошимов чақалокни бешикка белаш маросимини ўз асарининг сюжет тўқимасига маҳорат билан сингдиради. Албатта, халқ орасида амал қилинадиган маросим ҳамда удумларнинг муайян тарихий асослари, ижтимоий вазифалари ва халқ ҳаётида тутган ўзига хос ўрни бор. Шунингдек, бешикка беланган боладан каттароқ болага патир тишлаб қочирилишида ҳам ўзгача моҳият ва мазмун мавжуд.

Бой миллий қадриятлари бор миллат ва элнинг ички сирли, такрорланмас аънаналаридан нафақат қахрамон, балки ўқувчи ҳам огоҳ бўлади. Энг муҳими эса, улар ёзувчи асарлари тилини ширин, равон, шу билан бирга воқеликнинг ишонарли, содда ва таъсирчан бўлишини таъминлаб беради. Бу борада В. Г. Белинскийнинг бир фикри бор: «Янши тушунилган нарса, энгил ва осон ёзилади».

Дарҳақиқат, ёзувчи ўзи англаган ҳақиқатни бадиий ҳақиқат даражасига чиқаришда қийналмаганидек, ўқувчи ҳам уни идрок этишга қийналмайди. Шу сабаб Ўткир Ҳошимов тасвирлаган воқеалар кўз олдимизда бор бўй баста билан гавдаланади. Ёзувчи қахрамон характерини, тақдирини, орзу-армонларини, давр дардини асарда тасвирлаш билан бирга миллат дарди, миллат кишисининг қиёфасини яратишга интилади.

Романдаги ана шундай ўзига хос жиҳатлар ҳақида адабиётшунос Раҳматулла Иноғомов шундай деган: «Мазкур романда бир эмас, балки қатор муҳим ғоялар, давр, замон учун долзарб, аҳамиятли фикрлар ўртага ташланган. Лекин шундай бўлса-да, инсон ҳаётининг маъноси унинг жамият, ҳаёт, одамлар олдидаги масъулияти, инсонлик шаъни, бурчи сингари масалалар асарнинг ётакчи пафоси вазифасини, ғоясини ташкил этади».

Адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошев эса, ана бир муҳим жиҳатни тилга олади: «Ўткир Ҳошимов қахрамонларнинг барчасини ўз тили билан гапиртиришга, туйғуларни ўзига хос йўсинда ифодалатишга эришган. Айниқса, «Икки эшик ораси» романининг ҳар бир қахрамони ўз тақдири ҳақида ўз тили билан ҳикоя қилади».

Ўқоридаги фикрларда жон бор. Ўткир Ҳошимов ижодининг илк кўринишларидан бошлаб халқ оғзаки ижодига яқин услубда қалам тебратиб келмоқда. Буни архаик сўзлар, тушуниш қийин бўлган араб, форс сўзларни асар таркибига олиб киришдан қочиш, халқ учун тушунарли бўлган содда, пишиқ ва ихчам, мазмундор ибораларни қўллаш, умумхалқ сўзлашув нутқиға яқин услубда ижод этиш маҳоратида кўрамади. Адиб халқимизнинг асрлар давомида тўпланган сўз бойликларидан ижодий фойдаланади. Шулар билан бирга, асарда инсон руҳиятини тасвирлашда ҳам фольклор аънаналарининг қўл келиши кузатилади. Шу сабаб адиб Робия, Қора амма, Шомурод, Музаффар, Ориф оқсоқол, Дума каби образларнинг қалбида кечадиган изтироблар билан онгидаги ақлий салоҳият ўртасида боғланиш ясайди.

Ёзувчи характерларнинг шаклланишидаги жараёнларнинг тағ замирини қадимий халқ қарашларига олиб бориб боғлайди.

Робиянинг ҳикоясида шундай жумлалар бор: «Ойим айтганидек, «ирим-сирим»ни қилишади-да, бутун қишлоққа хабар тарқалади: «Робиянинг боши боғланди». Қизиқ, «боши боғланди... «Фалати гап-а!»

Ориф оқсоқол эса, урушда ўлган ўғлиға хиёнат қилган келинини халқ ғазабидан ва бир умрлик исноддан қутқариш учун, севган йигитиға никоҳ ўқитиш маросимини ўтказиб беради.

«Зухранинг опаси Фотима тўкиб-сочиб косада сув олиб келди.

— Қўй, мундоқ, — деди Оқсоқол оппоқ қошини учириб.


У соқоли титраганча домлага буюрди:

— Бошла!»

Асардаги ушбу ҳолат ҳақида адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошев шундай фикр билдирган: «Оқсоқолнинг ўз келини Зухрани ёқтирган кишисига никоҳлаб бергани эпизодини эсланг. Киши руҳиятини остин-устун қилувчи ларзакор тасвир миллий белгиларимизнинг, аввало, оқсоқол образида, сўнг шу манзара иштирокчилари тимсолида ёрқин нурланиб намоён бўлганлиғига гувоҳимиз».

Ёзувчи халқнинг яна миллий қадриятларини 70-йилларда содир бўлган воқеаларға боғлайди. Бунда Музаффар ва Мунаввар фақатгина бир онани эмганлиғи учун соф муҳаббатларидан айрилишади. Ҳатто уларнинг ҳаёти фожиавий яқун топади. Мана шундай қахрамонларнинг руҳий оламида содир бўладиган ўй-фикрларнинг, кўнгул тубида ётган истак-хоҳишларнинг ҳам интиҳоси халқона урф-одатларға бориб тақалади. Асарда бундай тасвирлар жуда ҳам ишонарли ифода этилган.

Миллий қахрамон образини яратиш, миллий қадриятлар тасвирини ҳаққоний кўрса-тиш Ўткир Ҳошимовнинг нафақат «Икки эшик ораси» романида, балки аксарият асарлари маъносига сингиган моҳиятдир.



Олимжон Холдор
Назиржон Саидов

ОЛАМ БИЛАН ЮЗЛАШГАН ОЛИМ

Сирдарё билан Норин дарёлари туташган жойдан бир неча чақирим баландроқда Балиқчи деган бир қишлоқ бор. Бу сўлим гўша қадим-қадимдан тилларда достон бўлиб келган.

Бўлуғ пахтазорлар, таъми тилни ёрадиган анжирзору узумзор, олмазору шафтолизор, анорзорларни, қўйингки, Балиқчи туман бог-роғларига кўрк берувчи, сахий ерининг белига кумуш камар бўлиб, шарқираб оқиб ўтгучи икки азим дарё туташган жойнинг об-ҳавоси, бу қадим макон кўркига кўрк қушувчи ижодкор одамларининг яратувчилиги олдида бошимиз ерга теккунча таъзим қиламиз.

Ҳар бир даврнинг ўз қиёфаси, ўз сўзи, ўз тарихи, ўз тақдири, ўз қисмати, ўз кишилари бўлади.

Пахтачилик илмининг чинакам устозлари: Ҳайрихон Эргашева, Турдихон Сатторова, Абдукарим Мўминов, Абдулҳамид Мадаминов, Собиржон Сиддиқов, Турғунали Юсупов, халқ ҳофизлари Фаттоҳхон Мамадалиев, Одилжон Юсупов, Маматхўжа Отахўжаев; Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зокир Султонов, «Сўтақўзи» гуруҳи аъзолари, шунингдек, илм-фан фидойилари: Абдулла Азимов, Абдуманноб Эгамбердиев ва яна қанча-қанча талбиркор ёшлар ўз она юртларининг донғини оламга таратишда ибратли ишларни уддаладилар. Биз юқорида тилга олган ва тилга олмаган балиқчилик фидокорларнинг ҳар бири биттадан дostonдир.

Бу мўъжизакор маскан номи нега Балиқчи? Туташган дарёларнинг хилма-хил балиқлари мўл ва мазали бўлган. Балиқ бор жойда балиқчи ҳам бўлади. Қишлоқнинг Балиқчи деб аталиши балиқ ва балиқчиликка дахлдорлиги табиий ҳолдир.

Балиқчи тумани фарзандларидан бири атоқли олим, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ва Республика Халқ таълими вазирлиги илмий-услубий кенгаши аъзоси, Андижон Давлат университети кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази бошлиғи, филология фанлари доктори, профессор, ўзбек тилшунослигига ўз илмий ишлари билан муносиб ҳисса қўшиб келаётган етук олим, ёшларнинг севимли устози ва мураббийси Абдулҳамид Нурмоновдир.

Абдулҳамид Нурмонов 1942 йил 15 майда Андижон вилояти, Балиқчи туманининг Ўрмонбек қишлоғида оддий пахтакор деҳқон оиласида туғилди.

Илмга чанқоқ, тиришқоқ Абдулҳамид она қишлоғидаги мактабни аъло баҳолар билан битириб, 1958 йили Фарғона педагогика институтининг тарих-филология факультетига ўқишга кирди. 1963 йили институтни имтиёзли диплом билан битирди ва шу даргоҳда ўзбек тилшунослиги кафедрасида ассистент қилиб ишда қолдирилди. Бир йилдан сўнг Абдулҳамид аскарлик сафига чақирилди. 1966 йили хизматдан қайтиб келиб Балиқчидаги 5-ўрта мактабда она тили ва адабиёти фанидан дарс бера бошлади.

Ёш педагог мураббий А. Нурмонов турли педагогик анжуманларда, беллашувларда қатнашиб илмий жамоатчиликнинг эътиборига тушди ҳамда 1967 йили Андижон педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасига ишга таклиф қилинди. Икки йилдан кейин Абдулҳамиддаги фанга бўлган чанқоқликни сезган институт раҳбарияти маслаҳатлашиб уни ўзбек тилшунослиги кафедраси аспирантурасига қабул қилдилар.

Шу йили Совет-Хитой чегарасидаги Даманск оролида рўй берган жанжал муносабати билан у яна аскарликка чақирилди. 1971 йилга қадар Уссурия ўлкасида чегара қўшинлари сафида зобит сифатида хизмат қилди. Айни пайтда номзодлик илмий ишини ҳам тўхтатмай давом эттирди.

Ҳарбий қисмда дивизия командири Нурмонов ҳужжатларини кўздан кечириб, аспирант эканлигини билгач, уни ортига қайтариб юбормоқчи бўлади. Бироқ Абдулҳамид кўнмайди. Унинг

қатъияти, иродасини ҳис этган генерал жуда хурсанд бўлиб, илмий иш олиб бориши учун қулай шарт-шароитлар яратиб беради. Абдулҳамидга ҳарбий қисм кутубхонасига яқинроқ жойдан алоҳида хона ажратади.

Генерал Нурмоновнинг ишларидан тез-тез хабар олиб турди, ҳатто баъзи адабиётларни топишга ҳам кўмаклашди. Дам олиш кунлари у фақат ўқиш, ўрганиш билан банд бўлди. Кундузлари аскарларга турли мавзуларда маърузалар қилиб, суҳбатлар ўтказди, кечалари эса ўз устида бетиним ишлади, илмий ишни эса бир дақиқа бўлса-да тўхтатмади.

Шундай қилиб у лейтенантликдан капитан даражасига етди, ҳарбийдан «Москвич» русумли энгил автомашинаси билан Андижонга қайтиб, аспирантуранинг иккинчи йили тугамасдан, муддатидан бир йил олдин, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилишга ҳам эришди.

1973 йили яна Андижон педагогика институтига ишга келди. 1976 йилдан 1983 йилгача педагогика факультетининг декани лавозимида ишлади. Бу йилларда назарий билимларини амалиётда қўллади, ўз устида жиддий ишлади.

Кўп ўтмай ишдан ажралмаган ҳолда «Ўзбек тили синтаксисини системавий тадқиқ этиш муаммолари» мавзусида докторлик диссертациясини ҳам ҳимоя қилди.

Диссертация тилшунослик соҳасида эришилган энг янги ютуқлардан ижодий фойдаланган ҳолда ёзилганлиги туфайли илмий жамоатчилик ўртасида жуда катта шов-шувларга сабабчи бўлди. Энг йирик олимлар диққатини ўзига тортди. Хусусан, рус тилшуносларининг йирик намоёндаларидан бири ҳисобланган М. М. Копиленко ҳимоя кунини сўзга чиқиб, илмий ҳулосаларини айтди экан, эҳтиросларини ҳам яшира олмади: «Илгари ўзбек тилшунослари рус ҳамкасбларига эргашиб илмий тадқиқот ишлари олиб борардилар. Бу диссертация шундай катта муваффақият билан ёзилганки, бугундан эътиборан рус тилшунослари унга мурожаат қилсалар ҳамда ундан амалиётда ҳам, назарийда ҳам ижодий фойдалансалар фақат ютган бўларди. Бизга шундай ишлар, шундай олимлар керак».

Рус тилшунослари В. А. Редкин, йирик турколог олим Л. А. Покровская ҳам йўллаган мактубларида Нурмонов диссертациясини жуда юқори баҳолашди.

Балиқчилик оддий деҳқон фарзанди Абдулҳамиднинг иши чиндан ҳам ўзбек тилшунослигида муҳим воқеа бўлди. Бу ёш олимни янада кўпроқ изланишга даъват этди. У қилган янгиликдан холис ниятли ҳақиқий олимлар қувонишди. Абдулҳамидни муборакбод этишни, йиллаб ёзиб-чизиб кўчирмачилик билан шуғулланувчи баъзилар эса юракларидан куйиб, гашлари келсалар-да тил учига мақташди, лабларида совуқ табассумлар ўйнади.

Баъзи совуқ гаплар ҳатто Абдулҳамиднинг ҳам қулоқларига чалинди. Истеъдодли олим мишишларга асло парво қилмади. Илмий анжуманларда у ҳар хил гап тарқатиб юривчиларга танбеҳ бериб, уларни жиддийроқ изланишга даъват этди, керак бўлса амалий ёрдам беришга ҳам тайёр эканлигини билдирди.

Одатда, ҳаётда иши юришмаган кишилар, у олимми, ёзувчими, санъатқорми, раҳбарми, ким бўлишидан қатъи назар, ҳасад отлиқ дардга, турли васвасага ўралиб қоладилар. Бундайлар олтиндан қиммат бойлик — вақтни қўлдан бой бериб қўйганлари етмагандай ўзгаларга ҳам ҳалақит беришади. Хилма-хил гапларни тўқишиб, «иғво оти»ни қамчилаб, кўринмас сароб янглиғ манзил томон чопадилар.

Бир амаллаб йиғлаб-сиқтаб номзодлик диссертациясини ёқлаб олган бир танишимиз бор: бир қарасангиз археолог, бир қарасангиз тилшунос, бир қарасангиз бобуршунос, яна бир қарасангиз журналист — матбуотда ҳар балони ёзиб одамларнинг гашига тегади. Хуллас, ўзига-ўзи «иш» топиб олади-да, ёзавради-ёзавради, катталарга учраб уларнинг ҳам вақтини ўғирлайди.

Умуман фанга мутлақ алоқаси бўлмаган бу зот, бобомиз Бобурга тош отувчиларнинг олдинги сафларида бўлган эди. Ҳатто Бобур номига қўйилаётган катта кўчани қандайдир гайримиллат, юртимизга ҳеч бир алоқаси бўлмаган рус адмиралининг номига қўйилишини талаб қилиб чиққан эди. Буни қарангки, шоҳ Бобурнинг ашаддий душмани бўлган кимса, энди бир думалаб бобуршунос бўлиб турибди. Уялмай-нетмай Навоий ундай, Бобур бундай, деб тўшакдай-тўшакдай мақолалар ёзишларига ўлайликми?

* * *

Абдулҳамид Нурмонов ён дафтари ҳошияларидаги битиклардан кўчирмалар:

«Сиз фаннинг қайси соҳасида илмий иш қилган экансиз, ўша соҳани маҳкам ушланг, ўзингизни биладон қилиб кўрсатиб, шоҳ ташламанг, одамларга кулги бўласиз. Тилшуносликнинг ҳали ўрганиладиган йўналишлари шу қадар кўпки, агар сиздай мутахассисдан юзта, мингта бўлса ҳам уларга етарлича иш топилади. Аранг ёқлаган илмий ишингизни дастак қилиб, «ҳамма нарса ҳал бўлди, нуқта қўйдим», десангиз хато қиласиз. Бу хил фикрда бўлган кимсаларни олим деб аташга ора қиламан».

«Биз талабаларни имтиҳон қиламиз, жавобларига қараб баҳолар ҳам қўямиз. Аслида ҳаётнинг ўзи бир умрлик имтиҳонлардан иборат. Биз, олимларни ким имтиҳон қилади? Бу сўроққа олимлар эмас, шоҳқалар жавоб берсин! Жавоб менинг фикримча шундай: ҳаёт имтиҳон қилади. Баъзан биз олимлар ҳам ҳаётнинг шиддатли синовларидан ўта олмай, «шипаргалка»лар ишлатамиз, ўзимизни салкам «доҳий» қилиб кўрсатамиз. Одамлар эса, биз ўзимизни қандай тутмайлик,

кимлигимизни биладилар. Фақат ёшимизни, вазифамизни, амалимизни андиша қилишиб нуқсонларимизни юзимизга солмайдилар. Буни гоҳо ўзларимиз ҳам билиб тураемиз, аммо «орият»ни қўлдан бой бермаслик учун яна-яна субутсизлик қилаверамиз, истегъодли одамларнинг ортидан тош отаверамиз».

* * *

«Мустақилликнинг ўн йиллиги ўтиб борапти. Замондошларимиз ҳар жабҳада ҳаёт синовидан муваффақиятли ўтмоқдалар. Қани энди, раҳбарлар, оддий касб эгалари, ўқитувчи ва тиббиёт ходимлари аттестациядан ўтаётганларидек, фанда ҳам, илмда ҳам худди шундай имтиҳонлар қилинса, балки шунда баъзи сохта олимлар ўзларини четга олармиди, умум ишимизга зиён етмасмиди, ёйинки ҳеч бўлмаса ўзларини хушёрроқ сезган, балки ўз устларида жиддийроқ иш қилган бўлармиди.

Баъзан фан номзоди, фан доктори, профессор, академик деган улуғ унвонларни кўтариб юрган кимсалар билан мулоқотларда ўзимнинг ҳам фан доктори бўлганимдан хижолатчилик чекаман».

* * *

Фанда катта воқеа бўлган «Ўзбек тили синтаксисини системавий тадқиқ этиш муаммолари»нинг дунёга келиши — А. Нурмонов салоҳиятининг шаклланишида забардаст олим Айюб Фулом раҳбарлик қилди.

Дунёга машҳур буюк туркшунос олим А. М. Шербек қимматли маслаҳатлари билан Нурмоновни ҳамиша қўллаб-қувватлаб турди.

Балиқчи фарзанди Абдулҳамид Нурмонов ўзбек тилшунослиги кафедрасига мудирлик лавозимига кўтарилди. 1992 йилдан 1998 йилгача Андижон Давлат университетининг илмий ишлар бўйича проректори бўлиб ишлади. 1998 йилдан ҳозиргача университетда янги ташкил этилган кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказини бошқариб келмоқда. Айни пайтда умумий тилшунослик кафедраси мудир вазифасини ҳам удаламоқда. Бундан ташқари республика илмий ҳаёти фаолларидан биридир. 20 йилдан буён Самарқанд, Тошкент университетлари ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг фан доктори ва номзодлари илмий даражаларини берадиган ихтисослашган илмий кенгашининг доимий аъзоси сифатида жон куйдириб келади. Ўтган даврда у 40 дан ортиқ докторлик ва номзодлик диссертацияси ишларига ҳакамлик қилди. Унинг беvosита раҳбарлигида 20 дан ортиқ фан номзоди ва 3 нафар фан доктори етишиб чиқди. Ҳозирги кунда унинг мураббийлигида яна 10 га яқин номзодлик, 3 та докторлик диссертацияси ҳимояга тайёр бўлиб қолди.

А. Нурмонов шогирдлари фақат Ўзбекистонда эмас, қўшни Қирғизистон ва Тожикистон республикаларида ҳам кўплаб топилади.

Биз яқинда домланинг қирғизистонлик шогирди Дилфузахон билан мулоқоти гувоҳи бўлдик. Домла ёш олиманинг илмий изланишларини юқори баҳолар экан, яна нималарга кўпроқ эътибор бериши кераклиги таъкидладилар:

— Мен ҳошияларга ёзиб қўйган ёзувларга эътибор беринг. Худога шукур, ишингиз ниҳоясига егай деб қолибди. Илмий изланишингиз ўзбек ва қирғиз фарзандларига икки миллат тилшунослигида муҳим дастур бўлиб қолишидан ташқари унинг сиёсий ва ижтимоий аҳамияти ҳам борлигини унутманг.

Абдулҳамид Нурмонов ҳаётида яқинда яна бир қувончли воқеа бўлди. Ташаббускорлиги, ҳалоллиги, талабчанлиги ҳисобга олиниб, Республикамызда янги ташкил этилган Олий аттестация ҳайъатининг экспертиза аъзолигида сайланди.

— Республикамы олимлари олдида улкан вазифалар турибди, — дейди А. Нурмонов, — шўролар даврида яратилган барча дарсликларни қайта кўриб чиқиш, миллий маънавиятимиз, кадриятларимизни намойиш этувчи янги дарсликлар яратиш муаммоси кўтарилди. Ҳозир бу борада қилинган ишлар дастлабки изланишлар самараси, холос.

Илмий муаммоларни ижобий ҳал қилишга астойдил бел боғлаган олим олий таълимда тил таълимини тубдан яхшилашга ҳаракат қилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ унинг «Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси» (1992), «Ўзбек тили жадвалларида» (1994), «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси, синтаксис» (1995), «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси, морфология» (2001), «Тилшунослик ва табиий фанлар» (2001) каби асарлари «Ўқитувчи», «Янги аср авлоди» нашриётлари, «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг бош муҳарририяси томонидан чоп этилиб, илмий жамоатчиликнинг меҳру муҳаббатини қозонди.

Мустақиллика қадар олий мактабларнинг филология, факултетларида «Лингвистик таълимот тарихи» деган алоҳида курс ўқитилар ва курсда фақат Оврупо ва рус олимларининг тилшунослик фани равнақиға қўшган ҳиссаларигина ўрганилар эди. Истиқлол даврида «Ўзбек тилшунослиги тарихи» номли янги курс киритилди. Бу курс бўйича яратилган илк ўқув дастури ва дарслигининг муаллифи ҳам профессор А. Нурмоновдир.

Бу китоб яратилгунга қадар ўзбек тилшунослиги рус тилшунослиги таъсирида шаклланди. Илгари тилшунослик ўзбек фани тизимида йўқ эди, деган қарашларга барҳам берилди. Фаробий,

Ибн Сино, Беруний, Навоийдан тортиб Фитратга қадар юзлаб алломаларимиз жаҳон тилшунослигининг шаклланиши ва ривожига муносиб ҳисса қўшганини ҳар жиҳатдан исботлаб берди.

Президентимиз И. А. Каримов таълим тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратди: «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Унда академик лицей ва коллежлар таълим тизимининг алоҳида бўғини сифатида ажратилди. Қисқа муддат ичида турли минтақаларда академик лицей ва коллежларнинг мухташам бинолари қад ростлади. Бу масканлар замонавий техник ускуналар билан жиҳозланди. Лекин улар учун ҳали янги дастур ва дарсликлар йўқ эди.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус таълим маркази олдида ана шу эҳтиёжни қондириш муаммоси турар эди. Шунинг учун марказ қошида таълим стандартларини яратиш бўлими ташкил этилиб, янги ўқув дастурини яратиш бўйича Республика танлови эълон қилинди. Танловда академик лицейлар учун А. Нурмонов раҳбарлигидаги ижодий гуруҳ тайёрлаган дастур энг яхши қўлланма сифатида эътироф этилди ва синов дастури сифатида бир йил давомида Республика миқёсида тажриба-синов майдонларида тажрибадан ўтказилди.

Синов натижалари ижобий бўлди. Натижада А. Нурмонов раҳбарлигидаги ижодий гуруҳга шу дастур асосида янги дарслик ёзиш ва дарсликни тезда нашр этишга буюртма берилди.

Маълумки, собиқ шўролар тузуми даврида ўзбек тилининг икки жилдлик изоҳли луғати нашр этилган эди. Луғатда шўролар даврида юритилган тилшунослик сиёсати тўла ўз ифодасини топган бўлиб, Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Ўзбек тилининг кўп жилдлик изоҳли луғати»ни яратиш вазифаси белгиланди. Бу вазифа Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тил ва адабиёт институти илмий жамоасига топширилди. Лекин ҳанузгача луғатнинг бир жилди ҳам тайёрлангани йўқ. Ана шуни эътиборга олган ҳолда профессор Нурмонов раҳбарлигидаги илмий гуруҳ «Ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати»ни яратиш лойиҳасини тузиб, халқаро «Сорос» жамғармаси танловига тақдим этди.

«Сорос» жамғармасини америкалик йирик олим, халқаро Нобел мукофоти совриндори Сорос илмий ишлаб чиқаришдан топган маблағлари ҳисобига ташкил этган. Бу жамғарма дунёдаги турли хил янги илмий ихтироларни, илмий лойиҳаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ҳозирги кунда дунёнинг турли мамлакатларида ваколатхоналари бор. Жумладан, Тошкентда ҳам мустақиллик шарофати билан ваколатхонаси очилган.

Жамғарма энг яхши илмий лойиҳаларни амалга ошириш учун танлов асосида маблағ ажратади. Бир йилда битта лойиҳани 10.000 АҚШ доллари миқдоридан пул билан таъминлайди. Профессор Нурмонов раҳбарлигидаги илмий гуруҳга ҳам 1999 йилда ана шунча миқдорда маблағ берилган.

Илмий гуруҳ белгиланган муддатда луғатни ёзиб тугаллади ва «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг бош муҳарририятига чоп қилиш учун топширди.

Шуни айтиш керакки, тиниб-тинчимас олам Абдулҳамид Нурмонов ўрта мактабларда она тили таълимининг самарадорлигини ошириш бўйича ҳам қаттиқ иш олиб борапти. Ўрта мактабларнинг V—IX синфлари учун муқобил «Она тили» дарслигини яратди. Шуниндек, мустақиллик ғояларини ўзида тўла намоён этган «Баёнлар тўплами», «Диктантлар тўплами» китобларини ҳам нашр эттирди.

Профессор Нурмонов шу кунга қадар 40 дан ортиқ турли ҳажмдаги катта-кичик китоблар, тилшуносликнинг турли хил назарий муаммоларига бағишланган 100 дан ортиқ илмий-оммабоп мақолалар муаллифи ҳамдир.

Шу кунларда олим ўзбек тили таълимини замон талаби даражасига кўтариш учун янги-янги дарсликлар ёзиш, академик лицей ва коллежларга мос келадиган қатор илмий-услубий қўлланмалар яратиш иштиёқида самарали изланмоқда.

Нурмонов оиласи аъзоларининг кўпчилиги илм ва ижод кишиларидир. Турмуш ўртоғи Шарофатхон Нурмонова халқ маорифи соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилди, ҳозир фахрийлик гаштини суриб, набираларини тарбиялаш билан банд. Ўғиллари Дониёр миллий хавфсизлик тизимида хизмат қилмоқда. Қизлари Дилдорахон (Набиева) филология фанлари номзоди, Андижон тиллар педагогика институтининг доценти. У ҳозир докторлик илмий ишини якунлаш арафасида, унинг турмуш ўртоғи Дилмурод Набиев шифокор, яна бир қизлари Дилфузахон ҳам филология фанлари номзоди, Андижон Давлат университетининг доценти, унинг турмуш ўртоғи Фарҳод Орзиқулов эса физика-математика фанлари номзоди, докторлик диссертациясини ёқлаш арафасида. Келинлари Зебохон Нурмонова Андижон Давлат университети қошида очилган лицей ўқитувчиси.

Профессор Абдулҳамид Нурмонов илмий-педагогик ишлар билан қанчалар банд бўлишига қарамасдан жамоатчилик ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. У 1990 йилдан буён Андижон вилояти ҳокимлиги қошидаги «Давлат тили ҳақидаги қонун» ижросини назорат қилиш ҳайъати раисининг муовинидир.

Мустақиллик ғояларини халқ орасида мунтазам тарғиб қилгани учун «Шухрат» медали билан мукофотланди.

Биз мустақиллик қаҳрамонларидан бири бўлмиш олимлар олими, атоқли профессор Абдулҳамид Нурмонов ва унинг оила аъзоларига мустаҳкам соғлиқ, омонлик, илмий ва ижодий ишларида омадлар тилаймиз.

МАНГУ ОЙДИН ЙЎЛ

Буюк мақсадларга эришишимиз, жамият янгиланиши, тараққиёт ва истиқбол, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг тақдири, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқдир.

Чунончи, мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислох қилиш мақсадида «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Бу қонун фуқароларга таълим-тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар, замонавий маданият, фан-техника ва технология ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш мақсадида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Буларнинг барчаси таълим-тарбия иши давлат сиёсатининг устивор йўналиши эканлигини ифодалайди.

Вилоятимиз ўрта махсус ўқув юртлари жамоалари ўз фаолиятини таълим ва маънавий-маърифий ишларни яхшилаш, юқорида эслатилган тарихий ҳужжатларда белгиланган тадбирларни амалга оширишга қаратиб, яхшигина натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Ҳар йили ўрта махсус ўқув юртларининг кундузга ва сиртқи бўлимларини минглаб ёшлар муваффақиятли битказиб, халқ хўжалиги тармоқларида меҳнат қилишга йўлланма олмақдалар. Бу ўғил-қизларга 39 мутахассислик бўйича 600 га яқин педагог таълим-тарбия берапти. Шулардан 85 нафари олий, 200 га яқини биринчи, 87 нафари иккинчи тоифали бўлиб, улар сафида битта фан доктори, профессор, 20 нафар фан номзоди бор. Бу кўрсаткичлар йилдан-йилган яхшиланиб борапти.

Шуларга қарамасдан, ўқув юртлари фаолиятида ҳали камчиликлар, ечимини қутаётган муаммолар ҳам етарли. Булар таълимда сифатга, самарадорликка керагича эътироф берилмаётганлигида кўзга ташланади.

Педагогик жамоалар мавжуд нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирларини бирин-кетин ишлаб чиқмоқдалар. Таълим-тарбиявий жараёнда, директор ўринбосарлари, бўлим мудирлари, услубчилар фаолиятининг самарадорли бўлишини таъминлашда, ўқитувчилар ва бошқа ходимларнинг ўз ишлари якунига масъулиятини оширишда ички назоратнинг фойдаси сезиларли бўлаётир.

Педагогика билим юрти, қурилиш коллежи, автомобил йўл техникумларида ташкил қилинган ички назорат инспекцияси таълим-тарбия жараёни ва мутахассислар тайёрлаш сифатида ўрганиб, ўқув юртининг иш жараёнини такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ички назорат инспекцияси аъзолари дарсларни тез-тез кузатиб ва таҳлил қилиб, самарадорлик ошишига туртки беришяпти. Урганч қурилиш коллежи мисолида шунини айтиш мумкинки, илм масканида 60 дан зиёд малакали ўқитувчи хизмат қилади, ўнга яқин фан номзоди, кўплаб доцентлар бўлиб, атиги бир ўқув йили давомида улар томонидан бир юз йигирмадан кўпроқ услубий қўлланма, рефератлар тайёрланди. Кўплаб кўргазмали очиқ дарслар уюштирилди. Қатор гуруҳларда юзлаб назорат ишлари ўтказилиб ўқув-тарбия ишларида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф қилиш тадбирлари белгиланди.

Автомобил-йўл техникумининг махсус фан ўқитувчилари Э. Матёкубов, З. Хўжаева, М. Рўзматовлар эса ўқувчиларнинг назарий билимларини амалиётда қўллаш мақсадида экскаватор, Урганч таъмир, кормашав заводларида, Урганч такси-мотор саройи, Хоразт автомобилларни таъмирлаш заводи, вилоят иқтисод ва статистика бошқармасида амалиёт машғулотлари ўтказмоқдалар. Шу жумладан, гуруҳларнинг барида элликка яқин компьютерлаштирилган назорат ишлари бажарилиб, таҳлил қилинган.

Дастлабки пайтларда айрим ўқув юртлари раҳбарлари ўқув жараёни сифатини назорат қилиш, дарсларни ўзаро кузатиб, биргаликда таҳлил қилиш, ёзма ва оғзаки назорат ишлари ўтказиш, айрим дарсларни махсус ташкилот ва корхоналарда уюштириш, ўқитувчилар ёзган услубий қўлланма, реферат, маърузаларни муҳокама қилиш, яхшиларини таълим-тарбия соҳасида қўллашни тавсия қилишга эътиборсиз қарагани ҳоллар ҳам бўлди. Бироқ ички назорат инспекциясининг фаоллиги натижасида бундай камчиликлар ҳамда юқоридан бошқарувнинг ижобий таъсири натижасида бундай камчиликлар ўз вақтида бартараф этилди.

Жумладан, Хива агробизнес коллежи жамоаси «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ эта бориб, талабаларга пухта билим бериш, миллий истиқлол мафқураси асосида уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш бўйича яхши тадбирларни амалга оширмоқда. Илм даргоҳида фан хоналари ва лабораториялар қайта жиҳозланди. Янгидан агрономия, қишлоқ хўжалик энергетикаси ва автоматлаштириш бўлимлари очилди, биоло-

боратория ишга туширилди. Шу тумандаги тиббиёт билим юртида компьютер хонаси ташкил қилинди ва кичик тикувчилик корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Ҳозирги кунда янги педагогик технологиялар вужудга келмоқда, касб-ҳунар таълими стандартларнинг тажрибавий режа ва дастурлари, тажриба-синов, ўқув муассасалари фаолиятини ўзаро ўрганиш ва фикр-мулоҳазалар алмашиш учун услубий ёрдам кўрсатиш диққат марказида турибди.

Билим юртларида фидокорона меҳнат қилиб, ёшлар қалбида эзгулик уруғини сочиб, илм машғалини ёқаётган И. Ҳажиев (курулиш коллежи). З. Хўжаева (автомобил-йўл техникуми), М. Матқулиев (банк коллежи). З. Отажонов (муסיқа билим юрти), Қ. Ботирова (гидро-мелиорация техникуми), С. Отамуродова (педбилим юрти), Қ. Муллаев (Хазорасп тиббиёт билим юрти) каби мураббий-устозлар билан фахрланамиз.

Ҳар бир илм даргоҳида фаолият кўрсатаётган фан туркум-услубий кенгашларида бунёдкор (новатор) педагоглар тажрибасини кенг ёйиш, педагогик ўқишлар, очиқ дарс, очиқ тарбия соатлари уюштириб, дарсларни ўзаро таҳлил қилиш, ички назоратларда компьютерлардан фойдаланиш, зарур бўлганда ўқув режа ва дастурларига замон талаблари бўйича ўзгартишлар киритиш, «Кувноқлар ва зукколар» мавзусида кўрик-танловлар, фанлар бўйича олимпиадалар, ижодий-бадий, техник кўргазмалар, «Йилнинг яхши ўқитувчиси» кўрик-танловларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган.

Хива педагогика билим юрти қошида иқтидорли ёшлар учун педагогик лицей-интернат ишлай бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Бироқ шу даргоҳни битказиб чиқаётган давлат имтиҳонларида юксак билимларини намойиш этиб, иқтидорли ёшлар эканликларини тасдиқладилар.

Республика таълим марказида бўлиб ўтган педагогика билим юртлари қизларининг «Қизлар мустақил ҳаёт бўсағасида» мавзусидаги кўрик-танловида Хива педбилим юртининг ўқувчиси голиб деб топilib, Халқ таълими вазирлигининг биринчи даражали «Етук мутахассис» дипломи билан тақдирланди.

Шунингдек, ўзбек халқ чолғучилари ва пианиночиларининг Наманган шаҳрида ўтказилган 14-Республика кўрик-танловида қатнашган муסיқа билим юртининг икки нафар талабаси биринчи ўринни эгаллаб, Маданият ишлари вазирлигининг пул мукофоти ва дипломи билан тақдирланди ҳамда кўрик-танлов учун таъсис этилган «Умид» мукофоти лауреати бўлди.

Урганч муסיқа билим юртини битказган, Японияда ўтказилган пианиночиларнинг халқаро кўрик-танлови иштирокчиси Б. Мусаев ҳозирги кунда АҚШ консерваториясида таҳсил олмақда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Вилоятимизда таълим-тарбия ишларининг аҳволи билан танишган Республика Вазирлар Маҳкамаси вакиллари ўқувчиларимиз истиқомат қилаётган ётоқхоналарни ҳам назоратдан кечирдилар. Улар айниқса, Хива педагогика ва тиббиёт билим юртлари ётоқхоналарида талабалар учун намунали шарт-шароитлар яратиб берилганлигининг гувоҳи бўлдилар.

Тарбиячилар бошчилигида ётоқхона кенгашлари маънавият ва маърифат марказларида қизиқарли мавзуларда хилма-хил маърузалар уюштирилиб, давра суҳбатлари, спорт мусобақалари ўтказилиб борилади. Олимлар, суд-прокуратура, ички ишлар идоралари ходимлари иштирокида ўқувчилар ўртасида қонунбузарлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ҳолатларига барҳам бериш ҳақида савол-жавоб кечалари ташкил қилиб бориш одат тусига айланган.


Автомобил йўл техникуми, Хива агробизнес коллежи, педбилим юрти, Хазорасп ва Хива тиббиёт билим юртларида Президент И. А. Каримовнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» мавзусидаги маърузаси бўйича дин арбоблари, уруш ва меҳнат ветеранлари иштирокида талабалар билан савол-жавоб кечалари уюштирилди. Севимли ёзувчилардан А. Орипов, О. Ёқубов, Ў. Ҳошимов, О. Мухтор, Э. Самандар асарлари ҳақида мунозаралар ўтказилмоқда. Шоира Турсуной Содиқова, истеъдодли шоир ва таржимон Матназар Абдулҳакимов, драматург Комил Аваз билан ўтказилган учрашувлар ёшларда чуқур таассурот қолдирди.

Президентимиз И. Каримовнинг «Келажақда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим» деган сўзлари тўғридан-тўғри биз ўқитувчи, мураббийларга қаратилганини асло унутмаслигимиз керак.

Мамлакатимиз шуҳратини юксакларга кўтарувчи ёшларни тарбиялашни бош мақсад қилиб қўйган Хоразм вилояти ўрта махсус ўқув юртлари жамоалари муқаддас вазифаларни шараф билан бажариш йўлида фидокорона меҳнат қиляптиларки, бу уларнинг Ватанимиз ёрқин келажагини таъминлашга қўшган салмоқли ҳиссасидир.

Эгамберган Каримов,

**Урганч шаҳар автомобил-йўл техникуми
директори, Хоразм вилояти ўрта махсус
ўқув юртлари директорлар кенгаши раиси,
«Олий ва ўрта махсус таълим фидойиси»
нишони совриндори**



«БОЗОР» РОМАНИ ҲАҚИДА ЯНА БИР ГАП

Кейинги давр насрида, хусусан, романларида шаклий янгиланиш билан бир қаторда бадиий гоёни тасвирлаш услуби ҳам янгича поэтик қиёфада кўрина бошлади.

Жумладан, Омон Мухтор, Шукур Холмирзаев, Хуршид Дўстмуҳаммад каби ёзувчиларнинг сўнги ўн йил ичида яратган асарлари ҳажман кичик бўлса-да, фалсафий мушоҳадаларга бойлиги ва теран миллий руҳ билан суғорилганлиги боис ўқувчининг эътиборини тортмоқда. Ҳозирги адабий жараённинг ўзига хослигини белгилловчи ана шундай поэтик янгиланиш эпкинининг бугунги насримиздаги кўринишлари адабиётшунослиқда ҳам анча баҳсу мунозараларнинг туғилишига асос бўлмоқда.

Хусусан, филология фанлари доктори, профессор Санжар Содиқ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2000 йил 8 декабр сонидан чиққан мақоласида истеъдодли адиб Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Бозор» романи ҳақида анча қизиқарли фикрларни ўртага ташлади. Адабиётшунос олим «Бозор» романида бозор тимсоли инсон ҳаётининг рамзи сифатида намоён бўлади», деган ҳақ гапни айтган. Демак, романнинг номи рамзийликдан иборат экан, биз ҳам асарни рамзийлик нуқтаи назаридан кузатайлик, Ёзувчи ўзига хос маҳорат билан ҳаёт ҳақидаги фалсафий қарашларини чиройли бадиий тимсоллар пардасига ўраган ҳолда тасвирлашга интилган.

Асар шундай бошланади:

«— Қани, кеп қолинг, асалдан оп қолинг!

— Асал бўлса сотармидинг, анойи?!

— Бешик борми, бешик?!

— Сумаги қолди, опоқи, сумаги!..

— Тери борми, тери?

— Тўйга қалампир ола кетинг!»

Маълумки, инсон дунёга келиши биланоқ ҳаётдан, нимадир олишга интилади, умр бўйи нималарнидир излаш билан машғул бўлади. Бу ёруғ дунё ўзининг азалий ҳикматлари билан бамисоли бозорга ўхшайди. Шу боис адиб «Асал бўлса сотармидинг, анойи?» деган биргина жумла орқали муҳим фалсафий қарашни, яъни, «ҳаётнинг ўзи аччиқ қисмат-ку, агар у ширин бўлганида сотармидинг?» деган мушоҳадани асарга олиб қиряпти. «Сумак» олиб кетишга ундаш келажакка ишончининг рамзий ифодаси бўлса, «тери» детали эса, бу дунёдаги юзсиз ва беҳаё кимсаларга, одамлар ўртасидаги ҳаё пардаси кўтарилганлигига ишорадир. Бизнингча, тўйга олинадиган қалампир руҳан бир-бирига яқин бўлмаган кишиларнинг аччиқ қисматиға нисбатан қўлланилган тимсолдир.

Романнинг асосий қахрамони Фозилбек идеал шахс. У ичмайди, чекмайди, фаҳш ишларга қўл урмайди. Ҳаётни ва одамларни зимдан кузатади. Атрофида содир бўлаётган воқеаларга муносабат билдиришга, ўз фикрини баён қилиш ва бирор ишга қўл уришга шошилмайди. У ҳамиша одамлар орасида бўлса-да, одамлардан, жамиятдан узилгандек кун кечиради. Кундалик юмуши бозор кезишдан иборат. Китобхон романини ўқиб тугатадимики, Фозилбек нима касб билан машғул бўлганлигини билолмайди. Асарда тасвирланган воқеалар Фозилбекнинг ҳаёлида кечади ёки бевосита унинг гувоҳлигида содир бўлади. Фозилбек ўзининг туғилишини эслаб қийналади. Ўзи туғилганида вафот этган онасининг ўлимига ўзини гуноҳкор деб билади. Шу сабаб қалбида дунёга келишидан норозилик ва гуноҳкорлик ҳисси жўш уриб, уни бетиним таъқиб қилиб юради.

Асар бошидан охиригача Фозилбекнинг уйланиши билан боғлиқ муаммоларга алоқадор воқеалар тафсилотидан иборат. Ёзувчининг мақсади эса, икки ёшни қовуштириш эмас, балки икки киши жисмидаги руҳни бирлаштиришга қаратилган.

Романда Фозилбек учун унинг онаси, опаи ва янгаси томонидан изланган муносиб-хоннинг топилиши ижтимоий муаммо даражасига кўтарилди.

Бу муаммо бизнингча, қуйидагиларда кўринади: биринчидан, Фозилбек ўзгаларнинг тавсияси билан уйланишни хоҳламайди. У ўзи уйланмоқчи бўлган қизни чин қалбдан севиши ва руҳан яқин бўлиши кераклигини ҳис этади. Шу боис, ҳаётни кузатар экан, ўз истакларига жавоб ҳам топади. Бу жавоб Фозилбек наздида катта фожеаларга олиб келади. Асарда келтирилган фожеалар Фозилбек образи орқали ёзувчи фикрини исботлашга хизмат қилади. Жумладан, Инъомали ҳам, унинг онаси ҳам отасидан нафратланишади. Ҳатто унинг ўлимидан қувонишади ҳам. Тақдирнинг ўйинини қарангли, оила қуриб узок йиллар биргаликда яшаган, фарзанд кўрган эр-хотин ўртасида ўзаро меҳр-муҳаббат йўқ, шунинг учун ҳам у эрининг ўз ҳаётидаги, тақдирдаги, руҳиятидаги ўрнини ҳис этолмайди. Ёки бўлмаса, Фозилбекнинг опаи Замирани олиб кўрайлик. У ота-онанинг райига қараб турмуш қурган. Эр ўз хотинига кўнгилсиз бўлса-да, ўртадаги тўрт фарзандни ўйлаб яшайверади. Гарчи ана шу фарзандларини деб ўзи кўнгил қўймаган хотин билан умргузаронлик қилсада, хотинини тинимсиз калтаклайди ва ичкиликка ружу кўяди. Умрининг охирида ўз уйдан бош олиб кетади, орадан етти йил ўтгандан сўнг ўлиги топилади. Хотини унинг иззатини қилиб кўмади, эл қатори ош-сувини бериб, маъракаларини ўткази. Бу удумларнинг барчаси эрига бўлган ҳурмат-эътибор туфайли, яъни, чин кўнгилдан эмас, балки эл-юртнинг назари учун бажарилади, холос. Бу дунёга келиб, ёр бўлиб, фарзанд кўрса-да, лекин умр йўлдошидан меҳр кўрмай бир умр армонда ўтган кўнгилнинг фожеаларини адиб ишонарли қилиб тасвирлаган. Фозилбек ҳам мана шундай кўнгилсизлик туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган фожеадан чўчиб юради. Лекин асарни ўқиш мобайнида унинг уйланишга қарор қилганлиги нақадар сохта чиққанлигининг гувоҳи бўламиз. Асарда тасвирланишича, Фозилбек бўлажак умр йўлдошини бир кўришдаёқ ёқтириб қолади. Бу ҳаётда бўлиши мумкин бўлган ҳодиса. Аммо асар қаҳрамонининг мулоҳазакор ва эҳтиёткорлигини ҳам унутмаслик керак. У ўз феълига зид равишда Қадриянинг сутга чайилгандек оппоқ юзига маҳлиё бўлиб қолади. Бир-икки бор суҳбатлашгандан сўнг эса, уйланишга қарор қилади. Қизга ҳали муҳаббат изҳор қилмай, унинг розилигини олмай туриб тўй ҳақида гапирди. Яна унинг ўтмишида қандайдир сир борлигини ҳам сезади-ю, аммо у билан қизиқмайди. Қизнинг ота-онаси, яшаш жойи билан эмас, балки ишлайдиган жойи, яъни, қироатхона тақдири билан қизиқади.

Ёзувчи Фозилбекни фозиллик, донолик ва зукколикнинг тимсоли қилиб яратар экан, унинг жуфти ҳалолини маърифат ва қадриятнинг, инсон қадр-қимматининг бадий тимсоли сифатида гавдалантиради. Бу қадимий ва барқарор туйғуларни бамисоли инсонлар сувратига жойлаб, ҳаёт дея аталмиш бозорга, яъни, одамлар орасига киритади. Қизнинг номи Қадрия эканлиги, унинг ўтмишида қандайдир бир сир борлигига ишора қилинишида ҳам катта маъно бор. Бизнингча, адиб бу ўринда халқимизнинг яқин тарихидаги кечмишлари, яъни, шўро давридаги мафкуравий қуллик кўланкаси бизнинг асрий қадриятларимиз ва миллий тарихимизга соя солиб турганлиги, маданиятимиз ва маънавиятимизга нисбатан ноодилона муносабатда бўлинганлигига ишора қилган. Ёзувчи буни миллат қалбидаги оғриқли нуқта сифатида тасвирлаган.

Романда Фозилбек ва Қадриянинг оила қуришига хайрихоҳ бўлган бозорбоши Қосимбек образининг яратилиши ҳам адиб бадий ниятининг янада тўлақонли чиқишига хизмат қилади. Қосимбек аслида бозорни бошқариши, ҳар куни одамлар орасида бўлиши керак эди. Бироқ у уйига қамалиб олади-да, ҳеч ким билан суҳбатлашмайди. Ўз хаёллари ва ўз дарду дунёси билан банд бўлган бу одам, аслида, ҳеч ким билан гаплашишни истамайди. Чунки у бозордаги одамлардан безиган, одамларнинг маънавий бузилишидан, ўзаро қадр-қиммат, инсоф ва диёнат йўқолганлигидан қайғуга ботган бозорбоши ўз ҳасратлари оғушида хонанишин бўлиб қолган эди. Қадрия билан Фозилбекнинг топилиши эса рамзий маънода ҳаётдаги адолат, инсоф, ҳалоллик, маърифатнинг давомийлигига, эзгу-туйғуларнинг умри-боқийлигига ишоради. Шу боисдан ҳам буларнинг топилишидан бозорбошининг кўнгли бир оз таскин топади.

Хуршид Дўстмуҳаммад романда яна бир одамни тасвирлар экан, исм замирига жо этилган рамзий маънони маҳорат билан ифодалайди. Бу Фозилбекнинг жиёни, Диёрбекнинг ўгли Аёнбек образидир. Аёнбек асарда фақат бир вазифани бажаради. Яъни, ҳар куни бобосини сўраб келувчи кишини кўради. Бобосини сўраб келувчи бу киши Аёнбекдан бошқа ҳеч кимга кўринмайди. Бу ҳолатдан оила аъзолари ҳам сирли равишда қайғуга чўмиб, саросимага тушишади. Асар охирида эса, эндигина оёққа туриб, йўлакка чиққан

Қосимбек ўша кишига дуч келади ва бозорбоши рўпарасида турган кишининг сўзсиз нигоҳидан умри поёнига етганлигини англайди. Бу тасвир бозорбошининг фоний дунёдан боқий оламга сафар қилишига бир ишора эканлиги ана шундан кейингина ўқувчига аён бўлади.

Ёзувчи яратган «Вон Суу» образи эса, неча-неча асрлардан буён авлоддан-авлодга ўтиб келаётган эзгулик ва меҳр-муҳаббатнинг давомийлигини таъминлашга ҳаракат қилувчи аёл образидир. Кампир фақат Фозилбек ва Қадрияга кўринади, холос, бозордаги одамлар эса уни йўқолиб қолди деб ўйлаб, хавотирга тушишади ва излаб юрадилар. Биз эса, уни бозордаги, яъни, ҳаётдаги барқарор туйғулар рамзи деб биламиз. Адиб одамларнинг фозил ва доно, маърифатли, ўз қадр-қимматини биладиган инсонлар бўлиши билан бирга, ўзаро меҳр-муҳаббатли, садоқатли бўлишларини ҳам истайди. Инсоннинг мукамал бўлмаслигини инобатга олган адиб «Вон Суу» образида салбий ва ижобий фазилатларни жамлайди. Бу ўз навбатида, ҳаётда эзгулик ва ёвузлик, муҳаббат ва нафрат, ишонч ва рашк уйғунлигига ишорадир.

Ҳаётий ҳақиқатни қисқа тасвирларда бера олганлиги адибнинг бадиий тафаккур кўлами кенглигидан далолат беради. Асарда шундай тасвир бор: «Саъдулла ҳам, Қадамбой ҳам, Бердибой ҳам шоирлик дов-дастгоҳини йиғиштириб ўзини бозорга урди... Олимжонни айтмайсанми? Нима, бу умрлар эссиз эмасми?... Эмин шоир бозор билан беллашаман деганда, нақ белини синдиришди... Ҳай, менга қаранг, аҳли қаламга бозор билан, қаранглар, мана шу кутурган бозор ва бозорда учрайдиган тимсоҳу аждаҳолар билан олишишни ким қўйибди?»


Ёзувчи ижод аҳлига мансуб айрим кишиларнинг бозор иқтисоди туфайли тирикчилик қўйида бозорга чиқиб кетганлигига ишора қилиш билан бирга, бу тоифа одамларнинг ниҳоятда ишонувчан, ғоят самимий, ҳаёлпараст инсонлар бўлишини таъкидлайди. Қолаверса, бозорга чиққан ижодкор солиқ ходимлари, паттачию савдо аҳли билан ўзига хос муомала қилади. Яна бир ўринда адиб шундай деб ёзади: «Зериккан-зерикканимда анави тахмоннинг пардасини кўтараман, сандиқнинг устида гоҳ эркак, гоҳ бирорта аёл пайдо бўлади, беармон гапиради, десанг. Тунов куни биттаси чиқиб, ярим кун қопқон ясашни ўргатди.»

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ёзувчи телевидение ва радио орқали бериладиган айрим кўрсатув ва эшиттиришлар ақл ўргатиш йўлига ўтиб олганлигига ишора қилмоқда. Шу билан бирга бугунги кун кишининг тафаккурини, дунёқарашини, яшаш тарзини турли-туман усуллар орқали онгимизга сингдириш муаммолари ҳақида сўз юритаётгандек бўлади.

Асарда бундай фикрлар реаллик ва рамзийликнинг қоришиқ ҳолда уйғунлашуви натижасида рўёбга чиққан. Кўпгина мулоҳазалар, ҳаёт ва инсон тақдирининг баъзи бир жожеий кўринишлари бир жумла ёки бир чизги орқали маҳорат билан кўрсатилган бўлса-да, салмоқли мазмун касб этган.

Роман бошидан-охиригача бозор, яъни, ҳаёт ва инсон тақдирини кузатиш асносидаги тасвирлар билан йўғрилган бўлиб, унда руҳий таҳлил ва туйғулар тасвири бир меъёрда чизилган ва адиб бадиий нияти ўз ечимини топган. Бу, албатта, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ўзига хос бадиий услуби ва маҳоратининг янги қиррасидир.

Шоира Дониёрова,
филология фанлари номзоди.



Садриддин Салим Бухорий

УСТОД ШАРИФ НУРХОН ҲИКМАТИ

Устод Шариф Нурхон камтар, камсуқум, хоксор эдилар.

У кишининг қўлларидан тупроқ ҳиди, вужудларидан гулу боғ ҳиди анқирди. Чехрала-ридан нур ёғиларди.

Шариф Нурхон ёшга ҳам, кексага ҳам аввал салом берар, чуқур-чуқур ҳол-аҳвол сўрардилар. Шариф Нурхоннинг кўзларида ҳаё бор эди. Шу боис, каттага ҳам, кичикка ҳам йўл берар, тавозеъ этардилар. Озор берганларга ҳам озор бермас, у кишининг кўнглини қолдирганлар ҳақиқа ҳам дуойи хайр этардилар.

Бундай кишиларни одамлар одатда писанд қилмас, бир пулга ҳам олмайди.

Лекин мени хайратлантирадиган нарса шу эдики, ёшу кекса Шариф Нурхонни яхши кўрар, қайси касб эгаси бўлишидан қатъий назар Шариф Нурхон билан таниш эканлигидан фахрланарди ва, албатта, шоирни тўй тантанасига таклиф қиларди. Шариф Нурхонни сидқидилдан эъзозларди.

Ажабо, на мансаб, на унвон, на савлати бор бу одамни нега кишилар бошига кўтарарди?! Ваҳоланки, савлату давлатли, мансабу унвонлиларнинг кўпи атрофдагилар эътиборини қозонмоқ, ҳурматиға сазовор бўлмоқни орзу қилар, лекин унга эришолмай доғда қоларди.

*Кекса бўйдоқ боғ кезарди юз таманноси билан,
Мақсади бир қизни олиш молу ашёси билан.*

*Беибо шум кўзларию сохта тишларни кўриб,
Қизлар унга боқмас эрди сидқи ихлоси билан.*

*Учрашиб бир нозанинга, ўзини хўп мақтади,
Тўхтатиб юз минг тавалло кўзаю тоси билан.*

*Ўқиди мужмал хатини нозланиб, жилпангганиб,
Қизга сўнгра берди адрес, қийшиқ имзоси билан.*

*Бир замон боқсам парининг қўлидан маҳкам тутиб,
Лабларига чўзди лабни оғзида носи билан.*

*Қиз қўли бирдан шарақлаб беҳаёга тегдию,
«Беш баҳо» ёзди юзига, ҳулқу иншоси билан.*

*Тарсаки зарби ўжарни гангитиб қилди ювош,
Довдираб бурнини артди қўли ифлоси билан.*

*Юпатиб секин Шарифий кекса бўйлоққа деди:
«Хар киши учрашса яхши ўзининг моси билан.»*

Бундан ярим аср олдин ёзилган шеърда замонавий руҳ ҳукмрон. Дарҳақиқат одам қарийди, лекин шеър қаримас экан.

*Чумчуқ ўсиб семирса ҳам ғоз бўлмайди,
Сув юзида юз юрсанг ҳам из бўлмайди.*

*Минг йил яшаб яйрасанг ҳам олам аро,
Ёшлигингдек лаззатга бой кез бўлмайдир.*

*Яхшиларнинг юрагида ғараз бўлмас,
Куёшни кўр, кучогида муз бўлмайдир.*

*Марду доно сахийларда фазилат бор,
Ғийбатчининг сўзларида туз бўлмайдир.*

*Парваришлаб кексани ёш қилолмайсан,
Кампирга минг безак тақсанг қиз бўлмайдир.*

*Кел, Шарифий, хизмат қилиб, раҳмат олгин,
Раҳмат деган гапдан улуг сўз бўлмайдир.*

Ҳар бир байтда ҳикмат жо қилинган. Шеърнинг тўқув дастгоҳи йўқ. Шеърни тўқиб бўлмайди. Шеър туғилади. Тўқилган шеър вақт ўтиши билан ўлади, йўқолади. Лекин туғилган шеърнинг умри абадий экан.

*Мен ўлсам, халқ келар юртнинг яқину ҳам йироғидан,
Чалинг соз, ўчмасин кулги қадрдонлар дудоғидан...*

*Васият шу, кўзим юмсам, ёронлар тутмангиз мотам,
Қазинг қабрим мозорнинг эл босиб ўтгувчи ёғидан.*

*Кўриб қабрим ошналар десинлар, бу эди боғбон,
Гул ҳидлаб, мева еганмиз, гулистон бирла боғидан.*

*Оёқ остида кўкарсин соқолим сабза райҳондек,
У йўлни текис айланглар танимнинг тупроғидан.*

*Сизга хизматни оз қилган, Шарифийман, кечиринг деб,
Лабим тупроқлари ўпар қадрдонлар оёғидан...*

Ушбу байтларни қайта-қайта ўқийман, қайта-қайта ҳайратланаман. Нақадар оддий, нақадар гўзал, нақадар табиий, нақадар буюк!.. Бу газални фақат Шариф Нурхонгина ёзишлари мумкин. Бундай мисрларни боғбон шоиргина бита олади. Дарвоқе, Шариф Нурхон саховатли боғбон ҳам эдилар. Минглаб, юз минглаб кўчатлар ўстирган боғбон эдилар.

Севимли ўзбек шоири Омон Мухтор устод Шариф Нурхонга бағишлаб ажойиб бир шеър ёзганлар.

Устод Шариф Нурхон шеърларини республика матбуотида эълон қилдиришда Ўзбекистон халқ ёзувчилари Неъмат Аминов, Шукур Холмирзаевлар беминнат хизмат қилганлар.

«Шоирлар заковати ва кувваи ҳофизаси ҳақида гап кетганда, бир неча йил муқаддам юз берган воқеа эсимга тушади. Бухоро педагогика институти (ҳозирги университет)нинг мажлислар зали. Ҳамма оёққа туриб, Бухорои шарифнинг ўзидек улуг ва мўътабар меҳмони — Ойбек домлани олқишламоқда. Ҳамма атоқли ёзувчининг кўркам қиёфасини бир умр ўз хотирасида олиб қолишга ҳаракат қиларди. Ҳорғин ва бир оз касалманд домла лабларида табассум билан кўзларига ёш олиб ўз китобхонларига таъзим қилар, қўлларини жуфтлаштириб боши узра кўтармоқчи бўларди. Институт доцентларидан бири адибнинг ҳаёти ва ижодий йўли ҳақида доклад қилди, студентлар Ойбек шеърларидан намуналар ўқидилар... Худди шу пайт, тасодифан электр чироғи ўчиб қолди... Жуда ноқулай аҳволда қолдик. Шунда кечани бошқараётган киши ҳаммани тартибга чақирди ва: «Ҳозир сўз боғбон шоиримиз Шариф Нурхонга!» деди. Қоронғу залда чала-ярим чапак чалинди. Кўп ўтмай минбар томондан мулойим, самимий бир овоз янгради:

— Ассалому алайкум, биродарлар. Ҳозир мен сизларга «Устоз Ойбекка» деган шеъримни ўқиб бераман.

Шеър жуда раван оқарди. Унинг ҳаққоний сўзлари, дилбар оҳанги қоронғуда бўлса ҳам ўз тингловчилари қалбини топиб борар, уларга ажиб бир кайфият бахш этарди. Отахон шоир қоронғуда салкам қирқ минут шеър ўқиди. У баъзан камтарлик қилиб; «Бўлди, акун, биродарлар!» деса, одамлар; «Чироқ ёнганча ўқийверинг!» дейишар, лекин уларнинг дилида: «Ойбек домла зерикмадилармикин?» деган андиша ҳам бор эди. Ниҳоят, «лип» этиб чироқ ёнди. Йўқ, ҳайрият, Ойбек домла кенг елкаларини силкитиб кулар, йирик-йирик кўзлари мамнун чарақлар, юзларида ҳорғинликдан асар ҳам йўқ, кўплар қатори

боғбон шоирни олқишлар эдилар. Бир пайт, у киши микрофонга интилдилар. Дарҳол микрофон тутилди.

— Яхши!.. Яхши!.. Дарё... Дарё! — дедилар.

Залда гулдурас қарсак янгради. Шариф Нурхон Ойбек домланинг таклифлари билан у кишининг ёнларига келиб ўтирди. Эшик ёнида чапак чалиб турган қоровул чол ёнидагиларга эшиттириб. — Э, ёдинга бахайр, Шариф Нурхон, — деди қойил қолиб. — Сенга Ойбек назари тушди-я! Ҳақиқатан ҳам дарёйи азим экансан!»

Ушбу сатрлар Неъмат Аминов ва Жамол Камол қаламларига мансуб. Шариф Нурхоннинг «Яхшидан шарофат» номли илк шеърий китоблари Фафур Фулом нашриётида 1980 йилда чоп этилди. «Яхшидан шарофат»даги сўзбошида юқоридаги воқеа баён қилинган эди. Шоирнинг илк тўплами чиқди, лекин... Шариф Нурхон ўзларининг илк тўпламларини кўролмаб бу фоний дунёдан боқий оламга рихлат қилдилар...

*Дер эдим етти ёшимда: ниҳол экай қатор бўлсин,
Ниҳолга баҳра бермоққа дилим ҳам навбахор бўлсин.*

*Ёшим ўн бирга етганда шу орзумга эришдим мен,
Деди дўстлар: улуғ касбинг муборак, барқарор бўлсин.*

*Агар ўлсам таним хоки нисор бўлсин ниҳолларга,
Юрак-бағримдаги оташ беҳи, олма, анор бўлсин.*

*Ховучимда данак олиб ўлай, кўминг, ниҳол унсин,
Шарифийнинг мозори ҳам беҳишти мевазор бўлсин.*

Шариф Нурхон етти яшарлиқдан етмиш яшарликкача ёзган шеърларини ёддан биларди. У киши Яссавий, Навоий, Ҳофиз, Мирзо Бедил, Машраб, Мухлис, Румий, Оғаҳий, Фитрат ва бошқа алломаларнинг минглаб байтларини ёддан айта оларди. Шариф Нурхоннинг қалбларида бу ноёб гавҳарлар муҳрланганди гўё. Нега? Чунки у қалбда таъма, ҳасад, ғийбат, шухратпарастлик, кек йўқ эди. Қай қалбда ушбу иллат — ахлатлар бўлса, ундан шеър гавҳари жой ололмайди. Шеърят, бу — поклик демак. Поклик ифлос жойдан қочади, ҳазар қилади.

Устод Шариф Нурхоннинг қалблари пок эди. Шу боис, у қалб хазинага айланган.

Шариф Нурхон ўз қишлоқларидан Бухоро шаҳрига келганларида, албатта, Сафо Махсум ёки темирчи дўсти Аминбобо уйларига меҳмон бўлар ва уларга шеър ўқиб берардилар. Уста Аминбобо: «Шариф Нурхоннинг кўп шеъри дилининг тубидан чиқади, гаплари эса тилининг учидан. Шунинг учун ҳам шеърида ёлғон кам. Лекин тили замонасозликка ўрганган. Бечорани кўп ари чаққанга ўхшайди, кўзига оддий капалак ҳам ари бўлиб кўрилади. Илон чаққанни аргамчидан хавотири бўлади...» — дер эдилар. Шариф Нурхонни собиқ иттифоқ даврида нафақат арилар, балки илону аждарҳолар ҳам чаққан. У киши тухмат туфайли қамалиб чиққанди. Лекин ўзлари бу ҳақда ҳеч вақт гапирмас, ҳеч қачон ҳаётидан, тақдиридан нолимасдилар.

Давлат арбоби Шароф Рашидов хизмат сафари билан Бухорога келганда, албатта, Шариф Нурхонни сўроқлар эдилар. Вилоят раҳбарлари зудлик билан шоирни топиб, у кишига бўйинбоғ тақар ва Шароф Рашидовга рўбарў қиларди.

Шароф Рашидов шоирни машинанинг олдинги ўриндиғига ўтқазиб, соатлаб суҳбат этар, шеър тинглар ва маънавий завқ олардилар.

Шароф Рашидов кетганларидан сўнг эса, вилоят раҳбарлари шоир Шариф Нурхонни машинадан туширарди ва унутарди. Шариф Нурхон пойи пиёда шаҳардан ўз қишлоқлари томон равона бўлардилар. Дарвоқе, йўлда Шариф Нурхонни кўрган таксичими ёки юк ташувчи машина эгасими дарҳол машинасини тўхтатиб, шоирни миндирар ва то уйлари-гача элтиб кўярди. Йўл давомида эса, шоирдан шеър тинглар, файзиёб бўлиб, шоирдан пул олмас, балки дуо оларди.

Шариф Нурхонни писанд қилмаганлар хор бўлди. У кишининг дуосини олганлар эса кўкарди. Фулом Шомурод, Самандар Воҳид, Тошпўлат Аҳмад, Абдужалил Халилов, Самад Азимов, Саид Равшан, Бахшулла Ражаб, Марям Турдиева, Роҳила Ражабовалар Шариф Нурхон дуоларини олиб, эл назарига тушди.

Атоқли санъаткор Ўлмас Расулов, хушовоз хонандалар Мавлуда Самандарова, Эшпўлат Ортиқовлар эса, Шариф Нурхон кўшиқларини куйлаб, эл олқишига сазовор бўлмоқда.

Устод Шариф Нурхоннинг ҳаётлари ибрат, шеърлари эса ҳикмат ҳисобланади.

Устод Шариф Нурхон 1901 йил Бухоро тумани Ваҳмкор қишлоғида туғилган эканлар. Бу йил шоир туғилганларига 100 йил тўлади. Яқинда Шариф Нурхон қишлоқларига бориб, у киши номларидаги мактабда меҳмон бўлди. Шариф Нурхон номли мактаб ҳовлисида устодга ҳайкал ўрнатилган. Бу камтарлик, хоксорлик ҳайкали эди. Камтар кишиларни Аллоҳ яхши кўрар экан. Аллоҳ яхши кўрган бандани бошқалар ҳам севади.

Файбулла Асадулла қори ўгли

МИРЗАҲАМДАМ ҲАКИМ ҲАҚИДА ОНАМ АЙТГАНЛАРИ

1966 йилнинг ёз ойлари ўрталари эди. Тошкент шаҳрида апрель ойининг 26 куни бўлиб ўтган зилзила ҳали кучи қирқилмаганлигини ахён-ахёнда кўрсатиб кўярди. Онам авлоди зилзила маркази Чемпион (Қашқар) маҳалласида истиқомат қиларди. Шунинг учун ишдан қайтишимда улардан хабар олиб келишимни тайинлагани-тайинлаган эдилар. Ишдан чиққанамда июль ойининг жазирама тафти кўтарилмаган эди. Тошкент куранти олдида троллейбусга ўтириб Ўрдагача келдим. Кейин «Анҳор» кафеси ёнидаги Абдулла Тўқай кўчасидан тез-тез қадам ташлаб кетдим. Чоррахга етгач, Лучина кўчасини кесиб, Чемпион кўчаси томон бурилдим. Кўчанинг ҳар икки томонида кўримсиз пастак-пастак уйлар... Ўнг қўл томонидан оқиб ўтувчи Фадранг ариғидан аллақандай қўланса ҳид келиб турибди. Ариқ чиқиндилар билан тўлган, сув димланиб ётибди. Чемпион маҳалласидаги кўчанинг ўнг томонидаги жоме масжидига етмасдан чап томондаги тор кўчага қадам қўйдим. Ўнг қўлдан биринчи уйга кирдим. Уйда катта тоғамнинг хотинлари Тожинисо оппоғ ойимдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Сўрашдик. Ҳаммалари соғ-саломат экан. Муздеккина сув ичгим келди. Ошхонага кирдим. Тасодифан бир чеккада турган қоқоғи йўқ сандиққа кўзим тушди. Ичида айқаш-уйқаш китоблар, сарғайиб кетган дафтарлар... Титкилаб кўрдим. Абдихабир тоғамнинг 3—4 та фото суратлари чиқди. Мирзаҳамдам табиб бувам, оталари Мирзамухаммад мактабдор, хаттотдан ёдгорлик китоблар эгасиз ётганига ачиниб кетдим. Бу китобларнинг ҳаммасини йиғиштириб олдим. Бирининг ярми араб тилида, ярми форс тилидаги тиббиётга оид китоб эди. «Қонунча», «Рисолаи қабария», «Тибби Юсуфий» деб номланган рисолалар битта китоб қилиб таркиб этилган эди. «Тибби Юсуфий» рисоласи ўз ичига «Рисолаи бухрон», «Рисолаи набз», «Рисолаи қорура», «Ситта зарурия», «Мақтаъоти Юсуфий», «Рисолаи макул ва машруб», «Қасида дар ҳифзи сиҳвати бадан» каби рисолаларни олган, араб тили грамматикасига оид «Кофия», Мир Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом таваллуд топган ойлари ўқиладиган «Мавлуди шариф» китоби. Булар жуда чиройли хусниҳат билан ёзилган эди. Булардан ташқари катта бувам Мирзамухаммад хаттотнинг форс тилида шилдироқ юқа қоғозга қоралаган ибодатга оид иккита китоблари бор эди. Тожинисо оппоғ ойим тоғамларнинг суратларини қўлимда кўриб, алланечук бўлиб кетдилар.

— Бу суратлар сандиқдан чиқдимми? — сўрадилар ва сўзларида давом этдилар. — Бу суратларни қидирмаган ерим қолмаган эди. Боласи тушмагурлар ўчоқ бошидаги сандиққа тиқиб ташлаган экан-да. Барака топинг, яхши иш қилдингиз.

— Китобларни ҳам ташлаб кетайми? — сўрадим.

— Бизникида ким ҳам араб хатини танир эди, керак бўлса олиб кета қолинг, — дедилар.

Бир қучоқ китоб билан уйга қайтдим. Онам опа-укалари, келин ойиларию жиянларининг соғ-саломатлигини эшитиб, жуда хурсанд бўлдилар. Қўлимдаги китобларни кўриб: «Буларни қаердан олдинг?» — деб сўрадилар. Бўлган воқеани айтиб бердим. Китобларни қўлларига олдилар, варақлаб кўрдилар. Кейин бирини олиб-бирини қўйиб кўзларига суртдилар. Ҳатто кўз ёши қилиб ҳам олдилар. Қўлёзма китобларининг ҳаммаси буваларининг қўли билан кўчирилган, ёзилганлигини айтдилар. Бу китобларда бувалари, оталарининг сиймосини кўргандек бўлдилар. Шу баҳона бўлиб оталари Мирзаҳамдам ҳаким ҳақидаги хотиралари, кўрган-кечирганлари, эшитганларини ҳикоя қилиб бердилар...

Менинг болагим Янги шаҳарнинг «Биринчи Қиёт» (кейинчалик 1939 йилдан «Чемпион» деб номланган) маҳалласида ўтган. Ички-ташқи ҳовлимиз жаннатнинг ўзгинаси эди. Баҳор кезлари олмаю ўрик, шафтолию гилос, ноку беҳилар гулга кирганда, ҳаммаёқни

муаттар хидлар тутиб кетарди. Оқ, қизғиш, нимпушти гуллар асалариларни ўз бағрига чорлаб турарди. Айниқса ички ҳовлимизнинг файзи ўзгача бўларди. Анҳорга туташ бўлганлиги учун бўтана сувларнинг шарқираб оқишлари ҳали-ҳамон кўз олдимдан кетмайди. Анҳор бўйидаги айвон жуда бахаво, ўтиришли эди. Анҳордан бетиним ёқимли шамол эсиб турарди. Қирғоғидаги буталар орасини ўзларига ошиён қилиб олган булбулу қумрилар, майналарнинг сайроғи азондан кечгача тинмасди. Буванг бўш қолди дегунча кунларини мана шу айвонда китоб ўқиш билан ўтказарди. Айвоннинг бир тарафи бор бўйи китоб жавони бўлиб, китоблар билан тўла эди. Бу жавондан Букрот ҳаким (Гиппократ), Абу Бакр Розий, Абу Али ибн Сино, Берунийларнинг тиббиётга оид китобларидан ташқари Алишер Навоий, Бедил, Фузулий, Умар Хайём, Ҳофиз Шерозийларнинг асарлари, ислом дунёсининг йирик олимлари Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Муҳаммад Абдуллох ибн Абдурахмон ад-Дорий ас-Самарқандий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий каби зотлар қолдирган мерослар жой олган эди. Гоҳида тиббиётга оид китобларни мутолаа қилсалар, гоҳида диний китобларни ўқиш билан машғул бўлардилар. Ўтмиш шоирларининг ғазалларини ўқиб, ўй-хаёлларга ботган онларини кўп кўрганман.

Ўзи Тошкентда туғилиб-ўсган бўлса ҳам нима учундир Афғон табиб номи билан танилган дўстлари бор эди. У кишининг ҳовли-жойлари Шайхи Ҳованди Тахур даҳасининг Олмазор маҳалласида эди. Буванг Мирзаҳамдамнинг олдига келиб-кейтиб турарди. Икки дўст Анҳор бўйидаги айвонда жавондаги тиб илмига оид китобларнинг бирини олиб, бирини қўйиб ўқишарди, кейин қизғин баҳсга киришиб кетишарди-ю, пиёлаларга қуйилган чойлари совиб қоларди. Ана шу баҳслар уларнинг фикрларини равшанлаштирган, билимларини чуқурлаштирган бўлса ажабмас. Онам Нозиранинг айтишларига қараганда, 1905 йилда Санкт-Петербургда Туркистонга экспедицияга келган тиб илмининг зўр билимдонлари раҳматлик буванг, кейин Афғон табиб билан учрашиб, узоқ суҳбатлашган, билим доираларининг кенглиги, айрим соҳаларда улардан устун туришганини тан олишган экан. Турони заминда «қора безгак» деган бир касаллик тарқалган бўлиб, унинг санскритча номи «кала-азар», овруполикларда «болалар лейшманиози» деб аталган. Буванг ҳам, Афғон табиб ҳам бу касалликни даволашда сурмадан фойдаланишган. Бу касалликнинг давоси ҳақида бош қотириб юрган ўрусиялик олимлар ҳам буванг, Афғон табиб билан бўлган суҳбатларда калаванинг учини топиб олишган. Бувангга ҳам, Афғон табибга ҳам врач деган ҳужжат-шаҳодатномани бериб кетишган экан. Отамлар вафот этганларидан кейин тоғаларинг ўша ҳужжат билан қизиқанми ёки йўқми, аниқ билмайман. Ўша тарихий ҳужжатнинг тақдирини ўйласам юрагимнинг бир парчаси узилиб тушгандек ҳис қиламан ўзимни. Негаки, бу иккита ҳужжат ўзбекларнинг юз-кўзи эди. Бу ҳужжатлар ўзбеклар руслар ўйлаганидек ваҳший, ёввойи эмас, балки билимдон, маърифатли эканлигини кўрсатувчи далил эди. Ўша пайтда чиқадиган газеталарда бу ҳақда бирорта хабар берилганми ёки йўқми, буниси менга номаълум. Чунки 1905 йили мен 2—3 ёшда бўлганман.

Бувангнинг олдига яна бир ҳинд табиби келиб-кейтиб юрарди. Ўзи паст бўйли, ушоққина, қоп-қора, юзлари олқиндидек, овози ингичка эди. «Эшо-о-о-ни-и ҳа-а-а-ким-м-м», деб чўзиб чақирарди, чийиллаган товуш билан. Бу табиб буванглар жинига тўғри келиб қолган эди. Ҳинд табибни ташқи ҳовлидаги меҳмонхонага таклиф қилардилар. Чоғроқ бу меҳмонхонадаги хонтахта доим ясоғлиқ турарди. Каттакўрғон узумидан қилинган дурда боғлаб кетган ишқори майиз, туршак, pista, бодом, шафтолиқоқиларнинг устига дока ёпиб қўйилган бўларди. Қиш ойларида меҳмонхонага ким кирса олма, нок-нашватиларнинг ҳиди димоғига гуп этиб урарди. Дастурхондаги ноз-неъматлардан тотиниб-тотиниб қуюқ суҳбатлашиб ўтиришарди. Ҳинду табиб кўпинча пешин намозидан кейин келиб, аср ва шом намозларини бизникида адо этиб кетарди.

— Ҳинду табиб ошни соғиниб қолибди шекилли, — деб кулиб қўярдилар Нозира онам шундай пайтларда. Кейин ўрадан сабзи, шолғом, турп олиб келишни буюрардилар. Ошнинг ичидан майда тош-пош чиқиб қолмасин, деб гуручни битта-битталаб кўздан ўтказардик. Ош ичидан тош чиқиб, тишга тегиб қолса борми, эшитадиганимизни эшитардик.

— Ҳой, барака топқурлар, кулоқларингизга танбур чертганманми, — дердилар зарда билан. — Гуручни яхшилаб тозалаларинг деб қачонгача жоврайман. Ҳардам хаёлликларингдан ошни чайнаб ейишга ҳам кўрқиб турасан. Чайнаб ейилмаган таом таом эмас, унинг мазасини билмайсан. Ҳазм бўлиши ҳам оғир кечади, бора-бора ошқозон ишдан чиқади. Нима ўзларингга, болаларингга душманмисан?

Онамлар ер чизганча миқ этмай ўтирардилар. Гап қайтаришга ҳаддилари сиғмасди. Чунки тариқча бўлса ҳам айблари борлигини сезиб турардилар. Ошдан чиққан тошдан онамларнинг 2—3 тишлари шикаст еган эди. Тишлари оғриққа кирганда азоб чекишларини кўриб, ҳатто менинг кўзларимдан ёш чиқиб кетгудек бўларди. Бу кўргулик гуруч ичида-

ги тош туфайли бўлганини унута олмас эдилар. Шу сабабли гуручли таом қилинадиган бўлса, уни битталаб кўздан ўтказдирар эдилар. Ош тайёрлашга жуда пазанда эдилар. Шунинг учун Ҳинду табиб уйимизга бир томони тиббиёт ҳақидаги китобларни ўқиб, баҳслашиб, тортишиб, бир-бирларидан билмаганларини ўрганиб олишга келса, иккинчи томони, онам Нозиранинг ошларини соғиниб қадам ранжида қиларди.

— Шу табиб билан гапингиз жуда қовишади-да, дадаси, — дер эдилар ойим. — Шунча гапни қаердан оласизлар.

— Бу табибда гап кўп, онаси. Сухбатлашган саринг суҳбатлашгинг келади. Анча билимдон. Ҳинд тилидаги табобатга оид китоблари кўп. Битта китоб бор, ўзи билан олиб келиб, олиб кетади. Жуда нодир китоб экан. Табобатга оид шу китобни ўқиб, мағзини чақамиз, билдингми. «Қора безгак» касаллиги, уни даволаш йўли ана шу китобда ёзилган экан. Сурма билан даволашар экан. Ана шу китобдан «қора безгак» касалини даволаш йўлини билиб олдим. Бу касаллиқнинг давоси йўқ, дейишар эди. Худоба шукур бор экан.

Буванг ўқимишли, билимли кишиларни жуда ҳурмат қилардилар. шунинг учун улар билан эртадан кечгача бўлса ҳам суҳбатлашиб ўтиришга тайёр эдилар. Шу суҳбатларда, илмий баҳсларда улардан бирорта устозларни билиб олишга интилар эдилар. Табобат илмини ўргатган устозлари Марасул ҳакимга бўлган меҳр-муҳаббатлар, ҳурмат-эҳтиромларини айтиб адо қилиш кийин. Доим жума намозидан кейин об-ҳаво яхшими, ёмонми, бунга қарамасдан у зотнинг зиёратига шошишларини кўрмагансан-да. Жума куни буванг учун бамисоли байрам эди.

— Тушлиқни менсиз ўзларинг қилаверинглар, — дер эдилар жума намозига отланар эканлар. — Намоздан чиқиб, устозимни кўргани ўтаман. У зот ҳам фанимат бўлиб қолдилар. Дуоларини олиб қолай. Йўлдан устоз оғизларига ёқадирига бирор нарса оларман.

— Жуда қизиқ одатингиз бор-да, дадаси, — бироз қизишардилар онамлар. — Намоздан чиқиб, уйга келсангиз, болаларингизни бағрингизга олиб улар билан бир пиёла чой ичсангиз бўлмайдими?! Устозингизга дурустроқ тугун қилиб берардим. Доим шошганингиз-шошган.

— Шу ўйламасдан гапиришинг ёмон-да, — дердилар буванг. — Устоз — отангдан улуг дейдилар-ку. Нега у кишини шундай улуг кунда зиёрат қилмай? Нега жума намози савобини тўғридан-тўғри у зотнинг хонадонига олиб бормай?

— Сизга бундай қилманг, деганим йўқ-ку, — эътироз билдирардилар онамлар.

— Тўғри, — деб жавоб қилардилар дадамлар. — Бирор киши йўқлаб келиб қолса бўлди, устозни зиёрат қилиш қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Мир Алишер Навоийнинг:

«Ким сенга бир ҳарфни ўргатмиш ранж ила,

Айламоқ мумкин эмас, онинг ҳақин минг ганж ила», — деган байти ёдингдан чиқиб кетдими? Ахир устозим менга битта ҳарф эмас, тиббиёт илмини ўргатган, бутун билимини, тажрибасини мендан аямаган. Бу зотни шу жума куни савобидан бебаҳра қолдирсам, Оллоҳ олдида гуноҳкор бўлиб қолмайманми?!

Онамлар қандай қилиб жавоб қилишни билмай қолардилар. Буванг эса масжидга қараб йўл олардилар. Янги шаҳар «Биринчи Қиёт» маҳалласи жоме масжиди бизнинг ташқи ҳовлимиз ёнгинасида бўлган. Ташқи ҳовлимиздаги уйлар кўчага орқа ўгириб солинган эди. Кўчанинг нариги бетида эса масжид биноси. Бу масжид ёз кунлари айниқса намозхонлар билан тўла бўларди. Минор томонидан келадиغان Фадранг ариғи масжид ҳовлиси ичидан оқиб ўтарди. Мавжланиб оқаётган сувнинг салқин шабадаси ёз чилласининг ҳоврини қирқиб турарди. Уйда иши йўқ кексалар пешин намозидан кейин масжиднинг салобатли нақшкор дарвозасининг икки биқинидаги жойда ўтириб, ўтган-кетган кунлар ҳақида гурунглашишарди. Фадранг ариғи Минор мазори томонидан келиб, Ўрдага етишига 500—600 метрлар қолганда Лучина кўчаси томон бурилиб оқарди. Буванг Мирзаҳамдам ҳаким жума куни беш вақт намозини шу масжидда адо этар, намоздан кейин ёз кунлари бўлса маҳалламизнинг билқиллаб ётган тупроқ кўчасидан Минор мазори томон йўл олардилар. Ёгин-сочинли кунлар бўлса, лой-сув кечиб устозлари Марасул ҳакимни зиёрат қилиб келардилар. Бувангларни машҳур табиб қилиб етиштирган, тарбиялаган зот Марасул ҳакимнинг уйи Минор қабристони атрофида бўлган. Бувангнинг айтишларига қараганда, у киши томир кўрмасдан туриб беморнинг дардини аниқ айтиб берар экан. Ранг кўр, ҳол сўр, деганларидек, беморнинг қандай касалга чалинганлигини қўл тирноқ ости, юз терисининг рангига қараб билган дейишади. Оллоҳнинг марҳамати туфайли шундай билимдон ҳаким билан буванг учрашиб қолади. Марасул ҳакимнинг Чорсу бозори базозлик растасида Мулла Шоиноят деган қадрдон дўсти бўлган экан. Қачон Чорсу бозори томон йўллари тушса, қадрдонларини кўрмасдан кетмас эканлар. Бир сафар Мулла Шоиноят базоз ҳузурига ташриф буюрганларида у киши ўринларида йўқ экан. Савдо-сотик билан буванг шуғулланиб ўтирган эканлар. Ўринларидан туриб тавозе ва эъзоз-эҳтиром билан кутиб олибдилар.

— Мулла Шоиноят йўқмилар? — сўрабди Марасул ҳаким.

— Шу ердалар, тақсир. Ҳозир келиб қоладилар, — деб буванг у кишига ўтириш учун жой кўрсатибди. Ёз куни бўлгани сабабли яхна қилиб қўйилган чойдан бир пиёлага қуйиб узатибди. Бўлажак шогирд ва устоз ўртасида бозордаги нарх-наво, читнинг ўтиши ҳақида қуюқ суҳбат бошланиб кетибди-ю, Мулла Шоиноят базознинг келиб қолганини пайқашмабди. У киши Марасул ҳакимга салом бергандан кейингина орқасига қайрилиб қарабди, икки кадрдон кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб кетишибди.

— Бу йигитчани гумашталиққа яқинда олган кўринасиз-а? — гап орасида сўрабди Марасул ҳаким.

— Бир йилдан ошди. Олдинги сафар келганингизда кўрмаганингизнинг боиси бошқа ишлар билан банд эди, — жавоб қилибди Мулла Шоиноят.

— Жуда уқувли кўринади. Бунинг устига зийрак ҳам экан.

— Шунинг учун гумашта қилиб олдим-да. Тагин бу йигитчанинг тил билишини айтмай-сизми. Араб, форс, хинду, ўрис тилларида бемалол гаплашади.

— Ҳай, — деганча ўйланиб қолибди. Орадан анча вақт ўтгандан кейин сўрабди. — Бу йигитча қаерлик, отаси ким?

— Янги шаҳардаги «Биринчи Қиёт» маҳалласидан. Марзамухаммад мактабдор-хат-тотнинг жигаргўшаси. У киши жуда билимдон, зукко.

— Шундайми? Йигитчани отаси сизга гумашталиққа бериб дуруст иш қилмабдилар. Бу —ўқимишли одамнинг иши эмас, — афсусланиб гапирибди Марасул ҳаким. — Бу йигитча тижорат учун эмас, илм соҳиби бўлиш учун яратилган. Таажжуб шуки, оталари буни пайқаманган кўринади. Сиз бир савобли ишга бош қўшсангиз. Биламан, оёқ-қўлли, зукко, зийрак гумаштангиздан айрилиш сиз учун қийин. Агар сиз йўқ демасангиз, йигитчанинг отаси Мирзамухаммад ҳазратларига учрашиб кўраман. Хўш, бу гапга нима дейсиз?

— Агар гумаштам Мирзаҳаммаднинг тақдирини илм билан боғламоқчи экансиз, бу хайрли ишга монелиқ қилиш инсофдан бўлмас, — жавоб қилибди Мулла Шоиноят базоз.

— Мана шундай ҳиммат соҳиби эканлигингизни билардим, — севиниб кетибди табиб.— Лекин падари бузрукворларидан рад жавоб бўлмасмикин?

— У киши пулга муҳтожликдан ёки мол-мулкка ҳирс қўйганликдан фарзанди аржумандларини гумашталиққа берган эмаслар, ҳаётнинг паст-баланди, турмушнинг қийинчиликларини бозордан туриб кузатиш осон бўлгани учун шундай қилганлар.

Икки дўст ўртасида бўлиб ўтган суҳбат буванг тақдирини ҳал қилган. Орадан кўп ўтмай буванг Марасул ҳакимнинг хонадонига кириб борганлар. Каттакон ҳовлида уч киши — Марасул ҳаким, у кишининг хотинлари, яна бир йигит яшар экан. Буванг бу йигитни Марасул ҳакимнинг ўғли бўлса керак, деб юрар экан. Жияни эканлигини кейинчалик билиб олибди. Фарзандлари йўқлиги учун жигарларидан бири ўғлини у киши қўлига топширган экан. Бувангнинг 9 йиллик умри мана шу хонадонда кечган. Шу йиллар давомида Буқрот (Гиппократ) ҳаким, Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Закариё ва бошқа алломаларнинг тиб илми ҳақидаги китоблари асосида сабоқ берган. Касалликларнинг юнонча, арабча, форсча, хиндуча, ўзбекча номланишлари билан таништирган. Доривор ўсимликлар, уларнинг юнонча, арабча, форсча, хиндуча номларини қўл билан ўргатган, қайси бири қайси касалга даволиги, истеъмол қилиш йўллари ҳақида таълим берган. Марасул ҳаким бувангда тиб илмига шунчалик муҳаббат уйғотганки, оталари китоб жавонини тиб илмига оид нодир китоблар билан тўлдирганлар. Устозлари туфайли Тошкент шаҳрининг кўзга кўринган табибларидан бирига айланганлар. Шу сабабли жума намозидан кейин устозларини зиёрат қилиб келишни қанда қилмас эдилар.

Ташқи ҳовлидаги битта катта уйни касалхона қилганликлари устозларининг қулоғига етиб борган экан. Бундан устозлари беҳад хурсанд бўлганликларини, ҳар зиёратга борганларида бу ҳақда сўраб туришларини мағрурланиб айтиб кўяр эдилар.

Бу касалхона қилинган уйга олтитача каравот сиғар эди. Уйда боқтириб-қаратишнинг иложи йўқ бева-бечора беморлар учун битта уйни касалхона қилиб қўйган эдилар. Бу касалхонадаги беморлар доим буванг назорати остида бўларди. Буванг раҳматлик хизматига, дори-дармонига, уларга тайёрлаб бериладиган овқатларга пул олмасди.

— Беморларни даволаш учун қилинадиган харажатлар қаердан келарди? — сўрадим.

— Ишонгинг келмапти-а? — дедилар онамлар. — Мирзаҳаммад бувангнинг ҳовли-жойлари катта эди. Ташқи ҳовлимиздаги меҳмонхона, хизматкорлар ўтирадиган уйлардан ташқари қирқтача катта-кичик уйлар бор эди. Ана шу уйлар темир йўлда ишлайдиган ўрис, татар, арман ишчиларига ижарага қўйилган эди. Бундан ташқари Салорда (ҳозирги мрам-мар заводи атрофида) жуда катта боғимиз бўларди. Олма, ўрик, гилос, беҳи, нок, нашла-тилар, чиллаки, каттақўрғон, буваки, даройи, ҳусайни кишмиш ва бошқа хил узум навлари чунонам ҳосил қилардики, кўрган кишининг кўзлари қамашиб кетарди. Бир қисми беда-поя, қолганида сабзавот экинлари, доривор ўсимликлар етиштириларди. Ҳаммасидан ҳам

олмазоримиз катта эди. Ҳар йили бошине ёб ҳосил қиларди. Ҳазимизга қолса олма ҳосилини териб ҳам, ёб ҳам адо қилолмас эдик. Олмалар етилиши олидан бир московчи бой келарди, исми-шарифи ёдимдан кўтарилиб кетди. Шу бой тупида турган олма ҳосилини баҳолаб оларди. Одам солиб тердирар, сўнг яшиқларга жойлаб Ўрусиянинг Москов, Санкт-Петербург шаҳарларига юбортириб, ўша ердаги гумашталари орқали соттирарди. Боғимиз бизларни боқарди. Ижарага қўйилган уйлардан тушган даромад беморларни бепул даволашга, озиқ-овқатига сарфланарди.

Бувангни бир яхши одати бор эди, уйни ижарага қўяётганда ижарачининг олдига тозалик-озодаликка риоя қилишини, ариқдаги сувга супириндиларни оқизмасликни, мағзавани тўкмасликни шарт қилиб қўярди. Беморларга эса буюрилган парҳезга қатъий амал қилишни тайинларди. Бу шартни бажармаганлар ўзига гап сотиб оларди. Ҳамон ёдимда, ижарада турганлардан бирининг хотини кир ювиб мағзавасини ариққа тўкаётгани устидан буванг чиқиб қолганлар.

— Хўш, нега шартни бузасан? Уйни ижарага қўяётганимда нима деган эдим? Ёки эсингдан чиқиб кетдимми? — дедилар жаҳл билан. — Ваъдада турмайдиган одам экансан. Мен субутсиз одамлар билан гаплашишни истамайман. Сенга икки кун муҳлат, ўзингга бошқа ердан уй топ.

— Хўжайин, кечирасиз. Бундан буёғига бу иш такрорланмайди, — хотинининг ёнини олиб ялинди эри.

— Мен битта гапираман, тамом-вассалом, — деб ички ҳовлига кириб кетдилар) лекин эр-хотин, буванг раҳм-шафқат қилар, деб ўйладими, бошқа ердан уй қидирмади. Орадан икки кун ўтди. Учинчи куни буванг эрта билан иккита мардикорни бошлаб келди-ю, ҳалиги ижарачи ўтирадиган уйни кўрсатиб, томини очиб ташлашни буюрди. Эр-хотин Худонинг зорини қилишди, бўлмади. Кўчиб кетишдан бошқа иложлари қолмади. Улар юк-яппаларини аравага орта бошлашлари билан мардикорлар уй томини қайта ёпишга киришди.

— Эй, қилган ишингиз қуриб кетсин, — дедилар Нозира онам зорланиб. — Бечоралар энди қаерга боради?

— Бу ишим энди қолган ижарачиларга ибрат бўлади, — дедилар буванг. — Ваъдасида турмайдиган одамларга раҳм-шафқат қилсанг, бошингдан мағзавасини тўкишдан ҳам тоймайди. Тушундингми?! Ариқдаги сув Анҳорга бориб тушади. Худонинг улуғ неъматини булаган бундай кимсалардан яхшилик кутиб бўлмайди. Ифлослик соғлик-саломатликнинг душмани. Буни билиб қўйларинг.

Ўзбекчани яхши тушунадиган ўрислар, арманларнинг баъзи бирлари буванг ёнини олиб, «хўжайин тўғри гапирарди» дейишди. Шу воқеадан кейин ижарада турувчилар ариққа чиқиндиларни супириб тушириш, мағзава оқизиш у ёқда турсин, ҳатто тупиришдан ҳам ўзларини тиядиган бўлиб қолишди.

Мусулмончилик ақидалари буванг учун қонун эди. Уйимизда бу қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳадди сизмасди. Бу ақидаларга тўғри келмайдиган бирор ишни билмасдан қилиб қўйсак ҳам эшитадиганимизни эшитар эдик. Ҳали-ҳали ёдимда. Қиш чилласи эди. Ўртоқларим билан ташқи ҳовлида ўйнаб юрардик. Хизматкорлар чой сўраб қолишди. Бувинг катта бир чинни чойнакда иккита пиёла билан Абдихабир тоғангдан чой чиқариб юбордилар. Хизматкорлар чой ичиб ўтирган чоғда буванг келиб қолдилар. Уларнинг бири ўрнидан туриб отнинг жоловини тутди, бувангнинг қўлтиғидан олди. Кейин отни оғилхонага етаклаб кетди.

— Хўжайин, бир пиёла чой ичиб кетинг, — деди иккинчи хизматкор салом бергандан кейин. Буванг унинг қўлини қайтаргиси келмади. Сандалнинг бир чеккасига чўкиб, хизматкорнинг қўлидан пиёлани олдилар. Чойни совитаётган бўлиб пиёлани аста айлантириб, четларини кўздан кечирдилар, чойнакка бир қараб қўйдилар. Кейин пиёладаги чойни ичиб, ички ҳовлига қараб юрар эканлар, извошга отни қўшиб туришни буюрдилар. Мен ўртоқларимга қарамасдан ширинлик илинжида орқаларидан эргашдим. Уйга қадам қўяр-қўймас Нозира бувингни уришиб кетдилар.

— Бу нима қилган қилиқларинг, хизматкорни қачондан бери менсимайдиган бўлиб қолдиларинг?! У ҳам сен билан менга ўхшаган одам-ку!

— Ҳой, дадаси, нима гап ўзи, бундай тушунтириб гапирсангиз-чи! Хизматкорга нима қилибмиз? — онам аввалага баланд келдилар.

— Нега уларга лаби учган пиёла, бурни учган чойнакда чой чиқардинг?

— Хизматкорлар шундай деб шикоят қилдимми?! Ё товбангдан, ё товбангдан!

— Қилар ишни қилиб қўйиб, яна товба дейсан. Улар шикоят қилишгани йўқ. Шу пайтгача мени бирор марта чойга таклиф қилишмаган эди, бугун чойга таклиф қилишди. Биласанми, нега шундай қилишди? Билмайсан! «Тақсир, бизлар қандай пиёла ва чойнакдан чой ичаётганимизни кўриб қўйинг» деган ниятда шундай қилишди. Назар солсам

пиёларнинг лаби учган, чойнакнинг тумшуғи учган. Бу қилган ишларинг учун хизматкордан дакки еб ўтирибман. Чети учган пиёла, бурни учган чойнак шариат ҳукми бўйича макруҳ саналишини наҳот билмасанг, ақлинг шунчалик ноқисми? Уларни одам ўрнида кўр.

Бувинг қилган ишидан хижолат чекиб ўтирар, бувангнинг қўлидаги қамчинга ер остидан кўрка-писа қараб қўярди. Хайриятки, бувангни устозлари йўқлатган экан. Кайфиятларини ортиқча бузгилари келмади. Устозлари учун яхшилаб бир тугун қилиб беришни буюрдилар. Марасул ҳаким хуш кўрадиган мевалар, ёғлиқ патир тугилган тугунни олиб чиқиб кетдилар. Аср намозидан кейин қайтиб келдилар. Кийимларини алмаштириб чиқдилар-да, сандалнинг тўрида доим бўш турадиган ўринларига ўтирдилар.

— Худоё худовандо, омонатингни оларда ҳеч кимга муҳтож қилмагин, — дедилар.

— Яна нима бўлди, дадаси? — сўрадилар бувинг.

— Устозим устозларини кўрмоқ ниятида мени йўқлатган эканлар, — қандайдир ҳазинлик билан гап бошладилар. — Ўз фарзандинг бўлмагандан кейин асраб олган боланг фарзандлик қилмас экан. Жиянларини ўғил қилиб олганликларини айтган эдим шекилли. Ўқитдилар, билим бердилар. Табобат илмини ўргатдилар. Лекин фарзандлик бурчини бажармаётганлиги кўнгилларига қаттиқ ботибди. Устозим устозларини кўргилари келибди. У зотнинг хонадонига олиб бориш малоллик қилибди. Нодон, нодон-да. У кишининг беш кунликлари борми-йўқми, дуоларини олиб қолай, деб ўйламаган. Устозлари жудаям нуроний, мулойим, сўзамол киши эканлар. Мириқиб суҳбатлашиб, бир-бирларига юракларини бўшатишди. Устозларига мени таништирдилар. У зот мени бағирларига босдилар. Устозимни ҳам, мени ҳам дуо қилдилар. Қутлуғ уйдан қуруқ кетма, деганларидек ошсиз рухсат бермадилар. Табобатга оид битта нодир китоблари бор экан. Мендан ёдгорлик бўлсин, ҳар қўлга олганингизда икки калима қуръон билан ёд этарсиз дедилар. У зот ҳам мисли пишиб турган ош. Ҳаёт шу экан-да. Умар Ҳайём айтганларидек:

Кекса, ёш — ҳаётга ҳар кимки етар —

Ҳаммаси изма-из, бирма-бир ўтар.

Бу дунёда ҳеч ким қолмас абадий,

Кетдилар, кетамиз, келишар, кетар.

Қайтишда устозим касаллари ҳақида гап очиб қолдилар.

— Жиянингиз муолажа қилмаяптими?

— Тайёрлаб бераётган дорисида нимадир етишмаётган кўринади. Ҳа, майли, нима қилса шуни топади, — дедилар.

— Мен ўзим қарай бўлмасам, дорини ҳам ўзим тайёрлаб берай, — дедим.

— Раҳмат, ўғлим, — кўзлари жикқа ёшга тўлдию гапиролмай қолдилар. Ўпқаларини бўшатганларидан кейин сўзларини давом эттирдилар. — Сиз мени муолажа қилишга қиласиз, лекин жияним билан орангларга совуқчилик тушиб қолишдан кўркаман. Мендан кейин бу совуқчилик кучайиб, душманлик тусини олғусидир. Худойи тасоло ўлчаб берган умрим узун бўлса тузалиб кетарман.

Устозимни уйларига қўйиб, извошга ўтирай деб турганимда, асраб олган ўғиллари — жиянлари келиб қолди. Жуда қуюқ сўрашди. Гап орасида тайёрлаб бераётган дорисидан отасининг кўнгли тўлмаётганлигини, дори таркибида нимадир етишмаётганини айтдим. Бу гап унга ёқмади, қошлари чимирилиб кетди.

— Энди мулла Мирзаҳамдам, даромадинг бир томонга оққани яхшида, икки томонга оқса бўлиниб кетади, — деди жиян-ўғиллари.

— Ахир тоғаннгизнинг сиздан бошқа ҳеч кимлари йўқ-ку. Топганларини у дунёга орқалаб кетмайдилар-ку, — дедим.

— Қизиқсиз Мирзаҳамдам, тоғамиз қўлларига тушган пулни сақлаб ўтирмайдилар, етим-есирларга улашадилар, савоб бўлармиш. Сизга ҳам тоғамдан озгина юққан шекилли, уйингизда касалхона очиб, камбағалларни бепул доволаётган эмишсиз.

Бу гаплардан хайратга тушдим, нима дейишни ҳам билмай қолдим. Жиянларига Марасул ҳакимнинг соғлиги керак эмас экан. У зотнинг ўлимини кутиб турганга ўхшайди, деган хаёлга бордим. Жиянларидан ҳафсалам пир бўлиб кетди. Илм бериб катта қилганлари, эл-юртга танитганлари ҳақи-хизматиға жавоби шу бўлдими, деб хафа бўлиб кетдим. Шайтонга ҳай бериб, жаҳлимни базўр босдим. Хайрлашгим ҳам келмади. Извошга шартта ўтирдим. Хизматкорга «кетдик» дедим.

Мирзаҳамдам буванг сиқилиб кетганидан иштаҳаси ҳам бўлмади, олдиларига келтириб қўйилган таомдан бир-икки лўқма тотиндилар, холос. Шу воқеадан кўп ўтмай устозлари — Марасул ҳаким оламдан ўтдилар. «Даромад бир ёққа оқсин» деган жиянлари ҳам дунёга устун бўлолмади. Топган-тутган мол-мулкни орқалаб у дунёга олиб кетолмади.

Устозларидан айрилган буванг бир қанча вақт ич-этини еб юрди, чехралари ёришмади. Одам тафтини одам олади, деганларидек, Афғон табиб билан Ҳинду табибнинг келиб-

кетиб туриши буванг дардига даво бўлди. Буванг чехраси бироз ёришгани билан ҳар куни бир ваҳимали гапни топиб келардилар. Гермон билан Николай подшонинг уруши туфайли кун кечириб оғирлашиб бораётган эди. Бувангда ҳам ором қолмади. Бомдод намозидан кейин отга миниб чиқиб кетар, йўлларига интизор бўлиб ётган беморларнинг аҳволидан хабар олиб келишни қанда қилмас эдилар. Беморлар учун керакли дори-дармонни буванг айтганидек қилиб бувинг тайёрлар эди. Бечора ҳол беморлардан дори-дармон учун пул олмас эдилар.

— Нега бундай қиласиз, ошиб-тошиб кетяпсизми? — дердилар бувинг.

— Шу хотинларнинг кўзи тор бўлади деганлари рост экан. Мен камбағалларни сийласам, Худо мени сийлайди. Бойваччалар ташлаб кетаётган пул камбағалларга текинга бераётган доримнинг ўрнини босиб кетади. Шунин биласанми? — қизишиб кетардилар. — Бу ланъати уруш камбағалларнинг бошига битган бало бўлди, беморлар кўпайиб кетмокда. Уруш орқасидаги ишлар учун мардикор олармиш, деган гаплар чиқиб қолди. Яна камбағалнинг шўри қурийдиган бўлди. Камбағални туя устида ит қопади, деган замон шумикин?

Буванг айтганидек бўлиб чиқди. Камбағалнинг бошидан ғам-ғусса аримади қолди. Бир куни Абдихабир тоғанг кўчадан юргилаб келди-ю, бувангнинг тўппончасини олганча отилиб чиқиб кетди. Нима гаплигини билмай қолдик. Кейин билсак, у ҳам чор ҳукуматининг мардикор олиш ҳақидаги қарорига норозилик билдирган оломонга қўшилиб Олмазор томонга бормокчи бўлган экан. Оломон Ўрда кўпригига етганда тўпдан ўққа тугилибди, кўплар орқага чекинибди, ўзини Ўрда сувига ташлаб жон сақлаб қолганлар ҳам бўлибди. Мана шу адолатсизликдан кейин халқ:

*Яшасин, яшасин
Ўрда сувига ташасин.
Чор ҳукумат бошини
Итлар ғажиб ошасин, —*

деган қўшиқни тўқиб чиқарди.

Тоғанг ҳам ўзини Ўрда сувига ташлаб, Эски шаҳардаги Қиёт маҳалласи олдида сувдан чиққан. Тоғаларимнинг уй-жойи Қиётда бўлгани учун шундай қилган экан. У ерда икки-уч кун туриб қайтиб келдилар. Охири инқилоб бўлди. Эл-юртда хотиржамлик йўқолди. Бувангни ҳам ваҳм босди.

— Бу ижарада турган мастеровойлардан яхшилиқ кутиб бўлмайди, — деб қолдилар бир куни бувингга. — Болаларингни олиб Қиётга, акангникига бориб турсанг яхши бўлармиди?

— Сиз-чи? Сиз нима қиласиз? — сўрадилар ойимлар.

— Мен шу ерда қоламан. Юрт тинчигандан кейин келарсизлар. Хизматкорга тайинладим, сизларни Қиётга элиб қўяди.

Ҳайҳотдек ички-ташқи ҳовлида дадамларнинг бир ўзлари қолдилар. Иссиқ-совуқларидан хабар олиб турадиган одам бўлса кошкийди. Бир ўзларининг ҳоллари нима кечади, деб ўйлардик. Юртда қимматчилик, очарчилик бошланиб келаётган бўлса ҳам Худойи таоло ўртадан меҳр-оқибатни кўтармади. Ойимнинг акалари ҳар куни гоҳ Абдихабир, гоҳ Абдикабир тоғаларингдан дадамларга насиба атаб юбориб турдилар. Лекин уйда очилган касалхонадаги беморларнинг ҳоли нима кечаётганлигини билмас эдик. Ойимлар «бояқишларнинг ҳоли нима кечди?» деб ўтирардилар. Бир куни катта тоғанга шунин билиб келишни тайинладилар. Ўзларига тўқ қўшнилари ош-нон чиқариб туришганини эшитиб, «Худога шукур» деб қўйдилар. Анча бери қараб қолган беморлар пишириш-куйдиришга ҳаракат қилаётганликларини эшитиб хурсанд бўлдилар. Ижарада турган темир йўл ишчилари бувангни ёлғиз қолдириб кетаётганимиздан беҳабар экан. Буни бирор ҳафтадан кейин билиб қолиб, бувангдан хафа бўлишгани ҳақида тоғанг гап топиб келди.

— Нима дейишибди? — Абдихабир тоғангдан сўрадилар бувинг.

— Хўжайин, биздан кўрқма. Бизлар сендан ёмонлик кўрганимиз йўқ. Камбағалларга қайишиб турганингни кўриб турибмиз, улардан касалга чалинганларни ҳатто бепул даво-лаяпсан. Бу яхши ишларингни кўриб туриб, наҳотки сенга ёмонликни раво кўрсак. Бизлардан чўчима. Хотинингни, болаларингни қаерга юборган бўлсанг, ўша ердан бугуноқ олдириб кел. Шундай қилмасанг, бу ишни ўзимиз бажарамиз, — деб айтишди. Бу гапни эшитиб ҳаммамиз қувониб кетдик. Яна ички-ташқи ҳовлига файз кирди. Яна ички ҳовлидан ҳовончада туйилаётган занжабил, қалампирмунчоқ, долчин, жавзобобо ва бошқа дори-вор ўсимликларнинг ҳиди анқиб турадиган бўлиб қолди. Буванг беморларга бериладиган дори-дармонларни ўзлари тайёрлар эдилар. У кишини фақат табиб эмас, зўр доришунос деб ҳам билишар эди. Баъзи бир дори-дармон қандай беморга берилишини ҳақимлардан билиб олиб, табибчилик қилиб юрган атторларни «Аттор табиб» деб аттардилар. Бу табиб-

лардан эҳтиёт бўлиш керак, дердилар. Қайнотам (Убайдулла қори) ҳам табиб эдилар. Лекин дори тайёрлашнинг мураккаб томонларини яхши билмас эдилар. Айниқса «хаб» дори (сурги дори)лари ҳаммага ҳам манзур келмасди. Бир куни бу ҳақда Мирзаҳамдам бувангдан сўраб қолдилар. «Ҳозир хаёлимда йўқ, сизга бир китоб юбортираман. Шу китоб-да батафсил баён қилинган», деб жавоб қилдилар. Шу билан гапга нуқта қўйилди. Эртасига Абдукабир тоғанг қалинлиги бир энлик келадиған битта китобни ташлаб кетди.

— Қудам тушмагур-а, қудам тушмагур, икки оғиз сўзни мендан аядилар. Энди бутун бошли китобни варақлаб чиқишга тўғри келади, — дедилар норози оҳангда. Қайин отам аввалига китобнинг бир-икки еридан варақлаб кўрдилар. Кейин бошидан ўқишга тушдилар. Бу китобга шундай берилиб кетдиларки, ҳатто сўфининг азон товушини эшитмай қолган кунлари бўлди. Бир куни мени чақириб қолдилар. «Лаббай», деб хузурларига бордим. Қўлимга буванг бериб юборган китобни тутдилар-да, дедилар:

— Қизим, уйингиздан бирор киши келиб қолса, омонатни бериб юборарсиз. Бошидан оёқ ўқиб чиқдим. Отангизга миннатдорчилигимни айтиб қўйишни ҳам унутманг. Мендан бир оғиз сўзни дариг тутдилар, деб хафа бўлган эдим. Янглишган эканман. Қўлимга китоб тутқазганларида ҳикмат бор экан. Менга китоб эмас, битмас-туғанмас хазина ато этган эканлар. Бу хазинадан қанчалик баҳраманд бўлганим бир ўзимга аён. Агар «хаб» дорини тайёрлаш усулини икки оғиз сўз билан айтиб берганларида бу хазинадан бебаҳра қолардим. Тиббиётга оид бу нодир китобни қаердан олган эканлар-а?

Қайин отамнинг очик кўнгилликларидан хурсанд бўлиб кетдим. Ифвога ўхшаш майда-чуйда гаплар кулоқларининг ёнидан ўтиб кетар эди. Хушчақчақликларини кўяверинглар. «Хо-хо-о, хо-хо-о» деб кулганлари ўзларига ярашиб турарди. Озодаликни яхши кўрардилар, гулни севардилар. Ички-ташқи ҳовлининг ўртасидан ўтган ариқнинг икки бетига қатор қилиб қизил гул экилган эди. Баҳор кезлари ариқ бўйи бир чаманзор бўларди-қўярди. Ҳовлига чиқишинг билан баҳри-дилиг очилиб кетарди. Ариқда шарқираб оқиб турган сувдан завққа тўлардинг. Қизил гулнинг гул барглари исроф қилинмас эди. Ундан гулқанд тайёрлар эдилар. Сопол идишларда офтобга қўйилган гулқандни аралаштириб туриш керак экан. Идишнинг оғзини очганларида ҳовлини қандайдир муаттар ҳид тутиб кетар эди. Ошқозони сусайиб кетган, жигарида қандайдир ўзгариш бўлган беморларни гулқанд билан даволар эдилар.

— Қайси бувамизнинг илми зўр бўлган? — тегажоглик қилдим. Онамлар жавоб беришга қийналиб қолдилар. Онамдан аниқ жавоб олиш учун ҳоли-жонларига қўймадим.

— Мирзаҳамдам бувангнинг илми зўр бўлган, — дедилар охири.

— Нима учун? — яна саволга тутдим.

— Мирзаҳамдам буванг устозининг ўзи зўр ҳақим бўлган, — жавоб қилдилар. — Бундан ташқари тиббиёт илмига оид нодир китоблари кўп эди. Уйда қолганларида шу китобларни ўқир эдилар. Афғон табиб, Ҳинду табиб деган ўртоқлари бор эди. Улар келиб қолишса борми, ўша куни тиббиёт илми ҳақида қизғин мунозара бошланиб кетар эди. Китоб кўрган яхши экан, олим бўлган олдирмас экан. Эл-юртга, одамларга нафи тегар экан.

1920 йилларда Тошкент шаҳрида табибларнинг қандайдир бир жамияти ташкил этилиб, унинг раиси қилиб Мирзаҳамдам бувангни сайлашган. Бу ташкилотни баъзилар ассоциация деб ҳам аташган эди. Ҳозирги Тошкент меҳмонхонасининг ўрнида бир қаватли иморатлар бўларди, уларнинг ёнида икки қаватли бино ҳам бор эди. Ана шу бино ассоциация бўлган. Бу уюшма неча йил фаолият кўрсатгани ёдимда йўқ, анигини билмайман. Унинг аъзолари бир йўли оқ ҳаворанг, бир йўли тўтиё ранг, яна бир йўли оч қизил рангли беқасам чопон кийишган. Бошларига новвоти ранг салла ўраб юришган. Бу кийим уларни жуда нуроний, кўркам, салобатли қилиб кўрсатар эди.

Тошкенти азимдек шаҳар табиблари бир ташкилотга уюшиб, ўзларига Мирзаҳамдам бувангни бошлиқ қилиб сайлаганликларининг ўзи катта билимга, тажрибага эга эканликларини кўрсатар эди. Лекин табиблар уюшган ташкилотнинг ишлари ҳақида аниқ бир нарса айтишмани қийин. Чунки бу пайтда мен оилалик эдим. Себзор даҳасидаги қариндошлари Убайдулла қори хонадонида яшардим. Туғилиб ўсган уйимга борган кезларим бувангни кўришга камдан-кам муяссар бўлардим.

Вабо тарқалган 1920 йилни эсласам юракларим орқамга тортиб кетади. Бир томони қимматчилик. Нон десанг кесак ғириллайдиған замон. Бунинг устига вабо тарқалган эди. Камбағал, бева-бечораларга қийин бўлди. Очликдан, вабодан одамларнинг ёстиғи қурий бошлади. Қайин отам ҳар куни вабо теккан, очликдан силласи қуриган одамлар кўчаларда ўлиб қолаётгани ҳақидаги ваҳимали гап-сўзларни топиб келар эдилар. Бундан юрагимга гулгула тушарди. Уйимга бориб келишга ўйланиб қолардим. Шундай бўлса ҳам ота-онамни кўриб келиш учун икки-уч марта бориб келдим. Қайнонам ётиб қолишимга рухсат бермаганлари учун отамни кўролмай қайтганман. Бувинг Нозирани катта қозонда қандайдир

суюк дори тайёрлаётгани устидан чикардим. Ҳовлини гармдорининг аччиқ ҳиди тўтиб кетганидан томоғим қичишиб кетар, кетма-кет аксирардим. Мирзаҳамдам буванг таркиб қилган вабога қарши дорининг таркибида аччиқ гармдори бор эди.

Бомдод намозидан кейин шишаларга солиб қўйилган ана шу дорини хуржуннинг икки кўзига жойлаб отга минар эканлар-да, уйдан чиқиб кетар эканлар. Қайтиб келганларида уйимизи дарвозаси олдида тизилиб турган извошларга кўзлари тушар экан. Бу извош эгалари ҳаммасининг юрагида битта таҳлика бўлган: хонадонидоги вабо теккан кишини ўлимдан сақлаб қолиш илинжида Мирзаҳамдам табиб буванг олдига келган. Уларнинг жавдираб турган кўзларига кўзлари тушганда бирор нарса тамадди қилишни ҳам унутиб қўяр, бувинг тайёрлаб қўйган доридан олар эканлару извошга ўтириб, вабо кириб борган хонадонга қараб йўлга тушишар экан. Вабо теккан одам оламдан ўтмаган бўлса, ўзлари таркиб қилган доридан ҳам ичириб, ҳам баданига суркар, шундай муолажа билан ўлимдан олиб қолар эканлар, ҳар куни аччиқ гармдори истеъмол қилишни буюрар эканлар. Буванг — Мирзаҳамдам ўз олдига ёрдам сўраб келган бирорта кишини ноумид қилмаган. Аср намози ёки шом намози олдидан ҳориб-толиб уйга қайтиб келар эдилар, дейишади. Лекин ҳолдан тойган бўлсалар ҳам ўлимдан сақлаб қолган кишиларини эслаганларида жуда энгил тортиб кетганлар.

Вабо тарқалган йили ҳамма табиблар оёққа турган, ҳузур-ҳаловатни йўқотган эди. Себзор даҳасида истиқомат қилган Аҳмадхўжа табиб сингари бадавлатроқ ҳақимлар камбағал, бева-бечораларга баҳоли қудрат ёрдам беришган.

Вабо тарқалган йили уй ичимиз билан аччиқ гармдори истеъмол қилишни қанда этмадик, аччиқ гармдориға ўрганиб қолдик. Аччиқни яхши кўришимизнинг боиси шундан.

Мирзаҳамдам буванг ишлари қанчалик кўп бўлмасин битта одатларини ҳеч бир тарқ этмас эдилар. Баҳор келиши билан билақларидан қон олардилар. Уй ичимиздаги катта-кичикнинг танасини ёмон хилтлардан (шлаклар) тозалаш муолажасини қилар эдилар. Эрта билан кўй думбаси, кейин озроқ биқин гўштини қозонга солиб, милдирайтиб қайнатиб қўяр эдилар. Кейин ҳаммамизга кучлироқ сурги дорисини ичирардилар. Дори ичимиздаги хилтларни шундай ҳайдардики, қадам босишга ҳолимиз қолмасди. Охири қайнатилган сув бериб кўрар эдилар. Ичган сувимиз ўзгаришсиз ташқарига чиққандан кейин ярим пиёлагина аччиқ чай ичирардилар. Бу — ични тез боғлар эди. Бу орада милтираб қайнаб ётган шўрва ичидаги думба ёғини бир неча бор чўмич билан эзгилаб келар эдилар. Ана шундан кейин думбали шўрвадан ярим пиёладан сузиб берардилар, гўшти қозонда қоларди. Ана шу муолажадан кейин жуда энгил тортардик. Рухимизда қандайдир энгиллик пайдо бўларди.

Буванг оламдан ўтгандан кейин танани хилтлардан тозалаш муолажасини қилиш на бувинг, на опам, на ака-укаларим, на менинг хаёлимга келди. Қачон бошимиз ёстиққа етса, буванг қилган муолажани эслар эдик. Лекин уни қилишга ҳеч биримизда ҳафсала ҳам, кунт ҳам йўқ эди. Энди ўйлаб кўрсам, тез-тез касал бўлиб туришимизнинг сабаби танамизни ёмон хилтлардан тозалаб турмаслигимиз экан.

Буванг беморларга парҳезни қаттиқ ушлаттирардилар. Парҳезни бузган беморларни қайта кўрмасди ҳам, даволашга қўл урмасди ҳам. «Менинг нафсим балодир, ёнган ўтга соладир», деган мақолни тилларидан қўймас эдилар. Туриб-туриб «бу нафс нималар демайди» деб қўярдилар. Нафсини тиймаган одам бошига бало орттиради, деган гапни доим айтар эдилар. Бу гаплари нақадар тўғрилигига ўзим гувоҳ бўлганман. Овсиним — Жамила опойинг нима бўлдию истеско (водянка) касалига чалиниб қолди. Қайин отам — Убайдулло қори бувангнинг кучи даволашга етмади. Кейин қудалари — Мирзаҳамдам бувангни чақиртириб келдилар. Отамлар касални кўрмасдан айтган гаплари ҳали-ҳали эсимда:

— Келиннинг меҳрибонлари борми? — деб сўрадилар. Уй ичидагилар бир-бирларига қараб ҳайрон бўлиб қолишди.

— Оналари борми, деб сўрамоқдаман, — дедилар.

— Ҳа, бор, бор, — жавоб қилишди.

— Ундай бўлса, бу беморни боқмайман, — дедилар. — Меҳрибонлари кўнгиллари бўшлиқ қилиб буюрган парҳезимни буздириб қўяди.

Жамила опойинг оналари парҳезни қаттиқ ушлашга сўз берди. Уларнинг гапига ишониб опойингни даволай бошладилар. Мошлик, нўхатлик таомларни, сур гўшт, шунга ўхшаш бир қанча таомларни 40 кунгача емасликни буюрдилар. Ҳафтасига икки марта келиб, кўриб кетар эдилар. Опойинг кундан кун бери қараб, оёқ-қўлларидоги, қоринларидаги шишлар бутунлай кетди, семирди ҳам. 39 куни оналари Розия холага мошкичири егилари келаётганини айтди.

— Бир кунлик парҳез нима бўларди, ҳеч нима қилмас, — деб мошкичири қилиб бердилар. Овсиним серёғ, серпиёз мошкичирини тўйиб еб олди. Эрта билан туриб қараса,

оёқ-қўллари яна шишиб кетибди. Қори буванг нима қилишни билмай қолдилар. Амакиларингдан бирини бувангга юбордилар. Эртасига буванг кириб келдилар, остона босиб уйга кирдилару фиғонлари ошиб кетди:

— Қайси меҳрибони мошкичири берди? — зарда билан сўрадилар.

— Йўқ, парҳезни бузгани йўқ, — деди Розия хола. Буванг овсинимнинг томирини ушлаб, томир уришига диққат билан қулоқ солди-да деди:

— Сиз мошкичири емади, деяпсиз. Қизингизнинг томири серёғ мошкичирини тўйиб еб олди, деб айтаяпти. Энди ўзларингдан кўрларинг. Мен бу касални даволамайман, — деб ўринларидан туриб эшик томон юрдилар. Оналари узр айтиб Худонинг зорини қилди. Бўлмади. Охири қори буванг илтимос қилишга тушдилар. Парҳезни қаттиқ ушлатиш кафилигини бўйинларига олдилар. Шундан кейин овсинимни қайтадан даволайдиган бўлдилар. Парҳезни бузиш қандай ёмон оқибатларига олиб келишини бошидан кечирган овсиним жуда кўрқиб қолди. Ҳатто олдига келтириб қўйилган таомни сўраб ейдиган бўлди. Мирзаҳамдам буванг муолажаси билан тузалиб кетди. Шу-шу бирор марта қайталагани йўқ.


Бандаси Худойи таолонинг ўлчаб берган умридан ошиғини яшай олмас экан. Куни битган соатда бирор сабаб билан оламдан ўтар экан. 1922 йили баҳорида билакларидан қон олиш ёдларидан кўтарилдимми ёки ишлари кўпайиб кетдимми, бу муолажани қилмай қўйган эканлар. Қон ғолиблик қилиб бошларига қўйилдимми ёки ич терлама касалига йўлиқдиларми, буни аниқ билмайман. Лекин битта гаплари ҳеч ёдимдан чиқмайди. Қайси табиб қайси касални тузатишга моҳир бўлса, уни шу касал ёруғ оламдан олиб кетади, дер эдилар. Ўзлари ич терлама (тиф)га йўлиққан беморларни жуда яхши даволар эдилар. Агар бу гап тўғри бўлса, бувангни ич терлама касали оламдан олиб кетган. Буванг оғир ётганда ҳамкасблари Афғон табиб, Ҳинду табиб муолажа қилиб кўришди. Бир нима де-йишга ожизлик қилиб, «Бўёғи Оллоҳнинг иродасига боғлиқ», деб кўя қолишди. Даданг бувангнинг тепаларидан жонлари узилгунча жилмадилар. Бир оғиз сўз айтмасдан қимирламай ётган буванг вафот қилишларидан бир кун аввал ўринларидан қаддиларини кўтариб: «Келинг, Ё Расулulloҳ, пайғамбари Худо, мархабо сарвари олам», деб ўтириб олибдилар. «Худого шукур, сизни кўрар кун бор экан-ку», деб яна ўринларига ётибдилар.

Буванг вафотидан кейин Абдиҳабир тоғанг кеч кузга бориб ётиб қолди. Анҳор бўйидаги айвондан файз кетгандек бўлди. Ҳамма нарса ўз эгаси билан экан. Айвоннинг тагини Анҳор суви ювиб ётган экан. Қишнинг ўрталарида айвон Анҳорга қулаб тушди. Жавондаги ҳамма китоблар Анҳорга оқди-кетди. Бу китобларни қутқариб қоладиган одам бўлмади, буларнинг ичида жуда нодир китоблар бор эди, ҳатто буванг томонидан битилган тиббиётга оид рисола ҳам шу китоблар орасида Анҳорга ем бўлди. Тиббиётга оид бир рисолаларини Абдиҳабир тоғанг ўғли — жияним Тальятга кўрсатган эди. Жуда майда ҳарфлар билан битилган «Мирзаҳамдам бувамнинг мана бу қўлёзмаларини топиб олдим», деб хурсанд бўлган эди. Бу қўлёзманинг тақдири билан қизиқмадим. Ўзи эҳтиёт қилар деб ўйладим. Чунки Тошкентдаги Охунбобоев номли медицина билим юртида ўқиб юрар эди-да. Ҳар бир нарса ўз эгаси билан экан. Эгасидан кейин эътибордан қолиб кетар экан.

Ташқи ҳовлидаги меҳмонхоналарида озроқ китоблари қолган эди. Ҳинду табиб Абдиҳабир тоғангга табибчиликни ўргатаман, деб уйга келиб-кейтиб юрди. Шунда бир қанча нодир китоблар ҳам йўқолди. Қолган китобларни тоғанг нима қилганини билмайди.

* * *

Онам Манзуманинг Мирзаҳамдам бувам ҳақидаги хотираси қалбимга жо бўлиб қолди. Бу ибратомуз хотирани қоғоз бетига тушириш орзусида юрардим. Худого шукур, ниятимга етдим.



«Шарқ юлдузи» —

СЕВИМЛИ ЖУРНАЛ

Баҳодир Мурод Али

ҚАЛБ ЮЛДУЗИ

Бу журнал не-не кимсаларни не-не кўйларга солмаган дейсиз. Қайсидир ёзувчининг асари ҳақидаги танқидий фикр-мулоҳаза унинг ўзига айтилган олий ҳукмдек қабул қилинган. Ёхуд зигирдеккина мақтов муаллифнинг оёғини ердан узиб, осмонда бургутдек мағрур чарх урдирган. Ўқувчини-ку, асти қўяверинг: қаҳрамонлар тақдирига куйинганидан юм-юм йиғлаб, қанчадан-қанча ёстиқлар ҳўл бўлган. Ёинки, уларга тақдидан ҳақиқатпарварлик қиламан деб, оёғи айрилиб кетганлар нечта.

Хуллас, «Шарқ юлдузи» бизни болалигимиздан ўзига ром қилиб, адабиёт майдонига етаклаб кирган, руҳимизни кўтарувчи сўз қудратидан баҳраманд этган. «Отахон»нинг «етов»ига берилиб кетиб, сигирларимиз гўзага кирганиниям сезмай қолардик. Ва бригадир Ботирмўйловнинг қамчисидан ҳам тез-тез тотиб турардик. Лекин барибир, журнални қўлдан қўймасдик. Қисқаси, «Шарқ юлдузи» бизни одам қилди, шарқнинг эмас, қалбимизнинг юлдузига айланди.

1983 йил журнал илк бора менга бағрини очди. Халқимизнинг сеvimли ёзувчиси; устозим Тоҳир Малик «Оқтўш» номли ҳикоямни чоп эттирдилар. Бу — мени элга танитди, қалам аҳли орасида Баҳодир Мурод Али деган ном ҳам борлигини билдириб қўйди. Айниқса, раҳматли олимимиз Очил Тоғаев «1983 йилнинг кичик прозаси»га бағишланган маърузасида — Ўзбекистон Ёзувчилар союзи минбаридан туриб 25 минут тўлқинланиб гапирганлар. Ўшанда менинг хурсандчилигимнинг чегараси йўқ эди. Йиғин охирида менинг «Оқтўши»им 1983 йилнинг энг яхши ҳикояси деб тан олинди. Ёш бир ёзувчининг бундан бошқа яна қандай бахти бўлиши мумкин?!

Менга ўхшаган қанчадан-қанча ёш ёзувчиларни Тоҳир Маликка ўхшаш бағри кенг аллома-лар «Шарқ юлдузи» ойнасидан элга кўз-кўз қилмаган дейсиз.

Орадан уч йил ўтгач, таҳририятга ишга келдим. Жамоага адабиётимизнинг устун ҳисобланмиш улўғ шоир, ёзувчилари йиғилган эди. Ўткир Ҳошимов, Омон Мухтор, Носир Фозилов, Мурод Муҳаммад Дўст, Турсун Иброҳимов, Икром Отамуродов, Тоҳир Қаҳҳор, Ортиқ Абдуллаев, Асад Асиров. Мен булардан ишда кўп нарсалар ўргандим. Ҳаттоки, тузукроқ шахмат ўйнашим...

Бу-мўътабар даргоҳда яна анча ишлашим мумкин эди. Аммо... аммамнинг Рустамхон деган ўғиллари бўларди. Оллоҳ раҳмат қилгур бир куни Тошкентга келиб, қўлимга пул берди.

«Манаву бола-чақангнинг иссиқ-совуғига, бугуноқ ишдан бўшанг, бу ердан оладиганингизни олиб бўлдингиз, кўп ўтирсангиз занглаб кетасиз. Энди ёзинг, қолгани бўлаверди», деб мени ишдан бўшаттириб олди. Яхшиям шундай қилган экан, баҳонада анча-мунча нарсалар қоралаган бўлдим. Лекин бирор баҳя «Шарқ юлдузи» (адабиёт)сиз ўзимни тасаввур этолмадим, этолмайман ҳам. Чунки бу қалбимизнинг юлдузи, қалбнинг юлдузи эса ҳамиша пориллаб туриши керак.

ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗ

1. Мен 6-синфда ўқиб юрган пайтларимда — 1956 йилда «Шарқ юлдузи» журнаlinesи ҳайрат ва ҳаяжон ичида ўқилганим илк дақиқаларни яхши эсламан. Талибалик йилларимдан бери барча сонларини йиға бошлаганман.

Насибам қўшилган экан, омад ёр бўлиб, 1975 йилдан то 1993 йилнинг охирларигача, йигирма йил атрофида адабий танқид ва адабиётшунослик бўлими мудири бўлиб ишладим, журналнинг аҳил жамоаси билан бирга кўп яхши кунларни ҳам, серғалва дақиқаларни ҳам бошдан кечирдим.

Мени Мирмуҳсин ака ишга қабул қилган эди. У киши вилоятларда яшайдиган умидли қаламкашларни имкони борича журналга қалб этишни, уларга шарт-шароит яратиб беришни яхши кўрарди.

2. Журналда тўрт муҳаррир — Мирмуҳсин ака, Ҳафиз Абдусаматов, Пирмат Шермуҳамедов ва Ўткир Ҳошимов билан бирга ишладим. Ана шу йиллар давомида истеъдод билан яратилган биронта роман, қисса, шеър, дoston, публицистик ёки адабий-танқидий мақола журнал ходимлари томонидан қасддан ёки тарафкашлик билан қайтарилганидан хабарим йўқ. Яхши асарларга ҳамиша кенг йўл берилар эди. Тўғри, баъзи асарларнинг чиқиши оғир кечган. Масалан, Пиримкул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи жуда қийинчилик билан босилганини биламан. Журнал таҳририятида бу асарнинг чиқиши учун ҳамма хайрихоҳ, аммо шу йиллардаги мафкура қўриқчилари оёғини қаттиқ тираб туриб олган эди. Оқибатда роман олти йил кечикиб босилди.

80-йилларнинг ўрталарида бошланган ошкоралик даври журнал учун катта имкониятлар очиб берди. Илгари ҳатто номини тилга олиш мумкин бўлмаган асарлар «Шарқ юлдузи»да бирин-кетин босила бошлади. Шу йилларда журнал жамоаси жуда катта тарихий-маданий ишларни амалга оширди деса фахр билан айта оламан. Соҳибқирон Амир Темурнинг «Темур тузуклари» асари, Фитратнинг «Абул Файзхон» фожеаси, Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмаси, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи ва ниҳоят, халқимизнинг улкан маънавий мероси «Қурьони Карим» биринчи бор ўзбек тилида журнал саҳифаларида эълон қилинди. Журналнинг ҳар бир янги сони талаш бўлиб кетар эди. Ҳамма ходимлар — Ўткир Ҳошимов, Носир Фозилов, Мурад Муҳаммад Дўст, Омон Мухтор, Икром Отамуродов, Алиназар Эгамназаров, Тоҳир Қаҳҳор, Юсуф Абдуллаев, Асқар Ҳайдаров, Мамаражаб Имомовлардан тортиб Фариди, Манзура сингилларимизгача бу улкан маданий-маърифий ишга ҳисса қўшаётганимиздан бошимиз осмонда эди.

Бугун қатагон қурбонларининг асарларию кўплаб тарихий-маърифий асарлар қайта-қайта босилмоқда. Бунга одатдаги табиий ҳодиса сифатида қарашга ҳамма кўникиб ҳам қолди. Сирасини айтганда, уларни рўёбга чиқариш осон бўлган эмас. Масалан, «Қурьони Карим»нинг маъно таржимасини тўхтатиб қўйиш учун қора кучлар зўр бериб уринишган. Журнал корректураси собиқ компартия Марказий Қўмитасида мафкура котибию бўлим мудирлари, йирик олимлар иштирокида аёвсиз муҳокама қилинган. Тарихимизга, маънавий меросимизга ашаддий ҳужумлар қилиб юрган бир археолог (қадимшунос) олим: «Ҳар қанча харажат кетса-кетсин, аммо Қурьонни чиқариб бўлмайди!» — деб ҳаммага ақл ўргатган. Вазият таранглашиб, охири масала ўша йилларда Марказқўм Биринчи котиби бўлиб ишлаётган президентимиз И. А. Каримов ҳузурида ечилган. У киши хайрихоҳлик билдиргандан кейингина бу муқаддас китобнинг босилишига йўл очилган эди.

Яна бир мисол. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи ҳам босмага тахт қилиб қўйилган эди. Унга устоз Озод Шарафиддинов яхши кириш сўзи ёзганди. Айни Янги йил арафасида Ўткир акани яна «Нажот қалъаси»га чақаришиб, романи ими-жимиди саҳифадан олиб ташланг, деб «маслаҳат» беришади. Бош муҳаррир хафа бўлиб қайтди-ю, аммо сир бой бермади. Ҳаммамизни байрам билан табриклаб, «иккинчи январда ишга кечикмай келинглр, муҳим гап бор», деб тайинлади. Кейин билсак, у байрам арафасида кайфият бузилмасин, деб бояги гапни бизга атайлаб билдирмаган экан. Шунда бутун жамоа жунбушга келиб, «Кеча ва кундуз»ни ҳимоя қилишга отланмоқчи бўлганмиз. Қаттиқ турганимиздан кейин ипни сал бўшатишди. Кириш мақолани қайтадан ёзиб, Чўлпоннинг асли «миллатчи» бўлганию дунёқарашга чекланганини, романнинг камчиликларини кенгроқ кўрсатиш керак, деб «маслаҳат» беришди. Озод ака шу кезларда ҳам оғир бетоб эди. Юқорининг «тавсия»ларини бажариш у кишига ҳам осон бўлмади. Ниҳоятда қийналиб, Чўлпоннинг «хато»лари ҳақида ёзиб берди. Роман журналда босилди ва кейинги нашрлар учун йўл очилди. Ҳаммамиз енгил нафас олдик. Орадан бир муддат ўтиб, селлар тиниб, бўрон босилгандан кейин «билафон» танқидчилардан бири Озод акани танқид

қилиб, Чўлпон ижодига бирёқлама баҳо беришда айблади. Адабий жараёнда ана шунақа галати ҳодисалар ҳам бўлиб туради.

Бу воқеаларни эслаб, «Шарқ юлдузи» журнали ҳамиша адабиётимизнинг кўзгуси бўлиб келганини, ўзбек маданиятининг ривожига мислсиз ҳисса қўшганини яна бир карра таъкидлаш-ни истадим. Севимли журналимизнинг 70 йиллик тўйи аслида адабиётимизнинг чинакам катта байрамидир.

3. «Шарқ юлдузи» ўз номига муносиб адабиётимизнинг порлоқ ёруғ юлдузи бўлиб қолишини хоҳлайман. Бугунги ўтиш даврида уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш зарур.

Журнал жамоаси ҳамиша соғ-саломат бўлсин!

Музаффар Аҳмад

БАХТИЁР ЛАҲЗАЛАР

Ўйлаб кўрсанг, ҳар бир инсоннинг «умри азизи»да эслаб роҳатланишга арзийдиган масъуд-бахтиёр лаҳзалари бўлар экан, мен ҳаётимнинг журналда ишлаб ўтказган олти йилини мана шундай бахтиёр лаҳзаларим деб атагим келади. Эслаган сайин гурурланасан, эслаган сайин соғинасан...

Алқисса, адабиёт қозонида «сиртдан қайнаб» юрган пайтларимиз (аниқроқ айтиб қўяқолай: авиазаводда ишчи эдим), бир куни уйимиз эшигида хат пайдо бўлиб қолди: «Музаффар, излаб келсам, ишда экансиз. Шу кунлар ичида журналга келиб кетинг, гап бор. Икром акангиз».

Ҳайратим ошди, Икром ака билан-ку, яқин олти-етти ой ичида қадрдон бўлиб қолдик, иш орасида вақт топиб таҳририятга бораман, ўша пайтларда илк тўпламим Ёзувчилар уюшмасида муҳокама қилинган, таништирув нутқини Икром акам гапирган эдилар... Аммо уйимизга мени излаб келиши — анчайин кутилмаган ҳол эди.

Гап нимадалигини эртасига билдим — «Шарқ юлдузи» журнали мени ишга таклиф қилмоқ-да экан! «Шарқ юлдузи» қай чўққида-ю, мен қайдаман?..

Аммо бу гаплар рост бўлиб чиқди ва 1986 йилнинг июль ойида «Шарқ юлдузи» журнали-нинг шеърят бўлимида иш бошлаб юбордим...

Таҳририятда ишлаш — шарафли эди, салобатли эди, масъулиятли эди! Ҳазил гапми, республикамизнинг манаман деган адибу удабоси, шоиру танқидчиси ҳафта бўлмасаям, ойда бир марта келиб, хоналаримизга бош суқиб кетарди. Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Ҳамид Фулом, Шук-рулло, Азиз Қаюмов, Раҳим Бекниёз, Азиз Абдураззоқлардан тортиб, то ўзимиз қатори ёшларга-ча — бари келарди. Хизматдошларимизни эсласам, «наҳотки шундай кишилар билан ёнма-ён туриб ишлаган бўлсам-а!» деган гурурдан кўксим кўтарилади: Ўткир Ҳошимов, Носир Фозилов, Мурод Муҳаммад Дўст, Омон Мухтор, Неймат Аминов, Абдусайид Кўчимов, Икром Отамурод, Ортиқбой Абдуллаев, Мурод Хидир, Турсун Иброҳимов, Асад Асил, Тоҳир Қаҳҳор, Баҳодир Муродали, Фарида опам... Олти йил мобайнида шундай инсонлар билан бир муҳитда ишлаш-моқ — ҳақиқатдан ҳам бахт эди, гурур эди, кўпчилиги ўша пайтлардаёқ адабиётимизнинг кори-фейлари — «мактаб яратган қаламкашлари» сифатида донг таратиб улгурган эди. Ҳаммамиз бир оила, бир ота-она фарзандлари каби ишлардик, асар битардик, ижод қилардик. Шулардан ўрнак олардик, ҳавас қилардик.

Кейинги йилларда таҳририятда кўпгина адиблар, шоирлар, ноширлар хизмат қилиб кетди-лар. Лекин журнал бу кунги қийинчиликларга қарамай, ўз олдида турган мақсадни — адабиёт намуналари, янги бадиий асарларни тарғиб қилиш, халққа етказиш вазифасини шараф билан удалаб келаётир. Бу эса чинакам фидойилик, чинакам зиёкорликдир.

*Сен — тирик тарихсан, адабиётсан,
Боқий гўзалликнинг муҳтарам сўзи.
Камолотга эшсан,
заволга ётсан,
Эй сен «Шарқ юлдузи» —
ҳаёт юлдузи!*



Гулшаной Қосимова

ЯХШИ ОТГА БИР ҚАМЧИ...

(Табассум билан ёзилган шеър)

*Кўрқоқ деманг андишанинг асл отин,
Гаҳ деб қўлга қўндиролмаё аёл зотин —
Кўча-кўйда, еру кўкда юрар хотин,
Эркаклар, сиз аёлларни қўлга олинг!*

*Куёш чиқса, нури тушмас мозорлардан,
Кўрқинг сизга Оллоҳ берар озорлардан,
Аёлларни олиб чиқиб бозорлардан,
Эркаклар, сиз аёлларни йўлга солинг!*

*Ўтирмасдан бир аёлдан нажот кутиб,
Виждон билан ғурурингиз қўлга тутиб,
Қилган неки гуноҳидан бир-бир ўтиб —
Эркаклар, сиз аёлларни асраб қолинг!*

*Хаёлингиз пул дардида селдай оқар,
Бўйнингизга ибодат билан сиртмоқ тақар,
Вақти келиб сизни фақат аёл боқар,
Эркаклар, сиз аёллардан ибрат олинг!*



Ҳажвия

Ишхонамга зарур бир гапни айтиш учун телефон рақамларини терган эдим ҳамки, кимнингдир гаплашаётганини эшитдим. Гаплашаётган одамнинг овози майин ва назокатли эди. Мен сизга айтсам, бундай овоз маъшуқаси билан гаплашаётган эркаклардагина бўлади. Эркак гаплашувни эндигина бошлаган шекилли, унинг овозидан майинлик, назокат баҳорги жаладай ёғилиб турарди.

— Қалайсиз, жоним, жонгинам? — деди у.

— Яхши, — дея эшитилди нариги томондаги аёлнинг овози.

— Яхши бўлсангиз яхши-да, — деди эркак. — Қанийди бир умр яхши бўлиб юрсангиз. Қўлимда кўтариб юрсайдим, жоним!

— Бунинг иложи йўқ. Ўзингиз биласиз-ку, эрим ҳали хизмат сафарига кетганича йўқ. Ана кетаман, мана кетаман деб, жонимни куйдиради, холос. Тезроқ йўқолсайди, дейман.

— Куйган жонингиздан айланайин, жоним, — дейди эркак. — Мен ҳам куйиб, ёниб ётибман, жоним! Хаёлларимда сизнинг гўзал чехрангиз.

— Менинг ҳам, — деди аёл ниҳоятда, ёқимли овозда. — Сизни унутолмайман. Сиз мутлақо бошқачасиз.

Бу гап аталган эркакка ҳавасим келиб кетди. Эркак эса, ўзини унутиб қўймади.

— Оҳ, жоним, — деди эркак. — Эрингиз нима иш қилади ўзи?

— Кун бўйи телефон қутисини ковлагани-ковлаган. Бундай, хотиним бор ҳам демайди...

Бўлмади. Эшитсам, бошқа гапларни ҳам эшитаман дедим-да, гўшакни қўйиб, керакли рақамларни қайтадан тердим. Телефоним анча вақт «ду-уд, дуд» қилиб уланди. Ҳамон ўша ошиқ-маъшуқлар гаплашаётган эдилар. Энди уларнинг гап-сўзлари эҳтиросли оҳангларга ўтган эди. Гўшакни қўйдим-да, рақамларни яна бошқатдан тердим. Ҳайрият, бу сафар телефоним анча қитир-қитир қилиб рақамларни ахтариб кўрди шекилли, анчадан сўнг бир телефонга уланди.

— Алло! — Аёл кишининг овози эшитилди. — Алло, бу сизмисиз? Нега жим бўлиб кетдингиз? — Аёл эркакни гапга ундарди.

Мен оғир сўлиш олдим. Бу овоз менга қаратилгандай эди. Гўшакни қўймай гаплашишга қарор қилдим. Тўғрироғи, бу майдонда ўзимни бир синаб кўрмоқчи бўлдим. Шу сабабдан нотаниш аёл билан гапга киришдим.

— Жим бўлиб қолганим йўқ, жоним, — дедим ўзимга-ўзим унчалик ишонқирамай. — Ўзингиз жим бўлиб қолдингиз, гўзалим, жонгинам! Нима гап, тинчликми ўзи?

Аёл бир дам сукут сақлади. Афтидан, ўзининг жазманини суҳбатдан узилиб қолганини сизди деб ўйладим. Гапимиз тўхтаб қолмасайди, деб кўрқдим. Хайриятки, аёл буни сезмади шекилли, гапини давом эттирди:

— Эшик очилгандай бўлувди, шунга ановумикин деб ўйловдим. Сиз-чи? Ёки сизнинг ҳам ановунгиз кеб қолдими?

— Меники ишда, — дедим гапимиз уланиб кетганидан мамнун бўлиб. — Эрталаб чиқиб кетганича кечқурун қайтади. Кун бўйи қорасини кўрмаганимдан хурсандман.

— Меники ҳам шу, — деди аёл. — Адҳам ака, сизни соғинаман, сизни қўмсайман, сиз бўлсангиз қорангизни ҳам кўрсатмайсиз. Севаман деб куйдирасиз, жонимни ёқасиз, Адҳам ака!

Демак, мен — Адҳам ака эканман-да. Бу жононнинг исми нима экан? Қиёфаси қандоқ экан? Лекин ҳозир ҳар дақиқа ғанимат. Шу сабабдан:

— Мен ҳам, жоним, — дейман. — Қанийди сиз ёнимда бўлсангиз, жоним?!

— Жоним, деган тилингиздан айланай, Адҳам ака! Сиз ҳам менинг номимни айтиб жоним денг-чи?! Ёки номимни унутдингизми?

Гапни чўзаман.

— Э, унақа эмас. Сизсиз кунлар бефайз, гўзалим!

— У келди, — деди аёл. — Хўп, Адҳам ака, эртагача хайр! Телефонда сизни кутаман. Менинг телефон рақамимни унутиб қўйманг тагин. Сизни биламан. Дарҳол унутасиз ёки бирор жойда қолдириб кетасиз. Ҳа, майли, телефон рақамимни яна бир бор ёзиб олинг.

У айтди. Мен ёздим. Шундан сўнг, хайр, деди, ниҳоятда, латиф бир овоз.

Гўшакни бир орзиқиш ва ҳайрат билан қўяман. Жонимда бир енгиллик ҳис қиламан. Енгиллик ҳис қиламану кимгадир ачинаман. Кимга? Телефон қилган аёлгами ёки унинг умр йўлдошигами? Билмайман. Қайтадан ишхонам рақамларини тераман. Телефоним узоқ «дуд-дуд» қилиб, қитир-қитир қилиб, зарур тизимларни ахтара-ахтара, уланди. Тагин аёл кишининг овози эшитилди:

— Алло, алло! Эркин ака, — деди аёл. — Эркин ака, нега кўринмай кетдингиз? Дилдорингизни бунча интизор қилдингиз?

Буниси билан гаплашгим ҳам келмади. Гўшакни қўяман. Оғир сўлиш олиб телефонларни созлаш бўлимига қўнгироқ қиламан.

— Алло! — Аёл кишининг овози эшитилади, бирам майин, бирам латифки, кишининг вужудини титратиб юборади. — Эшитаман, гапиринг, акажон!

— Телефоним яхши ишламаяпти. Бирор уста юборсангиз деб, телефон қиялман.

— Хўп бўлади, жоним, — дейди аёл. — Хўп бўлади. Фақат шуми?

Кўп ўтмай етиб келган уста билан эркак ва аёлларнинг суҳбатини эшитамиз. Уста уларнинг биттаси билан ҳатто боғланиб ҳам олди.

— Қизик, — деди у ўйчан. — Акажон, гап бундоқ. Бу аппаратни алмаштиришга тўғри келади.

— Нега, бинойидек ишлаб турибди-ку?

— Ишлаб тургани билан аппаратингиз касалга чалинган. Шилқимлик касалига.

— Шилқимлик касалига? — Яйраб куламан.

— Ҳа, шундай, — деди уста жиддий.

— Ўзим ҳам бир бало бўлган бўлса керак деб ўйловдим, — дейман устага. — Касаланган бўлса, ўрнига янгисини оламан.

— Бу аппаратингизни менга сотинг, — дейди уста. — Қанча десангиз, шуни бераман. Юз мингми, беш юз мингми, айтганингиз?

— Нега? Бу шунчалик топилмас матоҳми?

— Аппаратликка оддий аппаратку-я, лекин шилқимлик касалига чалинган аппарат. Йигит билан қизнинг, эркак билан аёлнинг суҳбатини дарров

топа олади. Ҳар қандай рақамни терганингиз заҳоти худди шундай суҳбатларни қидира бошлайди, топади.

— Наҳотки?

— Ҳа, шундай. Ишонмасангиз, мана исталган рақамни териб кўрамиз. Барибир эркак ва аёл суҳбатини қидириб топади бу аппаратингиз.

Уста таваккалига айтган рақамни терди. Кўп ўтмай телефондан эркак ва аёлнинг «оҳ-воҳи», ишқий дардлашуви эшитилди.

— Э, йўқ, сотмайман, — дедим устага. — Мен бирор нарса сотиб ўрганмаган.

— Ихтиёрингиз, — деди уста бўшашибгина. — Сотганингизда жуда яхши бўларди-да. Ҳеч бўлмаса бир кунга бериб турсангиз. Биласизми, боя гаплашган аёл — менинг хотиним эди.

— Э, йўғ-э...

Уста хомушгина кетди. Мен аппаратни симдан шартта суғурдим-да, полга зарб билан урдим. Шундан сўнг янгисини харид қилиб, симга уладим. Не дейки, рақамларни теришим билан тагин эркак ва аёл овозини эшитдим.

— Жоним, — дерди аёл.

— Жонгинам, — дерди эркак.

Дарҳол устани чақириб, янги аппаратни кўрсатдим.

— Демак, бундан чиқди телефон симингиз касалланибди, — деди уста.

— Телефон сими касалланибди? Йўғ-э, нималар деяпсиз?

Уста бир зумда телефон симини алмаштириб чиқди. Аппаратни янги симга улади.

— Хўш? — деб сўрадим, аппаратни қўлида тутиб турган устадан. — Ўзгариш борми?

У гапирмаса ҳам аҳволни англадим. Телефонда эркак ва аёлнинг нозла-нишлари эшитиларди.

— Тушунмадим, — деб елка қисди уста. — Эҳтимол... гап уйдадир?

— Уйимда? Нималар деяпсиз?..

Уйни тўрт кун таъмирлатиб, янги телефон сими торттириб, аппаратни қўйдим. Ҳамон ўшанақанги овозлар эшитиларди.

— Эҳ, лаънатилар, — деб бўғилиб кетдим.

— Лаънатилар, — деб менга қўшилиб бўғилди уста. — Биласизми, хаёлимга бир фикр келди. Гап телефон қутисига ҳам, симда ҳам, уйингизда ҳам эмас. Гап ҳавода. Ҳаво айниган.

— Ҳаво?! Нималар деяпсиз, ўзи?

— Ҳа, ҳа, гап шунда, — деди уста маънодор қилиб. — Ҳаво бузилган. Ҳаво...

Уста кетгач, айвонга чиқдим-да, бузилган ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олдим. Атрофда кўчаларни тўлдириб бораётган, гулдек очилган қиз-жувонларга суқланиб қарадим.

Ҳа, уста янглишмаган экан, чиндан ҳам ҳаво...

Қамаши

Мундарижа

БУ КУННИНГ ГАПИ

- Носир Мухаммад. Эзгулик ва жаҳолат кураши 3
Абдулла Абдунабиев. Халқимиз маънавий қиёфасига бир нигоҳ 8

ШОИРУ ШЕЪРУ ШУУР

- Миразиз Аъзам. Бу олам муаттар нафасинг билан 13
Машраб Бобоев. Қайдандир оқади бир кўшиқ 18
Қамбар Ота. Тўртовлон тугал, зебо 97
Исмоил Тўхтамишев. Олам мунаввардир нурдан, зиёдан 99
Фулом Шомурод. Назмий қатралар 101
Фарида Афрўз. Саодатнинг тунлари ялдо 103
Сайёра Самандарова. Садо бер, эй самимий сўз 105

АСРЛАР, АСАРЛАР

- Мухаммад Али. Улуғ салтанат. *Тарихий роман* 23
Асад Асил. *Ҳикоялар* 107

ЎТМИШГА САЁҲАТ

- Иброҳим Каримов. Миллий истиқлол гоёсининг «Авесто»даги фалсафий
илдизлари 119
Ҳамиджон Ҳомидий. «Авесто» ва адабиёт 121

АДАБИЙ ДАВРА

- Йўлдош Солижонов. «Икки эшик ораси»дан «Лолазор»га ўтгунча 125
Мадинахон Имомкаримова. Миллий қадриятларни акс эттиришда адиб
маҳорати 129
Шоира Дониёрова. «Бозор» романи ҳақида яна бир гап 137

ТАБАРРУК ТУПРОҚ

- Олимжон Холдор, Назиржон Саидов. Олам билан юзлашган олим 131
Эгамберган Каримов. Мангу ойдин йўл 135
Садриддин Салим Бухорий. Устоз Шариф Нурхон ҳикмати 140
Ғайбулла Асадулла қори ўғли. Мирзаҳамдам ҳақим ҳақида онам айтганлари 143

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИ 70 ЙИЛЛИГИГА

- Ойдин Ҳожиева. Менинг дорилфунуним 2
Баҳодир Мурад Али. Қалб юлдузи 153
Ортиқбой Абдуллаев. Йўлчи юлдуз 154
Музаффар Аҳмад. Бахтиёр лаҳзалар 155

ГУЛҚАЙЧИ

- Гулшаной Қосимова. Яхши отга бир қамчи 156
Абдулла Бобоев. Шилқим телефон. *Ҳажвия* 157

Безовчи рассом Абдухалил Турсунов.
Сураткашлар: Машраб Нуриноев, Пардабой Эргашев.

* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табақчада бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. * Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. * Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалқаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент-29, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. * Обунага монетлик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Амир Темура тор кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 7.12.2001 й. Босишга рухсат этилди 23.01.2002 й. Қоғоз формати 70x108¹/₁₆.
Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табағи 10. Шартли босма табағи 14. Шартли-
рангли босма табағи 14,7. Нашриёт ҳисоб табағи 15:4. Адади 1400 нусха. Буюртма № 2760.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРҲДА
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси,
700000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.